



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 9 (11)
2023**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

9

Maxsus soni

Namangan muhandislik-qurilish instituti professor-o‘qituvchilari va
tadqiqotchilarining ilmiy maqolalari

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2023

UDK: 818.213

BBK: 84.61

B- 29

Butun kuch va salohiyatimizni yagona ulug' maqsadimiz – Yangi O'zbekistonni barpo etishga qaratamiz.

Yangi O'zbekiston – bu, avvalo, yangi iqtisodiy munosabatlar, yangi iqtisodiy dunyoqarash demakdir.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
Shavkat Mirziyoyev

Все свои силы и потенциал мы направим на достижение нашей общей великой цели - построение нового Узбекистана. Новый Узбекистан – это, прежде всего, новые экономические отношения, новое экономическое мировоззрение.

Президент Республики Узбекистан Шавкат
Мирзиёев

© Yangi O'zbekiston iqtisodiyoti

© «**KLASSIC PRINT**» nashriyoti

“Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti” - ilmiy-uslubiy jurnal

Ilmiy-uslubiy jurnal 1.09.2022-yildan boshlab chiqa boshlagan, yiliga 6 marta chop etiladi.

Ta’sischi:

MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

Bosh muharrir

Bosh muharrir o‘rinbosari

Mas’ul kotib

i.f.d., prof. A.Qodirov

PhD, dots. X.X.Rejapov

PhD. K.A.Muxitdinova

Jamoatchilik kengashi:

Prof. I.U.Madjidov (rais), prof. Sh.Toshmatov, PhD E.Yodgorov, i.f.n., dots. A.T.Umarov, i.f.d., prof. A.Qodirov

Tahrir hay’ati:

Prof. Sh.O.Toshmatov, i.f.d., prof. A.Qodirov, prof. A.V.Vaxabov, prof. X.P.Abdulqosimov, prof. F.T.Egamberdiyev, prof. Sh.K.Yo‘ldashev, prof. A.M.Sodiqov, prof. Q.Muftaydinov, prof. K.Ubaydullayev, i.f.d. Q.K.Mambetjanov, prof. I.Y.Umarov, i.f.d. B.Tagayev, i.f.d. Z.T. G‘oipnazarova, i.f.d., G.N.Maxmudova, prof. P.Z.Xashimov, i.f.d., dots. X.X.Rejapov, dots. A.T.Umarov, i.f.d. B.B. Baxtiyorov, dots. Sh.S.Nasretdinova, dots. B.B.Mullaboyev, dots. Z.Jumaqulov, dots. N.A.Artiqov, dots. K.A.Muxiddinova, dots. D.I.Ro‘ziyeva, dots. A.Ambartsumyan, dots. A.Boboyev, dots. X.Baratov, dots. N.A.Kudratxodjayeva, dots. M.I.Saidkarimova, dots. N.Z. Umarova, PhD K.Jabborov, PhD Sh.Abdullayeva.

Tahririyat manzili:

10095, Toshkent - 95, Universitet ko‘chasi, 4. tel: (+99899) 821-20-72

Журнал сайти: <https://journal.econuu.uz>

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administrasiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikasiyalar agentligi tomonidan 17.07.2022-yilda № 4715-son bilan ro‘yxatga olingan.

Buyurtma: ISSN 978-9943-5256-3-4

Jurnal OAK ro‘yxatiga 2023 yil 1 iyuldan kiritilgan (OAK rayosat qarori 04.07.2023 yil № 340/3).

Jurnalda ma’lumotlar bosilganda dalillar ko‘rsatilishi shart. Jurnalda chop etilgan ma’lumot va keltirilgan dalilarning aniqligi uchun muallif javobgardir.

“Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti” № 9. 2023

MUNDARIJA

Арипов О.А., Исмаилов М. Ишбилармонлик муҳитини яхшилашда рақамли иқтисодиётнинг ўрни.....	7
Сирожиддинов И. Қ. Миллий валютанинг курси ўзгаришларини белгиловчи омиллар	10
Ботирова Р. Инвестицион жараёнларни фаоллаштириш иқтисодий барқарорлик ва ўсишни таъминлаш омили сифатида.....	14
Шарофиддинова Г.И. Тадбиркорликдаги гендер муносабатларнинг назарий такомиллашуви.....	20
Ibrogimov Sh.X. Namangan viloyati qurilish materiallari ishlab chiqarish korxonalarining faoliyati samaradorligini ta'minlash holati va tahlili.....	25
Abdusattorov S.H. Kichik biznesning turli sohalarida sun'iy intellekt texnologiyalari va kompyuterlardan foydalanish.....	31
Бобаев И.А. Тадбиркорликни юритишда ташқи омилларнинг аҳоли фаровонлигига таъсири.....	37
Махмудова Н.Б. Худудий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳамияти...	42
Pazilidinov M.M. Raqamli iqtisodiyotning vujudga kelishi va rivojlanish bosqichlari.....	48
Nasirova N.T. Asosiy vositalarning eskirishi va amortizatsiyasi hisobiga milliy standartlar asosida yondashuv.....	53
Жамалова Г. Социальная направленность инвестиций в современных условиях.....	57
Жураев Э.С. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида реал инвестицияларнинг самарадорлигини сценарийлар асосида эконометрик баҳолаш.....	61
Ismatov R.O. Iqtisodiyotini rivojlantirishga investitsiyalar jalb qilish samaradorligini oshirish.....	68
Мурадова Н. Истикболда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда Италия тажрибасини қўллаш.....	73
Асатуллаева Ш.М. Инфратузилманинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.....	77
Xodjiboyeva I.V. Ta'limni modernizatsiyalash sharoitida iqtisodiy ta'lim va talabalarining iqtisodiy kompetentsiyasini rivojlantirishning ahamiyati.....	82
Isomuxamedov A.B. Xarajatlarni hisobga olish va tahlil qilish budjetlashtirishning asosi sifatida Namangan muhandislik-qurilish instituti.....	86
Хўжаханов М.Х., Назарова Ш.М. Тадбиркорлик субъектларида истикболли молиявий таҳлилни мақсади ва вазифалари, ҳамда молиявий ҳолат кўрсаткичларини прогнозлаштиришни асослашда уларни ўрни.....	90
Umurakov D.X. Tovar-moddiy zaxiralar hisobini to'g'ri tashkil etish masalalari.....	96
Bo'yo'trayev O.U. Farg'ona vodiysida xususiyatlaridan kelib chiqqan xolda turizm soxasi raqobatbardoshligi salohiyatini baholash.....	101
Асатуллаева Ш.М., Маматкулов И.Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорликни самарали ривожлантириш масалалари хусусида.....	108
Убайдуллаев Т.А. Аҳоли даромадларини оширишда касаначиликнинг аҳамияти.....	112
Набиева М.Ж. Тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини жадаллаштириш.....	114
Yuldashev A.Y. Uy xo'jaligi daromadlari va xarajatlari hamda ularni takomillashtirish.....	118
Xolmirzayev U.A., Hakimova G.A. Noodatiy sharoitida kichik korxonalarda kassa usulining ijobiy jihatlari.....	122
Сирожиддинов К.И. Агросаноат кластерларида тармоқлар ўзаро иқтисодий муносабатларини чуқурлаштириш истикболлари.....	127
Қорабаев Ш.А. Саноат инвестициялари самарадорлигини оширишда мақсадли бошқарувнинг ўрни.....	133
Султонбоев У.Х. Имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш.....	138

Adashev A.U. Sanoat korxonalarining iqtisodiy salohiyatini tadqiq qilishning nazariy asoslari.....	142
Исаков М.Ю. Sanoat korxonasini raqamlashtirish va “Sanoat-4.0” ni amalga kiritishning asosiy omillari.....	146
Umarkulov K.M., Жўраев И.К. Yengil sanoatda eksportni diversifikasiyalashning nazariy asoslari.....	151
Сайпуллаев И.А. Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда креатив кадрларнинг ўрни.....	156
Сотволдиев Н.Ж. Минтақавий озиқ-овқат бозорининг амал қилиш механизмини такомиллаштириш.....	161
Нурматов Д.Н. Международный опыт исследования безопасности в трудовой сфере..	166
Isafova Z.M. Davlat xizmatiga loyiha boshqaruvi standartlarini joriy etish borasidagi yondashuvlar.....	169
Бахтиёрв Б.Б. Тижорат банклари ресурсларини бошқаришнинг илғор хориж амалиёти таҳлили.....	175
Fayzullayev D.M. O‘zbekiston respublikasi davlat budjeti daromadlarining statistik tahlili: tushunchalar va tendentsiyalar.....	180
Sattikulova G.A. Respublika sanoatida Andijon viloyatining salmog‘i va uning rivojlanish tendentsiyasi.....	185
Alimova G.A. Aholini ijtimoiy himoyalashni davlat budjetidan moliyaashtirish holati va tendentsiyalari.....	190
Алимов Н.Х. Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият модели (концепцияси).....	195
Тўйчиев К.Л. Развитие маркетинга и технологий как элементов экономической устойчивости.....	204
Eshmirzayev F.I. Iqtisodiyotni innovatsion rivojlanishida tadqiqot va ishlanmalar xarajatlarini.....	208
Hasanova N.H. Iqtisodiy o‘shish sifati va aholi daromadlari dinamikasi.....	215
Тошматов Ш. Х. Иқтисодиётни диверсификацилаш босқичида банк хизматларини ривожлантириш.....	219
Narmanov U., Maqsudov A., Abdishukurova G. Local budget formation systems.....	226
Rejapov X.X. Amerika qo‘shma shtatlari federal va shtat budjetlarining sog‘liqni saqlash dasturlariga xarajatlari: “medicaid” dasturi.....	229
Толаметова З.А. Меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг хориж тажрибаси ва уни Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари.....	233
Даниярова Ф.Б. Ўзбекистонда агрокластерларни ривожлантириш хусусиятлари.....	241
Иргашев А. Ф. Мамлакат иқтисодиётини тартибга солишда молиявий сиёсат ва молиявий бошқарув воситаларидан фойдаланиш йўллари.....	248
Sultanov A.A. Investitsiyalarni jalb qilishni rivojlantirish yo‘nalishlari.....	254
Ёрмаматов Қ. Ж. Мотивациянинг назарий ва концептуал асосларини ривожланиш тенденциялари.....	258

**ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ
ЎРНИ**

РОЛЬ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЛУЧШЕНИИ БИЗНЕС-СРЕДЫ

**THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN IMPROVING THE BUSINESS
ENVIRONMENT**

и.ф.д., проф. Арипов Ойбек Абдуллаевич
Наманган муҳандислик-қурилиш институти,
Иқтисодиёт кафедраси мудири

Исмаилов М. НамМҚИ магистранти

Аннотация

Мақола рақамли иқтисодиётнинг ишбилармонлик муҳитини яхшилашдаги аҳамияти масалаларига бағишланган. Рақамли иқтисодиёт асосида виртуал муҳитнинг инфратузилмалар фаолиятига кириб бориши ва ишбилармонлик муҳитининг кенгайиши механизми атрофлича ёритиб берилган. Ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиши йўлида рамзий маънодаги формула ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, кичик бизнес, тадбиркорлик, ишбилармонлик муҳити, инфратузилма, бизнесни юритиш.

Статья посвящена значению цифровой экономики в улучшении бизнес-среды. Подробно объясняется механизм проникновения виртуальной среды в деятельность инфраструктур и расширения бизнес-среды на основе цифровой экономики. Разработана символическая формула для улучшения бизнес-среды.

Ключевые слова: цифровая экономика, малый бизнес, предпринимательство, деловая среда, инфраструктура, ведение бизнеса.

The article is devoted to the importance of the digital economy in improving the business environment. The mechanism of the penetration of the virtual environment into the activities of infrastructures and the expansion of the business environment based on the digital economy is explained in detail. A symbolic formula has been developed to improve the business environment.

Key words: digital economy, small business, entrepreneurship, business environment, infrastructure, doing business.

Ишбилармонлик муҳитини кенгайтиришда бозор инфратузилмасининг диверсификациялашуви муҳим аҳамият касб этади. Бу йўналишда рақамли иқтисодиётнинг алоҳида ўрни бор. Чунки рақамли иқтисодиёт туфайли виртуал муҳит ривожланади. Бу эса бозор хизматларининг электрон шакллари тобора кенгайишига олиб келади. Натижада кичик бизнес субъектларининг фаоллиги ошади. Виртуал муҳит инфратузилма объектлари таркибига қирмоқда ва ишбилармонлик муҳитининг таркибидан ҳам жой олмоқда (1-расм). Энг муҳими, ўз-ўзидан мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитининг ҳам ўзига хос қулайлашуви рўй бермоқдаки, бунинг оқибатида глобал муносабатларнинг ривожини авж олмоқда.

Фикримизча, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш муҳим. Интернет тизимини фаоллаштириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этиш зарур. Бунинг натижасида электрон узатишнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш фаоллашади. Кенг поласали уланишнинг оптик тармоқларини ривожлантириш ва мобил алоқа тармоғини

модернизация қилиш учун қулай шарт-шароитлар таъминланади. Бу эса кичик бизнес субъектлари фаолияти учун янада қулай шароит бўлиб, жаҳоннинг турли давлатлари билан ўзаро иқтисодий муносабатларни тез ва ихчам амалга ошириш имконияти юзага келади.



1-расм. Рақамли иқтисодиёт асосида виртуал муҳитнинг инфратузилмалар фаолиятига кириб бориши ва ишбилармонлик муҳитининг кенгайиши механизми [3]

Рақамли иқтисодиёт давлат, бизнес ва фанни бирлаштириши мумкин. Рақамли иқтисодиётда бошқа халқаро тизимлар ва амалий механизмлар билан бирга бўла олишга эришиш учун «умумий дарча» механизмидаги маълумотлар моделлари ва ҳужжатлар халқаро стандартлари ва тавсиялари асосида ташкил қилиниши лозим. Уйғунлаштириш лозим бўлган хабарлар ва ҳужжатларнинг бошланғич маълумотларини қамраб оладиган маълумотлар рўйхатини тузишда, шунингдек, миллий маълумотлар моделини шакллантиришда уларни халқаро стандартлар талабларига мувофиқ тавсифлаш ва белгилаш зарур [4].

Шуни эътироф этиш керакки, 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация ва интернет технологияларига асосланган рақамли иқтисодиёт улушини мамлакат ялпи ички маҳсулот таркибида 10% га етказиш асосий вазифа сифатида белгиланган. Қораверса, халқаро ташкилотлар рейтингида юқори кўрсаткичларга эришиш бўйича барча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар қўлланилмоқда.

2023 йилнинг 1 сентябргача Ўзбекистонда интернет хизматлари сифати ва узатиш тезлигини ўлчайдиган тизим жорий этиш таклиф қилинди. Унинг веб-сервис ҳаволаси ва мобил иловаси очик манбаларда ҳамда интернет хизматларини кўрсатувчи компанияларнинг расмий сайтларида жойлаштирилиши ҳам белгиланган.

Президентининг 2022 йил августидаги ПҚ-357-сонли ҳамда 2018 йил ноябрдаги ПҚ-4024-сон қарорларига мувофиқ, Интернет хизматлари сифати ва узатиш тезлигини ўлчаш — «тезнет.уз» миллий ахборот тизимини жорий этиш таклифи берилмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад — интернет хизматлари сифати ва узатиш тезлигини замонавий IT-воситаларини қўллаган ҳолда мониторинг қилиш ва жамоатчилик назоратини таъминлашдир. Шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар биргаликда қуйдагиларни амалга оширишни кўзламоқдалар [9]:

– 2023 йил 1 февралга қадар, маълумотларни узатиш, шу жумладан Интернет хизматлари сифати ва узатиш тезлигини ўлчаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиши;

- 2023 йил 10 июлга қадар «тезнет.уз» миллий ахборот тизими техник хужжатлари ишлаб чиқиши ҳамда белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилиши;
- 2023 йил 1 сентабрга қадар тизимни дастлабки босқичда синов тарзда ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Айни даврда Ўзбекистонда интернет тизимини янада ривожлантириш мақсадида Хитой Халқ Республикасидан 40 млн. АҚШ долларида қарз олиш кўзланмоқда. «Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасига кўра, ушбу маблағлар инвестиция лойиҳалари доирасида «Ўзбектелеком» АК томонидан тузиладиган, технологик ускуналар, дастурий таъминот ҳамда хизматлар кўрсатишни етказиб бериш учун импорт шартномалари қийматининг 100 фоизини тўлашга сарфланади» [6]. Хужжатда «5G технологиясини жорий этиш истикболи билан телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш», «Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини кенгайтириш» ҳамда «Интернетга кенг полосали уланиш бўйича симсиз технологияларни жорий этиш» каби лойиҳалар ҳам назарда тутилган.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун барча имкониятлар ва шарт-шароитлар етарли. Лекин шундай бўлса-да, бундай иқтисодиётнинг ривожланиши жуда секин кечмоқда. Бунга қуйидаги бир қатор омиллар сабаб бўлмоқда:

- мамлакат бўйлаб интернет тезлиги ва сифатининг пастлиги;
- иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларда монополияларнинг мавжудлиги;
- ахборот технологиялари соҳасидаги қонунчиликнинг замондан ортда қолганлиги;
- компьютер саводхонлиги даражасининг пастлиги;
- ахборот технологиялари бўйича малакали мутахассисларининг етишмаслиги;
- ахборот технологиялари хавфсизлигининг етарли даражада эмаслигидир.

Албатта бу каби салбий омиллар нафақат рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига тўсиқ бўлади, балки мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитига ҳам ўзининг ёмон таъсирини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ишбилармонлик муҳитининг (*Иш_м*) яхшиланишида рақамли маънода қуйидаги формулага мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир [3]:

$$Иш_м = Қонун_т + Мал_м + Инф_ф + Кор_кк$$

Демак, ишбилармонлик муҳитини кулайлашувида қонунчиликни такомиллаштириш (*Қонун_т*), малакали мутахассисларни (*Мал_м*) жалб этиш, инфратузилма фаолиятини (*Инф_ф*) яхшилаш билан бир қаторда, коррупцияга қарши курашиш (*Кор_{кк}*) муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини кулайлаштириш мақсадидада инфратузилма фаолиятини кенгайтириш учун қуйидаги йўналишларда чора-тадбирларни амалга жорий этиш зарур:

- маҳаллий шароитда ички капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва хорижий инвесторларни жалб этишни кучайтириш;
- МДХ мамлакатларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар филиалларини очиш;
- кўп тармоқли кичик бизнес субъектлари фаолияти таркибида инфратузилмалар шохобчалари ёки уларнинг шўъбаларини ташкил этиш;
- ҳудудларда (айниқса қишлоқ жойларида) инновацияли институтлар ташкил этиш ва улар фаолиятини кучайтириш: бизнес инкубаторлар, технопарклар, лизинг корхоналари, технологик ишлаб чиқариш марказлари сонини ошириш ва рақобатини ташкил этиш;
- бозор инфратузилмаси фаолиятини рағбатлантирувчи воситаларни ишга солиш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида маҳаллий бошқарув идораларининг ваколатларини фаоллаштириш;
- тадбиркорларга замонавий бизнес асосларини ўргатиш, бу бўйича алоҳида мустақил тадбиркорларга таълим бериш марказини ташкил этиш ва ОТМ ҳамкорлигида мутахассисларни жалб этган ҳолда ўқув курсларини жорий этиш;

– бозор инфратузилма объектларини фаоллаштириш ва унинг фаолиятини оммалаштириш мақсадида бозор инфратузилмаси фаолияти бўйича махсуслаштирилган адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги даврда биз электрон технологиялар қандай қилиб оммавий хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ўзгартираётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Рўй бераётган ўзгаришлар орқали биз рақамли иқтисодиётнинг афсона ёки ҳақиқат эканлигини эътироф этмоқчи эмасмиз. Ақсинча, рақамли иқтисодиёт ишбилармонлик муҳитига ўзгаришлар киритиб, жамиятга янада самаралироқ хизмат кўрсатиш имконини яратиши тўғрисида фикрларимизни ифода этдик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида» ЎРҚ-220-1-сонли, 1996 йил 25 апрел.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПК-357-сонли, 2022 йил 22 август.
3. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш. –Т.: «LESSON PRESS» нашриёти, 2021. – 225 б.
4. Хашимов П.З., Фахриддинова З.Ф. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш истиқболлари. // Иқтисод ва молия. №3, 2020.
5. Қодиров Х. Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида муаммолар аниқланди. // <http://uza.uz/oz/society/>
6. <https://review.uz/ru/news/technology/> Ўзбекистан улучшит инфраструктуру интернета за счет китайского кредита.
7. <https://uznews.uz/ru/article/16132>
8. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/06/22/specials-zones/>
9. <https://www.gazeta.uz/oz/2022/11/14/national-system/>

УДК: 336.74

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАНИНГ КУРСИ ЎЗГАРИШЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР

ФАКТОРЫ, ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ ИЗМЕНЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ВАЛЮТЫ

FACTORS DETERMINING CHANGES IN THE NATIONAL CURRENCY

**И. Қ. Сирожиддинов Наманган муҳандислик-қурилиш
институтини, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент**

Аннотация

Мақолада миллий валюта курсига ҳозирги шароитда таъсир этаётган омиллар илмий тадқиқ этилган. Валюта курси мамлакат ички ва ташқи иқтисодиёти билан ўзаро боғлиқлиги тўғрисида мулоҳазалар юритилган. Ҳозирги пайтда валюта муносабатлари ривожланишидаги тенденциялар тадқиқи келтирилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, инфляция, миллий валюта, хорижий валюта, валюта курси, иқтисодий ўсиш, экспорт.

В статье научно исследованы факторы, влияющие на курс национальной валюты в современных условиях. Были рассмотрены вопросы связи обменного курса с внутренней и внешней экономикой страны. В настоящее время представлены исследования тенденций развития валютных отношений.

Ключевые слова: экономика, инфляция, национальная валюта, иностранная валюта, валютный курс, экономический рост, экспорт.

The article scientifically examines the factors influencing the exchange rate of the national currency in modern conditions. The issues of the connection between the exchange rate and the domestic and foreign economy of the country were considered. Currently, studies of trends in the development of currency relations are presented.

Keywords: economy, inflation, national currency, foreign currency, exchange rate, economic growth, export.

Валюта курси мамлакат ички ва ташқи иқтисодиёти билан ўзаро боғлиқ бўлиб, унинг ўзгариши мамлакат иқтисодиётига ва ташқи иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Валюта курси ва унги келгусидаги ҳолати ташқи иқтисодий муносабатларни, айниқса ташқи савдони ривожлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Валюта курсининг ўзгариши ташқи савдо самарадорлигига таъсир қилади.

Миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курси ўзгаришларини барқарорлаштириш ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг таъсирчан воситаси ҳисобланади. Унинг асосий принциплари Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил май ойида қабул қилинган ва дастлаб 2003 йилда, сўнгра 2019 йилда қайта янги таҳрирда қабул қилинган “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунида ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. Марказий банк томонидан миллий валюта курсининг хорижий валюталарга нисбатан барқарор ушлаб турилиши ҳамда пул-кредит ва валюта сиёсатининг самарадорлигининг оширилиши ҳам тўлов балансининг ижобий ҳолатда бўлишига замин яратмоқда.

Назарий жиҳатдан ва энг умумий равишда олинганда миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курси миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига, халқаро миқёсда рақобатбардошлигига асосланади. Ўз навбатида, рақобатбардошлик технологик устунликларга ва меҳнат унумдорлигига таянади. Технологик устунликка эга мамлакат юқори нафлиликка эга товарни камроқ меҳнат сарфи билан жаҳон бозорига таклиф эта олади ва бу миллий валютага устунлик беради. Бу омиллар узоқ муддатли характерга эга бўлиб, уларга эришилиши миллий иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширилиши орқали юз беради.

Шу билан бирга қисқа муддатли даврда бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар валюта муносабатларига ҳам таъсир этмай қолмайди. Умуман олганда, ҳар бир узоқ муддатли давр қисқа муддатли даврларнинг йиғиндисидан иборатлиги учун қисқа муддатли даврда амал қилаётган омиллар таъсирини инкор этиш мумкин эмас.

Узоқ муддатли даврда миллий валютанинг халқаро миқёсдаги кадр-қиймати мамлакат жаҳон бозорига рақобатбардош товарларни таклиф эта олиши билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан юксак технологияли товарларни таклиф этувчиларда устунлик мавжуд. Биринчидан, бундай товарларни таклиф этувчилар деярли барча вазиятларда бозорда монопол мавқега эга бўладилар. Монополист товардан келадиган нафнинг кўпроқ қисмини ўзлаштириб, харидорга нафнинг озроқ қисмини қолдиради. Натижада харидор монополистнинг озроқ меҳнати учун ўзининг кўпроқ меҳнатини беришга мажбур. Акс ҳолда товарга ва ундан келадиган нафга умуман эга бўла олмайди. Бу эса узоқ муддатли даврда миллий валютанинг кадрини пасайтиради. Ўзбекистон импортининг деярли ярми юксак технологияли инвестицион товарларга тўғри келмоқда ва уларни асосан монополистик бозорлардан харид қилинмоқда. Иккинчидан, юксак технологиялар шароитида юқори малакали меҳнат қўланади. Бундай меҳнат вақт бирлигида кўпроқ янги қиймат яратади, меҳнат натижаларининг нафлилиги эса яна ҳам юқори. Бу ҳам пировардида миллий валютага узоқ муддатли устунликни таъминлайди.

Қисқа муддатли даврда миллий валюта курси ўзгаришлари экспортга тўсқинлик қилмаслик ва имкони бориचा уни рағбатлантириш қанчалик даражада амалга

оширилаётганлигига (бу валюта бозоридаги жорий таклифни белгилайди) ҳамда импорт қанчалик даражада тежамли олиб борилаётганлигига (валюта бозоридаги жорий талаб) боғлиқ. Малакатдан капиталнинг четга чиқиб кетишга интилиши (айниқса коррупцион бойликларини ташқарида легаллаштириб олиш мақсадларида) экспортдан тушумларни камайтиради ва хорижий валютага талабни оширади. Шу нуқтаи назардан 2017 – 2021 йилларда мамлакатимизда миллий валютанинг долларга нисбатан қадрсизланиши суръатларининг кескин пасайиши, бу суръатларнинг инфляция суръатлари билан бир неча секинроқ бўлганлиги, фикримизча, коррупцияга анча сезиларли чоралар кўрилаётганлиги билан боғлиқ.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат бюджетининг юқори даражадаги камомоди, уни қоплаш учун миллий валютанинг катта ҳажмлардаги эмиссияси гиперинфляцияга, миллий валютага ишонч сусайишига, иқтисодиётдаги транзакцияларда хорижий валютадан фойдаланиш ҳажмлари ортишига олиб келади ва миллий валюта курси кескин пасаяди. Иқтисодиётнинг долларлашувига кўп ҳолларда давлатнинг ўзи ҳам қўмаклашади. Энг муҳим товарлар нархи долларда белгиланади, сал ноёброқ ресурслар миллий валютага сотилмайди, миллий валютани эркин тасарруф қилишни чекловчи қоидалар жорий қилинади. Натижада миллий валютанинг ҳақиқий пулга хос функцияларни бажариш имкониятлари чекланади ва бу унинг қадрини пасайтиради. Солиқ юки юқори эканлиги ва тадбиркорлик эркинликларига бюрократик тўсқинлик капиталнинг четга чиқиб кетишга интилишини кучайтиради. Бундай шароитларда коррупция кучаяди, реал молиявий назорат эса деярли олиб борилмайди.

Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари баланслашуви, реал макроиқтисодий ўсишга эришишгана бундай салбий жараёнларни жиловлашга имконият яратади. Ресурслар бозорининг эркинлаштирилиши ва миллий валютага ўтказилиши, бир томондан, инвестицион жараёнларни жадаллаштиради, иккинчи томондан, хорижий валютага талаб тегишли равишда камаёди. Шунингдек, хорижий инвестор ўз маблағининг катта қисмини сўмда сарфлашига тўғри келиши валюта бозоридаги таклифни кенгайтиради.

Капиталнинг четга чиқиб кетишга интилиши кучли пайтларда давлат экспорт устидан каттиқ назорат олиб боришига тўғри келади. Лекин бизнес муҳитни яхшиламасдан туриб бу жараённи қисқартириб бўлмайди. Капитал четга хорижий валютада чиқиб кетади ва бу валюта бозоридаги талабни экспорт-импорт муносабатлари тақозо этадиган чегаралардан ташқарига олиб чиқади. Қора бозорда хорижий валюта нархи оширилиши содир бўлади.

Капиталнинг четга чиқиб кетишини олдини олиш мақсадларида ўрнатиладиган тартиблар аксарият ҳолларда салбий натижа беради. Масалан, товарларнинг фақат олдиндан тўлов ёки тўлов тўла қафолатланган тўлов шартлари билан экспорт қилиниши экспортчиларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини заифлаштиради, харажатларини оширади ва объектив равишда экспорт тушумларини камроқ бўлишига олиб келади. Экспортни марказлаштиришга интилиш бундан ҳам жиддийроқ оқибатларни келтириб чиқаради. Монополист экспортчилар ички бозордаги харид нархларини сунъий равишда пасайтирадилар. Экспорт товарларини бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволи оғирлашади. Буни пахта толаси экспорти мисолида яққол кўриш мумкин эди. Пахта толаси экспорти тўхтатилди, ундан ишлаб чиқариладиган арзон маҳсулот экспорти давом этмокда. Бу эса миллий валюта қадрини мустаҳкамлай олмайди. Монополияга олиб келувчи тартибларни мева-сабзот экспортига жорий қилишга уринишлар кузатилмокда.

Қисқа муддатли даврдаги валюта курси жиддий тебранишлари заминидан инфляцион сабаблар ва коррупцион сабаблар ётиши мумкин. Инфляциянинг юқори суръатлари миллий валюта қадрсизлантиради, жиловланиши эса бу жараённи секинлаштиришга имкон беради. Инфляция талаб инфляцияси сифатида содир бўлиши миллий валютанинг давлат бюджетининг харажатларини қоплаш учун эмиссия қилиниши билан боғлиқ. Шунингдек, жаҳон бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришлар туфайли импорт қилинаётган товарлар баҳоларининг ўсиши хорижий валютага эҳтиёжни ошириши мумкин ва бу валюта курсига таъсир этади (инфляция импорт қилиниши).

Фикримизча, ҳозирги пайтда мамлакатимизда харажатлар инфляцияси долзарброк бўлиб турибди. Бундай инфляция ресурслар бозори монополлашганлиги, тадбиркорликка бюрократик тўсиқлар, бозорларда эркин рақобатни чекловчи омиллар бартараф этилмаётганлиги кабилар билан боғлиқ. Оқибатда иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида харажатларнинг тез ўсиши содир бўлади ва коррупцион ҳаракатлар учун иқтисодий шарт-шароитлар вужудга келади. Коррупцияга қарши кураш миллий валюта қадрини оширишда жуда муҳим аҳамиятга эга. 2017 йилнинг 2-ярмидан бошлаб валюта муносабатларининг эркинлаштирилиши, давлат хизматлари кўрсатишнинг янги, антикоррупцион тизими жорий этилиши, давлат харидлари шаффофлиги кучайтирилиши, фикримизча, миллий валюта қадрининг ошиб бораётганлигида ҳал қилувчи омиллар бўлмоқда.

Узоқ муддатли даврда инфляцион тенденциялар замирида ноўрин ва ўзини оқламайдиган харажатлар ётади. Масалан, тиббиёт ходимларини кўчаларни тозалашга ёки кишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилиши пировардида тиббиёт хизматларига давлат ажратаётган маблағлар ҳисобидан қопланади, яъни бу хизматлар амалда кўрсатилмайди. Талабаларни ўқитиш ўрнига ҳашарларга жалб этиш таълим хизматлари қимматлашувини билдиради. Маҳсулотларга қилинаётган харажатларнинг ҳисоботларда кўрсатилмаслиги бу харажатлар қилинмаётганлигини билдирмайди. Охир-оқибатда харажатлар ортганлигини биз миллий валюта курси пасайишидан билиб оламиз.

Маълумки, 2017 йил сентябрь ойидан бошлаб валюта курси эркинлаштирилди. Доллар курси шу даврда 8150 сўмдан 2023 йил охирига қадар 12300 сўмгача ўзгамоқда, яъни 50 фоизга ошди. Агар валюта курси фақат инфляцияга боғлиқ бўлганда, долларнинг курси камида 90 фоизга ортиши лозим эди. Қисқа муддатли даврда иш кучи экспорти билан боғлиқ валюта тушумлари ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Масалан, 2022 йилда бундай тушумлар Наманган вилоятида 1 млрд. долларни ташкил этди [1]. Бунинг асосий қисми сўмга айлантирилган ҳолда ишлатилали ва вилоятнинг импорт эҳтиёжларидан анча ортиқ.

Фикримизча, ҳозирги пайтда валюта муносабатлари ривожланишидаги тенденцияларни биринчи навбатда қуйидаги омиллар белгилаб бермоқда:

- экспорт қоидаларининг жиддий равишда эркинлаштирилиши (лекин айрим йўналишларда монополизм сақланиб қолмоқда);
- импортни монополиядан чиқариш чоралари кўрилатганлиги натижасида импорт тежамкорлиги ўзини намоён этмоқда;
- бизнес-муҳит яхшиланиши, махсус саноат зоналари, эркин иқтисодий зоналар тадбиркорлик капиталининг мамлакат ичида инвестицияланишини рағбатлантирмоқда;
- транзакциялар эркинлаштирилиши миллий валютанинг иқтисодий субъектлар учун жозибадорлигини оширмоқда (пул муомаласи эркинлашуви, валюта айирбошланиши эркинлашуви ва бу борада коррупцияга барҳам берилиши, йирик купюралар муомалага чиқарилиши ва бошқалар);
- Тараққиёт стратегияси амалга оширила бошланиши билан аҳолида иқтисодий ватанпарварлик ҳисси мустаҳкамланмоқда.

Валюта курсидаги қисқа муддатли ўзгаришларга таяниб узоқ муддатли қарорлар қабул қилиниши ҳамма вақт ҳам ўзини оқламайди. Умуман олганда, миллий иқтисодиётда муайян товарлар нархларини бирон-бир тарзда хорижий валюта курсига боғлаб қўйиш (автомобиль нархи бўладими, дўкондаги маиший электроника бўладими ва бошқалар) мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги ва иқтисодий хавфсизлиги нуқтаи назаридан мутлақо нотўғри ва иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жихатлардан салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Миллий валюта курси барқарорлигини таъминлаб туриш чоралари макроиқтисодий сиёсатнинг ўта муҳим таркибий қисмидир.

Адабиётлар рўйхати

1. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 2022 йил 13 январь.

2. Sirojiddinov, I. Q. (2021). Financial support for economic development of regions in the context of the coronavirus pandemic. ISJ Theoretical & Applied Science, 02 (94), 187-190.
3. Sirojiddinov, I., & Khodjibaeva, I. (2020). Features of the investment process in the economy in the conditions of the pandemic coronavirus. - EPRA International Journal of Multidisciplinary Research-Peer Reviewed Journal, July 2020.
4. Sirojiddinov K. Developing the food orientation of agricultural production and the need to develop agromarketing //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 11. – С. 268-272.
5. Ботирова, Р. А., Сирожиддинов, И. К., & Жураев, Э. С. (2020). Поддержка и стимулирование инвестиционных процессов в экономике в условиях короновирусной пандемии. Экономика и социум, (5-1), 416-421.
6. Abdujabborovna, B. R., Kutbiddinovich, S. I., & Anvarovich, K. A. (2020). Innovation as an important factor in the development of the agricultural sector of the region's economy. Journal of Critical Reviews, 7(5), 821-823.
7. Rahima, B., & Sirojiddinov, I. (2021). Social Orientation of Economic Development in a Pandemic. Design Engineering, 7611-7617.
8. Anvarovich, H. A., Abdujabborovna, B. R., & Kutbiddinovich, S. I. (2021). Food orientation of agricultural production in the context of the coronavirus pandemic. Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol, 27(2).
9. Raxima, B., Ikromiddin, S., & Musaxon, I. (2021). Development Of The Real Sector Of The Economy In The Conditions Of The Coronavirus Pandemic. Nveo-natural volatiles & Essential oils Journal| NVEO, 2695-2699.
10. Qutbiddinovich, S. I., & Sobirjon o'g'li, J. E. (2021). Positive aspects of the cash method in small businesses in a pandemic environment. American Journal of Economics and Business Management, 4(3), 1-8.
11. Abdulazizov, K. U., Sherzod, I., & Abdulkhodinevna, S. M. (2022). Improving the methodological basis of accounting for financial assets. International journal of social science & Interdisciplinary research issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 34-39.
12. Abdulazizovich, K. U. (2022). Improving methodological approaches to financial asset accounting. International journal of research in commerce, it, engineering and social sciences issn: 2349-7793 Impact Factor: 6.876, 16(4), 56-62.
13. Сирожиддинов Икромиддин Кутбиддинович. Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларининг ҳўжалик амалиётида қўлланиши масалалари. Илмий монография. Наманган – 2022.

УДК:330.34

**ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ИҚТИСОДИЙ
БАРҚАРОРЛИК ВА ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

**АКТИВИЗАЦИЯ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ КАК ФАКТОР
ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ И РОСТА**

**ACTIVATION OF INVESTMENT PROCESSES AS A FACTOR OF ENSURING
ECONOMIC STABILITY AND GROWTH**

и.ф.н., доц. Р. Ботирова

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Аннотация

Мақолада мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш омили сифатида инвестицион жараёнларга кенг йўл очишнинг аҳамияти ва йўналишлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестицион жараён, иқтисодий барқарорлик, ўсишни таъминлаш, инвестицион муҳит.

В статье исследованы значение и направления активизации инвестиционных процессов как фактора сохранения макроэкономической стабильности и обеспечения экономического роста в нашей стране.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционный процесс, экономическая стабильность, обеспечение роста, инвестиционная среда.

The article examines the significance and directions of intensifying investment processes as a factor in maintaining macroeconomic stability and ensuring economic growth in our country.

Key words: investments, investment process, economic stability, ensuring growth, investment environment.

Маълумки, жаҳонда анча узоқ давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз жараёнлар муайян йўналишларда Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам таъсир этиб келмоқда. Мамлакатимизда олиб борилган кенг қўламли ишлар Ўзбекистон иқтисодиётига ташқи таъсирини юмшатишга ва бартараф этишга хизмат қилди. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий асосида ҳозирги пайтда қуйидаги омиллар турмоқда:

- Янги Ўзбекистонда ислохотларни изчил ва кенг қўламли амалга ошириш йўлини танлаб олинганлиги ва унга оғишмай риоя этилатганлиги;

- молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканлиги;

- мамлакатда ва унинг алоҳида ҳудудларида иқтисодий эркинликларни кенгайтириб бориш асосида инвестицион муҳит ва ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини оширилиши бўйича салмоқли чора-тадбирлар амалга ошириб борилаётганлиги;

- чет эл инвестициялари жалб этилишида тўғўридан-тўғўри инвестицияларнинг айнан хусусий секторга жалб этилиши учун шароитлар яратилаётганлиги;

- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирлар ҳам изчиллик билан амалга оширилиши;

- ижтимоий соҳадаги ислохотлар, ижтимоий-сиёсий соҳададиги демократик ўзгаришлар иқтисодий тараққётга уйғун рақвишда амалга оширилиши.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилган узоқ муддатли иқтисодий стратегиянинг мазмуни ва йўналишлари Президент Ш. М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ҳар йилги мурожаатномаларида чуқур асослаб ва таҳлил этиб берилмоқда.

Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми эканлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Бу мамлакатнинг ташқи дунё билан алоқалари тобора кенгайиб бораётганлигида, тараққий топган етакчи давлатлар қўмағида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол тасдиқланмоқда. Демак, глобал молиявий инқироз ва, биринчи навбатда, унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётгани реал воқелиқдир.

Шунинг учун “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ҳал этиб борилиши жорий даврдаги иқтисодий ривожланиш натижаларинигина эмас, балки иқтисодиётимизнинг яқин йиллардаги муваффақиятли тараққий эта олишини таъминлайди. 2023 йилга мўлжалланган Дастурнинг асосий йўналишлари инвестицион жараёнларнинг изчил амалга оширилишини тақозо этади ва айни пайтда бу жараёнларни фаоллаштиришга ҳам қаратилгандир.

Мамлакатимизда шаклланган инвестицион муҳит кўп йиллар мобайнида ўтказиб келинаётган иқтисодий сиёсатнинг натижасидир. Бунда мустақилликнинг дастлабки йилларида ва ундан кейин ҳам ташқи қарзлар соҳасида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатларга, имтиёзли фойз ставкалари бўйича жалб этилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу туфайли миллий иқтисодиётнинг халқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага қаттиқ боғланиб қолишининг олди олинди. Глобаллашув шароитлари бу йўлнинг нақадар оқилона йўл эканлигини яққол намоёниш этмоқда.

Инвестициялаш имкониятлари ва реал ҳажмлари ички ва ташқи бозордаги вазият билан чамбарчас боғлиқ. Молиявий инқироз натижасида ташқи бозорларда салбий ўзгаришлар кузатилаётган бўлсада, мамлакатимизнинг ички бозори барқарор ривожланишда давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев раислигида инвестициялар жалб қилишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича 2023 йил 11 июлда ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидландики, «...жорий йилнинг ўтган олти ойида тармоқларда 3,6 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилган. Буни ҳисобидан, айтиб ўтилган ҳудудларда жами 50 мингта янги иш ўрни, қўшимча 1 триллион сўм тушум пайдо бўлган. Лекин айрим ҳудуд ва тармоқларда бу кўрсаткич паст, инвестиция муҳити қониқарсиз. Инвестиция дастурларидаги 1 минг 500 та лойиҳани тезлаштириш ва 12 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича қўшимча вазифалар белгиланди» [1].

Маълумки, ички бозорни рағбатлантириш сиёсати сўнгги йилларда изчил равишда амалга ошириб келинмоқда. Иш жойлари сонининг ва иш ҳақи даражасининг муттасил ортиб бориши, кичик бизнес ривожланиши воситасида тадбиркорликдан даромадларнинг юқори суръатларда кенгайиши ички бозордаги талабнинг барқарорлигини кафолатловчи омиллар бўлиб хизмат қилмоқда. Давом этирилаётган кенг кўламли, узоқни кўзлаган эркин тадбиркорликка имтиёз ва преференцияларни кенгайтириб бориш йўли инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсирини бермоқда. Мазкур омиллар Ўзбекистоннинг хорижий инвесторлар учун жозибадорлигини ҳам кучайтиради.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ташқи дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб ва кенгайиб бормоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун жаҳонда мавжуд илғор технологиялардан ва тажрибадан фойдаланиш зарур. Бу дунёдаги барча мамлакатларнинг иқтисодиётида кенг кузатилмоқда. Жаҳон молиявий инқирози кўплаб мамлакатларда ялпи талабнинг қисқаришига олиб келмоқда ва бу маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналаримизни экспорт кўламига жиддий таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш корхоналаримизнинг рақобатбардошлигини ошириш билан бирга ички бозор ҳажмига ҳам ижобий таъсир этади, даромадлар юксалиши инвестицион товарларга ҳам, истеъмол товарларига ҳам талабни кенгайтиради. Бу эса хорижий инвесторларнинг фаолиятига ҳам қулайроқ шароитларни вужудга келтиради.

Асосий капиталга инвестициялар мамлакатда кўп йиллар хизмат қиладиган ишлаб чиқариш салоҳиятини яратишга қаратилади, яъни келгусида иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиришни, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни таъминлайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизациялаш, энг аввало, реал инвестицион жараёнларга таянади ва катта миқдордаги инвестиция ресурсларини талаб этади. Бунда инвестицияларни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбаларидан унумли ҳамда уйғун равишда фойдаланиш, шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларнинг инвестицион фаоллигини ҳар томонлама таъминлаш зарур бўлади. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳаларига реал инвестицияларни кенгайтириш юзасидан фаол сиёсат юритилиши ва салмоқли тадбирларнинг амалга оширилиши бу борада

ижобий натижалар бермоқда. Инвестицион жараёнлар миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга, ҳудудларда ва корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши ва юксак макроиқтисодий кўрсаткичлар асосан жиддий таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланиши талаб этилмоқда. Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий стратегия узок вақтга мўлжалланган фундаментал мақсадларни ўртага қўйиш билан бир қаторда, бу мақсадларга эришиш воситалари, йўллари белгилашни ҳам ўз ичига олади. Булар орасида ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар негизига кўчириш ва самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш энг аҳамиятлидир. Коронавирус пандемияси шароитларида Наманган вилоятида инвестицион жараёнларда иқтисодий ривожланишнинг омиллари роли янада ортиб бормоқда. Вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, келажақда эса – уларни мўл-кўл яратиш, иқтисодий ва илмий-техника соҳасида умумжаҳон даражасига чиқа олиш реал секторга инвестициялар самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир.

Реал инвестициялар корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, техник ва технологик янгилашга қаратилади. Шунинг учун бу борада қабул қилинаётган қарорлар ва чора-тадбирлар, ўз моҳиятига кўра, инновацион хусусиятга эга, чунки улар илғор техника ва технологияларга асослангандагина кутилган натижаларни беради. Яратилган янги қувватлар ҳудуднинг иқтисодий, ишлаб чиқариш ва сотиш салоҳиятини ривожлантиради. Модернизация қилиш жараёнларини рағбатлантириш корхонанинг техник ва инвестицион сиёсати мақсадларини бирлаштиришни назарда тутди ҳамда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва ассортиментини кенгайтиришга қаратилади.

Мамлакатда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш жараёнларини амалга ошириш борасида олиб борилаётган изчил таркибий сиёсат натижасида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида сифат силжишлари рўй бермоқда. Коронавирус пандемияси таъсири шароитларида ҳам Наманган вилоятида иқтисодий тараққиётда ва инвестицион жараёнларда эришилган ижобий тенденциялар барқарор сақланиб қолмоқда ва чуқурлашмоқда.

2019 йилда вилоятда 5,4 трлн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, 2021 йилда 13,3 трлн. Сўм ҳажмида асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, яъни инфляция суръатларини эътиборга олганда ҳам вилоятда реал инвестициялаш жадал кенгайиб бормоқда. Натижада 2021 йилда 50 мингтадан ортиқ иш ўринлари яратилди. 2021 йилда вилоятдаги саноат корхоналари томонидан 14,6 трлн. Сўм маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу 2020 йилдагига нисбатан 117,9 фоизни ташкил этмоқда.

Ҳозирги шароитларда маҳаллий ресурслар билан бирга ҳудудга жалб хорижий инвестицияларни жалб қилиш, улар орқали эса янги билим ва технологиялардан фойдаланган ҳолда ривожланиш самарали эканлигини аён бўлмоқда. Шу билан бирга, агар ҳудудда ёки корхонада ишлаб чиқилган технологик ва институционал инновациялар халқаро миқёсда эътироф этилса ва тарқалса, ривожланиш ижодий (креатив) характерга эга бўлади ва янги мазмундаги даромадлар(рента, роялти кўринишида) келтириши мумкин.

Киритилаётган хорижий инвестициялар ўзининг иқтисодий самарадорлигини намоиш этмоқда. Наманган эркин иқтисодий зонасида барпо этилган “Чуст текстиль” ва “Ифода” корхоналарига 21,5 млн. АҚШ доллари киритилди, уларнинг йиллик маҳсулот чиқариш қувватлари 63,6 млн. АҚШ долларини ташкил этмоқда. “Юксалиш” саноат зонасида керамогранит плиталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйилмоқда. Лойиҳада 1 квадрат метр маҳсулотнинг таннари 3 доллар бўлиши режалаштирилган. Хориждаги шундай корхоналарда бу кўрсаткич маҳсулот сифати бир хил бўлсада, 8 долларни ташкил этади. Бунга корхона Ўзбекистонда жойлашган манбалардаги юқори сифатли хом ашёлардан фойдаланиши ва замонавий технология асосида эришилади. Корхонанинг йиллик қуввати 1,6 млн. квадрат метрни ташкил этади. Ҳозирда бундай маҳсулот асосан импорт қилинмоқда.


Инвестицион жараёнларнинг натижалари туфайли вилоят экспортининг ҳажмлари ва таркибида ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. 2000 йилда вилоятдан ташқи бозорларга 75,3 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот чиқарилган бўлса, 2010 йилда бу рақам 119,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. 2017 йилда эса 196,6 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинишига эришилган эди. 2020 йилда вилоятда экспорт ҳажмлари 494,6 млн. АҚШ долларидан ошди. Вилоятнинг ташқи иқтисодий алоқалари 100 дан ортик мамлакатлар билан олиб борилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий ишлаб чиқарувчилар дуч келаётган қуйидаги муаммолар иқтисодиётни модернизациялашни талаб қилади:

- Асосий фондларнинг эскирганлиги;
- Ишлаб чиқариш ускуналари хизмат муддатини ўтаб бўлганлиги ва маънавий эскирганлиги;
- самарасиз технологияларнинг қўлланилиши;
- устувор тармоқларда малакали кадрларнинг етишмовчилиги;
- рақобатбардош бўлмаган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши.

Бундай муаммоларни ҳал қилиш мақсадида амалга ошириладиган модернизация дастурларида асосий эътибор миллий иқтисодиёт даражасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга қаратилиши лозим (1-расм).

Келажақда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари корхоналарида модернизация жараёнларини бошқаришда, фикримизча, қуйидаги механизмларни жорий қилиш лозим: биринчидан, иқтисодиётнинг етакчи саноат корхоналарида модернизация қилиш жараёнларини бошқариш бўйича ягона тизими ишлаб чиқиш ёки ягона бўғинни ташкил этиш; иккинчидан, саноаткорхоналари умумий менежментида модернизация қилиш жараёнларини бошқариш бўйича тартиб ва принципларни киритиш; учинчидан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун олиб келинган асбоб ва ускуналарни ўз вақтида, белгиланган ҳажмда ўрнатиш ва ишга туширишни қатъий бошқариш; тўртинчидан, технологик маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналар салмоғи юқори бўлган корхоналарни доимий аудит ва мониторинг қилиш бўйича муттасадди ташкилотларнинг бошқарув ролини кучайтириш; бешинчидан, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари корхоналарида модернизация жараёнларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.



1-расм. Модернизациялаш бўйича давлат дастурларида кўзда тутилган асосий вазифалар.

Юкоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида олиб борилаётган модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнлари жадаллашиб бораётган бир вақтда ушбу йўналишдаги ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва уларни амалиётда татбиқ этиш миллий иқтисодиётнинг халқаро миқёслардаги рақобатбардошлигига эришилишини таъминлаш учун хизмат қилади. Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш учун қулай инвестиция муҳити ҳозирда мавжуд. У табиий шарт-шароитлар, шу жумладан фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими ҳамда товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг белгиланганлиги ва бошқаларда ўз ифодасини топмоқда. Ижтимоий соҳада инвестиция жараёнларининг кучайтирилиши, айниқса, қишлоқ жойларида турли ижтимоий объектларнинг барпо этилиши пировардида ободончилик даражасининг юксалишига, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига аҳамиятли таъсир кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, мамлакатимизда инвестиция муҳитининг қулайлашуви ва инвестицион жараёнларнинг фаоллашуви иқтисодиётимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатлари таъсиридан ҳимоя қилишга ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Адабиёт:

1. “Ўзбекистон -2030” стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 2023 йил 12 сентябрь.
2. Sirojiddinov, I. Q. (2021). Financial support for economic development of regions in the context of the coronavirus pandemic. ISJ Theoretical & Applied Science, 02 (94), 187-190.
3. Sirojiddinov I., Botirova R. Liberazition is acrucial condition for creating modern agriculture in Uzbekistan. - International Journal of Research And development, march 2020.
4. Features of investment processes in the economy in the conditions of the coronavirus pandemic. - EPRA International Journal of Multidisciplinary(IJMR) - Peer Reviewed Journal Volume: 6 | Issue: 7 | July 2020 || Journal DOI: 10.36713/epra2013 || SJIF Impact Factor: 7.032 ||ISI Value: 1.188
5. Сирожиддинов И., Ходжибоева И. Инновационные процессы в экономике регионов в условиях коронавирусной пандемии Молодой ученый”. – 2020. - №20.
6. Sirojiddinov I., Botirova R., Hakimov A. Innovation as an important factor in the development of the agricultural sector of the region's economy Innovation as an important factor in the development of the agricultural sector of the region's economy- Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 5, 2020.
7. Sirojiddinov I., Botirova R. Liberazition is acrucial condition for creating modern agriculture in Uzbekistan.- International Journal of Research And development, march 2020.
8. Baxriddinov N.Z. Issues of financing the innovative activity of the enterprise // "Бозор, пул ва кредит" scientific-practical journal. №3 / 2018. Pp. 56 - 59
9. Sirojiddinov I. Q., Sirojiddinov K. I. opportunities for the development and increase of fruit, vegetable production and the export potential of the industry //Theoretical & Applied Science. – 2021. – №. 4. – С. 87-90.
10. Sirojiddinov Ikromiiddin Qutbiddinovich. Features of accounting and financial control in small business.- International journal of research in commerce, it, engineering and social sciences issn: 2349-7793 Impact Factor: 6.876., Volume: 16 Issue: 04 in April 2022.

**ТАДБИРКОРЛИКДАГИ ГЕНДЕР МУНОСАБАТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ
ТАКОМИЛЛАШУВИ**

**ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ГЕНДЕРНЫХ ОТНОШЕНИЙ В
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВЕ**

THEORETICAL IMPROVEMENT OF GENDER RELATIONS IN ENTREPRENEURSHIP

**Таянч докторант Шарофиддинова Гулноза Илхомжоновна
(Наманган муҳандислик–қурилиш институти)**

Аннотация

Мақолада аёллар тадбиркорлиги назариясининг ривожланиб боришига йўналтирилган фикр-мулоахзалар мавжуд. Унда аёллар тадбиркорлигининг назарий жиҳатдан ривожланиш тенденциялари очиб берилган.

Калит сўзлар: аёллар тадбиркорлиги назарияси, аёллар тадбиркорлиги, кичик бизнес, тадбиркорлик, раҳбар аёл.

В статье содержатся комментарии по развитию теории женского предпринимательства. Раскрываются теоретические тенденции развития женского предпринимательства.

Ключевые слова: теория женского предпринимательства, женское предпринимательство, малый бизнес, предпринимательство, женщина-лидер.

The article contains comments on the development of the theory of women's entrepreneurship. The theoretical trends in the development of women's entrepreneurship are revealed.

Key words: theory of women's entrepreneurship, women's entrepreneurship, small business, entrepreneurship, woman leader.

Бугунги кунда аёллар тадбиркорлигига эътибор тобора ортиб бормоқда. Шу боис аёллар тадбиркорлигини ўрганишга бағишланган илмий манбалардан маълум бўлмоқдаки, бундай тадбиркорлик тури ҳам янгиликни жорий этиш, таваккалчилик, моддий манфаатдорликка интилиш каби унсурларни ўз ичига қамраб олган. Шунингдек ҳар бир миллат аёллари фаолиятдан келиб чиқиб ўзига хос хислатлар шаклланиб борганлигини ҳам алоҳида қайд этиш керак.

Айниқса ўзбек миллатига хос аёллар тадбиркорчилигида ор-номуш, андиша, уят, ибоба каби инсонга хос хислатлар кучлироқ шалланган. Ифбатли ва виқорли бўлиш ҳам ўзбек аёлларининг ўзига хос фазилатларидандир. Шу билан бир қаторда, ўзбек аёлларининг ақл-заковатидаги зукколик, ўзига хос топқирлик ва алийжаноблик хислатлари нафақат тадбиркорлик соҳасида балки жамиятнинг ривожланиши йўлида ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, Алишер Навоийнинг “Насойимул-муҳаббат мин шамойимул-футувват” асари муқаддима ва 770 та шайх ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бўлиб, бу асарда 35 та авлиё аёлларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳам фикр билдирилган [1].

Бирок, турли мамлакатларда тадбиркорлик соҳасига аёлларнинг тобора кириб бориб, халқаро тилда «businesswoman» тушунчаси кенг қўлланилишига қарамай, аёлларга хос тадбиркорлик жараёнлари жуда кам иқтисодчи-олимлар томонидан ўрганилган.

Шунга қарамай, Ўзбекистонда айни даврда айниқса аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, бу ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги гендер ходиса сифатида тан олинмоқда.

Фикримизча, шу тарзда «аёллар тадбиркорлиги» тушунчаси бизнинг иктисодий ҳаётимизга кириб келмоқда. Тадбиркорлик ва бизнес субъектлари қаторида аёллардан иборат жамоа (команда) шаклланиб бормоқда. Бу ўз навбатида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари таркибини бойитиб, бозор иктисодиёти шароитидаги рақобатни авж олишига олиб келади. Аммо «аёллар тадбиркорлиги» тушунчаси ўзига хос хусусиятлардан иборат ўзига хос ривожланиб бораётганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Масалан, россиялик иктисодчи А. В. Бабаеванинг айтишича, ҳозирги пайтда, бир томондан, тадбиркор аёлларга нисбатан муносабатларда ўзгаришлар юз бераётган бўлса, иккинчи томондан, улар жуда секин содир бўлмоқда ва натижада аёллар юқори профессионал фаолият доирасидан четлаштирилмоқда. Аёлларнинг касбий соҳада уларга тўсқинлик қиладиган (халакит берадиган) шахсий фазилатлари ҳам бор: ачиниш, пунктуалликнинг етишмаслиги, эмоционаллик (ҳиссиётга берилиш), ишонувчанлик, ҳамма учун яхши иш қилиш истаги [2].

Иктисодчи А. С. Абриталина аёлларнинг иш ўринлари яратиш, иктисодий ўсиш ва бойлик тўплаш борасидаги миллий иктисодиётга қўшган ҳиссаси ниҳоятда қимматли ҳисобланиши ва айти пайтда бунга унчалик шубҳа йўқлигини таъкидлайди. Бундан ташқари, аёллар тадбиркорлиги юқори даражада бўлган мамлакатлар молиявий инқирозларга камроқ мойил бўлиб, иктисодий пасайишларни бошдан кечириш эҳтимоли камроқ [3]. Бозор иктисодиётига ўтган МДХ таркибидаги давлатларда эса аёллар тадбиркорлиги эндиgina ривожланиб, 32 йилликдан ошиқроқ тажрибани бошдан кечирмоқда. Шунинг учун уларнинг иктисодий фаолиятлари кўпроқ эндиgina ривожланаётган босқичларни қамраган бўлиб, муайян даражадаги қийинчиликлар билан юксалиб бормоқда. Шу билан бирга, ўзига хос хусусиятлар касб этмоқда.

Хусусан, Ю. Малышевскаянинг фикрларига кўра, аёллар орасида тадбиркорларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари бор:

- уларнинг ёши асосан 25 ёшдан 50 ёшгача;
- аёллар эркаларга қараганда, ўз меҳнатлари натижалари учун кўпроқ масъулият билан қарашади;
- аёл тадбиркорлар асосан аёлларга йўналтирилган соҳаларда иштирок этадилар [4].

Кўриниб турибдики, аёллардан иборат тадбиркорлар эркалардан иборат тадбиркорлардан фарқли.

Ҳозирги даврнинг россиялик тадқиқотчилари Ю.С. Пинковецкая [5] ва Р.Р. Галлямов [6] аёл тадбиркорларининг бир нечта типик гуруҳларини ажратади:

- одатда зарур бозор имкониятлари яратилганда бизнесга киришадиган ва ўсишга йўналтирилган тадбиркор аёллар;
- эгаллаган билим, кўникма ва малакаларидан, шунингдек, мустақил равишда мартабани ошириш, максимал даромад олиш ва ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришдан баҳраманд бўлиш имкониятидан фойдалана оладиган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган профессионал тадбиркорлар;
- тадбиркорликни мустақил танлай олмаган, лекин ўз ишини тарқ этмаслик учун янги шароитларга мослашишга мажбур бўлган кичик хусусийлаштириш объектлари (чевархоналар, сартарошхоналар, дўконлар) эгалари / шерикчилик эгалари;
- тирикчилик қилиш учун муқобил имкониятларнинг йўқлиги ва оилани боқиш зарурати туфайли тадбиркорликка ундалган, мажур бўлган аёл тадбиркорлар;
- бутун оиланинг бизнесда иштирок этишини қамраб олган, оилавий корхона эгалари;
- ёш тадбиркорлар.

Ҳозирги даврга келиб, илмий адабиётларда аёллар тадбиркорлигининг янги назарияси тўғрими ёки нотўғрилиги ҳақида, баъзи мунозаралар мавжуд. Кўпгина тадқиқотчилар тадбиркорликнинг мавжуд тушунчаларидан фойдаланиб, феминистик назариялар билан биргаликда тадбиркорликнинг катта соҳасини қамраган назарий асосларни кенгайтириш учун фойдаланиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Илгари аёллар тадбиркорлиги феноменини ўрганишга қаратилган кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, Роберт

Хизрич, Майкл Питерс аёл тадбиркорлар учун мартаба моделини таклиф қилиш учун мартаба назариясидан фойдаланган [7]. Шу билан бирга, улар эркак ва аёл тадбиркорлар ўртасидаги гендер фарқларини тушунтириш учун психологик ва социологик назариялардан фойдаланганлар. Бизнинг фикримизча, «тадбиркорлик салоҳияти» тушунчасини талқин қилишда турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, икки омилга боғлиқ. Биринчидан, салоҳиятнинг ўзига хос хусусияти тушунчасидир, иккинчидан, бу салоҳият қандай вазифани бажариши мумкин. Шу муносабат билан биз «аёллар тадбиркорлиги»нинг бир нечта характерли хусусиятларини санаб ўтишимиз мумкин:


- тадбиркорлик соҳасида аёлларнинг улуши, аниқроғи, кўп сонли ишчи кучига эҳтиёж бўлмаган тармоқларда кўпроқ;

- аёлларнинг ишдан ташқари уй вазифалари ҳам борлиги сабабли, улар учун иш вақтини мувозанатлаш жуда муҳимдир;

- аёллар тадбиркорлик соҳасига эркакларга қараганда кечроқ кириб келганлиги боис, дастлабки босқичларда ўз бизнесларини ривожлантиришга ҳали улгурмаган [8].

Агар эркаклар ва аёлларнинг кичик ва оилавий бизнесдаги иштироки нисбатини таққосласак, бу ерда иккала оила аъзолари ҳам, яъни, эркаклар ҳам, аёллар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишган бўлса, аёлларнинг улуши эркакларникига қараганда анча юқори бўлади. Бу шуни кўрсатадики, аёллар бизнесда яхшироқ ишлайдилар. Ушбу фикрларни кўплаб тадқиқотчилар тасдиқлашади. Қоидага кўра, тадбиркор инсонда доимо янги ғояни олға суриш, бозорда биринчи бўлиш, рақобатда ғолиб бўлиш истагининг мавжудлиги жуда кадрлидир. Бундай хислатлар фақат соҳибкор шахсларда бўлади. Аммо сўнгги пайтларда бундай фазилатлар етарли эмас. Бозор бошқа инсоний фазилатларни ҳам талаб қилади, масалан, аёлларга хос фазилатлар – сезгирлик, зийраклик (айниқса эшитиш қобилияти), бийронлик (айниқса сўзамоллиги) ва бошқалар.


Шунингдек, Н.Ю.Уткинанинг тадқиқотларида замонавий аёллар тадбиркорлигига хос бўлган ижтимоий ва маданий тарздаги муаммолар билан бирга, асосий гендер муаммолари ҳам аниқланган [9]. Н.Ю.Уткина, айтишга, аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоларга тўхталиб ўтади. Сўнгги йилларда аёллар тадбиркорлигидаги юқоридаги каби ўзига хос фазилатларнинг намоён бўлиши билан боғлиқ ҳолда, Ўзбекистонда тадбиркор аёлларнинг ўсиш суръати эркак тадбиркорларнинг ўсиш суръатларидан устун турмоқда [3]. Шунингдек, Аудит, бухгалтерия ҳисоби ва консалтинг фирмаларини бирлаштирган «Grant Thornton» халқаро ташкилоти олиб борган «Аёллар бизнесда: Сиёсатдан ташқари тараққиёт сари» [8] мавзусидаги Халқаро тадқиқот натижаларига кўра, айтиш мумкинки, ривожланаётган мамлакатларда тадбиркор аёллар инсон ресурсларининг қарийб ярмини ташкил қилади. Жаҳон бўйича олиб борилган тадқиқотларга кўра, раҳбари аёл бўлган компаниялар сони ортиб бормоқда. Аммо бундай корхоналарнинг динамикаси доимий эмас. Масалан, 2017 йилда аёл киши раҳбарлик қилган компаниялар 68%ни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бундай компаниялар сони 67 фоизга ва 2019 йилда 66 фоизга тўғри келган. Аммо 2020 йилда ўсиш яна ўсишга эришилган (1-расм).



1-расм. Жаҳон иқтисодиётидаги аёл раҳбар (менежер)ларнинг улуши [9]

Шунинг учун ҳозирги иқтисодий тараққиёт даврида аёллар тадбиркорлигининг аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Айни даврга келиб кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишида аёллар тадбиркорлигининг таъсири ижобий бўлмоқда. Бундан ташқари, тадқиқотчилар компанияларда гендер тенглиги кўрсаткичининг ошишига ҳисса қўшадиган омилларни ва бунга тўсқинлик қилаётган тўсиқларни ҳам келтирмоқдалар.

«Grant Thornton» халқаро ташкилоти олиб борган «Аёллар бизнесда: Сиёсатдан ташқари тараққиёт сари» [8] мавзусидаги Халқаро тадқиқот натижаларида келтирилишича, 2020 йилда бизнес ҳамжамияти аёлларнинг компаниялар кенгаши орасида ўз ўрнига эга эканлигига ишонч ҳосил қилади. Яъни, аксарият корхоналар гендер мувозанатининг маълум даражасига эришдилар. Бу бизнес раҳбарларининг гендер хилма-хил жамоа келтириши мумкин бўлган имтиёзларга ишонч ҳосил қилишлари натижаси бўлиши мумкин. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари ва жаҳон жамоат ташкилотлари томонидан муаммога эътибор ана шундай ўзгаришларга олиб келиши мумкин.



2-расм. Глобал ҳолатдаги ишбилармон аёллар [9]

2-расмда келтирилганидек, аёлларнинг бизнесда иштирок этишидаги географик фарқлар одатда ҳайратланарли. Мисол учун, бутун Украинани ўз ичига олган Шарқий Европада, ҳатто бошқа минтақалар билан солиштирганда, ишбилармон аёлларнинг анча юқори даражаси мавжуд.

Шу билан бирга, компаниялардаги барча раҳбарлик лавозимларининг қанча қисмини аёллар эгаллаши ҳам қизиқ. Демак, 2015-йилда уларнинг 22 фоизи бўлган бўлса, кейинги йили бу кўрсаткич 24 фоизни, бир йилда 25 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда аксинча, бу паст кўрсаткичнинг ҳам бироз пасайиши бошланди [2]. Яъни, гендер кўрсаткичлари бўйича Шарқий Европа кутилмаганда Россияга энг ўхшаш бўлиб чикди. Аммо шуни унутмаслигимиз керакки, раҳбарлар орасида аёлнинг борлиги унинг обрўсига тенглаштирилади. «Раҳбариятда битта аёлнинг бўлиши, умуман йўқдан кўра яхшироқдир» [10]. Аммо савол нафақат менежерлар орасида аёллар бор-йўқлиги англатади, балки улар ўз қарашларининг кадр-қимматини ҳам ҳис қилишини билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, аёллар тадбиркорлигига доир назарий қарашлар борган сари такомиллашиб бормоқда. Аёллар тадбиркорлигининг ривожланиши нафақат кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланишининг таркиби сифатида балки, миллий иқтисодиётнинг тараққиётида ҳам муҳим аҳамият этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абриталина, А.С. Женское предпринимательство: социально-экономические мотивации и факторы: диссертация ... кандидата социологических наук: 22.00.03.- Саратов, 2006.-153 с.
2. Алгада Х. Женское предпринимательство как предмет научных исследований. // Ж. Вестник Волжского университета имени В.Н.Татищева. №1, том 2. 2021. С.10.

<file:///C:/Users/admin/Downloads/zhenskoe-predprinimatelstvo-kak-predmet-nauchnyh-issledovaniy.pdf> ;

3. Галлямов Р.Р. Женское предпринимательство в современном российском обществе: социологический анализ проблемы [Текст] / Р. Р. Галлямов, Г. Х. Гильманова Федеральное гос. бюджетное образовательное учреждение высш. проф. Образования "Башкирский гос. аграрный ун-т". - Уфа: Башкирский ГАУ, 2011. - 162 с.
4. Кипервар Е.А. Женское предпринимательство: особенности и перспективы развития в регионах / Е. А. Кипервар, М. А. Савелова // Омский научный вестник. – 2009. – №2(76). – С. 97.
5. Малый бизнес в России: социальные типы и сферы деятельности / Л. Б. Бабаева, М. П. Козлов, Л. А. Резниченко, Л. Г. Солодухина. - М.: РНФ, 1993. - 79 с.
6. Малышевская Ю.Ю. Особенности формирования социальной группы «женщины-предприниматели» / Ю. Ю. Малышевская // Социально-политические науки. – 2013. – №4. – С. 26.
7. Пиньковецкая, Ю.С. Женское предпринимательство в России и зарубежных странах: Монография / Ю. С. Пиньковецкая; Министерство науки и высшего образования РФ, Федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего образования "Ульяновский государственный университет", Институт экономики и бизнеса, Кафедра экономического анализа и государственного управления. - Ульяновск: УлГУ, 2020. - 169 с.
8. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха: Пер. с англ. / Роберт Хизрич, Майкл Питерс; Общ. ред. В. С. Загашвили. –М.: Прогресс-Универс, 1992. – 157 с.
9. Уткина, Н. Ю. Объективные и субъективные факторы развития женского предпринимательства в России / Н. Ю. Уткина // Женщина в российском обществе. – 2017. – № 1 (82). – С. 17-27.
10. Хасбулатова, О.А. Гендерные аспекты развития STEM-образования в России / О. А. Хасбулатова // Женщина в российском обществе. – 2016. – № 3 (80). – С. 5.
11. Кудратов З. Алишер Навоий асарларида буюклар сиймоси <https://fitrat.uz/alisher-navoij-asarlarida-buyuklar-sijmosi/>
12. Women in business: beyond policy to progress — <https://www.grantthornton.global/globalassets/1.-member-firms/global/insights/women-in-business/grant-thornton-women-in-business-2018-report.pdf> (мурожаат санаси 29.08.2023 й.).

**NAMANGAN VILOYATI QURILISH MATERIALLARI ISHLAB CHIQUARISH
KORXONALARINING FAOLIYATI SAMARADORLIGINI TA‘MINLASH HOLATI VA
TAHLILI**

**СОСТОЯНИЕ И АНАЛИЗ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ ПО
ПРОИЗВОДСТВУ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ В НАМАНГАНСКОЙ
ОБЛАСТИ**

**STATUS AND ANALYSIS OF ENSURING THE EFFICIENCY OF ENTERPRISES
PRODUCING BUILDING MATERIALS IN THE NAMANGAN REGION**

Ibrogimov Sherzodbek Xalimjon o‘g‘li

Namangan muhandislik-qurilish instituti, doktoranti

Annotatsiya

Maqolada, Namangan viloyati qurilish materiallari ishlab chiqarish korxonalarining faoliyati samaradorligini ta‘minlash holati va tahlili natijalari ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: Milliy iqtisodiyot, kapital qurilish, xorijiy investitsiya, qurilish industriya, sanoati mahsulotlari, raqobatbardosh, iqtisodiy samaradorlik

В статье разработаны результаты анализа состояния обеспечения эффективности предприятий по производству строительных материалов Наманганской области.

Ключевые слова: Народное хозяйство, капитальное строительство, иностранные инвестиции, стройиндустрия, промышленная продукция, конкурентоспособность, экономическая эффективность.

In the article, the results of the analysis of the state of ensuring the efficiency of the construction materials production enterprises of the Namangan region have been developed.

Key words: National economy, capital construction, foreign investment, construction industry, industrial products, competitiveness, economic efficiency.

Qurilish sohasiaholi birlamchi zaruriy ehtiyojlari takibidagi yashash ehtiyojlarini qondirishga xizmat qiladi. Dunyoda aholi soni ortishi bilan bu ehtiyojlari ham jadal ortib bormoqda. Iqtisodiy salohiyatga va rivojlangan infratuzilmaga ega bo‘lgan mamlakatlarda qurilish sohasi iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlaridan biriga aylanib bormoqda. Xalqaro tashkilotlar ma‘lumotlariga ko‘ra, “Yaqin 10 yillik kelajak (2030 yilgacha bo‘lgan davr)da dunyo bo‘yicha qurilish mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi har yili o‘rtacha 2,3 %ga ortib borishi prognozlanmoqda. Ko‘rsatib o‘tilgan davrda rivojlangan mamlakatlar (AQSh, Yaponiya, Yevropa Ittifoqi mamlakatlari)da qurilish sanoati mahsulotlari ishlab chiqarish hajmida o‘rtacha yillik 0,1-0,5 % atrofida pasayishi kuzatilsa, rivojlanayotgan mamlakatlarda 5,0-8,0 % atrofida o‘ssishi kutilmoqda.[1] Qurilish materiallari sanoatini rivojlantirish va uning samarali faoliyatini ta‘minlash barcha mamlakatlarda dolzarb vazifa sifatida namoyon bo‘lmoqda. Bunga esa iqtisodiy, tashkiliy mexanizmlarni takomillashtirish hamda zamonaviy texnologiyalarini qo‘llash orqali erishish talab etiladi.

O‘zbekistonda qurilish sohasining tarkibiy qismi bo‘lgan qurilish materiallari sanoati tarmog‘i korxonalarida texnologik va tashkiliy-iqtisodiy jarayonlarini takomillashtirishga, soha korxonalarida bozor mexanizmlarini izchil joriy etishga va ularda ishlab chiqarish hamda xizmat ko‘rsatish jarayonlarini diversifikasiya qilishga, tarmoqda qo‘shilgan qiymat zanjirining to‘laqonli shakllantirish orqali soha korxonalarining iqtisodiy salohiyatini oshirishga, shu orqali bandlikni ta‘minlash, aholining qurilish mahsulotlariga bo‘lgan ehtiyojini qondirish hamda turmush farovonligini oshirishga katta e‘tibor berilmoqda.

2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasida ham qurilish mahsulotlari bozorini rivojlantirish bo‘yicha «Qurilish materiallari ishlab chiqarish hajmini 2 baravarga ko‘paytirish va sanoat tarmoqlarida mehnat unumdorligini oshirish dasturlarini keng joriy qilish[2] bo‘yicha ustuvor vazifalar belgilangan. Ularning samarali ijro etilishini ta‘minlash sohada energiya tejamkor materiallarini keng joriy etib uy-joy qurilish muddatlarini qisqartirish va tannarxini pasaytirish, qurilish materiallari ishlab chiqarishda xarajatlarni optimallashtirishni nazarda tutadi. Mazkur vazifalarning bajarilishida hududlarda kamida bittadan qurilish materiallarini ishlab chiqarishdan qurilish ob‘ektlarini loyihalashtirish va tayyor ko‘p qavatli uy-joylar qurishgacha qo‘shilgan qiymat zanjirini o‘zida jamlagan uy-joy qurilishi klasterlarini tashkil etish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ular negizida qurilish mahsulotlari ishlab chiqaruvchi korxonalarning tashkiliy iqtisodiy mexanizmni yanada takomillashtiriladi va alohida korxonalar o‘rtasidagi integratsion aloqalar shakllanadi. Aynan shu yo‘nalishlarda qurilish materiallari ishlab chiqarish korxonalari rivojlantirish borasidagi ilmiy tadqiqotlarni yanada kengaytirish maqsadga muvofiq.

Mamlakat iqtisodiyotida muhim o‘rin egallagan Qurilish iqtisodiyotning barcha tarmoqlari uchun asosiy fondlarni yaratishda iqtisodiy tarmoq sifatida ishtirok etadi. Kapital qurilish mahsulotlari deganda belgilangan tartibda foydalanishga topshirilgan va qabul qilingan ishlab chiqarish ob‘ektlari va noishlab chiqarish ob‘ektlari tushuniladi. Qurilishda bajarilgan ishning yakuni sifatida belgilangan mahsulot asosiy fondlarga aylanadi. Ularni yaratishda iqtisodiyotning boshqa tarmoqlari (qurilish materiallari sanoati, metallurgiya, mashinasozlik va kimyo sanoati va boshqalar) ishtirok etadi. Texnologik, energetik va boshqa asbob-uskunalar hamda mexanizmlar bilan jihozlangan bino va inshootlar asosiy ishlab chiqarish fondlarining jismoniy va moddiy tarkibini tashkil qiladi.

Kapital qurilish sohasida iqtisodiyotning 70 dan ortiq tarmoqlari bevosita yoki bilvosita ishtirok etib, qurilishni metall va metall konstruksiyalari, tsement, yog‘och, qurilish mashinalari, transport vositalari, yoqilg‘i-energetika resurslari bilan ta‘minlaydi. Qurilishda qurilish materiallari sanoati mahsulotlarining 50%, metall prokatining 18% ga yaqini, yog‘ochning 40%, mashinasozlik sanoati mahsulotlarining 10% dan ortig‘i foydalaniladi. Qurilishga sanoatning deyarli barcha tarmoqlari xizmat ko‘rsatadi. Qurilish materiallarini, qurilish konstruksiyalarini va qurilish texnikasini tashish uchun transportning avtomobil, temir yo‘l, daryo, dengiz va havo kabi deyarli barcha turlaridan foydalaniladi. Qurilish xarajatlarida transport xarajatlarining qiymati 20% ga etadi.

Shunday qilib, kapital qurilish ishlab chiqarish vositalarining ishlash imkoniyatini ta‘minlaydigan moddiy sharoitlarni yaratadi. Qurilish industriyasi umumiy qurilish va ixtisoslashtirilgan tashkilotlar, loyiha-tadqiqot va ilmiy-tadqiqot tashkilotlari, qurilish industriyasi korxonalari qurilish birlashmalari tarkibida, shuningdek, qurilish-montaj ishlarini tejamkorlik bilan bajaruvchi tashkilotlar faoliyatini birlashtiradi. Bundan ko‘rinadiki, qurilish tarmoqlari samaradorligini aniqlash keltirib o‘tilgan tarmoqlarning sinergetik samarasi orqali ifoda etish maqsadga muvofiqdir.

Milliy iqtisodiyotning rivojlanishi uning barcha sohalarida shakllanadigan yalpi ichki mahsulot dinamikasi bilan belgilanadi. Qurilish moddiy sohaga mansub sanoat sifatida iqtisodiy tizimning barcha ishtirokchilari - yuridik va jismoniy shaxslarning asosiy fondlarini yaratish va tiklash uchun mo‘ljallangan; byudjet va tijorat tashkilotlari va boshqalar. Qurilishning muhim roli barcha zarur insoniy, moddiy, energiya va axborot resurslarni ehtiyotkorlik bilan ta‘minlashni talab qiladi.

Qurilishni rivojlantirish, uning samaradorligini oshirish uni sanoatlashtirish asosida amalga oshiriladi, uning asosiy yo‘nalishlari sifatida: binolarni yig‘ish hajmini oshirish uchun texnologik jarayonlarning bir qismini qurilish maydonlaridan zavodlarga, statsionar ishlab chiqarish sharoitlariga o‘tkazish va qurilayotgan inshootlar, binolar va inshootlarning texnologik loyiha yechimlarini takomillashtirish, qurilish ishlarining uzluksiz ishlab chiqarilishini ta‘minlash maqsadida bino va inshootlarni qurish, qurilish materiallari va inshootlarini yetkazib berish

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 9-son 2023 yil

bo‘yicha texnologik operatsiyalar va jarayonlarni mexanizatsiyalashgan uzluksiz jarayonini kiritish mumkin.

Kapital qurilish funktsiyalariga asosiy fondlarni yaratishdan tashqari, mavjud asosiy fondlarni kengaytirish, rekonstruktsiya qilish va texnik jihatdan qayta qurollantirish kiradi. Shuning uchun ham kapital qurilishning asosiy vazifasi mamlakat iqtisodiyotining barcha tarmoqlari asosiy fondlarini kengaytirilgan takror ishlab chiqarish va sifat jihatidan yangilashdan iborat.

Qurilishga tayyorgarlik quyidagi yo‘nalishlarda amalga oshiriladi: ob‘ektni qurishning texnik-iqtisodiy asoslarini texnik-iqtisodiy o‘rganish, ob‘ektni loyihalash va qurilishga muhandislik-texnik tayyorgarlik. Har bir yo‘nalishning o‘z vazifalari bor. Texnik-iqtisodiy tadqiqotlar jarayonida kelajakdagi ob‘ektning asosiy texnik-iqtisodiy ko‘rsatkichlari aniqlanadi va uni qurishning iqtisodiy maqsadga muvofiqligi baholanadi.

Shunday qilib, qurilish materiallari sanoatini o‘z ichiga olishi kerak bo‘lgan turdosh tarmoqlar va kichik tarmoqlarni optimal o‘zaro rivojlantirish zarurati tug‘iladi, ularsiz qurilish jarayonini tasavvur qilib bo‘lmaydi. Shu ma‘noda, dastlab O‘zbekiston Respublikasida qurilish tarmoqlari faoliyatining iqtisodiy tahlilini ko‘rib chiqishni maqsad qilib olindi (1-jadval).

1-jadval

2010-2022 yillarda qurilish sanoatining O‘zbekiston Respublikasi yalpi ichki mahsulotidagi hajmi va ulushi[3]

	Ko‘rsatkichlar	2010	2015	2020	2021	2022
1.	Yalpi ichki mahsulot, mlrd so‘m	78936,6	221350,9	605514,9	738425,2	888341,7
2.	O‘tgan yilga nisbatan o‘shish, %	104,2	118,8	109,5	106,8	106,6
3.	Qurilish sanoatining yalpi ichki mahsulotga qo‘shgan hisssasi, mlrd. so‘m	8245,8	25423,1	88130,3	107492,7	123412,2
4.	Qurilishning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi, %	5,4	5,7	6,7	6,6	6,7
5.	Asosiy kapitalga investitsiyalar, mlrd. so‘m	16463,7	44810,4	210195,1	239552,6	251247,6
6.	O‘tgan yilga nisbatan o‘shishi, %	104,2	109,4	95,6	102,9	101,8
7.	Qurilishga kiritilgan investitsiyalar, mlrd. so‘m	9,9	40,1	228,1	142,8	287,0
8.	O‘tgan yilga nisbatan o‘shishi, %	99,1	100,3	100,1	101,4	100,6
9.	Tugallangan qurilish ishlari hajmi, mlrd. so‘m	25423,1	25423,1	88130,3	107492,7	112425,5
10.	O‘tgan yilga nisbatan o‘shishi, %	105,1	118,8	109,5	106,8	105,4

Jadvaldan ko‘rinib turibdiki, tahlil qilingan 2010-2022 yillarda qurilish sanoatining O‘zbekiston Respublikasi yalpi ichki mahsulotidagi hajmining barcha ko‘rsatkichlari o‘shish tendentsiyasiga ega, ammo Tugallangan qurilish ishlari hajmida 2020 yil ko‘rsatkii 2010 yilga nisbatan 0,3 %ga oshgan bo‘lsada, ushbu ko‘rsatkich qolgan davrlarga nisbatan pasaygan. Bu esa o‘z navbatada, tarmoqda keyingi davrlarda bajarilgan ishlarning miqdor jihatidan sifat darajasiga o‘tganligi bilan izohlanadi.

O‘zbekistonda 2017–2022 yillarda islohotlarning natijasi o‘laroq, qurilish sektori iqtisodiyotning boshqa tarmoqlariga nisbatan jadal sur‘atlarda o‘sayotganligini xususan, qishloq xo‘jaligi 2017 yilda 1,2%, 2018 yilda 0,3%, 2019 yilda 3,1%, 2020 yilda 3,0%, 2021 yilda 4,0 %, 2022 yilda 3,6 %ga va sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish 2017 yilda 5,2%, 2018 yilda 10,8%, 2019 yilda 5,0%, 2020 yilda 0,9%, 2021 yilda 8,8 %, 2022 yilda 5,2 %ga o‘sgan bo‘lsa, qurilish hajmi 2017–2022 yillarda mos ravishda 6,0%, 14,3%, 22,9%, 9,5%, 6,8 % va 6,6 %ga o‘sgan.

Shuningdek, mazkur tarmoqning milliy iqtisodiyot tarkibida ulushi ham yildan-yilga oshib bormoqda. Qurilish tarmog‘ining YaIM tarkibidagi ulushi 2021 yilda 6,6 %ni tashkil etgan bo‘lsa, 2022 yilda ushbu ko‘rsatkich 6,7 %ga yetgan. 2022 yil 1 yanvar holatiga ko‘ra, qurilish sohasida

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 9-son 2023 yil

korxona va tashkilotlar soni 41,0 mingga tashkil etib, 2017 yilga nisbatan 1,7 barobar yoki 17,1 ming birlikka oshgan.

Yana bir e‘tiborli jihat shundaki, qurilish ishlarida nodavlat sektorining ulushi oshib bormoqda, 2020 yilda mazkur ko‘rsatkich 95,2%ni tashkil etgan bo‘lsa, 2021 yilda 95,8% va 2022 yilda 96,1 %ga yetgan. Biroq bu hali yetarli miqdorda emas, chunki yalpi ichki mahsulot tarkibida qurilishning ulushi sezilarli darajada o‘zgarishsiz qolmoqda. Shuni ta‘kidlash joizki, tarmoqning ijobiy natijalarga erishishda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston Respublikasi qurilish tarmog‘ini modernizatsiya qilish, jadal va innovatsion rivojlantirishning 2021–2025 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida»[4]gi Farmoni qurilish sohasidagi ishlarni yangi bosqichga olib chiqishda muhim ahamiyat kasb etdi.

Xuddi shu kabi, Namangan viloyatida qurilish sohasida olib borilayotgan ishlar natijasiga e‘tibor qaratadigan bo‘lsak, qurilishda shaffoflikni ta‘minlash va korrupsiyaga qarshi kurashish choralari bo‘yicha islohotlar samarasini oshirish bo‘yicha “Qurilish sohasiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”[5]gi qarorini, qurilishda sifat va nazoratni kuchaytirish bo‘yicha islohotlarni amalga oshirishga qaratilgan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Qurilish-montaj ishlari sifatini tubdan yaxshilash va qurilishni nazorat qilish tizimini takomillashtirish choralari to‘g‘risida”[6]gi qarori hamda Vazirlar Mahkamasining “Ob‘ektlarda davlat qurilish nazoratini amalga oshirish bo‘yicha ma‘muriy reglament hamda ob‘ektlarning xavf-xatarlar toifalari tasnifini tasdiqlash to‘g‘risida”[7]gi qarorini qabul qilinishi va uning Namangan viloyatida ijrosini ta‘minlanishi tarmoqda ijobiy natijalarga erishishga olib keldi (2-jadval).

2-jadval

2010-2022 yillarda qurilish sanoatining Namangan viloyati yalpi hududiy mahsulotidagi hajmi va ulushi

	Ko‘rsatkichlar	2010	2015	2020	2021	2022
1.	Yalpi hududiy mahsulot, mlrd. so‘m	3364,4	10826,9	27863,0	34194,1	41098,2
2.	O‘tgan yilga nisbatan o‘shish, %	110,3	107,7	105,1	109,7	106,6
3.	Qurilish sanoatining yalpi hududiy mahsulotiga qo‘shgan hissi, mlrd	197,3	452,4	2039,0	2410,2	2923,6
4.	Qurilishning yalpi hududiy mahsulotdagi ulushi, %	6,0	4,3	7,5	7,3	7,3
5.	Asosiy kapitalga investitsiyalar, mlrd. so‘m	660,6	2227,5	12007,2	12982,0	14348,2
6.	O‘tgan yilga nisbatan o‘shishi, %	90,3	108,5	88,0	100,5	101,2
7.	Qurilishga kiritilgan investitsiyalar, mlrd	9,9	40,1	228,1	142,8	287,0
8.	O‘tgan yilga nisbatan o‘shishi, %	99,1	100,3	100,1	101,4	100,6
9.	Tugallangan qurilish ishlari hajmi, mlrd.	1010,4	4678,2	5556,7	6762,3	7132,3
10.	O‘tgan yilga nisbatan o‘shishi, %	132,9	102,6	118,3	109,1	110,3

2-jadvalda keltirilgan Namangan viloyati yalpi hududiy mahsulotidagi hajmining 2010-2022 yillardagi o‘rtacha o‘zgarishiga e‘tibor qaratadigan bo‘lsak, yalpi hududiy mahsulotidagi hajmi o‘rtacha 16523,3 mlrd. so‘mga o‘zgargan bo‘lib, bu yillar bo‘yicha olinganda o‘rtacha 7,4 %ga oshganligini ta‘kidlash o‘rinli. Bu davr mobaynida qurilish sanoatining yalpi hududiy mahsulotiga qo‘shgan hissi o‘rtacha 5,7 foizga teng bo‘lgan. Namangan viloyatida qurilish tarmog‘ida erishgan bunday ijobiy natijalar avvalambor, yuqorida ta‘kidlab o‘tilgan islohotlar natijasi bo‘lsa, ikkinchidan tarmoqqa yo‘naltirilgan investitsiya hajmining ortib borishi bilan izohlash mumkin. Ya‘ni, 2010-2022 yillar davomida Namangan viloyati qurilish tarmog‘iga yo‘naltirilgan investitsiya

hajmining o‘rtacha 141,6 mlrd. so‘mni tashkil etgan bo‘lib, 2022 yilning o‘zida bu ko‘rsatkich 287,0 mlrd. so‘mga teng bo‘lganligi bilan izohlanadi.

Qurilish xalq xo‘jaligining barcha tarmoqlarida muhim o‘rin tutadi, chunki aynan qurilish tufayli qurilish sektorining infratuzilma elementlarini yaratish va takomillashtirish (ko‘paytirish) amalga oshiriladi. Shuning uchun biz turli sohalarida, jumladan, 2020-2022 yillarda Namangan viloyati qurilishi asosiy kapitaliga investitsiya qilish jarayonlarini tahlil qilishimiz mumkin.

Shuni ta‘kidlash lozimki, 2022 yilning o‘zida Namangan viloyati qurilish sohasida jami bajarilgan qurilish ishlari 6762,3 mlrd. so‘mni tashkil etib, shundan turar joy 4464,6 mlrd. so‘m, noturar joy 661,2 mlrd. so‘m va muhandislik binolari 1240,4 mlrd. so‘m hamda boshqa yo‘l qurilishi, ta‘mirlash va rekonstruktsiya ishlari bo‘yicha 1636,5 mlrd. so‘mlik ish bajarilganligini va bu o‘tgan yilga nisbatan 25,1 foizga yuqori bo‘lganligi bilan izohlanadi. Endi 4-jadvalda keltirilgan qurilish mahsulotlarining turlari bo‘yicha bajarilgan qurilish ishlarining hajmini ko‘rib chiqaylik (3-jadval).

3-jadval

Qurilish mahsulotlari turlari bo‘yicha qurilish ishlarining tarkibi, %

Yillar		2019 y	2020 y	2021 y	2022 y
Qurilish, jami		100,0	100,0	100,0	100,0
Binolar		82,0	84,0	87,0	91,0
Shundan	Aholi yashash joyi	72,0	76,0	83,0	85,0
	noturar joy	10,0	8,0	4,0	6,0
Muhandislik binolari		18,0	16,0	13,0	9,0

Jadvaldan ko‘rinib turibdiki, binolar va muhandislik inshootlari qurilishning umumiy hajmining strukturasini deyarli yarmiga bo‘lishadi, ammo 2019 yildan boshlab binolar tarkibida aholi yashash joyi hajmning o‘ssishi kuzatilmoqda. Butun davr mobaynida turar-joy binolari hajmi qurilish strukturasining 2022 yilda 2019 yilga nisbatan 11,0 foizga o‘ssishi tendentsiyasiga ega.

Bu turar-joy binolari mamlakatimizda ro‘y berayotgan urbanizatsiya natijasi va turar-joy bilan ta‘minlanishida hukumatimiz tomonidan jismoniy shaxslarga ipoteka krediti berishning zamonaviy va barqaror tizimini shakllantirish, uy-joy sharoitini yaxshilashga muhtoj bo‘lgan oilalarni davlat tomonidan manzilli qo‘llab-quvvatlash, mahalliy va xalqaro kapital bozorlarida moliyaviy resurslarni jalb qilish va keyinchalik ularni ipoteka kreditlarini qayta moliyalashtirishga yo‘naltirish maqsadida: “2023 yilda bozor tamoyillariga asoslangan ipoteka kreditlari orqali aholini uy-joy bilan ta‘minlash dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”[8] farmonni, «Ayollar daftari», «Yoshlar daftari» va «Temir daftar»ga kiritilgan uy-joyga muhtoj xotin-qizlarni uy-joy bilan ta‘minlash, Toshkent shahrida boshpanasiz, og‘ir turmush sharoitiga tushib qolgan fuqarolarning yashash sharoitlarini yaxshilash maqsadida Vazirlar Mahkamasining “Uy-joyga muhtoj xotin-qizlarni uy-joy bilan ta‘minlash hamda Toshkent shahrida boshpanasiz, og‘ir turmush sharoitiga tushib qolgan fuqarolarning yashash sharoitlarini yaxshilash chora-tadbirlari to‘g‘risida”[9]gi qarorlarni ijrosi bilan bog‘liq bo‘ldi.

Bu o‘zgarishlar nafaqat qurilishning umumiy hajmlari tarkibida sodir bo‘ladi, balki qurilish mahsulotlari turlarining haqiqiy hajmlarida ham tahlil qilingan davr uchun faqat ijobiy o‘zgarishlarga ega bo‘ldi. Shu ma‘noda, qurilish iqtisodiyotning boshqa tarmog‘i kabi viloyatda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishga xizmat qilmoqda. Qurilish industriyasining rivojlanishi muqarrar ravishda mamlakatda iqtisodiy yuksalish va ko‘plab ijtimoiy muammolarning hal etilishiga sabab bo‘lmoqda.

Hozirgi bosqichda ushbu sohaning raqobatbardoshligi haqida gapirish juda qiyin. Agar mintaqaviy miqyosda markaziy tumanlar va yirik millioner shaharlar qurilish tashkilotlarining katta quvvatlari va investitsion jozibadorligi tufayli ustunlik tendentsiyasi aniq kuzatilgan bo‘lsa, u holda jahon miqyosida mamlakatimiz qurilish sanoati zarur moliyaviy va tashkiliy o‘zgarishlarning yo‘qligi bois ancha orqada qolmoqda.

Albatta, qurilish tarmog‘ining ishlashini rivojlanishi, tegishli, mavjud ta‘minlovchi tarmoqlarni muvaffaqiyatli rivojlantirmasdan tasavvur qilish qiyin. Qurilish jarayoni yuqori darajadagi moddiy intensivlik bilan tavsiflanadi, bu esa, shunga ko‘ra, qurilish materiallari sanoatini qurilish mahsulotlarini yaratish uchun zarur materiallar bilan ta‘minlaydigan yetakchi o‘ringa olib keladi. Qurilish materiallari sanoati o‘ziga xos qurilish materiallari bozorini tashkil etuvchi yigirmadan ortiq sanoatni o‘z ichiga olgan ko‘p tarmoqli sohadir.

Bunda qurilishning insoniy, moddiy, energiya va axborot resurslarini ehtiyotkorlik bilan ta‘minlashni nazarda tutiladi. Qayd etish lozimki, sanoatni, qishloq xo‘jaligini, transportni va qurilish o‘zini turdosh tarmoqlar bilan optimal o‘zaro bog‘liqlikda rivojlantirish zarurati mavjud, bu bog‘liqliksiz qurilish jarayonini va qurilish materiallari ishlab chiqarishni tasavvur qilib bo‘lmaydi. Bu mulohaza qurilish materiallari bozoriga ham taalluqlidir. Bu juda istiqbolli, shuning uchun unga e‘tibor qaratish va nafaqat ichki bozorni, balki tashqi bozorni ham zabt etish kerak.

Tadqiqotlar shundan dalolat beradiki, Qurilish jarayonini hududni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning strategik maqsadlari bilan muvofiqlashtirishda qurilish materiallari ishlab chiqarish korxonalari bilan hamkorlikni ta‘minlash mexanizmi ishlab chiqish taklif etiladi.

Namangan viloyati shahar va tumanlarining “o‘sish nuqtalari” va “drayver sohalari”ga ixtisoslashuvini hisobga olib, Pop, Chust, Yangiqo‘rg‘on tumanlarini qurilish materiallari sanoatiga ixtisoslashtirish taklif etiladi chunki ushbu hududlar tog‘li xudud bo‘lganligi hamda ushbu hududlarda qurilish materiallari ishlab chiqarish uchun hom-ashyo materiallari yetarliligi mahsulotni tan narxini pasayishi boshqa hududlarda ishlab chiqarilgan maxsulotlardan narx bo‘yicha ustunlik qilib raqobatga kirisha olish imkoniyati paydo bo‘ladi.

Sanoatning “drayver” sohalarini rivojlantirish va hududlarning sanoat salohiyatini to‘liq ishga solish hamda Qurilish materiallarini ishlab chiqarish hajmini 2 baravarga ko‘paytirish va yangi turdagi energiya tejamkor materiallarini ishlab chiqishni kengaytirishga e‘tibor qaratish import qilinadigan maxsulotlarni o‘rmini bosish hamda raqobatda ustunlikga erishish korxonalarni rivojlanishiga erishiladi.

Xulosa qilib aytganda, kapital qurilish ishlab chiqarish vositalarining ishlash imkoniyatini ta‘minlaydigan moddiy sharoitlarni yaratadi. Qurilish industriyasi umumiy qurilish va ixtisoslashtirilgan tashkilotlar, loyiha-tadqiqot va ilmiy-tadqiqot tashkilotlari, qurilish industriyasi korxonalari qurilish birlashmalari tarkibida, shuningdek, qurilish-montaj ishlarini tejamkorlik bilan bajaruvchi tashkilotlar faoliyatini birlashtiradi. Bundan ko‘rinadiki, qurilish tarmoqlari samaradoriligini aniqlash keltirib o‘tilgan tarmoqlarning sinergetik samarasi orqali ifoda etish maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati

1. https://www.designingbuildings.co.uk/wiki/Global_construction_market_projections_from_2020_to_2030
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси" (11-бўлим 22-Махсан)/www.lex.uz.
3. Васильцова В.М., Тертышный С.А. Институциональная экономика. СПб.: Питер, 2013. 256 с.
4. www.stat.uz – O‘zbekiston respublikasi vazirliar maxkamasi kuzuridagi statistika agentligi Namangan viloyati statistika boshqarmasi ma’lumotlari
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 20.09.2019 йилдаги ПҚ-4464-сон қарори, <https://lex.uz/docs/4523181>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 05.02.2020 йилдаги ПҚ-4586-сон қарори, <https://lex.uz/docs/4726130>
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда объектларнинг хавф-

хатарлар тоифалари таснифини тасдиқлаш тўғрисида” 20.08.2020 йилдаги 496-сон қарори, <https://lex.uz/docs/4959990>

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 13.04.2023 йилдаги ПФ-51-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/6433775>
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Уй-жойга мухтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш ҳамда тошкент шаҳрида бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 06.12.2021 йилдаги 737-сон қарори, <https://lex.uz/uz/docs/5760624>

УДК:338.012

KICHIK BIZNESNING TURLI SOHALARIDA SUN'IIY INTELLEKT TEKNOLOGIYALARI VA KOMPYUTERLARDAN FOYDALANISH

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА И КОМПЬЮТЕРОВ В РАЗЛИЧНЫХ НАПРАВЛЕНИЯХ МАЛОГО БИЗНЕСА

USE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE AND COMPUTERS TECHNOLOGIES IN VARIOUS AREAS OF SMALL BUSINESS

**Namangan muhandislik-qurilish instituti
tayanch doktoranti Abdusattorov Sodiqjon Hakimjon o'g'li**

Annotatsiya

Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot va uning amaliy ahamiyati AI bilan qanday bog'liqligi muhokama qilinadi. Hozirgi kunda raqamli iqtisodiyot va unga aloqador qator samarali texnologiyalar, jumladan, elektron tijorat va elektron biznes hayotimizga jadal kirib bormoqda. Bugungi jadal rivojlanayotgan jahon iqtisodiyoti sharoitida raqamli iqtisodiyot o'z rivojlanishining dastlabki bosqichida bo'lib, u odamlarning turmush darajasini sezilarli darajada oshirishi va bu uning asosiy foydasi ekanligi ta'kidlandi.

Kalit so'zlar: raqamli iqtisodiyot, sun'iy intellekt, raqamli texnologiyalar, rivojlanish, tizim, internet iqtisodiyoti, xalqaro raqobat, raqamli texnologiya, raqobat, aloqa, raqamlashtirish, gibriddunyo.

В данной статье рассматривается, как цифровая экономика и ее практическое значение связаны с ИИ. В настоящее время цифровая экономика и ряд связанных с ней эффективных технологий, в том числе электронная коммерция и электронный бизнес, стремительно входят в нашу жизнь. В условиях современной быстро развивающейся мировой экономики цифровая экономика находится на начальном этапе своего развития, и подчеркивается, что она способна существенно повысить уровень жизни людей и в этом состоит ее главное преимущество.

Ключевые слова: цифровая экономика, искусственный интеллект, цифровые технологии, развитие, система, интернет-экономика, международная конкуренция, цифровые технологии, конкуренция, коммуникация, цифровизация, гибридный мир.

This article discusses how the digital economy and its practical importance are associated with the AI. Nowadays, the digital economy and a number of effective technologies related to it, including e-commerce and e-business, are rapidly entering our lives. In the conditions of today's rapidly developing global economy, the digital economy is in the initial stage of its development,

and it is highlighted that it can significantly increase people's living standards and this is its main benefit.

Keywords: digital economy, artificial intelligence, digital technologies, development, system, internet economy, international competition, digital technology, competition, communication, digitization, hybrid world.

Sun'iy intellekt deb, kompyuterlarning an'anaviy ravishda insonlar bajaradigan aqliy va ijodiy ishlarni bajara olish qobiliyatiga tushuniladi. Yana ushbu atama bilan intellectual mashinalar yaratish ilmi va texnologiyasini ham tushunadilar. Sun'iy intellektning bunday aniqlanuvu 1956 yilda amerikalik informatik Djon Makkarti tomonidan kiritilgan. Ingliz tilida artificial intelligence so'z birikmasi bizda "sun'iy intellect" ma'nosini bildirsa, intelligence so'zi inglizchada "aqli fikrlash qobiliyati" deb tushuniladi. Shu sababli, sun'iy intellect information texnologiyalari qandaydir tizimning o'z-o'zini o'qitish evristik jarayonida qandaydir sinfga oid masalalarni yechish uchun dasturlar yaratish va bu dasturlar yordamida ushbu masalalarni yechishni anglatadi. Sun'iy intellektni aniqlashning empiric testini 1950 yilda Alan Tyuring taklif qilgan. Unga ko'ra, fikrlovchi mashina deb, inson u bilan so'zlashganda uni inson sifatida qabul qilinishi tushunilishi lozim. Sun'iy intellect tizimlarini yaratish bo'yicha bir qancha yondoshuvlar mavjud. Ular ichida eng ommabopi evristik yondoshuv bo'lib, bunda mashina o'zini o'rab turgan dunyoni sinab ko'rish va xatolar tahlili usuli bilan o'rganadi. "O'qituvchisiz o'qish jarayoni" deb nomlangan extimollik mashinasi g'oyasini ilk bora 1956 yilda Dartmund konferentsiyasida Rey Solomonoff aytib o'tgan.

Hozirgi davrda sun'iy intellect bo'yicha juda ko'p sohalarda ilmiy izlanishlar olib borilayotganida qaramay, biror bir inson yoki ilmiy guruh to'laqonli sun'iy intellect tizimini yarata olmagan. Hozirgi davrda sun'iy intellect tizimlari barcha sohalarda insonning ishonchli yordamchisiga aylangan, ammo ko'pchilikning quyidagi savoli hali-hanuz javobsiz qolmoqda:

Agarda ertaga mashina insondan aqli bo'lib ketsa, u xolda nima bo'ladi? Agar masalaning mohiyatiga qarasa, bunga hali ancha vaqt bor, chunki hozircha mashinaning imkoniyatlari insonga nisbatan juda ham kichik miqdorda. Agar mashina algoritmlar asosida ishlasa, inson obrazlar bilan ishlaydi. Shuning uchun ham mashina resurslarini eng ko'p ishlatadigan ob'ekt – videoinformatsiyadir. Inson video ma'lumotlardan tashqari, ovozni, xidni, tasvirni, harakatlarning koordinatsiyasini ham onlayn rejimda yashin tezligida qayta ishlay oladi. Bu esa mashinaning insondan aqliroq bo'lib ketishi hali-hanuz amalga oshmaydigan bir afsona deganidir. Hozirgi davrda sun'iy intellect quyidagi sohalarda qo'llaniladi:

- So'zlar orqali ifodalangan matnlarni qayta ishlash;
- Mashina yordamida ta'lim berish;

Britaniya olimi Stiven Xokingning fikriga ko'ra esa, agarda insonlar juda ham qudratli sun'iy intellect yarata olsalar, bunday sun'iy intellect insonlar uchun juda havfli bo'lib qolishi mumkin. Quyida sun'iy intellektning bir qancha sohalarda qo'llanilishi bo'yicha misollar kiritiladi. Elektroenergetikada sun'iy intellektning qo'llanilishi Loyihalash darajasida: energoresurslar generatsiyasini va unga talabni bashorat qilish, energiya generatsiya qiladigan jihozlarning ishonchliligini chamalash, talab ko'payib ketganda generatsiyani ko'paytirish; Ishlabchiqarishda: uskunalarning profilaktikremontini optinallashtirish, generatsiyaning samaradorligini oshirish, yo'qotishlarni kamaytirish va energoresurslarning o'g'irlanishini kamaytirish;

Mahsulotni bozorda realizatsiya qilishda: Kunning vaqtiga bogliq ravishda narxlarni o'zgartirish va dinamik tarififikatsiya. Hizmatko'rsatishdarajasida: eng foydali yetkazib beruvchini avtomatik ravishda tanlash, iste'molning to'liq statistikasini tuzish, mijozlarni avtomatik ravishda saqlash, energiya ta'minotini mijozning odatlari va xulq-atvoriga bogliq ravishda optimallashtirish.

Ishlab chiqarishda sun'iy intellekt

Loyihalash jarayonida: yangi mahsulotlar yaratish samaradorligini oshirish, mehsulot yetkazib beruvchilarni avtomatik ravishda baholash, detallar va extiyot qismlarga bo'lgan talablarni baholash; Ishlab chiqarish jarayonida: turli xildagi masalalarning bajarish jarayonini

mukammallashtirish, yig‘uv liniyalarini avtomatlashtirish, xatolar sonini kamaytirish va xomashyo yetkazish vaqtini kamaytirish.

Mahsulotni bozorda realizatsiya qilishda: baholash jarayonini boshqarish, xizmat ko‘rsatish bilan bog‘liq xizmatlar hajmi bashoratini amalga oshirish.

Hizmat ko‘rsatish jarayonida: transportvositalariparki marshrutlarini rejalashtirishi mukammallashtirish, avtopark resurslarini boshqarish va xizmat ko‘rsatuvchi injenerlarni tayyorlash sifatini oshirish.

Logistikada sun‘iy intellekt yilning may oyida mahsulotlarni ekspress usulda yetkazib beruvchi logistika kompaniyasi xamda IBM “Logistikada sun‘iy intellect” deb nomlangan hisobot taqdim etishdi. Amazon Mechanical Turk onlayn kraudsorsing platformasi yordamida yig‘ilgan 5,8 mingta real insonlarning dialoglaridan foydalanilgan. Dialoglarni tahlil qilgan holda bot nafaqat muloqotlar olib borishni o‘rgandi, balki kerak bo‘lganda yolg‘on gapirishni ham epladi. Muhandislarning fikrlaricha, sun‘iy intellect nafaqat o‘zi qiziqadigan narsalargagina e‘tibor qaratdi, balki boshqa ma‘lumotlarga ham qiziqu boshladi. Haridor bilan muloqotni tugatganidan so‘ng, bot boshqa muammolarga ham qayta oladi. Ammo muhandislar bot yolg‘on gapirishni insonlararo suhbat vositasida o‘rgandimi yoki bu tasodifiy ravishda o‘z-o‘zicha o‘rganish natijasida ro‘y berdimi, buni aniq bila olmadilar.

Sun‘iy intellekt qimmatbaho buyumlar va xizmatlar bozorida 2017 yilning noyabrida Financial Times sun‘iy intellect qimmatbaho buyumlar va xizmatlar bozorida ham katta o‘zgarishlar kilishi mumkinligi haqidagi maqolani chop etdi. Amazon, Google, Alibaba va shularga o‘xshash texnologik gigantlarning misli ko‘rilmagan muvaffaqiyatlaridan ruhlangan xolda, soat va yuvelir mahsulotlar ishlab chiqaruvchi brendlar ham mijozlar safini kengaytirish uchun sun‘iy intellect texnologiyalaridan foydalanishga harakat qila boshladilar.

Masalan, messendjerlar asosida tashkil virtual suhbatdoshlar bunday brendlarga foydalanuvchilar haqidagi ma‘lumotlarni qonunlarni buzmasdan turib yig‘ish uchun yordam bera oladilar. 2017 yil mart oyida Baselworld soatlar ko‘rgazmasida yuvelir brendi de Grisogono haridorlarga Crazyimals kolektsiyasidan qimmatbaho toshlardan yasalgan buyumlarni tanlashga yordam beradigan chat-botni taklif qildi.

Bu chat-bot haridorlarga o‘zi haqida so‘zlab beradi, mojoyzlardan qiziqish doiralarini so‘rab ko‘radi va shundan so‘ng, ularga qiziqishlariga bog‘liq ravishda yuvelir mahsulotlarni taklif qiladi. Southpigalle kompaniyaning ta‘sischilaridan biri Oliv’e de Koente so‘zlariga ko‘ra, hozirgi davrdagi murakkab iqtisodiy sharoit va tobora kuchayib borayotgan raqobat mijozlarni yo‘qotmaslik uchun “lyuks” klassidagi brendlarga innovatsion texnologiyalarni, shu jumladan, virtual suhbatdoshlarni tadbiiq qilishga undadi. Facebook ning 2016 yildagi izlanishlari natijalariga ko‘ra, 50% dan ortiq respondentlarga qo‘ng‘roq qilgandan ko‘ra, matnli elektron ma‘lumotni jo‘natgan ma‘qul ekan. Financial Times ning ma‘lumotiga ko‘ra, sun‘iy intellect nafaqat mijozlar bilan muloqotni yaxshilaydi, balki, brendlar uchun muhim ma‘lumotlar manba‘i hamdir. Chunki cookie fayllari vositasida yoki ko‘rishlar tarixini tahlil qilgandan ko‘ra, bu holatda ma‘lumot mijozlarga to‘gridan-to‘g‘ri jo‘natiladi. Foydalanuvchilarning ijtimoiy tarmoqlardagi statusi va demografik ma‘lumotlar asosida olingan ma‘lumotlar asosida brendlar mijozlarning intilishlarini, xoxishlarini, emotsiyalarini va tendentsiyalarni chamalab, mahsulotni boshqarish strategiyasiga kerakli o‘zgartirishlar kiritishlari mumkin. Xuddi shu tarzda ma‘lumotlarni qayta ishlash asosida Montblank kompaniyasi 2017 yilda Summit deb nomlangan “aqlli” soat ishlab chiqarid. Bu soatning tashqi ko‘rinishi klassik ko‘rinishda bo‘lgani bilan u sun‘iy intellect asosida ishlaydi va Google assistenti bilan jihozlangan hamda navigator, tarjimon va so‘z orqali boshqariladigan yordamchi funktsiyalarini bajara oladi. Jenevada 2017 yilda bo‘lib o‘tgan ko‘rgazmada Jaeger-LeCoultre brendi barcha ishtirokchilarni o‘z mahsuloti bilan tanishtirdi. Ishtirkchilarga QR-kodli braslet berildi va u orqali iPhone ilovasi yordamida soatlarni tanlash taklif etildi. Ushbu texnologiya to‘dirilgan reallik texnologiyasi yordamida kompaniyaga mijozlar haqida ma‘lumot yig‘ishga imkon berdi. Biznesning eng perspektiv yo‘nalishlari bo‘yicha oxirgi hisobotlarida PwC analitiklari baho berishlaricha sun‘iy intellektning hayotga izchil tadbiiq qilinishi 2030 yilga kelib, jahon YIM ning 14% ga yoki 15,7 trillion dollaga ko‘payishiga olib kelar

ekan. Shuning uchun ham mamlakatimizdagi kompaniyalarning sun’iy intellektga investitsiya qilishlari katta samaraga olib kelishi mumkin. Agarda johon miqyosidagi holatni tahlil qilsak, hozirgi kunda sun’iy intellect ishlab chiqarish va qishloq xo‘jaligiga robotlar va uchunchisiz uchadigan qurilmalar (dronlar) yordamida keng miqyosda tadbqiq qilinayapti. Sun’iy intellect qisqa muddatlarda katta hajmdagi ma’lumotlar yig‘ish va ularni qayta ishlash bilan bog‘liq bo‘lgan sohalarida monitoringni amalga oshirish va information modellar qurish uchun ham keng miqyosda ishlatilina boshlaydi. Elektron tijorat (e-commerce) va moliya sohalarida ham sun’iy intellect bilan jihozlangan chat-botlar faol ravishda ishlatilmoqda. Ular foydalanuvchilarga u yoki bu mahsulot haqida ma’lumot olishga va xilma-hil operatsilarni amalga oshirishga yordam beradilar. Masalan, SberbankIron Lady deb nomlangan virtual kollektor yaratdi, BTB24 esa kichik biznes uchun chat-botlarni ishlatadi, Al’fabank esa treyding operatsiyalari uchun savdo robotlarini ishlab chiqdi. On-layn savdoda ham sun’iy intellektidan foydalanish bo‘yicha bir qancha misollar mavjud: masalan, Amazon va uning virtual yordamchisi Alexa, VR-ko‘ruvchilar, AliExpress on-layn riteylerining virtual reallik magazinlari va boshqalar. Telekommunikatsiyalar sektorida ham sun’iy intellect tizimlari faol ravishda qo‘llaniladi va abonentlarga virtual yordamchi hamda turli servislar taklif qilinadi. Yuqorida aytib o‘tilgan texnologiyalardan biz doimiy ravishda foydalanamiz: Yandex ning Alisasi, Apple ning Siri si, komp’yuterlarimizdagi yangilik agregatorlari va shunga o‘xshashlar robotlashtirilgan yechimlarga yaqqol misollardir. Sun’iy intellektli innovatsion yechimlar havfsizlik sohasida ham faol ravishda qo‘llanilaypti – insonlarni rasmlariga qarab tanib olish va identifikatsiya qilish bunga bir misoldir. Lekin sun’iy intellekt tizimlaridan foydalanganda bir qancha tavakkalchiliklarga (riskka) ham duch kelamiz. Masalan, sun’iy intellektni qo‘llashning boshlang‘ich davrida bilimlar bazasi ancha kam miqdorda bo‘lgani uchun, xato bo‘lgan natijalar ham olinishi ehtimolligi mavjud. Yana bir tavakkalchilik sun’iy intellect tizimi qaror qabul qilishga qiynalgan paytda inson unga yordamga kelish extimolligi, sun’iy intellect tizimiga bo‘lgan harajatlarning juda katta miqdordaligi, sun’iy intellektni o‘qitish jarayonini nazorat qilish bilan bog‘lik tavakkalchilik, sun’iy intellektning qo‘llanilishi bo‘yicha normativ-huquqiy bazaning yo‘qligi va boshqalar. Shuni ham aytish kerakki, oxirgi to‘rt yilda sun’iy intellectni rivojlantirish uchun bo‘lgan investitsiyalar miqdori dunyo miqyosida to‘rt barobarga ko‘paydi. Rossiya federatsiyasining strategik loyihalari (CAF) bo‘yicha rahbari V.Ostrovskayaining firkiga ko‘ra, robotizatsiya texnologiyalari juda ham tez rivojlanayotganiga qaramay, ular hali sun’iy intellect darajasiga yetmaganlar. Ammo, “yuqori texnologiyalarni rivojlantirishda sun’iy intellect juda kata investitsion potentsalga egadir” - deydi u. Robotlashtirilgan yechimlarning rivojlanish potentsiali yaqin ikki yillarga 600-700% ni tashkil qilishi mumkin, RPA(Robotic process automation) bozorining umumiy hajmi esa 2019 yil oxiriga kelib, 2,3 milliard dollarga yetishi mumkin. Ba’zi bir hisob-kitoblarga ko‘ra, yaqin o‘n yillarda ishchi mutaxassiliklarnngi har bir o‘ntadan bittasi robotlar bilan almashinadi. Shuning uchun, sun’iy intellektli tizimlarning hayotga faol tadbqiq qilinishiga unchalik ko‘p vaqt qolmadi, deb aytish ham mumkin. Sun’iy intellectga jalb qilingan barcha investitsiyalarning deyarli yarmi dasturiy ta’minot va iste’mol elektronikasi ishlab chiqaruvchi bozorning yirik ishtirokchilari tomonidan amalga oshirilgan. Bunda gap nafaqat Google, macOS, iOs, Yandex, Microsoft lar haqida, balki yordamchi servislar, ma’lumotlarni yig‘ish va qayta ishlash bilan shug‘ullanadigan kompaniyalar, big data va analitika bilan shug‘ullanadigan kompaniyalar haqida ham ketmoqda.

Shunday qilib, sun’iy intellektni qo‘llash bo‘yicha jahon miqyosida bir qancha yillarga davom etadigan trend hosil bo‘lgan va bu sohaga investitsiya qilish yaqin 15-20 yillar davomida foydali bo‘lib qoladi. Shuning uchun ham yaqin yillarda meditsina, kosmonavtika, iqtisodiyot, robotlashtirish, transport va boshqa soxalarda sun’iy intellektning tez sur‘atlar bilan rivojlanishiga guvoh bo‘lishimiz mumkin. Globallashuv jarayonlarining oxirgi qisqa davrida asosiy harakatlantiruvchi mexanizmlaridan biri bo‘lgan axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasida davr talabiga mos keluvchi yangi yo‘nalishdagi raqamli texnologiyalar yaratilmoqda. Bu texnologiyalar kompyuter tarmoqlari klassik modellaridan yetarlicha darajada farq qilishi bilan birgalikda, ayrim hollarda aynan o‘xshash tamoyillar asosida ish yuritadi. Bulutli hisoblash texnologiyalari g‘oyasi o‘tgan asrning oxirlarida paydo bo‘lgan bo‘lsada, raqamli elektron aloqa

vositalarining shiddat bilan rivojlanib borishi va elektron tizimlar foydalanuvchilarining talablari uzluksiz o‘tib borishi natijasida 2007-2008 yillardan boshlab ommaviylashib, tezkorlik bilan rivojlanish bosqichiga o‘tdi. Bulutli hisoblash (ingl. Cloud computing) odatda, foydalanuvchiga kompyuter resurslari va quvvatini masofaviy internet elektron xizmati ko‘rinishida taqdim etadi.

Shunday yo‘l bilan foydalanuvchiga “virtual” ko‘rinishdagi hisoblash resurslari taqdim etiladi va foydalanuvchi o‘zining masalalariga qanday kompyuter qanday qilib ishlov berayotganligi, xamda bu ish qanday turdagi operatsion tizim boshqaruvida amalga oshiralayotganligi kabi bir qancha savollarga javob ololmasligi mumkin va aslida, bu savollarga javob izlashning zarurati xam bo‘lmaydi. Ish yuritilishida o‘xshashlik va umumiylikni topgan xolda bulutli texnologiyalarni “meynfrem” texnologiyalar (mainframe) bilan taqqoslash mumkin. Ammo “bulut”ning “meynfrem”dan tamoyil jihatdan ajralib turuvchi farqlari mavjud, xususan, “bulut” hisoblash quvvatlarining nazariy jihatdan cheklanmaganligidir. Dastlab vujudga kelgan bo‘lgan raqamli ma’lumotlarga ishlov berish texnologiyalari orasida gridhisoblash birmuncha keng tarqalgan edi. Dastlabki davrda bu yo‘nalish texnik vosita protsessorining bo‘sh turgan resurslaridan unumli foydalanish va hisoblash quvvatlarini ixtiyoriy ravishda ijaraga berish tizimini rivojlantirish imkoniyati sifatida qaralgan edi. Grid-hisoblash xamda bulutli hisoblash arxitekturasini qo‘llanilayotgan tamoyillariga ko‘ra xam bir qancha o‘xshash jihatlarga ega. Shu bilan bir vaqtda, masofaviy hisoblash resurslaridan foydalanish uchun yetarlicha moslashuvchan platformaga ega bo‘lganligi tufayli, bulutli hisoblash modeli eng istiqbolli texnologiya deb tan olingan. Hozirgi kunda yirik bulutli hisoblashlar ma’lumotlarga ishlov berish markazlariga joylashgan minglab serverlardan tashkil topadi. Ular bir vaqtning o‘zida millionlab foydalanuvchini minglab ilova va resurslar bilan ta’minlab beradilar. Xususi kompaniyalarga katta kompyuterlar, ERP, CRM yoki boshqa turdagi qo‘shimcha qurilmalar sotib olish xamda sozlashni talab etuvchi turli serverlarni saqlab turish o‘ta qimmatga tushib ketadi va shuning uchun xam korxonalar uchun bulutli texnologiyalardan foydalanish juda qulay raqamli elektron vosita hisoblanadi. Individual foydalanuvchilar o‘rtasida o‘zining qulayligiga ko‘ra Google kompaniyasi tomonidan taqdim etilayotgan “Xujjatlar – Google.doc”, “Kalendar – Google calendar” va Google presenter kabi xizmatlarga o‘xshash ko‘plab bulutli xizmatlardan foydalanish juda qulay va ayni vaktida bo‘ladi. Bulutli texnologiyalardan foydalanish uzluksiz rivojlanib va muvaffaqiyatlarga erishib borayotganligining sababi juda oddiy: ularni qo‘llash turli-tuman antiqa imkoniyatlarga ega hamda infratuzilma tashkil qilish, xizmat ko‘rsatish va tashkilot xodimlarga sarflanadigan bir qancha xarajatlarni tejaydi. Masofadagi ma’lumotlarni qayta ishlash markazida ma’lumotlarga ishlov berish va axborotlarni saqlashga imkon beruvchi dasturiy-texnik ta’minot yetarli darajada soddalashtirilishi mumkin. Bunday masala va muammolarning deyarli barchasi xizmat ko‘rsatuvchi provayder zimmasiga to‘liq yuklatiladi. Bunday yondashuv korxona kompyuterlarida turli operatsion tizimlar (Windows, Linux, MacOS va boshqalar) o‘rnatilgan bo‘lsa ham ularni qandaydir ma’noda standartlashtirishga imkon beradi. Bulutli texnologiyalar kompaniyaning umumiy ma’lumotlariga kirishni va undan foydalanishni tashkilot ofisidan tashqarida yurgan, ammo Internetga ulanish imkoniga ega bo‘lgan xodimlar va mijozlar uchun xam birdek oson ta’minlab beradi. Foydalanish uchun ko‘plab qulayliklariga qaramay, bulutli texnologiyalar bir qator juz’iy kamchiliklarga ham ega. Jumladan, foydalanuvchining xizmatlarni yetkazib beruvchi lobal tashkilotga to‘liq bog‘lanib qolishi. Haqiqatan ham, bulutli xizmatlar yaratilishi tamoyiliga ko‘ra, korxona faoliyati xizmatlar provayderi va Internet provayderining qanday ish olib borishiga bog‘liq bo‘lib qoladi. Zamonaviy bulutli texnologiyalar nafaqat tayyor tarmoq va server qurilmalari, balki, asta-sekin ichki tizimlar (embedded cloud) bozoriga ham jadal kirib bormoqda. Turli xildagi qurilmalarni global tarmoqqa ulash va boshqarish g‘oyasi “buyumlar interneti” (Internet of Things – IoT) deb yuritiladi. Microsoft Windows embedded kompaniyasi bosh menenjeri Kevin Dallas fikriga ko‘ra, buyumlar interneti g‘oyasi ko‘p yillardan buyon mavjud bulgan, ammo bunday tarmoqni amalga oshirilmaganligiga sabab – birgina bo‘g‘inning, ya’ni, bulutli texnologiyaning yaratilmaganligi edi. Tarqatish modellari bo‘yicha bulutli hisoblash texnologiyalari xususi, ommaviy va g‘ibrid texnologiyalarga ajratiladi. Xususi bulut (private cloud) – korxonaning ichki bulutli infratuzilishi va xizmatidir. Odatda bunday bulutli informatsion

tuzilma shaxsiy yoki korporativ tarmoq doirasida joylashgan bo‘ladi. Tashkilot unga tegishli bo‘lgan bulutni mustaqil boshqarishi yoki bu masalani tashqi pudratchiga topshirishi mumkin. Infratuzilma buyurtmachi binosida yoki tashqi operatorida, yoki qisman buyurtmachi va qisman operator binosida joylashtirilishi xam mumkin.

Ommaviy bulut (public cloud) - bunday infratuzilmadagi bulutli hisoblash xizmatlaridan keng xalq ommasi foydalanishi mumkin, bunda kerakli boshlangich ma’lumotlar uni yetkazib beruvchilar tomonidan taqdim etiladi va korporativ tarmoqdan tashqarida joylashtiriladi.

Bunday bulut foydalanuvchilari information bulutdagi bazaviy ma’lumotlarni boshqarish yoki unga xizmat ko‘rsatish imkoniyatiga ega bo‘lmaydilar, informatsion xizmatlarning sifati bo‘yicha barcha mas’uliyat bulut egasiga yuklatiladi. Mijoz esa foydalanayotgan dasturiy-texnik va informatsion resurslar uchun ulardan foydalanishiga bogliq ravishda qandaydir miqdorda haq to‘laydi. Foydalanuvchilarga boshqa bu xildagi elektron platformali yechimlarda erishish mumkin bo‘lmagan va katta ko‘lamli kengayuvchanlik imkoniyatiga ega biznes-tizim yoki veb-saytdan foydalanish imkoniyatlari tushunarli tarzda va imkon qadar qoniqarli narxlarda taklif etiladi. Bunday bulutli platformalarda ishlash imkoniyatini taqdim etuvchilarga Amazon YEC2, Amazon Simple Storage Service (S3), Google Apps/Docs, Salesforce.com, Microsoft Office Web kabi onlayn-xizmatlarini misol sifatida keltirish mumkin. Ta’kidlash joizki, ommaviy bulutda foydalanuvchi bulutli tizimni past va cheklangan darajada nazorat qilganligi tufayli, qat’iy xavfsizlik choralari va me’yoriy talablarga mos kelishlikni ta’minlab bera olmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sarycheva AD (2019), Iqtisodiyotga raqamli texnologiyalarni joriy etish . -2018 yil. -[Elektron resurs]. URL: <https://cyberleninka.ru> (apellyatsiya sanasi : 27.02.2019).
2. Tan KH, Ji G., Lim CP, Tseng M.-L. Yaxshiroq qilish uchun katta ma’lumotlardan foydalanish (2017), Raqamli iqtisodiyotdagi qarorlar. Xalqaro ishlab chiqarish tadqiqotlari jurnali, 2017, jild. 55, yo‘q. 17, 4998—5000-betlar
3. Catlin, T., Scanlan , J., Willmott , P., (2015), Raising your Digital Quotient. McKinsey Quarterly, Iyun, 2015. [onlayn] Bu yerda mavjud: <http://www.mckinsey.com/business-functions/strategy-and-corporate-finance/our-insights/raising-your-digital-quotient> [Kirish 6-sentabr. 2016].
4. Chakpitak N., Maneejuk P., Chanaim S., Sriboonchitta S. (2018), Tailand raqamli iqtisodiyot davrida: raqamli texnologiyalar qanday qilib iqtisodiy o‘sishga yordam beradi? Hisoblash intellektidagi tadqiqotlar, 2018, №. 753, 350 - 362-betlar.
5. Daniya Raqamlashtirish Tashkiloti Agentligi , Yangi Raqamli Strategiya 2016-2020 [Press-reliz], 2016 yil 26-may, <http://www.digst.dk/ServiceMenu/English/Policy-and-Strategy/Digital-Strategy-2016/Rease-P20> Yangi raqamli strategiya. Daniya Raqamlashtirish Tashkiloti Agentligi , Yangi Raqamli Strategiya 2016-2020 [Press-reliz], 2016 yil 26-may, <http://www.digst.dk/ServiceMenu/English/Policy-and-Strategy/Digital-Strategy-2016/Rease-P20> Yangi raqamli strategiya. Goldstein H. Tahririyat (2017), Raqamli iqtisodiyot qonuni va statistik tadqiqotlar. Qirollik statistika jamiyati jurnali. A seriyasi: Jamiyatdagi statistika, 2017, jild. 180, iss. 4, 945—946-betlar. Koreya Respublikasi qanday qilib jahon AKT yetakchisiga aylandi <https://news.itu.int/republic-korea-eader-information-com-municationtechnologies>.
6. Martin-Shilds CP, Bodanac N. (2017) , Tinchlikni saqlashning raqamli iqtisodiyoti: nizodan keyingi iqtisodiy o‘sishda aloqa texnologiyalarining roli . Xalqaro tinchlikni saqlash, 2017, 26 b. URL: <https://doi.org/10.1080/13533312.2017.1408413>
7. Pilik M., Juříčková E., Kwarteng MA (2017), Iqtisodiyotning raqamli transformatsiyasi doirasida Chexiya Respublikasida onlayn xarid qilish harakati . Iqtisodiy yilnomalar-XXI, 2017, jild. 165, yo‘q. 5-6, 119—123-betlar. URL: <https://publikace.k.utb.cz/handle/10563/1007676>
8. Parvainen P., Tihinen M., Kaariainen J., Teppola S. (2017), Raqamlashtirish muammosini hal qilish: amalda raqamlashtirishdan qanday foyda olish mumkin, Axborot tizimlari va loyihalarni boshqarish xalqaro jurnali.-2017.№ 1(5).- R.63-77

**ТАДБИРКОРЛИКНИ ЮРИТИШДА ТАШҚИ ОМИЛЛАРНИНГ АҲОЛИ
ФАРОВОНЛИГИГА ТАЪСИРИ**

**ВЛИЯНИЕ ВНЕШНИХ ФАКТОРОВ НА БЛАГОСОСТОЯНИЕ НАСЕЛЕНИЯ
ВВЕДЕНИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВОМ**

**INFLUENCE OF EXTERNAL FACTORS ON THE WELL-BEING OF THE
POPULATION IN INTRODUCTION TO ENTREPRENEURSHIP**

**Наманган муҳандислик-қурилиш институти
таянч докторанти Бобаев Исроилжон Абдинабиевич**

Аннотация

Мақолада Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026-йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси асосида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ташкил этиш ва унга ташқи муҳит омилларининг таъсир кўлами тўғрисида мулоҳазалар юритилган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига ташқи муҳит омилларини ҳар томонлама таъсири таҳлил этилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик субъекти, ташқи муҳит омиллари, аҳоли фаровонлиги, рақобат, монополия, миллий иқтисодиёт, экспорт, макромуҳит, микромуҳит.

В статье на основе стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы даны комментарии по организации деятельности субъектов предпринимательства и влиянию на нее внешних факторов среды. Также анализируется комплексное воздействие факторов внешней среды на субъектов предпринимательства.

Ключевые слова: хозяйствующий субъект, факторы внешней среды, благосостояние населения, конкуренция, монополия, национальная экономика, экспорт, макросреда, микросреда.

The article, based on the development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026, provides comments on the organization of the activities of business entities and the influence of external environmental factors on it. The complex impact of external environmental factors on business entities is also analyzed.

Key words: economic entity, environmental factors, welfare of the population, competition, monopoly, national economy, export, macroenvironment, microenvironment.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026-йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида аниқ белгилаб берилган устувор йўналишлардан бири миллий иқтисодиётимизни жадал суръатларда ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес субъектлари бўлган товар айланмаси 100 000 000 (юз миллион) сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхоналар, микрофирмалар ва товар айланмаси 100 000 000 (юз миллион) сўмдан юқори бўлган масъулияти чекланган жамиятлари ва хусусий корхоналарида ташқи омилларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда тадбиркорлик субъектининг асосий мақсади ташқи омиллар таъсирида арзон ва сифатли товар ёки хизматларни яратиш, аҳоли тўлов қобилиятига мос нархларда товар ва хизматларни сотиш ишларини ташкил этиш ҳисобланади. Биз биламизки, ҳар қандай корхонадаги ташқи омиллар бу корхонага таъсир этувчи барча ташқи иқтисодий, ижтимоий омиллар ҳисобланади. Корхона стратегиясини тузишда ташкилотга таъсир этувчи омилларни инобатга олиш муҳим ва бунда ғарбий европалик иқтисодчи олимлар Г.Жохнсон

ва К.Счолеслар куйидаги моделларни таклиф этдилар. Ушбу моделда куйидаги кадамлар мавжуд:

1-кадам: Ташқи таъсирларнинг табиатини аниқлаш (ўзгарувчанми ёки стабилми?);

2-кадам: Корхонага аввал таъсир этган, таъсир этаётган ва келажақда таъсир этаётган ва келажақда таъсир қилиши мумкин омилларни аниқлаб олиш;

3-кадам: Корхонага яқин ёки рақобатбардош муҳитнинг кучли жиҳатларини аниқлайдиган тизимли таҳлил режасини тузиш;

Ушбу кадамлар асосий вазифаларини белгилаб беради. Сўнгра куйидаги саволларга жавоблар изланади:

4-кадам: Корхонанинг бошқа ташкилотларга нисбатан позицияси қандай?

5-кадам: Ташқи омиллар қандай таҳдидлар ёки имкониятларни яратади?

Ташкилотга таъсир этувчи омилларни бир неча йўналишларга бўлиб ўрганиш мумкин: Глобал/маҳаллий: Шундай ташкилотлар борки, улар бутун дунё бўйлаб ўз фаолиятларини олиб борадилар. Улар фаолият олиб бораётган ёки маҳсулотларини экспорт қилаётган хорижий мамлакатларнинг ички бозорига мослашувчан бўлишлари керак. Баъзи ҳолларда корхоналарга маҳаллий омиллардан кўра глобал омиллар кўпроқ зарар етказиши мумкин [1]. Макро (билвосита)/микро (бевосита омиллар): Макро (билвосита) омиллар бу ташкилотга билвосита таъсир этувчи барча омилларни ўз ичига олади, умумий иқтисодий тенденциялар, аҳоли сонининг ўсиши, янги инновацион технологиялар, бир сўз билан айтганда PEST омиллар таҳлили яъни PEST (P=Political factors (сиёсий омиллар), E=Economic factors (иқтисодий омиллар), S=Social factors (ижтимоий омиллар), T=Technological factors (технологик омиллар)) таҳлили ҳисобланади.

Микромуҳит (бевосита): Тадбиркорлик субъектига бевосита таъсир кўрсатувчи соҳаларни камраб олади: хом ашё, рақобатчилар, мижозларни сотиб олиш қобилиятлари ҳисобланади. Макромуҳит (билвосита) бу ҳукумат фаолияти, табиат ҳодисалари ва жамият ҳолатини ўрганади. Тадбиркорлик субъектининг ташқи муҳит омилларини куйидаги 1.1-расмда кўришимиз мумкин:



**1.1-расм. Тадбиркорлик субъектининг ташқи муҳит омиллари
(муаллиф ишланмаси)**

1.1.-расмдан кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектига 8 та ташқи муҳит омиллари таъсир кўрсатади, булар куйидагилар:

1. Давлат (фан, маданият, таълим) бунда тадбиркорлик субеклари учун керакли бўлган профессионал ходимларни ўқитиш ва керакли таълим адабиётларини яратиш,

корхонага турли хил имтиёзлар бериш яъни солиқ ставкасини камайтириш, тижорат банкларидан имтиёзли ва паст фоизли кредитлар ажратиш ва табиркорлик субектларини молиялаштириш, маълум бир иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун лицензия (рухсатнома) бериш, корхона ходимларини бепул тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини бериш.

2. Молиявий иқтисодий фаолият. Тадбиркорлик субектининг маҳсулот таннархи ҳисоб китоби, даромад ва харажатлар ҳисоби, фойда ва зарарини ҳисоблаш, иш ҳақини ҳисоблаш, дебитор ва кредитор қарздорликларни камайтириш чораларини кўриш, пул оқимларини таҳлил этиш, корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш ва ходимлар кўнимсизлигини камайтириш чораларини кўриш каби кўриб чиқилади.

3. Хом ашё етказиб беришда корхонага арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун арзон нархларда хомашё етказиб берувчи фирмаларни излаб топиш, бу орқали маҳсулотни таннархини пасайтирган ҳолда бозорни эгаллаш чораларини кўриш орқали рақобат муҳитида ютиб чиқиш.

4. Ижтимоий ҳолат. Бунда тадбиркорлик субектидаги ишлаётган ишчи ходимларни моддий рағбатлантириш, давлат томонидан пенсия ва моддий нафақаларни тўлаш механизмини тезлаштириш, ишчи ходимларни руҳий-психологик ҳолатини яхшилаш учун концерт ва кўнгилочар маданий тадбирларни уюштириш ишларини амалга ошириш киради.

5. Монополия ва рақобат муҳити. Бу муҳитда тадбиркорлик субекти ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини бозор нарх сиёсатига амал қилган ҳолда белгиланган муддатда демпинг нархларда сотиш орқали рақобат муҳитида бозорни эгаллаши, хом ашё сотиб олаётган монопол фирмаларга нисбатан Монополияга қарши курашиш орқанлари томонидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

6. Яширин иқтисодиёт. Бунда тадбиркорлик субектини мажбурий тўлов бўлган солиқ тўлашдан қочиш ва умуман солиқ тўламасдан бизнесни юритиш, тижорат банкида ҳисоб рақам очмасдан, ўз товар айланмасидан тушган пул маблағларини банк кассасига топширмаслик, ва бу орқали миллий иқтисодиётимиздаги пул айланмасини тўхтатиш ҳолатлари кўриб чиқилади.

7. Харидорлар. Бу омилда асосан тадбиркорлик субектини бевосита маркетинг фаолияти билан шуғулланган ҳолда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини бозорга киритиш, нарх сиёсатига амал қилган реклама орқали айнан тадбиркорлик субекти томонидан яратилган товар ёки хизматларни сотиб олувчи, истеъмолчилар, харидорларнинг ушбу товарга тўлов қобилияти, товарга қизиқиши кўриб чиқилади. Бунда албатта корхонадаги маркетинглар яъни маркетинг тадқиқотларини ўтказувчи мутахассисларнинг билими ва малакаси муҳим аҳамиятга эга.

8. Инновацион технологик ҳолатда тадбиркорлик субектига сотиб олиб ўрнатилган дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар, замонавий инновацион технологияларни ўзида мужассам этган робототехника воситалари, инсон омилисиз ишлайдиган ва давлат стандартига жавоб берувчи янги инновацион технологиялар ва нанотехнологиялар асосида яратилган дастурий таъминот асосида ишловчи компютерлашган ускуналар ва жиҳозларнинг мавжудлиги кабилар киради.

1.1-расмдаги омилларни амалий жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, тадбиркорлик субектларининг ташқи муҳити омиллари аҳоли фаровонлигига бевосита таъсир этади. Чунки, аҳоли фаровонлиги бир қанча иқтисодий кўрсаткичлар: ЯИМ (Ялпи Ички Маҳсулот), ЯММ (Ялпи миллий маҳсулот), АД (аҳоли даромадлари), РД (реал даромад), ИС (Истеъмол саватчаси). ҚД (қашшоқлик даражаси) Ф (Фойда) кабилар билан ўлчанади. Тадбиркорлик субектларини аҳолини иш билан бандлиги ва истеъмол саватчаси бугунги кунда, Республикамизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари кийим кечак ёки озиқ-овқат маҳсулотларини бозорга олиб чиқиб, аҳоли даромади аҳолининг тўлов қобилиятига қараб маҳсулот ёки хизматларни арзон ва сифатли ҳолатда етказиб беришмоқда.

Масалан: Наманган шаҳрида жойлашган “Идеал” МЧЖ аҳолига ва шахримиз меҳмонларига арзон демпинг нархларда эркалар ва аёллар учун костюм-шим, туфли,

болалар кийим кечакларини ишлаб чиқариш ва сотишни амалга оширмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимиз аҳолисининг кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш ҳисобланади. “Идеал” МЧЖ асосан маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этган ҳолда экспорт салоҳиятини кучайтирмоқда, жаҳондаги дунё аҳолиси тан олган брендлар билан рақобатга киришиб, рақобат муҳитида фаол иштирок этмоқда. Бугунги кунда ушбу тадбиркорлик субъектида 500 киши фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхона экспортёр корхоналар ичида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Бу корхона асосан хорижий давлатларга (Россия, Германия, Голландия, Қозоғистон ва Тожикистон) аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган костюм шим маҳсулотларини экспортини ташкил этган бўлиб бир неча ташқи тўсиқларга дуч келади. “Идеал” МЧЖ ни PEST таҳлилини ўтказадиган бўлсак, P (political factors) сиёсий омиллар таҳлилини ёритадиган бўлсак, бунда тадбиркорлик субъектининг тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини бевосита ҳукумат қарорлари билан ҳамоҳангликда иш юритилиши, ПФ (Президент фармонлари), ПҚ (Президент қарорлари) ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари ижросини корхонада таъминланиши кўриб чиқилади ва таҳлил этилади. E (economic factors) иқтисодий омиллар таҳлилида эса тадбиркорлик субъектининг иқтисодий ривожланиши ва пасайиши, турғунлик ёки ўсиши, валюта курсларининг тебранишлар ва шу билан боғлиқ бўлган пул захиралари қийматининг ўзгариши, корхонада ишсизликни камайтириш, иқтисодиётнинг глобаллашув даражаси, корхонада иш ҳақини ўсиши, корхона бюджети яъни корхона даромадлари ва харажатлари таҳлили ва тижорат банкидан имтиёзли, паст фоизли кредитларни олиш чора тадбирларини кўриш кабиларни таҳлили кўриб чиқилади. S (social factors) ижтимоий омиллар таҳлилида тадбиркорлик субъектидаги ижтимоий-маданий ва психологик омилларга ишора этади. Бу омилларни таҳлил этишда биз бир неча асосий параметрлардан бошлашимиз керак, биринчидан, демографик ўсишни кузатиб бориш (аҳоли сонининг кўпайиши ёки камайиши), иккинчидан, корхонанинг ривожланиши учун унга профессионал ишчи ёки ходимлар сув ва ҳаводек зарурлигини инобатга олган ҳолда корхонага потенциал кадрлар (корхонада ишлаётган малакали ва тажрибавий кадрлар) сонини кўпайтириш, T (technological factors) технологик омиллар таҳлилида эса тадбиркорлик субъекти ижодкорлик бўйича янги инновацион технологиялар асосида яратаётган маҳсулот ёки хизматларни яратиш тарғиб этишда фойдаланиладиган асосий замонавий дастгоҳларнинг техник созлиги ва фойдаланишга яроқлилиги, бизнес юритишнинг янги усуллари жорий этиш ва янги хом ашёлардан фойдаланиш киради, интернет ва мобил қурилмаларининг sanoat ва бозор ривожланишига таъсири даражаси яъни тадбиркорлик субъектида яратилган маҳсулот ёки хизматларни тарғиб этувчи реклама ва постларни интернетдаги Telegramm, Instagram, Facebook, YouTube, Twitter каби ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва бу орқали тадбиркорлик субъектининг самарали рақобатлашишига имкон берадиган IT янгиликларни жорий этиш киради.

Ташқи муҳит – бу тайёр маҳсулот (иш, хизмат)лар истеъмолчилари, ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчилар, банклар ва бошқа молиявий ташкилотлар, давлат органлари ва корхона атрофида яшовчи ишчи кучи ҳисобланади. Корхонанинг ташқи муҳитини таҳлил жараёнини 3 гуруҳга бўлиб ўрганилади: 1. Иқтисодий 2. Сиёсий 3. Ижтимоий; Иқтисодий таҳлил этишда корхонага бир неча ташқи муҳит соҳаларини таъсирини ўз ичига олган ҳолда, иқтисодий муҳитни умумий ҳолати, бозор истеъмолчилар, рақобат, ишчи кучи омили ташқи иқтисодий шароитнинг асоси деб ҳисобланиб, корхона ёки ташкилот стратегиясига таъсир кўрсатади.

Сиёсий таҳлилда асосан корхона фаолиятига халқаро омиллар ҳам таъсир кўрсатишини кўришимиз мумкин. Бунда айниқса транснационал компанияларда, унинг раҳбарияти табиийки ушбу катта муҳитга аҳамият беради. Ижтимоий ёки ижтимоий ахлоқ таҳлилида корхонанинг ишчи ходимлари ўртасидаги руҳий-психологик фирманинг менежери уларни ижобий таъсини ҳисобга олиш ва ишлата олишда ёки уларнинг салбий таъсирини зарарсизлантира олиш.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектига ташқи омиллар таъсирида товар ва хизматларни яратиш, тадбиркорлик субъекти фаолиятида аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида аҳоли тўлов қобилиятидан келиб чиққан ҳолда бозорда эркин ва монополсиз шароитда товар ёки хизматларни етказиб бериш ислохотларини амалга ошириш муҳим масала ҳисобланади. Шунинг билан бирга олган бугунги кунда тадбиркорлик субъектидан сифатли ва ҳамёнбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, аҳоли талаби ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, аҳоли фаровонлиги бўйича муҳим иқтисодий кўрсаткич бўлган истеъмол саватчасидаги кийим кечак ва озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали аҳоли фаровонлигини янада ошириш долзарб масала ҳисобланади. Шундай экан, Республикада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъекти бундай масалаларга эътиборли бўлишлари кераклигини ҳис этган ҳолда товар ва хизматларни яратишлари лозим. Бу ўз навбатида Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026-йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида аниқ белгилаб берилган устувор йўналишлардан биридир. Қолаеврса, Республикада миллий иқтисодиётини жадал суръатларда ривожланишига ва иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 05.10.2016 yildagi PF-4848-сонли фармони
2. “Бизнесда бухгалтерия ҳисоби” / Дарслик. I - қисм. (инглизчадан расмий таржима) А..Каримов, С.Меҳмонов, Н.Ризаев, З.Солаева– Т.: «Иқтисод-Молия», 2021, 21-бет
3. “Тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш асослари” С.Салаев, М.Гулманов, Д.Саидов, Ж.Атаев, Б.Таджиев. Ўқув қўлланма. “Тафаккур бўстони” Тошкент – 2014, УЎК: 334,722 (075)
4. “Тадбиркорлик ва бизнес асослари”, Муродов А, Муҳамедов Ф, Саидхўжаев П, Темиров М Электрон ресурс, Ўқув қўлланма Тошкент 2014 йил, “Илм Зиё”. 335 бет.
5. <http://el.tfi.uz/> Тошкент Молия Институтининг электрон кутубхонаси
6. <https://madeinuzbekistan.ru/idealgarments> веб сайтидаги Made in Uzbekistan (Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган) руқни остида берилган “IDEAL” МЧЖ нинг реклама пости
7. <https://lex.uz/docs/> Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси
8. <https://e-library.namdu.uz/> Наманган Давлат Университетининг электрон кутубхонаси

**ХУДУДИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ
АҲАМИЯТИ**

ЗНАЧЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ УСЛУГ

**THE IMPORTANCE OF REGIONAL ENTREPRENEURSHIP IN THE SERVICE
SECTOR**

**Махмудова Нозимахон Бахриддинхонова,
Наманган муқандислик-қурилиш институти докторанти**

Аннотация

Ушбу мақолада бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдан иборат эканлиги ва бу борада ҳудудий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳамияти жуда катта эканлиги ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, ҳудудий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес, инновациялар, бозор инфратузилмаси, грантлар, субсидиялар, ўрта бизнес, кредит, халқаро шартлар.

В данной статье рассматривается, что одним из основных факторов экономического развития в условиях рыночных отношений является развитие малого бизнеса и предпринимательской деятельности, и в связи с этим значение регионального предпринимательства в сфере оказания услуг очень велико.

Ключевые слова: экономика, региональное предпринимательство, сервис, малый бизнес, инновации, рыночная инфраструктура, гранты, субсидии, средний бизнес, кредит, международные условия.

This article considers that one of the main factors of economic development in the conditions of market relations is the development of small business and entrepreneurial activities, and in this regard, the importance of regional entrepreneurship in the field of service provision is very great.

Key words: economy, regional entrepreneurship, service, small business, innovations, market infrastructure, grants, subsidies, medium business, credit, international conditions.

Бугунги кунда иқтисодиётни юксалтириш муаммоларини ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўрин тутди. Аҳолининг турли-туман хизматларга бўлган ҳамда тобора ўсиб ва кенгайиб бораётган эҳтиёжларини имкон қадар тўлароқ қондириш мамлакатимизда изчилик билан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устивор вазифаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг бош стратегик мақсади ҳам очик бозор иқтисодиётини шакллантириш ҳисобланади. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, япй ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш ҳамда саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш вазифаларини белгилаб берилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон иқтисодиёти тажрибасидан маълумки, ҳозирги кунда мамлакатларнинг ЯИМ таркибидаги хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши бошқа тармоқларга нисбатан юқори бўлганлиги сабабли дунё иқтисодиёти аллақачон хизмат кўрсатувчи иқтисодиёт сифатида қабул қилинган. Ушбу соҳанинг сон-саноксиз афзалликлари туфайли аксарият мамлакатлар аҳоли фаровонлигини ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун хизмат кўрсатиш соҳасини самарали ривожлантиришга эътибор беришади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган баъзи чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” [1] да “маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали алоқаларни йўлга қўйиш орқали маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузи ошириш” масалалари таъкидланган бўлиб, бунда биринчи навбатда замонавий юқори технологияларга кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, статистик кузатиш, статистик жамлаш ва гуруҳлаш, ўртача миқдорлар, динамика қаторлари, корреляцион ва регрессион таҳлил, эконометрик моделлаштириш ҳамда прогнозлаш каби усуллар қўлланилган.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдан иборат бўлиб, “бизнес” ва “тадбиркорлик” тушунчалари қандай мазмунга эгаллиги ҳамда нимани англатиши бўйича XVII аср охири ва XVIII аср бошларида илк бор инглиз иқтисодчиси Ричард Кантлон фикр билдирган. Унинг фикрича, тадбиркор таваккалчилик шароитида фаолият юритувчи киши бўлиб, у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган [2].

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари - ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган [3]. Ушбу таъриф орқали муаллиф тадбиркорликнинг ўша давр иқтисодиётидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятини ер ва меҳнатга боғлаган ҳамда бу орқали ҳозирги фермер хўжаликлари эгаларига тенглаштирилганлигини кўриш мумкин.

Инглиз иқтисодчиси А.Смитнинг фикрича, тадбиркор - капитал эгаси бўлиб, у муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор-бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқлигини билган ҳолда, тадбиркорликдан олинган даромад шахсий таваккалчилик учун олинган мукофотдир [4] - деб, таъкидлаган.

XIX-XX асрларда тадбиркорлик фаолиятининг аҳамияти ва иқтисодиётдаги ролини англаган ҳолда француз иқтисодчиси Андре Маршалл биринчи бўлиб ишлаб чиқаришнинг Ж.Б.Сей таъкидлаган учта омилига (ер, капитал, меҳнат) қўшимча тўртинчи - ташкиллаштириш омилини қўшди [5] ва шу вақтдан бошлаб, тадбиркорлик тушунчаси ва шу соҳада олиб бориладиган ишлар кўлами кенгайиб борди.

Келтириб ўтилган ҳар бир омил ишлаб чиқаришдан олинаётган ўзига хос фойдани акс эттиради: капиталдан капиталист қўшимча фоииз олади, ер рента беради, капиталистнинг ишбилармонлик фаолияти даромад келтиради, ишчининг меҳнати уни маош билан таъминлайди. Бошқача қилиб, Ж.Б.Кларк сўзи билан айтганда: “Эркин рақобат меҳнатга меҳнатдан келган нарсани беради, капиталистларга капитал яратган нарса тегади, тадбиркорлар мувофиқлаштириш фаолиятдан келган нарсани олади” [6].

Ғарбий ва маҳаллий замонавий иқтисодий адабиётларда кўплаб иқтисодчилар тадбиркорлик фаолиятининг мавзусига эътибор беришади ҳамда унинг ноёб қобилиятларини таъкидлайдилар. Жумладан, А.Шаперо тадбиркорни ташаббус кўрсатадиган ва бозор шароитида ижтимоий-иқтисодий механизмларни ташкил этишга қодир шахс сифатида

кўради [7]. Б.Карлоф худудий тадбиркорнинг ролини ишлаб чиқаришнинг барча омилларини: мулкни, меҳнатни, капитални оптимал равишда бирлаштириш қобилиятида ва ресурслар тўғрисида тўғри қарор қабул қилишда кўради. У тадбиркорликни ижодкорлик билан чамбарчас боғлайди [8].

Тадбиркор учун янги бозорларни ривожлантириш, янги товарларни ишлаб чиқаришга ўтиш, хизматлар кўрсатиш ва ҳ.к.лар билан шахсан шуғулланиш шарт эмас. Асосийси - бу ташкилот, корхона, жамоада ижодий муҳит яратиш бўлиб, бундан келиб чиқадики, фикримизча, айнан янги бозорларни, янги технологияларни ривожлантиришда, янги товар ва хизматларни чиқаришда тадбиркорнинг асосий вазифаси ётади. Бу унинг бизнесменлардан - ҳар қандай иқтисодий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган ишбилармонлардан тубдан фарқ қилишини ифода этади. Гарчи венчур капитал ва ишлаб чиқариш соҳалари мавжуд бўлса-да бизнес ва тадбиркорлик бирлигининг намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Динамик бозорларда фаолият юритадиган менежерлар ўзаро боғлиқ бўлган глобал иқтисодиётдан келиб чиқадиган узилишларни бошқариш билан тўқнаш келганлари боис, Н.Stevenson ва J.Jarrillo-Mossilar имкониятларни излаш ва улардан фойдаланишга йўналтирилган бошқарув услубига эга бўлган тадбиркорликни концепциялаштирганлар [9]. Бу эса рақобатнинг кучайиши, демографик ўсиши ва бошқаларнинг ўзгаришлар натижасида айрим тармоқлардаги таркибий ўзгаришлар асосида тадбиркорликни ривожланишини белгилаб беради. Кичик бизнеснинг ривожланиши ва бу соҳадаги бошқарув вазифаларининг мураккаблашиши кичик бизнесни бошқариш функциялари ва вазифаларининг босқичма-босқич расмийлаштирилишини белгилайди [10].

Юқорида муҳокама қилинган таърифларни ҳисобга олган ҳолда, тадбиркорликнинг асосий характерли хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ўз фаолиятида ноу-хау, илмий билим, ютуқлардан фойдаланган ҳолда даромад ва фойда олиш учун янги имкониятларни излаш билан боғлиқ ташаббус.

2. Тижорат таваккаллиги ва тадбиркор зиммасига олган иқтисодий жавобгарлик. Кўриниб турибдики, ҳар бир янги нарсанинг киритилиши албатта, ноаниқликни келтириб чиқаради ва бу ўз навбатида, барча мумкин бўлган вариантларни синчковлик билан таҳлил қилиш ҳамда улардан энг истиқболлиларини танлаш билан минималлаштирилиши мумкин бўлган тижорат хавфини келтириб чиқаради. Бунда келтирилган иккинчи вариант кўпроқ иқтисодий тараққиётни рағбатлантиради.

3. Харажатларни камайтириш ва фойдани ошириш учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш омилларидан энг мақбул ҳамда оқилона фойдаланиш усулини топиш мақсадида ишлаб чиқариш омилларини бирлаштириш.

4. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг янги шакллари инновацияларни, яъни принципно янги технологияларни амалда қўллаш.

Замонавий иқтисодий адабиётларда, қонун ҳужжатларида ва амалиётда қўлланиладиган “кичик бизнес” ва “тадбиркорлик” тушунчалари қатъий фарқланмайди ва кўпинча бир хил тушунчалар сифатида ишлатилади. Бироқ, фарқлар ҳам мавжуд. Тушунчаларни фарқлаш позицияси ҳам ҳукукий, ҳам иқтисодий асосларга эга, шу жумладан мулк муносабатлари билан белгиланади.

Албатта, “тадбиркорлик” ва “тадбиркорлик фаолият”и мавзулари бўйича бир қатор маҳаллий олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан, академик С.Ғуломов тадбиркорликни инновация билан боғлаган ҳолда: “тадбиркор шундай инсонки, у пул маблағлари, материал ва ишчи кучини жамлаштириб, янги маҳсулот, янги бизнес ва янги ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади” [11], - деб илмий таъриф берган.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти энг аввало, амалиётга янги, такомиллашган ишлаб чиқаришни жорий этиш, иккинчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг барча турларини қисқартириш, учинчидан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархларини пасайтиришда уларнинг истеъмол ва сифат кўрсаткичларини доимий равишда ошириб боришни назарда тутди. М.Ортиқов ва Э.Қўлдошевлар “Тадбиркорлик - ўзида маълум бир миқдорда молиявий маблағни таваккал қилган ҳолда

бирор янги ғоя, маҳсулот, хизмат ёки ишни амалга ошириш жараёнидир” [12], - деб таснифлайдилар.

Профессорлар Ё.Абдуллаев ва Ф.Каримовнинг ёндошувида эса, “тадбиркор” тушунчасига бозор иқтисодиётида хўжалик юретишнинг асосий субъекти эканлиги кўрсатиб ўтилган [13]. Тадбиркор якка шахс сифатида ҳам, ишлаб чиқариш омиллари бирлаштирувчи кишилар гуруҳи сифатида ҳам намоён бўлиши мумкинлиги, бу кишиларнинг ўзлари ихтиёрида бўлган ишлаб чиқариш воситаларини иш кучи билан, бу иш кучини сотиб олиш ва хўжалик фаолиятида ундан фойдаланиш нуқтаи назаридан бирлаштириши таъкидланади. Иқтисодчи Д.Х.Суюнов ўз тадқиқотида “кичик бизнесни ривожлантиришда бошқарувни ташкил этишнинг ўрни, ноаниқлик шароитида кичик бизнес субъектларида бошқарув қарорларини қабул қилиш масалаларига тўхталиб, кичик бизнес субъектларида бошқарув жараёнларига алоҳида эътибор қаратган [14].

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) — тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият” [15] - деб келтирилган бўлиб, бу ўз навбатида, юридик нуқтаи назардан, кичик корхоналар тижорат ташкилотлари - турли хил ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар (унитар корхоналар бундан мустасно) ва мулкчилик шакллари, уларнинг ҳажми қонун ҳужжатларида белгиланадиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш учун ўзига хос бир ёки бир нечта функцияларни амалга ошириши мумкин. Иқтисодий нуқтаи назардан қараганда, кичик бизнес тадқиқот учун мураккаб кўп тармоқли объект бўлиб, шу нуқтаи назардан қараганда кичик бизнеснинг моҳияти уч жиҳатдан - иқтисодий ҳодиса сифатида, иқтисодий категория сифатида ва иқтисодий фаолият соҳаси сифатида очиб берилади. Иқтисодий ҳодиса сифатида кичик бизнес бу моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда тарқатишда ўз-ўзини иш билан бандлиги таъминлайдиган кичик бизнес ва жисмоний шахсларнинг йиғиндисидир. Кичик бизнеснинг моҳиятини иқтисодий ҳодиса сифатида аниқлашнинг асосий мезони кичик бизнеснинг ташкилий-иқтисодий хусусиятлари бўлади.

Кичик бизнес “Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида”ги ва “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун ҳужжатларида ҳам кичик мезонларга ва мулкчилик шаклига кўра таснифланмаган ва тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий талабларига жавоб берадиган, аммо расмий бўлмаган сабабларга кўра таснифланган иқтисодий субъектлар тўплами сифатида юқоридаги институционал асосларга асосан тавсифланиши мумкин. Бу борада, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, кичик бизнес юридик шахс ва кичик корхоналар – юридик шахслар шакллантирилмасдан, барча мулк шаклларидаги тадбиркорларни бирлаштириши ва бозорда ҳам фаол, ҳам пассив хатти-ҳаракатлар билан ажралиб туради. Кичик бизнес атамасига келсак, биринчи навбатда шуни таъкидлаш керакки, кўплаб таниқли иқтисодчилар кичик бизнеснинг моҳиятини уч жиҳатдан яъни, иқтисодий ҳодиса сифатида, иқтисодий категория сифатида ва иқтисодий фаолият соҳаси сифатида очиб беришади.

Иқтисодий ҳодиса сифатида кичик бизнес бу моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва тарқатишда ўз-ўзини иш билан шуғулланадиган кичик бизнес ва жисмоний шахсларнинг йиғиндисидир. Кичик бизнеснинг моҳиятини иқтисодий ҳодиса сифатида аниқлашнинг асосий мезони кичик бизнеснинг ташкилий-иқтисодий хусусиятлари бўлади. Иқтисодий категория сифатида кичик бизнес юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги бозор муносабатларини ифодалайди, бунда тарафлардан камида биттаси кичик бизнес ёки якка тартибдаги тадбиркор бўлиб, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, алмаштириш, тақсимлаш ҳамда даромад олиш одамларнинг маълум эҳтиёжларини қондириш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолиятни амалга оширади. Кичик бизнес тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг бир соҳаси сифатида маҳсулотларни яратиш ва уларни рақобат шароитида сотиш бўйича турли хил иқтисодий фаолиятни ифодалайди ҳамда бозор шароитида кичик ҳажмдаги ишлаб чиқариш шакли сифатида намоён бўлади.

Бинобарин, кичик бизнес - бу шундай бизнес фаолияти бўлиб, унда асосий ҳаракатлантирувчи куч мулк ва бошқарув функцияларини бирлаштирган ва ишлаб чиқариш омилларини (ер, меҳнат, капитал) шахсий инновацион ташаббус билан тадбиркорлик даромадларини олиш учун тўлиқ иқтисодий жавобгарлик асосида таваккалчиликни оқилона бирлаштирган тадбиркор ҳисобланади.

Тадбиркорлик ва бизнес бир-бири билан боғлиқ бўлса-да, аммо улар барибир бир хил тушунчалар эмас. Бизнес - бу янги қиймат яратиш бўлиб, кўпроқ тадбиркорнинг фойдаси ҳақида умумий тушунчага мос келади. Бизнес жараёнида бу вақтгача мавжуд бўлган ғоя, патент, тадбиркорнинг ўз ихтироси сифатида қўлланилади. Бошқа томондан, тайёр, ишлаётган бизнесда янги технологиялар ва уни ташкил қилишнинг янада самарали усуллари доимий равишда қўлланилиши керак. Ҳозирда олиб борилаётган бизнесда асосий бизнес эгалари ташкилотдаги ҳар бир ходимнинг ўзини тадбиркор сифатида ҳис қилиши учун шароит яратиши керак.

Ташкилотда тадбиркорлик руҳи сўниб қолса, яъни тўртинчи ишлаб чиқариш омили деб аталадиган нарса йўқолса, бу бизнес рақобатчилар ва янги технологиялар босими остида инкирозга учрайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки бундай ҳолларда ҳудуд ҳам катта рол ўйнайди чунки, агар белгиланган ҳудудда тадбиркорлик салоҳияти юқори бўладиган бўлса, ўз навбатида улар учун рақобат, таваккалчилик ва хатар ҳам кучли бўлади. Гарчи тадбиркорлик нафақат иқтисодий соҳада (маҳсулот ишлаб чиқаришда), балки бошқа барча соҳаларда ҳам, хусусан, маъмурий соҳада (давлат бошқарувининг ноёб усуллари яратиш) ёки таълим (ижод қилиш) соҳасида тадбиркорликнинг намоён бўлиши сифатида тушунилса. инновацион ўқитиш методлари), демак, табиий равишда “тадбиркорлик” тушунчаси “бизнес” тушунчасидан кенгроқ бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантирувчи янги йўналиш - хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг тез ривожланувчи тармоқлари бўлиб ривожланишда давом этмоқда. Хизматларнинг хилма-хил турлари кенгайиб, жадаллик билан ривожланиб бормоқда, ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг истеъмол бозорида мутаносиб ички талабни қондиришда хизматлар муҳим рол ўйнайди. Хизматлар бозорида салмоқли ўринни эгаллаб бораётган банк-молия, туризм, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари барпо этилмоқда.

Хизмат турларининг ривожланиши бўйича ахборотлаштириш хизмати кенг оммавийлашиб бормоқда, унинг фаолияти хилма-хил мини-турдаги хизматларга ажратилиб кенг тараққий қилмоқда. Жумладан, компьютер ва интернет хизматлари шулар жумласидандир. Бу хизмат бевосита алоқа хизматига қўшилиши натижасида замонавий пуллик хизмат – жўнатиш каналлари (Paynet, Unipay, Western-union ва бошқалар) шаклланди. Республикада хизматлар бозорининг тараққий этиб бориши тадбиркорлик учун инкубатор бўлиб хизмат қилади. Чунки, бунда капитал айланишининг тезлиги боис, бизнес тадбиркорлигида қулай шарт-шароитлар яратилади. Хизматлар бозорининг таркиби кўпчилик ҳолатда кичик корхоналардан иборат бўлиб, бу иқтисодий фаол шахсларнинг кўпчилигини бизнес билан шуғулланишга имкон яратади. Бу ўз навбатида ўрта мулкдорлар синфи (тадбиркорлар)ни шакллантиришнинг муҳим гарови ҳисобланади. Дарҳақиқат хизматлар бозорида турли хизматларни ташкил этиш, аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш муҳим омил ҳисобланади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, кичик бизнеснинг ривожланиши миллий иқтисодиётни ривожланишига таъсир қилади:

- маҳсулотлар ва хизматлар сифатини ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;
- янги иш ўринларини яратиш ва йирик, ўрта ҳамда кичик бизнесни бирлаштириш;
- рақобатбардошликни, илмий-техник тараққиёт ютуқларини амалга ошириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда инновацион фаолиятни ривожлантириш.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳудудий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг асосий бозор субъектларидан бири бўлиб, у меҳнат ресурсларини иш билан таъминлайди, инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

учун асос бўлиб хизмат қилади, мамлакатдаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Кантильон Ричард Эссе о природе торговли в общем плане // Мировая экономическая мысль. Сквозь призму веков. — М.: Мысль, 2004. Т. 1. — С. 269—278.
3. By Jean-Baptiste Say.«A treatise on political economy; or The production, distribution, and consumption of wealth» Translated from the fourth edition of the French, by C. R. Prinsep, M.A. with notes by the translator.// Batoche Books, 2001 y. <https://socialsciences.mcmaster.ca/>
4. Alvord, S. H., Brown, L. D., & Letts, C. W. (2004). Social entrepreneurship and societal transformation: An exploratory study. *The Journal of Applied Behavioral Science*, 40(3), 260–282. Alain Béraud and Guy Numa Beyond Say’s Law: the significance of j.-b. say’s monetary views, Published online by Cambridge University Press: 30 April 2018. <https://www.cambridge.org/core/journals/journal-of-the-history-of-economic-thought/article/beyond-says-law-the-significance-of-jb-says-monetary-views/A935591E24CFA9B18D47B266D511765F>
5. Кларк Ж.Б. Распределение богатства. -М., 1994. 40-бет
6. Shapero, A.; Sokol, L. The Social Dimensions of Entrepreneurship. *Encycl. Entrep.* 1982, 72–90. Available online: https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=1497759 (accessed on 6 February 2020).
7. Karlöf, B. (1992). Strategia biznesu. Koncepcje i modele – Przewodnik [Business strategy. Concepts and models – a guide]. Biblioteka menedżera i bankowca. Warszawa. Stevenson H., & Jarrillo-Mossi J. (1986). Preserving entrepreneurship as companies grow. *Journal of Business Strategy*, 7(1), 10-23.
8. Коссов В.В. Бизнес-план: обоснование решений. М.: ЕУ ВШЭ, 2000. - 272 с. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: 1998 К.Муфтайдинов, Х. Айбешов «Кичик бизнесни бошқариш» 2003 й 6-7 б.
9. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. - Т.: Мехнат. 2011 й.
10. Суюнов Д.Х. Кичик бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари.икт.фан.ном.дис.автореф. Тошкент: 2004.-21 б..
11. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сонли «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ янги тахрирда тасдиқланган. <https://lex.uz/docs/31846>.
12. <http://el.tfi.uz/> Тошкент Молия Институтининг электрон кутубхонаси.
13. <https://madeinuzbekistan.ru/idealgarments> веб сайтидаги Made in Uzbekistan (Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган) руқни остида берилган “IDEAL” МЧЖ нинг реклама пости.
14. <https://lex.uz/doc s/> Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
15. <https://e-library.namdu.uz/> Наманган давлат университети электрон кутубхонаси.

**RAQAMLI IQTISODIYOTNING VUJUDGA KELISHI VA
RIVOJLANISH BOSQICHLARI**

ПОЯВЛЕНИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ

THE EMERGENCE OF THE DIGITAL ECONOMY AND STAGES OF DEVELOPMENT

Pazilidinov Muxiddin Maxammadin o‘g‘li
Namangan davlat universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya

Ushbu maqolada raqamlashtirishning vujudga kelishi va uning shakllanish bosqichlari haqida so‘z yuritiladi. Maqolada raqamli texnologiyalarning ilk ko‘rinishlari, ularning rivojlanish tarixi olti bosqichga ajratib tahlil etildi. Shuningdek raqamli iqtisodiyot bo‘yicha ilmiy sarlar yozgan olimlarning asarlari o‘rganilib, jadval asosida olimlarning raqamli iqtisodiyot haqidagi fikrlari bayon etilgan. O‘zbekistonda ham mustaqillikka erishilganidan so‘ng hozirga qadar raqamli iqtisodiyot bo‘yicha qabul qilingan me‘yoriy hujjatlar va sohada amalga oshirilayotgan ishlar ham alohida tahlil etilgan.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, internet do‘kon, virtuallashuv, Okinawa-2000, bitkoin, elektron pullar, raqamli transformatsiya.

В данной статье говорится о зарождении цифровизации и этапах ее становления. В статье проанализированы первые проявления цифровых технологий, история их развития, разделенная на шесть этапов. Также были изучены труды учёных, написавших научные труды по цифровой экономике, и на основе таблицы представлены мнения учёных о цифровой экономике. В Узбекистане после достижения независимости также отдельно анализируются принятые нормативные документы по цифровой экономике и работа, проводимая в этой сфере.

Ключевые слова: цифровая экономика, интернет-магазин, виртуализация, Okinawa-2000, биткойн, электронные деньги, цифровая трансформация.

This article talks about the emergence of digitization and the stages of its formation. The article analyzed the first manifestations of digital technologies, the history of their development, divided into six stages. Also, the works of scientists who wrote scientific works on the digital economy were studied, and the opinions of scientists about the digital economy were presented on the basis of the table. In Uzbekistan, after the achievement of independence, the adopted regulatory documents on the digital economy and the work being carried out in the field are also analyzed separately.

Key words: digital economy, e-commerce, virtualization, Okinawa-2000, bitcoin, electronic money, digital transformation.

Jahon iqtisodiyotida “Koronavirus-2019” pandemiyasining ro‘y berganligi barcha davlatlar qatori O‘zbekiston uchun ham raqamlashtirish masalasini yanada dolzarb vazifaga aylantirdi. Raqamli texnologiyalarning roli sezilarli darajada o‘sganligi – raqamli transformatsiyalashuvning zarurligi hamda iqtisodiyotni modernizatsiya qilish va milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish omili ekanligini qat’iy isbotladi. Shu nuqtai nazardan, Yangi O‘zbekistonning kelgusi besh yilga mo‘ljallangan Taraqqiyot strategiyasi doirasida belgilangan maqsadlar qatorida “Raqamli iqtisodiyotni asosiy “drayver” sohaga aylantirib, uning hajmini kamida 2,5 baravar oshirishga qaratilgan ishlarni olib borish” [1] belgilanganligi muhim ahamiyatga egadir.

Iqtisodiyotni raqamlashtirish – ilmiy-texnikaviy taraqqiyotning navbatdagi bosqichi bo‘lib, insonlarning ehtiyojlarini qondirish jarayoniga dasturiy-texnologik innovatsiyalarni tadbqiq etishni ifodalaydi.

Aslini olganda, iqtisodiyot o‘z rivojlanishining har bir bosqichida qaysidir ma’noda raqamli makon bo‘lib kelgan. Masalan, biznes yuritish natijalarini faqat raqamlar yordamida ifodalash mumkin: foyda, zarar, daromad, xarajat, soliq solinadigan baza, inflyatsiyaning o‘shishi (pasayishi), YaIM hajmi kabi ko‘plab kategoriyalar aynan raqamlar bilan tavsiflanadi. Har qanday raqamli ma’lumotlar esa qayta ishlanadi va hujjatlashtiriladi. An’anaviy bozorlarning yo‘qolib borayotganligi, raqamli valyutalarning ishlatilishi, umuman, iqtisodiy munosabatlarning virtual asosga o‘tayotganligi raqamli aloqa tizimlarini jadal rivojlantirib, progressiv axborot muhitini shakllantirdi.

Mazkur jarayonning tadbirkorlik va iqtisodiy o‘shish sur’atlariga ta’sirini anglash uchun raqamlashtirish jarayonlarining shakllanishi, rivojlanish bosqichlari, turlarini o‘rganamiz.

Iqtisodiy adabiyotlarda raqamlashtirish jarayonlarining boshlanishi internet global tarmog‘ining vujudga kelishi bilan bog‘lanadi. Fikrimizcha, mazkur jarayon AQSHda 1945 yilda ilk elektron raqamli hisoblagich mashinalarining (EHM kompyuterlari) ishlab chirilganligidan boshlanganligini e’tirof etish to‘g‘riroq (1-jadval). Bu qurilmaning tobora takomillashib, yangidan yangi modellarining yaratilishi bugungi kungacha to‘xtab qolgani yo‘q. 1969 yilga kelib internetning ixtiro qilinishi axborot texnologiyalarining rivojlanishi uchun muhim keyingi bosqichni boshlab berdi. Dastlab “o‘rgimchak to‘ri” faqat yopiq ma’lumotlarni elektron pochta orqali almashinuvi uchun xizmat qilgan bo‘lsa, asta sekinlik bilan savdodan boshlab iqtisodiyotning barcha tarmoqlarini qamrab oldi.

1-jadval

Raqamli texnologiyalarning rivojlanish bosqichlari [2]

1-bosqich	2-bosqich	3-bosqich	4-bosqich	5-bosqich	6-bosqich
1945 yil	1969 yil	1994 yil	2000 yil	2009 yil	2022 yil
EHM larning paydo bo‘lishi	Internet tarmo‘gining ixtiro qilinishi	Ilk internet do‘koni va internet banking tizimining ishga tushishi	Okinava Xartiyasining qabul qilinishi	Bitkoinlarning muomalaga chiqarilishi va kriptovalyutalar rivojlanishi	Sun‘iy intellektning rivojlanishi Chat JDP

1994 yilda birinchi internet do‘konning ochilishi nafaqat elektron savdoning ibtidosi, balki, raqamlashtirish jarayonlari taraqqiyotida uchinchi davrning boshlanishi bo‘ldi. Amerikaning Stanford Federal Credit Union banki shu yilda dunyodagi birinchi internet banking tizimini yo‘lga qoydi. Bu tizim shaxsiy kompyuter qurilmasidan uzoqlashmay turib, kommunal, telefon, internet, kredit uchun to‘lovlar va uchinchi shaxslarga pul o‘tkazmalarini amalga oshirish imkonini berar edi. Bu davrdan boshlab bozor sub’ektlari o‘z faoliyatlarini jadal virtual olamga ko‘chirishga o‘tdilar.

Elektron xizmatlar, elektron tijorat va elektron biznes shakllandi. Shu yilda Toronto universitetining professori Don Tapskottning "Raqamli iqtisodiyot: tarmoq intellekti davrining ijobiy va salbiy jihatlari" kitobi chop etildi va bir necha marotaba qayta nashr etildi. Aynan shu adabiyotda ilk marotaba “Raqamli iqtisodiyot” termini qo‘llanildi [3].

Keyinchalik N.Leyn, N.Negroponte kabi ko‘plab tadqiqotchilarning ilmiy tadqiqotlarida o‘rganila boshlandi (2-jadval).

2000-yilning 22-iyulida Yaponiyada G8 davlatlari tomonidan Okinava Xartiyasi imzolandi. Iqtisodiy jihatdan etakchi davlatlarning axborot texnologiyalarni rivojlantirishga va global raqamlashgan jamiyat barpo qilishga kelishuvi navbatdagi to‘rtinchi bosqichni boshlab berdi. Bu bosqichda iqtisodiy munosabatlarning vertuallashuvi yanada jadallashdi. Onlayn savdoning tobora avj olishi tufayli 2009-yilda ilk kriptovaluta - bitkoinlar muomala chiqishi bilan raqamlashtirishning

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 9-son 2023 yil*

5-bosqichi boshlanib ketdi. Bitkoin kursining bir yilning o‘zidayoq 4050 \$ dan 7207 \$ gacha ko‘tarilib ketishi “raqamlashtirish talvasasi”ning ko‘plab davlatlarni qamrab olishiga sabab bo‘ldi. Natijada, pirkoin, dotkoin, efirium kabi kriptavalyutalar muomalaga kirdi. 2020-yilga kelib ular bozorining umumiy qiymati 371 mlrd \$ga yetganligi e’tirof etildi.

2-jadval

Raqamli iqtisodiyot” kategoriyasiga ilmiy yondashuvlarning xronologik jadvali [4]

№	Tadqiqotchi olimlar	Yillar	Asar nomi	Yondashuvlarning mazmuni va o‘ziga xos tomonlari
1	Tapskott	1994	“The digital Economy: promise and peril in the age of networked intelligence”	Don Tapskott raqamli iqtisodiyotni insoniy aloqa, hisoblash (kompyuterlar, dasturiy ta’minot, xizmatlar) va kontent (nashr qilish, ko‘ngilochar va axborot provayderlari), interaktiv multimediya va axborot magistralini yaratishda erishilgan yutuqlarning yaqinlashuvi natijasida yuzaga keladigan barcha qamrab oluvchi va inqilob qiluvchi hodisa sifatida tasvirlaydi.
2	N.Negroponte	1995	“Being digital”	Raqamli iqtisodiyotga - atomlar harakatidan bitlarning harakatiga o‘zgarishi deya ta’rif beradi. U raqamli texnologiyalarning chegaralarini va uning inson ijtimoiy hayoti, ish, o‘yin-kulgi va tijorat kelajagiga ta’sirini o‘rganadi.
3	N.Leyn	1999	“Advancing the Digital Economy into the 21st Century”	Internetda hisoblash, axborot va kommunikatsiya texnologiyalarining konvergensiyalashuvi va natijada keng tashkiliy o‘zgarishlarni rag‘batlantiradigan axborot va texnologiyalar oqimi tasvirlab beradi.
4	T.L.Mezenburg	2001	”Measuring the digital economy”	Ingiliz tadqiqotchisi Tomas L. Mezenburg 2000-yillarning boshida raqamli iqtisodiyotni uchta asosiy elementdan iborat iqtisodiyot sifatida belgilagan: -Elektron biznes infratuzilmasi (ya’ni, elektron biznes jarayonlari va elektron tijoratni qo‘llab-quvvatlash uchun foydalaniladigan umumiy iqtisodiy infratuzilmaning ulushi); -Elektron biznes (internet orqali amalga oshiriladigan har qanday biznes jarayoni); -Elektron tijorat (elektron savdo) - bu Internet orqali sotilgan tovarlar va xizmatlarning narxi. mavjud raqamli texnologiyalardan foydalanish orqali dasturiy tarmoqlarning ahamiyatining o‘shishi, qo‘shilgan qiymatning ortishi, dasturiy va raqamli iqtisodiyotdagi ishchi kuchi miqdorinig har xil darajasi, internet tijorati, elektron biznes strukturasini amalga oshirish imkonini beradi.
5	S.Baller, S.Datta, B.Lanvin	2016	“The Global Information Technology Report”	Ushbu olimlar iqtisodiyotning asosini AKT kommunikatsiyalari tashkil etishini va to‘rtinchi sanoat inqilobi yuz berishida raqamli texnologiyalar jumladan, sun’iy intellekt, onlayn xizmatlar, 3D bosib chiqarish, energiya saqlash hamda sanoat transformatsiyalashuvining ahamiyatini e’tirof etishadi.
6	R.K.Asanov	2016	“Формирование концепции "цифровой экономики" в	Rus iqtisodchisi Asanovning fikricha, Raqamli iqtisodiyot elektron mahsulotlar va xizmatlar ishlab chiqarish va ularni elektron tijorat orqali tarqatish asosida: "elektron mahsulotlarga

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 9-son 2023 yil

			современной науке”	ixtisoslashgan biznes” ishlab chiqarish jarayonlarini, pul o‘tkazmalarini amalga oshiradi, shuningdek internet texnologiyalaridan foydalangan holda mijozlar bilan ishlash va ularni boshqarish bilan shug‘ullanadi deya ta’rif beradi.
7	B.N.Panshin	2016	”Цифровая экономика: особенности и тенденции развития”	Panshinning fikricha, rivojlangan mamlakatlarda mamlakat yalpi ichki mahsulotining 70 foizidan ortig‘ini tranzaksiya sektori tashkil etadi. Ushbu sektorga quyidagilar kiradi: davlat boshqaruvi, konsalting va axborot xizmatlari, moliya, ulgurji va chakana savdo, shuningdek turli xil kommunal, shaxsiy va ijtimoiy xizmatlar.
8	Bukht va Heeks	2017	“Defining, conceptualizing and measuring the digital economy”	Bukht va Heeks ilmiy izlanishlarida epmrik tahlillarga asoslangan holda quydagi fikrni ta’kidlashgan. Iqtisodiyotni raqamlashtirish va transformatsiyalashuv jarayoni deyarli barcha tarmoq va sohalarni qamrab olgan holda, ish unumdorligi va mehnat samaradorligini keskin oshirishga, ko‘rsatilayotgan xizmat turlari sifatini yaxshilashga, ular tannarxini keskin kamaytirishga, jahon bozorini keng miqyosda qamrovini amalga oshirishga imkoniyat yaratadi.
9	S.S.Gulyamov	2019	“Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari”	Gulyamov raqamli iqtisodiyotga quyidagicha ta’rif beradi: Raqamli iqtisodiyot - o‘zaro bog‘liq bo‘lgan ishlab chiqarish va boshqaruv jarayonlarining zanjiridan iborat bo‘lib, uning ajralmas elementi zanjirlararo (insonlararo, mashinalararo, bulutlar orqali, data markazlararo) raqamli texnologiyalar yordamida amalga oshiriladigan ma’lumot almashinishdir.
10	N.M.Maxmudov	2020	“Raqamli iqtisodiyot—qulay investitsion muhitni shakllantirishning asosi”	Maxmudov “Raqamli iqtisodiyot—qulay investitsion muhitni shakllantirishning asosi” nomli maqolasida raqamli iqtisodiyotga quyidagicha ta’rif bergan: Raqamli iqtisodiyot – bu xo‘jalik faoliyatini yuritish bo‘lib, bunda ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatishdagi asosiy omil raqamlar ko‘rinshidagi ma’lumotlar bo‘lib, katta hajmdagi axborotlarni qayta ishlash va shu qayta ishlash natijasini analiz qilish yordamida har xil turdagi ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish, texnologiyalar, qurilmalar, saqlash, mahsulotlarni etkazib berishda oldingi tizimdan samaraliroq echimlar tadbiiq qilishdir. Boshqacha qilib aytgancha, raqamli iqtisodiyot bu onlayn xizmatlar ko‘rsatish, elektron to‘lovlar amalga oshirish, internet savdo, kraudfanding va boshqa turdagi sohalarni raqamli kompyuter texnologiyalarini rivojlanishi bilan bog‘langan faoliyatdir.

Raqamlashtirishning 6-bosqichi uning muhim ko‘rinishlaridan biri bo‘lgan sun’iy intellekt sohasida ChatGPT chatbotining 2022-yil 30-noyabrda ishga tushirilgani tufayli boshlandi. U 1 mln. foydalanuvchiga ega bo‘lishi uchun atigi 5 kun yetarli bo‘ldi. Netflix shuncha foydalanuvchiga - 3.5 yilda, Fasebook – 10 oyda, Instagram – 2.5 oyda yig‘a olgan. Bugungi kunda ChatGPT 100 mlndan ortiq foydalanuvchiga ega. Ma’lumotlarga ko‘ra, bu loyihaga Ilon Mask va Microsoft kompaniyasi sarmoya kiritgan. Bloomberg ma’lumotlarida yana 10 mlrd. \$ sarmoya kiritmoqchi ekanligi

keltirilgan. Ekspertlar baholashiga qaraganda, 2030-yilda sun'iy intellekt taraqqiyoti uchun mablag'lar hajmi 15 trln. AQSH \$ gacha yetib boradi.

O'zbekistonda raqamlashtirish jarayonlari 2010-yildan keyingi davrda boshlandi. 2012-yilda Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT)ni rivojlantirish va raqamlashtirishga oid “2013-2020-yillarda O'zbekiston Respublikasi Milliy axborot-kommunikatsiya tizimini rivojlantirish kompleks dasturi”ning qabul qilinishi, shuningdek, “2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi” hamda “Raqamli O'zbekiston – 2030” va “2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi”da milliy iqtisodiyot, sanoat va umuman jamiyatda raqamli transformatsiyani amalga oshirishga qaratilgan bir qator chora-tadbirlarning belgilanishi mazkur jarayonga huquqiy asos bo'ldi.

O'zbekiston Respublikasi prezidenti Sh.Mirziyoyev ta'kidlaganidek, “Tarmoq va hudud rahbarlari raqamlashtirishsiz natija, rivojlanish bo'lmazligini tushunib yetishi shart. Barcha darajadagi rahbarlar buni o'ziga kundalik vazifa sifatida belgilab, raqamlashtirish sohasini alifbosidan boshlab chuqur o'rganishi kerak” [5].

Sohada olib borilayotgan izchil islohotlar o'zining ijobiy samarasini bermoqda. 2023-yilning 1-yanvar holatiga axborot va aloqa sektorida faoliyat olib borayotgan korxonalar soni 12204 ta [6] va bularning eng ko'p qismi – 1618 tasi kompyuter dasturchiligi doirasida ekanligini e'tirof etish lozim.

Xulosa qilib aytganda, iqtisodiyotda raqamlashtirish jarayonlarini amalga oshirish ehtiyojdan kelib chiqqan holda jadallashtirish talab etiladi. Raqamli texnologiyalar AKT sektorida ustuvorlik kasb etishidan tashqari, iqtisodiyotning boshqa tarmoq va sohalarida ham an'anaviylikdan voz kechib, raqamli texnologiyalarni joriy etishga ustun darajada ahamiyat qaratilmoqda.

Raqamli iqtisodiyotning vujudga kelish tarixini o'rganishda va uning shakllanish bosqichlarini tahlil qilishda quyidagi maqsadlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq:

- Raqamli iqtisodiyot bo'yicha ilmiy asarlar yozgan xorijiy olimlarning asarlarini o'rganish va ular tomonidan amalga oshirilgan ishlarni keng miqyosda tahlil qilish lozim.

- Raqamli iqtisodiyot shakllanish davrini alohida bosqichlarga bo'lib o'rganish va har bir bosqichda raqamli texnologiyalarning mamlakat iqtisodiyotiga ta'sirini o'rganish zarur.

- Elektron pullar va kriptovalyutalarning vujudga kelish tarixini va ularning mamlakat iqtisodiyotiga ta'sirini keng o'rganish lozim.

- Xususan O'zbekistonda mustaqillik yillaridan buyon raqamlashtirish bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlarni keng tahlil qilish va kelgusi yillarga mo'ljallangan strategiya va qarorlarni amaldagi ijrosini o'rganish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. “Raqamli O'zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni PF-6079-son, 05.10.2020.
2. “Yangi O'zbekistonning 2022-2026 yillarga mo'ljallangan Taraqqiyot strategiyasi” O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni PF-60 son 28.01.2022.
3. The Digital Economy: Promise and Peril in the age of Networked Intelligence. Tappskot Don. New York. Mc.Graw-Hill. 1994.
4. Negroponte, Nicholas. 1995. Being Digital. New York: Alfred A. Knopf.
5. N.Lane Advancing the Digital Economy into the 21st Century (Assistant to the US President for Science and Technology), 1999.
6. Mesenbourg, T. Measuring the Digital Economy / US Bureau of the Census. – 2001.
7. S.Baller, S.Dutta, and B.Lanvin, “The global information technology report 2016”, Innovating in the Digital Economy. [Proc.World Economic Forum],Geneva, 2019, p. 307.
8. К.Асанов. Формирование концепции "цифровой экономики" в современной науке //Социально-экономические науки и гуманитарные исследования журнал 2016 стр 143-148.

9. Panshin, B. Sifrovaya ekonomika: osobennosti i tendensii razvitiya / B. Panshin // Nauka i innovatsii. -2016 -T. 3.— № 157. -S. 17–20.
10. Bukht and R. Heeks, “Defining, conceptualizing and measuring the digital economy”, Development Informatics Working Paper No. 68 (Centre for Development Informatics, University of Manchester, Manchester, 2017).
11. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари// Тошкент – 2019.
12. N.M.Maxmudov, N.R.Avazov Raqamli iqtisodiyot—qulay investitsion muhitni shakllantirishning asosi //Материалы XVII Международной молодежной научно-практической конференции г. Екатеринбург, 2020 г. Том 3 Екатеринбург стр 10-14.
13. Kyushu-Okinawa Summit 2000 (Official Documents),
<https://www.mofa.go.jp/policy/economy/summit/2000/documents/index.html>

UDK:336.62

**ASOSIY VOSITALARNING ESKIRISHI VA AMORTIZATSIYASI HISOBIGA MILLIY
STANDARTLAR ASOSIDA YONDASHUV**

**ПОДХОД К УЧЁТУ ИЗНОСОВ И АМОРТИЗАЦИИ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ НА
ОСНОВАНИИ НАЦИОНАЛЬНОГО СТАНДАРТА**

**APPROACH TO ACCOUNTING FOR WEAR AND DEPRECIATION OF FIXED ASSETS
BASED ON THE NATIONAL STANDARD**

Nasirova Nargiza Tursunpulatovna
Namangan muhandislik - qurilish instituti
Iqtisodiyot kafedrası katta o‘qituvchisi

Аннотация

Maqolada asosiy vositalarning eskirishi va amortizasiya hisobini yuritish va ularning xususiyatlari milliy standartlar talablariga muvofiq ilmiy tadqiq etilgan.

Kalit so‘zlar: asosiy vosita, eskirish, amortizatsiya, buxgalteriya hisobi, aktivlar, amortizasiyani hisoblash, jadallashtirilgan amortizatsiya.

В статье научно исследованы износ и амортизация основных средств и их характеристики в соответствии с требованиями национальных стандартов.

Ключевые слова: основные средства, амортизация, учет амортизации, активы, расчет амортизации, ускоренная амортизация.

The article considers the depreciation and amortization of fixed assets and their features. In Uzbekistan, special attention is paid to the peculiarities of accounting for depreciation and amortization of fixed assets. Current assets, as a rule, do not have a sufficient service life to calculate depreciation.

Key words: fixed assets, depreciation, depreciation accounting, assets, depreciation calculation, accelerated depreciation.

Ma'lumki, asosiy vositalar xo'jalik yurituvchi sub'ektning daromad olish jarayonida muhim rol o'ynaydi. Xo'jalik yurituvchi sub'ekt joylashuvi, miqdori, holati, texnik xizmat ko'rsatish va amortizatsiya holatini kuzatishda jiddiy qiyinchiliklarga duch kelishadi. Asosiy vositalar hisobini tashkil etish korxonalarga asbob-uskunalar vatransport vositalarini kuzatish,

ularning holatini baholash, ularni maqbul ish tartibida saqlash, asbob uskunalarning nosozliklarini va ishlamay qolish vaqtlarini minimallashtirish va aktivning ishlash muddatini yaxshilash imkonini beradi. Zamonaviy korxona ishlab chiqarish salohiyatining eng muhim elementi asosiy fondlardir. Bozor iqtisodiyoti sharoitida ishlab chiqarish korxonasining samarali ishlab chiqarish-xo‘jalik faoliyatini tashkil etishda asosiy vositalar, ularning tarkibi va tuzilishi, texnik holati, eskirish darajasi muhim rol o‘ynaydi. Biroq milliy iqtisodiyot ishlab chiqarish quvvatlaridan, ayniqsa, asosiy fondlardan samarasiz foydalanish bilan tavsiflanadi, bu nafaqat kapital rentabelligi darajasining doimiy pasayishi, balki iqtisodiyotda foydalaniladigan asosiy fondlarning texnik darajasida ham namoyon bo‘ladi. Ijtimoiy munosabatlarning bozor o‘zgarishining zamonaviy sharoitida asosiy fondlarni yangilash va ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish vazifasi yalpi iqtisodiyot darajasida ham, muayyan korxona darajasida ham qo‘yilmadi.

Iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirishdan maqsad makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va iqtisodiy o‘sishning yuqori sur‘atlarini saqlab qolishdan iborat, «Makroiqtisodiy barqarorlikni yanada mustahkamlash va iqtisodiy o‘sishning yuqori sur‘atlarini saqlab qolish, shu jumladan, iqtisodiy o‘sishning yuqori sur‘atlarini ta‘minlash, milliy valyuta barqarorligi va ichki bozordagi narxlar darajasi asosiy ustuvor vazifamizdir» deb ta’kidladi O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev .

Shuningdek, 2022-2026-yillarda O‘zbekistonni rivojlantirish yangi strategiyasining uchinchi yo‘nalishida «Milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o‘sish sur‘atlari», 26-maqсадida «Mamlakatdagi investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish, kelgusi besh yilda 120 milliard AQSH dollari, jumladan, 70 milliard dollar xorijiy investitsiyalarni jalb etish choralarini ko‘rish» vazifasi qo‘yildi. Iqtisodiyotni yuksaltirish, zamonaviy texnika va texnologiyalar bilan jihozlangan yangi korxonalarni barpo etish va rekonstruksiya qilish, xorijiy investitsiyalarni jalb etish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, xizmat ko‘rsatish va maishiy xo‘jaliklarni rivojlantirish muhim, hal qiluvchi ahamiyatga ega. Makroiqtisodiy barqarorlikni ta‘minlash, ishlab chiqarishning barqaror va mutanosib o‘sish sur‘atlarini ta‘minlash jalb qilingan investitsiyalarni ko‘paytirish hisobiga tarkibiy o‘zgarishlarni izchil davom ettirish, iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlarini modernizatsiya va yangilash asosiy vazifalarimiz bo‘lib qolmoqda.

Asosiy vositalar – quyidagilar uchun mo‘ljallangan moddiy aktivlardir:

«...-mahsulotlarni ishlab chiqarish va yetkazib berishda, yoki xizmatlarni ko‘rsatish, yoki boshqa tomonlarga ijaraga berish, yoki ma‘muriy maqsadlarda foydalanish uchun mo‘ljallangan aktivlardir; va uzoqroq muddat davomida foydalanilishi kutilgan aktivdir. Asosiy vositalar obyektining tannarxi faqatgina quyidagi shartlar bajarilganda aktiv sifatida tan olinadi:

- tadbirkorlik sub‘ekti tomonidan asosiy vosita bilan bog‘liq kelgusi iqtisodiy naf olinishi ehtimoli mavjud bo‘lsa;

- aktivning tannarxi ishonchli baholana olsa».

Amortizatsiya – bu asosiy vositalar qiymatini ulardan foydalanish muddati davomida oqilona va tizimli taqsimlash jarayoni. Firma odatda binolar, asbob-uskunalar va transport vositalari kabi turli xil uzoq muddatli aktivlarga egalik qiladi. Xizmat muddati aktivning foydali muddati sifatida tanilgan Bino uzoq yillar davomida ishlatilishi kutilayotganligi sababli, u sotib olingan sanada xarajat sifatida emas, balki aktiv sifatida qayd etiladi. Xarajatlarni tan olish tamoyiliga amal qilish uchun kompaniyalar ushbu xarajatlarning bir qismini har bir davrda aktivning foydali muddati davomida xarajatlar sifatida ajratadilar. Asosiy vositalar ob‘ektining foydalanish muddati davomida amortizatsiya to‘xtamaydi, qonun hujjatlarida belgilangan tartibda ularni konservatsiyaga o‘tkazish, shuningdek ularni to‘ldirish, qo‘shimcha jihozlash, rekonstruksiya qilish, modernizatsiya qilish, texnik vositalar bilan ta‘minlash muddatlari bundan mustasno. Ob‘ektdan foydalanish butunlay to‘xtatilgan sharoitda qayta jihozlash. Asosiy vositalar uchun amortizatsiya ajratmalarini hisoblash korxonaning hisobot davridagi faoliyati natijalaridan qat’iy nazar amalga oshiriladi va bu tegishli holatda hisobot davrining buxgalteriya hisoblarida aks ettiriladi. 21-sonli BHMSga muvofiq asosiy vositalar bo‘yicha hisoblangan amortizatsiya summasi tegishli summalarni (0200) undirish yo‘li bilan asosiy vositalarning eskirishini hisobga olgan holda buxgalteriya hisobi schyotlarida aks

ettiriladi. Xo‘jalik yurituvchi sub'ektlarning buxgalteriya hisobida asosiy vositalar bo'yicha amortizatsiyani hisoblash quyidagi tarzda aks ettiriladi:

a) hisob-kitob usuliga qarab ishlab chiqarish jarayonida foydalanilgan asosiy vositalar yordamida ishlab chiqarilgan mahsulot tannarxini hisoblash va xarajatlarni tannarxga kamaytirish;

- ishlab chiqarish birligining:

Dt «asosiy ishlab chiqarish» «yoki 2510 «umumlashtirish»,

«Asosiy vositalarning amortizatsiyasi» KT hisobi.

b) yordamchi ishlab chiqarish maydonlarida yoki xizmat ko'rsatish xo'jaliklarida foydalaniladigan asosiy vositalar uchun:

Dt 2310 - «yordamchi ishlab chiqarish» schyoti yoki 2710 - «xizmat ko'rsatish xo'jaliklari» schyoti,

Kt «asosiy vositalarning eskirishi» schyoti.

V) mahsulotlarni (ishlarni, xizmatlarni) sotishda foydalaniladigan asosiy vositalar va ma'muriy maqsadlarda, ilmiy va boshqa ijtimoiy vazifalarni bajarishda foydalaniladigan tovarlar uchun:

Dt «davv xarajatlari» schyoti, KT «Asosiy vositalarning eskirishi» schyoti.

5-sonli BHMSga muvofiq asosiy vositalarning amortizatsiya summasi quyidagi usullardan biri yordamida hisoblanishi mumkin:

1) amortizatsiyani teng (chiziqli) asosda hisoblash;

2) amortizatsiyani bajarilgan ish hajmiga mutanosib ravishda hisoblash (ishlab chiqarish usuli);

3) qoldiqli kamayish usuli;

4) yillar yig'indisi usuli (kumulyativ usul).

Amortizatsiyani yagona (to'g'ri chiziqli) hisoblash usulining mohiyati shundan iboratki, asosiy vositalarning amortizatsiya qiymatidan kelib chiqib, amortizatsiya ularning foydali muddati davomida teng va teng ulushlarda hisoblab chiqiladi. Ushbu usulga muvofiq, asosiy vositalar ob'ektning amortizatsiya qiymati uning foydalanish muddati davomida tegishli xarajatlarga bir chiziqli (tekis ravishda) amalga oshiriladi (taqsimlanadi). Ushbu usulga ko'ra, amortizatsiya miqdori foydali xizmat muddatining uzunligiga bog'liq bo'lib, har bir davr uchun amortizatsiya summasining amortizatsiya qilingan qiymatini aktivdan foydalanilgan hisob-kitob davrlari soniga bo'lish yo'li bilan hisoblanadi. Yagona (to'g'ri chiziqli) amortizatsiyani hisoblash usuli bo'yicha amortizatsiya ajratmalarining yillik miqdori asosiy vositalar ob'ektning boshlang'ich (almashtirish) qiymatidan uni tugatish qiymatini chegirib, ushbu ob'ektning foydali xizmat muddatidan kelib chiqqan holda aniqlanadi. Masalan: kompyuterning dastlabki qiymati 3 400 000 so'm, foydalanish oxirida qoldiq (tugatish) qiymati 400 000 so'm, foydalanish muddati 5 yil, yillik amortizatsiya to'lovi amortizatsiya qiymatining 20 foizi yoki 200 000 so'm. $\text{so'm} = (3\,400\,000 - 400\,000) / 5 = 6\,000\,000$ so'm. Amalga oshirilgan ishlar hajmiga mutanosib ravishda amortizatsiyani hisoblash (ishlab chiqilgan hisoblash metodikasi). Amortizatsiyani hisoblashning ishlab chiqarish usuli har bir aniq yildagi asosiy vositalar ob'ektini ishlab chiqarish hajmiga asoslanadi. Ushbu usul bo'yicha yillik amortizatsiya miqdorini hisoblash uchun foydali xizmat muddati davomida kutilayotgan ishlab chiqarishning umumiy hajmini va ma'lum bir yil uchun ishlab chiqarish hajmini aniqlash kerak. Ishlab chiqarish hajmi sifatida ishlab chiqarilgan birliklar soni, ishlagan soatlar soni, chop etilgan tonometrlar soni va shunga o'xshash narsalarni olish mumkin. Amortizatsiyani hisoblashning ishlab chiqarish usuli bilan amortizatsiya to'lovlarining yillik miqdori hisobot davridagi mahsulot (ishlar, xizmatlar) hajmining tabiiy ko'rsatkichi, shuningdek diskontlangan dastlabki (almashtirish) qiymatining nisbati asosida aniqlanadi. Asosiy vositalardan intensiv foydalanish, shuningdek fan va texnika taraqqiyotiga kuchli ta'sir ko'rsatish holatlarida, amortizatsiya qiymatining pasayishi. asosiy vositalar amortizatsiyani tezlashtirish bilan ifodalanadi. Amortizatsiya to'lovining ikki baravar kamaytiriladigan qoldiq usuli bo'yicha amortizatsiyani hisoblash davrida aktivning amortizatsiya qiymati kamayadi. Amortizatsiya stavkasini 2 baravar oshirgan holda kamayuvchi qoldiq usulidan foydalangan holda amortizatsiyani hisoblashda, tugatishning taxminiy qiymati dastlabki (almashtirish) qiymati hisoblanadi va chegirib tashlanmaydi. Masalan: oldingi misolda

kompyuterning ishlash muddati 5 yil edi. Tegishli holatda yillik to‘g‘ri chiziqli amortizatsiya darajasi 20% (100% / 5). Qoldiq qiymatni ikki baravar amortizatsiya stavkasi bilan kamaytirish usulida amortizatsiya normasi 40% (2 x 20%) ga teng bo‘ladi. Ushbu 40% lik qat‘iy stavka har yil oxirida asosiy vositalarning balans qiymatiga nisbatan qo‘llaniladi. Xulosa. Ushbu hisob-kitoblar amortizatsiyani hisoblash usulini chiziqli hisobdan kamaytiruvchi balans usuliga o‘zgartirganda, asosiy vositalarning o‘rtacha yillik qiymati ham, tovar mahsuloti tannarxi ham o‘zgarishi ehtimolini aniqlaydi, bu esa yalpi foydaning o‘zgarishiga olib keladi, mulk solig‘i va daromad solig‘i va natijada, sof foyda ko‘rsatkichi. Shunday qilib, yeng balansini kamaytirish usuli tashkilotlar uchun maqbuldir, chunki bu sizga birinchi yillarda katta miqdorda amortizatsiya to‘lovlariga erishishga imkon beradi va shu bilan yeng xarajatlarini samarali qoplaydi, hisoblangan miqdorni kamaytiradi. Ammo bu usul foydalanish muddati oxirida qoldiq qiymatni nolga tushirishga imkon bermaydi, shuning uchun chiziqli usuldan foydalanish tashkilot uchun maqbuldir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi «Soliq Kodeksi» (yangi tahrirda), 30-dekabr 2019-yil.
2. O‘zbekiston Respublikasining «Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida»gi qonuni. 2016 yil 13 apreldagi, 404-son.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «2022-2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘grisida»gi farmoni. 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston – 2030» strategiyasi to‘grisidagi farmoni. 2023 yil 11 sentyabrdagi PF-158-son.
5. Xolmirzaev, U. B. A., & Madaliev, M. R. (2023). Moliviy hisobotlarning qayta ko‘rib chiqilishida xalqaro talablarga rioya etilishi zarurligi. Educational research in universal sciences, 2(3), 424-432.
6. Abdulazizovich, K. U. B. (2023). Improvement Of Information About Accounts Receivable In Current Assets In The Balance Sheet Based On International Standards. Journal of Survey in Fisheries Sciences, 10(2S), 2849-2859.
7. Abdullaevich, A. O., & Abdulazizovich, K. U. B. (2023). The Importance of Infrastructure in Facilitating the Business Environment. Journal of Survey in Fisheries Sciences, 10(2S), 3695-3702.
8. Abdulazizovich, K. U. B., & Tursunpolatovna, N. N. (2023). Improving Reflection Of Information About Cash And Equivalents In The Accounting Balance Sheet On The Basis Of International Standards. Journal of Survey in Fisheries Sciences, 10(2S), 2107-2114.
9. O‘g‘li, J. E. S., & Abdulazizovich, X. U. B. (2019). Profits of housekeeping and its development. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 8(4), 419-423.
10. Abdulazizovich, X. U. B. (2023). Xalqaro qoidalar asosida qimmatli qog‘ozlar hisobini takomillashtirish.
11. Qutbiddinovich, S. I., & Abdulazizovich, X. U. B. (2023). Gaap asosiga qo‘yilgan moliyaviy hisob kontseptsiyalari. Interpretation and researches, 1(3), 42-50.
12. Kholmirzaev, U. B. A., & Ubaydullayev, T. A. (2023). Improving the classification of financial assets according to the economic content. Educational Research in Universal Sciences, 2(1), 203-209.
13. Холмирзаев, У. А. (2022). Қисқа муддатли қимматли қоғозларни аналитик ҳисобини такомиллаштириш. Архив научных исследований, 2(1).
14. Abdulazizovich, K. U. (2022). Improving methodological approaches to financial asset accounting. International journal of research in commerce, it, engineering and social sciences issn: 2349-7793 Impact Factor: 6.876, 16(4), 56-62.
15. Abdulazizovich, K. U. Improving the reflection of money and cash equivalent in the accounting balance. Dear Academicians & Research Scholars, 55.
16. Tursunpolatovna, N. N. (2022). Need and duties of accounting in business entities. International journal of research in commerce, it, engineering and social sciences issn: 2349-7793 Impact Factor: 6.876, 16(11), 8-12.

17. Nasirova, N. (2023). Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirishda innovasion marketingdan samarali foydalanish. Interpretation and researches, 1(3), 28-34.
18. Tursunpolatovna, N. N. (2022). Theoretical analysis of the content and characteristics of market competition. International journal of research in commerce, it, engineering and social sciences issn: 2349-7793 Impact Factor: 6.876, 16(4), 79-85.
19. Abdulazizovich, K. U. B., & Tursunpolatovna, N. N. (2023). Improving Reflection Of Information About Cash And Equivalents In The Accounting Balance Sheet On The Basis Of International Standards. Journal of Survey in Fisheries Sciences, 10(2S), 2107-2114.

УДК:336.531.2

СОЦИАЛЬНАЯ НАПРАВЛЕННОСТЬ ИНВЕСТИЦИЙ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

ZAMONAVIY SHAROITDA INVESTITSIYALARNING IJTIMOY YO‘NALISHI

SOCIAL ORIENTATION OF INVESTMENTS IN MODERN CONDITIONS

Г.Жамалова

**Преподаватель кафедры Экономика
Наманганского инженерно-строительного института**

Аннотация

В статье исследованы вопросы поддержания социальной направленности инвестиций в развитие экономики, поддержания и улучшения благосостояния населения в современных условиях

Ключевые слова: инвестиции, развитие экономики, благосостояние населения, развитие социальной сферы.

Maqolada iqtisodiyotni rivojlantirishga investitsiyalarning ijtimoiy yo‘nalishini saqlash, zamonaviy sharoitlarda aholi farovonligini saqlash va yaxshilash masalalari ko‘rib chiqiladi.

Kalit so‘zlar: investitsiyalar, iqtisodiy rivojlanish, aholi farovonligi, ijtimoiy sohani rivojlantirish.

The article examines the issues of maintaining the social orientation of investments in economic development, maintaining and improving the well-being of the population in modern conditions

Key words: investments, economic development, welfare of the population, development of the social sphere.

В современных условиях приоритетными остаются ускоренная индустриализация на основе современной техники и технологий, создание новых рабочих мест, особенно высокотехнологичных, однако наряду с ними важное значение приобретает существенное улучшение условий жизни и благосостояния населения. Последнее всегда является конечной целью социального и экономического развития демократического государства – нового Узбекистана [1].

На данном этапе индустриализации страны приходится возможно большую часть экономических ресурсов направлять на цели производственного накопления. Это обуславливается и тем, что именно ускоренное макроэкономическое развитие создает необходимые предпосылки для успешного решения накопившихся десятилетиями социально-экономических проблем современными рыночными методами. Нерыночные

методы тоже остаются. Их финансовую базу наиболее успешно создает именно рыночная экономика. Демократические институты позволяют более эффективно их применять. Рыночные инструменты позволяют более экономно их использовать.

Распространившаяся ризисные явления по всему миру продолжают оказывать негативное воздействие на экономику всех стран мира и в целом на мировую экономику. Чтобы противостоять этой тенденции в каждой стране предпринимаются соответствующие меры исходя из ситуации в собственной экономике. В менее развитых странах, даже если экономическое сокращение в процентном выражении меньше, для экономики и благосостояния населения финансовые и социальные потери являются более чувствительными. Поэтому, объективно, в таких странах государство должно принимать на себя большую ответственность за преодоление последствий наступившего кризиса.

В Узбекистане социально-экономические меры направлены в первую очередь на социальную защиту населения (здоровья, разработка средств лечения и профилактики болезней, возведение современных медицинских комплексов, покупка медицинского оборудования и медикаментов и другие). Вместе с тем эти меры должны иметь соответствующие финансово-экономические источники, а они могут создаваться только экономическим развитием и соответствующими инвестиционными вложениями. В условиях коронавирусной пандемии социально-экономическое развитие не только страны в целом, но и каждого региона страны зависит от инвестиционных процессов. В то же время предъявляются новые требования к их технико-технологическому содержанию, они должны носить инновационный характер. В Послании к Олий Мажлису Республики Узбекистан Президент Ш. М. Мирзиёев указал на необходимость признания наличия бедности и внесения соответствующих корректив в социально-экономическую политику государства, чтобы добиться кардинального ее сокращения в ближайшие годы [2].

Достигнутый уровень благосостояния населения является результатом инвестиционных процессов предыдущих периодов. Как известно, в экономической теории воздействие инвестиций на экономическое развитие выражается цепочкой: рост инвестиций – увеличение объемов производимой продукции – увеличение реальной зарплаты и реальной прибыли – увеличение сбережений – рост инвестиций. В современных условиях цепочка преобразуется: сокращение инвестиций – сокращение объемов производимой продукции – сокращение реальной зарплаты и реальной прибыли – сокращение сбережений – сокращение инвестиций. Социально-экономические меры государства должны быть нацелены на разрыв этой цепочки. Инвестиции должны способствовать повышению технико-технологического уровня экономики, ибо без этого социальные и экономические проблемы не только будут сохранены, но и будут обостряться. С экономической точки зрения создание новых и современных отраслей и предприятий позволяет завоевывать новые рынки сбыта для уже существующих хозяйствующих субъектов, более рационально использовать трудовой и сырьевой потенциал. Поэтому в Узбекистане государственной поддержка направлена на реализацию инвестиционных проектов на следующих важнейших направлениях:

- создание объектов социальной и производственной инфраструктуры (практически полное или в решающей степени государственное финансирование);
 - инвестиционные проекты в базовых отраслях экономики с участием международных финансовых институтов;
 - инвестиционные проекты в перерабатывающей промышленности, являющиеся завершающим звеном создания добавленной стоимости, направленные на создание новых рабочих мест (они в основном реализуются частными инвесторами при активной финансовой и другой поддержке государства);
 - инвестиционные проекты по повышению доходов населения (реализуются в основном за счет средств государственного бюджета и направлены на повышение самозанятости, сокращение бедности и ускоренное развитие малого бизнеса и частного предпринимательства) [4].
- Антикризисные меры направлены прямую и косвенную поддержку инвестиционных процессов. Важной их частью стали облегчение налогового

бремена (освобождение от налога на землю и на имущество, отсрочка налоговых платежей, уменьшение различных платежей налогового характера – за 2020 год все это составило более 70 трлн. сумов), упрощены процедуры и смягчены условия банковского кредитования, расширены ресурсные источники банковского кредитования. В современных условиях усилена государственная поддержка инвестиционных процессов в регионах. Так, в Наманганской области в 2020 – 2021 годах было намечено реализовать 1953 инвестиционных проекта на сумму 16,3 трлн. сумов, обеспечивающих создание 55 тыс. новых рабочих мест. В области в 2020 году реализованы 1652 инвестиционных проекта на сумму 8,3 трлн. сумов. В их рамках создано более 35 тыс. новых рабочих мест. Для преодоления финансовых затруднений предпринимательским субъектам выделены банковские кредиты на пополнение оборотных средств на сумму 2,3 трлн. сумов. На банковское кредитование семейного бизнеса направлено более 350 млрд. сумов банковских кредитов [4].

В регионах наблюдается значительное увеличение объема инвестиций, имеющих прямое социальное значение или направленные на улучшение условий жизни населения. Такие процессы масштабно происходили и в Наманганской области. Это позволило добиться сохранения роста объемов оказываемых услуг. В 2020 году по сравнению с 2019 годом объем услуг связи и информатизации возрос на 8,7 процента, финансовых услуг – на 27,5 процента, автотранспортных услуг – на 5,5 процента, услуг общественного питания сохранились на прежнем уровне, услуг здравоохранения – на 7,9 процента, арендных и прокатных услуг – на 18,5 процента, а объемы услуг по ремонту компьютерной и бытовой техники – снизились на 3,9 процента, услуг в области архитектуры, инженерных изысканий, технических испытаний и анализа - также снизились. Последние два случая характеризует отрицательное воздействие пандемии. Рост оказания перечисленные виды услуг прямо характеризует качество жизни населения и инвестиции в них по своему содержанию и последствиям являются инвестициями в улучшение качества жизни населения. В Наманганской области за год общий объем оказываемых населению услуг составил 8881,8 млрд. сумов или увеличился на 3,3 процента. Удельный вес услуг в валовом внутреннем продукте достиг 33,4 процента.

В обеспечении благосостояния населения особое место занимает здравоохранение. Укрепление и стабильный рост экономики страны создает благоприятные финансовые предпосылки для увеличения инвестиций в данном направлении. В Наманганской области в 2020 году введено 107 объектов здравоохранения. Инвестиции в этой сфере имеют целью прежде всего укрепление материально-технической базы и кадрового потенциала перинатальных и скрининговых центров, обеспечение эффективной работы семейных поликлиник и сельских врачебных пунктов. Соответственно были осуществлены следующие меры:

- реконструированы детские отделения и родильные комплексы медицинских учреждений в 12 районах области. Общие вложения составили 36 млрд. сумов;

- центральным поликлиникам районов и семейным поликлиникам городов области доставлено 56 стоматологических установок стоимостью 256 млн. сумов. Во многоотраслевой центральной поликлинике установлен ФГДС стоимостью 47 млн. сумов. Онкологический диспансер области оснащен новым рентгеновским аппаратом стоимостью 172 млн. сумов (4).

Инвестиционные процессы нацелены на повышение конкурентоспособности национальной экономики, на повышение эффективности производства в регионах и на предприятиях. В современных условиях быстрые темпы роста валового внутреннего продукта и высокие макроэкономические показатели должны достигаться за счет серьезных структурных изменений и эффективности производства. Но все это должно сопровождаться и с соответствующими положительными процессами в социальной сфере. Потому в регионах осуществляемая экономическая стратегия должна включать в себя, наряду с

долговременными производственными задачами, определение средств и путей преобразований в социальной сфере, их инвестиционное обеспечение.

С позиций социального развития можно отметить следующие особенности инвестиционных процессов в регионах:

- инвестиции в производственные отрасли все больше направляются на создание высокооплачиваемых рабочих мест. Хотя само по себе в общем количестве новых рабочих мест пока невелико, важна тенденция к их ускоренному росту. Заслуживает внимания и то, что в государственных инвестиционных программах установлены конкретные задания по ним;

- государство усиленно финансово поддерживает развитие малого бизнеса и частного предпринимательства, тем самым стимулируется увеличение занятости и рост заработной платы и участие данного сектора в социальном развитии региона;

- существенное расширение объемов инвестиций, прямо направленных на улучшение условий жизни населения, особенно в сельской местности, не менее важно комплексный характер эти вложений и стремление к преодолению узких мест в социальной инфраструктуре.

Таким образом, в регионах Узбекистана наблюдается значительная активизация инвестиционных процессов социальной сфере. Это создает благоприятные предпосылки для сохранения и неуклонного роста благосостояния населения в сложных условиях коронавирусной пандемии, решения возникающих насущных социальных проблем.

Список литература:

1. Стратегия развития Узбекистана – 2030.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// <https://president.uz/uz/lists/view/4057>;
3. Sirojiddinov, I., & Khodjibaeva, I. (2020). Features of the investment process in the economy in the conditions of the pandemic coronavirus. - EPRA International Journal of Multidisciplinary Research-Peer Reviewed Journal, July 2020.
4. Сирожиддинов И., Ходжибоева И. Инновационные процессы в экономике регионов в условиях коронавирусной пандемии Молодой ученый”. – 2020. - №20.
5. Sirojiddinov, I., & Botirova, R. Liberazition is acrucial condition for creating modern agriculture in Uzbekistan International Journal of Research And development, march 2020.

**КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА РЕАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ СЦЕНАРИЙЛАР АСОСИДА ЭКОНОМЕТРИК БАҲОЛАШ**

**ЭКОНОМЕТРИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ РЕАЛЬНЫХ ИНВЕСТИЦИЙ
В ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО БИЗНЕСА НА ОСНОВЕ СЦЕНАРИЙ**

**ECONOMETRIC ASSESSMENT OF THE EFFICIENCY OF REAL INVESTMENTS IN
THE ACTIVITY OF SMALL BUSINESS SUBJECTS ON THE BASE OF SCENARIOS**

**Наманган муҳандислик-қурилиш институти
таянч докторанти Жураев Элёрбек Собиржон ўғли**

Аннотация

Maqolada Namangan viloyatida faoliyat yuritayotgan kichik biznes sub'yektlari investitsiya faoliyatining moliyaviy salohiyatini shakllantirish tendensiyalarini, ularning investitsion faoliyat samaradorligini ta'minlashning institutsional shart-sharoitlari va kichik biznes sub'yektlari faoliyatida real investitsiyalarning samaradorligini ssenariylar asosida ekonometrik baholash amalga oshirilgan.

Kalit so'zlar: iqtisodiyot, kichik biznes sub'yektlari, investitsiya, samaradorlik, real investitsiya, ekonometrik baholash.

В статье дана эконометрическая оценка тенденций формирования финансового потенциала инвестиционной деятельности субъектов малого предпринимательства, действующих в Наманганской области, институциональных условий обеспечения эффективности их инвестиционной деятельности, эффективности реальных инвестиций в деятельность субъектов малого предпринимательства проводилось на основе сценариев.

Ключевые слова: экономика, субъекты малого предпринимательства, инвестиции, эффективность, реальные инвестиции, эконометрическая оценка.

In the article, an econometric assessment of the trends in the formation of the financial potential of investment activities of small business entities operating in Namangan region, the institutional conditions for ensuring the effectiveness of their investment activities, and the effectiveness of real investments in the activity of small business entities was carried out based on scenarios.

Key words: economics, small businesses, investments, efficiency, real investments, econometric assessment.

Yangi O'zbekistonda amalga oshirilayotgan keng ko'lamli islohotlar jarayonida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni yanada rivojlantirish uchun keng imkoniyatlar tizimini shakllantirilishi va rivojlantirilishiga alohida e'tibor berilmoqda. Bunda real investitsiyalar hajmlari va ko'lamlarini jadal oshirib borish va shu yo'l bilan xususiy tadbirkorlik va kichik biznesni respublikamiz aholisining farovonligini oshirishning belgilovchi, aholini ish bilan bandligini ta'minlovchi, jamiyatda o'rta pog'onaga xos sinfni shakllantiruvchi va eksportbop tovarlar ishlab chiqaruvchi va iqtisodiyotimiz uchun zarur bo'lgan valyuta tushumlarini keltiruvchi yetakchi sohaga aylantirish nazarda tutilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev raisligida investitsiyalar jalb qilishni yanada kengaytirish chora-tadbirlari muhokamasi bo'yicha videoselektor yig'ilishi «...joriy yilning o'tgan olti oyida tarmoqlarda 3,6 milliard dollarlik investitsiyalar o'zlashtirilgan. Buni hisobidan, aytib o'tilgan hududlarda jami 50 mingta yangi ish o'rni, qo'shimcha 1 trillion so'm tushum paydo bo'lgan. Lekin ayrim hudud va tarmoqlarda bu ko'rsatkich past, investitsiya muhiti qoniqarsiz. Investitsiya dasturlaridagi 1 ming 500 ta loyihani

tezashtirish va 12 milliard dollardan ziyod xorijiy investitsiyalarni o‘zlashtirish bo‘yicha qo‘shimcha vazifalar belgilandi» [1]. Mazkur vazifalarni samarali hal etilishi uchun kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda uning sub‘yektlari tomonidan real investitsiyalar amalga oshirilishiga katta e‘tibor berish talab etilmoqda.

Tadbirkorlikni davlat tomonidan tartibga solish mexanizmi uni davlat tomonidan har tomonlama qo‘llab-quvvatlashni nazarda tutadi. Tadbirkorlikni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash esa ijtimoiy-iqtisodiy mazmuniga ko‘ra tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanuvchi barcha tadbirkorlik sub‘yektlari uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish hamda tadbirkorlik faoliyatini jamiyat hayotining boshqa sohalari bilan uyg‘unlashtirishgan holda rivojlantirishdan iborat. Boshqa tomondan esa, kichik va o‘rta biznes bunday qo‘llab-quvvatlashsiz uvaffaqiyatli rivojlana olmaydi. Bu, ayniqsa, mazku sektordagi real investitsiyalarga taaluqlidir. Bu ham bejiz emas, chunki davlat boshqaruvining yangi sharoitida bu shakllar iqtisodiyotni tarkibiy omili sifatida harakat qiladi. Har qanday tarmoqning o‘zagi bo‘lgan yirik korxonalar doimo tarkibiy o‘zgarishlar natijalarini o‘zida mujassam etadi va shu ma’noda iqtisodiyotning barqaror, “konservativ” boshlanishini ifodalaydi.


Kichik biznes korxonalari yangi turdagi ishlab chiqarish va yangi mahsulotlar bozorlarini tashkil etish uchun zamin tayyorlab, birinchi marta ilmiy-texnikaviy kashfiyotlarni o‘zlashtirmoqda, ya’ni innovatsion yutuqlarni joriy qilib, inqilobiy faoliyat ko‘rsatmoqda, tarkibiy o‘zgarishlarni ishbilarmonlarning tadbirkorligi bilan tabiiy ravishda boshlab bermoqda. Jiddiy tarkibiy milliy iqtisodiy o‘zgarishlar tezroq va ijtimoiy ziddiyat darajasi qanchalik yuqori bo‘lsa, samaraliroq sodir bo‘ladi. Bu yerda ham yirik korxonalar yopilgan yoki qayta tashkil etilganda bo‘shatilgan aholini yangi ish o‘rinlari bilan mobil tarzda ta’minlashga qodir bo‘lgan kichik biznes korxonalarining o‘rni muhim.

Kichik biznes korxonalari ko‘p jihatdan yirik korxonalar hayotiyiligini va ularning raqobatbardoshligini oshiradi. Yirik ishlab chiqarishning yuqori rentabelligi mahsulotlarni ommaviy ishlab chiqarish va mahsulot turlarining barqarorligi bilan bog‘liq. Shu bilan birga, fan-texnika taraqqiyotining tezlashishi bu bozor o‘zgarishlariga javob beradigan ishlab chiqarishning texnik-iqtisodiy parametrlariga doimiy ravishda tuzatishlar kiritish imkoniyatlarni keskin qisqartiradi.

Yig‘ish sanoati gigantlariga o‘z afzalliklarini saqlab qolish va yangi talablarga moslashishda kichik biznes korxonalari yordam bermoqda, ular butlovchi mahsulotlar assortimentini ilm-fan va texnologiya yutuqlariga tezda moslashtirmoqda. Bundan tashqari, bunday korxonalar soni yig‘ish zavodlarining to‘g‘ridan-to‘g‘ri ehtiyojlaridan oshib ketishi kerak, chunki to‘liq raqobat faqat shunday asosda mavjud bo‘ladi. Bu kichik va yirik korxonalarining muvaffaqiyatli o‘zaro hamkorligining asosiy shartlaridan biridir. Tadqiqot natijalari iqtisodiyotimizda bunday munosabatlar yetarli darajada emasligini ko‘rsatmoqda. Bularning barchasi asosiy e‘tiborni tadbirkorlik sub‘yektlariga qaratmasdan turib, iqtisodiyotni rivojlantirish mumkin emasligini isbotlaydi.

O‘zbekiston Respublikasi mustaqil davlat sifatida hozirgi vaqtda barcha tadbirkorlarga teng huquqlarni kafolatlaydi va faoliyat ko‘rsatishi, moddiy-texnik, moliyaviy, mehnat, axborot, tabiiy hamda boshqa resurslardan foydalanish uchun teng imkoniyatlar yaratadi. Tadbirkorlikni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash O‘zbekiston Respublikasining “Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to‘g‘risida”gi qonunning V. Tadbirkorlik faoliyatini davlat yo‘li bilan qo‘llab-quvvatlash [2] bo‘limi asosida amalga oshiriladi, unda davlat tadbirkorlikni rivojlantirish uchun qulay tashkiliy-iqtisodiy shart-sharoitlar yaratish maqsadida:

qonunning ushbu qoidalari kichik biznes korxonalarini tashkil etishni rag‘batlantirishning boshlang‘ich nuqtasi bo‘ldi. Shunday qilib, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Huzuridagi Statistika Agentligi ma’lumotlariga e‘tibor qaratadigan bo‘lsak, 2010 yilga nisbatan 2022 yilda barcha iqtisodiyot tarmoqlari kesimida yangi tashkil etilgan kichik tadbirkorlik sub‘yektlari sonini oshganligi kuzatiladi (1-jadval).



1-rasm. Tadbirkorlikni rivojlantirish uchun qulay tashkiliy-iqtisodiy shart-sharoitlar yaratish maqsadlari

Jadval ko'rsatkichlariga e'tibor qaratadigan bo'lsak, 2022 yilda 2010 yilga nisbatan eng yuqori ko'rsatkich darajasida oshgan savdo (29450 birlikda oshib 34384 tani tashkil etgan) va sanoat (13147 taga oshib 16191 taga teng bo'lgan) tarmoqlari bo'lganligini hamda bunday ijobiy natija orqali respublika bo'yicha jami yangi tashkil etilgan kichik tadbirkorlik sub'yektlari soni 71621 taga oshganligini kuzatish mumkin.

1-jadval

Iqtisodiyot tarmoqlari kesimida yangi tashkil etilgan kichik tadbirkorlik sub'yektlari soni [3] (birlikda)

Tarmoqlar	2010	2015	2020	2021	2022	2022 yildan 2010 yilga ko'ra o'zgarishi (+,-)
JAMI	18556	26896	93214	98886	90177	71621
qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi	2405	2351	14969	11710	12018	9613
sanoat	3044	5841	18596	19285	16191	13147
qurilish	1681	2850	6009	6330	4795	3114
savdo	4934	7136	35213	38459	34384	29450
tashish va saqlash	1485	1293	2397	2642	3355	1870
yashash va ovqatlanish bo'yicha xizmatlar	2082	2403	5637	6621	5812	3730
axborot va aloqa	754	806	1917	2521	2617	1863
sog'liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlar	320	486	1450	1760	1498	1178
boshqa turlari	1852	3730	7026	9558	9507	7655

Ammo, 2022 yilda 2021 yilga nisbatan respublika bo'yicha jami yangi tashkil etilgan kichik tadbirkorlik sub'yektlari soni 8709 taga kamaydi. Bu borada ham eng yuqori darajada faoliyati tugatilgan korxonalar avvalambor, savdo, sanoat va qurilish tarmoqlariga to'g'ri kelib mos ravishda 4075 taga, 3094 ta va 1535 taga kamaygan. Bu asosan, endigi vazifa ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarning miqdor jihatidan emas balki, sifatiga e'tibor berilishi lozimligidan raqobatga bardosh bera olmaydigan korxonalarning o'z-o'zidan faoliyatini to'xtaltishiga olib kelganligi bilan izohlash mumkin.

Tadqiqot maqsadidan kelib chiqqan holda Namangan viloyatida faoliyat yuritayotgan tadqiqot ob'yekti sifatida tanlab olingan "EXTRA LUX BETA PLYUS" mas'uliyati cheklangan jamiyatida investitsiyalardan foydalanish samaradorligini ekonometrik tahlilini amalga oshiramiz. Buning uchun dastlab, "EXTRA LUX BETA PLYUS" mas'uliyati cheklangan jamiyat tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulot hajmiga nisbatan investitsiyalarning ta'sirini 2 ta ssenariy asosida

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” jurnali 9-son 2023 yil

ko‘rib chiqishni maqsad qilingan bo‘lib, 1-senariy bo‘yicha korxonaning 2010-2022 yillarda ishlab chiqarilgan mahsulot hajmi – $Y(1)$ o‘zgarishiga ta’sir etuvchi viloyatda kichik biznes sub’yektlari tomonidan sarflangan ishlab chiqarish harajatlari – $X1$, kichik biznes sub’yektlari asosiy kapitaliga investitsiya hajmi – $X2$ va kichik biznes sub’yektlarining ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanish – $X3$ omillari tanlab olindi.

“EXTRA LUX BETA PLYUS” masuliyati cheklangan jamiyat tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulot hajmi o‘zgarishini ekonometrik tahlilini aalga oshirish uchun dastlab natijaviy omilga nisbatan tanlab olingan omillarning va omillar o‘rtasida o‘zaro bog‘liqlik darajasini korrelyasion koeffisiyenti aniqlanadi (2-jadval).

2-jadval

1-senariy bo‘yicha “EXTRA LUX BETA PLYUS” masuliyati cheklangan jamiyat tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulot hajmi o‘zgarishiga ta’sir etuvchi omillarning korrelyasion koeffisiyenti

	$Y(1)$	$X1$	$X2$	$X3$
$Y(1)$	1			
$X1$	0,997796	1		
$X2$	0,91203	0,705778	1	
$X3$	-0,86606	-0,74799	-0,56382	1

Jadval qiymatlariga e’tibor qaratadigan bo‘lsak, “EXTRA LUX BETA PLYUS” masuliyati cheklangan jamiyat tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulot hajmi - $Y(1)$ ga ishlab chiqarish xarajatlari – $X1$ ($r_{Y(1),X1}=0,997796$) va kichik biznes sub’yektlari asosiy kapitaliga investitsiya hajmi – $X2$ ($r_{Y(1),X2}=0,91203$) kuchli zichlikda to‘g‘ri bog‘langan. Natijaviy omil bilan kiik biznes sub’yektlarining ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanish omili esa - $X3$ ($r_{Y(1),X3}=0,91203$) kuchli zichlikda teskari bog‘langanligi aniqlandi. Tanlangan omillar o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liklik qiymatlariga ko‘ra, omillar o‘rtasida $r_{X1,X2}<0,8$ shartga asosan multikoleniarlik mavjud emas.

Bu esa ta’sir etuvchi omillarni to‘g‘ri tanlanganligi va kelgusi jarayonni davom ettirish mumkinligidan dalolat beradi. Jarayonni davom ettirish uchun omillarning o‘lchov birliklari turlicha bo‘lganligi uchun ularni bir jinsli ko‘rsatkichga keltirish uchun ye asosga ko‘ra logorifmlab olamiz va kuzatilayotgan bog‘liqlik o‘rtasida regressiya tenglamasini aniqlashni EViews dasturi orqali davom ettirish mumkin (3-jadval).

3-jadval


1-senariy bo‘yicha “EXTRA LUX BETA PLYUS” masuliyati cheklangan jamiyat tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulot hajmining ko‘p omilli regressiya tenglamasi

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LN $X1$	0.210071	0.070816	2.966420	0.0158
LN $X2$	-0.438907	0.229948	-1.908722	0.0486
LN $X3$	3,082662	0,301834	10,2131	0.0000
C	-3.414497	1.335193	-2.557306	0.0308
R-squared	0.979273	Mean dependent var		8.283517
Adjusted R-squared	0.972364	S.D. dependent var		0.382916
S.E. of regression	0.063656	Akaike info criterion		-2.422990
Sum squared resid	0.036469	Schwarz criterion		-2.249159
Log likelihood	19.74943	Hannan-Quinn criter.		-2.458720
F-statistic	141.7405	Durbin-Watson stat		1.809245
Prob(F-statistic)	0.000000			

Hisob-kitob natijalariga ko‘ra, 3-jadvalning koeffisiyent ustunidagi qiymatlardan kelib chiqqan holda quyidagi tenglamani hosil qilinadi:

$$Y(1) = 0.21LnX1 + 3.0826662X3 - 0.44LnIChX2 - 3.4 \quad (1)$$

Aniqlangan 1-regressiya tenglamasi parametrlarini t-Statistic mezonlari bo'yicha ahamiyatlilikiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, $\alpha=0,05$ va $df=9$ bo'lgan holda $t_{Жад}=1,8331129$ ga tengligidan ishlab chiqarish harajatlari – $X1(t_{X1}=2.9664 > t_{Жад}=1,8331129)$ va ishlab chiqarish quvvatidan foydalanish $X3(t_{X3}=10.2131 > t_{Жад}=1,8331129)$ parametrlari ahamiyatli bo'lib, qolgan asosiy kapitalga investitsiya omilining ahamiyatsizligi kelib chiqadi. Ammo, $p=0,05$ ga ko'ra, ushbu parametrlarning barchasi muhim ekanligini e'tiborga olgan holda, haqiqatda ushbu omillar parametrlarining ahamiyatli yoki ahamiyatsiz ekanligini retrospektiv sifat mezonlari MAPE (Mean Absolute Percentage Error – o'rtacha mutloq foiz xatosi) va TIC (Tayl inequality coefficient – Teyl prognoz aniqligining muqobil o'lchovi) bilan tekshirish talab etiladi (2-rasm).



2-rasm. 1-regressiya parametrlarini retrospektiv sifat mezonlari natijasi

2-rasmda keltirilgan ma'lumotlarga asosan ta'kidlash mumkinki, $MAPE=0,453$ bo'lib, bu o'z navbatida $MAPE=0,453 < 10\%$ prognoz aniqligi yuqori va $TIC=0,0032 < 1$ koeffitsiyentni shunchalik nolga intilishidan 1-regressiya tenglamasi parametrlarining barchasini ahamiyatlilikiga kelib chiqadi. Endi logorifm xossalari kelib chiqqan holda, yuqorida hosil qilingan 1-regressiya tenglamasini potentsirlab olinadi va unga ko'ra quyidagi tenglama hosil qilinadi:

$$Y(1) = \frac{X1^{0,21} * X3^{3,082662}}{X2^{0,44} * e^{3,4}} \quad (1^*)$$

Endi 2*-regressiya tenglamasini ahamiyatlilikini $\alpha=0,05$ ba $k1=9$; $k2=3$ bo'lganda fisher mezon bilan $F_{Жад}=0,258896$ ga tengligini e'tiborga olgan holda hisoblangan Fisher qiymati $F_{Хис}=141.74$ tengligidan $F_{Жад} < F_{Хис}$ shartga asosan aniqlandi. 2*-regressiya tenglamasining $DW=1.809$ ga teng bo'lganligi bois, avtokorrelyasiya mavjud emasligidan tenglamaning ishonchli va adekvatligi kelib chiqadi.

(1*)-regressiya tenglamasiga izox beradigan bo'lsak, ishlab chiqarish xarajatini 1,0 foizga oshirilsa “EXTRA LUX BETA PLYUS” masuliyati cheklangan jamiyat tomonidan mahsulot ishlab chiqarish hajmi qo'shimcha 18,6 foizga va ishlab chiqarish quvvatidan foydalanish darajasini ham 1,0 foizga oshirilsa korxonada mahsulot ishlab chiqarish hajmi qo'shimcha mos ravishda 431,0 mln. so'mga oshishi aniqlandi. Ammo model natijasiga ko'ra, agar korxonada asosiy kapitalga investitsiyalar xajmini 1,0 foizga oshirilsa, korxonada mahsulot ishlab chiqarish hajmi 38,9 mln. so'mga kamayishi aniqlanib, bu o'z navbatida korxonani investitsiyaga to'yinganini ifoda etadi. Natijadan xulosa qiladigan bo'lsak, hozirgi kunda Namangan viloyatida faoliyat yuritayotgan kichik biznes sub'yektlari faoliyatida xarajatlar smetasini qayta ko'rib chiqishi, ichki va tashqi investitsiyalar yo'nalishini imkon qadar korxonada quvvatlarlardan to'liq foydalanishga qaratilgan chora-tadbirlarni ishlab chiqishi lozim.

Ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanish bo'yicha o'rganishlar shundan dalolat beradiki, viloyatda elektr energiyani yetishmovchiligi bu boradagi eng katta muammo bo'lib, bu borada muqobil energiya resurslaridan foydalanishni, mavjud asosiy vositalarni yangi energiya tejovchi texnologiyalar bilan almashtirishni tavsiya etiladi.

2-ssenariy bo'yicha “EXTRA LUX BETA PLYUS” masuliyati cheklangan jamiyat tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulot hajmi – Y(1) o'zgarishiga kichik biznes sub'yektlarining mahsulot sotishdan sof tushum – X1, kichik biznes sub'yektlarining asosiy kapitaliga investitsiya hajmi – X2 va kichik biznes sub'yektlarida jami bandlar – X3 sonini qanday ta'sir ko'rsatishini ekonometrik tahlili o'tkaziladi. Buning uchun dastlab tanlangan omillar to'g'ri olinganligini aniqlash uchun ular o'rtasidagi korrelyasiya koeffitsiyenti aniqlanadi (4-jadval).

4-jadval

2-ssenariy bo'yicha “EXTRA LUX BETA PLYUS” masuliyati cheklangan jamiyat tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulot hajmi o'zgarishiga ta'sir etuvchi omillarning korrelyasion koeffitsiyenti

	Y(1)	X1	X2	X3
Y(1)	1			
X1	0,967269	1		
X2	0,91203	0,576726	1	
X3	0,872195	0,702438	0,763992	1

Jadvalda keltirilgan natijalarga ko'ra, natijaviy kichik biznes sub'yektlari tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulot hajmi o'zgarishiga Y(1) - nisbatan mahsulot sotishdan sof tushum – X1($r_{Y(1),X1}=0,967269$), asosiy kapitaliga investitsiya hajmi - X2($r_{Y(1),X2}=0,91203$) va kichik biznes sub'yektlarida jami bandlar - X3($r_{Y(1),X3}=0,872195$) omillarning barchasi kuchli zichlikda to'g'ri bog'langan bo'lib, omillar o'rtasida $r_{X1,X2}<0,8$ shartga ko'ra multikoleniarlik mavjud emas. Bu esa o'z navbatida keyingi regressiya tenglamasini aniqlash bosqichiga o'tish mumkinligini anglatadi.

Tadqiqotlar shundan dalolat beradiki, hozirgi kunda respublikada faoliyat ko'rsatayotgan kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'yektlari iqtisodiyot tarmoqlarini drayveri hisoblanib ularning rivojlanish tendensiyalarini ko'plab chiziqli va chiziqsiz tenglamalar orqali xususan, eksponensial, darajali, logarifmik, ko'rsatkichli, binominal va chiziqli funksiyalar orqali aniqlash imkoni mavjud. Shundan kelib chiqqan holda, dastlab barcha omillarni turli jinsli tarkibga ega ekanligini e'tiborga olgan holda ye asosga ko'ra logorifmlab olinadi va EViews dasturi orqali davom ettirish mumkin (5-jadval).

5-jadval


2-ssenariy bo'yicha “EXTRA LUX BETA PLYUS” masuliyati cheklangan jamiyat tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulot hajmining ko'p omilli regressiya tenglamasi natijalari

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LN _{X1}	0.941223	0.066808	14.08838	0.0000
LN _{X2}	0,008491	0,074558	0,113884493	0.0149
LN _{X3}	0.038203	0.110381	0.346100	0.0372
C	0.302107	0.389304	0.776020	0.0576
R-squared	0.997648	Mean dependent var		8.283466
Adjusted R-squared	0.996864	S.D. dependent var		0.382812
S.E. of regression	0.021436	Akaike info criterion		-4.599823
Sum squared resid	0.004136	Schwarz criterion		-4.425993
Log likelihood	33.89885	Hannan-Quinn criter.		-4.635553
F-statistic	127,2674	Durbin-Watson stat		2.182688
Prob(F-statistic)	0.000000			

Jadval ma'lumotlarida keltirilgan koeffitsiyentlar qiymatlaridan kelib chiqqan holda quyidagi tenglamani hosil qilinadi:

$$\ln Y(1) = 0,94 \ln X1 + 0,0085 \ln X2 + 0,04 \ln X3 + 0,3 \quad (2)$$

Tadqiqot natijasidan kelib chiqib, aniqlangan 2-regressiya tenglamasi parametrlarini t-Statistic mezonlari bo'yicha ahamiyatliligiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, $\alpha=0,05$ va $df=9$ bo'lgan holda $t_{\text{Жад}}=1,8331129$ ga tengligidan faqat kichik biznes sub'yektlarining mahsulot sotishdan sof tushum – $X1(t_{X1}=14,088 > t_{\text{Жад}}=1,8331129)$ omilining parametrini ahamiyatliligi kelib chiqadi. Qolgan parametrlarning haqiqatda ahamiyatliligi yoki ahamiyatsizligini tekshirish uchun retrospektiv sifat mezonlari $\text{MAPE} < 10\%$ va $\text{TIC} < 1$ dan foydalaniladi (3-rasm).



3-rasm. 2-regressiya parametrlarini retrospektiv sifat mezonlari natijasi

3-rasmida keltirilgan ma'lumotlarga asosan ta'kidlash mumkinki, $\text{MAPE}=0,179$ bo'lib, bu o'z navbatida $\text{MAPE}=0,179 < 10\%$ tengsizlik sharti bajarilganligi va $\text{TIC}=0,001 < 1$ prognoz aniqligining yuqoriligi bois 2-regressiya tenglamasi parametrlarining barchasini ahamiyatliligi kelib chiqadi. Endi hosil qilingan 2-regressiya tenglamasini potentsirlab olinadi va unga ko'ra quyidagi tenglama hosil qilinadi:

$$Y(1) = X1^{0.94} * X2^{0.0085} * X3^{0.04} * e^{0.3} \quad (2^*)$$

Ushbu 2*-regressiya tenglamasini $\alpha=0,05$ va $k1=9$; $k2=3$ bo'lganda $F_{\text{Жад}}=0,258896$ ga tengligini e'tiborga olgan holda hisoblangan Fisher qiymati $F_{\text{хис}}=33.899$ tengligidan $F_{\text{Жад}} < F_{\text{хис}}$ shartga binoan 2*-regressiya tenglamasining ahamiyatliligi hamda $\text{DW}=2.18$ ga teng bo'lganligi bois, avtokorrelyasiya mavjud emasligidan tenglamaning ishonchli va adekvatligi kelib chiqadi.

Aniqlangan 2-regressiya tenglamasiga ko'ra, agar tanlangan omillarning qiymatlarini har birini ya'ni, sotishdan sof tushum, asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi va korxonada bandlar sonini alohida-alohida 1,0 foizdan oshiradigan bo'lsak u holda “EXTRA LUX BETA PLYUS” masuliyati cheklangan jamiyat tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulot hajmi mos ravishda 82,5 mln. so'm, 6,8 mln. so'm va 3,5 mln. so'mga qo'shimcha oshishi aniqlandi.

Bu esa korxona mahsulot ishlar chiqarish hajmini oshirish uchun tanlangan har bir omil muhim ahamiyat kasb etib, ulardan ayniqsa, ishchi kuchini oshirish boshqa omillardan ko'proq daromad olib kelishini ta'kidlash bilan birga korxonada kadrlar masalasiga alohida e'tibor qaratish talab etiladi. Shunday qilib, barcha ssenariylar bo'yicha olingan natijalarni umumlashtirib, hozirgi kunda Namangan viloyatida kichik biznes sub'yektlari asosiy kapitaliga investitsiyalar kiritilishi sohada aholi bandligini oshirishga, ishlab chiqarish quvvatlarini to'liq ishga tushirishga va eng asosiysi energiyadan samarali foydalanishga qaratilgan eng samarali yo'nalish ekanligi to'g'risida ishonchli xulosaga kelish mumkin. Kichik korxonalarning investitsiya faoliyatining moliyaviy salohiyatini shakllantirish jarayoni ko'p jihatdan ularning moliyaviy barqarorligi bilan belgilanadi. Korxona moliyaviy faoliyatida investision qarorlar qabul qilish masalasi korxona iqtisodiy strategiyasining asosini tashkil etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Juraev E.S. Analysis of the institutional principles of activation of small business activity under the conditions of centralization of Namangan province government bodies // Journal of Management Value & Ethics // SJIF 8.001 & GIF 0.626. ISSN-2249-9512. April-June. 23 Vol. 13 No. 02.
2. Э.С.Жураев. Таркибий ўзгаришлар шароитларида кичик бизнес субъектларида инвестицион жараёнларни фаоллаштириш // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.
3. Жураев Э.С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги муаммолар // NamMTI Ilmiy texnik jurnali. 2021 йил махсус сон.
4. Жураев Э.С. Реал инвестициялар: турлари, тузилиши, самарадорлиги ва бошқарилиши // Хоразм маъмун академияси. 2021 йил, №9, 197-202 б.
5. Жураев Э.С. Кичик бизнесда реал инвестицияларнинг ижтимоий иқтисодий самарадорлиги // The collection of materials of the International conference on the theme of “Topical issues of import substituting products based on the use of local raw materials in the Fergana valley”. Namangan, October 27-28, 2018. - С. 251-253.
6. Жураев Э.С., Сирожиддинов И.Қ. Антикризисные меры по обеспечению развития малого бизнеса. “Yangi O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning dolzarb masalalari” mavzusida Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy konferensiya. NamMQI, 29-30 sentyabr, 2022 yil, Namangan shahri. –с. 7-11.

UDK:336.62

**IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHGA INVESTITSİYALAR JALB QILISH
SAMARADORLIGINI OSHIRISH**

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В РАЗВИТИЕ
ЭКОНОМИКИ**

**INCREASING THE EFFECTIVENESS OF ATTRACTING INVESTMENTS IN
ECONOMIC DEVELOPMENT**

Ismatov Raxmatilla Oltinovich, i.f.n., dots. NamMQI

Annotatsiya

Maqolada milliy iqtisodiyotga investitsiyalar jumladan xorijiy investitsiyalarni jalb qilish va ulardan samarali foydalanish yo‘llarini takomillashtirish bilan bog‘liq jarayonlar tadqiq etilgan. Hududlarning iqtisodiy rivojlanishida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning ahamiyati ko‘rib chiqilgan. Korxonalarda innovatsion-investitsion faoliyatga investitsiyalarni jalb qilish tizimini takomillashtirishga doir ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar shakllantirilgan.

Kalit so‘zlar: investitsion faoliyat, investitsion jozibadorlik, investitsion samaradorlik, investitsion risk, bozor mexanizmi, investitsiyalarni boshqarish, innovatsion-investitsion faoliyat.

В статье рассматриваются процессы, связанные с инвестициями в национальную экономику, в том числе привлечение иностранных инвестиций и совершенствование способов их эффективного использования. Рассмотрена роль инвестиций в экономическом развитии регионов. Сформулированы научные предложения и практические рекомендации по совершенствованию системы привлечения инвестиций в инновационно-инвестиционную деятельность на предприятиях.

Ключевые слова: инвестиционная деятельность, инвестиционная привлекательность, инвестиционная эффективность, инвестиционный риск, рыночный механизм, управление инвестициями, инновационно-инвестиционная деятельность.

The article discusses the processes associated with investments in the national economy, including attracting foreign investments and improving the ways of their effective use. The role of investment in the economic development of regions is considered. Scientific proposals and practical recommendations for improving the system of attracting investments in innovation and investment activities at enterprises have been formulated.

Key words: investment activity, investment attractiveness, investment efficiency, investment risk, market mechanism, investment management, innovation and investment activity.

Respublikamiz iqtisodiyotini jadal rivojlantirish va ishlab chiqarishda innovatsiyalarni joriy qilish, makroiqtisodiy barqarorlik va iqtisodiy o‘shishning yuqori sur‘atlarini ta’minlashda investitsiyalar, shu jumladan, xorijiy investitsiyalar muxim ahamiyat kasb etadi. Bu borada erishilgan yutuq va muvaffaqiyatlarning keng va atroflicha tahlili, u asosidagi muhim amaliy xulosalar, eng dolzarb masalalar orasida mamlakatimiz taraqqiyotining ustuvor yo‘nalishlari va rivojlanish dasturlarini belgilashda, asosiy e’tibor xorijiy investitsiyalarga qaratilayotganligini ta’kidlash kerak.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoev „...investitsiya – bu iqtisodiyot drayveri, o‘zbekcha aytganda, iqtisodiyotning yuragi, desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. Biz faqat investitsiyalarni faol jalb qilish, yangi ishlab chiqarish quvvatlarini ishga tushirish hisobidan iqtisodiyotimizni jadal rivojlantirishga erishamiz“ [1], deb ta’kidlab, xorijiy investitsiyalarning iqtisodiyotni rivojlantirishdagi muhim ahamiyatini va uni jalb qilishning dolzarbligini e’tirof etadi.

Mamlakatimiz iqtisodiyotining investitsion jozibadorligini oshirish, mavjud investitsion salohiyatdan samarali foydalanish tizimini takomillashtirishga yo‘naltirilgan qator chora tadbirlar O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 29 apreldagi “Respublika iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4300-sonli Qarorida alohida e’tibor qaratilgan bo‘lib, bu borada respublika iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish faoliyati samaradorligini oshirish, xorijiy investorlarni mamlakatimiz imkoniyatlari va salohiyati to‘g‘risida xabardor qilish bilan bog‘liq vazifalarga ustuvorlik berilgan [2].

Milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda xorijiy investitsiyalarning roli, investitsion oqimlarni oshirishning ilmiy va metodologik muammolariga doir ko‘plab xorijiy va mamlakatimiz iqtisodchi olimlari tomonidan tadqiqotlar olib borilgan.

Xorijiy tadqiqotlar natijalari shuni ko‘rsatadiki, to‘g‘ridan to‘g‘ri investitsiyalar sanoati rivojlangan mamlakatlarda iqtisodiy o‘shishga ijobiy ta’sir ko‘rsatadigan mexanizmdir [3]. Xorijiy investitsiyalar xususan to‘g‘ridan to‘g‘ri investitsiyalar ishlab chiqarishda ham, xizmat ko‘rsatish sohasida ham kapital daromad manbai bo‘lib xizmat qiladi [4].

Mamlakatimiz iqtisodchi olimlaridan U.S.Nodirxanov o‘zining ilmiy tadqiqotlari orqali mintaqaviy darajada investitsiya faolligini oshirish usullari, mintaqalarda investitsiya muhitini baholash, imtiyozli investitsiya loyihalarini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlovchi qulay investitsiya muhitini shakllantirish jarayonlarini o‘rganadi [5]. D. G‘ozibekov, E. Nosirov ilmiy izlanishlarida investitsion salohiyatni oshirishda soliq yukini kamaytirish, fond bozorlari o‘rnini keskin oshirish, xususiyl xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish uchun qulay investitsion va ishbilarmonlik muhitini shakllantirish tadbirlarini samarali amalga oshirish bilan bog‘liq jarayonlarni tadqiq etiladi [6]. F.U.Umarov tadqiqotlarida iqtisodiyotning tegishli tarmoq va sohalariga investitsiya jalb qilish ko‘lamini kengaytirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari va o‘ziga xos xususiyatlari tahlil qilinadi [7]. A.Burxanov o‘z tadqiqotlarida hududlarga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning ilmiy-nazariy jihatlarini o‘rganib, hududlarga xorijiy investitsiyalarni jalb etishning muammoli jihatlarini asoslangan hamda ularni bartaraf etishga qaratilgan takliflar ishlab chiqilgan [8].

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” jurnali 9-son 2023 yil

Milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish va ulardan samarali foydalanish yo‘llarini asoslashga yo‘naltirilgan yuqoridagi tadqiqotlarda makroiqtisodiy sharoitlarni yaratish orqali investitsiya jarayonlari va iqtisodiy o‘sishning faol sur‘atlarini ta‘minlash imkoniyatlari o‘rganilgan. O‘zbekiston iqtisodiyotiga investitsiyalarni jalb qilish va ulardan samarali foydalanish yo‘llari bo‘yicha mavjud bo‘lgan ilmiy tadqiqotlarni, xorijiy mamlakatlar tajribasini o‘rganish, statistik ma‘lumotlarni iqtisodiy jihatdan taqqoslash va tahlil qilish, mantiqiy fikrlash, ilmiy abstraktsiyalash, ma‘lumotni guruxlash, analiz va sintez, induksiya va deduksiya usullaridan keng foydalanilgan. Respublikamizda iqtisodiy rivojlanishni jadal sur‘atlarini ta‘minlash va makroiqtisodiy barqarorlikni saqlab qolishda puxta o‘ylangan investitsiya siyosati muhim ahamiyat kasb etadi. Zero, investitsiyalar iqtisodiyot taraqqiyatining muhim omili sifatida ishlab chiqarishni modernizatsiyalash, texnik va texnologik yangilash va innovatsiyalarni rag‘batlantirish, yangi ish o‘rinlarini yaratish hamda korxonalar daromadini oshirishni ta‘minlaydi.

So‘nggi yillarda investitsiyalar hajmini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlar ko‘lami ham huquqiy ham amaliy jihatdan yanada sezilarli darajada oshirildi. Ayniqsa, olib borilayotgan faol investitsiya siyosati natijasida respublikamizda investitsiyalar oqimi dinamikasi bo‘yicha ijobiy o‘sish kuzatilmoqda.

Respublikamiz hududlari bo‘yicha investitsion faoliyatning asosiy natijalariga e‘tibor qaratadigan bo‘lsak, mamlakatda asosiy kapitalga investitsiyalar 2016 yilda 51232,0 mlrd. so‘mni tashkil qilgan bo‘lib, ushbu ko‘rsatkich izchil o‘sish sur‘atiga ega bo‘lgan va 2021 yilga kelib 239552,6 mlrd. so‘mga yetgan va 4,7 barobarga o‘sgan (1-jadval). Yuqori o‘sish sur‘ati Buxoro (8,5 marta), Toshkent (6,6 marta), Jizzax (6,4 marta), Sirdaryo (6,1 marta) viloyatlarida va Toshkent shahrida (6,3 marta) kuzatilmoqda.

1-jadval

O‘zbekistonda asosiy kapitalga investitsiyalar va ularni hududlar bo‘yicha taqsimlanishi to‘g‘risida ma‘lumot (mlrd. so‘m) [9]

Hududlar (viloyatlar) nomi	yillar						2016- 2021 y.y.da o‘sish, marta
	2016	2017	2018	2019	2020	2021	
Respublika bo‘yicha jami	51232,0	72155,2	124231,3	195927,3	210195,1	239552,6	4,7
Qoraqalpog‘iston Respublikasi	3778,3	2822,0	6757,8	8750,6	7089,8	8110,7	2,1
Andijon	2188,5	2986,0	4711,9	7452,1	9622,6	11176,6	5,1
Buxoro	5922,9	11613,4	9610,9	10366,6	12183,9	20528,3	8,5
Jizzax	1449,7	1788,2	3606,3	7900,9	12545,4	9233,6	6,4
Qashqadaryo	7304,4	11175,3	16518,5	24462,5	20557,6	17359,1	2,4
Navoiy	2963,2	3977,9	10579,5	17646,3	15688,4	15020,1	5,1
Namangan	2824,5	3586,7	8158,1	12084,9	12007,2	12982,0	4,6
Samarqand	3623,5	4384,2	7061,4	10266,7	14656,4	15641,6	4,3
Surxondaryo	2142,4	3551,0	7240,6	11835,1	10068,2	12037,8	5,6
Sirdaryo	1322,9	1628,0	2699,3	5869,1	7191,9	8051,8	6,1
Toshkent	4238,7	5938,4	11226,9	20353,9	21148,6	28113,6	6,6
Farg‘ona	2643,6	2954,5	5539,1	8685,4	11040,0	12625,2	4,8
Xorazm	1560,5	2175,9	3013,8	5032,0	5391,8	8292,0	5,3
Toshkent sh.	9268,9	13573,7	26435,7	42458,1	50371,3	58172,7	6,3

2021-yilning yanvar-dekabr oylarida O‘zbekiston Respublikasida iqtisodiy va ijtimoiy sohalarini rivojlantirish uchun jami moliyalashtirish manbalari hisobidan 245,0 trln. so‘m o‘zlashtirildi. Dollar ekvivalentida 23,1 mlrd. AQSH doll. o‘zlashtirilgan bo‘lib, 2020-yilga nisbatan 105,2 % ni tashkil etdi.

2021-yilning yanvar-dekabr oylarida asosiy kapitalga investitsiyalarning 61,9 foizi yoki 151,5 trln. so‘mi jalb etilgan mablag‘lar hisobidan moliyalashtirilgan bo‘lsa, korxona, tashkilot va aholining o‘z mablag‘lari hisobidan 38,1 % yoki 93,5 trln. so‘m moliyalashtirildi.

Rasmiy statistik ma’lumotlarga ko‘ra, mamlakatimizda asosiy kapitalni moliyalashtirishda to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar va kreditlar ulushi 36 foizni, shundan 13,7 foizini to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar tashkil etgan.

2022-yilning yanvar-dekabr oylarida barcha moliyalashtirish manbalari hisobidan asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar 269 857,5 milliard so‘mni tashkil etib, o‘tgan yilning mos davriga nisbatan o‘shir sur‘ati 100,9 foizni tashkil etdi.

Asosiy kapitalga yo‘naltirilgan investitsiyalar umumiy hajmida O‘zbekiston Respublikasi kafolati ostidagi xorijiy kreditlarning ulushi 5,6 foizni, tijorat banklari kreditlari va boshqa qarz mablag‘lari – 7,8 foizni, aholi mablag‘lari – 9,5 foizni, taraqqiyot va rekonstruktsiya jamg‘armasi – 0,9 foizni, Suv ta‘minoti va kanalizatsiya tizimini rivojlantirish jamg‘armasi – 1,1 foizni Respublika byudjeti mablag‘lari ulushini tashkil etdi.

2021 yilning mos davriga nisbatan asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning yuqori o‘shir sur‘atlari: to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar (TXI) bo‘yicha – 110,7 foiz, korxonalar mablag‘lari – 110,6 foiz, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar va kreditlar – 104,3 foiz, aholi mablag‘lari – 103,2 foizni tashkil etdi.

Respublikamiz iqtisodiyotiga kiritilayotgan xorijiy investitsiyalar va kreditlar xajmi 2017-yilda 3,3 milliard dollarni tashkil etgan bo‘lsa, 2022-yil yakunida ushbu ko‘rsatkich uch barobarga ortib, 9,8 milliard dollarga yetdi. Buning natijasida xorijiy investitsiyalar va kreditlarning jami investitsiyalardagi ulushi 23,8 foizdan 40,5 foizgacha ortdi.

Shu bilan birga, to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar va kreditlar xajmi 2017-yilda 2,5 milliard dollarni tashkil etgan bo‘lsa, 2022-yilga kelib 3,4 barobar oshib 8,5 milliard dollarga yetdi. Ularning jami investitsiyalardagi ulushi esa 17,7 foizdan 35,4 foizgacha oshdi.

Xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxona va tashkilotlar soni xam yil sayin ortib bormoqda. Ularning soni 2017-yilda 5,5 mingga yetdi, 2022-yilga kelib ularning soni 15,8 mingga yetdi. Ularning 6,4 mingga qo‘shma korxona, 9,3 mingga to‘liq xorijiy korxona xisoblanadi.

Chet el kapitali ishtirokidagi korxonalarning 30,5 foizi savdo, 27,5 foizi sanoat, 8 foizi qurilish, 4,8 foizi qishloq xo‘jaligi, 4,1 foizi yashab turish va ovqatlanish muassasalari, 2,9 foizi saqlash va tashish, 4,8 foizi aloqa va axborot yo‘nalishlarida, 17,4 foizi boshqa sohalarda faoliyat ko‘rsatmoqda.

Hududlarning iqtisodiy rivojlanishida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning ahamiyati yuqoridir. Asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning hududlar ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotidagi ahamiyatini quyidagilar bilan ifodalash mumkin:

- asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmining o‘shir yuqori texnologik rivojlanish hamda intensiv iqtisodiy o‘shirning omili sifatida YaHMni yillik o‘shir sur‘atiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatadi;

- iqtisodiyotning zamonaviy sanoat tarmoqlarini diversifikatsiya qilish, tarkibiy islohotlarni amalga oshirish natijasida importning o‘rnini bosuvchi va eksportbop mahsulotlar ishlab chiqarishni yo‘lga qo‘yish imkoniyati yaratiladi;

- mavjud investitsion salohiyatdan oqilona foydalanish asosida tadbirkorlik faoliyatini keng rivojlanishi va yangi ish o‘rinlarini yaratilishi orqali aholining turmush darajasini oshirishga erishiladi. Natijada aholi daromadlarining muntazam ortishi hisobiga iqtisodiyotdagi yalpi talabning kengayishi ishlab chiqarishni yanada rivojlantirish uchun shart-sharoit yaratadi.

Ma’lumki korxonalarda innovatsion-investitsion faoliyatni moliyalashtirish hozirgi kunning eng dolzarb masalalaridan biridir. Shu sababli investitsiya ta‘minotini zamonaviy samarali manbalar davlat va xususiy sherikchilik dasturlari asosida amalga oshirish buning asosida korxonalarning ishlab chiqarish texnik salohiyatini oshirish, davlat boshqaruv organlari tomonidan tashqi investorlar uchun huquqiy va mulkiy himoyalash darajasini oshirish, o‘zlariga oladigan investitsion riskni pasaytiradi.

Sanoat korxonalari investitsiya faoliyatini olib borishda investitsiya resurslarining tarkibi muhim ahamiyat kasb etadi. Investorlar investitsiya resurslarini o‘z iqtisodiy va tadbirkorlik qobiliyati hamda imkoniyatidan kelib chiqib tanlaydilar.

Respublikamizda ham markazlashgan mablag‘lar yordamida investitsiya loyihalarini moliyalashtirish salmog‘i dastlabki yillarda katta edi. Biroq mamlakatimizda olib borilayotgan oqilona iqtisodiy siyosat tufayli investitsiya jarayonlarida davlat byudjeti mablag‘lari asta-sekinlik bilan kamayib, boshqa moliyaviy manbalar hajmi yildan-yilga oshib bormoqda.

Bugungi kunda sanoat korxonalari investitsiya faoliyatini moliyalashtirishda aholining ishtiroki hamon sezilarsiz bo‘lib qolmoqda. Aholi moliyaviy bozorning faol ishtirokchisi bo‘la olmayapganligi buning asosiy sababi xisoblanadi.

Budjet mablag‘lari asosidagi investitsiyalarning kamayishi ham ijobiy ko‘rsatkich bo‘lib, iqtisodiyotning modernizatsiyalashayotganligi bilan bir qatorda, davlatning iqtisodiyotga aralashuvi kamayib borayotganligidan dalolat beradi. Xo‘jalik sub‘ektlari shaxsiy resurslarining investitsiya faoliyatidagi salmog‘ining pasayib ketishiga asosiy sabab sifatida korxonalar ixtiyorida qolayotgan moliyaviy resurslarning kamligi va korxonalarning reinvestitsiya jarayoniga e‘tiborini sustligi kabilarni ko‘rsatish mumkin.

Xulosa o‘rnida ta’kidlash joizki, davlat va xususiy o‘zaro hamkorlikka asoslangan innovatsion-investitsion hamkorlikni tashkil etish hamda rag‘batlantirish quyidagilarga bog‘liq bo‘lishi mumkin:

- tadbirkorlik faoliyatida yangi innovatsion texnologiyalarni joriy etishga;
- ilm-fan yutuqlaridan keng va samarali foydalanishga;
- ishlab chiqarishga eng zamonaviy texnologiyalarni joriy etishga;
- milliy iqtisodiyotning barcha tarmoq va sohalarida innovatsiyalarni rivojlantirishga;
- tarmoqlarda katta bo‘lmagan innovatsion loyihalarni joriy etish, uning foydasini tezda olish uchun tadbirkorlar xususiy moliyalashtirishda bor imkoniyatlardan foydalanishga va h.k.
- sanoat korxonalari investitsiyalarning jozibadorligini oshirishning asosiy yo‘nalishlariga mahsulotlarning eksport salohiyatlarini oshirish, ishlab chiqarishni intensivlash, diversifikatsiya turlarini rivojlantirish va boshqalarni kiritish mumkin deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. „Xalq so‘zi“ gazetasi, 2018 yil 29 dekabr No 271-272 (7229-7230) soni.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 29 apreldagi “Respublika iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4300-sonli Qarori.
3. P.Panagiotis The impact of FDI on economic growth in Eurozone countries. The journal of Economic Asymmetriess, 2015 No17, pp. 7–8
4. K.J.Boudreau, N.Lacetera and K.R.Lakhani Incentives and Problem Uncertainty in Innovation Contests: An Empirical Analysis. Management Science, 2016 vol. 57, No5, rr. 843–863.
5. Нодирханов У.С. Прямые иностранные инвестиции в Узбекистане: опыт проблемы, перспективы роста. - Т.: “Фан ва технология”, 2011. 184 б.
6. G‘ozibekov D, Nosirov E. O‘zbekiston iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish. Risola. - T.: “Iqtisod-Moliya”. 2007, -B.92
7. Umarov F.U. Innovatsion-investitsiya faol tadbirkorlikning muhim omili. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. No 1, yanvar- fevral, 2018 yil
8. Burxanov A. Hududlarga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish-milliy iqtisodiyot barqarorligini ta’minlashning asosiy omili. Biznes-Ekspert, 2018 yil. No10.,7-13 bet.
9. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlari. <https://www.stat.uz/uz/>

**ИСТИҚБОЛДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ИТАЛИЯ ТАЖРИБАСИНИ ҚЎЛЛАШ**

**ПРИМЕНЕНИЕ ИТАЛЬЯНСКОГО ОПЫТА В РАЗВИТИИ МАЛОГО БИЗНЕСА И
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В БУДУЩЕМ**

**APPLICATION OF ITALIAN EXPERIENCE IN THE DEVELOPMENT OF SMALL
BUSINESSES AND ENTREPRENEURSHIP IN THE FUTURE**

Мурадова Назира
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
“Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Мақола кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ўз ичига қамраган. Бунда Италия тажрибалари тўғрисида кенг мулоҳазалар юритилган. Италияда ишлаб чиқариш тузилмасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири кооператив (ширкат) секторнинг кенг ривожланганлиги қайд этилган. Шунингдек, бу тажрибаларни Ўзбекистонда тадбиқ этишга доир таклифлар берилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, экспорт, констелляция.

В статье рассмотрены основные направления развития малого бизнеса и предпринимательства. Он содержит обширные комментарии об итальянском опыте. Одной из важнейших составляющих производственной структуры Италии является широко развитый кооперативный (фирменный) сектор. Также есть предложения по применению этого опыта в Узбекистане.

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, производство, экспорт, констелляция.

The article discusses the main directions of development of small business and entrepreneurship. It contains extensive commentary on the Italian experience. One of the most important components of Italy's industrial structure is the widely developed cooperative (company) sector. There are also proposals for applying this experience in Uzbekistan.

Key words: small business, private entrepreneurship, production, export, constellation.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ишбилармонлик муҳитини кенгайтиришдаги мавжуд муаммоларни ечимини топиш, шунингдек, 2023-2030 йилларда истиқболлаштирилаётган параметрларни таъминлаш, ушбу соҳада тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг йўналишларини аниқлаш ва улар бўйича чора тадбирларни белгилашни талаб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кичик бизнесда тадбиркорлик фаоллигини ошириш учун қуйидаги умумий шароитлар таъминлаши зарур:

- миллий иқтисодиётда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш негизида уни барқарор ривожлантириш таъминлаш;
- иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш таъминлаш;
- кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш тизимини, унинг механизмларини такомиллаштириш асосида ривожлантириб бориш;
- кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни самарали ҳаракат қилишини таъминлаш.

Ушбу шарт-шароитлар мамлакатда ишбилармонлик муҳитини кенгайтиришга ҳам олиб келувчи имкониятларни яратади.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- кичик бизнесни ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий асосларини иқтисодиётда турли омиллар таъсирида руй бераётган ўзгаришларга мос равишда узлуксиз такомиллаштириб бориш;

- давлат томонидан кичик бизнес ва ҳуқуқий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш механизмларини самарадорлигини ошириш, бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасидаги янги механизмларни мавжуд шароитларга мослаштирган ҳолда амалиётга қўллаш;

- кичик бизнесни инновация негизида ривожланишини таъминлаш борасида чора – тадбирларни ишлаб чиқиш;

- кичик бизнесни молиявий жиҳатдан таъминлаш мавжуд механизмларни самарадорлиги ошириш ва молиялаштиришнинг янги манбаларини ҳаракатга келтириш негизида қулай инвестиция муҳитини яратиш;

- кичик бизнесда ишлаб чиқаришни ташкил этишни моддий таъминотини такомиллаштириш;

- кичик бизнесни ташқи иқтисодий фаолият механизмларини такомиллаштириш;

- кичик бизнес соҳаси учун малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш;

- кичик бизнесда кооперацияни чуқурлаштириш.

Кичик бизнесва хусусий тадбиркорликни ушбу йўналишларда олиб бориладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида хорижий тажрибани ўрганиш ва уни мамалкатимиз шароитларига татбиқ этиш муҳимдир.

Хусусан, статистик маълумотларга кўра Италияда ялпи ички маҳсулот яратишда кичик бизнеснинг улуши 70 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Жумладан, Хитойда 60-70 фоизга етган, Финляндияда 60 фоиздан ошган [1]. Бу давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, йирик фирмаларда ишлаш билан бирга, ўриндошлик бўйича кичик ва ҳунрамандлик корхоналарида ҳам меҳнат қилиш учун кенг имкониятлар яратилган. Масалан, Италияда ишлаб чиқариш тузилмасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири кооператив (ширкат) сектори ҳам кенг ривожланган. Корперация шакли мамлакат ташқарисида «саноатлаштиришнинг италян модели»дир. Бундай саноат округларининг самарадорлиги шундаки, улар маҳаллий имкониятлардан самарали фойдалана оладилар. Бунинг натижасида корхоналар бир қанча имкониятларга эга бўлади, жумладан:

- корхоналараро муносабатлар мослашувчанлиги юзага келади;

- корхоналарга ташкилот, уюшмалар ва институтлар томонидан кўрсатиладиган хизматларга оид маълумотлар олиш имконини берадиган аниқ ахборот тизими юзага келади;

- миллий маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқишда кичик корхоналар етакчи мавқега эга бўлади;

- тармоқ усулида ташкил этилган кичик ишлаб чиқариш кооперативларида бандлик юқори даражада бўлади.

Иқтисодчи олимлар тадқиқотларига кўра Италия иқтисодиётида турли соҳаларда фаолият юритувчи корхоналарни технологик жиҳатдан бирлаштириш ташкилий шакли «констелляция» аҳамияти алоҳида эътироф этилади. Бунда бир-бирига боғлиқ бўлган, мураккаб тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда чекланган микдордаги корхоналар бирлашиб фаолият юритади. Бундай ташкилий шаклда бирлашган корхоналарнинг бири маҳсулот тайёрлаш жараёнини бажарса, айримлари технологик жараён учун масъул бўладиган, баъзилари эса савдо билан шуғулланадилар. Натижада нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш муаммоси ҳал бўлади, балки ишлаб чиқариш кўлами ҳам кенгайди. Бундай жараёнда етакчиликни констелляцияда охириги босқичдаги ишларни бажарадиган корхона амалга

оширади. Улар бошқа фирмалардан барча керакли бутловчи қисмларни сотиб олади ва уларга етарли ишлар бўйича буюртмалар беради.

Демак корхоналардаги фаолиятнинг мувофиқлашуви юзага келади. Турли констелляцияларда ҳамкорлик қилиш, бозорда маълум бир маҳсулот турига бўлган талабнинг кенгайтирилиши ва эркин рақобат муҳити яратилади, шу билан бирга, маҳсулотнинг таннарни ва унинг нархи пасайишига олиб келади.

Фикримизча, Италия Республикасида кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг бу ташкилий шакли Ўзбекистонда ҳам мавжуд хусусиятлар асосида фойдаланиш мумкинлигини эътироф этмоқчимиз. Чунки констелляция усулини Ўзбекистон амалиётида ҳам қўллаш, кичик бизнесда афзалликлар яратади, булар:

- кичик корхоналарни молиялаштиришни таъминлайди;
- технологик жиҳатдан мураккаб бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради;
- корхоналарнинг ишлаб чиқаришда рақобатбардошлигини оширади;
- маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг реаллигини таъминлайди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Италия ҳамжамиятидаги асосий муаммо аҳолисининг таркибида мигрантларнинг кўпайиб бораётганлиги. Бу ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида маҳаллий меҳнат ресурслари билан таъминлашда ўзига хос муаммолар келтириб чиқармоқда.

Шунга қарамай, мамлакатда самарали экспорт фаолиятини амалга оширишлари учун ташқи бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган маркетинг мажмуаси ахборотлар билан таъминланган бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг фаоллашувини кўриш мумкин. Бозорларнинг ўзига хос салоҳияти ва бозор конъюктурасидаги ўзгаришлар бўйича жорий ахборот тизимига, компанияларнинг барча ресурслари бевосита савдо фаолиятига қаратилган ва асосий харидорлар билан доимий алоқа ўрната оладиган ташкилотлар бу экспорт савдо компанияларидир. Жаҳон амалиётида экспорт фаолиятини ташкил этишнинг чет элларда савдо уйлари очиш шакли ҳам ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг шакли сифатида кенг тарқалган.

Ўзбекистон савдо уйлариининг чет элларда ташкил этилиши маҳаллий тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар экспорт фаолияти самарадорлигининг ошишига ҳам имконият яратади. Кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий алоқаларга киришишида савдо воситачилари кўмак беради ва ҳамкорлар ва харидор топишга дастлабки имконият яратилади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ва хорижий тажрибани ўз ичига қамраб олувчи Ўзбекистон Республикасида 2030 йилларгача кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Уни ишлаб чиқиш жараёнида қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим:

- кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурини минтақа хусусиятига мос равишда ишлаб чиқиш;
- ҳудудий-соҳавий хусусиятига кўра ишлаб чиқариш тизимини ташкил этиш;
- маъмуриятчиликни кескин чеклаш;
- институционал асосларни янада кенгайтириш;
- йирик корхоналар билан кичик корхоналар интеграциясига эришиш;
- корхоналарнинг ишлаб чиқариш гуруҳларини ташкил этиш;
- мониторинг тизимини тўлиқ шакллантириб бориш эвазига жаҳонга чиқиш;
- инновацион фаолликни ошириш. Меҳнат инновацияси ва меҳнат менежменти муносабатларини такомиллаштириш орқали сифат кўрсаткичига эришиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қарорларида белгиланган вазифаларни ҳал этишни назарда тутди.

Мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес самарадорлигини ошириш асосида уни салмоғи ва аҳамиятини тубдан оширишни таъминлайди.

Хулоса ўрнида ишонч билан айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўсиши билан биз мамлакатимизда таянчимиз бўлган мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланади. Иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг энг муҳим омили, жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган фаол ҳаракатланувчи кучи сифатида амал қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Арипов, О. А. (2017). Современные тенденции развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане. *British Journal for Social and Economic Research*, 2(5), 33-40.
2. Арипов, О. А. (2018). Основные компоненты формирования деловой среды и масштабные развития в экономике узбекистан. In Региональные проблемы преобразования экономики: интеграционные процессы и механизмы формирования и социально-экономическая политика региона (pp. 121-123).
3. Арипов, О. А. (2019). Создание благоприятного налогового климата для малого бизнеса и частного предпринимательства в узбекистане. In Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организаций (pp. 64-68).
4. Арипов, О. А. (2019). Структурные элементы деловой среды и их влияния на функционирования субъектов малого бизнеса и предпринимательства. Региональные проблемы преобразования экономики, (8 (106)).
5. Арипов, О. А. (2015). Современное развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. *Молодой ученый*, (22), 332-334.
6. Арипов, О. А. (2017). Приоритетные направления развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане. *Российское предпринимательство*, 18(24).
7. Abdullayevich, A. O. (2021). Problems Of Agricultural Development In Uzbekistan. *Design Engineering*, 9724-9729.
8. Abdullayevich, A. O., & Abdullajanovich, U. T. (2021, December). Development of small business and private entrepreneurship in Uzbekistan. In *Conference Zone* (pp. 123-128).

ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ ИНФРАСТРУКТУРЫ

SOCIO-ECONOMIC ESSENCE OF INFRASTRUCTURE

Асатуллаева Шахноза Мухтаровна
Namangan muhandislik-qurilish instituti
Iqtisodiyot kafedrası katta o‘qituvchisi

Аннотация

Мақолада инфратузилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти очиб берилган. Инфратузилмалар фаолиятининг назарий талқинлари келтирилган. Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар тизими фаолияти очиб берилган.

Калит сўзлар: инфратузилма, ижтимоий инфратузилма, инфратузилмалар турлари, хизмат кўрсатиш тизими.

В статье раскрывается социально-экономическая природа инфраструктур. Представлены теоретические интерпретации инфраструктурной деятельности. Раскрыта деятельность системы инфраструктур, обслуживающих субъектов предпринимательства.

Ключевые слова: инфраструктура, социальная инфраструктура, виды инфраструктур, система обслуживания.

The article reveals the socio-economic nature of infrastructures. Theoretical interpretations of infrastructure activities are presented. The activities of the system of infrastructures serving business entities are disclosed.

Key words: infrastructure, social infrastructure, types of infrastructure, service system.

Инфратузилма жуда кенг қармовли тушунча бўлиб, бу энг аввало ишлаб чиқариш жараёнига ҳар тарафлама хизмат кўрсатадиган хизмат тураларини яратиш билан боғлиқ.

Ҳозирги замон иқтисодиёт фанлари тизимида инфратузилмалар масаласи алоҳида ўрин тутди. Хусусан, “инфратузилма” тушунчаси ғарб иқтисодий адабиётларида ўтган асрнинг 40-йиллари охирида юзага келди. Унинг иқтисодиётнинг мустақил тизими сифатидаги ўрнини ўрганишга зарурият, бир томондан, инфратузилмаларнинг замонавий меҳнат тақсмоти чуқурлашуви пировард натижаси сифатида шаклланганлиги, иккинчи томондан, бутун бир иқтисодиёт сингари инфратузилмалар ҳам фақат бозор механизмлари таъсир кучи билан ривожлана олмай, балки унга давлатнинг алоҳида эътибори талаб қилиниши билан шаклланди. Инфратузилмалар тизимида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш муносабатлари моҳияти мазкур тушунчага турлича таърифларни юзага келтирди. Яъни, инфратузилмалар тизимидаги ишлаб чиқариш – хизмат кўрсатишда моддий ишлаб чиқаришдан фарқли равишда ишлаб чиқариш билан истеъмол муносабатларининг бир пайтда амалга ошади. Шунингдек, тизимда яратилаётган қиймат тўғридан-тўғри товар маҳсулот ёки фойда кўринишида шакланмасдан, билвосита, айтилган моддий ишлаб чиқариш пировард маҳсулоти таркибида шаклланади. Инфратузилмаларнинг ижтимоий, маиший, бозор шаклларида эса бу жараён янада мураккаб “масофа”ни босиб ўтиб, уларнинг баъзиларида (ижтимоий ва маиший инфратузилмаларда) яратилаётган қиймат ишчи кучи такрор ишлаб чиқариши орқали, баъзиларида (бозор ва маиший инфратузилмаларда) эса ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари ва бозор механизмлари тизимида намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам инфратузилма тушунчасига таъриф берилганда айрим тадқиқотчилар уни товарлар шакли ва ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита алоқадор

бўлмаган, шунингдек, ишлаб чиқарувчига тўғридан-тўғри фойда (ёки даромад) келтирмайдиган “жамият сарф харажатлари” сифатида баҳоласалар, айрим тадқиқотчилар ишлаб чиқариш амалга оширилишини ва самарадорлигини таъминлашнинг зарурий характердаги шартлар (йўллар ва коммуникациялар тармоғи, транспорт воситалари ва қатнови, ер қурилиши ва бошқ.) мажмуаси, дея эътироф этадилар. Бу гуруҳ тадқиқотчилар фикрича, инфратузилмалар тизимининг самарали ташкил этилиши бозор хўжалиги шароитидаги корхоналар харажатларини қисқартириш, капитал ҳаракати жараёнини енгиллаштириш, жамият миқёсидаги талаб ва бандлик даражасини ошириш, шунингдек, фойда нормасини кўпайтириш имконини беради. Замонавий хорижий, хусусан, АҚШ ва Ғарбий Европа иқтисодий адабиётларида инфратузилмаларни тавсифлашда кўп ярусли ёндошув мавжуд. Жумладан, макроиқтисодиёт даражасида инфратузилмалар – бу фуқаролар ва корхоналар томонидан фойдаланиладиган ва одатда давлат томонидан ташкилланадиган капитал иншоотлар, тизимлардир. Бурларга автомагистраллар, кўприклар, шаҳар транспорт тизими, сув тожалаш иншоотлари, муниципал сув таъминоти тизимлари, вокзал ва аэропорт кабилар киради. Корхоналар ёки микродаражадаги инфратузилмалар эса маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида қатъий зарур ва шарт ҳисобланган, айна пайтда ўз кучи ва имконияти билан барпо этиш жуда ҳам қиммат бўлган, шунинг учун ҳам давлат ва бошқа ихтисослашган корхоналар томонидан ташкил этиладиган хизмат ва иншоотларни ўз ичига олади. Уларга сув таъминоти, электро-энергия, ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташиб чиқариш, юк қатнови, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкция ишлари, банк ва молия хизматлари ва бошқалар киритилади [1]. Худди ғарб иқтисодий тадқиқотчилик тизимида бўлгани каби, яқин хориж, жумладан, россиялик бир қатор олимлар илмий ишларида ҳам, қолаверса, миллий тадқиқотчиликда ҳам инфратузилмаларга ягона, умумий фикрдаги қараш мавжуд эмас. Жумладан, айрим россиялик олимларнинг фикрича, инфратузилмалар – бу ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг ёрдамчи, кўмаклашувчи тармоқларидир.

Рус олими И.Ф.Чернявский эса инфратузилмаларга тавсиф беришда бир мунча мураккаб позицияни қўллаиди ва мазкур соҳа “имиджи”га юқори баҳо беради. Унинг фикрича, “Инфратузилмалар бу йўллар, каналлар, сув иншоотлари, портлар, кўприклар, аэропорт ва вокзаллар, омбор ва электр таъминоти хўжаликлари, алоқа, сув таъминоти ва канализация, таълим, фан хўжалиги, соғлиқни сақлаш кабиларни барпо этиш, ташкиллаш, фаолиятини йўлга қўйиш орқали саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи халқ хўжалиги мустақил тармоқлари мажмуасидир” [3]

Бу каби таърифлар инфратузилмаларнинг унга берилган барча тавсифлар учун умумий бўлган моҳиятан асосий бош объектга хизмат кўрсатувчи ёрдамчи фаолият тури сифатидаги ролига асосланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инфратузилмаларга берилаётган тавсифларнинг хилма-хиллик кўп ҳолларда тадқиқ этилаётган объект ёки фаолият соҳасининг етакчилигини таъминлашга бўлган мойиллик таъсирига учрайди. Яъни, айрим тадқиқот ишларида моддий ишлаб чиқариш секторини ўрганилиш жараёнида уларда кечадиган муносабатлардаги инфратузилмаларнинг ўрни тадқиқ этилади ва бунда табиийки, инфратузилмалар тармоқоти (ёки кўмакчи) соҳа сифатида баҳоланади.

Айрим тадқиқотчилар эса гарчи инфратузилмаларнинг ўзини ёки унинг муайян бир йўналишини ўргансаларда, кўп ҳолларда уни ё қандайдир худуд, минтақа даражасига, ё иқтисодий давр ичига ёки муносабатлар тизими даражасига боғлайдилар. Бу эса яна юқорида таъкидланган ҳолатни, инфратузилмаларнинг давлат иқтисодий сиёсати эътибори қаратилган ёки иқтисодий муносабатлар амал қиладиган объект ёхуд шундай элементлардан бири сифатида баҳоланишига сабаб бўлади. Инфратузилмалар тизимидаги ишлаб чиқариш муносабатлари хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш кўринишида намоён бўлади. Шунга кўра, юқорида таъкидланганидек, хизмат кўрсатиш иқтисодий фаолиятнинг муҳим кўриниши ҳисобланиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш тушунчасидан фарқли ўлароқ, хизмат кўрсатишда сарфланаётган меҳнат ишлаб чиқариш жараёнининг ўзида тўғридан-тўғри сотилади. Бу ўз навбатида тизимда иқтисодий фаолиятни ташкил этишни бир мунча соддалаштиради ҳамда арзонлаштиради. Тизимда катта қийматдаги асосий ва айланма

маблағларга эҳтиёж сезилмайди. Хизмат кўрсатиш тушунчасини иқтисодий нуқтаи-назардан ифодалашда, ушбу фаолиятнинг натижасини товар сифатида тасаввур қиламиз. Хизмат кўрсатиш фаолияти натижасида истеъмолчиларнинг шахсий ва умумий эҳтиёжлари қондирилади. Аввало бу ерда эҳтиёжни қондириш деганда истеъмолчининг жисмоний, иқтисодий, маънавий ҳолатини ўзгартириш тушунилади, яъни, хизмат кўрсатиш фаолияти давомида ёки унинг натижасида ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг жисмоний ва маънавий ҳолатини, кайфиятини ўзгартиради.

Шу билан бирга, спорт билан шуғулланиш ҳамда физиологик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фаолият хизмат кўрсатишга кирмайди.

Чунки, бу иккала ҳолда асосий меҳнат истеъмолчининг ўзидан талаб қилинади. Бу иккала ҳол учун истеъмолчи ҳеч қандай қиймат сотиб олмайди, балки, ўз меҳнатини ўзи учун, ўзининг жисмоний баркамоллигини, нормал физиологик ҳолатини таъминлаш учун сарфлайди. Хизмат кўрсатиш тизими халқаро амалиётда қуйидагича таснифланади:

1. Коммунал хизматлар ва қурилиш;
2. Улгуржи ва чакана савдо, овқатланиш, ресторан ва меҳмонхона, туризм;
3. Ташиш, сақлаш, алоқа, молиявий воситачилик;
4. Мудофаа ҳамда мажбурий ижтимоий хизматлар;
5. Таълим, фан, соғлиқни сақлаш, жамоат ишлари ва бошқ.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш тизимининг ўзига хос мураккаблик томонлари ҳам мавжуд. Шунга кўра инфратузилмалар тизимларининг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- кўрсатилган хизмат турларининг ҳақиқий қийматини, баҳосини аниқлашнинг мураккаблиги. Бу айниқса, транспорт, омбор, реализация, юклаш-тушириш, ўраш ва бошқа ишлаб чиқаришга ёрдамчи тизимларда яққол кўринади. Уларда кўрсатилган меҳнат қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг пировард қиймати ёки баҳосида шаклланган бўлади.

- кўрсатилган хизматга мулкӣ эгалик алмашинуви жараёнининг мураккаблиги. Маълумки, ҳар қандай пулга айрибошланадиган товар ўз мулкӣ эгалигини ҳам алмаштира олади. Ёки бошқача қилиб айтганда, товар сотилиши жараёнида унинг эгаси ҳам алмашинади. Лекин, хизмат кўрсатиш фаолиятида бу жараённи кузатиш, ажратиш анча қийин кечади. Чунки, кўрсатилган хизмат моддий иқтисодий объект сифатида шаклланмайди. Қолаверса, юқорида таъкидланганидек, кўп ҳолларда сарфланаётган меҳнат шу жараённинг ўзида тўғридан-тўғри истеъмол қилинади. Шунинг учун ҳам, кўрсатилган хизматга мулкӣ эгалик асосий ишлаб чиқариш натижасида шаклланган маҳсулотга эгалик ҳуқуқи остида бир субъектдан иккинчи субъектга ўтади.

- хизмат кўрсатишда стандартлаш жараёнларини қўллаб бўлмаслиги. Хизмат кўрсатишнинг номоддий характерда эканлиги сабаб, ушбу фаолиятни стандартлаш, метрологик жараёнларни қўллаб бўлмайди. Албатта, меҳнатни нормалаштириш мумкин. Лекин, бу асосан меҳнат ва унга ҳақ тўлаш мақсадида амалга оширилади ва меҳнат унумдорлигини назарда тутлади.

Хизмат кўрсатиш тизимида таълим соҳасида давлат таълим стандартлари қўлланилади. Бу стандартлаш бевосита таълим бериш, ўқитиш жараёнини эмас, балки, пировардида тайёрланган кадрларнинг билим ва малака даражасини кўзда тутлади.

- сифатнинг доимий ўзгарувчанлиги. Маълумки, хизмат кўрсатиш фаолияти характерида кўп ҳолларда индивидуалликка мойиллик мавжуд. Бу эса бир жиҳатдан хизмат кўрсатиш сифатининг доимий ўзгарувчанликка асосланишига олиб келса, иккинчидан, хизмат кўрсатишда саноат каби автоматизация жараёнларини қўллашга имкон бермайди. Буни оддий маиший хизматдан то транспортгача кузатиш мумкин.

- кўрсатилаётган хизматларни сақлашнинг имкони йўқлиги. Бу жиҳат тўғри маънода яққол тушунарли, яъни, кўрсатилган хизматни фақат у кўрсатилаётган пайтдагина ҳисобга олиш мумкин. Қолаверса, масаланинг иккинчи жиҳати, яъни товар захирасининг мавжудлиги (албатта, чегараланган даражада) истеъмол бозорида фаолият кўрсатаётган корхона учун катта аҳамиятга эга.

Инфратузилма бўлинмалари ривожланиб боришидан кичик тадбиркорлик субъектлари катта манфаат кўради, негаки бундай бўлинмалар уларни ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлардан озод этиб, куч-ғайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади. Инфратузилма томонидан яратиладиган шароитларни ўз навбатида қуйидагича туркумлаш мумкин:

- Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи – моддий техника таъминоти ва тайёр маҳсулотни сотиш, ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш, бухгалтерия хизмати. Технологик, бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати ва бошқалар;

- Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитлари – ишчи ва хизматчиларнинг соғлиғини, таълим олиши ва касбий тайёргарлигини, дам олишларини кўллаб-қувватлаш.

Шу пайтга қадар инфратузилмани ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар йиғиндисидан иборат деб қараб келинган. Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизим кириб келиши билан ишлаб чиқариш инфратузилмаси кўлами кенгайиб, “бозор инфратузилмаси” ва “институционал инфратузилма” сўзлари истеъмолга кириб бормоқда.

Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади. Унинг таркибига юк транспорти, электр, газ ва сув таъминоти, омбор хўжалиги, алоқа, ахборот, моддий-техника таъминоти, маҳсулотни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш, техник хизмат кўрсатиш, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, молия-кредит ва инвестицион каби хизмат турлари киради.

Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва хизматчиларга нормал меҳнат фаолияти яратиш ва ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, шунингдек, тадбиркорларнинг турли маиший хизмат турларига бўлган талабини қондириш учун хизмат қилади. Институционал инфратузилма иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиқтисодий нисбатларини кўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи соҳалар фаолият турларини ўз ичига олади. Унга иқтисодиётни тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари ва бошқалар киради (1-чизма).



1-чизма. Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар тизими

Хулоса қилиб айтганда, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тартибга солиб ва қўллаб-қувватловчи бозор инфратузилмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Буни юқори даражада ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Умуман олганда, инфратузилмалар жамиятнинг ривожланишида зарур тизим ҳисобланиб, инсон фаолиятини ҳар томонлама мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Гукова А.В. Производственная инфраструктура в экономике региона. – М., “Экономика”, 2001. Стр.-235.
2. Макконнелл Кэмпбелл Р., Брю Стэнли Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 т.: Пер. с англ. 11-го изд. Т.2 – М., Республика, 1992. Стр.-400.
3. Набиев О. Хизмат кўрсатиш соҳаси. Иқтисоди ва ҳисобот журнали, 3-сон, 1995.
4. Арипов, О. А. (2017). Современные тенденции развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане. *British Journal for Social and Economic Research*, 2(5), 33-40.
5. Арипов, О. А. (2018). Основные компоненты формирования деловой среды и масштабные развития в экономике Узбекистан. In Региональные проблемы преобразования экономики: интеграционные процессы и механизмы формирования и социально-экономическая политика региона (pp. 121-123).
6. Арипов, О. А. (2019). Структурные элементы деловой среды и их влияния на функционирования субъектов малого бизнеса и предпринимательства. Региональные проблемы преобразования экономики, (8 (106)).
7. Арипов, О. А. (2015). Современное развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. *Молодой ученый*, (22), 332-334.
8. Арипов, О. А. (2017). Приоритетные направления развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане. *Российское предпринимательство*, 18(24).
9. Abdullayevich, A. O. (2021). Problems Of Agricultural Development In Uzbekistan. *Design Engineering*, 9724-9729.
10. Abdullayevich, A. O., & Abdullajanovich, U. T. (2021, December). Development of small business and private entrepreneurship in Uzbekistan. In *Conference Zone* (pp. 123-128).

**TA'LIMNI MODERNIZATSIYALASH SHAROITIDA IQTISODIY TA'LIM VA
TALABALARNING IQTISODIY KOMPETENTSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING
AHAMIYATI**

**ЗНАЧЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ
ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ В МОДЕРНИЗАЦИИ
ОБРАЗОВАНИЯ**

**THE IMPORTANCE OF ECONOMIC EDUCATION AND DEVELOPMENT OF
STUDENTS' ECONOMIC COMPETENCE IN EDUCATION MODERNIZATION**

Xodjiboyeva Iqbola Valiyena
Namangan muhandislik-qurilish instituti
Iqtisodiyot kafedrası katta o'qituvchisi

Annotatsiya

Maqolada mamlakatimizda ta'limni modernizatsiyalash sharoitida oliy ta'lim tizimida iqtisodiy ta'limning o'rni, maqsadi, vazifalari hamda jamiyatning iqtisodiy rivojlanishi va ijtimoiy taraqqiyotida talabalarning iqtisodiy kompetentsiyasini rivojlantirishning ahamiyati tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: iqtisodiy ta'lim, kompetentsiya, iqtisodiy taraqqiyot, kasbiy faoliyat, shaxsni rivojlantirish, iqtisodiy bilim, iqtisodiy kompetentsiya, ob'ektiv ehtiyoj, umumkasbiy kompetentsiya, innovatsion ta'lim.

В статье рассматриваются роль, цель и задачи экономического образования в условиях модернизации образования в нашей стране, а также значение развития экономической компетентности студентов в экономическом и социальном развитии общества.

Ключевые слова: экономическое образование, компетентность, экономическое развитие, профессиональная деятельность, развитие личности, экономические знания, экономическая компетентность, объективная потребность, инновационное образование.

The article discusses the role, purpose and objectives of economic education in the context of modernization of education in our country, as well as the importance of developing the economic competence of students in the economic and social development of society.

Key words: economic education, competence, economic development, professional activity, personal development, economic knowledge, economic competence, objective need, innovative education.

So'nggi yillarda O'zbekistonda amalga oshirilgan ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy-madaniy o'zgarishlar ta'lim tizimiga sezilarli ta'sir ko'rsatdi va uni isloh qilish zarurligiga olib keldi. Ta'kidlash joizki, demokratiyalashtirish jarayonlari ta'lim tizimining o'zgarishiga olib keladi, ta'limda an'anaviylikdan tashqariga chiqishda shaxs o'zgarishlarning ob'ektiv sub'ektiga aylanadi. Bu oliy ta'lim bitiruvchilarining o'z kasbiy faoliyatida global iqtisodiy tizimning shakllanishi sharoitida ekanligi bilan izohlanadi. Bu holat ulardan nafaqat o'z mamlakatida, balki jahonda ham dolzarb va talab bo'lgan raqobatbardosh bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishni taqozo etadi. Ta'limning vazifasi o'quvchilarning rivojlanishida shaxsiy qadriyatlar va maqsadlariga ega bo'lish uchun sharoit yaratishdir. Yangi sharoitda ta'limning haqiqiy natijalari - bu mutaxassisning o'zgaruvchan dunyo qiyofasini va o'zini bu dunyoning bir qismi sifatida his qila olishi, kutilmagan hodisalarga tayyorligi, innovatsion va investitsiya faoliyati bilan javob bera olish qobiliyatlarini rivojlantirishdir.

Oliy ta’lim tizimi ko‘p yillar davomida deyarli o‘zgarishsiz qoldi. Ammo, ijtimoiy ehtiyojlar ta’lim tizimidagi o‘zgarishlarni talab qildi, ya’ni ta’limni insonparvarlashtirishga yo‘naltirishga, shaxsning ijodiy salohiyatini rivojlantirishga, bozor munosabatlari ishtirokchisining iqtisodiy kompetentsiyasini rivojlantirishga e’tiborni qaratdi. Bugungi kunda oliy ta’lim oldiga yangi vazifa qo‘yilmoqda - o‘quvchiga faqat dunyo va uning qonuniyatlari haqida bilim berish emas, balki oqilona iqtisodiy faoliyatga tayyorlash hamdir. Ko‘rinib turibdiki, ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning hal qiluvchi omili to‘plangan umumiy shaxsiy salohiyat bo‘lib, bu shaxsning hayotda muvaffaqiyatga erishishini va natijada yuqori ijtimoiy va moddiy mavqega ega bo‘lishini ta’minlaydi. Yangi ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlar professional iqtisodiy faoliyatni samarali amalga oshirishga qodir bo‘lgan mutaxassislarni tayyorlash muammosini dolzarblashtirmoqda.

Fan, ta’lim va iqtisodiyot integratsiyasi O‘zbekistonning innovatsion rivojlanishini ta’minlashning eng muhim yo‘nalishlaridan biridir. Mamlakatimiz rivojlanishining hozirgi bosqichida ta’limning roli davlatni bozor iqtisodiyotiga o‘tishi, demokratik va huquqiy davlatga aylanishi, mamlakatning iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishdagi global tendentsiyalardan orqada qolish xavfini bartaraf etish zarurati bilan belgilanadi. Zamonaviy dunyoda jamiyat va iqtisodiyotning yangi sifatini shakllantirishning eng muhim omili sifatida ta’limning ahamiyati inson kapitali ta’sirining kuchayishi bilan birga ortib bormoqda.

Iqtisodiyotning etakchi tarmoqlarini va yuqori texnologiyali ishlab chiqarishni zamonaviy ilmiy texnologiyalar, yangiliklar va innovatsiyalar bilan ta’minlamasdan mamlakatning yanada gullab-yashnashini tasavvur qilib bo‘lmaydi. Bu esa mamlakatning milliy innovatsion tizimining yirik tarkibiy qismiga aylana oladigan oliy ta’lim muassasalari, ilmiy tashkilotlar, korxonalar va manfaatdor moliyaviy tuzilmalarni birlashtiradigan innovatsion ta’lim konsorsiumlarini yaratish vazifasini qo‘ymoqda. Ilm-fanni rivojlantirish, yangi samarali texnologiyalar, innovatsion mexanizmlarni qo‘llash, kadrlar malakasini doimiy ravishda oshirish, xalqaro mehnat taqsimoti imkoniyatlaridan foydalanish va jahon bozorlarida bir necha turdagi tovarlar va xizmatlar bilan yetakchi o‘rinlarni ta’minlash hisobiga xalqning hayot sifatini oshirish orqali milliy raqobatbardoshlikni o‘stirish - O‘zbekistonning ilmiy-texnik va iqtisodiy siyosatining asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi.

Global o‘zgarishlar O‘zbekistonning umumiy va oliy ta’limning barcha jabxalarida sodir bo‘layotganligi davlatimizning ta’lim tizimiga doir qaror va farmoyishlarda aks etmoqda. Yaqin o‘n yilliklarda jahondagi har qanday davlatning raqobatbardoshligi dunyo global bilimlar iqtisodiyotiga integratsiyalashuv qobiliyati bilan belgilanadi.

Talabalar ta’limini rivojlantirishning optimal yo‘llarini izlash olimlar, yani o‘qituvchilar, psixologlar, sotsiologlar, iqtisodchilar e’tiborini tortmoqda, bu esa zamonaviy sharoitda, bir tomondan, ishlab chiqarish va jamiyat iste’molchilarini malakali kadrlar bilan qondirish, ikkinchi tomondan, o‘zining ta’lim traektoriyasini shakllantirishda shaxsning ehtiyojlarini qondirish bilan izohlanadi. Shuni ta’kidlash joizki, mamlakatda bir necha o‘n yillar davomida olib borilgan kadrlar tayyorlash tizimi huquqiy-taqsimlash tamoyillariga asoslanib, bozor munosabatlari rivojlanishi sharoitida o‘z vazifalarini yetarlicha samarali bajara olish imkoniyatiga ega emas edi. Oliy ta’lim tizimini hayot voqeligini hisobga olgan holda uni maqsadga muvofiq qayta qurishni ta’minlash uchun yangi yondashuvlar zarur va bu uni yangi pozitsiyalardan tushunishni taqozo etdi. Bugungi kunda O‘zbekiston ta’lim tizimini qayta tiklashda malakali kadrlarning yangi avlodini shakllantirish hal qiluvchi rol o‘ynashi kerak. Uning oldingi muvaffaqiyatlari butun dunyoda tan olingan bo‘lsada, bugungi kunda, bir necha ijobiy o‘zgarishlarga qaramay, ta’lim sohasidagi ishlarning ahvoli ko‘p narsani talab qilmoqda.

Jamiyat asoslarini o‘zgartirish mafkuraviy munosabatlarni, iqtisodiy tashkil etish tamoyillarini va uning infratuzilmasini qayta qurishga olib keladi. Bu esa shakllanayotgan mehnat bozori va ta’lim xizmatlari bozori sharoitida ish beruvchi va ta’lim muassasalari o‘rtasida yuzaga keladigan muammolarga to‘liq taalluqlidir. Zamonaviy jamiyat taraqqiyotining asosiy manbai jamiyat barqarorligi va taraqqiyotini ta’minlovchi “inson kapitali”dir. Bozor sharoitida ijtimoiy taraqqiyotning kuchli omili mutaxassislarning kasbiy kompetentligi va raqobatbardoshligining yuqori darajasidir. Kasbda o‘zini eng yuqori darajada anglashga qodir bo‘lgan shaxs g‘olib

hisoblanadi, har qanday sohada kasbiy muvaffaqiyat bevosita ta’lim tizimining raqobatbardoshligiga bog‘liq. Tez o‘zgarayotgan dunyoda mustaqil qaror qabul qilishga qodir mobil, yuqori malakali, raqobatbardosh mutaxassislarga bo‘lgan ehtiyoj inson va ta’lim muassasalari oldiga alohida talablar qo‘yadi.

Zamonaviy jamiyatda oliy ta’limning muhim tarkibiy qismlaridan biri, bizningcha, iqtisodiy ta’limdir. O‘zbekistonning "Ta’lim to‘g‘risida" gi qonuni iqtisodiy ta’limni jamiyatning iqtisodiy rivojlanishi va ijtimoiy taraqqiyot omillaridan biri sifatida qarab, yosh avlodni ijtimoiy rivojlanish ehtiyojlariga mohirona javob berishga va uni bozor munosabatlarining yangi shartlariga moslashtirish maqsadini belgilaydi. Agar sovet davrida ishlab chiqarishda ham, ijtimoiy sohada ham iqtisodiy muammolar markazda hal etilib, ish haqini tenglashtirish tizimi amalda bo‘lgan bo‘lsa, endi har birimizning moddiy farovonligimiz ko‘p jihatdan o‘zimizning mehnat intensivligimiz va samaradorligimizga bog‘liq. Bugungi kunda xar bir shaxs bozor mexanizmlari asoslarini tushunishi lozim, chunki bunday tushunchasiz va bu mexanizmlarga yo‘naltirilmasdan, u yutishdan ko‘ra ko‘proq yutqazadi. Shu sababli talabalarining yangi iqtisodiy pozitsiyasini va shunga mos ravishda zamonaviy davr talabiga mos iqtisodiy, yangicha fikrlash uslubi shakllantirish zaruriyati paydo bo‘ladi. Bozor munosabatlariga o‘tish sharoitida iqtisodiy bilimlarga bo‘lgan ehtiyoj yaqqol ko‘zga tashlanadi. Shu munosabat bilan biz iqtisodiy ta’limni global shaxs ta’limining tarkibiy qism va zamonaviy ta’limning ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida ko‘rib chiqishga haqlimiz.

Kasbiy ta’limdagi o‘quv jarayonining maqsad va vazifalari mazmunini hamda bozor munosabatlarini hisobga olgan holda talabalarining yakka va umumiy ta’lim olishini qayta ko‘rib chiqish, ushbu tushunchani anglashda umumiy yondashuvni ajratib ko‘rsatishga imkon beradi. Shunda biz bozor sharoitida iqtisodiy ta’lim talabalar va oliy o‘quv yurtlari bitiruvchilarining jamiyatning iqtisodiy tizimiga integratsiyalashuviga imkon berishidan kelib chiqamiz. Shunday qilib, iqtisodiy ta’lim kasbiy ta’lim tizimining bir qismidir.

Talabalarga iqtisodiy ta’lim berishning asosiy maqsadi quyidagilarni shakllantirishdan iborat:

- iqtisodiy bilimlardan kelib chiqadigan va jamiyatni konsolidatsiyaga (birlashuviga) olib keladigan yo‘nalishlar va munosabatlar;
- har xil iqtisodiy faoliyat turlari va iqtisodiy institutlar bilan aloqada bo‘lgan har bir shaxsning xarakatini yo‘naltirish va manfaatlarini himoya qilish uchun etarli bo‘lgan kompetentsiyalar;
- hodisalarni, hokimiyat va iqtisodiy sub’ektlarining xatti-harakatlarini adekvat baholash imkonini beradigan o‘z tasavvurlari va munosabatlari.

Islohotlarning boshlanishi va jamiyat hayotining barcha jabhalarini keng demokratlashtirish munosabati bilan 1990-yillarning boshlarida yoshlarga iqtisodiy ta’lim berish sohasidagi tadqiqotlar sezilarli darajada faollashdi. Zamonaviy sharoitda yoshlarga iqtisodiy bilim berish muhimligini olimlar bir necha bor ta’kidlab o‘tganlar. Ularning fikriga ko‘ra, bugungi kunda ta’lim muassasalari tomonidan bajarilayotgan jamiyatning ijtimoiy buyurtmasi - bu bitiruvchilarning bozor munosabatlariga muvaffaqiyatli moslashishiga yordam bera oladigan tubdan yangi iqtisodiy fikrlash tarziga ega va o‘zlarining hayotiy imkoniyatlaridan maksimal darajada samarali foydalana oladigan avlodni tayyorlashga qaratilgan. Mamlakatda bozor munosabatlarining rivojlanishi ta’lim sohasida, jumladan, iqtisodiy ta’lim va tarbiya sohasida islohotlarning yuzaga kelishiga olib keldi. Ta’limning eski ma’muriy-buyruqbozlik tizimidan voz kechilganidan beri ta’lim siyosatining turi va xarakterini o‘zgartirish, uning yangi asoslarini shakllantirish boshlandi. 1990-yillardagi ta’lim islohotining eng muhim yo‘nalishlari doirasida - insonparvarlashtirish va demokratlashtirish, uzluksiz iqtisodiy ta’limning markaziy g‘oyasi - bu insonning butun hayoti davomida faoliyat sub’ekti sifatida doimiy rivojlanishi, uning yangi iqtisodiy sharoitlarni o‘zlashtirishi, hozirgi va kelajakdagi hayotiyligini oshirishdir.

Xorijda tahsil olayotgan talabalarni iqtisodiy ta’lim olish amaliyotini ko‘rib chiqish shuni ko‘rsatdiki, iqtisodiy ta’lim yoshlarga iqtisodiy jarayonlarga tez moslashish imkoniyatini beradi hamda mamlakatning doimiy rivojlanishi va biznesni takomillashtirishning asosiy shartlaridan biri hisoblanadi.

Turli o‘quv yurtlarida iqtisodiy ta’lim muammolariga bag‘ishlangan ilmiy-tadqiqot materiallarida so‘nggi yillarda o‘quvchilarning iqtisodiy tayyorgarligini chuqurlashtirish va takomillashtirish bo‘yicha salmoqli ishlar amalga oshirilganigi ko‘rsatilmoqda. Biroq, yosh avlodni iqtisodiy tarbiyalash zarurligini anglab etilishiga qaramay, jamiyatda hali ham isrofgarchilik, iqtisodiy samarani to‘g‘ri hisoblay olmaslik, iqtisodiy faoliyatning asosiy bo‘g‘inlarini anglay olmaslik, ishlab chiqarishni samarali tashkil eta olmaslik holatlari kuzatilmoqda. Bu muammolarni xal qilishda esa iqtisodiy ta’limni rivojlantirish alohida ahamiyat kasb etadi.

Tajriba shuni ko‘rsatadiki, iqtisodiy ta’lim iqtisodiy bilimdan ko‘ra kengroqdir. Iqtisodiy ta’lim o‘z mohiyatiga mos bo‘lib, shaxsning xarakterini, shaxsiyatini, uning qobiliyatlarini, ko‘nikmalarini rivojlantirishga, iqtisodiy bilimlarni shakllantirishga, zamonaviy tafakkur va xatti-harakatlar qiyofasini shakllantirishga, bozor iqtisodiyoti sharoitida ijtimoiy hayot uchun zarur bo‘lgan amaliy ko‘nikmalarni xosil qilishga qaratilgan. Iqtisodiy ta’lim va tarbiyaning uzviy uyg‘unlashuvi bilan iqtisodiy tafakkur va ongning tegishli ijtimoiy-psixologik sifatlarga hamda iqtisodiy faoliyatning amaliy ko‘nikmalariga o‘tishi sodir bo‘ladi, shu bilan birga iqtisodiy xulq-atvor madaniyati darajasi oshadi.

Iqtisodiy ta’limsiz iqtisodiy rivojlanishning erishilgan darajasini saqlab qolish va uni yanada takomillashtirish mumkin emas. Bu muammo ta’lim jarayonida hal qilinadi, uning vazifasi insonni iqtisodiyot normalari va qadriyatlari bilan tanishtirish, iqtisodiy fikrlash va faoliyat uslubini rivojlantirishdir. Boshqa ta’lim turlari kabi, iqtisodiy ta’lim jamiyatning iqtisodiy barqarorligi va iqtisodiy taraqqiyotini ta’minlashga qaratilgan. Uni amalga oshirish oliy ta’lim bitiruvchilarini turli ijtimoiy rollarga tayyorlash va iqtisodiyot bilan bog‘liq muayyan ijtimoiy lavozimlarni egallash bilan bog‘liq. Ushbu bosqichdagi iqtisodiy ta’limning xususiyatlari mamlakatimiz iqtisodiyotining hozirgi holati bilan bog‘liq va quyidagilar bilan tavsiflanadi:

- jamiyatning iqtisodiy bilimlarga va yangi iqtisodiy tafakkur madaniyatiga ega mutaxassislarga ehtiyoji ortib bormoqda;
- bozor iqtisodiyotiga o‘tish munosabati bilan, jamiyatning kasbiy madaniyatida hali “ildizlari” bo‘lmagan ko‘plab yangi kasblar paydo bo‘lmoqda;
- yangilanayotgan O‘zbekistonning zamonaviy hayotida iqtisodiy bilimlarning roli tubdan oshib bormoqda.

Iqtisodiy ta’limning vazifalari:

- 1) jamiyatda iqtisodiy munosabatlardagi madaniyatni keng targ‘ib etish;
- 2) yosh avlodda mazkur jamiyatda iqtisodiy rivojlanishning ma’lum darajasini belgilovchi hayotiy ideallarni va iqtisodiy munosabatlarni rivojlantirish;
- 3) iqtisodiy faoliyat bilan bog‘liq ijtimoiy rolni faol va samarali bajarishga tayyorgarlik sifatida “ijtimoiy tanlov”.

Iqtisodiy ta’lim sohasida o‘quv jarayonini amalga oshirishda yangi, bozor va demokratik uslub quyidagi xususiyatlar bilan tavsiflanadi:

- 1) iqtisodiy bilimlarni berishning rasmiy jarayoni o‘qituvchi va talaba tomonidan birgalikda muhokama qilinadigan aniq muammolarni hal qilish bilan almashtiriladi;
- 2) beriladigan bilimlarning mohiyati passiv yodlash emas, balki turli xil va aniq ma’lumotlarni o‘zlashtirishdan iborat;
- 3) o‘qituvchi va talaba o‘rtasidagi muloqot shakli o‘qitish emas, balki o‘zaro ma’lumot almashish bo‘lib qoladi, bu talabalarning mustaqil ta’lim olishidagi rolining oshishiga olib keladi;
- 4) ta’lim jarayonining tashabbuskori va yetakchisi – talaba;
- 5) ta’lim jarayonining ishtirokchilari o‘rtasidagi munosabatlar bu - hamkorlik;
- 6) ta’lim beruvchi rolida faqat professional o‘qituvchi emas, balki iqtisodiy ma’lumotlarning har qanday tashuvchisi ham bo‘lishi mumkin.

Oliy o‘quv yurtlari talabalarining iqtisodiy ta’limi sifatini oshirish uchun, bizning fikrimizcha, o‘quv fanlari o‘rtasidagi fanlararo aloqalar keng doirada bo‘lishi lozim (ham vertikal va ham gorizontal). Talabalar uchun iqtisodiy ta’limning integrativ xarakteriga quyidagi o‘zaro bog‘liq fanlar kirishi mumkin: mantiq; boshqaruv psixologiyasi va sotsiologiyasi; statistika; xalqaro raqobat; iqtisodiy boshqaruv; tizimli yondashuv va uni qo‘llash qoidalari; menejmentning ilmiy

asoslari; strategik marketing; tahlil qilish usullari; bashorat qilish usullari; boshqaruv qarorlarini ishlab chiqish; xodimlarni boshqarish; sifat nazorati; moliyaviy menejment.

Shunday qilib, “iqtisodiy ta’lim”ga iqtisodiy bilim va ko’nikmalarni o’zlashtirish, shaxsning iqtisodiy ahamiyatga ega bo’lgan fazilatlarini, iqtisodiy fikrlash va xulq-atvorini shakllantirish, ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarga kirishish jarayoni va natijasi sifatida ta’rif berish, uni iqtisodiy tafakkurni rivojlantirishga yordam beruvchi va samarali iqtisodiy faoliyat yuritishning sharti ekanligini hisobga olgan holda, iqtisodiy ta’lim talabaning iqtisodiy tarbiyalashning va iqtisodiy kompetentsiyani shakllantirishning asosi degan xulosaga kelish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.Mirziyoevning “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi” to‘g‘risidagi farmoni 08.10.2019.
2. N.Muslimov, M.Usmonboyeva, D.Sayfurov, A.To‘rayev “Pedagogik kompetentlik va kreativlik asoslari”.-Toshkent, 2015.
3. I.V.Xodjiboyeva “Talabalarni mutaxassislikka tayyorlashda iqtisodiy kompetentsiyasining ahamiyati”. Xorazm Ma’mun akademiyasi axborotnomasi. 2023-11/3.

UDK:336.011

XARAJATLARNI HISOBGA OLIISH VA TAHLIL QILISH BUDJETLASHTIRISHNING ASOSI SIFATIDA

Namangan muhandislik-qurilish instituti

УЧЕТ И АНАЛИЗ ЗАТРАТ КАК ОСНОВА БЮДЖЕТИРОВАНИЯ

Наманганский инженерно-строительный институт

ACCOUNTING AND ANALYSIS OF COSTS AS A BASIS OF BUDGETING

Namangan Institute of Engineering and Construction

stajyor o‘qituvchisi Isomuxamedov Akbarjon Boxodir o‘g‘li

Annotatsiya

Maqolada “Budjet” atamasi hamda kichik biznes sub’yektlarida budjetlashtirishni tashkil etish maqsadlarida xarajatlarni hisobga masalalari ilmiy tahlil etilgan.

Kalit so‘zlar: budjet, budjetlashtirish, budjet tuzish uslubi, bosh budjet, rejalashtirish, muvofiqlashtirish, rag‘batlantirish, nazorat, baholash, malakani oshirish.

В статье научно проанализирован учет и анализ затрат в целях организации бюджетирования в субъектах малого бизнеса.

Ключевые слова: бюджет, бюджетирование, методика бюджетирования, главный бюджет, планирование, координация, стимулирование, контроль, оценка, повышение квалификации.

The article scientifically analyzes cost accounting and analysis for the purpose of organizing budgeting in small businesses.

Key words: budget, budgeting, budgeting methodology, main budget, planning, coordination, stimulation, control, evaluation, advanced training.

“Budjet” atamasi iqtisodiy hayotda eng avvalo davlatning moliyaviy faoliyatiga nisbatan qo‘llanadi, ya’ni mamlakat miqyosida iqtisodiy siyosatni ishlab chiqish, yalpi ichki mahsulotning qiymatini taqsimlash va qayta taqsimlash natijasida hukumat ixtiyorida markazlashgan pul

fondlarining, korxonalar ixtiyorida esa markazlashmagan pul fondlarining shakllanishi va ulardan oqilona foydalanishni anglatadi. Shu bilan birga mikroiqtisodiy darajadagi “budjet” atamasi torroq ma’noda qo’llanadi. Bu o’rinda “budjetlashtirish” korxonaning xo’jalik faoliyatini doimiy asosga qo’yilgan kompleks moliyaviy-iqtisodiy rejalashtirish, nazorat va tahlil qilish tizimini ifodalaydi.

Ma’lumki, budjetlashtirish o’z ichiga rejalashtirish bilan birga me’yorlashtirish va prognozlashtirishni ham qamrab oladi. Shu jihatdan budjetlashtirish muayyan tartibda bajariladigan amallarni o’z ichiga oladi. Tadqiqotchi S.A.Sidorovning fikriga ko’ra «asosiy budjetning barcha parametrlarini hisob-kitob qilish uchun asos sifatida, nafaqat marketing tadqiqotlari va sotish budjeti olinishi kerak, balki budjetlashtirish stsenariysi tayyorlanishi lozim» [1]. Stsenariy esa ma’lum maqsadli va samarali xatti-harakatlarni amalga oshirish uchun tayyorlangan uslubiy ko’rsatmadir. Stsenariy budjetlashtirish uchun zarur bo’lgan buxgalteriya hisobi ma’lumotlariga, asosiy shart-sharoitlarga, me’yorlar mezonlar va omillarga tayanadi.

Budjetlashtirishda boshlang’ich nuqtani tanlab olish haqida turli fikrlar mavjud. A. A. Abdug’aniev ushbu masalaga to’xtalib, «budjetlar tuzishni daromad va foydadan emas, balki xarajatlar va mahsulot hajmidan boshlashni tavsiya etamiz» [2], - deb yozgan. Professor M. Vaxrushina esa, «operatsion budjetlarni tuzish ketma-ketligi korxonalar faoliyatini cheklovchi omillarga bog’liq bo’ladi. Masalan, korxonada asosiy cheklovchi omil bozor sig’imi bo’lsa, budjetlar tuzishni sotish budjetidan, ishlab chiqarish quvvatlarining etishmasligi bo’lsa, ishlab chiqarish budjetidan, xomashyo va materiallar tanqisligi bo’lsa, ta’minot budjetidan boshlash maqsadga muvofiq bo’ladi» [3], deb hisoblaydi.

Bizning fikrimizcha, budjetlashtirishni daromad va xarajatlar budjetini tuzishdan boshlash kerak. Chunki bunday yondashishda budjet nafaqat biznesdan ko’zda tutilayotgan rentabellikni (korxona va tarkibiy bo’linmalar miqyosida) aks ettiradi, balki xarajatlar tarkibini ham yaqqol ko’rsatib beradi.

Mavzuga oid tadqiqotlarni o’rganish asosida iqtisodchilar fikrlarini budjetlarni tuzish uslubiyotiga ko’ra, ikki toifaga ajratish mumkin:

1) budjet tuzishni korxonaning tarkibiy tuzilmalari bo’yicha amalga oshirish tarafdorlari (E.Koba va boshqalar) [4];

2) budjet tuzishni faoliyat turlari bo’yicha amalga oshirish lozimligini qo’llab-quvvatlovchi olimlar (K.Shiborsh, A.Sheremet [5] va boshqalar).

Ma’lumki, budjetlashtirish jarayonining yakuniy natijasi korxonaning bosh budjetida o’z ifodasini topadi. Bosh budjetning mohiyati haqida professor B. Xasanov shunday ta’kidlaydi: «Bosh budjet korxona rahbarlari uchun o’ta muhim bo’lib, rejalashtirilgan hisobot davrida ular oldida turgan maqsad va vazifalarni aniq belgilash va ishlab chiqarish dasturi bajarilishi, daromadlar va xarajatlarning shakllanish jarayoni, hisob-kitoblar holatini kuzatib borishga imkon beradi» [6].

Bosh budjetning tarkibiy tuzilishi haqida ham turli fikrlar mavjud. Bu bosh budjetni shakllantirishning nazariy va amaliy masalalari iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida, shu jumlada kichik biznes korxonalarida etarli darajada chuqur tadqiq etilmagan sabablidir va mazkur masala iqtisodchi olimlar o’rtasida bahs-munozara mavzusiga aylangan. Chunonchi, professor A. Pardaev bosh budjetni 2 ga: tezkor (operativ) va moliyaviy budjetlarga bo’lgan [7], professor B. Xasanov bosh budjetni 3 ga: operatsion, moliyaviy va investitsiya budjetlariga ajratgan [8], rossiyalik olimlar A.D. Sheremet, S.A. Rasskazova-Nikolaeva, S.V. Shebek, E.A.Nikolaevlar operatsion va moliyaviy budjetlarga ajratgan [9] va hokazo.

Fikrimizcha, bosh budjet korxonaning turli rejalarini bog’lovchi bo’g’in bo’lganligi uchun u belgilangan maqsadlarga erishish uchun zarur bo’lgan mazkur rejalarining mazmunini umumlashgan holda moliyaviy va miqdoriy ifodalanishini bildiradi va barcha bo’linmalarining faoliyatini muvofiqlashtiradi. Demak, korxonalarda bosh budjetning operatsion, investitsion (innovatsion), maxsus va yig’ma budjetlardan tashkil topishi maqsadga muvofiq bo’ladi. Ayni paytda har bir korxonaning o’ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda bosh budjetni tuzish texnologiyasi ishlab chiqilishi lozim.

Budjetlashtirishni korxonaning ma’lum davrga mo’ljallangan moliyaviy-xo’jalik faoliyatini rejalashtirish deb hisoblash ham mumkin. Chunki budjetlashtirishning afzalligi korxona moddiy, mehnat va moliyaviy resurslarini uzoq, qisqa va o’rta muddatli rejalashtirish, raqobatchilarning xatti-harakati, ishlab chiqarilgan mahsulotlarga bo’lgan bozor talablarini o’rganishda o’z ifodasini topadi. Budjetlashtirish orqali xarajatlar yo’nalishlari va hajmlari moliyaviy-iqtisodiy resurslar bilan balanslashtiriladi. Shu bilan birga unda asosiy e’tibor mahsulot, ish va xizmatlarni sotishdan olinadigan daromad (foyda) hajmini taxminlashga qaratiladi. Rivojlangan mamlakatlar boshqaruv hisobida budjetlashtirish orqali rejalashtirish mustahkam o’rin egallagan.

Fikrimizcha, budjetlashtirishning quyidagi ijobiy jihatlari mavjud:

- korxonaning asosiy maqsadini ta’minlashda xizmat qiladigan jarayonlar rejalashtiriladi;
- alohida bo’linmalar faoliyatini muvofiqlashtiriladi;
- korxona bo’linmalari rahbarlarini o’z vazifalarini samarali amalga oshirishlari uchun axborot bazasi yaratiladi;
- korxona xodimlarini ichki tartib-qoidalarga rioya qilishlari ta’minlanadi;
- korxona alohida bo’linmalari tomonidan belgilangan rejalarning bajarilish darajasini ob’ektiv baholash uchun asos mavjud bo’ladi.

Budjetlashtirishga tayangan holda quyidagi vazifalarni amalga oshirish mumkin bo’ladi:

- korxonaning maqsadlariga erishilishini ta’minlovchi xo’jalik muomalalarini rejalashtirish;
- barcha darajadagi rahbarlarni o’zlari javobgar markazlar maqsadiga erishishlarida rag’batlantirish;

– turli xil bo’linmalar faoliyatini muvofiqlashtirish. Bunda bo’linmalar xodimlarining manfaatlari e’tiborga olinadi;

- korxona joriy faoliyatini nazorat qilish, belgilangan tartib-qoidalarga amal qilinishini ta’minlash;
- javobgarlik markazlari va ular menejerlari oldiga qo’yilgan rejalarning bajarilishini baholashda asos vazifasini o’tash;
- boshqaruvchi xodimlar malakasini oshirishda ko’maklashish.

Budjetlashtirish jarayonining mazmuni quyidagi vazifalar ijro etilishiga qaratiladi.

Rejalashtirish. Ko’pchilik hollarda, boshqaruv qarorlari bo’yicha rejalar ishlab chiqarish dasturini tayyorlash jarayonida shakllantiriladi va budjetlarni tuzishda mazmunan aniqlashtiriladi.

Muvofiqlashtirish. Korxonaning har bir javobgarlik markazi boshqa javobgarlik markazlari ish jarayoniga ta’sir etadi va ularning faoliyatiga bog’liq bo’ladi. Budjetlarni tayyorlashda alohida faoliyat turlari o’zaro muvofiqlashtiriladi, bunda barcha bo’linmalar kelishuv asosida, korxona umumiy maqsadidan kelib chiqib faoliyat ko’rsatadi. Bu holatda ishlab chiqarish rejasini marketing bo’limi rejasi bilan muvofiqlashtirish, jumladan, ishlab chiqariladigan mahsulotlar miqdorini rejalashtirilgan sotish hajmi va tayyor mahsulotlar qoldig’i bilan taqqoslash asosiy talablardan hisoblanadi. Xomashyo va materiallarni sotib olishni rejalashtirishda ishlab chiqarish budjetida ifodalangan mahsulot ishlab chiqarishga bo’lgan talab tahlil qilinadi. Ishlab chiqilgan rejalar barcha qatnashchilar ularning shartla-ri bilan to’liq tanishib olmaguncha amalga oshirilmasligi lozim. Rejalar quyidagi bo’limlardan iborat bo’ladi:

- qancha mahsulot (tovar, ish va xizmatlar) ishlab chiqariladi;
- ishlab chiqarishda qatnashadigan xodimlar, foydalaniladi-gan usullar va asbob-uskunalar to’g’risida ma’lumotlar;
- qancha xomashyo va materiallar sotib olinadi;
- sotish bahosi qanday belgilanadi, kelgusida qanday cheklov-larga rioya qilinadi va h. k.

Ushbu ma’lumotlar reklama, texnik xizmat ko’rsatish, ma’mu-riy va mehnatga haq to’lash xarajatlarini rejalashtirish hamda mahsulot sifatini samarali boshqarishga imkon beradi.

Rag’batlantirish. Budjetlarni tuzish jarayoni javobgarlik markazlari rahbarlari maqsadini amalga oshirishda muhim rag’batlantirish vositasi bo’lishi mumkin. Budjetlarning rag’batlantirish

roli ko‘proq menejerlarni o‘z bo‘linmalarida budjetlarni tuzish jarayonida faol qatnashishlarida namoyon bo‘ladi.

Nazorat. Puxta tayyorlangan budjetlar haqiqiy erishilgan ko‘rsatkichlarni tahlil qilishda muhim manba hisoblanadi, shuningdek, ular budjetlarni tuzish jarayonida kutilgan barcha o‘zgarishlar natijalarini baholashni o‘z ichiga oladi. Hozirgacha korxonalar amaliyotida joriy natijalar o‘tgan yil natijalari bilan taqqoslanib kelingan. Ko‘pgina korxonalar ayni paytda ham taqqoslashning asosiy vositasi sifatida ushbu usuldan foydalanmoqda. Ammo, bu tarixiy usul joriy yil uchun rejalashtirilgan rivojlantirish dasturidagi o‘zgarishlarni aks ettirmaydi. Haqiqiy ko‘rsatkichlarni budjet ma‘lumotlari bilan taqqoslash boshqaruv faoliyatida asosiy e‘tiborni qaysi jihatlariga qaratish zarurligini belgilab beradi.

Haqiqiy erishilgan natijalar bilan budjet ma‘lumotlari o‘rtasidagi chetlanishlar tahlili quyidagi afzalliklarga ega:

- korxona faoliyatidagi eng avval hal qilinishi lozim bo‘lgan muammoli jihatlarni aniqlashga ko‘maklashadi;
- budjetlarni tuzish jarayonida o‘rganilmagan yangi imkoniyatlarni yuzaga chiqarishga yordamlashadi
- bosh budjetdagi mavjud nomuvofiqliklarni ochib beradi

Baholash. Har oyda budjetlardagi chetlanishlarni aniqlash butun hisobot davri uchun nazorat maqsadlariga xizmat qiladi. Hisobot davri haqiqiy natijalari bilan budjet ma‘lumotlarini taqqoslash yil oxirida javobgarlik markazlari va ular rahbarlari faoliyatiga ta‘sir etuvchi asosiy omillarni baholash imkonini beradi.

Malakani oshirish. Budjetlar menejerlarning malakasini oshirishda ham ijobiy samara beradi ya‘ni menejerlar budjetlarni tuzishda o‘z bo‘linmalari faoliyati to‘g‘risidagi batafsil ma‘lumotlarga, shuningdek, javobgarlik markazlari o‘rtasidagi iqtisodiy munosabatlarni chuqur tahlil qilish imkoniyatiga ega bo‘lishlari mumkin. Bu esa korxona javobgar markazlariga ma‘sul shaxslarni tayinlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Kichik biznesda hisob siyosatini ishlab chiqishda boshqaruv hisobi doirasidagi masalalarga alohida e‘tibor qaratish zarur. Chunki busiz korxona menejmentini erkin iqtisodiyot muhiti talab etayotgan darajaga ko‘tarib bo‘lmaydi. Zamonaviy korxona faoliyati puxta va uzluksiz olib boriladigan budjetlashtirishga asoslanadi. Tannarx hisobini yuritishda standart-kostingga tayanish zarur bo‘lib bormoqda. Korxona menejmentida mahsulotlar turlari yoki mas‘uliyat markazlari bo‘yicha xarajatlar me‘yorlarini oqilona belgilash hamda me‘yorlarga rioya etilishi ustidan muntazam nazorat olib borilishini ta‘minlash, ishlab chiqarish hajmi-xarajatlar-foyda tahlilini olib borish o‘ta muhim o‘rin egallamoqda. Mazkur vazifalar ijro etilishining axborot bazasini boshqaruv hisobini yuritish orqali ta‘min etiladi. Shuningdek, kichik biznes korxonasining buxgalteriya hisobi tuzilmasi mazkur vazifalarni to‘g‘ridan-to‘g‘ri bajarib borishi lozim bo‘ladi.

Shuni hisobga olish kerakki, ishlab chiqarish xarajatlari va davr xarajatlarining ajratib qayd etilishi moddiy ishlab chiqarish zahiralarini qoldiqlari qiymatini aniqlash uchun zarur. Ehtiyotkorlik tamoyiliga ko‘ra, davr xarajatlari tegishli bo‘lgan hisobot davrida hisobdan chiqariladi va sotilmagan mahsulot, tugallanmagan ishlab chiqarish qoldig‘ida kelgusi davrlarga o‘tkazilmaydi. Bu korxonada baho siyosatida asoslangan qarorlarni qabul qilishda muhim ahamiyatga egadir. Shuningdek, ishlab chiqarish tannarxi va davr xarajatlarining alohida ajratib ko‘rsatilishi, bir tomondan, korxonaning ishlab chiqarish faoliyatining, ikkinchi tomondan esa, ma‘muriy va ishlab chiqarishdan tashqari faoliyatining oxirgi moliyaviy natijaga qanday ta‘sir ko‘rsatganligini baholash imkonini beradi.

Adabiyot ro‘yxati

1. Сидоров С.А. Организация бюджетирования в системе управленческого учета. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. кан. экон. наук. - Москва, 2005.
2. Абдуганиев А. А. Бошқарув хисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари. - Тошкент: Тошкент молия институти, 2003, 275 б.

3. Бахрушина М. А. Теория и практика бухгалтерского управленческого учета. Автореф. докт. дис. на соис. уч. степ. докт. экон.наук. -Москва. 2002.
4. Коба Е.Е. Формирование методологии системы внутреннего контроля в агропромышленных холдингах. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. докт. экон. наук. - Москва, 2012.
5. Мухина Е.Р. Теоретические аспекты бюджетирования как элемента ресурсного обеспечения управленческого учета. //ВестникПермского университета, 2014, вып. 1(20).
6. Щиборщ К. В. Бюджетирование деятельности промышленных предприятий России. - М.: Дело и сервис, 2005, 544 с.
7. Хасанов Б. А., Хашимов А. А. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш. - Т.: Укитувчи, 2004,
8. Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. Boshqaruv hisobi. Darslik. -T.: G.Gulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2015.

УДК:338.27

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ИСТИҚБОЛЛИ МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛНИ
МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ, ҲАМДА МОЛИЯВИЙ ХОЛАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШНИ АСОСЛАШДА УЛАРНИ ЎРНИ.**

**ЦЕЛЬ И ЗАДАЧИ ПРОСПЕКТИВНОГО ФИНАНСОВОГО АНАЛИЗА В
ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ОБЩЕСТВАХ, А ТАКЖЕ ИХ РОЛЬ В ОБОСНОВАНИИ
ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ.
НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

**PURPOSES AND TASKS OF PROSPECTIVE FINANCIAL ANALYSIS IN BUSINESS
ENTITIES, AS WELL AS THEIR ROLE IN JUSTIFYING FORECASTING OF
FINANCIAL CONDITION INDICATORS.**

**Наманган муҳандислик-қурилиш институти
Катта ўқитувчиси Хўжаханов Маъруфхон Хамидхонович**

**Наманган Муҳандислик Қурилиш Институти магистранти
Назарова Шахноза Махамадалиевна**

Аннотация

Мақолада тадбиркорлик субъектларида истиқболли молиявий таҳлилни мақсади ва вазифалари очиб берилган. Тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳолат кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Тадбиркорлик субъектларида истиқболи молиявий ҳолат кўрсаткичларини прогностлаштириш асослаб берилган.

Калит сўзлар: молиявий таҳлил, корхона, тадбиркорлик, капитал бозор, валюта бозори, рақобат, маркетинг, таҳлил, баҳо сиёсати, маҳсулот, молиявий режа, сифат, сотиш хажми.

В статье раскрываются цель и задачи перспективного финансового анализа в субъектах предпринимательства. Проанализированы показатели финансового состояния субъектов хозяйствования. Обосновано прогнозирование будущих показателей финансового состояния хозяйствующих субъектов.

Ключевые слова: финансовый анализ, предприятие, предпринимательство, рынок капитала, валютный рынок, конкуренция, маркетинг, анализ, оценочная политика, продукт, финансовый план, качество, объем продаж.

The purpose and tasks of prospective financial analysis in business entities are revealed in the article. The indicators of the financial condition of business entities were analyzed. Forecasting of future financial status indicators in business entities is justified.

Key words: financial analysis, enterprise, entrepreneurship, capital market, currency market, competition, marketing, analysis, evaluation policy, product, financial plan, quality, sales volume.

Истиқболли молиявий таҳлилни, жорий молиявий ҳолатни характерловчи, йиғилма мавжуд натижаларни дастлабки ўрганиш йўли билан, ўзгарувчан ички ва ташқи муҳит шароитида ва қабул қилинаётган қарорлар таъсирида молиявий ҳолатни ифодаловчи муҳим аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичларни аниқлаш ва бу орқали унинг келгусидаги молиявий барқарорлигини ривожланиш мақсадларига мос келишини асослашдан иборатдир.

Истиқболли молиявий таҳлилни амалий аҳамияти қуйидагиларни аниқлаш имкониятини беришда намоён бўлади:

- Корхонани қисқа ва узоқ муддатли ривожланиш мақсадларини режалаштиришни таъминлаш ҳисобига, корхона бошқариш самарадорлигини ошириш;

- ушбу корхонани кўзда тутган фаолият йўналишларининг унинг олдида турган бош мақсадига қанчалар мос келишини олдиндан аниқлаб бериш;

- Молиявий режа кўрсаткичларини корхонанинг ички имкониятларига ва ташқи муҳим шароитларга мос келишини ўз вақтида баҳолаш;

- ресурслардан самарасиз фойдаланишнинг олдини олиш;

- бизнес-режа кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлигини ва баланс-лашганлигини баҳолаш;

- Ривожланиш истиқболлини характерлаш ва ҳоказо.

Истиқболли таҳлилда асосий эътибор корхонанинг аввалги (ўтган) йилларидаги фаолият натижаларига (бу ҳолатда олинadиган натижаларни ишончилигини баҳолаш биринчи даражада аҳамият касб этади), шунингдек, унга моҳиятли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ички ва ташқи омилларга қаратилиши лозим.

Тадбиркорлик субъекларитининг келгусидаги молиявий ҳолати учун моҳиятли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташқи омилларни кўриб чиқишда умумиктисодий шартларни ўзгаришига; капитал бозори ҳолатига; инфляциянинг кутилаётган ўсиш даражасига; валюта бозори ҳолатига; тармоқ хусусиятларига (тармоқнинг ҳолати ва унда корхонанинг ўрнига); товар бозори ҳолатига (харидорлар гуруҳи йириклашиши, рақобат, истеъмолчилар танлови ва ҳ.к.) эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Асосий ички омиллар таркибида қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур: корхонанинг маркетинг сиёсатини; ишлаб чиқариш потенциалини; молиявий стратегияни (айланма капитални шакллантириш сиёсати ва уни молиялаштириш мабаалари, молиявий натижаларни шакллантириш ва тақсимлаш тизими) ва ҳаказо.

Кўрсатиб ўтилган омилларни кўриб чиқишда корхонанинг кучли ва кучсиз томонларини баҳолаш нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай таҳлилни давомийлиги таҳминан қуйидаги тартибда бўлиши мумкин:

Истиқболли молиявий таҳлилни натижалари бўлиб, қўлланиладиган миқдор ва сифат усуллари асосида келгусидаги молиявий ҳолат тўғрисида фикрлаш имкониятини шаклланиши ҳисобланади. Шундай қилиб, истиқболли таҳлил натижаси бўлиб, кутилаётган аҳамиятни асослашмайдонга чиқади, яъни H_a (H) – бу ерда, H_a – молиявий ҳолатни баҳолаш учун танланган аниқ кўрсаткич, H – истиқболли аҳамиятни олиш эҳтимоли.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, агарда кутилаётган аҳамиятни истиқболдаги молиявий кўрсаткичини аниқлаш ҳам миқдор, ҳам сифат усулида амалга ошириш имконияти мавжуд бўлса, у ҳолда истиқболдаги параметрни аҳамиятини баҳолаш эҳтимолини фақат таҳлили усулида амалга оширилади. Айтиб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда истиқболли таҳлил усуллари иккита катта гуруҳга, яъни сифат ва миқдор усуллари ажратиш мумкин.

Миқдор усули таркибига ўз навбатида вақтинчалик динамик қарорлар таҳлиliga асосланган (сирпанувчи, ўртача ва тренд усули) ва кўриб ўтилаётган кўринишларни

(регрессив таҳлил, эконометрик моделлаштириш) сабаб оқибатларини аниқлашга асосланган усуллар ажратиб кўрсатилиши мумкин.

1-жадвал

Молиявий таҳлил таркиби

Таъминот таркиби	Бозор географияси, таъминот каналлари; истеъмолчилар гуруҳлари, таркиби ва тартиби, экспорт маҳсулоти турлари.
Рақобат	Рақобатни асосий жиҳатлари (сифат, баҳони ташкиллаштириш, ассортимент реклама, хизмат кафолати).
Таъминот	Хом ашё манбаи, материаллар, хизмат, импортга боғлиқлик, альтернатив мол етказиб бериш, мол етказиб берувчиларни баҳо (нарх)ларидаги рақобатбардошлиги, етказиб берилаётган моддий қийматликларни сифати, қўшимча қайта ишлаш rischi ва ҳ.к.
Маркетинг компенсациячи	Баҳо сиёсати, маҳсулот ҳаракати ва таъминот, реклама, фойдаланувчилар эҳтиёжи.
Ишлаб чиқариш потенциали	Ишлаб чиқариш қувватларини юкланиш даражаси, асосий воситаларни ёш таркиби, оборотдан ташқари активларга амортизация ҳисоблаш йўналишлари.
Мутахассислар потенциали	Малика, микромуҳит ва меҳнатни ташкил этиш тизими.
Моддий зарарлар	Моддий заҳираларни шаклланиш тизими, уларни тўлдириш, назорат ва баҳолаш усуллари.
Бошқариш	Таркиб, функционал боғлиқлик.
Хужжат айланиш тизими	Ахборот оқимларини ташкил этиш.
Молиявий стратегия	Айланма капитал бошқариш (заҳиралар, дебитор қарзлар, пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари), асосий капитални бошқариш (инвестиция имкониятларини баҳолаш ва инвестиция қарорларини иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослаш; жорий ва инвестицион фаолиятни молиялаштириш тизими)

Биринчи гуруҳ моделларининг маъноси шундаки, илгари йиғилган тажрибаларни келажакдаги тадбиқ этишдан иборат. Илгариги тажрибалар вақт функцияси $V_k(t)$ билан белгиланади. Вақт функцияси параметрларини ҳисоблаш учун ахборотлар ўзида молиявий ҳолатни баҳолаш учун фойдаланадиган аниқ кўрсаткичлар динамикаси таҳлили натижаларини назарда тутати.

Иккинчи гуруҳ микдор усуллари қўллашдан мақсад бўлиб, кўрсаткичлар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларини очиқ беришдан иборат. Масалан, сотиш ҳажми билан маркетинг харажатлари ўртасидаги ва кўрсаткичларнинг келгусидаги аҳамиятга ўрнатилган алоқалар тўғрисидаги билимлар асосида истиқболни ўрганади.

Молиявий таҳлилда кўрсатилган усулларни қўллаш имконияти қуйидаги ишларда ёритилган ва унинг маъноси очиқ берилган.



Чизма. Истиқболли молиявий таҳлил методлари тизими

Шуни ёдда тутиш керакки, миқдор методларини расмийлик учунгина қўллаш таҳлили натижаларини салбий бўлишига олиб келади. Сабаби, ҳисоб-китобларда барча кўрсаткичлар хатто корхона учун ўтган йиллардаги аҳамиятсиз кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз баъзи бир корхоналарнинг молиявий натижаларини бирданига тез суръатлар билан ўсишига олиб келади. Лекин, вақт ўтиши билан ушбу корхоналарда харажатларни кўпайиши ҳисобига ҳолат бир маромга тушиб қолади. Ўз навбатида узок истиқбол учун натижаларни ўсишини оддий экстраполяция аъъанаси ёлғон хулоса ва баҳолашларга олиб келиши мумкин.

Истиқболли таҳлил жараёнида истиқбол ҳисоб-китобларини ишончсизлиги рискинни каайтириш мақсадида, миқдор методлари билан бир қаторда сифат методларни қўллаш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сифат методлари таркибида алоғида хизмат мутахассисларнинг фикрларига ва эксперт баҳолашларга таяниш мумкинлигини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Кўрсатиб ўтилган сифат методини асосий фаркланиши мутахассисларни (экспертларни) сўровини ташкил этилишидадир. Шундай киби. Биринчи метод жамоа гуруҳ методига таалуқли бўлиб, унинг асосий камчилиги гуруҳ бўлиб фикрлаш у билан боғлиқ раҳбарият тазийқи ҳисобига оптимал бўлиб ҳисобланмаган турлича фикрлашларни ва танкидий муносабатларни етишмаслигини сабабли ягона қарорни танланиши бошқаларига нисбатан оптимал бўлмайди.

Сифат методларининг иккинчиси бўлиб экспертлардан алоҳида сўров ўтказишга асосланган. Персонал гуруҳи омили таъсирида ягона қарор қабул қилишни олдини олиш учун, экспертлар гуруҳига бирлашмайдилар. Ташқи томон келишув ишлаб чиқилгунига

кадар истикболни ва уларни кузатувчи чегараларни таҳлил қилади ҳамда умумлашган ахборотни юбориш билан биргаликда экспертларни аниқлаш учун масалани ҳал қилади. Ушбу метод молиявий ҳолатни узоқ муддатли маҳолаш мақсадида истикбол таҳлили усуллари тизимида қўлланилади.

Истикбол таҳлили методини ёки методлар тизимини танлаш жараёнида қуйидаги омиллар таъсирини ҳисобга олиш зарур:

♦ Истикбол моделини ишлаб чиқиш сарфларини ва уларни кўзда тутилган натижаларга нисбатини;

♦ Истикболлашни қисқа муддатли ёки узоқ муддатли мақсадини. Узоқ муддатли истикбол таҳлили учун корхона молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичларнинг ҳулки билан боғлиқ сабаб-оқибат алоқаларини очиб беришга асосланган, мураккаброқ моделлари қўллаш мумкин. Қисқа муддатли истикболли таҳлил учун динамик қатрлар таҳлили натижаларига асосланган оддийроқ методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

♦ Талаб қилинадиган ҳисоб-китобларнинг аниқ бўлиши;

♦ Талаб қилинадиган ҳажмни танлаш ва у билан боғлиқ муаммоларнинг шаклланиши ҳамда ахборотларни қайта ишланиши ва ҳ.к.

Истикбол таҳлили иетодини аниқ танлашни асослаш билан биргаликда шуни унутмаслик керакки, агарда миқдор модели ташқи муҳитни ўраб турган шартлар аҳамиятга молик ўзгаришларни бошдан кечирмаётган бўлса, ҳодисаларни ривожланишига бир хил баҳо берилади. Агарда ташқи муҳит эътиборли характерга эга бўлган тизимли ўзгаришларни бошдан кечириётган бўлса, миқдор моделини қўллашни мўлжалга олиш ўз маъносини йўқотади ва кўплаб молиявий ҳисоб-китобларга олиб келади. Бундай шароитда эксперт баҳосига асосланган сифат методини қўлдаш заруриятини вужудга келтиради. Ушбу жиҳат жорий бюджетлаштиришни таъминловчи ва бизнес режаларни шакллантирувчи молиявий таҳлилни компьютер дастурларини турли имкониятлари учун принципиал аҳамиятга эга.

Сифат методларини устуворлигига расмийчилик йўли билан ёзилиши мумкин бўлмаган, корхонанинг молиявий ҳолати моҳиятли таъсир кўрсатадиган мазмунли жиҳатлар ҳисоби имкониятлари таалукдир. Масалан, фақат сифат методи орқали ҳисобга олиниши мумкин бўлган, молиявий ҳолатни сезиларли даражада ўзгаришига олиб келадиган, бошқарув командасини алмаштирилишини кўрсатиш мумкин.

Сифат методини бошқа устуворлиги бўлиб, зарур статистик маълумотлар етишмаганда ягона имконият ўлиб тез, оддий баҳолай олиш мумкинлиги ҳисобланади. Шуниси аҳамиятга моликки, истикболли таҳлил амалиётида миқдор ва сифат методларини фойдаланиш заруриятига интилиш мумжуддир.

Истикболли таҳлил жараёнида асосий босқичлар ажратиб кўрсатилиши мумкин:

– Истикболлаш мақсадлари ва истикбол ахборотларига бўлган аниқ эҳтиёжларини аниқлаш. Ушбу босқичда ҳисоб-китобларни деталлаштириш зарур даражаси аниқланиши керак. (Масалан, реализация қилинадиган маҳсулот бўйича тўлалигича сотиш истикболи тузилиши керакми ёки маҳсулот турлари ва фаолият тури бўйича жеталлаштириш зарурми?);

– Истикбол чегарасини узоқ муддатли ёки қисқа муддатли эканлигини ўрганиш;

– Илгари кўрсатиб ўтилган омилларни ҳисобга олиб методни ёки методлар туруҳини ташлаш;

– Танланган метод ёки методлар гуруҳи асосида ётувчи рухсат бериладиган баҳо ва унинг келгусидаги молиявий фаолияти баҳолаш доирасини таҳлили;

– Истикбол кўрсаткичлари ҳисоб-китоблари натижаларини уларнинг ҳақиқий аҳамиятидан фарқланиш таҳлили амалиётини ишлаб чиқиш.

Молиявий режа ва уни асосий кўрсаткичларини ҳисоб-китобининг курилиши асосида сотиш ҳажмининг истикболли таҳлили ётади. Сотини нореал баҳоси истикболли таҳлили қолган барча ҳисоб-китобларни ишонччилигини пасайтиради.

Сотиш ҳажмини истикболли таҳлили, сотини олдинги ҳажмини, бозор сиғими ва уни ўзгариш имкнлияти: умумий иқтисодий ҳолат, маҳсулот даромадлигини, баҳо сиёсати,

мавжуд ишлаб чиқариш қуввати, махсулотнинг ҳар хил турларини сотишни узоқ муддатли анъанаси каби омилларни ўрганишга асосланган.

Сотишни истиқболли таҳлили жараёнида корхона фаолияти доирасини чегараловчи асосий омилларни аниқлаш лозим. Бундай омиллардан бири бўлиб, кўпчилик корхоналарда ишлаб чиқатилаётган махсулотга бозордаги талаб ҳисобланади. Мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан бозордаги талаб юқори бўлган ҳолатларда (моддий ресурслар ва жиҳозларни етишмаслиги, талаб қилинадиган малаканинг етишмаслигини ва ҳ.к.) смета тузиш учун йўналтириладиган нукта бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати ҳисобланади.

Сотишнинг истиқболли таҳлили натижаларидан, корхона молиявий ҳолатини тавсифловчи барча бошқа кўрсаткичлар учун истиқболли ҳисоб-китобларни йўналтириш нуктаси сифатида қўлланиши, уни тасодифий кўринишига эга эканлигига қарамадан мамлакатимиз таҳлил амалиёти учун олиб борилаётган янги йўналиш ҳисобланади. Мамлакатимизда узоқ йиллар мобайнида таъминот эмас, балки ишлаб чиқариш концепцияси ҳукумронлик қилиб келди. Баҳолаш сифатида эса, айнан ишлаб чиқарилган махсулотни ҳажм кўрсаткичлари (ялпи, соф-меъёрий товар) кўриб чиқилган. Мос равишда реализация эмас, биринчи навбатда махсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш резервларини очиб беришга йўналтирилган молиявий хўжалик фаолияти таҳлили методологияси қурилган.

Сотиш ҳажмини истиқболли таҳлили учун ахборотларни шакллантириш мақсадида реализация қилинадиган махсулотни натурал ва қиймат кўринишидаги таркиби, тузилиши, махсулотни баҳо даражаси диапазонлари, унинг алоҳида турларини даромадлилиги ва ҳажм динамикаси тўғрисидаги ахборотларни очиб берувчи аналитик жадваллар тизимини ёки жадваллар комплексини шакллантириш мақсадга ҳисобланади деб ўйлаймиз. Шу билан биргаликда қандай махсулот турлари ва гуруҳлари ҳисобига махсулотнинг янгиланиши билан боғлиқ асосий ўзгаришлар вужудга келишини аниқлаш лозим.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири), 2012 йил 2 май.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ -60 сонли Фармонининг 1-илоvasи.
3. “Тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш асослари” С.Салаев, М.Гулманов, Д.Саидов, Ж.Атаев, Б.Таджиев. Ўқув қўлланма. “Тафаккур бўстони” Тошкент – 2014, УЎК: 334,722 (075)
4. “Тадбиркорлик ва бизнес асослари”, Муродов А, Муҳамедов Ф, Саидхўжаев П, Темиров М Электрон ресурс, Ўқув қўлланма, 335 бет, Тошкент 2014 йил, “Илм Зие”
5. Шоалимов А.Х., Тожибаева Ш.А., Давлятов Х.М. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.:—Иқтисодиёт, 2014. – 236 бет.
6. Рахимов М.Ю., Каландарова Н.Н. Молиявий таҳлил. Дарслик. – Т.: — Иқтисод-молия, 2019. – 736 бет.

Интернет сайтлари

1. <https://e-library.namdu.uz/> Наманган Давлат Университети электрон кутубхонаси

TOVAR-MODDIY ZAXIRALAR HISOBINI TO‘G‘RI TASHKIL ETISH MASALALARI

ПРОБЛЕМЫ ПРАВИЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ МАТЕРИАЛЬНОГО УЧЕТА

ISSUES OF CORRECT ORGANIZATION OF THE INVENTORY ACCOUNT

Umurakov Dilshodbek Hakimovich
Namangan muhandislik-qurilish instituti
Iqtisodiyot kafedrası katta o‘qituvchisi

Аннотация

Ushbu maqolada korxonalarning tarmoq xususiyatlaridan kelib chiqib tovar-moddiy zaxiralarni hisobini tashkil qilish va ularni buxgalteriya hisob siyosatiga muvofiq yuritishda asosiy vazifalarini belgilab olish masalalariga e‘tibor qaratilgan.

Kalit so‘zlar: Zaxira, hisob siyosati, BHMS, iste‘moli stavkalari, maxsus norma, qayta baholash, shartnoma narxlari, elektron ishonchnoma, inventarizatsiya, ta‘minot dasturi, konsolidatsiyalangan balans, import bojlari.

В данной статье рассматриваются вопросы определения основных задач предприятий по организации складского учета с учетом особенностей отрасли и ведению их в соответствии с учетной политикой.

Ключевые слова: Резерв, учетная политика, НСБУ, нормы потребления, специальный курс, переоценка, контрактные цены, электронная доверенность, запасы, программа поставок, сводный баланс, импортные пошлины.

This article focuses on the issues of determining the main tasks of enterprises in organizing inventory accounts based on the characteristics of the industry and maintaining them in accordance with the accounting policy.

Key words: Reserve, account policy, BHMS, consumption rates, special rate, revaluation, contract prices, electronic power of attorney, inventory, supply program, consolidated balance, import duties.

Бугунги эркин иқтисодиёт шароитида корхонада товар моддий бойликлар ҳисобини тўғри ташкил этишнинг ўрни бекиёс. Бунинг сабаби шундаки, корхоналар мулкдорлар ва ходимлар олдида ўзларининг ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти натижалари учун тўлиқ жавобгар бўлади.

Айниқса корхона бизнес фаолиятини бошқариш тизимида товар-моддий заҳираларни ҳисобга олиш катта маъқеига эга. У инвентаризатсиядан фойдаланишнинг ҳақиқий ҳолати ва сифат кўрсаткичларини тавсифловчи кўрсаткичлар бўйича фикр-мулоҳазаларни келтириб чиқаради. Буларнинг барчаси корхонада ресурсларни тежашни яхшилашга ёрдам беради.

Бозор иқтисодиёти даврида мулк шакллариининг хилма-хиллиги, корхоналарнинг хўжалик юритишдаги ҳуқуқларининг кенгайиши, ишлаб чиқаришнинг тармоқ хусусиятлари товар-моддий заҳираларни ҳисобини ташкил қилиш учун бухгалтерия ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда аниқ масалаларини ҳал қилишда муқобил, баъзан эса кўп қиррали ёндашувларни талаб қилади.

Янги таҳрирда қабул қилинган 4-сонли «Товар-моддий заҳиралар» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари янги меъёрлар билан тўлдирилди (30.06.2020 йил 3259-сон билан рўйхатга олинган). Энди товар-моддий заҳиралар чегирмалар билан харид қилинганда, уларни ҳисоби аниқлаштирилади ва улар қийматини аниқлаш бўйича махсус норма киритилди. Шунингдек товар-моддий заҳиралари олишда тўлдириладиган ишончнома

электрон кўринишда шакллантириш имконияти яратилди. Шундай ҳолатлар борки, улар ҳисобга олинмаса, натижада корхона молиявий ҳолатига таъсир қилади.

Меъёрий ҳужжатларда муайян вазиятларда активларни тан олиш қиймат мезонлари вариантлари, қайта баҳолаш, ҳисобдан чиқариш усуллари келтирилган. Корхона бу вариантларнинг қайси бирини қўллашини унинг ҳисоб сиёсати очиб беради. Ҳисоб сиёсатида қабул қилинган корхона активлари, мажбуриятлари ва ҳўжалик операцияларини тан олишга ягона ёндашув республика ҳудудида ва ундан ташқарида шуъба корхоналари, филиаллар, ваколатхоналар ва бошқа тузилмавий шаклларга эга бўлган бухгалтерия ҳисоби субъектлари учун муҳимдир. Бундай вазиятларда бош корхонанинг ҳисоб сиёсати унинг барча бўлинмалари учун мажбурийдир, негаки уларнинг молиявий ҳисоботи бош корхонанинг балансига ёки консолидацияланган балансга киритилади. Бундан ташқари, ҳисоб сиёсати турли йиллар учун тақдим этиладиган молиявий ҳисоботда бухгалтерия ҳисоби субъектлари фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари таққосланиши учун зарур. Мазкур ҳужжатнинг муҳимлиги борасида қонун ҳужжатларида шундай тартиб белгиланганки, ҳисоб сиёсати ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарининг тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжатлари – буйруқ, фармойиш ва бошқалар билан тасдиқланиши керак.

Умумий тартибда ҳисоб сиёсати комплектида қуйидагилар тасдиқланади:

- бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари иш режаси;
- улар бўйича намунавий шакллар назарда тутилмаган ҳўжалик операцияларини расмийлаштиришда қўлланиладиган бирламчи ҳисоб ҳужжатлари шакллари;
- ички бухгалтерия ҳисоботи учун ҳужжатлар шакли;
- инвентарлашни ўтказиш тартиби, муддатлари;
- корхона мол-мулки ва мажбуриятларини баҳолаш, молиявий-ҳўжалик операцияларини акс эттириш усуллари, кўрсаткичларни акс эттириш учун муҳимлилик мезонлари;
- ҳужжатлар айланиши ва ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш қоидалари;
- ҳўжалик операцияларини назорат қилиш тартиби;
- бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш учун бошқа зарурий қоидалар ва меъёрлар.

Таъкидлаб ўтилганидек, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда бошқа БҲМСларни ҳам қўллаш керак, чунки улар, биринчидан, активлар ва мажбуриятларни баҳолаш, ўлчаш ва ҳисобга олишда анча синчков ёндашувларни белгилайди, иккинчидан, уларни тан олиш, амортизациялаш, ҳисобдан чиқариш ва қайта баҳолаш усуллари тавсия этади.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олишни тўғри ташкил этишнинг муҳим шартлари уларнинг мақсади ва ишлаб чиқариш жараёнидаги роли ва техник хусусиятларига кўра таснифидир.

Ишлаб чиқариш жараёнида функционал роли ва мақсадига кўра барча товар-моддий захиралар асосий ва ёрдамчиларга бўлинади.

Асосий- бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибига моддий жиҳатдан киритилган, унинг моддий асосини ташкил этувчи материаллардир.

Ёрдамчи - бу материаллар ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бир қисмидир, лекин асосийларидан фарқли ўлароқ, улар ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг моддий (моддий) асосини яратмайди. Улар маҳсулотга керакли сифатларни (бўёқ, лак, елим) бериш учун асосий қисмларга компонент сифатида ишлатилади ёки улар ишлаб чиқариш жараёнига ҳисса қўшади.

Материалларни асосий ва ёрдамчи қисмларга бўлиш ўзбошимчалик билан амалга оширилади, чунки у ҳар хил турдаги маҳсулотларда бир хил материалдан фойдаланиш миқдорига, технологиянинг табиатига ва бошқа омилларга боғлиқ. Масалан, технологик мақсадлар учун электр станциясида ёқилғи асосий материал бўлиб, ишлаб чиқариш биноларини иситиш учун ишлаб чиқариш корхонасининг қозонхонасида ишлатиладиган ёрдамчи материалдир. Бухгалтерия ҳисобида ёрдамчи материалларни изоляция қилиш баъзи ҳолларда фақат маълум бир технологик жараёнга эга бўлган маълум бир корхонада мумкин.

Захиралар (хом ашё, материаллар, ёқилғи ва бошқалар) тайёр маҳсулот олиш учун инсон меҳнати билан йўналтирилган қийматликлардир. Ишлаб чиқариш жараёнида ўз шаклини сақлаб қоладиган ва маҳсулотга қийматни аста-секин ўтказадиган меҳнат воситаларидан фарқли ўлароқ, меҳнат объектлари ўз қийматини ушбу маҳсулотга тўлиқ ва тўлиқ ўтказди ва ҳар бир ишлаб чиқариш циклидан кейин алмаштирилади. Саноатда ишлаб чиқаришда товар-моддий захираларни истеъмол қилиш аста-секин ўсиб бормоқда. Бу ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, маҳсулот таннархидаги моддий харажатларнинг салмоқли улуши ва ресурслар нархининг ошиши билан боғлиқ.

Товар-моддий захиралар билан асосий операциялар ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш кетма-кетлиги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Товар-моддий захиралар билан асосий операциялар ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш кетма-кетлиги

Товар-моддий захиралар билан операциялар	Товар-моддий захиралини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш операциялари кетма-кетлиги
1 Сотиб олиш	Нақд ёки кредитга сотиб олинган товар-моддий захираларнинг қиймати маълум турдаги товар-моддий захиралар ҳисобварақларининг дебитида ва барча товар-моддий захираларнинг назорат счётининг дебитида (товар-моддий захираларнинг узлуксиз ҳисоби тизими билан) ёки харидлар счётининг дебитида акс эттирилади. даврий бухгалтерия инвентарлари билан). Бундай ҳолда, нақд пул ёки кредиторлик қарзи счёти сотиб олинган товар-моддий захираларнинг қиймати суммасига кредитланади.
2.Ишлаб чиқариш мақсадлари харажатлар учун	Товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилганлиги сабабли, уларнинг қиймати хом ашё инвентарлари ҳисобидан жараёндаги ишлаб чиқариш инвентарлари ҳисобига ўтказилади. Бунда товар-моддий захираларнинг айрим турларининг счётлари кредитланади, тугалланмаган ишлаб чиқариш счёти дебетланади.
3.Ишлаб чиқаришда фойдаланиш	Тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи таркибига хом ашё таннархидан ташқари, меҳнатга сарфланган харажатлар ва қўшимча харажатлар киради. Нақд пул ҳисобварағида ушбу харажатларнинг қиймати ҳисобга олинади.
4.ТМЗдан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни якунлаш	Хом ашёни тайёр маҳсулотга қайта ишлаш тугаллангандан сўнг, тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати тайёр маҳсулот таннархига ўтказилади: ўтказилган қиймат суммаси тугалланмаган ишлаб чиқариш счётининг кредитида тайёр маҳсулотнинг дебитида акс эттирилади. товарлар ҳисоби
5. Тайёр маҳсулотларни сотиш	Тайёр маҳсулот захиралари сотилганда уларнинг қиймати тайёр маҳсулот инвентар счётидан сотилган маҳсулот таннархи (сотилган маҳсулот таннархи) счётига ўтказилади.

Агар корхона аналитик бухгалтерия ҳисобида моддий бойликларни шартнома нархлари бўйича ҳисобга олса, у ҳолда уларнинг ҳақиқий таннархи ушбу нархлардаги материаллар таннархи ҳамда транспорт ва таъминот харажатларидан иборат бўлади:

- улар темир йўл тарифини, автомобил транспорти ва самолётда ва бошқа транспорт турларида ташиш тарифини, шу жумладан барча турдаги йиғимларни ўз ичига олади;
- импорт божлари, етказиб берувчилар, темир йўллар ва бошқа транспорт ташкилотларининг омборларидан материалларни етказиб бериш;
- тўғридан-тўғри материалларни сотиб олиш ва сақлаш билан боғлиқ сафар харажатлари;
- омборларга юклаш, тушириш ва қадоқлаш харажатлари, доимий омбор ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бундан мустасно;
- таъминот, воситачи ташкилотларга тўланадиган комиссиялар ва товар-моддий захираларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Омбор ҳисобини тўғри ташкил этиш—ишлаб чиқаришга ўз вақтида жўнатиш, келиб тушаётган қимматликларни синчиклаб қабул қилиш, Материалларни сақланишидава жойлаштиришда қатъий тартибга риоя қилиш, айрим материалларни бошқалардан қатъий ажратиш, кирувчи материалларни тўғри маркалаш, тўғри ҳисоблаш ва кирувчи ва чикувчи материалларни тортиш, тушум ва харажатларни қайта ишлашнинг белгиланган тартибига қатъий риоя қилиш ва бошқалар бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этишнинг бевосита шарти бўлиб хизмат қилади.

Демак, моддий захиралар ҳисобини тўғри ташкил этиш учун қуйидаги саволларга тўғри ва ўз вақтида жавоб бериш зарур:

- материаллар қаердан, қачон ва қанча миқдорда олинганлиги;
- таъминот дастури қандай амалга ошириляётганлиги;
- кимга қачон, қанча материаллар чиқарилган, нима учун ва улар мақсадга мувофиқ сарфланганми;
- ишлаб чиқариш истеъмоли дастурини амалга ошириш қандай йўлга қўйилган;
- қимматликларнинг айрим турлари бўйича қолдиқ нима ва инвентаризатсия чегараларига қандай риоя қилинади;
- моддий қийматликларга қачон буюртма бериш керак ва улар етиб келганда қанчаси кутилади;
- ушбу баланснинг қанча қисми маълум мақсадлар учун сақланганлиги; уларни таснифлашнинг белгиланган тартибига ва уларни баҳолашда қабул қилинган ҳисоб сиёсатига риоя қилинадими ва ҳоказо.

Моддий бойликларни ҳисобга олиш ҳар қандай ўғирлик ва суиистеъмол қилиш эҳтимолини олдини олиш учун уларнинг мавжудлиги ва ҳаракати билан боғлиқ барча операциялар устидан назоратни таъминлаши керак. Моддий ҳисобни тўғри ва тўғри ташкил этиш билан хўжалик юритувчи субъектнинг мулкани муҳофаза қилиш муаммоси ҳал қилинади ва бошқарув ҳисобини тўғри юритиш учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Бозор иқтисодиёти даврида мулк шакллариининг хилма-хиллиги, корхоналарнинг хўжалик юритишдаги ҳуқуқларининг кенгайиши, ишлаб чиқаришнинг тармоқ хусусиятлари товар-моддий захираларни ҳисобини тўғри ташкил қилишда кўп қиррали ёндашувларни талаб қилинади.

Демак бугунги кунда корхоналарда товар-моддий захираларни ҳисобини ташкил қилишда қуйидаги энг асосий вазифаларни белгилаб олиш зарур:

- материалларни харид қилиш ва сотиб олиш учун бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш;
- ой охирида транзитда қолган ёки етказиб берувчиларнинг омборларидан олиб ташланмаган материалларнинг нархини акс эттириш;
- товар-моддий захираларнинг ҳақиқий таннархидаги бухгалтерия баҳосидан четланишларни аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материаллар ва уларнинг омборлардаги қолдиқлари ўртасида кейинчалик тақсимлаш.

Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам товар-моддий захираларнинг сақланиши, товар-моддий захираларни тўғри қабул қилиниши, сақланиши ва чиқарилишини таъминлаш учун корхонада

тарози ва ўлчаш асбоблари, ўлчаш идишлари ва бошқа қурилмалар билан жиҳозланган етарли миқдорда омборхоналар бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, инвентаризатсия меъёrlарига риоя этилиши ва моддий ресурсларнинг сарфланиши устидан дастлабки ва доимий назоратнинг самарали шакллари жорий этиш, корхонада ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар, эҳтиёт қисмлар ва йиғма агрегатлар ҳаракатининг оператив ҳисоби ишончлилигини оширишга кўпроқ эътибор қаратиш зарур.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари материаллардан оқилона фойдаланиш, истеъмол даражасини пасайтириш, тўғри сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш учун захираларни топиш учун маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Товар-моддий захираларни қабул қилиш ва истеъмол қилиш бўйича бирламчи ҳужжатлар уларнинг ҳисобини ташкил этиш учун асос ҳисобланади. Тўғридан-тўғри дастлабки ҳужжатлар асосида инвентарларнинг ҳаракатланиши, хавфсизлиги ва оқилона ишлатилиши устидан дастлабки, жорий ва кейинги назорат амалга оширилади.

Шундай қилиб, фақат бухгалтерия ҳисобини оқилона ташкил этиш ёрдамида ва корхонанинг ресурслар билан таъминланишини иқтисодий таҳлил қилиш, корхонанинг ресурсларни тежаш сиёсатидаги кучли ва заиф томонларини аниқлаш асосида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаш мумкин. Бундай чора-тадбирлар корхонада материал истеъмоли ставкаларининг пасайиши ҳисобига материал сарфини камайтириш бўлиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 05.10.2016 yildagi PF-4848-сонли фармони
2. “Бизнесда бухгалтерия ҳисоби” / Дарслик. I - қисм. (инглизчадан расмий таржима) А..Каримов, С.Меҳмонов, Н.Ризаев, З.Солаева– Т.: «Иқтисод-Молия», 2021, 21-бет
2. <http://el.tfi.uz/> Тошкент Молия Институти электрон кутубхонаси
3. <https://madeinuzbekistan.ru/idealgarmen> веб сайтидаги Made in Uzbekistan (Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган) рўқни остида берилган “IDEAL” МЧЖ нинг реклама пости
4. <https://lex.uz/docs/> Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси
5. <https://e-library.namdu.uz/> Наманган Давлат Университети электрон кутубхонаси

FARG‘ONA VODIYSIDA XUSUSIYATLARIDAN KELIB CHIQQAN XOLDA TURIZM SOHASI RAQOBATBARDOSHLIGI SALOHİYATINI BAHOLASH

ОЦЕНКА КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ТУРИЗМСКОЙ ОТРАСЛИ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ ПО ЕЕ ХАРАКТЕРИСТИКАМ

ASSESSMENT OF THE COMPETITIVENESS OF TOURISM INDUSTRY IN FERGANA VALLEY FROM ITS CHARACTERISTICS

Bo‘yto‘rayev Olimjon Uroyimovich
Namangan muhandislik-qurilish instituti
Iqtisodiyot kafedrası katta o‘qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada Farg‘ona vodiysining har bir viloyatlari turistlarni jalb qilishdagi harakatlar va infratuzilmadagi raqobatbardoshlik ko‘rsatkichini aniqlashga bo‘lgan mualliflik yondoshuvi tahlil etiladi.

Kalit so‘zlar: raqobatbardoshlik, infratuzilma, umumiy daromad, moliyaviy xarajatlar, turistik salohiyat, zamonaviy yondoshuvlar.

В данной статье анализируется авторский подход к определению показателей конкурентоспособности инфраструктуры и действий по привлечению туристов каждого региона Ферганской долины.

Ключевые слова: конкурентоспособность, инфраструктура, совокупный доход, финансовые затраты, туристический потенциал, современные подходы.

In this article, the author's approach to determining the indicators of competitiveness in infrastructure and actions in attracting tourists of each region of the Fergana Valley is analyzed.

Key words: competitiveness, infrastructure, total income, financial costs, touristic potential, modern approaches.

Bizga ma’lumki, har bir hudud ko‘proq turistlarni jalb qilish va ularga ko‘proq, sifatli xizmat ko‘rsatishni xohlaydi. Shuning uchun dastlab hududlar o‘zlariga ko‘proq turistlarni jalb qilish uchun ularning infratuzilma raqobatbardoshligi, so‘ngra xizmat ko‘rsatish raqobatbardoshligi muhim ahamiyat kasb etadi. Farg‘ona vodiysi boshqa hududlar bilan raqobatbardosh bo‘lishi uchun avvalambor o‘zining viloyatlari, yani Andijon viloyati, Namangan viloyati va Farg‘ona viloyatlari o‘zaro raqobatbardosh bo‘lishi kerak. Bu viloyatlarning turistlarni jalb qilishdagi harakatlar va infratuzilmadagi raqobatbardoshlik ko‘rsatkichini aniqlaymiz. Bunda quyidagicha metodni taklif qilamiz [1]. Tahlil ma’lumotlarining to‘liq izohini 1-jadvalda keltirildi.

1. Dastlab hududlarning turistik salohiyatini ko‘rsatuvchi ma’lumotlar yig‘iladi. Yig‘ilgan ma’lumotlar (a_{ij}) matritsa ko‘rinishida keltiriladi. Bunda ko‘rsatkichlar matritsaning qatoriga, hududlar nomi matritsaning ustuniga yoziladi.

2. Matritsaga yana bir ustun qo‘shilib, bu ustunga hududlarning turistik salohiyatini ifodalovchi ko‘rsatkichlarning maksimal qiymati yoki ularning etalon qiymati yozib chiqiladi.

3. Bu bosqichda matritsada har bir ko‘rsatkichlarni normallashtirish kerak bo‘ladi. Buning uchun ko‘rsatkichlarning har biri o‘zining maksimal qiymatiga yoki etalon qiymatiga bo‘linadi. Bu quyidagi formula orqali amalga oshiriladi.

$$x_{ij} = \frac{a_{ij}}{\max_j a_{ij}} \text{ (yoki } x_{ij} = \frac{a_{ij}}{\text{opt } a_{ij}} \text{)}. \text{ Bunda } a_{ij} - j \text{ hududning } i \text{ ko‘rsatkichi. } x_{ij} - a_{ij}$$

ko‘rsatkichning normallashtirilgan miqdori.

Индекс катлами		Улчов бирлиги	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Туризмдан олинган умумий даромад (B ₁)	Андижон	млрд.сўм	137,2	148,8	178,1	292,2	370,7	533,3	732,9	743,6	451,7	1007,2	1105,1
	Наманган	млрд.сўм	94,8	108,3	168,2	184,1	270,4	382,8	472,9	454,5	235,2	896,5	1103,2
	Фарғона	млрд.сўм	147,6	166,8	208	314	484,1	595,1	825	795,5	485,3	1183,3	1277,3
Туристларни қабул қилиш учун жойлар сони (B ₂)	Андижон	бирлик	682	674	824	855	907	1011	1035	958	1076	1134	1232
	Наманган	бирлик	1033	1098	1151	1239	1213	1419	1453	1696	1686	1358	1566
	Фарғона	бирлик	1607	1706	1972	2146	2385	1677	1717	2917	3302	1696	1732
Хорижий туристлар сони (B ₃)	Андижон	нафар	6684	6843	7189	7725	8636	9546	10676	11939	2954	7783	8956
	Наманган	нафар	3582	3598	3812	4184	4985	6643	8916	11966	3148	6913	8634
	Фарғона	нафар	17723	18756	19896	21195	21951	22752	23564	24404	1634	11534	12 644
Маҳаллий туристлар сони (B ₄)	Андижон	нафар	43461	44263	44967	45129	45892	46201	46621	41454	23233	38880	49 527
	Наманган	нафар	45688	44957	45120	45235	45872	46549	47017	44330	28930	37731	46 731
	Фарғона	нафар	45999	46249	47119	47856	48254	48981	49740	47714	30579	55466	67 909
Туристлик агентликлари сони (B ₅)	Андижон	бирлик	-	2	2	2	3	3	3	3	3	2	3
	Наманган	бирлик	1	3	5	1	1	4	1	5	1	1	2
	Фарғона	бирлик	2	3	4	5	4	5	5	5	1	3	4
Меҳмонхоналар сони (B ₆)	Андижон	бирлик	19	20	21	24	32	25	23	22	21	23	24
	Наманган	бирлик	11	11	16	18	24	26	26	27	36	20	26
	Фарғона	бирлик	23	20	46	38	41	49	55	92	109	109	112
Юлдузли меҳмонхоналар сони (B ₇)	Андижон	бирлик	-	-	4	6	5	8	10	4	12	8	8
	Наманган	бирлик	-	1	1	4	6	8	10	8	6	8	8
	Фарғона	бирлик	1	2	8	10	13	12	15	26	24	10	10
Ялпи ички маҳсулот (B ₈)	Андижон	млрд.сўм	7 623,8	9 918,6	11 872,3	13 914,0	16 115,6	19 753,0	27 017,7	33 581,3	38 008,5	43 332,5	54 464,0
	Наманган	млрд.сўм	5 924,1	7 217,2	8 852,9	10 826,9	12 874,5	15 311,1	18 809,6	23 764,0	27 863,0	34 194,1	41 098,2
	Фарғона	млрд.сўм	8 684,0	10 427,2	13 029,0	15 698,7	17 290,9	19 837,5	26 611,5	31 818,4	36 538,9	47 331,9	55 972,1
Бутун жамиятнинг асосий фондларга инвестициялари (B ₉)	Андижон	млрд.сўм	1 379,9	1 462,3	1 645,0	1 956,5	2 188,5	2 986,0	4 711,9	7 452,1	9 622,6	11 176,6	14 758,6
	Наманган	млрд.сўм	917,3	1 205,1	1 807,5	2 213,3	2 811,7	3 578	8 138,2	12 040,5	12 007,2	12 982,0	14 348,2
	Фарғона	млрд.сўм	1 505,8	2 130,0	2 295,3	2 542,3	2 643,6	2 954,5	5 539,1	8 685,4	11 320,0	12 625,2	15 396,7
Молиявий харажатлар (B ₁₀)	Андижон	млрд.сўм	1 169,71	1 287,13	1 459,0	1 531,1	1 654,2	1 710,5	2 162,1	3 292,0	2 803,6	3 228,8	3 854,6
	Наманган	млрд.сўм	910,52	1 087,58	1 266,8	1 473,0	1 630,7	1 617,7	1 953,7	3 096,9	2 994,2	3 254,5	3 541,2
	Фарғона	млрд.сўм	1 358,99	1 596,22	1 640,7	1 756,9	1 987,6	2 150,2	2 621,3	4 038,0	3 357,5	3 815,0	4 186,3

Молиявий даромад (B ₁₁)	Андижон	млрд.сўм	1 169,71	1 287,13	1 459,0	1 531,1	1 654,2	1 710,5	2 162,1	3 292,0	2 803,6	3 228,8	3 854,6
	Наманган	млрд.сўм	910,52	1 087,58	1 266,8	1 473,0	1 630,7	1 617,7	1 953,7	3 096,9	2 994,2	3 254,5	3 541,2
	Фарғона	млрд.сўм	1 358,99	1 596,22	1 640,7	1 756,9	1 987,6	2 150,2	2 621,3	4 038,0	3 357,5	3 815,0	4 186,3
Автомобил йўллари масофаси (B ₁₂)	Андижон	км	2457	2457	2457	2457	2457	2457	2457	2457	2457	2457	2457
	Наманган	км	3168	3168	3168	3168	3168	3168	3168	3168	3168	3168	3168
	Фарғона	км	4001	4001	4001	4001	4001	4001	4001	4001	4014	4014	4014
Автомобил йўлнинг zichligi (B ₁₃)	Андижон	1000 км га тўғри келадиган йўлнинг километри	571,40	571,40	571,4	571,4	571,4	571,4	571,4	571,4	571,4	571,4	571,4
	Наманган		425,8	425,8	425,8	425,8	425,8	425,8	425,8	425,9	426,8	426,8	426,8
	Фарғона		591,8	591,8	591,8	591,8	591,8	591,8	591,8	591,8	593,7	593,7	593,7
Темпир йўллари масофаси (B ₁₄)	Андижон	км	155,8	155,8	155,8	155,8	155,8	155,8	155,8	155,8	155,8	155,8	155,8
	Наманган	км	224,8	224,8	224,8	224,8	224,8	228,1	226,7	226,7	224,3	224,3	224,3
	Фарғона	км	228,6	228,6	228,6	228,6	228,6	228,6	228,6	228,6	228,6	228,6	228,6
Темпир йўлнинг zichligi (B ₁₅)	Андижон	1000 км га тўғри келадиган йўлнинг километри	36,23	36,23	36,2	36,2	36,2	36,2	36,2	36,2	36,2	36,2	36,2
	Наманган		30,22	30,22	30,2	30,2	30,2	30,7	30,5	30,5	30,2	30,2	30,2
	Фарғона		33,82	33,82	33,8	33,8	33,8	33,8	33,8	33,8	33,8	33,8	33,8
Йўловчи ва юк ташини ҳажми (B ₁₆)	Андижон	млрд.сўм	673,5	861,7	1 122,0	1 413,4	1 697,8	1 777,7	1 906,6	2 184,2	2 479,7	2 991,3	3 589,9
	Наманган	млрд.сўм	383,0	498,4	629,3	792,3	1053,0	1119,5	1246,0	1501,9	1632,1	2216,0	2 504,5
	Фарғона	млрд.сўм	745,7	971,0	1 216,8	1 455,9	1 822,8	1 929,7	2 088,8	2 435,0	2 664,3	3 618,6	3 990,8
Йўловчилар айланмаси (B ₁₇)	Андижон	млн. yo'lovchi-km	8 774,8	9 507,2	10 204,7	10 707,4	11 295,6	11 613,0	12 143,9	12 436,9	11 399,0	12 469,7	12 737,6
	Наманган	млн. yo'lovchi-km	6 163,9	6 898,2	7 262,3	7 520,9	8 044,0	8 407,8	8 610,3	8 933,7	7 901,5	9 151,0	8 906,3
	Фарғона	млн. yo'lovchi-km	9 800,6	10 580,6	11 484,7	12 520,8	13 280,1	13 617,9	13 911,5	14 024,9	12 870,5	15 368,2	15 355,5

4. Turistlarni jalb qilishda hududlarning raqobatbardoshlik ko'rsatkichi quyidagicha aniqlanadi.

$$R_j = \sqrt{x_{1j}^2 + x_{2j}^2 + \dots + x_{nj}^2}$$

5. O'rganilayotgan hududlarning qaysi biri uchun bu ko'rsatkich yuqori bo'lsa, o'sha hududning raqobatbardoshligi yuqori bo'ladi. Hamda har bir hudud raqobatga bardoshli bo'lishi

uchun $R_j \geq \frac{\sqrt{n}}{2}$ (bunda n – ko‘rsatkichlar soni) shart o‘rinli bo‘lishi kerak. Bu albatta har bir hudud uchun tavsiya qilingan shart hisoblandi.

Andijon, Namangan va Farg‘ona viloyati uchun turistlarni jalb qilishda hududlarning raqobatbardoshlik ko‘rsatkichlarini hisoblaymiz.

Buning uchun yuqorida taklif etgan metodimiz asosida dastlab turistlarni jalb qiluvchi asosiy ko‘rsatkichlarni matritsa shaklida yig‘amiz. Bu yig‘ilgan ma’lumotlarning ko‘rinishi quyidagicha:

2-jadval

Farg‘ona vodiysi viloyatlari uchun turistlarni jalb qilishdagi hududlarning raqobatbardoshlik ko‘rsatkichi ^[2]

	Turistik resurslarning nomlanishi	Andijon viloyati	Namangan viloyati	Farg‘ona viloyati	Maksimal
1.	Turistik firma va tashkilotlar soni	2	1	3	3
2.	Mexmonxona va shunga o‘xshash joylashtirish vositalari ob’ektlaridagi joylar soni	1134	1358	1696	1696
3.	Sanatoriya – kurort muassasalari ob’ektlaridagi joylar soni	835	2915	4183	4183
4.	Dam olish tashkilotlari va turistik bazalari ob’ektlaridagi joylar soni	1532	100	1057	1532
5.	Muzeylar soni	2	3	13	13
6.	Madaniyat va istiroxat bog‘lari soni	21	5	8	21
7.	Me’moriy obidalar	221	91	19	221
8.	Festivallar soni	4	3	3	4
9.	Kurortlar soni	11	20	39	39
10.	Yulduzli mehmonxonalar soni	8	8	10	10
11.	Avtomobil yo‘llari masofasi	2457	3176	4014	4014
12.	Temir yo‘llari masofasi	155,8	224,3	228,6	228,6

Keyingi bosqichda taklif etgan metodimiz asosida jadvalga yana bir ustun qo‘shib, bu ustunga hududlarning turistik salohiyatini ifodalovchi ko‘rsatkichlarning maksimal qiymati yozib chiqiladi.

So‘ngra uchinchi va to‘rtinchi bosqichlardagi amallarni birgalikda bajarib, har bir hudud uchun raqobatbardoshlik ko‘rsatkichini aniqlaymiz.

Andijon viloyati uchun turistlarni jalb qilishda hududlarning raqobatbardoshlik ko‘rsatkichini aniqlaymiz.

$$R_A = \sqrt{0,44 + 0,44 + 0,04 + 1 + 0,023 + 1 + 1 + 1 + 0,08 + 0,64 + 0,37 + 0,46} = \sqrt{6,51} = 2,55$$

Namangan viloyati uchun turistlarni jalb qilishda hududlarning raqobatbardoshlik ko‘rsatkichini aniqlaymiz.

$$R_B = \sqrt{0,11 + 0,64 + 0,49 + 0,004 + 0,05 + 0,06 + 0,17 + 0,56 + 0,26 + 0,64 + 0,63 + 0,96} = \sqrt{4,58} = 2,14$$

Farg‘ona viloyati uchun turistlarni jalb qilishda hududlarning raqobatbardoshlik ko‘rsatkichini aniqlaymiz.

$$R_F = \sqrt{1 + 1 + 1 + 0,48 + 1 + 0,15 + 0,007 + 0,56 + 1 + 1 + 1 + 1} = \sqrt{9,19} = 3,03$$

Farg‘ona vodiysida turistlarni jalb qilishda hududlarning raqobatbardoshlik ko‘rsatkichi bo‘yicha ranjirovka qilib chiqamiz. U quyidagi jadvalga keltirilgan.

Bu natijalardan ko‘rishimiz mumkinki, Farg‘ona vodiysidagi viloyatlar o‘rtasida raqobatga bardoshligi bo‘yicha eng yuqori o‘rinni Farg‘ona viloyati, 2 o‘rinda Andijon viloyati va 3 o‘rinda Namangan viloyati egallab turibdi. Ikkinchi va uchinchi o‘rinda turgan Andijon va Namangan viloyatlari Farg‘ona viloyati bilan raqobat qila oladimi degan savolga javob topishimiz kerak

bo‘ladi. Buning uchun biz beshinchi bosqichda aytgan tavsiyaviy ko‘rsatkich miqdori bilan taqqoslab ko‘rishimiz zarur. Tavsiya qilingan ko‘rsatkichimizning miqdori $\frac{\sqrt{12}}{2} = 1,73$ ga teng.

3-jadval

Hududlarning raqobatbardoshlik ko‘rsatkichi bo‘yicha ranjirovka [3]

	Farg‘ona vodiysi viloyatlari	Turistlarni jalb qilishdagi raqobatbardoshlik ko‘rsatkich	Raqobatbardoshlikdagi o‘rni
1.	Andijon viloyati	2,55	2
2.	Namangan viloyati	2,14	3
3.	Farg‘ona viloyati	3,03	1

Andijon viloyatining turistlarni jalb qilishdagi raqobatbardoshlik ko‘rsatkichi 2,55 ga teng bo‘lib, tavsiya qilingan miqdor 1,73 dan katta. Namangan viloyati uchun turistlarni jalb qilishdagi raqobatbardoshlik ko‘rsatkichi 2,14 ga teng bo‘lib, tavsiya qilingan miqdor 1,73 dan kattaligini ko‘rishimiz mumkin. Bunday natijalardan ko‘rishimiz mumkinki, Andijon va Namangan viloyatlari Farg‘ona viloyati bilan raqobatlasha oladi.

Farg‘ona viloyati, Andijon viloyati va Namangan viloyatlari orasida 2021 yilda turistlarga ko‘rsatilgan xizmatlar bo‘yicha raqobatbardoshlik darajasini aniqlaymiz. Bunda 2021 yilda Farg‘ona vodiysida turistlarga ko‘rsatilgan xizmatlar hajmi quyidagicha:

4-jadval

Farg‘ona vodiysida turistlarga ko‘rsatilgan xizmatlar xajmi [4]

	Farg‘ona vodiysi viloyatlari	2021 yilda turistlarga ko‘rsatilgan xizmatlar hajmi (mlrd. so‘m)	Umumiya nisbatan ulushi (%)
1.	Andijon viloyati	1007,2	32,6%
2.	Namangan viloyati	896,5	29%
3.	Farg‘ona viloyati	1183,3	38,4%
	Jami	3087	100%

Farg‘ona vodiysidaning viloyatlari o‘rtasida turistlarga ko‘rsatilgan xizmatlar bo‘yicha raqobatbardoshlik darajasini aniqlashimizda Xerfindal-Xirshman indeksidan foydalanamiz. Bu indeks quyidagicha aniqlanadi:

$$HHI = \sum_{i=1}^n Y_i^2$$

Bu indeks ko‘rsatkichni 3 xil holatda o‘rganamiz.

1 – holat. Agar $1800 \leq HHI < 10000$ shart o‘rinli bo‘lsa, turizmga xizmat ko‘rsatish bozori yqori konsentrlangan hisoblanadi. Ya’ni raqobatbardoshlik yuqori daraja.

2 – holat. Agar $1000 \leq HHI < 1800$ shart o‘rinli bo‘lsa, turizmga xizmat ko‘rsatish bozori o‘rtacha konsentrlangan hisoblanadi. Ya’ni raqobatbardoshlik o‘rtacha daraja.

3 – holat. Agar $HHI < 1000$ shart o‘rinli bo‘lsa, turizmga xizmat ko‘rsatish bozori juda past konsentrlangan hisoblanadi. Ya’ni raqobatbardoshlik juda past daraja.


Farg‘ona vodiysi uchun turistlarga ko‘rsatilgan xizmatlar bo‘yicha raqobatbardoshlik darajasini uning viloyatlari o‘rtasida Xerfindal-Xirshman indeksi yordamida o‘rgansak, u quyidagicha:

$$HHI = 32,6^2 + 29^2 + 38,4^2 = 1062,76 + 841 + 1474,56 = 3378,32$$

Farg‘ona vodiysi viloyatlari o‘rtasida raqobatbardoshlikni Xerfindal-Xirshman indeksi yordamida o‘rgangimizda, uning natijasi 3378,32 ga teng bo‘ldi. Bu natijadan ko‘rishimiz mumkinki, Andijon, Namangan va Farg‘ona viloyatlari o‘rtasida turistlarga xizmat ko‘rsatishning raqobatbardoshlik darajada yuqori hisoblanadi.

Farg‘ona vodiysini boshqa hududlar bilan raqobatbardoshligini oshirish, hamda uning viloyalari orasida infratuzilma raqobatbardoshligi, so‘ngra xizmat ko‘rsatish raqobatbardoshligi

kuchaytirish vodiya turistlar sonini oshirishga harakat qilingan natijalarga ko‘rinadi. Albatta hududga qancha ko‘p turist tashrif buyursa, hamda qancha ko‘p va sifatli xizmat ko‘rsatilsa, bu iqtisodiyotga kiritilgan investitsiya hisoblanadi. Bizga ma’lumki, qaysi hududga investitsiya kirib kelsa, u yerda rivojlanish bo‘ladi. Quyidagi grafikda Farg‘ona vodiysining viloyatlari kesimida 2012 yildan 2022 yilga tashrif buyurgan turistlar soni keltirilgan.



1-diagramma. Farg‘ona vodiysida viloyatlar kesimida tashrif buyurgan turistlar soni [5]

Bu turistlar oqimining ko‘payishi yoki kamayishiga ta’sir etuvchi omillarni o‘rganish muhim hisoblanadi. Chunki turistlar oqimining o‘zgarishiga qaysi faktor ijobiy va qaysi faktor salbiy tasirining aniqlanishi kelajakda reja bilan ishlashga imkon beradi. Bunda joriy davrdagi turistlar oqimini (Q_t) deb belgilab olamiz. Joriy davrda kelgan turistlar oqimiga albatta oldingi davrda kelgan turistlar oqimi katta ta’sir o‘tkazadi. Chunki oldingi davrda kelgan turistlarga sayohat yaxshi taassurot qoldirgan bo‘lsa, ular boshqa turistlarga o‘z ta’surotini aytib beradi. Bu yerda ular reklama vazifasini bajaradilar. Oldingi davrdagi turistlar sonini Q_{t-1} – deb belgilab olamiz. Joriy davrdagi turistlar oqimiga ta’sir ko‘rsatuvchi faktorlardan biri har bir aholiga to‘g‘ri keladigan yalpi hududiy mahsulot (I), UNS – Tarixiy obyektlar soni, TYS – oldingi 5 yil davomida hududda bo‘lgan terrorizm, yuqumli kasallik tarqalishi va global siyosiy muammolar, KE – kurort, ekskursion, tog‘larda dam olish, VS - davlatning viza siyosati va boshqa ko‘pgina faktor mavjud. Bu ko‘pgina faktorlar multikollinear bo‘lgani uchun ularni regressiya tenglamasini tuzishda joriy davrdagi turistlar oqimiga ta’sir qiluvchi faktorlar sifatida qabul qila olmaymiz. Hamda bu regressiya tenglamasining umumiy ko‘rinishi quyidagicha:

$$Q_t = e^{\alpha} \cdot Q_{t-1}^{\gamma_1} \cdot I^{\gamma_2} \cdot e^{\gamma_3 \cdot UNS} \cdot e^{\gamma_4 \cdot TYS}$$

Bu funksiyani ikki tarafini logarifmlab quyidagi ko‘rinishda ham ifodalab olish mumkin.

$$\ln Q_t = \alpha + \gamma_1 \ln Q_{t-1} + \gamma_2 \ln I + \gamma_3 UNS + \gamma_4 TYS$$

Turistlar oqimiga ta’sir ko‘rsatuvchi ya’na boshqa ko‘pgina omillar ham mavjud edi. Jumladan valyuta siyosatini aytish mumkin. Bu omillar biz tanlab olingan omillar bilan yuqori bog‘liqlikka ega (ya’ni multikolliyenar) bo‘lgani uchun turistlar oqimiga ta’sir qiluvchi faktorlar sifatida olinmadi.

Bu taklif qilinayotgan regressiya tenglamasining koeffitsiyentlarini aniqlashimizda qulay bo‘lishi uchun $\ln Q_t = y$, $\ln Q_{t-1} = x_1$, $\ln I = x_2$, $UNS = x_3$, $TYS = x_4$ belgilashlarni kiritib olamiz. Hamda yuqorida taklif qilinayotgan regressiya tenglama quyidagi ko‘rinishda bo‘ladi:

$$y = \alpha + \gamma_1 x_1 + \gamma_2 x_2 + \gamma_3 x_3 + \gamma_4 x_4$$

Natijada turistlar oqimiga ta'sir etuvchi faktorlarni 2012 yil va 2022 yillar davomidagi statistika ma'lumotlari yordamida aniqlangan regressiya tenglamasining ko'rinishi quyidagicha bo'ladi:

$$Y = 6,136 + 0,4716X_1 + 0,034X_2 + 1,175X_3 - 0,275X_4$$

Bu modeldan shunday xulosaga kelish mumkinki, X_1 ni bir birlikka ortishi Y ni o'rtacha 0,471 birlikka ortishiga; X_2 ni bir birlikka ortishi Y ni o'rtacha 0,034 birlikka ortishiga; X_3 ni bir birlikka ortishi Y ni o'rtacha 1,175 birlikka ortishiga; X_4 ni bir birlikka ortishi Y ni o'rtacha -0,275 birlikka kamayishiga olib kelar ekan.

Yuqorida taklif etilayotgan regressiya tenglamasini ishonchligini belgilashimiz uchun uning korrelyatsiya koeffitsiyenti va o'rtacha xatolikni aniqlashimiz zarur hisoblanadi. Buning uchun quyidagi jadvaldagi hisoblarni keltiramiz.

4-jadval

Korrelyatsiya koeffitsiyenti va o'rtacha xatolik natijalari [6]

Y	Y(x)	$\varepsilon = Y - Y(x)$	ε^2	$(Y - Y_{cp})^2$	$ \varepsilon : Y $
12,034	12,003	-0,001	0	0	0
12,035	12,041	-0,007	0	0,00162	0,000581685
12,061	12,055	-0,02	0,0004	0,0017	0,00166182
12,078	12,079	-0,018	0,000324	0,00452	0,001492414
12,096	12,098	-0,02	0,0004	0,00709	0,001655903
12,136	12,1	-0,004	0	0,0104	0,000330688
12,111	12,2	-0,064	0,004096	0,0202	0,005273566
11,413	12,12	-0,009	0	0,0137	0,000743126
11,972	11,42	-0,007	0	0,337	0,000613336
12,178	11,986	-0,014	0,000196	0,000475	0,001169395
12,034	12,2	-0,022	0,000484	0,0279	0,001806536
			0,006096	0,0279	0,015328469

Korrelyatsiya koeffitsiyentini aniqlaymiz.

$$R = \sqrt{1 - \frac{s_e^2}{\sum (y_i - \bar{y})^2}} = \sqrt{1 - \frac{0,006096}{0,0279}} = 0,8840$$

Bundan ko'rindiki biz tanlagan Y ning qiymati X_i larning qiymati bilan yuqori darajada bog'lanishga ega bo'lib, to'g'ri tanlangani ko'rsatadi.

Uning o'rtacha xatoligi quyidagicha aniqlanadi.

$$A = \frac{\sum |\varepsilon : Y|}{n} \cdot 100\% = \frac{0,0153}{11} \cdot 100\% = 0,14\%$$

Bu xatolikni juda ham kichik qiymatda ekanligidan regressiya tenglamasi to'g'ri tanlangani ko'rsatadi.

Farg'ona vodiysini o'zi ham turistlarni jalb qilishda boshqa hududlar bilan raqobatga kirishadi. Turistlarni jalb qilinishidagi raqobatda ham ta'sir etuvchi faktorlar sifatida oldingi davrdagi turistlar sonini ($\ln Q_{t-1} = x_1$), yalpi hududiy mahsulot ($I = x_2$), $UNS (x_3)$ – Tarixiy obyektlar soni, $TYS(x_4)$ – oldingi 5 yil davomida hududda bo'lgan terrorizm, yuqumli kasallik tarqalishi va global siyosiy muammolar faktorlarning qaysi bir ko'proq ijobiy va qaysi biri ko'proq salbiy ta'sir ko'rsatayotganini aniqlash muhim hisoblanadi. Bunda biz yuqorida taklif etgan regressi tenglamasining standartlashgan tenglamasini tuzib olishimiz kerak bo'ladi. Bu standartlashgan regressiya tenglamasi quyidagicha:

$$t_y = 0,464x_1 + 0,0843x_2 + 0,000043x_3 - 0,551x_4$$

Standartlashgan regressiya tenglamasidan ko'rishimiz mumkinki, Farg'ona vodiysi boshqa hududlar bilan raqobatlashib, turistlar oqimini ko'paytirishda ko'proq oldingi davrdagi turistlar

oqimi ko‘proq ijobiy ta’sir ko‘rsatyapti. Bu tenglamada oldingi davrdagi turistlar oqimi koeffitsiyenti 0,464 ga teng bo‘lib, qolgan ijobiy ta’sir etayotgan faktorlarning koeffitsiyentlaridan yuqori. Lekin modul jihatdan yuqori va ko‘proq salbiy ta’sir ko‘rsatayotgan oldingi 5 yil davomida hududda bo‘lgan terrorizm, yuqumli kasallik tarqalishi va global siyosiy muammolar faktori hisoblandi. Chunki uning standartlashgan regressiya tenglamasidagi koeffitsiyenti -0,551 ga teng bo‘lib, ushbu ko‘rsatkich modul jihatdan barcha koeffitsiyentlardan yuqori.

Shunday qilib, Farg‘ona vodiysi xususiyatlaridan kelib chiqqan xolda, hunarmandchilik va ziyorat va ekologik turizmga ustuvor yo‘nalish sifatida e’tibor berish, turizm marshrutlarida yangi turizm obyektlarini tashkil etish yuzasidan jahon tajribasini o‘rganish hududlarda turizm sohasi raqobatbardoshligini oshirish imkoniyatlarini takomillashtirishga yordam beradi va zamonaviy yondashuvlarini ishlab chiqishni taqozo qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Rubies, E. B. Improving public-private sectors cooperation in tourism: A new paradigm for destinations // *Tourism Review*, 56(3/4), 2001. P. 38-41.
2. Plog, S. C. Why destination areas rise and fall in popularity // *The Cornell Hotel and Restaurant Administration Quarterly*, №14, 1973. P. 55-58.
3. Novelli, M., Schmitz, B. Spenser, T. (2006). "Networks, Clusters and Innovation in Tourism: a UK Experience", *Tourism Management*, Vol.27, pp. 11411152.
4. Hartl A. Developing marketing strategies for tourism destinations in peripheral areas of Europe: the case of Bornholm. Bournemouth University, Centre for. Kaspar C. Die Tourismuslehre im Grundriss / 5., ueberarb. und erg. Aufl. Bern: Stuttgart; Wien: Haupt, 1996. C. 65-70.
5. Leiper N. The framework of tourism: Towards a definition of tourism, tourist, and the tourist industry // *Annals of Tourism Research*, № 6(4), 1979. P. 390407.
6. Schmidgall R.S. Hospitality industry managerial accounting. Educational institute of the American hotel lodging association, Michigan, 2002
7. Wanhill S. Principles of tourist destination development. Bornholms Forskningscenter and Bournemouth University, 1996.1.

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА**

**ВОПРОСЫ ЭФФЕКТИВНОГО РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА**

**ISSUES OF EFFECTIVE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS AND
ENTREPRENEURSHIP**

Асатуллаева Шахноза Мухтаровна
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
Иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси

Маматқулов Иброхим Ёқубжон ўғли
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
“Иқтисодиёт” таълим йўналиши 3-курс талабаси

Аннотация

Мақола кичик бизнес ва тадбиркорликни самарали ривожлантириш масалаларига бағишланган. Унда инқирозли жараёнларда кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий фаолияти тўғрисида мулоҳизалар юритилган.

Калит сўзлар: инқироз, кичик бизнес, тадбиркорлик, тадбиркорлик корхоналари, инқирозга қарши бошқариш.

Статья посвящена вопросам эффективного развития малого бизнеса и предпринимательства. Содержит соображения по поводу хозяйственной деятельности предприятий малого бизнеса в условиях кризисных процессов.

Ключевые слова: кризис, малый бизнес, предпринимательство, предпринимательские предприятия, антикризисное управление.

The article is devoted to the issues of effective development of small business and entrepreneurship. Contains considerations regarding the economic activities of small businesses in times of crisis.

Key words: crisis, small business, entrepreneurship, entrepreneurial enterprises, crisis management.

Маълумки, Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни самарали ривожлантиришга йиқналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоёда. Бу ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга зўр бермоқда. Агар 90-йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 1,5%ни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 31%ни, 2013 йилда 55,8%ни ва 2022 йилда эса 51,8%ни ташкил этди. Тўғри, ЯИМда кичик бизнеснинг улуши 2021 йилга нисбатан 4 пунктга камайган. Лекин 2023 йилга келиб ушбу кўрсаткич ошиб бориш тенденциясини олган. Бу камайишнинг асосий сабаби, йирик тадбиркорлик субъектларида қўшилган қиймат ҳажмининг ошиши билан ифодаланади.

Ўзбекистон жуда қисқа вақт мобайнида ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улушини оширган давлатга айланди. Барча соҳада меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга эътибор қаратилди. Бандлик сиёсатини юритишда «ўзбек модели»га хос ёндашувлар ишлаб чиқилди.

Қолавеса, 2017 йилдан мамлакатда иқтисодий ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси амалга жорий этилиб, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишига мувофиқ сўнгги беш йилда асосий иқтисодий ислохотлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни пасайтириш, солиқ юкини камайитириш ва соддалаштириш, иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш, бизнес учун қулай муҳит яратиш, инфратузилмани яхшилаш, қишлоқ хўжалиги, иқтисодий интеграция ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадларига қаратилди.

Ислохотлар ҳамма учун тенг ва эркин рақобат муҳитини яратиб, БРМнинг 10-мақсадига эришишга имкон берди. Ортиқча йиғимларни бартараф этиш ва солиқ ставкаларини меъёрлаштириш туфайли тадбиркорлик субъектларига солиқ юки камайтирилди. Шу билан бирга, мулк, даромад ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баравар, қўшилган қиймат солиғи 20% дан 12% гача камайтирилди.

2022 йилдан эса Тараққиёт стратегияси жорий этилиб, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши тобора яхшиланиб борди. Халқаро алоқалар янада ривожлантирилди. Мамлакатнинг деярли барча иқтисодий соҳаларида ўсиш суръатларини таъминлашга эътибор қаратилди.

2022 йил 28 январда тасдиқланган "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" (бундан буён матнда Тараққиёт стратегияси деб юритилади) ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Тараққиёт стратегиясининг асосий мақсадлари: халқ фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини сўзсиз ҳимоя қилиш, фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат. Тараққиёт стратегиясида қуйидаги устувор йўналишлар кўзда тутилган:

- инсон шаъни ва қадр-қимматини юксалтириш, эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали инсонпарвар давлат барпо этиш;
- адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини мамлакат тараққиётининг асосий ва зарур шартига айлантириш;
- миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;
- адолатли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва инсон капиталини ривожлантириш;
- маънавий тараққиётни таъминлаш ва бу соҳани янги босқичга олиб чиқиш;
- глобал муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ёндашиш;
- мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат юритиш.

Стратегиянинг юқоридаги асосий йўналишлари 100 дан ортиқ аниқ мақсадларни камраб олган.

Мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарини самарали бошқаришда бандлик масалаларини ҳал этишнинг ўзига хос жиҳатлари шундан иборат бўлдики, бунда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари устуворлик қилди. Чунки ҳозирги кунда миллий иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳолининг 75% кичик бизнес улушига тўғри келади.

2023 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) сони жами 523 556 тани, шундан янги ташкил этилганлари 90 177 тани ташкил этди.

2022 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига туман ва шаҳарлар бўйича энг юқори кўрсаткич Яккасарой туманида 74,1 бирлик, Миробод туманида 57,7 бирлик, Томди туманида 55,6 бирлик, Бектемир туманида 50,9 бирлик, Қоровулбозор туманида 50,1 бирлик, Чилонзор туманида 50,0 бирлик, Гулистон шаҳрида 42,5 бирлик, Мирзо-Улўғбек туманида 37,9 бирликни ташкил этди.

Сўнгги икки йил ичида аҳолига 200 минг гектардан зиёд ер бўлиб берилади. «Темир дафтар», «ёшлар дафтари» ва «аёллар дафтари» ягона тизимга бирлаштирилиб, ҳар бир оиланинг ягона рақамли паспорти ишлаб чиқилади. 2022 йилда камбағаллик даражаси 17

фоиздан 14 фоизга тушгани, 1 миллион аҳоли касб-хунарга ўқитилиб, иш бошлашига кўмаклашилиб, камбағалликдан олиб чиқилгани таъкидланди. Шу даврда 200 мингга яқин тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди, 10 мингга корхонанинг фаолияти кенгайтирилди, 11 мингга корхона қуввати тикланди.

«Камбағалликни қисқартиришнинг асосий омили бу – аҳолини даромадли иш билан таъминлаш. Шунинг учун маъмурий ислохотлар доирасида камбағалликни қисқартиришга масъул 5 та идора яхлит тизимга айлантирилди. Янги вазирликка барча ташкилий ва молиявий имкониятлар берилди. Энди, меҳнат ресурслари ва ишсизлик ҳисобини юритиш ҳам, бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни маҳаллабай ривожлантириш ҳам битта вазирликда бўлади», – деди Шавкат Мирзиёев [1].

2023 йилнинг бошига қадар бўлган статистик маълумотларга кўра олганда, Республика иқтисодиёти 21 йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсди. Биргина ЯИМнинг ўзи жон бошига нисбатан олганда 2,5 баробар ошганлиги, юртимизда кўп салоҳиятли ишлар амалга оширилганлигидан далолат беради. Бунинг далили сифатида аҳоли даромадлари кейинги даврларда анча ошганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Масалан, 2000 йилда ҳар бир оилага ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, 2014 йилнинг январь ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 41,4 тага етди. Аниқроғи, бугун оилаларнинг 11 фоизидан ортиғи 2 тадан енгил автомобилга эга. Агар ЯИМнинг йиллик ўсиши суръатини 2016 йилгача бўлган таҳлилни келтирадиган бўлсак, ўртача 8,2 фоиздан кам бўлмаганлигини дадил айтиш мумкин. Бундай ҳолат дунёдаги санокли мамлакатлардагина рўй берди.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳолининг турмуш даражасига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Ўз меҳнати, ўз тадбиркорлиги билан даромад топаётган инсонлар давраси, замонавий тарзда айтганда, бизнес-элита қатлами тобора кенгая бошлади. 2022 йилда республикаимиз бўйича тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад 51 фоизни ташкил қилди.

Юқоридаги иқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий тенденциясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг алоҳида катта аҳамияти бор. 2022 йилда миллий иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан ўзгартиришга эришилди, шунингдек, халқимизнинг ҳаёт шароитларини яхшилаш, турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда навбатдаги муҳим давр бўлди. Дарҳақиқат, «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради» [2].

Кичик бизнес ва тадбиркорликни самарали ривожлантириш ва фаоллаштириш чора-тадбирлари тобора кенг қамровли бўлиб борди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда айниқса касаначиликнинг аҳамияти катта бўлди. Оилавий бизнесни ривожланишига имкониятларни яратилиши эса, аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим омилга айланди. Масалан, 2022 йилда 200 мингдан ортиқ кишини, айниқса кўп болалик аёллар, жисмоний имкониятлари чегараланган кишилар ва аҳолининг бошқа табақасига оид кишиларнинг шу соҳада банд бўлиши каби Инқирозга қарши чоралар амалга оширилди. 2023 йил бошида эса, оилавий бизнес фаолиятининг изчил тараққиётини юртимиздаги ҳар бир маҳаллада кузатиш мумкин бўлди. Жумладан, республикаимиздаги 10 мингга яқин фуқаролар йиғинларининг ҳар бирида ўнлаб ана шундай тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда.

Бугунга келиб кичик бизнес корхоналарини самарали ривожини фаоллаштиришда ва бозор ислохотларини амалга оширишда институционал тузилмалар ҳам муҳим рол ўйнамоқда. Масалан, нодавлат нотижорат ташкилотлари соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ижтимоий аҳамиятга молик муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол қатнашишини таъминлаш долзарб масала бўлиб турганини қайд этиш зарур.

2019–2021 йилларда эришилган асосий натижалар:

- туб институционал ислохотлар амалга оширилди, камбағалликни қискартириш учун масъул вазирликлар ва ҳудудий тузилмалар ташкил этилди;
 - миллий камбағаллик чегараси аҳолининг минимал истеъмол харажатларидан келиб чиққан ҳолда расман қабул қилинди;
 - Ўзбекистон аҳолисини 2030 йилгача ижтимоий-ҳимоя қилиш стратегияси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда;
 - маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла) даражасида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳисобга олиш ва манзилли қўллабқувватлашнинг янги миллий модели жорий этилди;
 - замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, давлат томонидан ижтимоий ёрдами кўрсатишни рақамлаштириш имконини берувчи “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими жорий этилди;
 - маҳалла даражасида аҳолининг алоҳида қатламлари (аёллар, ёшлар, кексалар, ногиронлар) бўйича табақалаштирилган ҳолда энг муҳтож оилаларни ҳолисона баҳолаш ва рўйхатини шакллантириш амалга оширилмоқда;
 - кам таъминланган оилалар аъзоларини мономарказларда ўқитиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш учун саноат, ёшлар, тадбиркорлик зоналарида янги иш ўринлари яратиш бўйича махсус механизмлар ишлаб чиқилди ва бандликнинг ностандарт шакллари (хўжалик ишлари, шахсий томорқа) ривожлантирилмоқда.
- Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва тадбиркорликни самарали ривожлантириш ва кичик бизнес секторини юксалтирилиши қанчалик кенг қўламли бўлса-да, иқтисодиёт тармоқларида у ёки бу даражадаги муаммолар тобора бартараф этиб борилмоқда. Қолаверса, бу муаммоларни ҳал этиш борасида қўлланилаётган чора-тадбирларни янада давомли эканлигини таъминлашимиз бугунги кундаги муҳим вазифаларимиздандир.

Фойдаланилган адабиётлар

9. Арипов, О. А. (2017). Современные тенденции развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане. *British Journal for Social and Economic Research*, 2(5), 33-40.
10. Арипов, О. А. (2018). Основные компоненты формирования деловой среды и масштабные развития в экономике Узбекистан. In Региональные проблемы преобразования экономики: интеграционные процессы и механизмы формирования и социально-экономическая политика региона (pp. 121-123).
11. Арипов, О. А. (2019). Создание благоприятного налогового климата для малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. In актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организаций (pp. 64-68).
12. Арипов, О. А. (2019). Структурные элементы деловой среды и их влияния на функционирования субъектов малого бизнеса и предпринимательства. *Региональные проблемы преобразования экономики*, (8 (106)).
13. Арипов, О. А. (2015). Современное развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. *Молодой ученый*, (22), 332-334.
14. Арипов, О. А. (2017). Приоритетные направления развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане. *Российское предпринимательство*, 18(24).
15. Abdullayevich, A. O. (2021). Problems Of Agricultural Development In Uzbekistan. *Design Engineering*, 9724-9729.
- Abdullayevich, A. O., & Abdullajanovich, U. T. (2021, December). Development of small business and private entrepreneurship in Uzbekistan. In *Conference Zone* (pp. 123-128)

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШДА КАСАНАЧИЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ
ЗНАЧЕНИЕ НАДОМНОГО ХОЗЯЙСТВА В ПОВЫШЕНИИ ДОХОДОВ НАСЕЛЕНИЯ
THE IMPORTANCE OF HOME-WORKING IN INCREASING POPULATION INCOME

Убайдуллаев Тохиржон Абдуллажанович
НамМҚИ, «Иқтисодиёт» кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Мақола аҳоли даромадларини оширишда касаначиликнинг аҳамиятини очиқ беришга қаратилган. Унинг ҳуқуқий асосларини тўғрисида мулоҳазалар юритилган. Ўзбекистонда касаначиликни ривожлантириш зарурлиги эътиборф этилган.

Калит сўзлар: касаначилик, кичик бизнес, тадбиркорлик, оилавий корхоналари, аҳоли даромадлари.

Целью статьи является раскрытие значения надомного хозяйства в повышении доходов населения. Даются комментарии к его правовой основе. Отмечается необходимость развития надомного хозяйства в Узбекистане.

Ключевые слова: надомное хозяйство, малый бизнес, предпринимательство, семейные предприятия, доходы населения.

The purpose of the article is to reveal the importance of home-based farming in increasing the income of the population. Comments are given on its legal basis. The need for the development of cottage industries in Uzbekistan is noted.

Key words: cottage industry, small business, entrepreneurship, family enterprises, household income.

Мамлакатимизда кейинги йилларда қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатлари айнан аҳолининг иқтисодий-ижтимоий турмушини яхшилашга қаратилган, оилавий даромад манбаи бўлган касаначиликни ривожлантиришга қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3706-сонли Фармони билан мамлакатимизда касаначиликка кенг йўл очилди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2006 йил 11 январда Вазирлар Маҳкамасининг 4-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра, “Касаначилик тўғрисидаги Низом” ҳамда иш берувчининг буюртмаси бўйича касаначи томонидан ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун намунавий меҳнат шартномаси тасдиқланди. Олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми сифатида 2007 йил 6 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 616-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан касаначилик меҳнатини иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, биринчи галда транспорт, алоқа, қурилиш ва қурилиш индустриясининг йирик корхоналарига, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат корхоналарида ҳам жорий этилиши кўзда тутилди.

Касаначиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлардан яна бири Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 июлдаги “Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 146-сонли қарори бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1112-сонли Қарори асосида тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар берилди. Ушбу қарор билан кичик корхона ўз уйларида ишлаётган (касаначилиқ билан шуғулланаётган) фуқаролар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузганда, кичик корхоналар учун назарда тutilган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар мазкур корхона учун сақланиб қолиши белгиланди.

Президентимиз И.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида бошқа муҳим устувор масалалар қаторида демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор берилганлиги ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, ҳуқуқий ҳимоялашга доир вазифаларнинг белгилаб берилганлиги ҳам касаначилиқнинг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Мана “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” йили давом этмоқда. Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, оилавий тадбиркорлик ва касаначилиқни ривожлантириш борасида бир қатор янги қонун ҳужжатларининг қабул қилинаётганлиги эса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар ҳамда улар қаторида уй шароитида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қиладиган экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқараётган касаначиларга янги имкониятлар эшигини очади. Бу эса, янги иш ўринларинг очилиши, ёшларнинг касб-ҳунарли ва ишли бўлишида, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Касаначилиқнинг аҳоли бандлигини ошириш ҳамда даромадларини кўпайтиришдаги мавжуд имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида 2006 йил 5 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначилиқни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида касаначилиқ фаолиятини ташкил этишда қуйидаги имтиёзлар белгиланиши кўрсатиб ўтилган:

- касаначилиқ фаолиятини ташкил этувчи корхоналарнинг беш йил муддатга, касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод этилиши;

- иш берувчига касаначиларга асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шarti билан бериш, жумладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш ҳуқуқининг берилиши;

- касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларнинг улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этилиши ва ҳ.к.

Маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Аҳолининг турмуши фаровонлиги, бир жиҳатдан, маҳалла тадбиркорлари, ишбилармонлари, қўлигул тикувчилари, моҳир ҳунармандлари, миришкор деҳқонларга боғлиқ. Маҳаллаларда ўзининг кичик бизнес фаолиятини йўлга қўяётган тадбиркорлар эса маҳалладошларини иш билан таъминлашга, касаначилиқни ривожлантириш орқали уй соҳибаларини ҳам фойдали меҳнатга жалб этишга муносиб ҳисса қўшиб келишаётир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арипов, О. А. (2017). Современные тенденции развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане. *British Journal for Social and Economic Research*, 2(5), 33-40.

2. Арипов, О. А. (2018). Основные компоненты формирования деловой среды и масштабные развития в экономике Узбекистан. In Региональные проблемы преобразования экономики: интеграционные процессы и механизмы формирования и социально-экономическая политика региона (pp. 121-123).
3. Арипов, О. А. (2019). Создание благоприятного налогового климата для малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. In Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организаций (pp. 64-68).
4. Арипов, О. А. (2019). Структурные элементы деловой среды и их влияния на функционирования субъектов малого бизнеса и предпринимательства. Региональные проблемы преобразования экономики, (8 (106)).
5. Арипов, О. А. (2015). Современное развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. Молодой ученый, (22), 332-334.
6. Арипов, О. А. (2017). Приоритетные направления развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане. Российское предпринимательство, 18(24).
7. Abdullayevich, A. O. (2021). Problems Of Agricultural Development In Uzbekistan. Design Engineering, 9724-9729.
8. Abdullayevich, A. O., & Abdullajanovich, U. T. (2021, December). Development of small business and private entrepreneurship IN Uzbekistan. In *Conference Zone* (pp. 123-128)

УДК:334.02

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ
ЖАДАЛЛАШТИРИШ**

**УСКОРЕНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУБЪЕКТОВ ЧАСТНОГО
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА**

ACCELERATING INNOVATION ACTIVITIES OF PRIVATE BUSINESS ENTITIES

**Набиева Мухаббат Жобирхановна
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси**

Аннотация

Мақолада хозирги шароитларда хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини жадаллаштиришнинг асосий омиллари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, эркин рақобат, инновация, таваккалчилик, инфратузилма, харажатлар, вақт омили.

В статье исследованы факторы активизации инновационной деятельности субъектов предпринимательства.

Ключевые слова: предпринимательство, свободная конкуренция, инновация, риск, инфраструктура, затраты, фактор времени.

The article examines factors for enhancing the innovative activities of business entities.

Key words: entrepreneurship, free competition, innovation, risk, infrastructure, costs, time factor.

Ўзбекистона амалга оширилаётган иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида иқтисодиётнинг нодавлат секторида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада

кенг имкониятлар тизimini шакллантириш устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бунда ушбу соҳада инвестициялаш жараёнларини жадаллаштириш ва энг асосийси, хусусий тадбиркорликни республикамиз аҳолисининг фаровонлигини оширишни белгиловчи, аҳолини иш билан бандлигини таъминловчи, экспортбоп товарлар ишлаб чиқарувчи ва иқтисодиётимиз учун зарур бўлган валюта тушумларини келтирувчи етакчи соҳага айлантириш назарда тутилмоқда.

Бу вазифаларни самарали тарзда бажариш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инновацион фаолиятга катта аҳамият бериш талаб этилмоқда. Иқтисодий тараққиётда юксак натижаларга эришган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, инновацион фаолият тадбиркорлик фаолиятининг моҳиятини ташкил қилиши керак. Тадбиркор ўз устида ишлаши, янгиликларни қидириши, яратиши, изланиши лозим. Бозор иқтисодиётидаги шиддатли рақобат курашида енгиб чиқиш, яшаб қолиш инновацион фаол бўлишни тақозо этади. Бу ҳаётий зарурият ҳисобланади. Инновация – бу эркин рақобат қонунидир, усиз бозор тизими ҳеч қачон ривожлана олмайди.

Хусусий тадбиркорликдаги инновацион фаолиятнинг қуйидаги омилларини қайд этиш мумкин:

1. Рағбатлар. Тадбиркорни инновация йўлида таваккал қилишга ундайди.
2. Имкониятлар. Тадбиркорни инновацияни амалга ошириш имконияти.
3. Чеклашлар. Тадбиркорнинг инновацион фаолиятини чеклайди, сустлаштиради.

Тадбиркорнинг инновацион фаолияти биринчи навбатда унинг ўз фойдасини орттириш йўлида тинмай изланиши бўлиб майдонга чиқади. Тадбиркор сифатли, рақобатбардош ёки умуман янги хил маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Бунинг учун у корхонасидаги технологияни такомиллаштиради, инновацияларни жорий этади, яъни янгиликларни қидиради, топади, ўз корхонасида қўллайди. Инновацияни жорий этиш муайян харажатларни талаб қилади. Айни пайтда, катта харажатлар қилинган бўлса ҳам, бозорга олиб чиқилган маҳсулотни бозорда яхши қабул қилинмаслиги хатари ҳам мавжуд бўлади. Қилинган харажатлар қопланмаслиги эса корхонанинг келажагини хавф остига қўяди. Шунинг учун ҳар қандай тадбиркор ҳар қандай янги ишни, инновацияни амалга оширишда пухта ўйлаб иш қўриши, ҳисоб-китобларни мукамал амалга ошириши лозим.

Тадбиркорни инновацион таваккалчиликка етаклайдиган куч - бу бозордаги рақобат қучидир. Эркин иқтисодиётда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг кўплиги, улар учун бозорга кириш учун имкониятлар етарли эканлиги туфайли улар ўртасида қучли рақобат кураши мавжуддир. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи кўпроқ маҳсулот сотишга ҳаракат қилади. Кимда-ким ҳаракатни сусайтирса, янгиликларга интилмаса, рақобатда ютқазиб қўйиши мумкин. Бундай хавф ҳар қандай тадбиркорга доимий равишда йўлдош бўлади. Шу сабаб тадбиркорни инновацион фаолиятга ундайди. Ана шу нарса – инновацион рағбатдир.

Инновация жараёнида тадбиркор ва тадқиқотчилар ҳамкорлик қилишлари лозим бўлади. Чунки кўпчилик ҳолларда инновациянинг муаллифи ва уни жорийэтувчиси битта шахсда мужассамлашган эмас. Инновация қандайдир ўйлаб топилган янгилик ёки илмий-техникавий фаолият натижаси бўлиши керак. Тадбиркор қандайдир илмий муассасага топшириқ бериши, ички ёки ташқи бозордан тайёр лицензия сотиб олиши, патент тадқиқоти ўтказиши мумкин. Муаммо қўйилса, олимлар ва тадқиқотчилар бу муаммо устида ишлайдилар ва ечимини топишга ҳаракат қиладилар. Шу сабабли, тадбиркор ўз муаммоларини илмий-тадқиқот муассасаларига етказиши лозим. Бундай ишларнинг ҳаммаси тадбиркорда маблағ бўлишини ҳам талаб қилади. Яратилган инновацияни жорий қилиш учун ҳам маблағ бўлиши керак. Тадбиркор ўзида бор бўлган ресурслардан маблағлардан фойдаланиши, ўзида йўқ бўлган ҳолда кредит, заем воситаларидан фойдаланиши лозим. Ресурс имкониятлари эса айниқса инқироз шароитларида анчагина чекланган бўлади.

Тадбиркорнинг инновацияга мойиллиги унинг малакаси, таваккалга бориш қобилияти, қизиқиши, билим доирасига ҳам жиддий равишда боғлиқ бўлади.

Тадбиркорларда стратегик фикр юритиш турлича бўлади. Кўп ҳолларда ёш, навқирон тадбиркорлар инновацияга кучлироқ интилади. Ўрта ёшлардаги тадбиркорларда ўзгаришларга қизиқишнинг нисбатан пасайиши кузатилади.

Тадбиркорларнинг инновацион фаолияти кўамларига жиддий таъсир этувчи муҳим омил – бу чеклашлардир. Давлатнинг мазкур жараёнларга аралашувини эътиборга олмаганда маблағ ва вақт яекловларини фарқлайдилар. Одатда йирик инновацияларни амалга ошириш учун кўп тадбиркорларда маблағ етишмайди, ташқи манбалардан маблағ жалб қилишга ҳам имконияти бўлмаслиги мумкин. Бундай чеклов тадбиркорларнинг холдингга, концернга, консорциумларга бирлашишлари орқали бартараф этилиши мумкин. Вақт омили эса инновацияларни амалга оширишда харажатларнинг қоплданиши учун муайян вақт талаб этилишида ифодаланади. Вақт ортиши эса кўпинча иқтисодий хатарларнинг ҳам оришига олиб келади.

Инновацион таваккалчиликнинг муҳим омилларидан бири илмий-техникавий тараққиёт жараёнининг узлуксизлигидир. Вақти-вақти билан янги турдаги маҳсулотлар, янги технологиялар яратилиши мумкин ва аввалроқ ишлаб чиқарилганлари тезда эскириши, янгиликларни аҳамиятсиз қилиб қўювчи янгиликлар пайдо бўлиши мумкин.

Тадбиркорларнинг инновацион фаолияти борасидаги чекловларни енгиб ўтишда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва давлат билан ҳамкорлиги жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Давлат инновацион жараёнда асосий қатнашчилардан ҳисобланади. У жуда ҳам муҳим, масъулиятли ва малакали функцияни бажаради. Тадбиркорлик фаолиятидаги инновацион жараёнда давлатнинг иштироки зарурлиги бир неча омиллар билан изоҳланади. Давлат инновацион соҳада стратегик қарорлар қабул қилади ва уларнинг бажарилишини назорат қилади, амалга оширади.

Давлат инновацион муҳитни вужудга келтиради, ҳукукий асосларни ҳамда инновацион фаолиятни амалга ошириш меъёрларини белгилайди. Қулай инновацион муҳитни яратиш инновацион жараён қатнашчилари учун маълум имтиёзлар белгилаб қўйилишини, янги техника ва технологияни ўзлаштириш вақтидаги ортиқча харажатларни қисман қоплаб берилишини, инновацион-инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун имтиёзли кредитларни, инновацион хатарларни суғурталаш тизимини ичига олади.

Макроиқтисодий нуқтаи назардан инновацион жараёнда стратегияни танлашни давлат ўз зиммасига олиши шарт. У бозордан ташқари секторда инновацион фаолиятни амалга оширилишини ташкил қилади. Фундаментал фанларни, давлат бошқарувини, муҳофафани, ҳуқуқ-тартибот, йирик экологик лойиҳаларни амалга оширилишини ташкил қилади. Аҳоли ҳам, тадбиркорлар ҳам ушбу секторни янгилашни ўз устига ола олмайди. Мамлакат иқтисодиётининг ривожини учун бу сектор жуда муҳим ҳисобланади, мамлакатни фаровонлиги ва унинг ҳавфсизлиги унда инновацион фаолият амалга оширилишини тақозо этади.

Давлат ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва молиявий инфратузилмалар орқали ҳам хусусий тадбиркорликдаги инновацион жараёнларни қувватлаб туриши лозим. Давлат инновацион инфраструктура билан кичик инновацион бизнесни ҳамкорликдаги ривожига таъсир кўрсатиши, улар ўртасида боғловчи бўғин вазифасини бажариши керак.

Бундан ташқари давлат инновацион жараён учун ходимлар тайёрлашни ўз зиммасига олади. Ўрта ва олий таълим инновацион йўналишда бўлиши керак. Кадрлар малакасини ошириш, масофадан ўқитиш, инновацион дастурлар бўйича махсус ўқитиш ваши у қабиларда инновацион фаолият эҳтиёжлари ҳисобга олиниши лозим.

Инновацион тараққиёт учун кадрлар тайёрлашнинг асослари олий таълим муассасалари, академик ва тармоқ институтлари ва инновацион фаол корхоналар ўртасида ҳамкорликни ўз ичига олади. Уларнинг ҳамкорлигини давлат ташкил этади, назорат қилади, рағбатлантиради ва зарур ўзгартиришлар киритади. Давлат инновацион жараён иштирокчиларинг интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Инновацион ижодий жараёнда фуқаролик жамияти ва унинг институтлари иштирок этадилар. Фуқаролик жамияти инновацион фаолият учун қулай ҳукукий шароитларни яратишга ҳаракат қилади. Фуқаролик жамиятида оммавий ахборот воситаларидан ҳам

самарали фойдаланиш лозим. Газета, радио, телвидение, Интернет ва бошқа воситалар инновацион жараён смарасига таъсир қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Сирожиддинов, И. К., & Ботирова, Р. А. (2016). Ускоренное развитие промышленности-основа структурных преобразований в экономике. Молодой ученый, (28), 546-548.
2. Сирожиддинов, И. К., & Ботирова, Р. А. (2014). Стимулирование развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. Молодой ученый, (6), 486-488.
3. Abdujabborovna, B. R., Kutbiddinovich, S. I., & Anvarovich, K. A. (2020). Innovation as an important factor in the development of the agricultural sector of the region's economy. Journal of Critical Reviews, 7(5), 821-823.
4. Rahima, B., & Sirojiddinov, I. (2021). Social Orientation of Economic Development in a Pandemic. Design Engineering, 7611-7617.
5. Anvarovich, H. A., Abdujabborovna, B. R., & Kutbiddinovich, S. I. (2021). Food orientation of agricultural production in the context of the coronavirus pandemic. Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol, 27(2).
6. Sirojiddinov, I. Q., & Abdumalik o‘g‘li, M. M. (2022, June). Signs and appearance of economic helplessness. In Conference Zone (pp. 8-14).
7. Raxima, B., Ikromiddin, S., & Musaxon, I. (2021). Development Of The Real Sector Of The Economy In The Conditions Of The Coronavirus Pandemic. Nveo-natural volatiles & essential oils Journal| NVEO, 2695-2699.
8. Ботирова, Р. А., & Сирожиддинов, И. К. (2018). Промышленное развитие-основа устойчивого экономического роста региональной экономики. Молодой ученый, (21), 229-231.
9. Abdulazizovich, K. U. Improving the reflection of money and cash equivalent in the accounting balance. Dear Academicians & Research Scholars, 55.
10. Abdulazizovich, X. U. B., Qutbiddinovich, S. I., & Sobirjon o‘g‘li, J. E. (2021). Positive aspects of the cash method in small businesses in a pandemic environment. American Journal of Economics and Business Management, 4(3), 1-8.
11. Abdulazizov, K. U., Sherzod, I., & Abdulkhodinevna, S. M. (2022). Improving the methodological basis of accounting for financial assets. international journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 34-39.

**UY XO‘JALIGI DAROMADLARI VA XARAJATLARI HAMDA ULARNI
TAKOMILLASHTIRISH**

ДОХОДЫ И РАСХОДЫ НАСЕМЕЙСТВ И ИХ УЛУЧШЕНИЕ

HOUSEHOLD INCOME AND EXPENDITURES AND THEIR IMPROVEMENT

**Namangan muhandislik-qurilish instituti
iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent Yuldashev Asqarali Yakubovich**

Annotatsiya

Maqolada uy xo‘jaliklari byudjetidagi daromadlari va xarajatlari tarkibi, ularning mazmun-mohiyati hamda xo‘jalik daromadlarini oshirish va xarajatlarini kamaytirish bo‘yicha amaliy tavsiya va takliflar berilgan.

Kalit so‘zlar: uy xo‘jaligi, daromad, xarajat, iqtisodiyot, kichik biznes sub‘yektlari, investitsiya, samaradorlik.

В статье приведен состав доходов и расходов бюджета домохозяйств, их содержание, а также практические рекомендации и предложения по увеличению доходов домохозяйств и сокращению расходов.

Ключевые слова: домохозяйство, доходы, расходы, экономика, субъекты малого предпринимательства, инвестиции, эффективность.

The article contains the composition of household budget incomes and expenses, their content, and practical recommendations and suggestions for increasing household incomes and reducing expenses.

Key words: household, income, expenditure, economy, small business entities, investment, efficiency.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida uy xo‘jaliklari moliyasini har bir davlat moliya tizimining ajralmas tarkibiy qismi hisoblanadi. Uy xo‘jaligining moliyaviy ahamiyati uning iqtisodiy jihatdan nimaga mo‘ljallanganligi bilan belgilanadi. Bir tomondan uy xo‘jaliklari ishlab chiqarish omillarining(mehnat, yer, kapital,) tadbirkorlik qobiliyati va boshqalarning xususiy egalari hisoblanadi. Ikkinchidan uy xo‘jaliklari iqtisodiyotda tovarlar va xizmatlarni iste‘mol qiluvchilar sifatida maydonga chiqadi va demak, bozor talablarini belgilab beradi.

Uy xo‘jaligini xo‘jalik yuritishning mustaqil iqtisodiy va moliyaviy birligi sifatida ajratilishi quyidagi me‘zonlar asosida amalga oshirilmog‘i lozim: birgalikda bir joyda yashash; umumiy byudjetning mavjudligi; iqtisodiy qarorlarning birgalikda qabul qilish.

Uy xo‘jaligiga a‘zo bo‘lgan shaxslar yashashi uchun bular qayerdan qanaqa ko‘rinishida daromad oladilar, endi biz uy xo‘jaligida daromad oladilar, endi biz uy xo‘jaligida daromadlari kelib tushishi manbalarini ko‘rib chiqamiz.

Eng umumiy ko‘rinishda, uy xo‘jaliklarining jami daromadlarim ikki guruhga ajratish mumkin: uy xo‘jaliklarining natural shakldagi daromadlari; uy xo‘jaliklarining pul shaklidagi daromadlari.

Natural daromadlar tovar shakliga ega emas va ular o‘z-o‘zini ta‘minlashga mo‘ljallangan uy xo‘jaligi a‘zolari mehnatining natijasidan iborat bo‘ladi. Ularning tarkibiga quyidagilar kirishi mumkin: shaxsiy yordamchi xo‘jalikdan olingan mahsulotlar; uy xo‘jaliklarida iste‘mol qilinadigan va qishloq xo‘jaligi korxonalaridan olingan natural to‘lovlar.

Turli manbalar hisobidan uy xo‘jaliklarining ixtiyoriga kelib tushuvchi pul mablag‘larining barcha summasi pul daromadlari deyiladi. Bozor munosabatlari taraqqiy etgan (rivojlangan) sharoitda aynan pul daromadlari uy xo‘jaliklarining hayotiychanligini ta‘minlash va ularning rivojlanishini

asosi hisoblanadi. Uy xo‘jaliklari pul daromadlarini tahlil qilishning asosi aholining shaxsiy daromadlari hisoblanadi va ular quyidagi ko‘rsatkichlar yordamida hisoblanadi (o‘lchanadi): nominal daromadlar; ega bo‘lingan daromadlar; real daromadlar.

Uy xo‘jaligi a‘zolarining ma‘lum davrdagi shaxsiy (individual) daromadlari to‘plamining puldagi ifodasiga nominal daromadlar deyiladi. Bu ko‘rsatkich soliqqa tortish darajasi va baholar dinamikasiga bog‘liq bo‘lmagan holda daromadlarni tavsiflaydi. Uy xo‘jaliklari nominal daromadlarining YalMdagi salmog‘i har bir mamlakat milliy xo‘jaligining rivojlanish darajasiga bog‘liq bo‘lib, taraqqiy etgan mamlakatlarda uning darajasi 65-75 foiz atrofida aylanadi. Bir vaqtning o‘zida, hisoblangan nominal daromadlar va haqiqatda olingan nominal daromadlar o‘rtasidagi farqni anglamoq lozim. Ular bir-birlaridan shu davrda hisoblangan, lekin to‘lanmagan daromadlar, shuningdek, o‘tgan davrlar uchun qarzlarning qaytarilishi natijasida olingan daromadlar o‘lchamiga (miqdoriga, summasiga) farqlanadi. Ish haqi bo‘yicha to‘lash muddati o‘tib ketgan qarzdorlikning mavjud bo‘lishi o‘tish iqtisodiyotiga ega bo‘lgan mamlakatlar uchun dolzarb muammolardan biridir.

Soliqlar va boshqa majburiy to‘lovlar to‘langanidan so‘ng uy xo‘jaligining ixtiyorida qoladigan daromadlarning puldagi ifodasiga uy xo‘jaligining ega bo‘lingan daromadi deyiladi. Bu daromad yakuniy iste‘mol va jamg‘arish uchun mo‘ljallangan. Yoppasiga o‘lchanganda ega bo‘lingan daromad aholining ixtiyoriga borib tushuvchi YalMning tegishli qismiga teng keladi. Uy xo‘jaliklari ega bo‘lingan daromadlarining o‘sishi aholining moliyaviy imkoniyatlarini salohiyatli ravishda kengaytiradi, ishlab chiqarishni rag‘batlantirishning bozor mexanizmlarini faollashtiradi. Rivojlangan mamlakatlarda uy xo‘jaliklari ega bo‘lingan daromadlarining YalMdagi salmog‘i 70 foizni tashkil etayapti.

Iqtisodiy mazmuniga ko‘ra ijtimoiy to‘lanmalar quyidagi ko‘rinishlari mavjud: mehnat pensiyalari bilan bog‘liq bo‘lgan to‘lanmalar- mehnat, ijtimoiy va harbiy pensiyalar; ijtimoiy xarakterdagi (tavsifdagi) to‘lanmalar - kam ta‘minlangan oilalarga, bola parvarishi bo‘yicha, homiladorlik va tug‘ish bo‘yicha; individual foydalanish xizmatlari bilan bog‘liq bo‘lgan to‘lanmalar-sog‘liqni saqlash, maorif, boshqa notijoriy tashkilotlar xizmatlarini to‘lash; cheklangan harakatga ega bo‘lgan to‘lanmalar - ishsizlik bo‘yicha nafaqalar, stipendiyalar.

Moliyalashtirish manbalariga ko‘ra ijtimoiy to‘lanmalar quyidagi ko‘rinishlari bor:

- barcha darajadagi byudjetlardan moliyalashtiriladigan ijtimoiy to‘lanmalar: respublika byudjetidan - urush ishtirokchilari va nogironlarini, jangovor harakatlar faxriylarini ijtimoiy jihatdan qo‘llab- quvvatlash choralari; mintaqaviy va mahalliy byudjetlardan - mehnat faxriylari, front orti mehnatkashlarini ijtimoiy jihatdan qo‘llab- quvvatlash choralari, turli xildagi ustama va qo‘shimchalar;

- davlat nobyudjet fondlarining byudjetlaridan moliyalashtiriladigan ijtimoiy to‘lanmalar: Pensiya fondining byudjeti hisobidan - mehnat, ijtimoiy pensiyalar, harbiy xizmatchilar va ularning oilalariga pensiyalar; Sosial sug‘urta fondi mablag‘lari hisobidan - vaqtinchalik mehnat qobiliyatini yuqotganligi uchun nafaqalar, oilaviy va onalik nafaqalari va h.k.

- korxonalarining mablag‘lari hisobidan moliyalashtiriladigan ijtimoiy to‘lanmalar- pensiyalarga ustamalar, pensiyaga chiqadiganlarga bir martalik nafaqalar va boshqalar;

- kasaba uyushmalari mablag‘lari hisobidan moliyalashtiriladigan ijtimoiy to‘lanmalar- oilaviy holatlarga ko‘ra turli bir martalik nafaqalar va boshqalar.

Yaxlit olinganda uy xo‘jaliklari daromadlarining ijtimoiy to‘lanmalar ko‘rsatkichi pensiyalar, nafaqalar, stipendiyalar, boshqa ijtimoiy va sug‘urta tushimlarini o‘zida birlashtiradi. Sosial to‘lanmalarni moddiy-buyumlashgan tarkibiga ko‘ra uch ko‘rinishga ajratish mumkin:

- pul mablag‘lari bilan yordamlashuv;
- imtiyozlar;
- natural ko‘rinishdagi yordam.

Bu sohada barcha imtiyozlarni qonuniy tarzda tartibga keltirish eng kamida quyidagi uch vazifaning yechilishini ko‘zda tutadi:

- imtiyozlarning taqdim etilish shakllarini o‘zgartirish (natural imtiyozlarni pul kompensatsiyalari bilan almashtirish) va byudjet resurslarining cheklanganligi uchun

moliyalashtirilishining iloji bo‘lmagan ko‘plab imtiyozlarni bekor qilish;

- ob‘yektiv ravishda muhtoj bo‘lgan, kasbiy me‘zonlari va alohida xizmatlari belgilari bo‘yicha manzilli qo‘llab-quvvatlashga o‘tish;
- ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash choralarining moliyalashtirish manbalarini keskin ravishda chegaralash.

Yuqorida keltirilgan vazifalarning bajarilishi ijtimoiy transfertlari (to‘lanmalarni) taqdim qilishning yangi modellariga o‘tishning samarali adaptatsion (moslashuvchan) shakllaridan foydalanishni talab qiladi.

Farovonlikning umumiy darajasiga bog‘liq bo‘lmagan holda daromadlarning differensiasiya qilinganligi (tabaqalanganligi) barcha mamlakatlar uchun xos. Jamiyatda jami daromadlarning taqsimlanishidagi notenglikni Jini koeffitsiyenti (daromadlarning konsentrasionalashuvi indeksi) yaqqol ko‘rsatadi. Uning umumiy ko‘tarilishi (yuqoriligi) jamiyatning chuqur ijtimoiy qatlamlarga bo‘linganligidan darak beradi. Ijtimoiy takror ishlab chiqarishning o‘sishi, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishda barqaror pozitiv (ijobiy) tendensiyalarning shakllanishi, daromadlarni davlat tomonidan tartibga solishning samarali instrumentlari, kambag‘allikni ogohlantirish mexanizmlari uy xo‘jaliklarida ega bo‘lingan real pul daromadlarining o‘sishiga, daromadlarning notengligi muammosini yumshatishga o‘z ta‘sirini ko‘rsatadi.

Uy-xo‘jaliklari moliyasi har birdavlat moliya tizimining ajralmas tarkibiy qismi hisoblanadi. Uy xo‘jaliklari moliyasi moliya tizimining muhim elementi hisoblanadi. Iqtisodiy kategoriya sifatida u uy xo‘jaliklarida iste‘mol maqsadlari va jamg‘arish uchun pul mablag‘lari fondlarini shakllantirish, ularni taqsimlash va foydalanishga oid iqtisodiy munosabatlar majmuidan iboratdir. Ana shuni e‘tiborga olgan holda uy xo‘jaliklariga iqtisodchi olim T.S.Malikov quyidagicha ta‘rif berish mumkin: «uy xo‘jaliklarida iste‘mol maqsadlari va jamg‘arish uchun pul mablag‘lari fondlarini shakllantirish, ulami taqsimlash va foydalanishga tegishli (oid) bo‘lgan iqtisodiy (moliyaviy) munosabatlar majmuiga uy xo‘jaliklari moliyasi deb ataladi»[1].

Uy xo‘jaligi a‘zolarining a‘zolarining ehtiyojlarini yanada to‘liq qondirish maqsadida zaruriy pul fondlari (joriy iste‘mol darajasini, pul rezervlarini, investisiyalashtirishni ushlab(saqlab) turish uchun va h.k. shakllantirish va ulardan foydalanishga oid uning ishtirokchilari (a‘zolari) o‘rtasida vujudga keladigan munosabatlar uy xo‘jaligining ichki moliyaviy munosabatlarini hisoblanadi.

Uy xo‘jaligida moliyaviy qarorlar qanday bo‘lishidan qat‘iy-nazar, baribir ularning pul fondlarini shakllantirish va ulardan foydalanish bilan bog‘liq.

Shu nuqtai-nazardan uy xo‘jaliklarining moliyaviy qarorlari bir-biri bilan uzviy ravishda bog‘langan quyidagi bloklarni qamrab oladi: uy xo‘jaligi daromadlarini shakllantirish, iste‘mol xarajatlarning hajmi va tarkibiy tuzilishi, jamg‘ariladigan fondlarni yaratish imkoniyati va zarurligi.

Yuqorida keltirilgan ikkinchi va uchinchi yo‘naltirishlardan ko‘rinib turibdiki pul fondlaridan foydalanishga doir moliyaviy qarorlarni qamrab oladi.

Uy xo‘jaliklarining xarajatlari quyidagi maqsadlarga yo‘naltiriladi: davriylik nuqtai nazaridan, xarajatlarning turlari bo‘yicha, xarajatlarning funksional mo‘ljallanganlikka bog‘liqligiga ko‘ra, majburiylik darajasi bo‘yicha, to‘lovlarning avtonomlilik xarakteriga ko‘ra, iste‘mol va jamg‘arishga yo‘naltirilayotgan real pul xarajatlarning turlari bo‘yicha.

Uy xo‘jaliklari byudjetlaridagi iste‘mol xarajatlari sub‘yektiv omillarga ham ta‘sirchan bo‘lib, ularning orasidan quyidagilarni alohida ajratib ko‘rsatish mumkin: iste‘mol qilishga bo‘lgan intilishning chegarasi; baholarning o‘zgarishiga nisbatan iste‘molchilarning kutuvchanligi; pul daromadlari; soliqlar; tovarlarning mavjudligi va boshqalar.

Makroiqtisodiy nuqtai nazardan uy xo‘jaliklari byudjetlarining iste‘mol xarajatlari ikkita eng muhim xususiyatga ega:

- birinchidan, iste‘mol xarajatlari yalpi mahsulot doiraviy aylanishi modelida yalpi talab va yalpi xarajatlarni tashkil qilishning eng katta qismi hisoblanadi;

- ikkinchidan, uy xo‘jaliklari byudjetlarining iste‘mol xarajatlari qisqa muddatli davrda bandlikva investitsiyalar darajasini tartibga solish orqali ta‘sir etish mumkin bo‘lgan yalpi talabning nisbatan barqaror tarkib toptiruvchisidir.

Uy xo‘jaliklari byudjetlari xarajatlari tarkibi, tarkibiy tuzilmasi va dinamikasini tahlil qilish, odatda, aholining daromadlari va xarajatlari balansi asosida amalga oshiriladi. Bu balansning eng umumiy ko‘rinishi quyidagicha bo‘lishi mumkin (navbatdagi betga qarang):

Uy xo‘jaliklari byudjetlari xarajatlari hisobidan tovarlarni sotib olish va xizmatlarni to‘lash (iste‘mol xarajatlari) o‘z ichiga quyidagilarni oladi: uy-joy va kommunal xizmatlarni, maishiy xizmatlarni, maorif tizimi xizmatlarini to‘lash; dam olish uylari, sanatoriylar, turistik yo‘llanmalar xarajatlari va tibiy xizmatlarni to‘lash; kino, teatr va boshqa tamoshalar xarajatlari; passajir transportining barcha turlarini to‘lash xarajatlari;

Majburiy to‘lovlar va ixtiyoriy badallar uy xo‘jaliklari byudjetlari xarajatlarining muhim elementi hisoblanadi. Bu xarajatlar, hozirgi sharoitda, o‘shish tendensiyasiga ega bo‘lib, ular quyidagi omillar bilan bog‘langan:

- birinchidan, aholi tadbirkorlik tashabbusining kengayishi yakka tartibdagi tadbirkorlarning xo‘jalik va savdo faoliyatidan olinadigan (undiriladigan) soliq, boshqa majburiy to‘lovlar va yig‘imlarning ham kengashi (ko‘payishi) bilan kuzatilmoqda;

- ikkinchidan, sug‘urta tizimining rivojlanishi, notijoriy sektor- ning o‘shishi (masalan, turli jamoatchilik tashkilotlari, birlashmalari va ittifoqlari), bir tomondan, sug‘urta bo‘yicha badallarni oshirsa, ikkinchi tomondan, notijoriy tashkilotlarga ajratmalarni ko‘paytiradi;

- uchinchidan, iste‘mol va ipoteka kreditining rivojlanishi uy xo‘jaliklari byudjetlarining xarajatlarida «ssudalarni qaytarish» va «tovar krediti bo‘yicha foizlar» moddalarining oshirilishiga olib keladi.

Sug‘urta bozorining intensiv rivojlanishi, bank xizmatlari amaliyotida iste‘mol krediti va u bilan bog‘liq bo‘lgan operatsiyalarning kengayishi natijasida kelajakda uy xo‘jaliklari byudjetlari xarajatlarining bu yo‘nalishlari faqat o‘shish tendensiyasiga ega bo‘lishi mumkin. Shuningdek, moliyaviy bozorning rivojlanishi va pensiya tizimining isloh qilinishi uy xo‘jaliklari byudjetlarida «pensiya fondiga sug‘urta badallari» xarajatlar moddasining ham o‘shishiga olib keladi.

Uy xo‘jaliklari byudjetlari xarajatlar qismining majburiy to‘lovlarida soliqlar va yig‘imlar kattagina hissani tashkil etadi. Uy xo‘jaliklari daromadlarining soliqqa tortilishi ular real daromadlarni qisqartiradi. Shunday bo‘lishiga qaramasdan, davlat moliyasining taqsimlash funksiyasi doirasida jismoniy shaxslarning daromadlari va mulkidan olinadigan soliqlar muhim vazifalarni yechishga xizmat qiladi. Birinchidan, bu soliqlar mamlakat byudjet tizimining turli byudjetlari darajalarida daromadlarning yetarli tushishini ta‘minlaydi. Ikkinchidan, jismoniy shaxslarning daromadlaridan olinadigan soliqlar olingan daromadlardan ratsional foydalanishni rag‘batlantirish va ularni shakllantirish yo‘llari bilan uy xo‘jaliklari byudjetlarining tarkibiy tuzilmasiga o‘z ta‘sirini ko‘rsatadi. Uchinchidan, soliqlar vositasida daromadlarning bir qismi jamiyat va uy xo‘jaliklarining ijtimoiy muammolarini yechish uchun qayta taqsimlanadi.

Aholi pul harajatlari va jamg‘armalari: tovarlarni sotib olish uchun va xizmatlarni to‘lash, majburiy to‘lovlar, omonatlar va qimmatli qog‘ozlardagi jamg‘armalarning o‘shishi, uy-joy binolarini sotib olish, xorijiy valyutalarni sobi olish uchun, o‘tkazmalar va jo‘natilgan pullar, bank foizi va kreditni qaytarish.

Shunday qilib, bizni fikrimizga ko‘ra uy xo‘jaligi daromadlarining asosiy manbalarini ish haqi ko‘rinishida olinadigan daromad, mulkiy daromad va tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanib olinadigan daromadlar kiradi. Bularni ichida asosiy uo‘rinni ish haqi ko‘rinishida daromad egallaydi. Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak aholi daromadlari xarajatdan ko‘p bo‘lsa, uy xo‘jaligida yashayotgan oila a‘zolarini yashash farovonligini yaxshilanib boriladi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik, Toshkent, - 2012, 712 b.
2. Романовский М.В. и др. Финанси, денежное обращение и кредит.—М.: Юрайт. 2018, 523 с.
3. Yuldashev A., Sirojiddinov I. Xusainov M. Moliyaviy menejment. Toshkent, Voris-Nashriyoti, - 2016. 311 b.

NOODATIY SHAROITIDA KICHIK KORXONALARDA KASSA USULINING IJOBIY JIHATLARI

ПОЗИТИВНЫЕ СТОРОНЫ КАССОВОГО МЕТОДА НА МАЛЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ В НЕОБЫЧНЫХ ОБСТОЯТЕЛЬСТВАХ

POSITIVE ASPECTS OF THE CASH METHOD IN SMALL ENTERPRISES UNDER UNUSUAL CIRCUMSTANCES

Xolmirzayev Ulug‘bek Abdulazizovich
Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), NamMQI

Xakimova Go‘zal Akbar qizi
NamMQI talabasi

Annotatsiya

Maqolada kassa usulida hisoblangan pul mablag‘larini kirimi hamda chiqimiga oid ma’lumotlarni ham analitik, ham umumlashgan tarzda shakllantiruvchi buxgalteriya hisobining ichki hisoboti shaklining modeli keltirilgan.

Kalit so‘zlar: Pul mablag‘larining kirimi, pul mablag‘larining chiqimi, pul mablag‘larini hisobga olishda kassa usuli, pul mablag‘lari kirimi va chiqimi buyicha ichki hisobot, pul mablag‘lari buyicha ichki hisobotning modeli, noodatiy sharoit.

В статье представлена модель формы внутреннего бухгалтерского отчета, формирующая как аналитическую, так и обобщенную информацию о приходах и расходах денежных средств, рассчитанную кассовым методом.

Ключевые слова: приток денежных средств, отток денежных средств, метод кассового учета, внутренняя отчетность о притоке и оттоке денежных средств, модель внутренней отчетности о движении денежных средств, необычные обстоятельства.

The article presents a model of the form of the internal accounting report, which forms both analytical and generalized information on cash receipts and withdrawals calculated by the cash method.

Key words: cash inflow, cash outflow, cash accounting method, cash inflow and outflow internal reporting, cash flow internal reporting model, unusual circumstances.

Xalqaro va milliy iqtisodiyotda noodatiy holatlar kutilmaganda yuzaga keladi hamda odatiy sharoitda faoliyat yuritayotgan barcha biznes sub’ektlarni busiz ham etarli bo‘lib turgan muammolarini yanada ko‘paytiradi va masalalarni battar og‘irlashtiradi. Bu paytda korxonalar faoliyatlarini noodatiy sharoit muhitida yoki unga moslashib amalga oshirishi shart bo‘lib qoladi. Misol uchun, 2008 yilda boshlangan global moliyaviy-iqtisodiy inqiroz fikrimizni tasdig‘idir. Ta’kidlash kerakki, 2019 yilda boshlangan pandemiya ham iqtisodiyotda xuddi shunday noodatiy voqelikni boshlab berdi.

Ushbu maqolada pandemiya davom etayotgan sharoitda kichik korxonalarda, aynan, pul mablag‘larini to‘g‘ri boshqarishda buxgalteriya hisobi va iqtisodiy tahlil imkoniyatlaridan yanada ko‘proq foydalanish zarur degan masalaga o‘z qarashlarimizni bildirmoqchimiz. Ya’ni, kichik korxonalar faoliyatida pul mablag‘laridan maqbul foydalanishni boshqaruv va moliyaviy hisob hamda iqtisodiy tahlil usullari vositasida amalga oshirishning yo‘llari ko‘p. Birok, ularning barchasi odatiy iqtisodiyot sharoitiga moslashganligi bilan o‘ziga xos tavsif kasb etadi.

Maqoladagi bizning qarashimizda odatiy iqtisodiyotdagi kichik korxonalar hisob tizimida

pul mablag‘lari holati va harakatini hisobga olish hamda tahlil qilishda amal qilinmayotgan yoki etarlicha ahamiyat berilmayotgan kassa usulini imkoniyatlari va bir qator afzalliklari hamda ularni pandemiya (noodatiy) sharoitida pul mablag‘larini to‘g‘ri boshqarishda samarali foydalansa bo‘ladigan amaliy ahamiyatini ko‘rsatib berishdir. Biroq, sohaga oid adabiyotlarda mazkur masalaga tegishli, ya‘ni noodatiy sharoitlarda pul mablag‘lari hisobi va tahliliga oid fikrlar bildirilmagan. Biz tomonimizdan o‘rganib chiqilgan qator adabiyotlarda (1, 2, 3, 4.) asosan hisoblash usulining afzaliklari, kassa usulining kamchiliklari buyicha qarashlar bayon etilgan, xolos. Mavjud manbalarda pandemiya sharoitiga o‘xshagan o‘z xususiy tasfiga ega bo‘lgan global (noodatiy) holatlar va ularning korxonalarga ta’siri, bunday sharoitda hisob yoki tahlilni foydalanilmayotgan imkoniyatlarni ishga solish, qo‘shimcha tadbirlar qo‘llanilishi natijasida nimalarga erishish mumkin degan masalalar ko‘rib chiqilmagan. Mazkur maqolada biz pandemiya sharoitida kichik korxonalar hisob tizimidagi kassa usulini imkoniyatlaridan boshqaruv hisobi hamda tahlili yo‘nalishlarida foydalanishni kerakli tomonlarini model shaklida ko‘rsatib bermoqchimiz. Mazkur mavzudagi tadqiqot ishi uchun ma‘lumotlar O‘zbekiston Respublikasi Namangan viloyatida faoliyat ko‘rsatayotgan kichik korxonalardan olingan va sinovdan o‘tkazilgan. Kichik korxonalarda boshqaruv hisobida pul mablag‘lari harakati va holatini shakllantirib beruvchi ichki hisobot buxgalteriya hisobining amaldagi barcha usullaridan foydalanilgan holda shakllantirilgan. Ichki hisobot modelida bu yondashuv yaqqol ko‘rinib turibdi. Lekin, bu erdagi asosiy jihat pul mablag‘larini kirimi yoki chiqimini hisobga olishda kassa usuliga asoslanishdir. Ya‘ni, haqiqatda kelib tushgan pul mablag‘i daromad tarzida kiritilgan olinadi, haqiqatda to‘langan pul mablag‘lari chiqim tarzida mazkur hisobotda aks ettiriladi.

Taklif etilayotgan ichki hisobot shaklining mazmuni - hisoblash usuli bilan kassa usulini uyg‘unlashtirgan holda kichik korxonadagi boshqaruv hisobi va tahlilida pul mablag‘lari harakati va holati bo‘yicha, ham analitik, ham yig‘ma ma‘lumotlarni faoliyat turlari (hisob ob‘ektlari) bo‘yicha xronologik hamda tizimlashtirilgan usulda shakllantirib berish tashkil etadi. Bu ichki hisobot bilan kichik korxonadagi faoliyat turlari (hisob ob‘ektlari) hamda ularga sarflangan xarajatlar bo‘yicha haqiqatdagi pul chiqimlari, shu bilan birga mutunosib tartibda faoliyat turlari (hisob ob‘ektlari) bo‘yicha haqiqatdagi pul kiritimlarini holati bo‘yicha muayyan sanaga bo‘lgan ma‘lumotlarini shakllantirishga erishish imkonini beradi. Haqiqatdagi pul chiqimi hamda kiritimi to‘g‘risidagi ma‘lumotlar, avvalo pul mablag‘larini to‘g‘ri boshqarish, shu asosda esa biznes faoliyatini maqbul harakatini ta‘minlashga qaratilgan boshqaruv qarorlarni qabul qilish uchun zarurdir.

Kichik korxonalarda pul mablag‘lari harakati va holatini shakllantirib beruvchi ichki hisobot shakli pandemiya sharoitida pul mablag‘larini maqbul boshqarishda bir qator ijobiy jihatlariga ega. Mazkur ichki hisobot shaklini va mazmunini, uning algoritmini model tarzida (1-jadval) ko‘rib chiqamiz.

1-jadval

Kichik xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlarda pul mablag‘lari harakati va holatini shakllantirib beruvchi ichki hisobot shaklining modeli [1]

Xarajatlarning faoliyat turlari bo‘yicha tarkiblanishi	Shu jumladan:	Daromadlarning faoliyat turlari bo‘yicha tarkiblanishi	Shu jumladan:
	Pul mablag‘i chiqimini talab etishiga ko‘ra faoliyat ob‘ektidagi xarajatlar tarkibi		Pul mablag‘i kiritimiga ko‘ra faoliyat ob‘ektidagi daromadlar tarkibi
A	B	C	D
1. Ishlab chiqarish xarajatlari (X_1) ($X_1 = X_{1Y} + X_{1S} + X_{1Z}$)	Pul mablag‘i chiqimini talab etgan xarajatlar (X_{1Y})	1. Ishlab chiqarilgan mahsulotlarni sotishdan daromad (S_1) ($S_1 = S_{1Y} + S_{1D} + S_{1Z}$)	Pul kiritimini olib kelgan sotuv (S_{1Y})
	Kreditorlik hisobiga shakllantirilgan xarajatlar (X_{1S})		Debitor majburiyatlar (S_{1D})
	Pul mablag‘i chiqimini talab etmagan xarajatlar (X_{1Z})		Boshqa shakllardagi daromad (S_{1Z})
	Jami xarajat ($X_1 = X_{1Y} + X_{1S} + X_{1Z}$)		Jami daromad ($S_1 = S_{1Y} + S_{1D} + S_{1Z}$)

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” jurnali 9-son 2023 yil

2. Davr xarajatlari (X_2) ($X_2 = X_{2Y} + X_{2S} + X_{2Z}$)	Pul mablag‘i chiqimini talab etgan xarajatlar (X_{2Y})	X	X
	Kreditorlik hisobiga shakllantirilgan xarajatlar (X_{2S})		
	Pul mablag‘i chiqimini talab etmagan xarajatlar (X_{2Z})		
	Jami xarajat ($X_2 = X_{2Y} + X_{2S} + X_{2Z}$)		
X	X	2. Asosiy faoliyatdan boshqa daromadlar (S_2) ($S_2 = S_{2Y} + S_{2D} + S_{2Z}$)	Pul kirimi (tushumi) shaklida (S_{2Y})
			Debitor majburiyatlar (S_{2D})
			Boshqa shakllardagi daromad (S_{2Z})
			Jami daromad ($S_2 = S_{2Y} + S_{2D} + S_{2Z}$)
3. Moliyaviy foyiat bo‘yicha xarajatlar (X_4) ($X_4 = X_{4Y} + X_{4S}$)	Pul mablag‘i chiqimini talab etgan xarajatlar (X_{4Y})	3. Moliyaviy faoliyatdan daromadlar (S_3) ($S_3 = S_{3Y} + S_{3D}$)	Pul tushumi shaklida (S_{3Y})
	Kreditorlik hisobiga shakllantirilgan xarajatlar (X_{4S})		Debitor majburiyatlar (S_{3D})
	Jami xarajat ($X_4 = X_{4Y} + X_{4S}$)		Jami daromad ($S_3 = S_{3Y} + S_{3D}$)
4. Favqulodda xarajatlar (zararlar) (X_5) ($X_5 = X_{5Y} + X_{5Z}$)	Pul mablag‘i chiqimini talab etgan xarajatlar (X_{5Y})	4. Favqulodda daromad (S_4) ($S_4 = S_{4Y}$)	Pul tushumi shaklida (S_{4Y})
	Pul mablag‘i chiqimini talab etmagan xarajatlar (X_{5Z})		
	Jami xarajat ($X_5 = X_{5Y} + X_{5Z}$)		
5. Foydadan soliqlar (X_6) ($X_6 = X_{6Y}$)	Pul mablag‘i chiqimini talab etgan xarajatlar (X_{6Y}) ($X_6 = X_{6Y}$)	X	X
6. Yalpi xarajatlar ($X_{\Sigma X}$) ($X_{\Sigma X} = X_1 + X_2 + X_4 + X_5 + X_6$) yoki ($X_{\Sigma X} = X_{\Sigma Y} + X_{\Sigma C} + X_{\Sigma Z}$)	Pul mablag‘i chiqimini talab etgan xarajatlar ($X_{\Sigma Y}$) ($X_{\Sigma Y} = X_{1Y} + X_{2Y} + X_{4Y} + X_{5Y} + X_{6Y}$)	5. Yalpi daromad ($S_{\Sigma S}$) ($S_{\Sigma S} = S_1 + S_2 + S_3 + S_4$) yoki ($S_{\Sigma S} = S_{\Sigma Y} + S_{\Sigma D} + S_{\Sigma Z}$)	Pul tushumi shaklida ($S_{\Sigma Y} = S_{1Y} + S_{2Y} + S_{3Y} + S_{4Y}$)
	Kreditorlik hisobiga shakllantirilgan xarajatlar ($X_{\Sigma C}$) $X_{\Sigma C} = X_{1S} + X_{2S} + X_{4S}$		Debitor shaklida ($S_{\Sigma D} = S_{1D} + S_{2D} + S_{3D}$)
	Pul mablag‘i chiqimini talab etmagan xarajatlar ($X_{\Sigma Z}$) ($X_{\Sigma Z} = X_{1Z} + X_{2Z} + X_{5Z}$)		Boshqa shakllarda ($S_{\Sigma Z} = S_{1Z} + S_{2Z}$)
	Yalpi xarajat $X_{\Sigma X} = X_{\Sigma Y} + X_{\Sigma C} + X_{\Sigma Z}$		Yalpi daromad ($S_{\Sigma S} = S_{\Sigma Y} + S_{\Sigma D} + S_{\Sigma Z}$)
7. O‘tgan davrdan qolgan kreditorlik qazlarini to‘lash uchun (X_7)	Muddati kelgan kreditorlik qarzlari uchun pul chiqimi (X_{7Y})	6. O‘tgan davrdan qolgan debitorlik qazlarni undirilishi (S_5)	Qolgan debitorlik qarzlari tushumi (S_{5Y})
Hisobot davridagi jami pul chiqimi (X_8) $X_8 = (X_{\Sigma Y} + X_{7Y})$		Hisobot davridagi jami pul kirimi (S_6) $S_6 = (S_{\Sigma Y} + S_{5Y})$	

1-jadvalning bo‘ylamasida yo‘nalishidagi A (Xarajatlar) va S (Daromadlar) ustunlar bo‘yicha ma’lumotlar xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning moliyaviy natijalarini shakllantirish tartibiga

asoslangan holatda tuzilgan va xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning barcha faoliyat turlarini qamrab olgan. Biroq ta’kidlab o‘tish kerakki mazkur ichki hisobot moliyaviy natijalarni aniqlash uchun mo‘ljallanmagan. Ushbu ma’lumotlar xo‘jalik yurituvchi sub’ektga har bir faoliyat turidan qancha pul mablag‘i daromad shaklida olinganligi, uning hajmi, mazkur sana byicha pul chiqimi talab etgan xarajatlarni qoplashga etariligi yoki ortiqchaligini bilish uchun kerak. Bundan tashqari hisobot davri uchun qancha pul uzluksiz daromad shaklida kelib tushishi hamda ularni zahira ko‘rinishida mavjud bo‘lib turishiga etariligi o‘rganiladi. Shu bilan birga qaysi hisob ob’ektidan pul mablag‘i kirimi ko‘p va o‘z vaqtida kelayotganligi aniqlanadi. Basharti, pul mablag‘larini daromad shaklida kirimi etarli bo‘lmasa xo‘jalik yurituvchi sub’ekt qisqa muddatli yoki uzoq muddatli kredit olish chora tadbirlarini belgilaydi. Qisqacha aytganda pul ko‘rinishida kirim qilingan daromadlar hisob-kitobi va tahlili xarajatlar hisob-kitobi va tahlili bilan bir hil. Faqat pul kirimi daromad nuqtaiy nazaridan o‘rganiladi. Hisobot ma’lumotlari asosida xo‘jalik yurituvchi sub’ekt faoliyati hamda har bir hisob ob’ekti bo‘yicha pul ta’minotini ahvolini baholash uchun pul kirimi va chiqimi munosabati bo‘yicha xo‘jalik yurituvchi sub’ektning holatini ichki mezonlarni belgilab olish mumkin (2-jadval).

2-jadval

Pul kirimi va chiqimi nisbati bo‘yicha xo‘jalik yurituvchi sub’ektning holatini baholash mezonlari [2]

Hisob ob’ekti nomi	Formula	Mezonlar			
		a’lo	yaxshi	me’yorda	yomon
Hisobot davridagi jami pul kirimi (K) bilan hisobot davridagi jami pul chiqimining (Ch) nisbat ko‘rsatkichi (N)	$N = (K/Ch)$	$N \geq 2$	$N = (1,5-1,9)$	$N = (1,4-1,1)$	$N < 1$

2-javaldagi mezonlarga asoslanib har bir alohida olingan hisob ob’ektidagi (shuningdek xo‘jalik yurituvchi sub’ekt bo‘yicha jami) pul chiqimi va kirimi bo‘yicha bu boradagi holatga baho berish mumkin. Mazkur baholash faqatgina o‘tgan davr uchun emas balki prognoz maqsadlari uchun ham o‘ta muhim. Shu joyda ta’kidlash kerakki mazkur yondashuv kichik xo‘jalik yurituvchi sub’ektda har bir faoliyat turi yoki hisob ob’ekti bo‘yicha, ayniqsa muayyan mahsulot (ish, xizmat) ishlab chiqarishda qo‘llanilayotganda, resurslarni sotib olish va ularni sarflash hajmi imkon qadar sotilgan mahsulotning (ish, xizmat) hajmidagi iste’mol etilgan resurslar miqdoriga teng yoki yaqin bo‘lishi kerak. Shu bilan birga ta’minot va sotish davri qisqa muddatli tavsif kasb etsa ushbu ichki hisobot shakli ma’lumotlarining qaror qabul qilishdagi ahamiyati yuqori bo‘ladi. Basharti, bu muddat uzoqroq tavsif kasb etsa, u holda ma’lumotlarning ahamiyati o‘ta kuchli bo‘lmasligi mumkin. Chunki, mazkur yondashuv asosida kassa metodi turibdi. Buning mazmuni shu erdagi, har bir hisob ob’ektini muayan davr oralig‘ida ishlab chiqarish va sotish uchun qancha pul chiqimi kerak bo‘ldi, shu bilan birgalikda qancha pul kirimini daromad shaklida oldi degan ma’lumotlar ko‘rib chiqiladi. Aynan, hisob ob’ektidagi pul chiqimi va kirimi ishlab chiqarish faoliyatini qo‘shimcha pul mablag‘i jalb etmay uzluksiz davom ettirishga etarlimi? degan savolga javob topiladi. Bundan tashqari pul kirimini (har bir hisob ob’ektlari bo‘yicha birgalikda) shu davrdagi ortiqcha qismi xo‘jalik yurituvchi sub’ektning davr xarajatlari, moliyaviy xarajatlari va soliq to‘lovlariga ham etish yoki etmasligi o‘rganiladi. Basharti, mahsulot (ish, xizmat) ishlab chiqarish va sotish o‘rtasidagi vaqt uzoq tavsif kasb etsa pul oqimlari boshqa usullarda tahlil qilinishi mumkin. Pandemiya sharoitida xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar o‘z aylanmasi uchun etarli pul mablag‘iga ega bo‘lishi hamda mavjud mablag‘lardan sharoitdan kelib chiqqan holda maqbul va samarali foydalanishni yo‘lga qo‘yishi asosiy masaladir. Biz tomonimizdan taklif etilgan ichki hisobot shakli pandemiya sharoitida xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatda pul mablag‘larini jalb etish, sarflash hamda ularni ko‘paytira oladigan muomalalarni to‘g‘ri boshqarish uchun o‘zining amaliy ahamiyatiga ega. Mazkur hisob tartibi, ya’ni kassa usuli asosida qayd qilingan pul kirimi hamda chiqimi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni har bir hisob ob’ekti, faoliyat turi, jami biznes faoliyati

bo‘yicha shakllantirilishi, biznes faoliyatida mavjud pul mablag‘lari harakati holatini bilish va ularni nazorat qilish, pul mablag‘lari harakati o‘rtasidagi mutunosiblikka erishish va uni bir ma‘romda ushlash yoki ijobiy qoldiq bilan davom ettirish, pul mablag‘lari harakatini prognoz qilish uchun muhim vosita hisoblanadi. Ushbu vosita, boshqa mexanizmlar bilan birgalikda xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlar biznes faoliyatini sharoitdan kelib chiqib uzluksiz davom ettirib olib borilishini ta‘minlashga xizmat qiladi. Ta‘kidlash kerakki, mazkur vosita kichik xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlar faoliyati uchun moslashtirilgan tarzda ishlab chiqilgan. Lekin, sohaga doir adabiyotlar yoki maqolalarda mazkur masalaga bevosita tegishli ahamiyatli fikrlarni topa olmadik. Bildirilgan barcha fikrlar odatiy sharoitda pul mablag‘lari hisobi va tahliliga bag‘ishlangan. Bu borada kassa usulining kamchiliklari to‘g‘risida bir qator qarashlar mavjud. Ko‘rib chiqilgan qarashlar to‘g‘ridan-to‘g‘ri o‘rganilayotgan masalaga tegishli bo‘lmagani uchun ularni iqtibos shaklida keltirib o‘tmadik.

1. Pandemiya ta‘sirida yuzaga kelgan iqtisodiy inqirozni o‘ziga xos jihati biznes sub‘ektlarning o‘zaro munosabatlarida, ham talabni, ham taklifni bir-birlariga bog‘liq bo‘lmagan holatda birgalikda kamayishiga olib keldi. Buning bosh sabablaridan biri iqtisodiy faoliyatini vaqtincha majburan to‘xtatish (ommaviy karantin) holatlari hisoblanmoqda. Natijada ishlab chiqarish uchun xom ashyolar sotib olish ham vaqtincha to‘xtamoqda yoki qisqarmoqda, shu bilan birga ishlab chiqarish hajmi ham kamaymoqda yoki to‘xtamoqda. Bu esa, korxonalaridagi pul mablag‘larining aylanish hajmini keskin kiskarishga olib keldi yoki kelmoqda.

2. Xalkaro va milliy iqtisodiyotda yuzaga kelgan pandemiya sharoiti barcha korxonalar faoliyatini noodatiy bo‘lgan muhitida amalga oshirishini shart qilib qo‘ydi. Bundan kelib chiqadiki pandemiya (noodatiy) sharoitida korxonalar faoliyatida pul mablag‘larini jalb etish, sarflash hamda ularni ko‘paytira oladigan muomalalarni to‘g‘ri boshqarishni ta‘minlaydigan ma‘qul iqtisodiy mexanizm yoki vositalarni yo‘lga qo‘yish eng zarur va markaziy masaladir. Bu borada buxgalteriya hisobi va iqtisodiy tahlil o‘zining ahamiyati o‘rniga ega.

3. Bizni bu erda aytmoqchi bo‘lgan fikrimiz pandemiya davom etayotgan sharoitda korxonalarda, aynan, pul mablag‘larini to‘g‘ri boshqarishda buxgalteriya hisobi va iqtisodiy tahlil imkoniyatlaridan yanada ko‘proq foydalanish zarur. Biznes faoliyatida korxonalarda pul mablag‘laridan maqbul foydalanishni boshqaruv va moliyaviy hisob hamda iqtisodiy tahlil usullari vositasida amalga oshirishning yo‘llari ko‘p. Biroq, ularning barchasi odatiy iqtisodiyot sharoitiga moslashganligi bilan o‘ziga xos tavsif kasb etadi.

4. Bu boradagi mavjud fikrlardan farq etgan holda bizning qarashimizda odatiy iqtisodiyotdagi korxona hisob tizimida pul mablag‘lari holati va harakatini hisobga olish hamda tahlil qilishda amal qilinmayotgan yoki etarlicha ahamiyat berilmayotgan kassa usulini imkoniyatlari va bir qator afzalliklari hamda ularni pandemiya (noodatiy) sharoitida pul mablag‘larini to‘g‘ri boshqarishda amaliy ahamiyatga ega.

5. Taklif etilgan boshqaruv hisobidagi ichki hisobot shakli modeli korxona biznes faoliyatida naqd pul mablag‘larini kirimi va chiqimi holatini hisob ob‘ekti, faoliyat turi va faoliyat turlarining jami bo‘yicha ko‘rsatib berishga taylangan bilan o‘ziga xos tavsif kasb etadi. Hisobot shaklidagi ma‘lumotlar muayyan sana uchun qaysi hisob ob‘ektiga qancha pul mablag‘i sarflanganligini hamda qaysi hisob ob‘ektidan qancha pul mablag‘i kelib tushganligini aniq ko‘rsatib berishga taynlangan.

Foydalanilgan adabiyotlar ruyxati

1. Jerry J. Weygandt, Paul D Kimmel, Donald E. Kieso. Financial Accounting. 11 editions, 2020. Australia.
2. Ochilov I.K., Temirxanova M.J. Finansovoy uchyot.-T.: IQTISOD-MOLIYA, 2021.
3. Xolmirzaev Ulug‘bek Abdulazizovich. “Moliyaviy aktivlar hisobini yuritishda xalqaro standartlar qoidalarini qo‘llash masalalari”. Ilmiy monografiya. Toshkent – 2023.
4. Abdulazizovich, K. U. B. (2023). Improvement Of Information About Accounts Receivable In Current Assets In The Balance Sheet Based On International Standards. *Journal of Survey in Fisheries Sciences*, 10(2S), 2849-2859.

**АГРОСАНОАТ КЛАСТЕРЛАРИДА ТАРМОҚЛАР ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ
МУНОСАБАТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**ПЕРСПЕКТИВЫ УГЛУБЛЕНИЯ ВЗАИМОЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ
ОТРАСЛЕЙ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КЛАСТЕРА**

**PROSPECTS FOR DEEPENING MUTUAL ECONOMIC TIES BETWEEN SECTORS OF
THE AGRO-INDUSTRIAL CLUSTER**

Сирожиддинов Камолиддин Икромиддинович
НамДУ, и.ф.н., доцент

Аннотация

Мақолада агросаноат кластерларида тармоқлар ўзаро иқтисодий муносабатларини чуқурлаштириш истиқболлари тадқиқ этилган. Агросаноат мажмуаси тармоқларининг иқтисодий самарадорлиги даражасини белгилаб берувчи омиллар туркумланган.

Калит сўзлар: агросаноат комплекси, кластер, қишлоқ хўжалиги, агросаноат интеграцияси, иқтисодий самарадорлик.

В статье исследованы перспективы углубления взаимоотношений отраслей в агропромышленных кластерах. Классифицированы факторы, определяющие уровень экономической эффективности отраслей агропромышленного комплекса.

Ключевые слова: Агропромышленный комплекс, кластер, сельское хозяйство, агропромышленная интеграция, экономическая эффективность.

The article examines the prospects for deepening mutual relations between industries in agro-industrial clusters. The factors that determine the level of economic efficiency of branches of the agro-industrial complex are classified.


Key words: Agro-industrial complex, cluster, agriculture, agro-industrial integration, economic efficiency.

Аграр ва саноат тармоқларининг иқтисодий, фан-техника, технологик ва бошқа ресурс имкониятларини бирлаштириш орқали ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнинг уйғунлашуви, меҳнат тақсимотининг юқор даражадаги чуқурлашуви, асосий ва айланма капиталнинг бирикиши ҳамда ундан биргаликдан фойдаланиш агросаноат интеграциясининг энг муҳим жиҳатидир. АСМ (Агросаноат мажмуаси тармоқлари) интеграцияси хом ашё ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашни ўзаро мувофиқ ҳолда ривожлантириш кооперацияси (тўғридан-тўғри контрактация ва шартнома асосида), шунингдек комбинациялашган (хом ашё етиштирадиган ва уни қайта ишлайдиган корхоналарнинг ташкилий бирлашиши) ишлаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида олиб борилади. Бугунги кунда мамлакатимизда АСМ интеграциялашув жараёнлари янги ташкилий-иқтисодий механизмга эга бўлган агрокластерлар кўринишида изчил ривожланиб бормоқда. Бу жараён агарар ишлаб чиқаришни бошқариш, режалаштириш, мавжуд фондлар, захиралар, моддий-техника таъминотини марказлаштириш, ёрдамчи корхоналар, ёрдамчи хизмат муассасалари яратиш ва илмий муассасалар билан узвий ҳамкорлик асосида ташкил этилмоқда. Агрокластерлар пировард маҳсулот яратишнинг барча босқичларнинг узвий бирлашишига имкон беради юқори даражадаги қўшимча қиймат занжирини шакллантириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Агрокластерлар шаклидаги агросаноат интеграциясининг ривожланиши, биринчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасига бошқа соҳа ва тармоқларнинг, биринчи навбатда саноатнинг

кириб келишини, иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг борган сари миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари билан уйғунлашиб боришини англатади.

Тармоқлараро баланс ҳисоб-китобларига кўра, айти пайтда, қишлоқ хўжалиги саноатдаги асосий тармоқларнинг салмоқли қисми маҳсулотларидан фойдаланмоқда. Аграр тармоқнинг саноат ва миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан интеграциялашуви қай даражада содир бўлмасин, объектив жараён ҳисобланиб, мамлакат ва жаҳондаги мавжуд иқтисодий конъюнктура талабларидан асосида шаклланади. Интеграция натижасида аграр ва саноат фаолиятларини умумий технологик жараён асосида ягона хўжалик мажмуи тарзида бирлаштирадиган агросаноат корхоналари, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот олишнинг барча босқичларини ўз ичига оладиган ҳудудий, ташкилий ва технологик бирлашган корхоналар мажмуи бўлган агросаноат бирлашмалари ва мамлакат миллий иқтисодиёти микёсида яхлит агросаноат мажмуини юзага келтиради. Агросаноат интеграциясининг илк кўринишлари мамлакатмизда ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ пайдо бўлган. Бу асосан агросаноат корхоналари ва агросаноат бирлашмалари кўринишида бўлиб, пахтачилик, қоракўлчилик, боғдорчилик («совхоз-завод», «колхоз-завод»лар) соҳаларини қамраб олган. Лекин қишлоқ хўжалигини бошқаришга ўта директив ёндашув, “пахта яккаҳокимлиги”, экин турларини режалаштиришдаги номутаносибликлар, ташқи ҳамкорлар билан иқтисодий алоқарларнинг узили каби омиллар бу турдаги иқтисодий интеграциянинг ривожланишига садбий таъсир кўрсатди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ривожлантириш борасида олиб бориладиган ислохотлар кичик ва ўрта кўламдаги агрофирмалар тузила бошлади. Агросаноат интеграцияси агросаноат ишлаб чиқаришининг мазмуни, агросаноат корхоналари, аграр-саноат бирлашмалари ва аграр-саноат мажмуалари фаолияти тубдан қайта кўриб чиқиш имкони берди. Қишлоқ хўжалигида агросаноат интеграцияси ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, фан-техниканинг янги ютуқларига таянган ҳолда энг юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш ва харажатларни кескин камайтириш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди (1-расм).



1-чизма. ACM тармоқларининг иқтисодий самарадорлиги даражасини белгилаб берувчи омиллар

Одатда, агрокластернинг ядроси, яъни унинг маркази атрофида жамланган, стратегик ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари (фермер ва деҳқон хўжаликлари), илмий-тадқиқот муассасалари, турли хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари, маҳсулотларни сотиш, реклама қилувчи маркетинг хизматини ўз атрофида бирлаштирган қайта ишловчи корхоналардан иборат.

Ҳозирги вақтда агрокластерларни шакллантиришда уч хил ёндашув мавжуд, жумладан:

- минтакалар маъмурияти мутахассислари, агрокластерни ташкил этишдан манфаатдор бўлган ва реал ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлган ташкилотлар асосида кенгайтирилган ишчи гуруҳларини ташкил этиш;

- хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш орқали давлат ва маҳаллий бошқарув ташкилотларининг минтакаларда фаолият юритаётган илмий-тадқиқот муассасалари, маслаҳат фирмалари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиги;

- бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар учун агрокластерлар янги институционал бирлик бўлганлиги учун ҳам, махсус давлат ташкилоти, масалан, Иқтисодий ривожлантириш агентлиги ёки Ўзбекистон шароитида савдо-саноат палатаси, Республика Фермерлар кенгаши томонидан амалга оширилиши, бунда, таъсисчилар сифатида давлат томонидан минтакалар ташкилотлари (кўчмас мулк ва бошқа мулклар билан таъминлаши), маҳаллий давлат ҳокимияти ташкилотлари (туман ҳокимлиги), қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари (туман фермерлар кенгаши ва деҳқонлар), илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, қайта ишловчи корхоналар, турли хизматлар кўрсатувчи инфратузилма субъектлари ва маҳсулотни сотувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ёки алоҳида ташаббуси бўйича ташкил этилиши мумкин.

Агрокластерни ташкил этишнинг муҳим жиҳатларидан бири – унинг иштирокчиларининг биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш, илмий тадқиқот жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалиётда қўллаш орқали бир-бирларига ишончларининг юқорилиги ҳисобланади. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган институционал ва таркибий ўзгаришлар натижасида шаклланган хўжалик юритиш субъектлари ҳамда тармоқда улар ўртасидаги ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий муносабатларнинг мунтазам равишда такомиллаштириб борилишини тақозо этишдан келиб чиққан ҳолда агрокластерларни барпо этиш борасида янги йўналишни амалга ошириш бугунги кунда аграр сиёсатининг муҳим вазибаларидан бирига айланиши лозим.

Чунки қишлоқ хўжалигининг қайта ишлаш ва қўшилган қиймат яратувчи соҳалар билан ўзаро алоқаларининг кенг йўлга қўйилмаганлиги рақобатбардош, чуқур қайта ишланган экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сотиш каби бошқа соҳаларнинг ҳам фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Агрокластерлар нафақат иқтисодиётнинг реал сектори, аграр ва саноат тармоқ ва соҳаларини, балки ижтимоий соҳа (таълим, фан) ларни қамраб олади. Агрокластерлар ташкилий-иқтисодий шаклига кўра икки тоифага ажратилади:

1. Аниқ бир турдаги пировард товар (хизмат)ни ишлаб чиқаришда қатнашувчи вертикал ва горизонтал боғлиқликда жойлашган корхона ва хўжаликларни ўз ичига олган агрокластерлар.

2. Географик нуқтаи назардан бир-бирига яқин жойлашган, ишлаб чиқариши ўзаро боғлиқ бўлган компания, корхона, муассаса ва ташкилотлар мажмуини ўз ичига олган агрокластерлар

Кластернинг ҳар иккала шаклида унинг таркибига кирган хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини йўқотиб, фақат ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) мустақиллигини сақлаб қолади.

Эркин иқтисодий зоналар, инновацион марказ (технополис)лар, логистика марказлари, эркин илмий-техникавий зоналар, илмий ишлаб чиқариш марказлари агрокластер тизимини ривожлантиришнинг зарурий шарт-шароитлари ҳисобланади. Агросаноат кластерлари

кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, унга ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчи, маҳсулотини қайта ишловчи саноат тармоғи корхоналари, тармоққа хизмат кўрсатувчи (кимёвий, ветеринария, уруғчилик, наслчилик, фан ва ҳ.к.) соҳалар, пировард маҳсулот сотишни амалга оширувчи тижорат муассасалари ҳамда турли бошқа иқтисодий инфратузилма объектларини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчилривожлантиришга эътибор қаратилади”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” номли бандида фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш ва бошқа муҳим вазифалар белгилаб берилган.


Республикаимизда иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида бутун агросаноат мажмуасининг тараққиётини белгилаб берувчи ҳудудий пахтачилик тўқимачилик кластерлари муҳим ўрин тутди. Чунки пахта-тўқимачилик кластери нафақат енгил саноатни, балки ўз ичига қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам қамраб олади. Ўзбекистонда енгил саноат ҳамда тўқимачилик тизимида кластерларни шакллантириш масаласи мамлакат миқёсида эмас, балки минтақалар - вилоятлардаги аниқ ижтимоий-иқтисодий шароитлар асосида, кластернинг назарий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётгани энг оқилона ва самарали йўللardan биридир.

Мамлакатимизнинг Бухоро, Сирдарё ва Навоий вилоятларида кенг кўламда бошланган кластер тажрибаси бошқа вилоятларда ҳам шу тизимга тегишли объектларни барпо этиш билан давом эттирилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда миллий иқтисодиёти учун замонавий бўлган, саноатнинг инновацион тури кластер механизмидан фойдаланиш, хусусан, пахта тўқимачилик кластерларида “пахта хомашёсини етиштириш - қайта ишлаш - тайёр маҳсулот” кўринишидаги 100 фоиз чиқитсиз ишлаб чиқариш объектлари ташкил этилмоқда.

Чунки пахтачилик - тўқимачилик кластерларида пахта хом ашёсини етиштириш учун ерларни тайёрлаш, пахтани экиш, етиштириш йиғиштириб териб олиш, қайта ишлаш ва бирламчи қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш йўли билан халқаро стандартларга мос келувчи юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг реализацияси билан шуғулланувчи корхоналар битта бошқарув тизимида бирлашади. Республикаимиз қишлоқ хўжалиги ва унга туташ тармоқларга хўжалик юритишнинг янги шакл ва усуллари қўллаш, сўзсиз бутун мамлакат иқтисодиёти ва, хусусан, унинг аграр тармоғининг кескин тараққиётига олиб келади. Агросаноат кластерларининг, хусусан, пахтачилик – тўқимачилик кластерларини ташкил этиш қуйидаги мақсадларга қаратилган (2-расм).

Мамлакатимизда кластер усулида фаолият юритиш қисқа давр мобайнида ўзининг ижобий томонларини кўрсатди ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш, қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш ва янги иш ўринларини яратиш, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб

чиқариш, инфратузилмани ривожлантириш борасида бир катор салмоқли ишлар амалга оширилди.



2-расм. Пахтачилик – тўқимачилик кластерларини ташкил этиш мақсадлари

Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепциясида Ўзбекистон аҳолисининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондирадиган ва юқори даражада қайта ишланган маҳсулотларнинг ва янги мева сабзавот экинларининг экспортига мўлжалланган юқори технологияли қишлоқ хўжалигини шакллантириш мақсад килинган. Буни қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин:

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ривожланиш ва унинг прогнози кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2017 йил	2035 йил
Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, млрд АҚШ доллари	8,3	35,7
Қишлоқ хўжалигида бандлик, %	29	12,2
Қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги, минг АҚШ доллари/иш билан таъминланганлар	2,2	15,6
Шўрланган суғориладиган ерлар улушининг камайиши %	48,6	15
Эрозияга тушадиган ерлар улушини камайиши, %	14,6	5
Алкогол маҳсулотлари экспорти, млн АҚШ доллари	21	80
Узумзорлар ўртача ҳосилдорли, тонна/га	4	10
Қишлоқ хўжалиги учун йиллик сув истеъмоли, умумий сондан %	90	70
Тўйиб овқатмасликни бартараф этиш умумий аҳолининг %	6,3	0

Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепциясида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қўйилган мақсадга эришишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- минтакавий қишлоқ хўжалиги кластерларини яратиш;
- юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотини экспортга йўналтириш;
- қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

- Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш учун -20 та марказ яратиш;

- Халқаро сифат стандартларини қабул қилиш ва бошқалар.

Пахтачилик-тўқимачилик кластери услубида кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши тармоқнинг интеграциялашуви ва ишлаб чиқаришга янги инновацион ғояларни татбиқ этиш имкониятини беради. Бунинг натижасида эса меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий масалалар ҳал этилади. Зеро, агросаноат кластерлари кишлоқ хўжалиги тараққиётини белгилаб, фермер хўжаликлари фаолиятини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришга ёрдам беради.

Агрокластер тизими орқали ривожланиш қуйидаги мақсадларга эришишга йўналтирилади:

- ишлаб чиқариш, инвестицион фаолиятни ривожлантириш ҳамда бандликни таъминлаш;

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар харажатларини камайтириш ҳисобига маҳсулотлар сифатини яхшилаш, пировардида эса товарлар рақобатбардошлигига эришиш;

- янги технология ва инновацияларни жорий қилиш ҳисобига минтақавий ва жаҳон бозорларида мамлакатнинг нуфузи ошиб, рақобатбардош бўлиши таъминланади.

Айни пайтда, кишлоқ хўжалигида агрокластерла фаолиятини янада ривожлантириш борасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- агрокластерлар тасарруфидаги кишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни такомиллаштириш;

- сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва тежамкорликни таъминлаш;

- агрокластерларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш;

- агрокластерларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш;

- агросаноат мажмуаси шу жумладан агрокластерларга хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш;

- кишлоқ хўжалигида ахборот технологияларини кенг жорий қилиш ҳамда кишлоқ хўжалиги статистикасини тўлиқ рақамлаштириш орқали маълумотлар ҳаққонийлигини таъминлаш;

- агрокластерлар учун зарур ҳисобланган кадрлар масаласини ҳал этиш, агроилм-фанни ривожлантириш.

Агросаноат кластерлари мамлакат кишлоқ хўжалиги тараққиёти учун иқтисодий ўсишнинг муҳим “драйвери” вазифасини ўтайди. Ушбу тузилма орқали юқори қўшимча қийматли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминланади ҳамда алоҳида корхоналарнинг рақобатдаги устунлигини таъминлади.

Адабиёт:

1. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон. – Lex.uz
2. Сирожиддинов И. К., Ботирова Р. А. Возможности развития экспорта фруктов и овощей в регионе. – Актуальные вызовы современной науки. Сборник научных трудов. Выпуск 11 (31). Часть I// Переяслав-Хмельницкий, 2018. С. 82 – 85.
3. Botirova Rahkimakhon Abdujabborovna, Khakimov Akbar Anvarovich, Sirojiddinov Ikromiddin Kutbiddinovich. Innovation as an important factor in the development of the agricultural sector of the region's economy. - Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 5, 2020.
4. Хожибоева И.В., Сирожиддинов К.И. Активизация инновационных факторов развития аграрного сектора региональной экономики. - Актуальные вопросы развития современного общества, экономики и профессионального образования: Материалы XVII

Международной молодежной научно-практической конференции 25 марта 2020 г. Т. 3. Екатеринбург: РГППУ, 2020. С. 110-113.

5. Ботирова Р.А., Сирождидинов К.И. Развитие продовольственной направленности сельскохозяйственного производства. - Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси, 2019 йил, махсус сон. Хива, 2019. 36 -38бетлар.
6. Sirojiddinov I., Botirova R. Liberazition is acrucial condition for creating modern agriculture in Uzbekistan. - International Journal of Research And development, march 2020.

УДК:336.62

САНОАТ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МАҚСАДЛИ БОШҚАРУВНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ ЦЕЛЕВОГО УПРАВЛЕНИЯ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ

THE ROLE OF TARGET MANAGEMENT IN INCREASING THE EFFICIENCY OF INDUSTRIAL INVESTMENTS

**Наманган муҳандислик-қурилиш институти
катта ўқитувчиси Қорабаев Шухратжон Ахмаджонович**

Аннотация

Мақолада саноат корхоналарида инвестиция лойиҳаларини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича фикр ва мулоҳазалар юритилган. Шу билан бирга ишлаб чиқариш корхоналарида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини оширишда амал қилиш лозим бўлган илғор тажрибаларга асосланган ҳолда таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Инвестиция жараёнларини бошқариш, мақсадли бошқарув, қарор қабул қилиш, инвестиция самарадорлиги, муаммовий инвестиция мақсади, инновацион инвестиция мақсади, объектив омиллар.

В статье изложены мысли и мнения по вопросам организации инвестиционных проектов на промышленных предприятиях и повышения их эффективности. При этом были даны предложения и рекомендации, основанные на лучшем опыте, которым следует следовать для повышения эффективности инвестиционных проектов на производственных предприятиях.

Ключевые слова: Управление инвестиционными процессами, целевое управление, принятие решений, эффективность инвестиций, проблемная инвестиционная цель, инновационная инвестиционная цель, объективные факторы.

The article contains thoughts and opinions on the organization of investment projects in industrial enterprises and increasing their efficiency. At the same time, proposals and recommendations were given based on the best practices that should be followed in order to improve the efficiency of investment projects in production enterprises.

Key words: Management of investment processes, target management, decision making, investment efficiency, problem investment objective, innovative investment objective, objective factors.

Ҳар қандай инвестиция фаолиятининг самараси уни тўғри ташкил этиш ва бошқаришга боғлиқдир. Инвестиция жараёнларини бошқариш фаолиятининг самарадорлиги

кўпинча қабул қилинаётган қарорларга боғлиқ бўлиб, корхонадаги бутун савол ва муаммолар занжири уларнинг аниқ ечими ушбу қарорларни қабул қилувчи бошқарувчига юкланган.


Шунингдек, инвестиция самарадорлиги ишлаб чиқариш, техник, ижтимоий, иқтисодий, маркетинг ва ҳуқуқий вазифалар, қарорларни тўғри қабул қилиш ҳамда ўз вақтида бажарилишига ҳам боғлиқ. Ечилаётган муаммоларнинг барчаси тегишли вазифалар юклатилган бошқарувчилар томонидан ҳисобга олинади ва бу унинг бошқарув услубида ҳамда бутун бошқарув жараёнида акс этади.

Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётида, саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича ислохотларни амалга оширишда уларнинг натижасига масъул бўлган ҳокимликлар, идора, ташкилот, муассаса ва корхона раҳбарлари бошқарувини янгича мезонлар билан ўлчаниши уларнинг зиммасига юқори маъсулият юклайди. Янгича мезонлар тушунчасини мамлакат иқтисодиётида олиб борилаётган ислохотлар, янги қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар ҳамда замонавий бошқарув тизими бўйича раҳбарлар билиши лозим бўлган меъёрлар деб қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш” [1] алоҳида мақсад қилиб қўйилган. Келтириб ўтилган мақсад ва вазифалар саноат корхоналари хўжалик фаолиятига ишлаб чиқариш инвестицияларини жалб қилиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича илмий ёндашувларни ишлаб чиқиш лозимлигини белгилаб бермоқда.

Инвестиция фаолияти самарадорлигини оширишда инвестиция жараёнларини бошқаришни мақсадга мувофиқ ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Инвестиция фаолиятини бошқаришнинг асосий мақсади инвестицион лойиҳалар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишдир. Инвестиция фаолиятини амалга оширишда раҳбар дастлаб ўз олдига қўйган мақсадни аниқлаб олади, сўнгра шу мақсадга эришиш учун келажақда амалга ошириш лозим бўлган вазифаларни белгилайди (1-расм).



1-расм. Мақсадга эришиш учун белгиланадиган асосий вазифалар

Мамлакат иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлган саноат корхоналари фаолиятида инвестиция жараёнларини самарали бошқариш учун мақсаднинг илмий асосланганлиги ҳамда тўғри белгиланганлиги ўта зарур. Чунки, айнан шу мақсадга биноан, бошқариш функциялари, усуллари, тузилмавий таркиби ва лавозимларни белгилаш ҳамда кадрларни танлаш каби муҳим масалалар ечилади.

Олдинга қўйиладиган ҳар қандай мақсадлар: оддий, муаммовий, инновацион ва шахсни тараққий топтиришга йўналтирилган бўлиши мумкин.


Шу боис, мақсадли менежмент тадқиқотчилари мақсадлар қайси ташкилотда ишлаб чиқарилишига қарамасдан тўртта гуруҳга яъни, одатдаги мақсадлар, муаммовий инновацион ва шахсни тараққиёт топтириш ҳамда хизматчиларнинг касб малакасини ошириш билан боғлиқ мақсадларга. бўлинади деб ҳисоблайдилар.

Биринчи гуруҳ ўз ичига шундай мақсадларни оладики, уларни тайинлаш ҳамда амалга ошириш раҳбар ва хизматчиларни кундалик хизмат бурчи ҳисобланади. Бу каби мақсадларга эришишнинг усуллари, воситалари, услублари асосан маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш ва шу режани бажаришга қилинадиган ҳаракатлар мажмуидир.

Муаммовий ва инновацион инвестиция мақсадлари оддий мақсадлардан сезиларли даражада фарқ қилади. Бу фарқни асл маъноси уларга эришиш тавсифидадир. Муаммовий ва инновацион мақсадлар катта ақлий энергия сарфини талаб қилади, чунки у ўзига янги элементларни қамраб олади. У ижобий натижани қўлга киритиш учун аниқланади ва ишлаб чиқилади. Шунингдек, муаммовий мақсадлар корхонанинг ёки алоҳида инсоннинг нормал фаолияти учун зарур вазиятни ўзгариши билан боғлиқ. Муаммовий мақсадлар қаторига яна инновацион мақсадларни ҳам қўйиш лозим бўлиб, унда янги восита, усуллари излаш, ишлаб чиқиш ҳамда янги маҳсулот билан боғлиқдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, раҳбар ёки хизматчининг ўз олдига қўйган мақсади қанчалик мураккаб бўлса, унда шунчалик муаммовийлик даражаси юқори бўлади. Битта қўйилган мақсад, бир хизматчи учун оддий ҳисобланса, бошқаси учун муаммовий, яна бири учун эса инновацион бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда хизматчи унга эришиш учун зарурий усулларга эга бўлса, қўйилган вазифани катта қийинчиликларсиз бажариш учун етарли билим ва қобилиятга эга бўлади. Бошқа бир хизматчи бу мақсадни баъзи бир у ёки бу сабабларга кўра қийин ва янги деб ундан катта ақлий меҳнат талаб қилувчи деб билади. Мақсадли менежмент тизимида умумий ва якка шахс муаммовий ҳамда инновацион мақсадларга етакчи ўрин берилади. Мақсадли бошқарувда ишлатилувчи тўртинчи гуруҳ мақсадлар, ташкилот хизматчилари фаолиятини такомиллашуви билан боғлиқ мақсадлар бўлиб, ҳамма ташкилот учун умумий бўлган узоқ муддатли (стратегик) мақсадлар ёки қисқа вақт оралиқларида бўлимлар учун мўлжалланган ва ниҳоят якка шахс мақсадлари бўлиши мумкин. Якка шахс мақсади асосан деярли барча раҳбарлар ва уларга бўйсунувчиларнинг малакасини оширилишини ўз ичига олади. Бу каби мақсадларга эришиш муддатлари турлича бўлиши мумкин.

Ташкилот раҳбарияти бу каби мақсадларга катта диққат-эътибор беради. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун шароит яратади, чунки ўз хизматчиларини касбий ва ишбилармонлик сифатини такомиллашуви уни қизиқтиради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, барча бошқарув тизимининг самарадорлиги, хизматчиларни якка шахс мақсадлари қанчалик яхши ва ҳар томонлама ишлаб чиқилишига боғлиқ бўлиб, бу каби мақсадлар бир қатор шароитларни қондириши талаб этилади. Жумладан:

1. Якка шахс мақсади ўзи ишлаётган бўлим мақсадига, бўлим эса ўз навбатида таркибига кирувчи кенгрок бўлинмалар мақсадига бўйсунуши керак. Бу каби мақсадларни бўйсунушининг пировард натижаси барча ташкилотни умумий ва стратегик мақсадларига эришишига хизмат қилади (2-расм).



2-расм. Мақсадларнинг боғланиш тартиби

2. Қўйиладиган мақсадлар сони жуда кўп бўлмаслиги керак. Чунки, уларнинг сони жуда кўп бўлса, унда инсон режалаштирилган натижаларга эриша олмайди, бу эса иш самарасига салбий таъсир кўрсатади, танланган мақсадларни уларнинг аҳамияти бўйича таҳлил қилиш мақсадлар устунлигини ўрнатишнинг муҳим омили ҳисобланади.

3. Умумий мақсадлар каби якка шахснинг режали мақсади аниқ натижалар ва уларга эга бўлишни аниқ муҳлатлари кўрсатилиши лозим.

4. Режалаштирилаётган мақсадлар етарлича мураккаб ва шу билан бир вақтда эришиладиган бўлиши керак. Енгил мақсадларни танлаш ташкилот учун зарур натижаларни қўлга киритишда хизматчини реал улуши ҳақида мулоҳаза юритишга имкон бермайди. Бошқа томондан ўта оғир, айниқса, умуман эришилиши қийин бўлган мақсадни кўзлаш хизматчини ижобий натижага эришишдан маҳрум қилади.

Бу қуйидаги икки ҳолатда тез-тез ҳосил бўлиб туради: биринчидан, раҳбар қўл остидагиларнинг имкониятларини билмасдан, уларга қўйилган масалани бажаришни талаб қилганда ёки иккинчидан, тескари ҳолат яъни, хизматчи ўзини имкониятларини юқори билиб, муаммога яхши тушуниб етмасдан ўта қийин мақсадни танлаб олганда. Бундай ҳолатларда раҳбарнинг вазифасига хизматчининг мақсадини ўз вақтида аниқлаштириб туриш киради ва қўл остидагиларни танлаган мақсадларига эришаётганлигини кузатиб бориши керак. Албатта, мақсадли бошқарувнинг ўзига хос бўлган ижобий ва салбий томонлари мавжуд (1-жадвал).

1-жадвал

Мақсадли бошқарувнинг ижобий ва салбий томонлари

	Мақсадли бошқарувнинг ижобий томонлари	Мақсадли бошқарувнинг салбий томонлари
1.	Ташкилотда барча бошқарув тизимини такомиллаштиришга имкон яратади.	Мақсадларни режалаштириш ишларига хизматчиларни унча кенг бўлмаган ўлчамда жалб қилиниши.
2.	Ташкилотнинг ва ҳар бир хизматчининг фаолият натижаларини юқори бўлишига кўмаклашади.	Расмийлаштириш ва ҳужжатлаштириш ишларининг кўп вақтни олиши.
3.	Стратегик режалаштиришдан бошлаб то якка шахс мақсадларини белгилашгача режалаштириш имкониятини беради.	Сон билан баҳолашни мураккаб бўлган фаолият турлари учун мақсад белгилашдаги мураккабликлар.
4.	Раҳбар ва хизматчилардан аниқ, эришиш мумкин бўлган мақсадларини қўйишни талаб қилади.	Тез-тез раҳбар ва хизматчиларнинг якка шахс мақсадларини компания умумий мақсадларига мувофиқ келмаслиги.
5.	Олинган натижаларни объектив баҳолашга имкон яратади.	У ёки бу савиядаги менежерни мақсад белгилашга расмийчилик билан муносабатда бўлишлари.
6.	Кадрларни самарали фойдаланишга ёрдамлашади, хизматчилар орасида фақат жавобгарликни тақсим қилмасдан уларга ҳуқуқ ҳам беради.	Пухта билимга ёки малакага эга эмаслик. Эришиб бўлмайдиган мақсадларни танлаганлиги.
7.	Хизмат бўйича эришилган натижаларнинг кўрсатилиш имконини оширади.	Қўлга киритган натижалар учун рағбатлантириш йўқлиги ва унинг ёмон амалга оширилиши.
8.	Келажаги порлоқ раҳбар ва хизматчиларни аниқлашга кўмаклашади ҳамда хизматчиларни моддий маънавий рағбатланиш имконини кўпайтиради.	Раҳбарият томонидан хизматчиларнинг фикрларини эътиборга олмаслик
9.	Ташкилот ичида муомала жараёнини яхшилайди.	Мақсадлар бошқаруви тизимини ташкилот фаолиятини бошқа соҳа ва тизимлардан ажралиб қолиши.
10.	Раҳбарнинг ақлий фаолиятини тартибга солади, у ўз мақсадини қўл остидагилари учун аниқ ва тўғри белгилашга ўргатади.	

1-жадвалда келтирилган мақсадли бошқарувни асосий устуворлик томонлари ва камчиликлари, уларни имкониятлари ҳамда самарадорлиги ҳақида бир неча умумий фикрлар бўйича хулоса қилишга имкон яратади. Жумладан: биринчидан, мақсадли бошқарув ташкилотни замонавий бошқарувнинг фалсафаси бўлиб қолиши, ҳамда ушбу бошқарув тизимининг мақсад ва вазифасини барча хизматчиларига тушунтириш учун зарурий ресурслар ҳамда аниқ вақт ажратиш лозим.

Иккинчидан, барча якка шахс ва умумий мақсадлар реал бўлиши уларга эришиш ташкилотни тараққиёти фойдасига хизмат қилиши, энг асосийси мақсад белгилаш раҳбарни ҳамда бўйсунувчини биргаликдаги фаолияти бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, мақсадли бошқарув тизими қаттиқ, талабчан бошқарув тизими эмаслигини тушунган ҳолда, раҳбариятга, хизматчиларга режалаштирилган мақсадларга эришиш учун зарурий ҳуқуқ ва воситалар берилиши, энг муҳими мақсад ҳамда режалар ёзма кўринишда ишлаб чиқирилиши керак.

Мақсадларни амалга ошириш учун режалаштиришга баъзи бир зарурий ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Иқтисодий адабиётларда, мақсадли бошқарув усулини имкониятларини баҳолашда янги бир нуқтаи назар мавжуд бўлиб, у бизнингча диққат эътиборга лойиқдир. Мақсадли бошқарувни мувофиқлиги ёки аксинча, номувофиқлиги сезиларли даражада ташкилотда қабул қилинган бошқарув услубининг турига боғлиқдир. Бунда бошқарувни тўртта услубини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан: эксплуатив-авторитарли, авторитарли ишонч элементлари билан, маслаҳатли ва демократик. Олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, маслаҳат ва демократик бошқарув услубига эга бўлган ташкилотларда мақсадли бошқарув орқали юқори самарага эришиш мумкин бўлади.

Албатта, корхона ва ташкилотларни бошқариш самарадорлигини ошириш учун мақсадли бошқаришда бир қатор талабларга жавоб бериш талаб этилади. Жумладан:

- бошқарув мақсадига қўйиладиган асосий талаблар аниқ, реал ва бажарилиши мумкин бўлиши керак. Мақсад, уни бошқариш тамойиллари, пировард натижа барчаси тушунарли ва ёзма равишда содда тилда етказилиши керак;

- мақсад миқдоран ўлчовга эга бўлиши, бир маъноли ва барча бажарувчиларга тушунарли бўлиши даркор. Миқдоран ўлчовга, меъёрга эга бўлмаган мақсад - бу рўё бўлиб, бу талабга риоя қилмаслик режалаштирилган мақсаднинг олдиндан бажарилмаслигига замин тайёрлаш билан баробардир;

- мақсад бўлимлар ва масъуллар бўйича деталлаштирилган кўп қиррали бўлиши керак. Мақсад ҳар бир фаолият тури, ҳар бир масъул шахс бўйича майда деталларигача батафсил тақсимлаб чиқилган бўлиши лозим. Шундагина бу мақсаднинг ижро қилиниш даражасини аниқ назорат қилиш мумкин.

Албатта, иқтисодиётни бошқаришдаги ечимларнинг моҳияти кўпгина объектив омилларга ишлаб чиқариш воситаларига турли мулкчилик шаклини эгалик қилиши; ишлаб чиқариш ва меҳнатни чуқур тақсимланиши ҳамда ихтисослашувига; меҳнат ва материал техник ресурсларни бошқариш; соҳалараро, ишлаб чиқаришлараро алоқаларни кенгайтириш; қўшма корхона тузиш; маркетингни амалда қўллаш; корхона ва соҳаларни ташқи иқтисодий алоқаларга чиқиш, бошқарув қарорларини қабул қилишдаги таваккалчиликларга боғлиқ.

Адабиётлар рўйхати

1. Массе П. Критерии и методы оптимального распределения капиталовложений: Пер. с фр.- М.: Статистика, 1971, 503 с.
2. Л.К. Агаева, В.Ю. Анисимова. Инвестиционная деятельность предприятия: учеб. пособие /– Самара: Изд-во Самарского университета, 2018. – 7
3. Турманидзе, Т.У. Анализ и оценка эффективности инвестиций: учебник / Т.У. Турманидзе. – М.: ЮНИТИ, 2015. – 247 с.

4. Тюкавкин, Н. М. Анализ инвестиционных рисков в деятельности компании / Н. М. Тюкавкин // Вестн. Самарского государственного университета. – 2013. — № 1. — С. 151-156
5. Анисимова, В.Ю. Управление инвестиционной привлекательностью промышленных предприятий в условиях отсутствия экономического роста страны / В.Ю. Анисимова // Аудит и финансовый анализ. 2015. – №3. – С. 269-271
6. Ивасенко, А. Г. Иностранные инвестиции : учебное пособие / А. Г. Ивасенко, Я. И. Никонова. – М. : КНОРУС, 2010. – 272 с
7. Инвестиции : учебник для вузов / под ред. Л.И. Юзвович, С.А. Дегтярева, Е.Г. Князевой. – Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2016. – 543 с.

УДК:336.648

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЛЬГОТНОГО КРЕДИТОВАНИЯ

INCREASING THE EFFICIENCY OF CONCESSIONAL LENDING

**Султонбоев Умиджон Хошимжон ўғли,
НамМТИ тадқиқотчиси**

Аннотация

Мақолада кичик бизнес субъектлари имтиёзли кредитланиши самарадорлигини иқтисодий ва ижтимоий томонлари тадқиқ этилганю

Калит сўзлар: кичик бизнес, кредит, имтиёзли кредитлаш, гуруҳ кафолати, самарадорлик, иш ўринлари қиймати.

В статье исследованы экономический и социальный аспекты эффективности льготного кредитования субъектов малого бизнеса.

Ключевые слова: малый бизнес, кредит, льготное кредитование, групповое поручительство, эффективность, стоимость рабочих мест.

The article examines the economic and social aspects of the effectiveness of preferential lending to small businesses.

Key words: small business, credit, preferential lending, group guarantee, efficiency, cost of jobs.

Янги Ўзбекистоннинг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш вазифаси қўйилган [1]. Мамлакатимизда кичик бизнес секторидаги савдо корхоналарини барқарор ривожлантириш аҳолини иш билан банд этиш, реал даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини яхшилаб бориш ёўналишидаги масалалар ҳал этилишига кўмаклашади. Савдо фаолиятининг аҳолини камбағалликдан халос этишдаги ролини меҳнатга лаёқатли, иқтидорли аҳоли қатламига ўзи учун иш ўрнини яратиш орқали ўз шахсий ғоя ва янгиликларини рўёбга чиқариш, даромад олиш манбаларини кенгайтириш асосида турмуш шароитларни яхшилаш билан изохлаш мумкин. Банклар томонидан тақдим этиладиган кичик миқдорлардаги кредитлар ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидаги бундай имкониятларни кенгайтиради. Шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар энг куйи бўғиндаги

тадбиркорлик учун, шу жумлдан савдо фаолияти учун тобора қулайроқ шарт-шароитлар яратишга қаратилмоқда.

Бизнинг фикримизча, савдо фаолияти шуғулланувчи кичик бизнес субъектларини кредитлашда банк фаолиятини енгиллаштирувчи ва молиявий хатарларни пасайтириб турувчи омиллар мавжуд:

- кредитор ва қарз олувчиларнинг ҳудудий яқинлиги;
- қарзга олинган молиявий ресурсларнинг айланиш тезлиги юқорилиги;
- тўловни қоплаш манбасининг мақсадли белгиланганлиги ва банкдаги ҳисобракамларда аниқ кўриниб туриши;
- банк ходимлари томонидан тадбиркорнинг шахсини яқиндан билиш имкониятлари ва шунга мувофиқ ўзаро ишонч;
- банкнинг тадбиркорнинг молиявий муваффақиятларини қўллаб туришдан билвосита манфаатдорлиги. Савдо фаолиятини банк томонидан кредитлашнинг муҳим ижтимоий аҳамиятли томони шундаки, у кичик бизнес фаолияти учун давлат учун шаффофлиги даражасини оширади, норасмий иқтисодиёт қўламларини қисқартишга хизмат қилади.

Умуман олганда, кичик бизнес субъектларини молиявий тизим орқали қўллаб-қувватлаш ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Чунки молиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти тадбиркорлик салоҳиятини кучайтиради. Молиявий хизматлар микрокредитлаш, микроқарз, микролизинг, микрожамғарма, микросуғурта, пул ўтказмалари, консалтинг хизматлари каби бошқаларни ўз ичига қамраб олади ва унинг асосий мақсади кам таъминланган аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш масаласини ҳал этиш ҳамда кичик бизнесни ривожлантиришдан иборат. Иқтисодий фаол аҳоли қатламининг истеъмол эҳтиёжларини қондириш ва тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда даромад манбаларини яратиш мақсадида молиявий ресурсларни соддалашган ва унинг юқори миқдори қонун ҳужжатларида қатъий белгиланган тартибда тўловлилик, қайтарувчанлик, ўзаро ишонч ва мақсадли фойдаланиш тамойилларида, ҳудудий яқинлиги ва хусусий алоқадорлиги шароитларида етказиб берилиши ўзини оқламоқда.

Кичик бизнесни молиявий қувватлашда яқка тартибда кредитлаш билан бир қаторда қатор ҳолларда тадбиркорлар гуруҳларини кредитлан қўлланиши мумкин. Албатта, кредитлаш жараёнида бериладиган қарзлар мол-мулк билан кафолатланади, субъектнинг кредит тарихи ва уларга бизнеси ҳолати, ҳаётийлиги, истикболи синчиклаб ўрганилгандан сўнг кредит берилади. Гуруҳлар бўйича кредитлашда банк мижозлар билан ўзаро ишонч муносабатларини ривожлантиришга ҳаракат қилади. Бунда гафакат банк, балки гуруҳ аъзолари ҳам бир-бирларининг бизнесини ва кредитни қайтариш имкониятларини баҳолашади. Бундай ёндашишда кредитлаш кўпинча аста-секин кўпаювчи, унча катта бўлмаган миқдорда қарз бериш йўли билан амалга оширилади, гуруҳ аъзоларининг ҳар бири олинган қарзни қайтариш юзасидан жавобгар бўлади, қарзни қайтариш муддати бузилса ёки тўланмаса, то қарз тамоман узилмагунча гуруҳ навбатдаги кредитни олиш имкониятидан маҳрум бўлади. Мазкур асосларда кредитлаш услубиётининг ўзига хос хусусияти, унинг самарали гуруҳий назоратни, бизнесда гуруҳ аъзоларининг бирдамлиги ва хайрихоҳлигини, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашини таъминлашдир. Бундай амалиётни бизнеснинг энг кичик бўғинларида қўлланиши айниқса яхши натижа бериши мумкин.

АҚШда кичик бизнес фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда 1953 йилда ташкил этилган «Кичик бизнес маъмурияти» (КБМ) муҳим роль ўйнайди. Унинг асосий фаолияти тадбиркорлик субъектларига кредитлар ва кафолатли қарзлар олишда ёрдам бериш, бепул ахборот хизматлари кўрсатиш, кредиторларга давлат кафолатлари бериш кабиларга қаратилган.

Японияда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўп томонлама (рўйхатга олиш, ташкил этиш ва ривожлантириш) олиб борилади. Бунинг учун турли иқтисодий дастаклар тизими қўлланилади: имтиёзли микрокредитлар,

солиқ имтиёзлари, техник ва маслаҳат ёрдамлари, ахборот-компьютер хизматлари, кадрлар тайёрлаш ва бошқалар.

Германия тажрибасида давлат томонидан кичик бизнес корхоналарини кенгайтириш ва таъмирлаш, янгиларини ташкил этиш, ушбу мақсадлар учун йирик компаниялар капиталини жалб қилиш, кредит муассасаларига кафолатлар бериш, шунингдек, кредитлашнинг махсус дастурларини (техникавий ёрдам, инновацион тадбирлар, субконтрактация, модернизация ва технологик ривожлантириш дастурлари) амалга ошириш кабиларни кўришимиз мумкин.

АҚШ, Япония, Германия, Канада ва АҚШда кичик ва ўрта корхоналарга хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг ривожланган тармоғи мавжуд. Бу ҳол кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-кредит, ахборот, маркетинг, экспортга қўмаклашиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имкониятларини яратди.

Кичик бизнесга молиявий микромолиявий хизматлар кўрсатилишида Бангладеш тажрибаси эътиборга лойиқ. Бу ерда 1976 йилда ташкил этилган «Граммин» банки камбағал аҳолига гаров талаб қилмасдан гуруҳ кафиллиги асосида кредит бериш билан шуғулланади. У 1983 йилда ҳукумат қарори билан мустақил банкка айлантирилганди [2]. Бангладеш микромолиялаш амалиётида гуруҳ фаолияти ҳар ҳафтада йиғиладиган кичик жамғармалардан бошланади. Гуруҳга аъзолик давомида аъзоларнинг тўлаган бадаллари ҳисобига доимий шаклланиб бориладиган жамғарма ташкил қилинади. Мажбурий жамғарма кредит олишга 4-8 ҳафта қолганда тўлдирилиши лозим. Бошланишида гуруҳнинг фақат икки аъзоси кредит олиш имкониятига эга бўлади. Улар ушбу олинган кредитни 50 ҳафта ичида тенг миқдорда тўлаб боради. Ҳар доим кредит олаётган гуруҳ аъзоси олинаётган сумманинг 5 фоизини гуруҳ фондига қўйиши керак. Энг муҳими, агар бирор-бир гуруҳ аъзоси олган қарзини қайтаролмай қолса, уни қайтариш масъулиятини гуруҳ ўз зиммасига олиши лозим. Кредитлар 6 ойдан 1 йил муддатгача, кредитнинг ўртача миқдори 100-300 АҚШ долл. доирасида, йиллик 20 фоиз ставкада берилади.

Гуруҳий кафолат остида кредитлашнинг муҳим хусусияти кредитнинг гуруҳ аъзоларининг жавобгарлиги асосида бўлажак қарздордан алоҳида гаровлаб қилмасдан тақдим этилишидир. Бунда гаров бўлиб гуруҳ кафолати хизмат қилади. Алоҳида гаров талаб қилинмаслиги банк хизматини арзонлаштиради ва ундан фойдаланишни осонлаштиради. Гуруҳ олдидаги маънавий-ахлоқий масъулият, тадбиркорнинг имиджини сақлаб қолиш зарурлиги кредитни ўз вақтида қайтаришга имкон беради.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш улар учун давлат томонидан қулай иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар яратилгандагина мумкин бўлади. Мамлакатимизда ушбу вазифани ҳудудлар даражасида кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган инфратузилмани ривожлантирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди ва унда тижорат банклари алоҳида ўрин эгаллаб турибди.

Фикримизча, кичик бизнес корхоналарининг банклар билан муносабатларида кичик бизнес ҳам, банклар ҳам давлат томонидан қувватлаб турилиши лозим. Бу борада асосини кичик бизнес ташкил этувчи соҳаларга давлат инвестицион ресурслари йўналтирилиши ва бизнес учун қулай ҳуқуқий ва маъмурий шароитлар яратилиши муҳим аҳамиятга эга. Давлатнинг кичик бизнесни кредитлаш борасидаги сиёсати амалга оширилишининг асосий бўғини кичик бизнесни қувватловчи турли фондларнинг ташкил этилишидир.

Кичик бизнес секторида имтиёзли кредитлаш муносабатлари самарали олиб борилиши учун давлат томонидан қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

- тегишли меърий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш орқали банк секторининг тадбиркорлар билан ўзаро муносабатларида давлат мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчилик ролиним бажариши, кичик бизнес учун ссудалар бозорида ва соиқ сиёсатида “ўйин қоидалари”ни белгилаб бериши лозим;

- кичик бизнесни кредитлашда банкларга рискларнинг бир қисми суғурталанишини таъминлаб берилиши, шу орқали кредитлашда кичик бизнеснинг жозибадорлигини ошириш;

- кредит бюрolari самарали ишлашини таъминлаш.

1-жадвалнинг 1-сатри маълумотлари кўрсатмоқдаки, бу гуруҳдаги субъектларда 30 млн. сўм кредит ҳисобига битта янги иш ўрни яратилмоқда. Яратилган иш ўрнидаги ойлик иш ҳақи 2 млн. сўм деб олинганда ҳам давлат бюджетига йиллик даромад солиғи тушуми 24 млн. $X 0,12 = 2,84$ млн. сўмни ташкил этади. Демак, 30 млн. сўм кредит давлат бюджетига ҳисобидан берилмоқда деб олсак, кредит суммаси қайтарилишидан ташқари бюджетга ҳар йили қўшимча 2,84 млн. сўм маблағ келиб тушади ва аслида мазкур кредит бўйича давлат томонидан кредитдан фойдаланувчига йилига 2,84 млн. сўмга қадар имтиёз берилиши ўринли бўлади.

1-жадвал

Банк кредитларидан фойдаланиш ижтимоий самарадорлиги

	Банк кредитларидан фойдаланувчи субъектларнинг кредит ҳажми бўйича гуруҳлари	Субъектлар сони	Жами кредит суммаси	Яратилган иш ўринлари сони	1 та иш ўрни қиймати
1	150 млн. сўмгача	7	513,9	17	30,16
2	150 млн. сўмдан 600 млн. сўмгача	7	2090,4	25	83,6
3	600 млн. сўмдан юқори	5	6055,4	18	378,0
	Жами	19	8659,7	60	144,3

Кейинги гуруҳларда яратилаётган иш ўрни қимматлашуви билан ҳисоб-китоблар ўзгаради. Лекин, қимматроқ иш ўринларида иш ҳақи ҳам баландроқлиги туфайли имтиёзли кредитлашдаги умумий тенденция сақланиб қолади. Умуман олганда, имтиёзли кредитлашнинг ижтимоий самараси аввало бандликнинг ва аҳоли фаровонлигининг оширилишида, давлат бюджетига даромад базаси кенгайишида ифодаланади.

Хулоса ва таклифлар:

Микрокредитлар учун фоиз ставкалари жуда паст бўлиши ҳам ўзини оклайди.

Банкни рағбатлантириш учун имтиёзли ставка билан бозор ставкаси ўртасидаги фарқ давлат томонидан банкка қоплаб берилиши керак, чунки даромад солиғи тушуми буни қоплаб беради.

Банк рискинни ҳисоблашда кичик кредитлар рисксиз деб оlinиши лозим.

Адабиётлар рўйхати

1. Сирожиддинов, И. К., & Ботирова, Р. А. (2016). Ускоренное развитие промышленности-основа структурных преобразований в экономике. Молодой ученый, (28), 546-548.
2. Сирожиддинов, И. К., & Ботирова, Р. А. (2014). Стимулирование развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. Молодой ученый, (6), 486-488.
3. Abdujabborovna, B. R., Kutbiddinovich, S. I., & Anvarovich, K. A. (2020). Innovation as an important factor in the development of the agricultural sector of the region's economy. Journal of Critical Reviews, 7(5), 821-823.
4. Rahima, B., & Sirojiddinov, I. (2021). Social Orientation of Economic Development in a Pandemic. Design Engineering, 7611-7617.
5. Anvarovich, H. A., Abdujabborovna, B. R., & Kutbiddinovich, S. I. (2021). Food orientation of agricultural production in the context of the coronavirus pandemic. Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol, 27(2).
6. Sirojiddinov, I. Q., & Abdumalik o'g'li, M. M. (2022, June). Signs and appearance of economic helplessness. In Conference Zone (pp. 8-14).
7. Raxima, B., Ikromiddin, S., & Musaxon, I. (2021). Development Of The Real Sector Of The Economy In The Conditions Of The Coronavirus Pandemic. Nveo-natural volatiles & Essential oils Journal| NVEO, 2695-2699.

8. Ботирова, Р. А., & Сирожиддинов, И. К. (2018). Промышленное развитие-основа устойчивого экономического роста региональной экономики. Молодой ученый, (21), 229-231.
9. Abdulazizovich, K. U. Improving the reflection of money and cash equivalent in the accounting balance. Dear Academicians & Research Scholars, 55.
10. Abdulazizovich, X. U. B., Qutbiddinovich, S. I., & Sobirjon o‘g‘li, J. E. (2021). Positive aspects of the cash method in small businesses in a pandemic environment. American Journal of Economics and Business Management, 4(3), 1-8.
11. Abdulazizov, K. U., Sherzod, I., & Abdulkhodinevna, S. M. (2022). Improving the methodological basis of accounting for financial assets. international journal of social science & Interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 34-39.

UDK:334.7.01

**SANOAT KORXONALARINING IQTISODIY SALOHİYATINI TADQIQ QILISHNING
NAZARIY ASOSLARI**

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ
КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ**

**THEORETICAL PRINCIPLES FOR RESEARCHING THE ECONOMIC COMPETENCE
OF INDUSTRIAL ENTERPRISES**

**A.U.Adashev Menement kafedrası mudiri
Namangan muhandislik-qurilish instituti**

Annotatsiya

Maqolada sanoat korxonalarining iqtisodiy salohiyatini tadqiq qilishning nazariy asoslari, O‘zbekiston iqtisodiyotida sanoat korxonalarining tutgan o‘rni masalalari ko‘rib chiqildi.

Kalit so‘zlar: iqtisodiy salohiyat, sanoat, iqtisodiy rivojlanish, ishlab chiqarish vositalari, aholi daromadlari, korxona.

В статье рассмотрены теоретические основы исследования экономического потенциала промышленных предприятий, роль промышленных предприятий в экономике Узбекистана.

Ключевые слова: экономический потенциал, промышленность, экономическое развитие, средства производства, доходы населения, предпринимательство.

The article discusses the theoretical foundations for studying the economic potential of industrial enterprises, the role of industrial enterprises in the economy of Uzbekistan.

Key words: economic potential, industry, economic development, means of production, personal income, entrepreneurship.

Globalashuv jarayoni, o‘shish nuqtalari va maxsus iqtisodiy zonalar ko‘rinishidagi yangi mintaqaviy markazlarning shakllanishi investitsiyalar, yuqori malakali ishchi kuchi va istiqbolli infratuzilma loyihalarini jalb etishda raqobatning kuchayishiga sabab bo‘lmoqda. Yirik mintaqaviy markazlar hissasiga jahon YaIMning 75 foizi, eksportining 58 foizi, investitsiyalarning 76 foizi to‘g‘ri kelmoqda [1]. Bu, o‘z navbatida, boshqa mintaqalar va mamlakatlarni ham raqobatdoshlikni oshirish, xususan, ularning iqtisodiy, ishlab chiqarish salohiyati hamda qiyosiy ustunliklaridan samarali foydalanishga undamoqda.

Hozirda jahonning yetakchi mamlakatlarida sanoatni rivojlantirishda ishlab chiqarish salohiyatidan samarali foydalanish jarayonini tadqiq etishda iqtisodiy salohiyatida innovatsion tarkibiy elementlar salmog‘ini oshirish, sanoatning yangi istiqbolli tarmoqlarini ustuvor rivojlantirishga ta’sir ko‘rsatuvchi omillarni aniqlash masalalariga alohida e’tibor qaratilmoqda. Jumladan, hududlardagi iqtisodiy resurslarning notekis taqsimlanish holatlari hamda ularning salbiy ta’sirini kamaytirish, hududlararo iqtisodiy munosabatlarni optimallashtirish, turli iqtisodiy sub’ektlarning o‘zaro manfaatli faoliyatini yo‘lga qo‘yishda klaster tizimidan foydalanish, ishlab chiqarish salohiyatidagi innovatsion tarkibiy elementlar salmog‘ini oshirish, sanoatning yangi istiqbolli tarmoqlarini ustuvor rivojlantirish, tarmoqning rivojlanishiga ta’sir ko‘rsatuvchi omillarni aniqlash, oqilona foydalanish hamda ularni maqsadga muvofiq tartibga solish borasida muhim ilmiy tadqiqot ishlari amalga oshirilmoqda. O‘zbekistonda keyingi yillarda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar sharoitida mintaqaviy iqtisodiy siyosatni takomillashtirish hamda hududlarning boy iqtisodiy salohiyatidan samarali va oqilona foydalanish masalalari muhim o‘rin tutadi. Bu borada “Milliy iqtisodiyot barqarorligini ta’minlash va yalpi ichki mahsulotda sanoat ulushini oshirishga qaratilgan sanoat siyosatini davom ettirib, sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmini 1,4 baravarga oshirish” bo‘yicha yo‘nalishlari belgilab berildi [2]. Zero, hudud iqtisodiyotini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish, uning tabiiy, mineral-xomashyo, sanoat, qishloq xo‘jaligi va mehnat salohiyatidan kompleks hamda samarali foydalanish natijasida xalqning turmush darajasi va daromadlarini oshirish mumkin.

Ma’lumki, sanoat iqtisodiyotda muhim o‘rin tutib, u boshqa tarmoqlar kabi mehnat taqsimoti natijasida ajralib chiqqan. Sanoat tarmog‘i ishlab chiqarish vositalari va iste’mol tovarlarining asosiy qismi ishlab chiqariladigan, hamda yoqilg‘i va xom ashyo qazib olinadigan fabrika, zavod, elektrostantsiya, shaxta, konlar, ishlab chiqarish kompaniyasi kontsernlar va konsertsiumlaridan tashkil topgan sanoat korxonalarining yig‘indisidan iborat bo‘ladi.

Avvalo, sanoat iqtisodiyotda ishlab chiqargan mahsulotlarining hissasi, asosiy fondlar qiymati va tarmoqda band bo‘lganlarning hissasi bilan ajralib turadi. Bugungi kunda sanoatda 100 dan ortiq tarmoq bo‘lib, ulardan 6 tasi negiz tarmoqlar (yoqilg‘i-energetika, tog‘-kon, metallurgiya, mashinasozlik, yengil va oziq-ovqat) hisoblanadi. SHular qatorida sanoatning mamlakat iqtisodiyotidagi o‘rni yana shu bilan belgilanadiki, u iqtisodiyot rivojining umumiy yo‘nalishini belgilab beradi, fan-texnika taraqqiyotining ilg‘or yutuqlarini birinchi bo‘lib o‘zida qo‘llaydi va boshqa tarmoqlarni ishlab chiqarish vositalari bilan ta’minlovchi asosiy tarmoq bo‘lgani uchun ularga fan-texnika yutuqlarining kirib borishiga zamin yaratib beradi.

Dunyoning rivojlangan mamlakatlari sanoatida qo‘llanilayotgan avtomatlashtirish, robotlashtirish va kompyuterlashtirish kabi fan-texnika yutuqlari O‘zbekiston sanoatida keng qo‘llanilmoqda. Natijada, respublikamiz hozirgi kunda jahon bozoriga nafaqat xom ashyo mahsulotlari, balki tayyor sanoat mahsulotlari yetkazib beruvchi mamlakatga aylanmoqda. Xususan, O‘zbekiston keng fyuzelyajli samolyotlar kabi yuqori texnologiyali, ilm talab mahsulotlar, hamda jahon standartlari talablariga javob beruvchi avtomobillar, traktorlar, paxta terish mashinalari, sanoat va maishiy elektronika, aloqa texnikalari va boshqa murakkab mahsulotlar ishlab chiqaruvchi mamlakat bo‘lib hisoblanadi. O‘zbekiston sanoatida yuqoridagi mahsulotlardan tashqari elektr energiyasi, gaz,neft,ko‘mir,benzin, po‘lat, elektrodvigatellar, transformatorlar, akkumlyatorlar, kabellar, ekskavator, ko‘prikli ko‘targichlar, yigiruv mashinalari, oltingugurt kislotasi, mineral o‘g‘itlar, sun‘iy tolalar, sement, turli qurilish materiallari, marmar, granit, gazlamalar, kiyim-kechak, paxta moyi, un, guruch, meva-sabzavot konservalari, vino mahsulotlari va boshqalar ishlab chiqariladi. Shu boisdan ham, respublika sanoatida tarmoqlar muhim o‘rin tutib, alohida vazifalarga egaligi bilan ajralib turadi. Chunonchi, sanoat tarmoqlari orasida qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlovchi va agrosanoat majmuiga xizmat ko‘rsatuvchi tarmoqlar tarixan yetakchi mavqega ega bo‘lgan. Bular paxta tozalash, shoyi to‘qish, konserva, yog‘-moy va boshqa sanoat turlari kiradi. Shuningdek, kimyo va neft kimyosi, mashinasozlik, elektronika, energetika, metallurgiya, yengil va qurilish materiallari sanoati jadal sur’atlarda rivojlanmoqda.


Hozirgi kunda O‘zbekistonning ko‘pchilik sanoat korxonalari eng ilg‘or texnologiyalar bilan ta’minlangan bo‘lib, yuqori sifatli murakkab mahsulotlarni chiqarish imkoniyatiga ega. Bu

mahsulotlarga yana hozirgi zamon marketingi va dizaynining qo‘llanilishi dunyo bozorida eng raqobatbardosh mahsulotlar qatoridan o‘rin olishiga imkon beradi.

Darhaqiqat, sanoat tarmog‘i ishlab chiqarish vositalari va iste‘mol tovarlarining asosiy qismi ishlab chiqariladigan, hamda yoqilg‘i va xom ashyo qazib olinadigan fabrika, zavod, elektrostantsiya, shaxta, konlar, ishlab chiqarish kompaniyasi, kontsernlar va konsortsiumlardan tashkil topgan sanoat korxonalarining yig‘indisidan iborat bo‘ladi. Ushbu korxonalar o‘z asosiy fondlari (binolar, jihozlar), aylanma mablag‘lari (pul kapitali, xom ashyo va yordamchi materiallar) va ishchi-xodimlariga ega bo‘lgan birlamchi ishlab chiqarish bo‘limi sifatida olib qaraladi.

Biroq, bugungi kunda ishlab chiqarishni modernizatsiyalash, texnik va texnologik yangilash, mamlakatimizda ishlab chiqarilgan mahsulotlarni xalqaro bozorlarga chiqarish, innovatsion loyihalarni amalga oshirish uchun xalqaro hamkorlikni mustahkamlash va xorijiy sheriklarni jalb etish muhim vazifalardan biri bo‘lib, mamlakatimiz yengil sanoatini sifat jihatidan yangi darajaga ko‘tarish imkonini beradi.

Aholi daromadlari ish haqi, tadbirkorlik faoliyatidan olinadigan daromad, nafaqa, pensiya, stipendiya, turli xil yordam shaklidagi pul tushumlari, mulkdan foiz, dividend, renta shaklidagi daromadlar, qimmatli qog‘ozlar, ko‘chmas mulk, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini sotish, hunarmandchilik, kasanachilik, turli xil xizmatlar ko‘rsatish va moliya-kredit, banklardan keladigan daromadlardan tashkil topadi. Mazkur holatni ko‘rsatuvchi xususiy ko‘rsatkichlar ularni iste‘mol tovarlari sotib olishi, xizmatlardan foydalanishi va ularning miqdori orqali aniqlanadi. Iste‘mol tovarlariga qilingan xarajatlar tarkibi va taqsimlanishini o‘rganish orqali ularning iste‘mol o‘zgarishlari orqali aniqlanadi. Tayyor kiyimlar va trikotajlarga aholining xarajatlarini tahlili asosida bozor o‘zgarishlarini aniq xolatini ifodalab olish mumkin. Shuningdek, hududlarda eksportni rivojlantirish va uning tuzilishini yaxshilash kerak, chunki eksportga yo‘naltirilgan iqtisodiyotni shakllantirish milliy ishlab chiqarishni texnik iqtisodiy jihatdan jahon darajasiga ko‘taradi, uning tuzilishini takomillashtiradi va hududlardagi valyuta zaxiralarini ko‘paytiradi. Umuman olganda, O‘zbekiston iqtisodiyotida sanoat korxonalari muhim o‘rin tutib, mazkur sanoat korxonalari ulushining aksariyat qismi yalpi ichki mahsulotning tarkibiga to‘g‘ri keladi. Bu holat respublikamizning hududlaridan biri bo‘lgan Namangan viloyatida ustuvor tarmoq bo‘lib hisoblanadi. Xususan, viloyatda iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish ijobiy natijasi sifatida 2022 yilda Namangan viloyatining yalpi hududiy mahsuloti (YaHM) hajmi 5 979,6 mlrd. so‘mni tashkil qilgan bo‘lib, shundan xizmat ko‘rsatish sohasining ulushi 37 foiz, qishloq, o‘rmon, baliq xo‘jaligi sohasining ulushi 41 foiz, qurilish 7 foiz va sanoat sohasining ulushi 15 foizni tashkil qilgan (1-rasm).



1-rasm Viloyatda 2022 yilda YaHM ishlab chiqarishning tarmoqlar bo‘yicha tarkibi [1]

Mazkur jadvalga asosan, sanoat mahsuloti hajmi 2022 yilda 5 979,6 mlrd. so‘mni yoki 2021 yilga nisbatan o‘shirish sur‘ati 109,4 foizni tashkil etgan. Tarmoqlararo sanoat kooperatsiyasini rivojlantirish, tayyor mahsulotlar, butlovchi qismlar va materiallar ishlab chiqarishni mahalliyashtirish dasturini amalga oshirish doirasida tadbirkorlik sub’ektlari tomonidan mahalliyashtirish dasturi doirasida 2022-yilning yanvar-dekabr oylarida 1 246 ta yangi ish o‘rinlari yaratildi o‘tgan yilning mos davri bilan taqqoslaganda yangi tashkil etilgan ish o‘rinlari soni 11,9 % ga ko‘payganligi kuzatildi. Darhaqiqat, respublikamiz o‘z mustaqilligini qo‘lga kiritgandan keyin respublika va uning hududlarida 32 yil mobaynida mamlakat iqtisodiyoti tarmoqlarini modernizatsiyalash, o‘tkazilayotgan demokratik bozor islohotlarini yanada chuqurlashtirish, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-huquqiy sohalarni yanada erkinlashtirish, mamlakat iqtisodiyoti tarmoqlarini chuqur tarkibiy o‘zgartirish va diversifikatsiya qilish, mamlakat iqtisodiyoti tarmoqlarini va mintaqalarni barqaror hamda mutanosib rivojlantirishga alohida e‘tibor qaratib kelmoqda. Sanoat sohasi ham shular jumlasidandir. Chunki, tarmoqlar orasida asosiy bo‘g‘in sanoatning ishlab chiqarish majmuasi hisoblanadi. Sanoat majmuasining muhim xususiyati shundaki, uning barcha tarmoqlarida mehnat vositalari va iste‘mol tovarlari, milliy daromadning katta qismi yaratiladi, ilmiy-texnika taraqqiyotiga erishiladi. Ayni paytda O‘zbekistondagi mehnatga yaroqli aholining asosiy qismi ham sanoat ishlab chiqarishida banddir. Sanoat iqtisodiyotining barcha tarmoqlarini ishlab chiqarish vositalari va mehnat qurollari bilan ta‘minlaydi.

Shuni aytish lozimki, respublikamiz iqtisodiyotida sanoat majmuasining har qanday tarmog‘i ichki tuzilmasidagi o‘zgarishlar amalda boshqa tarmoqlar bo‘lgan qishloq xo‘jaligi, agrosanoat majmuasining boshqa sohalari, qazib oluvchi tarmoqlar bilan uzviy bog‘liq bo‘ladi. Ayniqsa, sanoat tarmoqlari orasida qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlovchi va agrosanoat majmuasiga xizmat ko‘rsatuvchi tarmoqlar tarixan yetakchi mavqega ega. Shuningdek, kimyo va neft kimyosi, mashinasozlik, elektronika, energetika, metallurgiya, yengil va qurilish materiallari sanoati jadal sur‘atlar bilan rivojlanmoqda. Hamda O‘zbekiston o‘zining oltini, paxta tolasi va ipagi, nefti va gazi, samaliyot va avtomobillari, paxta terish mashinasi va paxtani qayta ishlash mashinalari bilan, vino va konservalari hamda bir qator boshqa sanoat mahsulotlari bilan dunyoga mashhur hisoblanadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, O‘zbekiston iqtisodiyotida sanoat tarmog‘ini rivojlantirish quyidagi ustuvor yo‘nalishlardan iborat bo‘ladi:

- paxta tolasini qayta ishlash salmog‘ini ko‘paytirish va hajmini yanada oshirish;
- ishlayotgan korxonalarni texnik qayta jihozlash va modernizatsiyalash, yuqori texnologiyali yangi korxonalarni barpo etish;
- ichki bozorni tayyor mahsulotlar bilan ta‘minlash va tarmoq eksportining salohiyatini oshirish;
- kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish uchun qulay ishbilarmonlik muhitini yaratish.

Bularning natijasida sohada muntazam texnik va texnologik yangilash, soha infratuzilmasini jadal rivojlantirish, eksport salohiyatini yuksaltirish, xorijiy investitsiyalar jalb etish va yangi ish o‘rinlarini tashkil qilish masalalari hal qilinadi. Umuman olganda, O‘zbekiston iqtisodiyotida sanoat tarmog‘ining rivojlanishi ishlab chiqarish jarayoni to‘g‘ri tashkil etish, uning turlarini barqaror keng taraqqiy qildirish, tayyor mahsulot ishlab chiqarishga to‘la o‘tkazish, boshqa korxonalar bilan integratsion-innovatsion hamkorlik aloqalarini takomillashtirish kabi ustuvor vazifalarni amalga oshirish asosida ta‘minlanadi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022—2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” gi 28.01.2022 yildagi PF-60-sonli Fapmoni
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining "O‘zbekiston Respublikasining reytingini yaxshilash bo‘yicha qo‘shimcha shora-tadbirlar to‘g‘risida"gi 05.04.2019 yildagi PP-4160-sonli Farmoni.
3. Maxmudov E.X. Korxona iqtisodiyoti. O‘quv qo‘llanma. – T.: O‘zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti, 2005, – 170 bet.

**SANOAT KORXONASINI RAQAMLASHTIRISH VA “SANOAT-4.0” NI AMALGA
KIRITISHNING ASOSIY OMILLARI**

**ОСНОВНЫЕ ФАКТОРЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ И
ВНЕДРЕНИЯ «ИНДУСТРИИ-4.0»**

**THE MAIN FACTORS OF DIGITALIZATION OF INDUSTRIAL ENTERPRISES AND
IMPLEMENTATION OF "INDUSTRY-4.0"**

Исаков Мусохон Юсупджанович
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
доценти, и.ф.н.

Annotatsiya

Maqolada “O‘zbekiston — 2030” strategiyasida belgilangan maqsadlarga erishish uchun sanoatni raqamlashtirishning zarurati asoslangan. Iqtisodiyotni raqamlashtirish asosida sanoatni “SANOAT-4.0” darajasiga olib chiqishdagi asosiy omillar, vazifalar, imkoniyat va qiyinchiliklar haqida tahlillar amalga oshirilgan.

Kalit so‘zlar: strategiya, Sanoat 4.0, global sanoat, raqamli ishlab chiqarish tizimlari, raqamli texnologiyalar, raqobat, texnologiya, sanoat inqilobi.

В статье обосновывается необходимость цифровизации отрасли для достижения целей, поставленных в стратегии «Узбекистан – 2030». Проведен анализ основных факторов, задач, возможностей и трудностей вывода отрасли на уровень «ИНДУСТРИЯ-4.0» на основе цифровизации экономики.

Ключевые слова: стратегия, Индустрия 4.0, глобальная промышленность, цифровые производственные системы, цифровые технологии, конкуренция, технологии, промышленная революция.

The article is based on the necessity of digitalization of the industry in order to achieve the goals set in the "Uzbekistan - 2030" strategy. Analyzes of the main factors, tasks, opportunities and difficulties in bringing the industry to the level of "INDUSTRY-4.0" based on the digitization of the economy have been carried out.

Key words: strategy, Industry 4.0, global industry, digital production systems, digital technologies, competition, technology, industrial revolution.

Global sanoat doimiy ravishda yangi texnologiyalarga, iste'molchilar talabidagi o‘zgarishlarga va iqlim o‘zgarishi va energiya beqarorligi kabi muammolarga moslashmoqda. Muvaffaqiyatli sanoat rivojlanishini ta’minlashning asosiy omili korxonalarning o‘zgaruvchan sharoitlarga tezda moslashish va innovatsiyalarni joriy etish qobiliyati bo‘lib qolmoqda. Global sanoat texnologiyalar va biznes modellarida o‘zgarishlarga asoslangan xolda faol rivojlanishda davom etmoqda. Global sanoatni rivojlantirish bo‘yicha ba’zi muhim qarorlar quyidagilardan iborat: raqamlashtirish va sanoat 4.0; energiya samaradorligi va barqarorligi; ishlab chiqarishning globallasuvi; biotexnologiya va yangi materiallar; simulyatsiya va virtual reallik; transport logistikasini modernizatsiya qilish; salomatlik va xavfsizlik sohasidagi innovatsiyalar; ishlab chiqarish jarayonlarini gibridlashtirish.

“O‘zbekiston — 2030” strategiyasining 2-yo‘nalishi “Barqaror iqtisodiy o‘sish orqali aholi farovonligini ta’minlash” ga yo‘naltirilgan bo‘lib unda birinchi navbatda 2030-yilga qadar iqtisodiyot hajmini 2 barobar oshirish va “daromadi o‘rtachadan yuqori bo‘lgan davlatlar” qatoriga kirish maqsadi qo‘yilgan [1]. Uni amalga oshirish uchun milliy iqtisodiyotni mutanosib

rivojlantirish, uning samarali tarkibiy tuzilmasiga ega bo‘lish va shu orqali barqaror iqtisodiy o‘shish sur‘atlariga erishish lozim. Ushbu maqsadga erishish uchun esa, avvalo, iqtisodiyotning real sektorining asosiy bo‘g‘ini bo‘lgan sanoatni jadal rivojlantirish zarur.


Raqamlashtirish natijasida global iqtisodiyotda inqilob ro‘y bermoqda. Sanoat korxonalari uchun raqamli iqtisodiyot vositalarini joriy qilish tovarlarni bozorga kirish vaqtini kamaytirishi, mahsulotlar va xizmatlarning sifatini yaxshilashi va yangi biznes modellaridan foydalanishi imkoniyatini beradi. Sanoat korxonasini raqamli iqtisodiyotga integratsiyalashuvining zaruriy sharti ishlab chiqarishga yagona axborot makonini kiritishdir, uning yordamida korxonalarni boshqarish tizimlari va sanoat uskunalari ma’lumotlarni o‘z vaqtida almashishi mumkin.

Sanoat 4.0 – mamlakat va biznes raqobatbardoshligini oshirishga qaratilgan raqamli texnologiyalar (Sanoat 4.0) kirib borishi bilan bog‘liq ishlab chiqarish jarayonlarida yuzaga keladigan munosabatlar yig‘indisi hisoblanadi. Sanoatni internetlashtirishga qaratilgan nemis davlat tashabbuslaridan farqli ravishda, O‘zbekiston Respublikasi uchun «Sanoat 4.0» atamasi iqtisodiyotning barcha tarmoqlarini raqamli o‘zgartirishni anglatadi.

Lyuding fon Bertalanfi tizimlar umumiy nazariyasiga muvofiq, har bir tizim jarayonlar va teskari aloqalarni o‘zgartiradigan kirish va chiqishga ega bo‘ladi. Agar «Sanoat 4.0» atamasining mazmunini tizimlar nazariyasi tilida tushuntirdigan bo‘lsak, bunda quyidagini tushunish kerak: «Sanoat 4.0» bu – onlayn-texnologiyalar yordamida tizim bo‘g‘inlari (odamlar, mashinalar, DATA-markazlar) o‘rtasida raqamli shaklda ma’lumot almashinish zaruriy elementi hisoblangan ishlab chiqarish jarayonlari zanjiridan iborat tizimdir.

To‘rtinchi sanoat inqilobi [2] — sanoatda raqamli texnologiyalar rivojlanish sababli 21-asrda texnologik, sanoat va ijtimoiy jarayonlarning tez o‘zgarishlarga sabab bo‘layotgan sanoat inqilobi hisoblandi. Bu atama 2015-yilda Jahon Iqtisodiy Forumi asoschisi va ijrochi raisi Klaus Shvab tomonidan ommalashgan va shundan beri ko‘plab iqtisodiy, siyosiy va ilmiy maqolalarda foydalanilgan. Shvabning ta’kidlashicha, sodir bo‘ladigan o‘zgarishlar nafaqat samaradorlikni oshiradi, shu bilan birgalikda sanoat kapitalizmidagi sezilarli o‘zgarishlarni olib keladi [3].

Global ishlab chiqarish va ta’minot tarmog‘i — zamonaviy aqlli texnologiyalar, keng ko‘lamli mashinadan mashinaga aloqa va buyumlar internetdan foydalangan holda an’anaviy ishlab chiqarishda tub o‘zgarishlarga ta’sir etmoqda. Ushbu jarayon avtomatlashtirishni oshirishga, aloqa va o‘z-o‘zini nazorat qilishni yaxshilashga hamda inson aralashuvisiz muammolarni tahlil qilish va tashxislash imkonini beruvchi aqlli texnologiyalardan foydalanishga olib keladi [4].



1-rasm. Sanoatda raqamli iqtisodiyot instrumentlari [5]

Sanoatda raqamli iqtisodiyotning vositalari deganda korxonaning barcha jismoniy aktivlarini raqamlashtirish va ularni korxonaning biznes sheriklari ma’lumotlari bilan raqamli ekotizimlarga


birlashtirish vositasi tushuniladi. Amalda, bunday vositalar qo‘llaniladigan yangi texnologiyalarning juda keng doirasini anglatadi (1-rasm).

1-rasmdan ko‘rinib turganidek, sanoat tarmog‘ida raqamli iqtisodiyot vositalarini uch guruhga bo‘lish mumkin:

1) vertikal va gorizontal qiymat zanjirlarini raqamlashtirish va birlashtirish uchun vositalar;
2) raqamli biznes modelini yaratish uchun ishlatiladigan vositalar, uning ishlashi va mijozlar kirishini ta’minlaydigan vositalar;

3) sanoat korxonalari tovarlari va xizmatlari takliflarini raqamlashtirish uchun vositalar.

Sanoat tarixi insoniyat tsivilizatsiyasi kabi uzoqdir. Aslida, tsivilizatsiyaning o‘zi sanoatga bo‘lgan ehtiyojning ortishi natijasidir, deb ta’kidlash mumkin. Misol uchun, odamlar o‘rnashib, dehqonchilik bilan shug‘ullana boshlaganlarida, ularga oziq-ovqat mahsulotlarini qurish, etishtirish va saqlashning yangi usullari kerak edi. Natijada omoch, dastgoh, g‘ildirak kabi narsalar ixtiro qilindi. Ularning barchasi sanoatning birinchi shakllariga misoldir. Odamlar mahsulot ishlab chiqarish uchun ishlab chiqarishni tashkil qilgan va avtomatlashgandan beri, ular buni amalga oshirish uchun yangi asboblardan va mashinalarni ixtiro qildilar. Ushbu bo‘lim tarix davomida sanoatning turli bosqichlarini qamrab oladi, mexanizatsiya va bug 'energetikasidan tortib, kompyuterlar va avtomatlashtirishgacha.




2-rasm. Sanoatda raqamli texnologiyalar va raqamli ishlab chiqarish tizimlari (platformalar)

Ma’lumki, tarixda 3 ta sanoat inqilobi yuz bergan bo‘lib, ular quyidagilar bilan bog‘liq bo‘lgan:

1. Bug‘ dvigatelinin ixtiro qilinishi, ishlab chiqarishni mexanizatsiyalashtirish (XVIII asr oxiri);
2. Elektrlashtirish, konveyer, mehnat taqsimoti, ommaviy ishlab chiqarish (XIX-asr oxiri – XX asr boshi);

3. Elektronika, axborot texnologiyalari industriyasi, avtomatlashtirilgan ishlab chiqarish (XX asr oxiri).



3-pacm. Sanoat inqiloblari tarixi

To‘rtinchi sanoat inqilobi iborasi birinchi marta Germaniya hukumati uchun yuqori texnologiyali strategiyani ishlab chiquvchi olimlar jamoasi tomonidan kiritilgan. Jahon Iqtisodiy Forumi (JIF) ijrochi raisi Klaus Shvab 2015-yilda Xalqaro munosabatlar deb nomlangan maqolasida bu iborani keng jamoatga taqdim etgan. 2016-yilda Shveysariyaning Davos-Klosters shahrida bo‘lib o‘tgan Jahon iqtisodiy forumining yillik yig‘ilishining mavzusi sifatida „To‘rtinchi sanoat inqilobini o‘zlashtirish“ ko‘rib chiqilgan. 2016-yil 10-oktyabrda o‘tkazilgan forumda San-Fransiskoda To‘rtinchi sanoat inqilobi markazining ochilishini e‘lon qildi. Klaus Shvabning 2016-yilgi kitobining mavzusi va sarlavhasi edi. Shvab ushbu to‘rtinchi sanoat davrda texnologiya, dasturiy ta‘minot va biologiyani (kiber-fizik tizimlar) birlashtirgan texnologiyalarni o‘z ichiga oladi va aloqa sohasidagi yutuqlarni ta‘kidlaydi. Shvab bu davr robototexnika, sun‘iy intellekt, nanotexnologiya, kvant hisoblash, biotexnologiya, narsalar interneti, sanoat buyumlar interneti, markazlashmagan konsensus, beshinchi avlod simsiz texnologiyalar, 3D bosib chiqarish va to‘liq avtonom avtomobillar kabi sohalarda rivojlanayotgan texnologiyalarda yutuqlar bilan belgilanishini kutmoqda [6].

JIFning „Buyuk qayta o‘rnatish“ taklifida To‘rtinchi sanoat inqilobi COVID-19-pandemiyasidan keyin iqtisodiyotni barqaror ravishda qayta tiklash yechimi sifatida kiritilgan [7].

To‘rtinchi sanoat inqilobi paydo bo‘lishidagi asosiy omillarni sanab o‘tsak, inqilobiy o‘zgarishlar, birinchidan, texnologiya sohasida namoyon bo‘ldi. Nanotexnologiyalar, sun‘iy aql, ijtimoiy tarmoqlar va yashil energiya manbalarining ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish va kundalik hayotga tobora kirib borishi insonning turmush tarzini yangilay boshladi.

Dunyoda kompaniyalarning sun‘iy aql texnologiyalariga bo‘lgan talabi 72 foizga o‘sdi va shu ularni axborot texnologiyalari, marketing, moliya va buxgalteriya kabi sohalarda eng yirik hajmlarda joriy etildi.

Ikkinchidan, amaldagi jahon tartibotidagi siljishlar natijasida xalqaro munosabatlar va savdo Atlantika okeanidan Tinch okeaniga ko‘chib o‘tdi. Iqtisodiy va sisosiy masalalardagi qarorlarda Pekinning roli sezilarli darajada oshdi. Bunga Xitoydagi texnologik kashfiyotlarning xarakteri o‘zgarishi o‘z ta‘sirini ko‘rsatdi.

XXI asrning dastlabki o‘n yilligigacha, asosan G‘arb davlatlaridan texnologiyalarni ko‘chirib oluvchi Xitoy kompaniyalari endilik o‘zlarining tadqiqot qobiliyatlarini rivojlantirib oldilar. Kichik bir namuna Huawei korporatsiyasi 5G internet bozorining 33 foizdan yoki uchdan bir qismidan ko‘prog‘ini egallaydi va innovatsiyalar bo‘yicha yetakchilik qiladi.

Uchinchidan, avlodlar psixologiyasi va xulqida “Millennial”lardan tubdan farqlanuvchi “Zoomer”lar qatlami yetishib chiqdi. Yangi avlodning asosiy chegaralab beruvchi omil aynan internetning turmush tarziga kirib kelganligi.

1996–1997-yildan keyingi tug‘ilganlar uchun internet avvalgi dunyoni turlicha tasavvur qiladilar. To‘rtinchi sanoat inqilobi amalga oshayotgan davrga kelib esa bu yoshlar mehnat bozoriga kirib kelmoqdalar.

Umumiy jihatdan olsak, sanoat inqilobi nafaqat iqtisodga, balki inson xulqi va xalqaro siyosiy jarayonlarga ham bevosita yoki bilvosita ta‘sir ko‘rsatmoqda.

Xulosa qilib shuni aytish kerakki ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotni jadallashtirishni ta‘minlovchi buyuk harakatlantiruvchi kuch — raqobat, ya‘ni bellashuv, raqiblar kurashi ham sanoat sohasida rivoj topadi. Sanoat 4.0 ni joriy etishdagi yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan quyidagi qiyinchiliklarni brataraf etish lozim bo‘ladi.

Iqtisodiy qiyinchiliklar: yuqori iqtisodiy xarajatlar; biznes modeliga moslashish; noaniq iqtisodiy foyda/ortiqcha sarmoya.

Ijtimoiy qiyinchiliklar: maxfiylik muammolari; kuzatuv va ishonchsizlik; manfaatdor tomonlar tomonidan o‘zgartirishni umumiy istamaslik; korporativ it bo‘limining ishdan bo‘shatish xavfi; avtomatik jarayonlar va it tomonidan boshqariladigan jarayonlarga ko‘p ish o‘rinlarini yo‘qotish; sun‘iy intellekt bilan almashtirilishi mumkin bo‘lgan ish o‘rinlarida gender tengsizliklari xavfining oshishi.

Siyosiy qiyinchiliklar: reglament, standartlar va sertifikatlashtirish shakllarining yo‘qligi; noaniq huquqiy muammolar va ma‘lumotlar xavfsizligi.

Tashkiliy qiyinchiliklar: ilgari yopilgan ishlab chiqarish sexlarini ochish zarurati tufayli it xavfsizligi muammolari; juda qisqa va barqaror kechikish vaqtlarini o‘z ichiga olgan muhim mashinadan mashinaga aloqa uchun zarur bo‘lgan ishonchlik va barqarorlik; ishlab chiqarish jarayonlarining yaxlitligini saqlash kerak; har qanday it to‘siqlaridan qochish kerak, chunki ular qimmat ishlab chiqarishda uzilishlarga olib kelishi mumkin; sanoat nou-xausini himoya qilish kerak (shuningdek, sanoat avtomatizatsiya vositalarining boshqaruv fayllarida mavjud); to‘rtinchi sanoat inqilobiga o‘tishni tezlashtirish uchun yetarli ko‘nikmalarning yetishmasligi; yuqori boshqaruvning past majburiyatlari; xodimlarning malakasi yetarli emas.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentabrdagi PF-158-son “O‘zbekiston — 2030” strategiyasi to‘g‘risida” Farmoni // www.lex.uz
2. Schwab, Klaus „The Fourth Industrial Revolution: what it means, how to respond“. World Economic Forum.
3. С.С.Гулямов, Р.Х.Эргашев, С.Н.Хамраева. Рақамли иқтисодиёт - (ўқув қўлланма),- Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. -377 б.
4. Bai, Chunguang; Dallasega, Patrick; Orzes, Guido; Sarkis, Joseph (1 November 2020). "Industry 4.0 technologies assessment: A sustainability perspective" (en). International Journal of Production Economics 229: 107776. doi:10.1016/j.ijpe.2020.107776. ISSN 0925-5273.
5. Philbeck, Thomas; Davis, Nicholas (2018). "The Fourth Industrial Revolution" (ing). Journal of International Affairs 72 (1): 17–22. ISSN 0022-197X.
6. Mike Moore 05 „What is Industry 4.0? Everything you need to know“ (ing.). TechRadar .
7. Isakov, M., & Ядгаров, А. (2020). А Иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолини арзон уй-жой билан таъминлашнинг долзарб масалалари. Архив научных исследований, 1(15). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2038>
8. Isakov Musokhon, Kasimov Saidakmal and Holikova Rukhsora. Development of the cotton industry in the conditions of introduction of Innovations in Uzbekistan. International Journal of Advance and Innovative Research Volume 6, Issue 1 (I): January - March, 2019
9. Maxmudov E.X., Isakov M.Yu. Biznes - rejalashtirish. O‘quv qo‘llanma – Toshkent: Iqtisodiyot, 2019 yil. – 148 bet.

**YENGIL SANOATDA EKSPORTNI DIVERSIFIKASIYALASHNING NAZARIY
ASOSLARI**

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ДИВЕРСИФИКАЦИИ ЭКСПОРТА В ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**THEORETICAL FOUNDATIONS OF EXPORT DIVERSIFICATION IN LIGHT
INDUSTRY**

Kodirjon Maxamadaminovich Umarkulov

Iqtisod fanlari nomzodi, dotsent
University of Business and Science

Жўраев Илҳомжон Камолиддинович

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
University of Business and Science

Annotatsiya

Maqolada yengil sanoatning milliy iqtisodiyotdagi o'rni asoslangan, sohada amalga oshirilayotgan islohotlar tatqiq etilgan, raqobat uctunliklari, eksportni diversifikatsiyalash tushunchasi asoslangan va bu boradagi qarashlar tahlil qilingan, eksportni diversifikatsiya qilish bo'yicha muhim yondashuv ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: Yengil sanoat, tarmoq, ishlab chiqarish, eksport, diversifikatsiya.

В статье обоснована роль легкой промышленности в национальной экономике, рассмотрен ход проводимых реформ в отрасли, обоснованы конкурентные преимущества, проанализированы взгляды и концепции диверсификации, разработан один из весомых подходов к диверсификации экспорта.

Ключевые слова: легкая промышленность, отрасль, производство, экспорт, диверсификация.

The article substantiates the role of light industry in the national economy, examines the progress of ongoing reforms in the industry, substantiates competitive advantages, analyzes the views and concepts of diversification, and develops one of the weighty approaches to export diversification.

Keywords: light industry, branch, production, export, diversification.

O'zbekistonning jahon iqtisodiy hamjamiyatidagi o'rnini yuksaltirish va milliy iqtisodiyot barqarorligini ta'minlashda yengil sanoat korxonalarining ahamiyati katta. Yengil sanoat xilma-xil xom ashyodan keng iste'mol mahsulotlari va buyumlari ishlab chiqarishga ixtisoslashgan sanoat tarmoqlari majmuidan iborat bo'lib, unda xom ashyoga ham dastlabki ishlov berish, ham tayyor mahsulot ishlab chiqarish amalga oshiriladi. Yengil sanoatda paxta, ipak, zigir, kanop, jut tolalari, hayvonlar terisi, juni, sun'iy tolalar, sun'iy charm xom ashyo sifatida foydalaniladi. Uning asosiy tarmoqlari to'qimachilik, tikuvchilik, ko'ncilik, mo'ynado'zlik, poyabzal sanoatlari hisoblanadi. Yengil sanoat mahsulotlari, shuningdek, mebelsozlik, aviatsiya, avtomobil, oziq-ovqat va boshqa sanoat tarmoqlarida, qishloq xo'jalik, transport, sog'liqni saqlash va boshqa sohalarida ishlatiladi.

Fan-texnika taraqqiyotining jadallashuvi, mamlakatlar o'rtasida savdo-iqtisodiy aloqalarning tobora kengayib borishi, zamonaviy menejment va marketing ilmining ishlab chiqarish jarayonlariga keng tatbiq etilishi, xalqaro mehnat taqsimotining chuqurlashuvi, ilmiy kadrlarning sifat tarkibi yaxshilanib borayotganligi kabi jarayonlar mamlakatlar o'rtasida raqobatning

keskinlashuviga olib kelmoqda. Ayniqsa yengil sanoatda bu kabi raqobat juda keskin tus oladi. Chunki, yengil sanoat ishlab chiqarishi yuqori ilmiy-texnik yechimlarga asoslangan tarmoq sifatida boshqa sohalarga qaraganda raqobat keskin avj oladigan muhitda faoliyat yuritishga majburdir.

Tarmoq korxonalari avtomatik rejimda ishlaydigan prinsipial yangi mashinalar va mashinalar tizimlarini ishlab chiqish hamda ularni amalda keng qo‘llash, zamonaviy ishlab chiqarish texnologiyalarini yaratish, oldindan belgilangan xususiyatlarga ega yangi turdagi raqobatbardosh materiallarni yaratish va ularni ishlab chiqarishga tatbiq etish, raqamli boshqaruvga ega stanoklar, avtomatik liniyalar, sanoat robotlari, moslashuvchan ishlab chiqarish tizimlaridan foydalanishga asoslangan ishlab chiqarish jarayonlarini avtomatlashtirishni keng rivojlantirish, mehnat va ishlab chiqarishni tashkil etishning yangi shakllarini joriy etish borasida muvaffaqiyatlarga erishishlari talab etiladi. Bugungi kunda yengil sanoat mahsulotlarining asosiy jahon ishlab chiqaruvchilari Xitoy va Hindiston kabi davlatlardir. Dunyo paxta ishlab chiqarishining 40 %, kalavani 64 %, to‘qimachilikning 41 %, kiyim-kechakning 50 % Xitoy hissasiga to‘g‘ri keladi. Hindistonning yengil sanoati mamlakatdagi ikkinchi yirik ish beruvchi bo‘lib, 45 million kishi ishlaydi. Jahon yalpi ichki mahsulotida yengil sanoatning ulushi qariyb 3%ni tashkil etsa, yirik ishlab chiqaruvchi mamlakatlarda bu ko‘rsatkich 10 %dan oshmoqda [6].

Bu mamlakatlarning jahon bozorida ustunliklarining asoslaridan biri ularda paxta yetishtirish bo‘yicha katta ustunlikka ega ekanliklaridir. Dunyo paxtasining 25 foizidan ko‘prog‘i, ya‘ni yiliga taxminan 6,5 mln tonna paxta Xitoyda yetishtiriladi. Hindistonning tabiati ham paxta yetishtirish uchun qulay. Shu bois bu davlat ham yiliga 6,3-6,4 mln tonna atrofida hosil oladi. O‘zbekiston esa paxta yetishtirish bo‘yicha bugungi kunda dunyoda 6-o‘rinda turadi. Hozirgi kunda respublika bo‘ylab o‘rtacha 1,1-1,2 mln tonna paxta hosili olinadi.

Shuningdek, ushbu soha mamlakat ichki bozorlarini xalq iste‘moli mollari bilan to‘yintirishda katta ahamiyatga ega bo‘lishi barobarida mamlakatning eksport salohiyatini oshirishda katta rol o‘ynaydigan, qishloq xo‘jalik mahsulotlarini qayta ishlab, mamlakat iqtisodiyotini xom ashyoviy yo‘nalishdan tayyor mahsulot yo‘nalishida shakllanishiga xizmat qiladigan asosiy tarmoqlardan biri hisoblanadi. Ta‘kidlash joizki, yengil sanoat mahsulotlari eksporti ko‘rsatkichlarini yanada yuksaltirish uchun katta imkoniyatlar mavjud bo‘lib, ulardan samarali foydalanish uchun eksportni diversifikatsiyalashga alohida ahamiyat qaratish talab etiladi.

Umuman, eksportni diversifikatsiyalash nima uchun zarur?

Bugungi globallashuv jarayonlari har bir mamlakat iqtisodiyotida ham ichki, ham tashqi bozorlarni tadqiq etish, sotuv bozorlarini kengaytirish uchun samarali iqtisodiy siyosat yuritishni taqozo etmoqda. Ayniqsa, rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyoti ekspansiyasi kuchayib borayotgan sharoitlarda rivojlanayotgan mamlakatlar uchun diversifikatsiyalash jarayonlarini chuqur tadqiq etish yanada jiddiy ahamiyat kasb etadi. Rivojlangan mamlakatlarda iqtisodiyot va uning tarmoqlarini diversifikatsiya qilsihning bozor mexanizmlari shakllanganligi sababli bu borada muvaffaqiyatli tizim shakllangan. Ularda moliyaviy-iqtisodiy salohiyat jihatidan, kadrlar masalalarida, texnik-texnologik rivojlanish nuqtai-nazaridan katta imkoniyatlar mavjud. Shu bilan birga bu mamlakatlarda diversifikatsiyalash borasidagi huquqiy-me‘yoriy hujjatlarning samarali ishlashi, turli davlatlar bilan savdo-iqtisodiy aloqalarning keng yo‘lga qo‘yilganligi, ta‘sirchan export-import aloqalarida monopol mavqening mavjudligi kabi xususiyatlar rivojlanayotgan iqtisodiyotlar uchun muayyan qiyinchiliklarni tug‘dirishi tabiiy hol.

Bu esa rivojlanayotgan mamlakatlar, xususan O‘zbekiston uchun diversifikatsiyalash jarayonlariga ilmiy yondashishni talab etadi. Diversifikatsiya tushunchasi lotinchadan (diversus - xilma-xillik, facere – qilish, bajarish, amalga oshirish) tarjima qilinganda xilma-xillikni amalga oshirishni bildiradi. Алексей Ефремов fikricha [7], diversifikatsiya – bu korxonaning bankrot bo‘lishiga yoki faoliyatning biron bir yo‘nalishi bo‘yicha mumkin bo‘lgan jiddiy moddiy-moliyaviy yo‘qotishlarga yo‘l qo‘ymaslik uchun bir-biriga bog‘liq bo‘lmagan turli sohalarga sarmoya kiritishdir. Clovis Freire talqiniga ko‘ra [8], diversifikatsiya (lotincha diversus – har xil, turli va facer – qilmoq) – bu ishlab chiqarish va (yoki) xizmat ko‘rsatishning o‘zaro bog‘liq bo‘lmagan bir nechta yoki bir qancha texnologik turlarini ayni bir vaqtda rivojlantirish, ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar va (yoki) xizmatlarning assortimentini kengaytirishdir.

Iqtisodiyotda bu atama quyidagi ma’nolarida tushuniladi:

- yangi bozorlarga chiqish;
- mijozlar va ishlab chiqarilgan mahsulotlar uchun xizmatlar to‘plamini kengaytirish;
- maqsadli auditoriyaning (iste’molchilarning) yangi segmentlarini topish;
- ishlab chiqarishni kengaytirish va bozorga chiqarish uchun yangi texnologiyalarni joriy etish;
- qo‘shimcha foyda manbalarini topish.

"Diversifikatsiya" tushunchasi "barcha tuxumlarni bitta savatga solmang" degan mashhur inglizcha maqol bilan mos tushadi.

Eksportni diversifikatsiyalash tushunchasi borasida esa hozirgi vaqtga qadar ilmiy tadqiqotlar olib borgan olimlarning qarashlarini ushbu jadval asosida shakllantirish mumkin:

1-jadval

Eksportni diversifikatsiyalash borasidagi qarashlar

Moliyaviy atamalar lug‘ati [1]	Eksportni diversifikatsiya qilish-eksport uchun mo‘ljallangan mahsulot va xizmatlarning turlari va nomlari sonini ko‘paytirish. Eksportni diversifikatsiya qilish iqtisodiy manevr uchun sharoit yaratadi, noqulay iqtisodiy vaziyat iqtisodiyotiga salbiy ta’sirni bartaraf etish imkoniyatlarini kengaytiradi.
Dennis, A., & Shepherd, B [2].	Eksportni diversifikatsiya qilish mamlakatning eksport tarkibi va tuzilishidagi o‘zgarishlardan boshqa narsa emas, bunga mavjud eksport tovarlari modelini o‘zgartirish yoki ularga innovatsiya va texnologiyalarni kengaytirish orqali erishish mumkin.
Vishal Sarin, Sushanta Kumar Mahapatra, Naveen Sood [3].	Olin va Samuelson eksportga ixtisoslashishni ta’kidlagan Prebisch-singer gipotezasi tanqid qilindi, chunki ular eksport ixtisoslashuvi rivojlanayotgan mamlakatlarning xom ashyo va qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini eksport qilish va rivojlangan mamlakatlardan iste’mol tovarlari va ishlab chiqarish mahsulotlarini import qilishga bog‘liqligini oshiradi. Adabiyotda eksport savatini diversifikatsiya qilish orqali xom ashyo shoklari, narxlarning beqarorligi va savdo muddatlari xavfini kamaytirish va iqtisodiy o‘sish sur‘atlarini yanada tezlashtirish mumkinligi haqida dalillar keltirilgan.
Dennis, A., & Shepherd, B [4].	Eksportni diversifikatsiya qilish bo‘yicha empirik ish, odatda, ma’lum bir mahsulot assortimenti yoki sektorlari bo‘yicha herfindal-Xirshman eksport qiymati indeksi kabi intuitiv, ammo nazariy jihatdan tartibsiz diversifikatsiya ko‘rsatkichlaridan foydalanadi (masalan, Amin Gutierrez de Pinyeres va Ferrantino, 1997). Bunday chora-tadbirlarning maqsadi aniq: ular turli mamlakatlar eksport daromadlarining asosiy qismini ta’minlaydigan tovarlarning kichik assortimentiga qay darajada ko‘proq yoki kamroq bog‘liqligini aniqlashga qaratilgan. Nazariy nuqtai nazardan, bunday diversifikatsiya choralari kuchaytirish uchun ikkita mexanizm mavjud (Cadot va boshq., 2007). Imkoniyatlardan biri shundaki, umumiy qiymati past bo‘lgan eksport tovarlari umumiy qiymati yuqori bo‘lgan tovarlarga nisbatan tezroq o‘sadi. Bunday diversifikatsiyani yuqori Marjada sodir bo‘layotgan deb hisoblash mumkin, chunki u hech qanday yangi mahsulotlarni eksport qilishni o‘z ichiga olmaydi. Diversifikatsiyani amalga oshirishning ikkinchi usuli-bu sezilarli marjadir: mamlakatning eksport tarkibiga yangi mahsulotlarni kiritish, albatta, hamma narsani o‘zgarishsiz qoldirib, uning diversifikatsiya darajasini oshiradi.
Gonzalo Varela [5]	Mahsulot turlarini ko‘paytirish va yetkazib berish geografiyasini kengaytirishdan iborat bo‘lgan mamlakat eksportini diversifikatsiya qilish rivojlanish strategiyasining bir qismi hisoblanadi.
I.S.Xotamov O.O.Rashidova [6]	Mahsulot eksportiga nisbatan diversifikatsiya eksport qilinadigan tovarlar miqdori va assortimentini oshirish, shuningdek, eksportning muvozanatlashgan tarkibiga erishishga olib keladigan jarayonni o‘z ichiga oladi.

Olib borgan tadqiqotlarimiz asosida aytish mumkinki, olimlarning ko‘pchiligi eksportni diversifikatsiya qilish tushunchasiga sohadagi tavakkalchiliklarni oldini olishga qaratilgan jarayon, deb fikr bildirishgan bo‘lsa, boshqalarida esa eksportni diversifikatsiya qilish – bu sohani rivojlantirish strategiyasi degan yondashuv mavjud.

Bizning, fikrimizcha, eksportni diversifikatsiya qilish tushunchasiga uch tomonlama yondashish zarur:

1) Makrodarajada eksportni diversifikatsiya qilish – bu mamlakatning taraqqiyotini belgilovchi, bir yoki bir nechta kam sonli davlatlar iqtisodiyotiga qaramlikni oldini oluvchi eksport strategiyasidir. Ushbu strategiyaga zaruriy me‘yoriy-huquqiy hujjatlar asos qilib olinadi. Boshqacha aytganda tegishli hujjatlar asosida milliy iqtisodiyotni diversifikatsiyalash bilan bog‘liqdir. Ya‘ni mamlakatda eksportni diversifikatsiya qilish deganda iqtisodiyot tarmoqlarini kengaytirish, eksport imkoniyatlarini oshirish, eksport to‘siqlarini bartaraf qilish, eksportni rag‘batlantirish rag‘batlantirishni nazarda tutish zarurdir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 29.11.2018 yil kuni tasdiqlagan PF5587-son “Mahalliy ishlab chiqaruvchilarning eksport salohiyatini yanada rag‘batlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 12.02.2019 yil kungi PQ-4186-son “To‘qimachilik va tikuv-trikotaj sanoatini isloh qilishni yanada chuqurlashtirish va uning eksport salohiyatini kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 24.05.2019 yil kungi PQ-4337-sonli “Eksport faoliyatini moliyalashtirish va sug‘urta himoyasi mexanizmlarini kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 14.05.2020 kungi 283-sonli “O‘zbekiston Respublikasining tashqi savdo operatsiyalari monitoringini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori makrodarajada eksportni diversifikatsiya qilish maqsadidagi hujjatlardir.

2) Mezodarajada eksportni diversifikatsiya qilish bu - tarmoqning raqobat ustunligini ta‘minlashning asosiy yo‘nalishi sifatida yondashish mumkin. Bunda tarmoqning eksport imkoniyatlarini kengaytirish uchun kichik tarmoqlarni shakllantirish, imtiyoz va rag‘batlantirishlar orqali oraliq (tarmoq ichidagi) boshqaruvni takomillashtirish, mamlakat ekportida tarmoqning hissasini oshirish, investitsiyalar oqimini sohaga yo‘naltirish kabi jihatlar e‘tiborga olinadi.

Masalan, charm-poyabzal va mo‘ynachilik sohalarini boshqarish tizimining samaradorligini oshirish, xom ashyoni qayta ishlashni chuqurlashtirish, ilg‘or texnologiyalarni joriy etish, ishlab chiqarilayotgan mahsulot turlarini diversifikatsiyalash va eksport qilinadigan tovarlarni kengaytirish asosida ularning jadal rivojlanishi uchun shart-sharoit yaratish maqsadida “O‘zbekcharm-poyabzali” uyushmasi uning tarkibiga charm, mo‘yna xom ashyosi va jun tayyorlash, saqlash va qayta ishlash, chorva mollarini avtomatlashtirilgan holda so‘yish, jun, qorako‘l va sun‘iy charmdan buyumlar, charm-attorlik mahsulotlari, poyabzal ishlab chiqarish bilan shug‘ullanuvchi tashkilotlar, shuningdek, boshqa tashkilotlar ixtiyoriy ravishda kirgan holda “O‘zcharmsanoat” uyushmasini qayta tashkil etilishini misol qilib keltirish mumkin.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Charm-poyabzal va mo‘ynachilik sohalarini rivojlantirish va eksport salohiyatini oshirishni yanada rag‘batlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorida “Charm va poyabzal dizayni markazi” shu‘ba korxonasi faoliyatini tanqidiy baholash asosida uning ish samaradorligini oshirish, eng avvalo, moda industriyasidagi o‘zgarishlarga tez ta‘sir choralari ko‘rish va mahalliy ishlab chiqaruvchilar uchun tegishli tavsiyalar ishlab chiqish, xorijiy moda uylari, mo‘ynachilik auksionlari va poyabzal, charm-attorlik, mo‘ynachilik, qorako‘l mahsulotlari va jundan ishlangan buyumlarni ishlab chiqarishga ixtisoslashtirilgan kompaniyalar bilan hamkorlikni kengaytirish, shuningdek, ishlab chiqarilayotgan qator mahsulot modellari dizaynini yaxshilash va turlarini kengaytirish uchun xorijiy modelyerlar, dizaynerlar va ekspertlarni jalb etish masalalari bo‘yicha aniq choralar ko‘rish belgilanganligi sohada diversifikatsiyalash borasidagi katta qadamlardan biri, deyish mumkin.

3) Mikrodarajada eksportni diversifikatsiya qilish – bu korxonalar tavakkalchiligini oldini olish, kamaytirish va ishlab chiqarish samaradorligini oshirish yo‘lidir. Eksportni kengaytirish uchun resurslardan samarali foydalanishni ta‘minlash, ularni ayni damdagi ishlab chiqarish ko‘lamidan tashqari yangi, raqobatbardosh tovarlar ishlab chiqarishga yo‘naltirish, eksport tarkibini

takomillashtirish, mavjud menejment va marketing mexanizmlarini diversifikatsiya shartlariga muvofiq qayta shakllantirish kabi chora-tadbirlar korxonalarning eksportini diversifikatsiyalashni tavsiflaydi.

Korxonada eksportga yo‘naltirilgan ishlab chiqarishni kengaytirish, eksportbop mahsulotlarni ishlab chiqarishini o‘zlashtirish maqsadida texnik – texnologik o‘zgarishlarni amalga oshirish bilan bogliq chora-tadbirlar va mexanizmlar mikrodarajada eksportni diversifikatsiya qilish tushunchasi bilan bog‘lanishi mumkin.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 29.11.2018 yil kuni tasdiqlagan PF5587-son “Mahalliy ishlab chiqaruvchilarning eksport salohiyatini yanada rag‘batlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 12.02.2019 yil kungi PQ-4186-son "To‘qimachilik va tikuv-trikotaj sanoatini isloh qilishni yanada chuqurlashtirish va uning eksport salohiyatini kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 24.05.2019 yil kungi PQ-4337-sonli “Eksport faoliyatini moliyalashtirish va sug‘urta himoyasi mexanizmlarini kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 26-fevraldagi “Charm-poyabzal va mo‘ynachilik sohalarida tayyor mahsulot ishlab chiqarishni qo‘llab-quvvatlashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-143-son qarori
5. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 14.05.2020 kungi 283-sonli “O‘zbekiston Respublikasining tashqi savdo operatsiyalari monitoringini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori.
6. T.Q.Xalmatov. Rivojlangan davlatlar milliy iqtisodiyotida engil sanoat korxonalari holatining tahlili. Iqtisodiyot va ta’lim /2023-yil 1-son. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/download/977/890>
7. Алексей Ефремов. Что такое диверсификация: виды, типы, стратегии, методы <https://neiros.ru/blog/finance/chto-takoe-diversifikaciya-vidy-tipy-strategii-metody/>
8. Clovis Freire. Economic diversification: A model of structural economic dynamics and endogenous technological change. Structural Change and Economic Dynamics. Volume 49, June 2019, Pages 13-28. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0954349X18302261>).
9. Dennis, A., & Shepherd, B. (2009). Trade facilitation and export diversification. <https://developing-trade.com/wp-content/uploads/2014/11/DTC-Article-Chapter-2011-7.pdf>
10. Vishal Sarin, Sushanta Kumar Mahapatra, Naveen Sood. Export diversification and economic growth: A review and future research agenda. https://www.researchgate.net/publication/345545829_Export_diversification_and_economic_growth_A_review_and_future_research_agenda
11. Gonzalo Varela. Не помещайте все статьи своего экспорта в одну корзину (больше всего это касается богатых стран!. 07 АБГУСТА 2013. <https://blogs.worldbank.org/ru/voices/ne-pomeschayte-vse-stati-svoego-eksporta-v-odnu-korzinu-bolshe-vsego-eto-kasaetsya-bogatykh>
12. I.S.Xotamov, O.O.Rashidova. O‘zbekistonda sanoat mahsulotlari eksporti diversifikatsiyasi. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 3(3), March, 2023

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КРЕАТИВ
КАДРЛАРНИНГ ЎРНИ**

**РОЛЬ КРЕАТИВНЫХ ПЕРСОНАЛОВ В РАЗВИТИИ ИННОВАЦИОННОЙ
ЭКОНОМИКИ**

**THE ROLE OF CREATIVE PERSONNEL IN THE DEVELOPMENT OF INNOVATION
ECONOMY**

**Сайпуллаев Илхомжон Абдурахмонович
НамМҚИ, Менежмент кафедраси доценти,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD**

Аннотация

Мазкур мақолада инновацион иқтисодиётнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган инновацион иқтисодиёт ва венчур бизнеси ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўзбекистонда охириги йилларда инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга берилаётган эътибор, креативлик, тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникмаларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида фикр юритилган. Сўнгги йиллардаги илм-фан ва инновацияларни молиялаштириш кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Табиий ресурсларни тежашга қаратилган долзарб йўналишлар, инновацион драйверлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Инновацион иқтисодиёт, венчур бизнеси, креативлик, тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникмалари, инновацион драйверлар, патент, глобал инновацион индекс, фундаменталь илмлар, грант

В данной статье представлена информация об инновационной экономике и венчурном бизнесе, который является важнейшей составляющей инновационной экономики. Обсуждалось внимание уделяемое развитию инновационной экономики в Узбекистане в последние годы, а также принимаемые меры по развитию креативности, предпринимательства и рационализаторских навыков. Проанализированы показатели финансирования науки и инноваций за последние годы. Выделены современные тенденции и инновационные драйверы, направленные на экономию природных ресурсов.

Ключевые слова: Инновационная экономика, венчурный бизнес, креативность, навыки предпринимательства и рационализации, драйверы инноваций, патент, глобальный инновационный индекс, фундаментальная наука, грант

This article provides information about the innovation economy and venture business, which is the most important component of the innovation economy. The attention paid to the development of an innovative economy in Uzbekistan in recent years, as well as measures taken to develop creativity, entrepreneurship and rationalization skills, were discussed. The indicators of financing science and innovation in recent years are analyzed. Current trends and innovative drivers aimed at saving natural resources are highlighted.

Keywords: Innovative economics, venture business, creativity, entrepreneurship and rationalization skills, innovation drivers, patent, global innovation index, basic science, grant

Инновацион иқтисодиёт (билимлар иқтисодиёти, интеллектуал иқтисодиёт) — бу инновациялар оқимига асосланган, доимий технологик такомиллаштиришга, юқори қўшимча қийматга эга бўлган юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ва технологияларнинг ўзига асосланган иқтисодиёт тури. Бунда молия (капитал), моддий

ишлаб чиқариш (саноат иқтисодиёти) эмас балки, инноваторлар ва олимларнинг интеллектуал юқори фойда келтириши тахмин қилинади.

Инновациялар - инсоният пайдо бўлгандан бери қадимдан ақлий меҳнат натижаси бўлган олов, тўқмоқ, тошболта каби ихтиролар шаклида намоён бўлган ва ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Инновациялар ва инновацион иқтисодиётни ривожлантириш назарияси XX аср бошларида австриялик иқтисодчи Йозеф Шумпетер томонидан яратилган. У биринчи бўлиб иқтисодий ўсиш ҳамда иқтисодий ривожланиш ўртасидаги фарқ тушунчасини киритган олим ҳисобланади. Унинг “Ривожланиш ва инновация назарияси” ҳозирга қадар кўплаб машҳур олимлар томонидан тадқиқ этиб келинмоқда.

Дунёга машҳур тадқиқотчи олимлар Элвин Тоффлер, Френсис Фукуяма, Дениэл Белл, Джон Несбиттлар замонавий дунёнинг аксарият ривожланган мамлакатлари иқтисодиётининг устуворлигини таъминлаётган омил айнан - инновацион иқтисодиёт деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги вақтда инновацион иқтисодиётнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган инновацион иқтисодиёт ва ривожланган венчур бизнесга эга мамлакатлар қаторига АҚШ, Германия, Япония, Австралия, Канада, Швеция, Финляндия, Сингапур, Исроил ва бошқа мамлакатлар қиради.

Венчур бизнес ўзи – таваккалчиликка асосланган илмий-техник ёки технологик бизнес ҳисобланади. Венчур бизнеси фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижасидан ташкил топиб, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги етишмаётган бўғин сифатида юзага келган.

Шу ўринда айтиб ўтишимиз мумкинки Ўзбекистон иқтисодиётини тезкор ривожланиш учун айнан етишмаётган нарса фан ва ишлаб чиқаришнинг ўртасида боғлиқликнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлигидур.

Венчур бизнеси дастлаб Америка Қўшма штатларининг Кремний водийсида замонавий шаклда ташкил топган ва секин асталик билан Хитой, Хиндистон, Бразилия ва шу каби йирик, ривожланаётган мамлакатлар томонидан ўзлаштириб борилган.

Кремний (ярим ўтказгичлар) водийси номи билан машҳур бўлган ҳудуд АҚШнинг Калифорния штатида жойлашган бўлиб - компьютерлар ишлаб чиқарувчи, асосан уларнинг муҳим қисми бўлган микропроцессорлар ва шунингдек дастурий таъминот, мобил алоқа қурилмалари, биотехнология ва бошқаларни ишлаб чиқарувчи юқори технологияли компанияларнинг кўплиги билан яққол ажралиб турган.

Мазкур технология марказининг ташкил топиши ва ривожланишига Стэнфорд каби жаҳон рейтингда етакчи бўлган университет ҳудудида Саноат паркини ташкил этиши, Калифорния университетининг бўлимлари ва лабораторияларининг жойлашуви, водийдаги бир нечта йирик шаҳарлар бир соатлик йўл масофасида жойлашганлиги, янги компанияларни молиялаштириш учун ишончли манбааларининг мавжудлиги асос бўлиб хизмат қилган. 2010 йилги маълумотларга кўра “Яримўтказгичлар водийсида” инновацион технологиялар соҳасида банд мутахассислар сони тахминан 386 минг нафарни ташкил этиб ўртача иш ҳақи йилига 144,800 долларни ташкил этган.

Бугунги кунда самарали, рақобатбардош замонавий иқтисодиётни барпо этишда Венчур бизнеси алоҳида аҳамият касб этади.

Фундаментал ва амалий тадқиқотлар (Венчур) натижасини ишлаб чиқаришга жорий этишдаги юқори технологиялар мамлакатнинг жон бошига тўғри келадиган даромадлар ҳисоби бўйича ривожланган мамлакатларга яқинлашиб олиш имкониятини беради.

Мисол учун қишлоқ хўжалик соҳасида жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари бўлмиш Янги Зеландия давлати аҳолиси жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдори бўйича ривожланган мамлакатлар рўйхатининг энг қуйи қисмидан ўрин олган. Шу вақтнинг ўзида инновацион венчур бизнесини юқори даражада ташкил топтира олган Осиёнинг Сингапур давлати юқоридаги кўрсаткич бўйича жаҳоннинг илғор мамлакатлари билан тенглаша олди.

Инновацион (венчур) бизнес юқори технологияли кластерлар ташкил этиш вазифасини бажариб беради. У инновацион жараённинг бошловчи креатив қисми яъни система ядроси ҳисобланади.

Ривожланган технологик бизнесга асосланган инновацион иқтисодиёт мамлакатни жаҳон даражасида рақобатбардошликда ушлаб тура оладиган базавий сектор ҳисобланади.

Инновацион иқтисодиётни креатив кадрлар яратишига инновацион бизнес асосчилари бўлган креатив фикрловчи тадбиркор инсонларни мисол келтиришимиз мумкин. 1909 йилда Чарльз Герольд биринчи радиостанцияга асос солган бўлса, бир йил ўтиб Стэнфорд университети битирувчиси Сирил Элвилл радиоузатиш технологиясига патент олди ва Federal Telegraph Corporation га асос солди. Мазкур янгиликлар давоми сифатида кейинги 10 йилликларда дунёда биринчи радиотармоқ ишга тушди, радиостанция очилди, авиация соҳасида тадқиқотлар олиб борила бошланди. Физик олим Уильям Шокли германийлик биполяр транзистор ихтиро қилди ва электроника ривожига асос солди. 1959 йилда Роберт Нойс кремнийли интеграл схема ихтиро қилиб космик аппаратлар ишлаб чиқарилишида муҳим аҳамият касб этди. Кейинчалик эса компьютер ишлаб чиқариш саноатини ривожланишига хизмат қилди.

Қанчалик оғир бўлса ҳам тан олиб айтишимиз мумкин,ки инновацион технологиялар соҳасида битта мутахассиснинг топаётган даромади мамлакатимизнинг бутун бошли пахта етиштириш саноатидан тушган даромадидан кўпроқни ташкил этиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Шу сабабдан ҳам мамлакатимизда охириги йилларда Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Жумладан Давлатимиз раҳбари томонидан «2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили» деб эълон қилиниши Инновацион иқтисодиёт сари қўйилган катта қадамлардан бири бўлди.

2023 йил мамлакатимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланиши ҳам инновацион иқтисодиётнинг муҳим омили бўлган илм фанни ривожлантиришга қаратилганлиги ҳам эътиборга молик.

Давлат раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномасида асосан таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Таълим қамровини янада кенгайтириш билан бир қаторда уни сифатини кўтариш лозимлиги таъкидланди.

Ўқувчи ва талабаларда креативлик ва танқидий фикрлашни ривожлантириш масаласи алоҳида қайд этилгани ҳам бежизга эмас. Дарҳақиқат, ҳозирги воқелик, умумбашарий ривожланиш тенденциялари инсонлардан фақат берилган топшириқларни кўр-кўрона бажаришни эмас, балки вазифани ижодий ёндашиб ўзгалардан фарқли амалга оширишни талаб қилади.

Келгусида ишлаб чиқаришни автоматлаштириш жараёнлари янада кескин тус олади. Инсондаги ижодкорлик, роботлар еча олмайдиган нозик масалаларни ҳал қилиш салоҳияти, масалага танқидий ёндашув имкониятининг қадри ошади.

Креативлик, тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникмаларини ривожлантириш орқали инсон капиталини янада ривожлантириш вазифаси Президентимиз томонидан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш бўйича янги стратегияда ҳам белгилаб ўтилган. Инновацион ривожланиш стратегиясида юқори интеллектуал билимларни талаб этувчи ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган бўлиб, улар келажакда Ўзбекистонда креатив иқтисодиётни шакллантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиши керак.

Креатив иқтисодиёт – келажак авлод иқтисодиёти. У инновациялар, янги ғоялар, креатив маҳсулотларга асосланган бўлади. Бунда технологияларнинг ривожланиши ҳам муҳим аҳамият касб этадики, Президентимизнинг ёшларни муҳандисликка йўналтириш лозимлиги ҳақидаги фикрлари билан чамбарчас боғлиқ.

Сўнгги йилларда юртимизда илм-фан ва инновацияларни молиялаштириш кескин ўсди. Жорий йилда илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу 2017 йилга нисбатан қарийб олти баробар кўп, дегани. Олимларнинг иш ҳақи ҳам 4,5 баробарга оширилди. 2023 йилда илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилиши эса олдимизда турган янги марраларга эришишимизга хизмат қилмоқда.

Олимларимиз табиий ресурсларни тежашга, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни оширишга қаратилган, биотехнология, нанотехнология, ақлли геология, саноат, қурилиш каби бугунги кунда биз учун долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари керак, деган вазифа қўйилди. Илм-фанга киритилаётган инвестиция мана шу вазифани бажаришга қаратилади.

Ҳозирда дунёнинг инновацион драйверлари бу – рақамлаштириш ва чуқур илм-фандан иборат. Сув хўжалиги ва энергетика соҳаларини рақамлаштириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Глобал инновацион индекснинг таҳлиллари ҳам «иқтисодий мўъжиза» яратиш учун барча соҳаларни рақамлаштириш ва илм-фанни ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси эса фақат сифатли таълимга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланиши инновацияларнинг инсон қадри учун хизмат қилишига қаратилишини ва илм-фанга сифатли кадрлар тайёрлашимизни тақозо этади.

Ҳар йил фундаменталь илмларни грантлар орқали молиялаштириш билан давлат инновацион инфраструктурага киримлар қилиб боради. Бу эса илмий ишланмалар, тадқиқотларга молиявий маблағ олиш учун турли илмий жамоалар ўртасида рақобатни келтириб чиқаради.

Бундан асосий мақсад эса – инновацион ғояларни тўплаш. Бу ғояларнинг аксарияти келгусида омадли чиқмасада капитал ўрнини босишга шароит яратади. Патент ва ихтиролар эса амалиётда хусусий корхоналар томонидан юқори фойда олиш мақсадида сотиб олинади.

Шу тартибда инновацион иқтисодиёт молиявий оқимга давлат бюджети эмас, балки хусусий инвесторлар ҳисобидан эга бўлади.

Ихтиро ва ишланмалар кейинги этапга ўтиши билан инновацион компаниялар анча қудратли бўлган корпорациялар, инновацион ва венчур фондлар ва бошқа ташкилотлар кизиқиш доирасига кирадиган даражага ўсиб боради. Шундай қилиб ишланмаларнинг намунавий серияси ишлаб чиқилгунга қадар уларнинг бозори қизий бошлайди, чет эл инвесторлари, ишлаб чиқариш компаниялари ишланмаларни сотиб олиб улар асосида янги технологияларни йўлга қўйишлари мумкин бўлади.

Инновацион иқтисодиётда – молиявий, меҳнат ва табиий ресурслар ўрнини инсон капитали эгаллайди.

Охирги йилларда кўришимиз мумкинки, дунёнинг илғор мамлакатлари билимли, юқори салоҳиятли ёшларни ўзларига жалб этиб олиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Улар учун олий таълим муассасаларида бепул ўқишларни ташкил этиш, давлат грантларига қабул қилиш каби имкониятлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Олий таълим муассасаларининг илғор ва қобилиятли битирувчиларини олиб қолиш, чет мамлакатлардан юқори малакали мутахассисларни чорлаш орқали Инновацион иқтисодиётга ҳисса қўшадиган инсон капиталига катта эътибор қаратиб келмоқдалар.

Вазиятга реал баҳо берган ҳолда Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга ҳисса қўйиш учун институтимиз даражасида нималар қилишимиз мумкин деган савол кун тартибига келиши мумкин.

Мисол учун Массачусет технология институти, Стэнфорд университетларининг ихтисослаштирилган таълим марказлари, мактаблари мавжуд бўлиб нафақат инженер ва олимлар тайёрлайди балки инновацион ғояларни илгари суришга кодир бўлган тадбиркорлар ҳам етказиб борадилар.

Президентимиз Мурожаатномасида айтилган “Муҳандислик мактаблари” креатив иқтисодиёт яратишимизга замин бўлади. Турли тармоқлар қошида инженерлар тайёрлаш мактабларининг ташкил этилиши таълим билан ишлаб чиқаришни боғлайди. Таълим, илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясига катта қадам бўлади.

Бунга қадар эса талабалар орасидан иқтидорликларини аниқлаш, уларнинг иқтидорларини рўёбга чиқаришга шароитлар яратиш, “Start app” лойиҳаларида иштирок этишларига мотивация бериб боришимиз керак. Ҳар бир профессор – ўқитувчилар аввалам бор

ўз касбимизда креатив фикрлашни йўлга қўйишимиз, талабаларга замонавий билим сирларини етказиб боришимиз шарт.

Инновацион иқтисодга асосланган ривожланиш йўлидан кетишни мақсад қилганимиз тўғри стратегиядир. Аммо ниятимизнинг яхши бўлганлиги, қарорнинг тўғри қабул қилинганлиги масаланинг бир томони бўлса, унинг асосий иккинчи тарафи эса мақсадимизни қай тариқа амалга оширишимиздир. Биз инновацион ривожланишнинг асосий омилларига эътиборимизни қаратишимиз зарур. Ушбу ўринда марказий бўғинни кадрлар эгаллайди. Ҳар қайси мамлакатда хоҳ микродаражада кичик корхоналар ёки йирик корпорациялар микёсида бўлсин ёхуд макродаражада давлат даражасида бўлсин барча ишларнинг натижаси бевосита кадрлар салоҳияти билан боғлиқ. Ҳар қандай техниканинг, технологиянинг, илғор ғояларнинг ихтироچиси, ижодкори бу турли соҳалардаги кадрлардир. Бир сўз билан айтганда, давлатнинг озод, обод бўлиб гуллаб яшнаши ҳам ёки аксинча харобага айланиши ҳам бевосита кадрларга, раҳбарларга боғлиқдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Saypullaev IA. The importance of a new professional education system in small business development in Uzbekistan. Theoretical & Applied Science. 2021(8):254-9.
2. Abdurahmanovich, S. I. (2022). The role of small business and private entrepreneurship in economic development. International journal of social science & Interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 59-68.
3. Abdurahmanovich, S. I. (2022). Classification of factors affecting the development of small business and private entrepreneurship. international journal of social science & Interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 80-89.
4. Abdurahmanovich, S. I. (2022). Theoretical foundations of institutional development of small business and private entrepreneurship. Asia pacific journal of marketing & Management review ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(07), 56-66.
5. Abduraxmonovich, S. I. (2021, October). Indicators of financial performance of small business and entrepreneurship. In Archive of Conferences (pp. 39-42).
6. Abduraxmonovich, S. I. (2021). Forms of credit for small business and entrepreneurship. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(10), 262-269.
7. Saypullaev Ilhomjon Abdurahmonovich (08.2023) Legal mechanisms of small business formation and development in Uzbekistan asia pacific journal of marketing & management review ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, Vol 12, Issue 08, 2023, 21-28.

**МИНТАҚАВИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ БОЗОРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА РЕАЛИЗАЦИИ РЕГИОНАЛЬНОГО
ПРОДОВОЛЬСТВЕННОГО РЫНКА**

IMPROVING THE REGIONAL FOOD MARKET IMPLEMENTATION MECHANISM

**Сотволдиев Нодирбек Журабаевич,
University of Business and Science профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)**

Аннотация

Мақолада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ички имкониятлари очиб берилган. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегик кўрсаткичларига эришишда Фарғона минтақасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган. Минтақавий озиқ-овқат бозорини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: минтақа, Фарғона минтақаси, озиқ-овқат бозори, қишлоқ хўжалиги, стратегик кўрсаткичлар, дастур, босқич, ички бозор, ихтисослашув.

В статье раскрывается внутренний потенциал производства продуктов питания. Разработан комплекс мер, которые будут реализованы в Ферганской области для достижения стратегических показателей развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы. Даны научные предложения и практические рекомендации, направленные на совершенствование регионального продовольственного рынка.

Ключевые слова: регион, Ферганская область, продовольственный рынок, сельское хозяйство, стратегические показатели, программа, этап, внутренний рынок, специализация.

The article reveals the domestic potential of food production. A set of measures to be implemented in the Fergana region to achieve the strategic indicators of agricultural development of the Republic of Uzbekistan for 2020-2030 has been developed. Scientific proposals and practical recommendations aimed at improving the regional food market are given.

Keywords: region, Fergana region, food market, agriculture, strategic indicators, program, stage, domestic market, specialization.

Минтақавий озиқ-овқат бозорининг истиқболдаги ривожланиши бугунги кун иқтисодиётида ва ижтимоий ҳаётида юз бераётган чуқур сифат ўзгаришлари билан ҳамбарчас боғлиқдир. Жумладан: минтақадаги демографик вазиятнинг ўзгариши, вилоятларнинг транспорт минтақавий ўрни; ер ресурслари ва улардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда фойдаланиш даражаси; аҳоли эҳтиёжларини қондириш ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни бартараф этиш; илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш ҳолати; ички ва ташқи бозордаги иштирок этиш кўрсаткичлари; миллий иқтисодиёт мажмуасини интенсивлаш жараёни ва бошқалар. Юқоридаги жараёнлар минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларига кучли таъсир этади ва озиқ-овқат бозорини такомиллаштириш йўналишларини белгилаб беради.

Жумладан, кейинги йилларда Фарғона минтақаси озиқ-овқат бозорининг ривожланишида миқдор ва сифат ўзгаришлари юз берди. Бу жараён минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий қиёфасини мутлақо ўзгартириб юборди. Бундай ўзгаришлар аввало,

табiiй ресурсларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги иқтисослашув даражасининг ортиши, сертармоқ саноатнинг ривожланиши, янги иқтисодий марказларнинг шаклланиши, интеллектуал потенциалнинг кучайишидир. Ҳудди шу ҳолат Фарғона минтақасида озиқ-овқат бозорини такомиллаштириш учун шароит яратадиган янги иқтисодий маконни шакллантиришни кун тартибига қўймоқда. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлиги концепциясидан келиб чиқмоқда ва минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда устувор йўналишлар белгиланмоқда.

Фарғона минтақасида озиқ-овқат бозорини ривожлантиришнинг истикболга мўлжалланган устувор йўналишларини тўғри белгилаш ва унинг ҳаётий бўлиши минтақалар иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, минтақалар иқтисодиёти табiiй-тарихий яхлит ўлкадаги ўзаро боғлиқ ва ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, мавжуд табiiй, ижтимоий-иқтисодий имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш ҳамда экологик муаммоларни бартараф этиш ва ҳудудда меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш учун хизмат қилади. Минтақалар иқтисодиёти юқори самарали ишлаб чиқариш тизимини яратиш ва унинг таррақиётини узлуксиз ривожлантиришни таъминлаш билан биргаликда, ҳар бир минтақа учун мос бўлган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни олиб бориш учун ҳам зарур имконият яратади.

Шунингдек, Фарғона минтақасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши, тармоқлараро алоқаларнинг ривожланиши, интенсив омиллар ролининг кенгайиши асосида минтақалараро алоқаларга бўлган талаб кучаяди. Чунки, минтақанинг жаҳон хўжалигидаги иштироки навбатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичлари учун йўл очади. Бунда асосий эътиборни бозор рақобатига мослашувчан хўжалик таркибини такомиллаштиришга қаратиш лозим.

Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан, соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг мавжуд эмаслиги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, соҳага инвестицияларни кенг жалб этишга, ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даромад олишига ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга тўсқинлик қилаётган эди.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони қабул қилинди ва қуйидагилар Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди [1]:

- озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини яратиш;

- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

- қишлоқ жойларини мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга кўмаклашишни назарда тутувчи қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш ва бошқалар.

Ушбу Стратегия доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳасини 2030 йилгача ривожлантиришда қуйидаги кўрсаткичларга эришиш назарда тутилган [1]:

- 1,1 млн гектар қишлоқ хўжалиги ерлари ўзлаштирилади, 535,6 минг гектар лалми, яйлов ва бошқа ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ортади;

- ҳудудлар ихтисослаштирилади, бир жойда бир хил маҳсулотларни етиштириш, агроинновацион ғояларни жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга шароит яратилади;

- пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришда давлатнинг иштирокидан босқичма-босқич воз кечилади, пахта хом ашёси ва бошоқли дон маҳсулотлари етиштирувчилар билан қабул қилувчилар ўртасида маҳсулот ҳажмига қараб шартнома тузиш тизими йўлга қўйилади;

- сифатли рақобатбардош мева ва сабзавотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, чуқур қайта ишлаш ва экспорт ўсиши барқарорлигини таъминлашга эришилади;

- бошоқли донни биржа савдоларида чекловларсиз сотилишига имкон яратилади, давлат харидлари камайтирилади, бошоқли дон бозорида интервенцион механизмлар жорий этилади;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшимча 3,4 млн тонна қувват яратилади, маҳсулотларни қайта ишлаш кўрсаткичи 30 фоизга етказилади.

Ушбу стратегик кўрсаткичларга эришишда минтакаларнинг ижтимоий-иқтисодий таррақиёти, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш барқарорлиги, хўжалик ихтисослашуви ва истиқболда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш имкониятларини ҳисобга олиш муҳим ўрин тутди. Шунга мувофиқ Фарғона минтақасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштиришни қуйидаги чора-тадбирлар асосида амалга ошириш лозим бўлади:

- Андижон вилоятида биринчидан, лалмикор деҳқончилик, шоли, боғдорчилик, узумчилик, сабзавот ва полизчиликни ривожлантириш, иккинчидан, интенсив таррақиётга асосланган хўжалик тизимини юзага келтириш, учинчидан, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг доимий юқорилаб боровчи йўналишларини ишлаб чиқиш, тўртинчидан, табақалашган “текислик”, “тоғ олди”, “тоғ” ишлаб чиқариш тизимини яратиш, бешинчидан, моддий-техник ва интеллектуал потенциални хорижий илғор тажрибалар билан бойитиб бориш амалий аҳамият касб этади;

- Наманган вилоятида биринчидан, қишлоқ хўжалигининг агроиқлимий хусусиятларини тўла ҳисобга олган ҳолда самарали йўналишларни белгилаш, иккинчидан, адир ва тоғолди минтақаларида (Чортоқ, Янгиқўрғон, Чуст, Косонсой) “озиқ-овқат комбинати”, текислик минтақасида (Учқўрғон, Норин, Мингбулоқ) хомашё етказиб берувчи тармоқлар, шаҳар атрофи минтақасида (Тўрақўрғон, Наманган, Уйчи) чорвачилик йўналишидаги тармоқларини ривожлантириш, учинчидан, қишлоқ хўжалиги хом ашё базасида озиқ-овқат саноатини жойлаштириш мақсадга мувофиқ;

- Фарғона вилоятида озиқ-овқат бозорининг истиқболда ривожланиши, биринчидан, ихтисослашган қишлоқ хўжалик минтақаларини шакллантириш негизида боғдорчилик, сабзавот ва картошкачиликни ташкил этиш, иккинчидан, Қувасой ихтисослашган агроминтақасининг барқарор ривожланишини таминлаш, учинчидан, қишлоқ хўжалигини саноат тармоқлари билан уйғунлашган ҳолда ривожлантириш, тўртинчидан, чорвачилик тармоғида ихтисослашувни чуқурлаштириш, бешинчидан, халқаро бозоридаги рақобатга чидамли озиқ-овқат саноати тармоқларини ривожлантириш, олтинчидан, барча хўжалик тармоқларининг мажмуали ривожланишини таъминлаш негизида минтақа учун муҳим бўлган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни босқичма-босқич ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегик кўрсаткичларига эришишда ва Фарғона минтақасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар мажмуасида уч босқичдан иборат дастурлар ишлаб чиқиш долзарблик касб этади. Бунда ҳар бир босқич кейинги босқич учун

замин хозирлаши ва озиқ-овқат бозорини такомиллаштиришнинг умумий йўналишларини аста-секин уйғунлаштириб бориши учун хизмат қилиши лозим.

Демак, яқин истиқболга мўлжалланган дастурларнинг биринчи босқичида мавжуд ижтимоий-иқтисодий имкониятларни ҳисобга олиш, юзага келган муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида озиқ-овқат бозорини такомиллаштиришнинг умумий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу эса Фарғона минтақаси учун ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этган йўналишларни рўёбга чиқаришга, бирмунча мураккаб “ажралган” хўжалик тизимини яқинлаштиришга шароит яратади ва иккинчи босқичдаги муҳим ўзгаришлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи босқичда минтақаларнинг ички бозорда тутган ўрни, хўжалик ихтисослашуви, минтақалараро кооперацион алоқалардаги иштироки, мавжуд маҳаллий ресурслардан фойдаланиши, қўшилган қийматли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол даражасини ҳисобга олиш, агросаноат ишлаб чиқаришдаги номувофиқликларни бартараф этиш, минтақанинг ташки бозордаги фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат саноатининг самарали тармоқ таркибини вужудга келтириш, аҳолининг кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг оқилона йўллари белгилаш зарурияти пайдо бўлади. Бу босқичда минтақалараро ишлаб чиқариш кучларининг ўзаро уйғунлашган шаклини яратиш имкониятлари юзага келади. Янги хўжалик шароитида шаклланадиган ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг ўзаро манфаатли механизми яратилади ва ўз навбатида, ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантиришнинг бир мунча юқори бўлган учинчи босқичи учун йўл очади.

Учинчи босқич ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ва интеллектуал ресурслар билан минтақа имкониятларини мувофиқлаштириш, ҳалқаро савдо алоқаларининг самарали шакллари вужудга келтириш ва чет элга капитал чиқариш, минтақавий озиқ-овқат бозорини тўлиқ амал қилиши ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларда мутлақо янги сифат ўзгаришлари даври эканлиги билан ажралиб туради. Бу босқичда бозор муносабатлари ҳал қилувчи рол ўйнайди, иқтисодиёт тармоқлари бозор талаблари асосида шаклланади ва “депрессив минтақа” тушунчалари барҳам топади.

Барча босқичларда шуни ёддан чиқармаслик керакки, озиқ-овқат бозорини бошқариш давлат ҳимоясига асосланади ва у иқтисодий воситалар ёрдамида рағбатлантиришни кўзда тутади. Айниқса, давлатнинг инновацион сиёсатига боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнларда минтақавий озиқ-овқат бозорининг ўзига хос томонларини эътиборга олиш талаб этилади.

Умуман олганда, озиқ-овқат бозорини такомиллаштириш ташкилий-иқтисодий янгиланишдан иборат бўлган чора-тадбирлар ва инновацион стратегияларни амалга ошириш каби бир қатор мураккаб жараёнлардан иборат. Бу эса Фарғона водийси минтақаларида узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва аҳолининг юқори даражадаги турмуш даражасини таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Минтақавий озиқ-овқат бозорини такомиллаштириш йўналишларини асосига иқтисодий алоқаларни ривожлантириш тамойиллари қўйилиши лозим. Иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг тамойиллари ички ишлаб чиқариши ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш ва минтақавий меҳнат тақсимотини чуқурлаштиришдан иборатдир.

Фарғона минтақасида озиқ-овқат бозорини такомиллаштириш кўплаб омилларга боғлиқ. Жумладан: ишлаб чиқариш салоҳиятининг мавжудлиги ва ундан фойдаланиш даражаси; озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш зоналарини истеъмол минтақалари билан оқилона қўшиб олиб бориш; озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг таркибида сифат ўзгаришлари; ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш ва янги ҳудудларни ўзлаштириш имконияти; озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда мажмуавийлик; шахсий ва ишлаб чиқариш истеъмолида озиқ-овқат маҳсулотларининг бир тури билан бошқаларини алмаштириш имконияти; ишлаб чиқариш технологиясидаги

ўзгаришлар ва моддий ресурсларнинг янги илғор турларининг жорий этиш; транспорт тармоғининг ўзгараётган озиқ-овқат бозори фаолиятига монанд тарзда ўзгариши; аҳоли турмуш даражасининг ўсиши.

Ушбу омиллар таъсири остида озиқ-овқат бозорида ижобий ўзгаришлар содир бўлади, алоҳида ҳудудлар ўртасида мунтазам айирбошлашнинг шароитлари ўзгаради, бозор муносабатларнинг барқарорлиги муайян даражаси қарор топади, ишлаб чиқариш ихтисослашади. Акс ҳолда, қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан фойдаланиш, озиқ-овқат саноатини жойлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотларини ортиқча равишда узокка ташиш, минтақаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан оқилона равишда ўзини ўзи таъминлашда номутаносибликлар вужудга келади.

Шунинг учун қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва озиқ-овқат саноатини жойлаштиришда аҳоли зичлиги, табиий-иқтисодий шароитлар ва алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқаришнинг тўпланганлигини ҳисобга олиш лозим. Бу эса минтақалараро айирбошлаш ҳисобига зарур миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш лозимлигини билдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Фарғона минтақаси вилоятларини бир-биридан ажратган ҳолда ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари чегараланган ва илмий жиҳатдан асосланмаган бўлишига олиб келади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони. <http://lex.uz/docs/4567334/query>
2. Абдуллаев О. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти. Монография.-Т.: Янги аср авлоди, 2009. – 312 б.
3. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. – Т.: Фан, 1992. - С. 35.
4. Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма/ А.В.Вахабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Молия, 2011. - Б. 398-411.
5. Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. Монография.-Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2005. – 280 с.

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ИССЛЕДОВАНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ В ТРУДОВОЙ
СФЕРЕ**

**MEHNAT SOXASIDA XAVFSIZLIK XAVFSIZLIGINI TADQIQOT BO‘YICHA
XALQARO TAJRIBASI**

**INTERNATIONAL EXPERIENCE IN RESEARCHING SAFETY IN THE LABOR
SECTOR**

Нурматов Дильшадбек Набижанович
доцент кафедры “Экономика”

Андижанского государственного университета
Email: DNN71@mail.ru

Аннотация

В данной статье посвящена анализу зарубежного опыта экономического стимулирования безопасных условий труда. Объектом исследования является система управления охраны труда в современных условиях в развитых зарубежных странах, экономика безопасного труда, улучшение производственной среды и трудового процесса, формы материального стимулирования охраны труда малых и средних предприятий за рубежом. Показаны результаты исследований в области безопасности труда в развитых странах, приведены данные экономического ущерба из-за несчастных случаев, указано на экономическую заинтересованность в снижении риска травматизма и профзаболеваемости.

Ключевые слова. Травмы, охрана труда, ущерб, производственная безопасность, управления охраной труда, несчастный случай, профзаболеваемости, производительность труда.

Ushbu maqola xavfsiz mehnat sharoitlarini iqtisodiy rag‘batlantirish bo‘yicha xorijiy tajribani tahlil qilishga bag‘ishlangan. Tadqiqot ob’ekti rivojlangan xorijiy mamlakatlarda zamonaviy sharoitlarda mehnatni muhofaza qilishni boshqarish tizimi, xavfsiz mehnat iqtisodiyoti, ishlab chiqarish muhiti va mehnat jarayonini yaxshilash, chet elda kichik va o‘rta korxonalar mehnatini muhofaza qilishni moddiy rag‘batlantirish shakllari. Rivojlangan mamlakatlarda mehnatni muhofaza qilish sohasidagi tadqiqotlar natijalari ko‘rsatilgan, baxtsiz hodisalar tufayli iqtisodiy zarar to‘g‘risidagi ma’lumotlar keltirilgan, jarohatlar va kasb kasalliklari xavfini kamaytirishdan iqtisodiy manfaatdorlik ko‘rsatilgan.

Kalit so‘zlar. Jarohatlar, mehnatni muhofaza qilish, shikastlanishlar, sanoat xavfsizligi, mehnatni muhofaza qilishni boshqarish, baxtsiz hodisalar, kasb kasalliklari, mehnat unumdorligi.

This article is devoted to the analysis of foreign experience in economic incentives for safe working conditions. The object of the study is the labor protection management system in modern conditions in developed foreign countries, the economics of safe work, improvement of the production environment and the labor process, forms of material incentives for labor protection of small and medium-sized enterprises abroad. The results of studies in the field of occupational safety in developed countries are shown, data on economic damage due to accidents are presented, and economic interest in reducing the risk of injuries and occupational diseases is indicated.

Keywords. Injuries, labor protection, damage, industrial safety, labor protection management, accident, occupational diseases, labor productivity.

Экономика безопасности труда стала объектом серьезного внимания в целом ряде стран, было проведено множество исследований, чтобы определить качественные и

количественные оценки в этой области. В результате этих исследований наиболее развитые страны получили оценку совокупной социальной стоимости производственных травм и заболеваний - она составляет не менее 3% валового внутреннего продукта. Так, общие экономические потери от профессиональных заболеваний и производственных травм в США приблизительно оцениваются в 3% ВВП США. Производственные травмы и профессиональные заболевания - это категории, относимые к состоянию здоровья человека, но также и категории экономики, поскольку являются следствием труда, а труд - это экономическая деятельность.

В последние годы в девяти основных секторах экономики, по которым учитывается информация по ЕС, количество несчастных случаев со смертельным исходом в среднем колеблется около 5500, а общий травматизм составляет от 4900 тыс. до 4800 тыс. Это соответствует формуле, которой пользуется МОТ. При этом коэффициент частоты несчастных случаев с нетрудоспособностью свыше трех дней в среднем по Европейскому союзу составлял 4,2 на 1 тыс. занятых. В России подсчет несчастных случаев ведется, начиная с одного дня нетрудоспособности (т.е. статистика учитывает более легкие травмы), а не с четвертого дня, как в ЕС. Поэтому при сопоставлении данных по Евросоюзу и официальных цифр по России напрашивается вывод, будто травматизм в России в разы ниже общеевропейского, -несмотря на то, что в государствах ЕС культура производства и охраны труда значительно выше, а объем предпринимаемых усилий по предотвращению травматизма неизмеримо больше, чем в России.

Снижение заболеваемости с временной утратой трудоспособности и инвалидностью имеет большое экономическое значение. Подсчитано, что снижение средней временной утраты трудоспособности только на 1 день сохраняет народному хозяйству более 44 млн человеко-дней на производстве и 155 тысяч условно-годовых рабочих [1].

Таким образом, актуальность объективной оценки экономического ущерба от аварий, травм, профзаболеваний в современных условиях очевидна.

В настоящее время большинство развитых стран мира уделяют все возрастающее внимание поискам путей, ведущих к улучшению производственной среды и трудового процесса. Для решения задач по улучшению положения в сфере труда создана Международная организация труда (МОТ). Основная задача МОТ в области охраны труда - это улучшение качества условий труда во всех ее аспектах: профилактика профессионального травматизма и профессиональных заболеваний, применение принципов эргономики, соглашение по продолжительности рабочего времени, улучшение содержания и организации труда и условий труда в целом.

В большинстве промышленно развитых странах существует система охраны труда; например, в Швеции принят закон об условиях труда, на основании которого на предприятиях созданы отделы или назначены лица, ответственные за безопасность труда. Аналогичные законы есть в Норвегии, Нидерландах Великобритании, Российской Федерации и т.д. Так, правовой основой действующей государственной системы охраны труда в США является федеральный закон об охране труда и профессионального здоровья работников, который был принят в 1970 году, в стране также действуют специальные федеральные программы в сфере охраны труда и здоровья работников.

Длительные усилия в вопросах по улучшению положения в сфере труда позволяют заключить, что улучшение охраны труда, которая отвечает интересам работников, руководителей и всего общества в целом, в рыночных условиях неразрывно связано с экономическим стимулированием работодателей. В этом плане представляют интерес материалы Первой Европейской конференции по вопросам экономической эффективности мероприятий по охране труда: большинство систем охраны труда не предусматривает значительных финансовых стимулов к улучшению работы - обычно объем средств, предназначенных для стимулирования, составляет менее 0,2% стоимости рабочей силы, что является весьма незначительной суммой по сравнению с текущими затратами, в том числе и связанными с заболеваниями.

Анализ международного опыта показывает - формы материального стимулирования могут сыграть важную роль в совершенствовании охраны труда. Во Франции существуют рычаги, обеспечивающие стимулы по предотвращению травматизма, которые дополняют систему установления страховых тарифов на основе расходов по травматизму и профзаболеваниям. Они действуют по трем главным направлениям: сокращение страхового взноса (скидка) для предприятий, которые предприняли серьезные шаги по предотвращению травматизма и производственно-обусловленных болезней, с одной стороны, и травм по дороге на работу и с работы - с другой; повышение страхового взноса, чтобы покрыть расходы по исключительным рискам, присущим данным предприятиям; осуществление политики договорных обязательств, направленной на малые и средние предприятия [2, 3].

В отличие от Европы, где деление на мелкие, средние и крупные предприятия зависит от числа занятых на них работников, в Канаде за основу берется сумма выплачиваемых за год страховых взносов. К малым предприятиям относят те, годовой взнос которых меньше 4 тыс. канадских долларов. Они платят взнос по групповому тарифу. К средним - платящие взнос от 4 до 350 тысяч. Их тариф называется персонифицированным, поскольку он учитывает опыт, то есть расходы каждого предприятия или организации, вызываемые имеющимися место несчастными случаями и заболеваниями. К крупным предприятиям относятся те, кто платит свыше 350 тыс. долларов [4].

В Европе прослеживается еще одно важное направление в вопросах стимулирования охраны труда - это мотивация административного персонала и работников предприятия на активное использование человеческого фактора. Стимулируются улучшение производственного и морального климата, условий труда и аккуратное отношение к своим обязанностям, показывается на практике, что аккуратность в работе ведет не только к сокращению возможностей получить травму, но и к повышению производительности труда и увеличению заработной платы [2-4].

В ежегодном отчете Международной организации труда акцентируется внимание на приоритетных вопросах охраны труда, чтобы каждое государство, в национальной повестке дня, прилагало усилия на национальном уровне, с участием всех заинтересованных министерств, для создания и поддержания культуры профилактики в области безопасности и гигиены труда. Следует выделять адекватные средства и ресурсы для повышения информированности по вопросам безопасности и гигиены труда, получения знаний о вредных факторах и рисках, понимания способов профилактики и контроля.

С точки зрения экономики расходы на улучшение условий труда можно назвать инвестициями. Причем ценность таких инвестиций значительно выше, чем кажется, не только в связи со скрытой и долгосрочной выгодой для здоровья и благосостояния работников, но также ввиду способностей предприятий использовать новшества, которые одновременно повышают качество продукции, повышают конкурентоспособность и улучшают условия труда.

При этом исследования показывают очевидность того, что именно государство как основной регулятор охраны труда на национальном уровне должно стимулировать работодателей принимать новые правила контроля и регулирования системы управления охраной труда и тем самым обеспечивать более высокий уровень безопасности труда путем законодательного повышения стандартов охраны труда. Именно на это должны быть нацелены конвенции МОТ в сфере охраны труда. Есть все основания утверждать, что уровень охраны труда, высокие стандарты безопасности труда и здоровья, которые законодательно вводятся на национальном уровне, способствуют экономическому росту и повышению конкурентоспособности стран.

Результат реализации в Узбекистане конвенций МОТ в сфере охраны труда, а также анализ практики управления охраной труда на международном уровне показал, что не смотря на отдельные трудности, в стране созданы все предпосылки для принятия основных современных международных норм.

Принимая во внимание, изложенное и учитывая, что гармонизация узбекского трудового законодательства с требованиями конвенций и рекомендаций МОТ является стимулированием политики государства в социально-трудовой сфере, целесообразно, используя передовой отечественный и зарубежный опыт, выработать современные формы управленческого и организационного воздействия в сфере труда на национальном уровне.

Список литературы

1. Мустафина, А.С. Экономика безопасности труда: учеб.-методич. пособие - Кемерово, 2005. - 72 с.
2. Беляков, С.А. Мировой опыт экономического стимулирования безопасных условий труда. Безопасность жизнедеятельности предприятий в промышленно развитых регионах. X Междунар. науч.-практ. конф. - Кемерово, 2013. - С. 298-301.
3. Алешков, Д.С. Оценка экономических последствий состояния безопасности труда на предприятии: электронное пособие / Д.С. Алешков, С.А. Беляков, Т.М. Николаенко // Хроники объединенного фонда электронных ресурсов «Наука и образование» № 11 (42) ноябрь 2012 [Электронный ресурс].
4. Семенов, А.К. Основы менеджмента / А.К. Семенов, В.И. Набоков - М.: Дашков и К, 2009. - 575 с.
5. Румянцева А.В., Самарская Н.А. Вопросы безопасности и охрана труда: зарубежный опыт // Безопасность труда в промышленности. – 2016. — № 6. с. 16-21.

UDK:338.465

DAVLAT XIZMATIGA LOYIHA BOSHQARUVI STANDARTLARINI JORIY ETISH BORASIDAGI YONDASHUVLAR

ПОДХОДЫ К ВНЕДРЕНИЮ СТАНДАРТОВ ПРОЕКТНОГО УПРАВЛЕНИЯ НА ГОСУДАРСТВЕННОЙ СЛУЖБЕ

APPROACHES TO THE IMPLEMENTATION OF PROJECT MANAGEMENT STANDARDS IN THE CIVIL SERVICE

**Isaqova Z.M. f.f.n,
Davlat boshqaruvi akademiyasi tadqiqotchisi**

Annotatsiya

Maqolada davlat xizmati rivojlanishining mavjud muammolari tahlil qilingan. Davlat xizmatiga loyiha boshqaruvi standartlarini joriy etish orqali davlat xizmatini rivoshlantirish asoslari tadqiqi amalga oshirilgan, bu boradagi yondashuvlar xalqaro tajribaga suyangan holda ochib berilgan. Loyiha boshqaruvi standartlaridan foydalangan holda davlat boshqaruvi tizimida ish jarayonlarini maqbullashtirish bo'yicha ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar ishlab chiqildi.

Kalit so'zlar: davlat xizmati, loyiha, loyiha boshqaruvi, standartlar, samaradorlik, mezonlar, ko'rsatkichlar, yondashuvlar, salohiyat, omil

В статье анализируются существующие проблемы развития государственной службы. Проведено исследование основ развития государственной службы путем внедрения стандартов проектного управления на государственной службе, раскрываются подходы в этом направлении на основе международного опыта. С использованием стандартов проектного управления разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по оптимизации рабочих процессов в системе государственного управления.

Ключевые слова: государственная служба, проект, проектное управление, стандарты, эффективность, критерии, показатели, подходы, потенциал, фактор.

The article analyzes existing problems in the development of the public service. A study has been conducted of the foundations of the development of the civil service through the introduction of project management standards in the civil service, and approaches in this direction are revealed based on international experience. Using project management standards, scientifically based proposals and recommendations for optimizing work processes in the public administration system have been developed.

Key words: public service, project, project management, standards, efficiency, criteria, indicators, approaches, potential, factor.

Davlat boshqaruvi va davlat xizmati umumiy va xususiy sifatida bir-biriga bog‘liqdir, shuning uchun davlat xizmatining mohiyati va mazmunini tushunish uchun uning davlat boshqaruvidagi roli va o‘rnini aniqlash kerak. Davlat xizmati har qanday mansabdor shaxsga, hatto eng yuqori lavozimli shaxsga ham emas, balki davlatga xizmatdir. Darhaqiqat, davlat xizmatchilari, jumladan, davlatning eng yuqori rahbarlari davlat xizmatini amalga oshiradilar, davlatga ustki tuzilma sifatida emas, balki birinchi navbatda ushbu davlat aholisiga xizmat qiladilar. Lekin shu kungacha davlatga xizmat qilish tamoyilini amalga oshirishning samarali mexanizmi yaratilmagan; davlat xizmatchisining hozirgi maqomi belgilanmagan, huquqiy va ijtimoiy kafolatlar ishlab chiqilmagan; davlat xizmatining turli turlari o‘rtasidagi munosabatlar ta’minlanmagan.

Shu bilan bir qatorda sohada mavjud jiddiy tarkibiy va funktsional kamchiliklar[1], davlat xizmati sohasi O‘zbekistondagi korrupsiya xavfi va ko‘rsatkichi yuqori bo‘lgan sohalardan ekanligi[2], davlat xizmatini ko‘rsatishda byudjet mablag‘lari talon-toraj qilish darajasi yuqoriligi[3] mazkur yo‘nalishda islohotlar muhimligidan darak beradi.

Asosiy natijalar va tahlil. Ma’lumki, Prezidentimizning 2022-yil 18-maydagi PQ-246-son «Xalqaro reyting va indekslar bilan ishlashda ilmiy salohiyat hamda amaliy faoliyat uyg‘unligini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi qarori qabul qilindi [4]. Mazkur qarorning asosiy maqsadlaridan biri - O‘zbekiston Respublikasining ustuvor xalqaro reyting va indeksdagi ko‘rsatkichlarini yaxshilashga yo‘naltirilgan islohotlarni amalga oshirish yuzasidan takliflar ishlab chiqishga mamlakat ilmiy salohiyatini keng jalb etish va loyihaviy boshqaruvning xalqaro standartlaridan foydalanish hamda davlat xizmatchilarining sohadagi bilim va ko‘nikmalarini oshirishdan iborat.

Mazkur hujjatda, shuningdek, ilmiy tadqiqot va oliy ta’lim muassasalari loyihaviy boshqaruvning PMI PMBOK – «Loyihalarni boshqarish bo‘yicha bilimlar jamlanmasi» xalqaro standarti (keyingi o‘rinlarda — PMI PMBOK xalqaro standarti) asosida past ko‘rsatkichli indikatorlar bo‘yicha soha va tarmoqlardagi mavjud tizimli xatoliklarni bartaraf etish loyihalarini ishlab chiqishi belgilangan.

Loyihalarni boshqarish bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi standartlari O‘z DSt ISO 21500:2018 (Loyihalarni boshqarish bo‘yicha qo‘llanma) va O‘z DSt ISO 21503:2018 (Loyihalar, dasturlar va loyiha portfellarini boshqarish) Loyiha boshqaruvi milliy agentligi (hozirgi O‘zbekiston Istiqbolli loyihalar milliy agentligi [5]) tomonidan 2018 yili xalqaro ISO 21500 seriyasi asosida ishlab chiqilgan [6;7]. Mazkur standartlar loyiha natijalariga ta’sir etuvchi loyihalar boshqaruvi tamoyillari va jarayonlariga oiq qo‘llanma hisblanadi. Xalqaro standartlashtirish tashkiloti ISO (International Organization for Standardization) jahondagi yetakchi standartlashtirish tashkiloti bo‘lib, PMBOK tarkibining 95 foizini takrorlaydi. Unda loyihani boshqarish bo‘yicha asosiy bilimlar soddalashtirilgan va qulayroqdir. Ammo bu bilan bir qatorda, loyiha boshqaruvi bo‘yicha zamonaviy mutaxassis bilimining 80 foizini tashkil qilishi kerak loyihalarning sohaviy xususiyatlarini bilish ehtiyoji keskin ortadi [8].

Tadqiqot dolzarbligini asoslovchi omillardan yana biri – davlat xizmatida loyihalarni ilmiy-metodologik darajadagi strategik boshqarish masalalariga yetarli e’tibor berilmayotganligidir. Bunday muammolari davlat organlari tomonidan qarash va missiyani to‘g‘ri shakllantirishga,


«hokimiyat-mas’uliyat-resurslar» triadasining muvozanatini ta’minlashga bog‘liq [9]. Shu sababli davlat xizmatiga loyiha boshqaruvi standartlarini joriy erish dolzarb ilmiy-amaliy ahamiyatdagi muammoni tashkil qilin, ushbu dissertatsiya ishi mavzusining tanlanishiga sabab bo‘ldi.

Davlat xizmatini loyiha boshqaruvi standartlarini joriy qilgan holda takomillashtirish, tizimidagi mavjud muammolar hamda soha tashkilotlari faoliyatida boshqaruv samaradorligini oshirishga oid ilmiy izlanishlar jahonning yetakchi ilmiy markazlari va oliy ta’lim muassasalarida, jumladan: Project Management Institute (PMBok standartlari - AQSH), AXELOS Ltd (PRINCE 2 - Buyuk Britaniya), Said Business School of Oxford university (Buyuk Britaniya), PEMANDU Associates (Big Fast Results (BFR) - Malaziya), Project Management Association of Japan (P2M AND KPM - Yaponiya), School for State Modernization (Fransiya), SOVNET Project Management Association (Rossiyada) olib borilmoqda.

Ayni paytda dunyo miqyosida davlat boshqaruvi ixtisosligi doirasida tadqiqotlar olib borish va ilmiy darajalar berish amaliyoti National Academy of Public Administration, Valden, Baltimor, Liberti, Dyuk universitetlari (AQSH), Infrastructure and Projects Authority (IPA), Plimut universiteti (Buyuk Britaniya), Jeneva xalqaro universiteti (Shveysariya), Public Services and Procurement Canada (PSPC), Rossiya Federatsiyasi Prezidenti huzuridagi Xalq xo‘jaligi va davlat xizmati akademiyasi, Milliy tadqiqot universitetining Iqtisodiyot oliy maktabi (Rossiya), Filippin politexnika universiteti, Belarus Respublikasi Prezidenti huzuridagi Boshqaruv akademiyasi, Ukraina Prezidenti huzuridagi Milliy boshqaruv akademiyasi, Qozog‘istonda Davlat boshqaruvi akademiyasi huzuridagi Davlat boshqaruvida loyihaviy menegmentni rivojlantirish markazi yo‘lga qo‘yilgan.

Ma’lumki, loyiha - bu belgilangan vazifalarni ma’lum vaqt ichida va maxsus resurslar doirasida, maxsus rahbarlik ostida ishlaydigan, har xil ko‘nikma va bilimlarga ega bo‘lgan bir guruh odamlarni jalb qilgan holda, aniq natijalar berishga qaratilgan noyob, aniq belgilangan harakatlardir [10]. Nazariy jihatdan, loyiha boshqaruvi standartidan foydalanishning afzalliklari yakuniy natijaga erishish va

belgilangan muddatlarga rioya qilish, loyihani bevosita nazorat qilish, shaxsiy javobgarlikni aniq taqsimlash, qulay ma’muriy muhitni yaratish, taqdim etilayotgan xizmatlar sifatni optimallashtirish va yaxshilashda ifodalanadi [11].



1-rasm. Davlat xizmatida boshqaruv funksiyalarining loyiha boshqaruvi sikli bilan uzviylashtirish modeli. Muallif ishlanmasi

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 9-son 2023 yil

Shuni aytish kerakki, davlat xizmati samaradorligi ko‘p jihatdan davlat xizmatchisi vazifalari, tarmoq, davlat idorasi hajmi, tashkiliy tuzilmasiga va boshqa omillarga bog‘liq bo‘ladi. Ushbu jarayonda natijaviylikni ta‘minlash esa, aksariyat hollarda, boshqaruvning 4 ta asosiy funksiyalari, ya‘ni rejalashtirish, tashkil etish, rag‘batlantirish va nazorat orqali amalga oshiriladi. Shu bilan bir qatorda loyiha boshqaruvi standartlariga ko‘ra loyiha hayotiy sikli ham yuqoridagi boshqichlarning aksariyatini o‘z ichiga olganini ko‘rishimiz mumkin. Har bir bosqich faoliyat muvaffaqiyati uchun juda muhim va davlat xizmatchilar har bir bosqichni samarali boshqarish uchun tegishli vositalar va usullardan foydalanishlari kerak. (1-rasm).

1-jadval.

Davlat xizmatida loyiha boshqaruvi amaliyoti [13]

Tamoyillar	Xususiyat	Omilar
Normativ-huquqiy o‘zgarishlar	Akariyat, asosiy o‘zgarishlarni amalga oshirmasdan sodir bo‘ladi	Loyiha faoliyati o‘zgaruvchan atrof-muhit sharoitlariga moslashuvchan javob berishga qodir bo‘lmagan mavjud chiziqli-funksional tashkiliy tuzilmaga kiritilgan
Faoliyat	Belgilangan qonunchilik doirasida faoliyatni amalga oshirish	Huquqiy-meyoriy hujjatlarda belgilanadi
Javobgarlik	Yuqori turuvchi organlar oldida	Lavozim yo‘riqnomasida aks ettiriladi
Moliyalashtirish	Byudjet mablag‘lari hisobidan amalga oshiriladi. Moliya resurslari maqsadi foyda olishga emas, balki ijtimoiy samaraga e‘tibor	Loyiha xarajatlari, qoida tariqasida, optimallashtirilmaydi va loyihani amalga oshirish muddati yoki uning dolzarbligiga emas, balki byudjet mablag‘lariga bog‘liq
Nazorat	Jamoatchilik hisoboti va jamoatchilik nazorati	Fuqarolik jamiyatini rivojlantirish, mahalla instituti, davlat organlarining fuqarolar bilan yaqin hamkorligi, davlat organlari faoliyati ustidan ta’sirchan jamoatchilik nazoratini o‘rnatish
Maqsadlar	Belgilangan, o‘ta yuqori. Jarayon mobaynida ularni tuzatish zarurati tug‘iladi	Oraliq natijalarga erishish bilanoq ularni maqsadlar bilan solishtirish va kerak bo‘lganda o‘zgartirish kerak
Mazmuni	Ko‘p qirralili, ijtimoiy ahamiyatli va keng ko‘lami	Mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning jadal sur‘atlari jamiyat va davlat ishlarini boshqarish
Muddat	Loyihani amalga oshirish davomiyligi va muddati jarayon mobaynida aniqlanishi kerak	loyihaning davomiyligi, loyihani yakunlash sanasi mikro va makroekologik omillarga bog‘liq
Resurslar	Resurslar imkon doirasida zaruriyat bo‘yicha taqsimlanadi	Keyingi bosqich uchun oraliq natijalarga erishilgandan so‘ng zarur resurslar ajratiladi
Tashkilot madaniyati	Tavakkalchilik va innovatsiyani yoqlamaydi	Innovatsiyani qo‘llab-quvvatlamaslik, xavflarni minimallashtirish
Xodimlar	Faqat yuqoridan kelayotgan tashabbuslarni qabul qiladigan davlat xizmatchilarining loqaydligi kuzatiladi	Passivlik, letargiya, xodimlarning tashabbuskorligi va ijodiy faolligining yetishmasligi


Har qanday loyihaning o‘ziga xos xususiyati, uning hajmi va mazmunidan qat’i nazar, loyihani amalga oshirish jarayonining o‘zi ham, natijalarin ham takrorlanmas, yagona bo‘ladi [12]. Shu jumladan, davlat xizmatiga loyiha boshqaruvi amaliyoti quyidagi o‘ziga xosliklarga ega (1-jadval).

Yuqoridagi tahlildan kelib chiqqan holda aytish mumkinki, davlat xizmatida loyiha boshqaruvi – bu loyihaning hayot siklining har bir bosqichida texnik-iqtisodiy xususiyatlarni hisoblash yo‘li bilan xalq xo‘jaligi ahamiyatiga ega bo‘lgan kompleks muammolarni hal qilish maqsadida iqtisodiy bo‘linmalar darajasida ishlab chiqilgan dasturlar va loyihalarni boshqarish va muvofiqlashtirish usuli sanaladi (2-rasm).

Nazariy nuqtai nazardan, davlat xizmatiga loyiha boshqaruvi standartlarini joriy etishning afzalliklari yakuniy natijaga erishish va belgilangan muddatlarga rioya qilish, loyihani bevosita nazorat qilish, shaxsiy javobgarlikni aniq taqsimlash, qulay ma’muriy muhitni yaratish, taqdim etilgan xizmatlarning sifatini optimallashtirish va yaxshilashda ifodalanadi. Ushbu standartni amalga oshirish quyidagi samaralarga erishadi:

Natijalarga erishish. Loyihani boshqarish tizimini joriy etish orqali davlat organi rahbari vazifalarning loyiha guruhlariga aniq belgilanishi va loyihani amalga oshirish natijasida ijro etuvchi hokimiyat organlari aynan rejalashtirilgan natijalarni olishi kafolatini oladi;

Loyihaning belgilangan muddatlar va byudjetiga muvofiqligi. Bu nafaqat loyihaning rejalashtirilgan natijasini olish, balki uni amalga oshirish uchun oldindan belgilangan muddatlar va byudjetni bajarish ham muhimdir. Loyiha boshqaruvini tizimlashtirish vakolatga loyihalarni boshqarishga yagona yondashuvni beradi;



2-rasm. Davlat xizmatida loyiha boshqaruvi amaliyoti strukturasi.

Muallif ishlanmasi

Ichki zahiralardan –foydalangan holda jarayonni faollashtirish. Loyiha boshqaruvi standartlarini joriy etish davlat organi rahbariyatiga loyihalar kontekstida har qanday xarajatlarni (vaqt, moliyaviy va h.k.) baholash imkoniyatini beradi. Bu ishni sezilarli darajada faollashtirish va loyiha faoliyati davomida davlat organidagi mavjud resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish imkonini beradi;

Strategiyani yanada samarali amalga oshirish. Mamlakatdagi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish strategiyasini amalga oshirish loyihalarni samarali amalga oshirish doirasida yangi sifat kasb etadi.

2-jadval

Loyiha boshqaruvining yetuklik modellari

<i>Nomi</i>	<i>Tavsifi</i>	<i>Misol</i>
“Bosqichma-bosqich”	Tashkilotning rivojlanish darajalari va bosqichlarini ifodalaydi	G. Kerzner modeli yoki PMMM (PMSolutions), Project Framework, Berkli modeli.
“Uzluksiz”	Tashkilotning yetuklik darajasini PMBoK standarti asosida baholaydi. Yetuklik darajalariga ega emas, lekin ular boshqaruv ob’ektlari: loyiha, dasturiy ta’minot va boshqalarga alohida e’tibor beradi	ORM 3 (PMI - AQSh) - Organizational Project Management Maturity Model
"Gulbargli"	Tashkilot faoliyatini yanada kengroq baholaydi. Shunday qilib, asosiy e’tibor tashkiliy tuzilmaga, xodimlarning kasbiy mahorat darajasiga va ishning xususiyatlariga qaratiladi.	P3M3 (Portfolio, Programme and Project Management Maturity Model) yoki R. Garisning modeli
“Ierarxiyalı”	Sintetik muallifli modellar	-

Loyiha boshqaruvi standartlarining joriy etilishi loyihalarni boshqarish tajribasi va amaliyotini birlashtirish yo‘lidagi birinchi qadam bo‘ladi. Standartning paydo bo‘lishi natijasida davlat va mahalliy hokimiyat organlaridagi loyiha qo‘mitalari va loyiha ofislari a‘zolarini loyihalarni boshqarish texnologiyalari bo‘yicha o‘qitish zarurati paydo bo‘ladi.

Loyihani boshqarish, printsiplal jihatdan, davlat xizmatiga juda ko‘p afzalliklarni taqdim etganligi sababli, loyihaning yetukligi uning eng muhim ko‘rsatkichlaridan biri hisoblanadi, chunki u aslida ish samaradorligini ko‘rsatadi. Bundan tashqari, yetuklik modellari tushunchasi mavjud bo‘lib, ular davlat idorasidagi jarayonlar tanlangan asosiy loyihalarni boshqarish standartlariga qanday mos kelishini aniq ko‘rsatadi va kerakli maqsadlarga erishishga imkon beradi.

Loyihaning bir nechta yetuklik modellari mavjud [11;13]. Eng mashhurlari quyida keltirilgan (2-jadval)/

Loyiha boshqaruvi standartlari asosida iqtisodiy va tashkiliy faoliyatni amalga oshirish maqsadlar va ularga erishish mezonlarini aniqroq belgilashga, resurslarni optimallashtirishga, xavflarni aniqlash va belgilashga, loyihani amalga oshirish jarayonini batafsil nazorat qilishga yordam beradi, bu esa umuman olganda samaradorlikni oshirishga imkon beradi. Strategik o‘zgarishlar sharoitida biznes-jarayonlarning raqobatdosh ustunliklarini ta’minlash xorij tajribasi shuni ko‘rsatadiki, loyiha boshqaruvi standartlari doimiy o‘zgarishlar sharoitida strategik muammolarni hal etishda, shuningdek, bozor iqtisodiyotiga xos bo‘lgan ayrim kamchiliklarni bartaraf etishda samarali vosita hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. <https://www.gazeta.uz/ru/2022/05/07/davletov/>
2. <https://senat.uz/oz/post/post-1084>
3. <https://anticorruption.uz/uz/item/2023/06/08/davlat-xizmatlarini-korsatishda-byudjet-mablaglari-talon-toraj-qilinganligi-holati-boyicha-jinoyat-ishi-qozgatildi> ; <https://rost24.uz/oz/news/1300>
4. <https://lex.uz/en/docs/-6026692> va https://static.norma.uz/doc/doc_5/246.pdf
5. <https://napp.uz/ru>
6. Государственный стандарт Республики Узбекистан: руководство по управлению проектами/ O‘z DSt ISO 21500:2018 - Ташкент: Узбекское агентство стандартизации, метрологии и сертификации, 2018. – 50 с.;

7. Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти: Лойихалар, дастурлар ва лойиҳа потрфелларини бошқариш/ О‘z DSt ISO 21503:2018 . – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, 2018. – 22 б.
8. <https://cyberleninka.ru/article/n/proektnoe-upravlenie-po-standartu-iso-21500-2012-obzor-i-perspektiva-ispolzovaniya>
9. ¹ А. Байменов. О некоторых факторах эффективности государственного управления, Государственная служба, том 22 № 1, ISSN 2070-8378, 2020 стр. 30
https://drive.google.com/file/d/1y1SQsTw36dsdn7M8MLRC_mi_L0sxxwRT4/view
10. Mahkamova M.A., Taraxtiyeva G.K. Loyiha faoliyatini tashkil qilish va ilgari surish. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: “Universitet”, 2022. – 4-b.
11. Трофимова О.М., Маковкина С.А. Внедрение стандартов управления проектами в государственном и муниципальном управлении/Вопросы управления. – 2016. – 53-стр.
12. Управление проектами: учебное пособие/Ш.И. Мустафакулов, Э.В. Ахаев, Б.Б. Сондибоев, М.Ш. Эгамбердиева – Тошкент: Издательский дом Инновационного развития, 2019. – 6-с
13. Ускова Т. В., Копытова Е. Д. К вопросу о внедрении проектного управления в органах власти// Проблемы развития территории - Вып. 4 (90) – 2017 – с.
14. Трофимова О. М. Внедрение стандартов управления проектами в государственном и муниципальном управлении [Электронный ресурс] / О. М. Трофимова, С. А. Маковкина // Вопросы управления : научный журнал. — 2016. — URL: [https:// cyberleninka.ru/article/n](https://cyberleninka.ru/article/n) ; Ускова Т. В., Копытова Е. Д. К вопросу о внедрении проектного управления в органах власти// Проблемы развития территории - Вып. 4 (90) – 2017 – с.
15. Шеметова, Н. К. Модели оценки зрелости системы управления проектами / Н. К. Шеметова, А. С. Доброхотов. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 49 (339). — С. 156-157. — URL: <https://moluch.ru/archive/339/75916/> (дата обращения: 14.12.2023).
16. <https://projecto.pro/blog/theory/urovni-zrelosti-upravleniya-proektami-organizaczii/>
17. Т.В. Ускова, Е.Д. Копытова. К вопросу о внедрении проектного управления в органах власти // Проблемы развития территории - Вып. 4 (90) - 2017 – стр. 7-27

УДК: 336.76 (571)

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖ
АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ**

**АНАЛИЗ ПЕРЕДОВОЙ ЗАРУБЕЖНОЙ ПРАКТИКИ УПРАВЛЕНИЯ
РЕСУРСАМИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ**

**ANALYSIS OF ADVANCED FOREIGN PRACTICES OF COMMERCIAL BANKS'
RESOURCE MANAGEMENT**

Бахтиёров Бобур Баходир ўғли
ЎЗМУ, “Молия ва кредит” кафедраси доценти в.б., и.ф.д. (DSc)
E-mail: bobur.baxtiyorov91@mail.ru

Аннотация

Мақолада тижорат банкларининг молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш зарурияти илмий асосланган. Жумладан, тараққий этган мамлакатлар тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш амалиёти қиёсий таққосланган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, молиявий ресурс, банк активлари, барк пасивлари, тўлов қобилияти, молиявий фаолият, депозит, банклараро депозитлар, молиявий операциялар, молиявий хизматлар, кредит депозитлари

Аннотация: В статье научно обоснована необходимость повышения эффективности использования финансовых ресурсов коммерческих банков. В частности, сравнительно сравнивается практика управления финансовыми ресурсами коммерческих банков развитых стран.

Ключевые слова: коммерческие банки, финансовый ресурс, активы банка, обязательства банка, платежеспособность, финансовая деятельность, депозит, межбанковские депозиты, финансовые операции, финансовые услуги, ссудные депозиты.

Annotation: The article scientifically substantiates the need to increase the efficiency of using financial resources of commercial banks. In particular, the practice of managing financial resources of commercial banks in developed countries is compared.

Key words: commercial banks, financial resource, bank assets, bank liabilities, solvency, financial activity, deposit, interbank deposits, financial transactions, financial services, loan deposits.

Аксарият тараққий этган мамлакатлар амалиётида йирик тижорат банкларининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижасида ликвидлилик rischiга дучор бўлганлиги ва тўлов қобилиятини йўқотганлиги тижорат банклари фаолиятини янада такомиллаштиришда уларнинг ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш заруриятини юзага келтирди. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор муносабатларига ўтиш даврида, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётидаги беқарорлик, иқтисодий жараёнларда кучли тебранишлар вужудга келиши ва бунинг оқибатида тижорат банкларини юқори риск билан фаолият юритишга тўғри келади. Тижорат банклари иқтисодиётда локомативлик вазифасини бажарар экан, уларнинг ликвидлилик ва тўлов қобилиятини таъминлашда мамлакатда банкларнинг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш амалиётини шакллантириш устувор вазифалардан бири сифатида баҳоланиши керак. Банкларнинг барқарорлигини таъминлаш бозор механизмлари мустаҳкам ва мукамал бўлган иқтисодиётда ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича хорижий иқтисодчи олимлар томонидан ёзилган назарий манбалар ҳамда амалиётчиларнинг иқтисодий таҳлилларини ўрганар эканмиз, уларнинг пасивларни бошқариш банк фаолиятини ўрганишда муҳим ўрин эгаллашини ва унга банк фаолияти шаклланишининг илк тарихий давлариданоқ катта эътибор қаратилганини кўрамиз. Масалан, Д. Полфреман ва Ф. Форд каби иқтисодчи олимлар банк фаолиятини таҳлил қилишда банк ресурсларини, банк пасивлари деб кўриб чиқишган ҳамда улар банк акционерлари маблағлари ва жамғармачиларининг маблағларидан ташкил топган, деган фикрни билдиришган.[1] Фикримизча, хорижлик муаллифлар банк ресурсларини ўз қарашлари орқали ифодалаб уларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлашдан кўра, тижорат банкларининг мажбуриятлилигига кенгроқ эътибор беришган. Бу ҳолатни бир жиҳатдан ижобий баҳолаш мумкин, яъни хорижий банклар фаолиятида авваламбор банкларнинг мажбуриятлари ва уларнинг бажарилиши муҳим вазифа қилиб белгилаб олинган. Бу қарашнинг иккинчи жиҳати шундаки, тижорат банклари шу ресурсларни ўз мажбуриятларини бажариши учун мукамал жойлаштиришни афзал кўради.

Классик иқтисодчи олимлардан Эдвин Дж. Долан, Джозеф Ф. Синки ва Питер С. Роузларининг банк ресурсларидан оқилона фойдаланишда пасивларни бошқаришдаги фикрлари яқинлигини кўриш мумкин. Масалан, Эдвин Дж. Долан банкларни бошқаришда

портфелли муносабат тушунчасини илгари сурган бўлиб, унда бу муносабатни банк активлари ва пассивларини бошқариш, банк мақсад қилиб қўйган фойдага эришиш, тўлов қобилиятини йўқотмаслик ва ликвидлилик деб қарайди.[2] Шунингдек Джозеф Ф.Синки активлар ва пассивларни бошқариш бу мувофиқлаштирилган банк баланси бошқаруви бўлиб, фоиз ставкаси ва ликвидлиликнинг альтернатив сценарийси эътиборга олувчи бошқарув деб ёндашади.[3] Питер С.Роуз “активлар ва пассивларни бошқаришнинг туб моҳияти банк баланси туркумида ўз аксини топа оладиган аниқ мақсадларни шакллантириш ва тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш кераклигида” деб ҳисоблайди.[4]

Фикримизча, ушбу ёндашувларни тўлдирган ҳолда айтиш керакки пассивларни бошқариш нафақат актив операцияларни амалга ошириш учун самарали ресурсларни жалб қилиш балки банк тўлов қобилиятини сақлаб туриш учун мажбуриятларни бошқаришни ҳам назарда тутаяди, жумладан, иқтисод фанлари доктори, профессор О.И. Лаврушин ўз илмий тадқиқотларида: алоҳида кредит ташкилотлари кесимида ликвидлиликни бошқариш ва тартибга солиш қатор мураккаб тахлилий чора-тадбирлар тизимини талаб этади, чунки банк ликвидлигига бир қатор омиллар, яъни хусусий капитални шакллантириш, ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш, резервларни шакллантириш ва бошқалар таъсир этади – деб қайд этган.[5]

Банк тўлов қобилиятини сақлаб туришда ресурслардан самарали фойдаланиш асосида пассивларни бошқариш назарияси ётади, яъни мажбуриятларни самарали бошқариш орқали банк ликвидлигини таъминлашга ижобий таъсир ўтказилади. Демак, тижорат банклари ўз мажбуриятларини бошқаришда баланснинг ушбу элементини хусусий ҳолда ўрганишлари ҳам лозим.

Е.П. Жарковская ўз илмий ишида банк пассивларини бошқариш хусусида қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатиш орқали муаммоларни кенгроқ қамраб олади:

Биринчи, тижорат банки пассивларининг асосий қисмини ташкил этувчи, миқдорлардан жалб қилинган маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ, банк аниқ стратегияни ишлаб чиқиши керакки уни амалиётда қўллашда у учун маъқул бўлган, тўлов қобилияти ва ликвидлилик талабларига жавоб берувчи пассивлар туркуми яратилсин;

Иккинчи, бу банк ўз ташаббуси билан жалб қила олиши мумкин бўлган маблағлар ҳисобига. пассивларни бошқариш орқали ликвидликни таъминлаш. Бунда банк турли молиявий инструментларни қўллаш орқали қўшимча маблағларни жалб қилиб қисқа муддат ичида мажбуриятларни сўндиришни назарда тутаяди.

Учинчиси, бу - ўз капиталини бошқариш орқали. Банк молиявий фаолиятида ижобий натижага эришиши учун ўз вақтида фондларни яратиш, бинобарин тижорат банклари ўз капитални миқдорини ошириш орқали молиявий барқарорлигини таъминлай олиши мумкин.[6]

Тижорат банклари ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан маҳаллий олимларимиз ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Жумладан, А. Омонов, Ш. Абдуллаева, Б. Ортиқов, Н. Жиянова ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар шулар жумласидандир.

Масалан А.Омонов, “Мамлакат иқтисодиётини янгилаш ва модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг ресурсларини шакллантириш ҳамда уларни самарали бошқариш билан боғлиқ бўлган қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш кераклигини таъкидлайди:

- тижорат банкларининг ресурсларини барқарор молиявий маблағлар ҳисобидан шакллантириш ва уларнинг депозит сиёсатини самарадорлигини ошириш;
- банкларнинг молиявий ресурслари таркибида қимматли қоғозларни эмиссия қилиш орқали жалб қилинаётган маблағлар ҳажмини ошириш;
- миллий валютанинг харид қобилиятини мустаҳкамлаш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш;
- банк оборотидан ташқаридаги маблағлар ҳажмини зарур даражада камайтириш, товарлар ва хизматлар бозорида баҳонинг барқарорлигини таъминлаш каби масалалар”[7].

Таҳлиллар кўрсатишича, замонавий банк фаолиятида пасивлар ҳолатини таҳлил қилиб бориш банк ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Тижорат банклари фаолиятини такомиллаштиришда жумладан, пасивларини бошқаришда илғор жаҳон тажрибасини ўрганиб бориш ва амалиётга татбиқ этиш республикамиз каби банк тизими шиддат билан ривожланиб бораётган давлатлар учун муҳим саналади.

Маълумки, банк менежментида молиявий ресурсларни самарали жалб қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва у орқали актив операцияларини кенгайтириб бориш натижада банкнинг даромад манабаини ошириш муҳимдир. Шу билан бир каторда пул бозоридан қўшимча ресурсларни жалб қилиш орқали банк ликвидлигини сақлаб туриш пасивларни бошқаришнинг асосий назарияси ҳисобланади. Мазкур назариянинг асосий устунлиги шундаки банклар ликвидлик рискинни оширмаган ҳолда пасив операцияларга бўлган харажатларни оптималлаштириш имкониятини яратади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали тезкор ликвидликни бошқаришда қуйидаги пул бозори манбаларидан фойдаланиб келмоқда: булар банклараро депозитлар жалб қилиш, марказий банк кредитларини олиш – овернайт операциялари, юридик шахслардан муддатли ва жамғарма депозитларни жалб қилиш, депозит сертификатларини муомалага чиқариш.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатлар амалиётида тижорат банклари ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали пасивларни бошқаришда тобора классик усулларидадан воз кечиb янги механизмларидадан фойдаланиш амалиётлари кузатилмоқда. Жумладан, АҚШ тижорат банклари мажбуриятлари таркибини ўрганадиган бўласак қуйидаги жадвал маълумотларига эга бўламиз (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, АҚШда бугунги кунда банк пасивларининг асосий қисмини депозитлар ташкил қилади бироқ бунда муддатли депозитлар жалб қилиш тенденцияси пасайиб бораётганлигини кузатиш мумкин, яъни 2013 йил муддатли депозитлар жами пасивлар таркибида 12,6 фоизни ташкил қилган бўлса 2022 йилга келиб мазкур кўрсаткич 10,1 фоизни ташкил қилган.

1-жадвал

АҚШ тижорат банклари мажбуриятлари таркиби ва уларнинг ривожланиш кўрсаткичлари (фоизда)[8]

Мажбуриятлар	2013 й.	2015 й.	2020 й.	2022 й.
Депозитлар	77,9	78,4	80,4	81,1
Узоқ муддатли депозитлар	12,6	12,0	10,8	10,1
Бошқа депозитлар	65,3	66,3	69,6	70,2
Қарз маблағлари	12,6	13,9	14,1	14,3
Хорижий офислар олдидаги мажбуриятлар	5,0	3,3	1,7	1,5
Бошқа мажбуриятлар, савдо мажбуриятлари*	4,5	4,5	3,8	3,6

* *Изоҳ: субардинар ноталар ва қарз мажбуриятлари; соф муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари; фоизлар, бошқа ҳисобланган ва тўлаб берилмаган харажатлар; қисқа позициялар бўйича мажбуриятлар; ҳаққоний ҳисобланган салбий қийматдаги ҳосилавий битмлар; ҳаққоний ҳисоблаш амалга ошириладиган бошқа савдо мажбуриятлари; ва бошқа мажбуриятлар*


Бугунги кунда АҚШ маҳаллий тижорат банклари депозитлари таркибини ва динамикасини ўрганиш мақсадида АҚШ Федерал Депозитларни Суғурталаш Корпоратцияси (FDIC) томонидан унга аъзо банклар бўйича статистик маълумотлар ўрганганимизда маълум бўлмоқдаки бугунги кунга келиб АҚШ маҳаллий банклари депозитлари таркибини жамғарма депозитлар ташкил қилади (2-жадвалга қаранг).

АҚШ маҳаллий тижорат банкларининг депозитлари таркиби (фоизда)[9]

Депозитлар	2013 й.	2015 й.	2020 й.	2022 й.
Муддатли депозитлар	15,7	14,6	13,5	12,4
Жумғарма депозитлар	69,6	70,6	71,4	72,3
Талаб қилиб олгунча депозитлар	14,7	14,8	15,1	15,3
Жами депозитлар	100,0	100	100,0	100,0

Демак, юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринмоқдаки, АҚШ маҳаллий банклари депозитларининг асосий қисми, яъни ўрта ҳисобда 70 фоизи жамғарма депозитлар ҳиссасига тўғри келади ва ушбу салмоқ йилдан-йилга ўсиб бориш тенденциясига эга. Жамғарма депозитлар табиатига кўра муддатли депозитлардан арзон ресурслиги ва у бўйича тузиладиган битимларнинг эгилувчанлиги билан ажралиб туради. Шу боис АҚШ тижорат банклари актив операцияларини амалга оширишда кўпроқ мазкур депозитлардан фойдаланилиши бежиз эмас.

Маълумки банк ликвидлиги ҳолатини ўрганишда кредитларнинг депозитларга нисбати кўрсаткичи ўрганилади яъни банк жами кредитларининг ўша даврдаги жами депозитларга нисбати 100 фоиз бўлиши банк 1,0 сўмлик кредитни қабул қилинган 1,0 сўм депозит ҳисобидан берганлигини англатади. Одатда мазкур кўрсаткич 80-90 фоизни ташкил қилса ижобий деб баҳоланади, чунки ушбу кўрсаткичнинг ҳаддан зиёд баланд бўлиши банкнинг қутилмаган талабларни бажариши учун етарли ликвид эмаслигини англатади. Бироқ бугунги кунда АҚШ тижорат банклари бўйича мазкур кўрсаткич 100 фоиздан зиёдлигини кўриш мумкин (1-расмга қаранг). Бу эса ўз навбатида АҚШ банклари нафақат депозитлар балки бошқа ресурс манбаларига таянган ҳолда актив операцияларини амалга ошираётганини кўрсатмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки АҚШ банклари ликвидлигини барқарор сақлаб келмоқда.



1-расм. Тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари кредитларининг депозитларга нисбати (фоизда)[10]

1-расм маълумотлари кўрсатишича, нафақат АҚШ банклари балки Европа Иттифоқи ривожланган давлатлари тижорат банклари активлари ва пасивларини бошқарилишида ҳам мазкур тенденция янада кучлироқ намоён бўлаётганини кўриш мумкин. Жумладан Европа Иттифоқи ичида банк тизими кўпроқ ривожланган мамлакатлардан бири бўлган Германия Федерацияси банклари кредитларининг депозитларга нисбати 2010 йилга қараганда 22% кўпайган шу билан бир қаторда депозитлар ҳажми тушиб бориш тенденциясига эга бўлган. Демак, Германия банклари амалиётида актив операцияларни депозитлар ҳисобига амалга ошириш тенденцияси қисқариб янги манбалардан фойдаланиш ҳолати кузатилмоқда, чунки муддатли депозитлар бугунги кунда қиммат ресурслардан бири бўлиб қолмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида республикамиз тижорат банклари учун ресурсларини самарали шакллантириш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банклари пасивларини бошқаришда асосий эътибор банк баланси пасивидаги

маблағларни самарали бошқаришга қаратилади. Шу боис, биз тадқиқот мақсадимиздан келиб чиқиб асосий эътиборни республикамиз тижорат банклари пассивларни бошқариш амалиётида мавжуд муаммоларни аниқлашга ва улар асосида банк пассивларини бошқаришни янада такомиллаштириш йўллари излашга ҳаракат қилдик. Тижорат банклари пассивларни бошқаришнинг назарий асосларини ўрганган ҳолда қуйидаги хулосага келдик яъни, пассивларни бошқариш нафақат актив операцияларни амалга ошириш учун самарали ресурсларни жалб қилиш балки банк тўлов қобилиятини сақлаб туриш учун мажбуриятларни бошқаришни ҳам назарда тутган ҳолда харажатларни оптималлаштириш лозим.

Фойдаланилган адабёилар рўйхати

1. Полфреман Д., Форд Ф. Основы банковского дело. Перевод с англ. Москва инфра 1996. с.102
2. Эдвин Дж.Долан, Колин Д.Кэмпбелл, Розмари Дж.Кэмпбелл, Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика/пер. с англ. В. Лукашевича и др.; Под общ. ред. В. Лукашевича. – М., 1996. С. 88
3. Джозеф Ф.Синки, мл. Управление финансами в коммерческих банках. пер. с англ. 4-го переработанного изд./под ред. Р.Я. Левиты, Б. С. Пинскера. М.: 1994, Catallaxy. – 820с.392
4. Питер С.Роуз Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-го изд. – М.: Дело, 1997. – 477 с.
5. Банковский менеджмент: Учебник/коллектив авторов; под ред. Д.э.н., проф. О.И. Лаврушина – 4-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2015, – 218 с.
6. Жарковская Е. П. Банковское дело: учебник для студентов вузов, обучающихся по специальности «Финансы и кредит» / Под ред. Е. П. Жарковской. – Омега-Л, 2010, – 325 с.
7. Омонов А.А. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш. Монография. “Fanvatexnologiya”, 2008 й. 11-бет
8. АҚШ Федерал Депозитларни Суғурталаш Корпорацияси (FDIC) расмий сайти статистик маълумотлари <https://www7.fdic.gov/qbp/qbpSelect.asp?menuItem=STBL>
9. АҚШ Федерал резерв тизими расмий сайти статистик маълумотлари <https://www.federalreserve.gov/data.htm>
10. АҚШ Федерал резерв тизими (<https://www.federalreserve.gov/data.htm>) ва Германия Бундес банки (<https://www.bundesbank.de>) расмий сайтлари статистик маълумотлари

UDK:336.14

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT BUDJETI DAROMADLARINING
STATISTIK TAHLILI: TUSHUNCHALAR VA TENDENTSIYALAR**

**STATISTICAL ANALYSIS OF STATE BUDGET REVENUES OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN: CONCEPTS AND TRENDS**

**СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ДОХОДОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО
БЮДЖЕТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: КОНЦЕПЦИИ И ТЕНДЕНЦИИ**

Fayzullayev Doston Mahmud o‘g‘li
O‘zMU iqtisodiyot fakulteti “Ekonometrika va
iqtisodiy modellashtirish” kafedrası tayanch doktoranti
fayzullayevdoston12@gmail.com

Annotatsiya

Maqolada O‘zbekiston Respublikasining davlat budjeti daromadlari, uning tarkibiy qismlari, shakllanish manbalarining tasviriy statistikasi yoritilgan. Davlat budjeti daromadlarining

o‘zgarish tendensiyalari o‘rganilgan va uning makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar bilan bog‘likligi korrelyatsion-regression usullar yordamida tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: davlat budjeti, budget daromadlari, tasviriy statistika, o‘zgarish tendensiyalari, makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar, korrelyatsion-regression tahlil, omillar, parametrlar.

В статье описана описательная статистика доходов государственного бюджета Республики Узбекистан, ее составляющих, источников формирования. Изучены тенденции изменения доходов государственного бюджета и проанализирована их связь с макроэкономическими показателями с использованием корреляционно-регрессионных методов.

Ключевые слова: государственный бюджет, доходы бюджета, описательная статистика, тенденции изменения, макроэкономические показатели, корреляционно-регрессионный анализ, факторы, параметры.

The article describes descriptive statistics of the state budget revenues of the Republic of Uzbekistan, its components, sources of formation. Trends of state budget income changes were studied and its relationship with macroeconomic indicators was analyzed using correlation-regression methods.

Key words: state budget, budget revenues, descriptive statistics, change trends, macroeconomic indicators, correlation-regression analysis, factors, parameters.

Boy madaniy merosga ega Markaziy Osiyo davlati O‘zbekistonda so‘nggi yillarda sezilarli iqtisodiy o‘zgarishlar ro‘y bermoqda. Mamlakatning iqtisodiy salomatligining muhim jihatlaridan biri uning davlat budjeti bo‘lib, u hukumatning moliyaviy tayanchini aks ettiradi.

O‘zbekiston Respublikasining Davlat budjeti (Davlat budjeti) — davlatning davlat vazifalari va funksiyalarini moliyaviy jihatdan ta‘minlash uchun mo‘ljallangan markazlashtirilgan pul jamg‘armasi.[1]

Budget tizimi budjetlari daromadlarining tasnifi daromadlarni ularning turlari va manbalari bo‘yicha kodlashdan iborat bo‘ladi.

Budget tizimi budjetlari daromadlarining tasnifi tuzilmasi quyidagilardan iborat:

- budget tizimi budjetlari mablag‘larining manbalari va darajalari tasnifi;
- daromadlarning turlari;
- tashkiliy tasnif;
- hududiy tasnif.

Budget tizimi budjetlari mablag‘larining manbalari va darajalari tasnifi kelib tushayotgan daromadlarning tegishli mablag‘lar manbalariga va ushbu budjetlar darajalariga mansubligini aniqlash uchun qo‘llaniladi.

Daromadlarning turi bo‘lim, paragraf va daromad tipidan iboratdir.


Tashkiliy tasnif kelib tushayotgan daromadlarning ana shu daromadlarni ma‘muriy jihatdan idora qiluvchi tegishli organga mansubligini identifikatsiyalash maqsadida qo‘llaniladi.

Hududiy tasnif kelib tushayotgan daromadlarning ushbu daromadlar shakllantirilayotgan yoxud o‘tkazib berilayotgan tegishli ma‘muriy-hududiy birlikka mansubligini identifikatsiyalash maqsadida qo‘llaniladi.

Dunyodagi murakkab va noaniq vaziyat, jahon iqtisodiy o‘sish sur‘atlarining sekinlashuvi sharoitida O‘zbekiston iqtisodiyoti barqaror o‘sish sur‘atlarini saqlab kelmoqda. Ta‘kidlash joizki, 2023 yil uchun Davlat budjeti global o‘zgarishlar va iqtisodiy noaniqliklar kuchayib borayotgan bir sharoitda shakllantirildi. Tashqi tahdidlar tufayli iqtisodiyot rejalashtirilganidan pastroq sur‘atlarda o‘sishi kutilmoqda. Dastlabki baholashga ko‘ra, 2022 yilda O‘zbekistonda iqtisodiy o‘sish 5,7 foizni tashkil etdi. 2023 yilda YaIM o‘sishi 5,3 foizgacha sekinlashishi kutilmoqda.[2] Budget loyihasining 2024 yilga mo‘ljallangan prognoziga ko‘ra, iqtisodiy o‘sish sur‘ati 5,6–5,8 foizni tashkil etadi. 2025–2026 yillarda iqtisodiy o‘sish sur‘atlari mos ravishda 6,2 foiz va 6,4 foizgacha oshishi kutilmoqda.[3]

Maqolani yozish jarayonida bir qator iqtisodchi olimlarning mahalliy budjetlarning daromadlari va xarajatlari, ularni boshqarishning ilmiy-nazariy va amaliy asoslarini o‘z ichiga olgan ilmiy va o‘quv adabiyotlari mavjud. Xususan, xorijiy iqtisodchilardan Maria N.[4], Busch, D., Strehl, W [5], B. Gashi, G.Asllani, L.Boqolli [6], Akif Musayev, Khatai Aliyev [7] va boshqalar ilmiy tadqiqotlarda keng yoritilgan. Davlat budjet tizimining ilmiy-nazariy asoslarini shakllantirishga O‘zbekistonlik iqtisodchi olimlardan A.V.Vahobov, T.S.Malikov[8], N.X.Xaydarov[9], T.Eshnazarov[10] va boshqalar hissa qo‘shdilar.

O‘zbekiston Respublikasi davlat budjetiga tushumlar bo‘yicha eng katta hissa soliq tushumlariga tegishlidir. Bu - daromad solig‘i, qo‘shilgan qiymat solig‘i (QQS) va korxonalar va jismoniy shaxslardan olinadigan boshqa yig‘imlarni o‘z ichiga oladi. Soliq tushumlarining jami budjet daromadlariga nisbatini o‘rganish muayyan soliq toifalariga bog‘liqligini tahlil qilishga yordam beradi.




1-rasm. 2022 yilda O‘zbekiston Respublikasi davlat budjeti daromadlarining tarkibi, foizda (%) [11].

O‘zbekiston Respublikasi davlat budjeti daromadlarining tarkibi turli manbalarga borib taqaladi. Shu manbalar ichida qariyb 80 % atrofida budjet tushumlari soliq turlaridan kelib tushadigan mablag‘lar hisoblanadi. 2022 yil davlat budjeti daromadlari tarkibida soliq turlari bo‘yicha tushumlardan qo‘shilgan qiymat solig‘i (QQS) eng katta ulushga ega bo‘lib 26 % ni tashkil etgan. Budjetga tushumlar ulushi bo‘yicha keyingi o‘rinlarda turadigan soliq turlari: foyda solig‘i - 19 % va jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘i -12% ni tashkil etgan.

O‘zbekiston budjeti daromadlarining hozirgi holatini tushunish uchun tarixiy tendentsiyalarni o‘rganish zarur. O‘zbekiston so‘ngi yillarda sezilarli iqtisodiy o‘sishga erishdi va uning davlat budjeti o‘zgaruvchan iqtisodiyot talablariga javob beradigan tarzda rivojlandi. O‘tgan yillar kesimida davlat budjeti daromad shakllarini tahlil qilish mamlakatning fiskal barqarorligi va o‘sish traektoriyasi haqida tushuncha beradi.

2-rasmda keltirilgan grafik malumotlaridan shuni ko‘rish mumkinki, davlat budjeti daromadlari 2000 yildan toki 2017 yilgacha o‘rtacha qo‘shimcha o‘sish sur‘ati 29 % ni tashkil etgan bo‘lsa, 2018-2019 yillarda o‘rtacha qo‘shimcha o‘sish sur‘ati qariyb 51 % ni tashkil etib davlat budjeti daromadlari tendentsiyasida keskin burilish hosil qilganini ko‘rishimiz mumkin. Bunga asosiy sabab qilib shu yillarda soliq stafkalaridagi o‘zgarishlarni va valyuta kursining erkinlashtirilishini keltirishimiz mumkin. 2020-2022 yillar mobaynida budjetga tushumlarning o‘rtacha qo‘shimcha o‘zgarish sur‘ati taqriban 22 % atrofida saqlanib qolgan.



2-rasm. Davlat budjeti daromadlarining 2000-2022 yillardagi dinamikasi, mlrd so‘mda[12].

Davlat budjeti daromadlarining iqtisodiy o‘rishga ta‘sirini o‘rganish juda muhim iqtisodiy tahlillardan biri hisoblanadi: Iqtisodiy o‘rish ko‘pincha soliq tushumlarining ortishi bilan bog‘liq. O‘zbekistonning umumiy iqtisodiy ko‘rsatkichlari va uning budjet daromadlari o‘rtasidagi bog‘liqlikni tahlil qilish mamlakatning fiskal barqarorligi haqida qimmatli ma‘lumotlarni olish imkonini beradi.

1-jadval

2000-2022 yillarda O‘zbekiston Respublikasi YaIMga nisbatan davlat budjeti daromadlari ulushining o‘zgarish tendensiyalari [13]

Yillar	YaIM (joriy narxlarda mlrd.so‘mda)	Davlat budjeti daromadlari (joriy narxlarda mlrd.so‘mda)	Davlat budjeti daromadlarining YaIM dagi ulushi (%)
2000	3 255,6	716,2	22,0
2001	4 925,3	1 083,6	22,0
2002	7 450,2	1842,2	24,7
2003	9 844,0	2 316,7	23,5
2004	12 261,0	2 697,4	22,0
2005	15 923,4	3 330,0	20,9
2006	21 124,9	4 263,8	20,2
2007	28 190,0	5 973,7	21,2
2008	38 969,8	8 559,7	22,0
2009	49 375,6	10 421,4	21,1
2010	78 936,6	13 221,0	16,7
2011	103 232,6	16 746,8	16,2
2012	127 590,2	21 093,4	16,5
2013	153 311,3	25 890,0	16,9
2014	186 829,5	31 405,1	16,8
2015	221 350,9	36 493,3	16,5
2016	255 421,9	41 043,4	16,1
2017	317 476,4	49 681,1	15,6
2018	426 641,0	79 099,0	18,5
2019	532 712,5	112 165,4	21,1
2020	605 514,9	132 938,0	22,0
2021	738 425,2	164 680,3	22,3
2022	888 341,7	201 863,7	22,7

O‘zbekiston Respublikasi yalpi ichki maxsulotiga nisbatan davlat budjeti daromodlarining ulushi tendensiyasiga nazar soladigan bo‘lsak 2000 yildan 2008 yilgacha budjet daromadlarining YaIMdagi ulushi o‘rtacha 22 % ni tashkil etgan bo‘lsa, bu ko‘rsatkich 2009-2017 yillarda 5%ga

kamayib yillik o‘rtacha 17%gacha pasayganini ko‘rishimiz mumkin. 2018-2022 yillarda budjet daromadining YaIMdagi o‘rtacha ulushi 21% dan oshgan. So‘ngi besh yilda budjet daromadining YaIMdagi o‘rtacha ulushi tendensiyasida faqat o‘shish bo‘layotganligi – soliq solinadigan manbalar bazalarining kengayib borayotganligi va budjetdan mablag‘ oluvchilarning imkoniyatlari oshib borayotganligini ko‘rsatadi(1-jadval).

Daromad oqimlarini diversifikatsiya qilish budjetga tushumlarni oshirishning eng samarali usullaridan biridir. Turli xil daromad bazasi fiskal barqarorlikni oshirishi mumkin. O‘zbekistonning daromad manbalarini diversifikatsiya qilish, yagona manbaga qaramlikni kamaytirish borasidagi sa’y-harakatlarini o‘rganish hukumatning xavf-xatarlarni yumshatish borasidagi yondashuviga oydinlik kiritadi.

Mamlakat budjetining holatiga makroiqtisodiy muammolar ham jiddiy ta’sir ko‘rsatadi. Global iqtisodiy tendentsiyalar va geosiyosiy hodisalar kabi tashqi omillar O‘zbekiston Respublikasi davlat budjeti daromadlariga ta’sir qilishi mumkin. Davlat budjeti holatini yaxshilash imkoniyatlari sifatida bir qator chora-tadbirlarni sanash mumkin. Jumladan: soliq islohotlari, korruptsiyaga qarshi choralar yoki resurslarni boshqarish samaradorligini oshirish orqali daromadlarni yig‘ishni yaxshilash mumkin bo‘lgan sohalarni aniqlash barqaror iqtisodiy rivojlanish uchun juda muhimdir.

Xulosa qilib aytganda, O‘zbekiston davlat budjeti daromadlarining har tomonlama statistik tahlili mamlakat iqtisodiy salomatligining ko‘p qirrali manzarasini ochib beradi. Tarixiy tendentsiyalar, daromad manbalari va iqtisodiy siyosatning ta’sirini o‘rganish siyosatchilar, iqtisodchilar va investorlar uchun qimmatli tushunchalarni beradi. Budjet daromadlari dinamikasini anglagan holda O‘zbekiston o‘zining iqtisodiy o‘shish va rivojlanish yo‘lida davom etishi mumkin.

O‘zbekiston Respublikasi davlat budjetini mustahkamlash va daromad manbalarini oshirish bo‘yicha yetarli manbalarga egadir. O‘zbekiston tabiiy resurslarga, xususan, energetika va mineral-xom ashyo sohasiga boy. Ushbu resurslarni qazib olish va eksport qilishdan olinadigan daromadlar davlat budjetiga sezilarli ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Tabiiy resurslardan olinadigan daromadlar dinamikasini tushunish prognozlash va rejalashtirish uchun juda muhimdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasining Budjet kodeksi. <https://www.lex.uz/docs/-2304138/> 01.01.2014
2. “Фуқаролар учун бюджет: 2023 йил учун тасдиқланган бюджет” ахборот нашри. Тошкент – 2023. 57 бет.
3. “Фуқаролар учун бюджет: 2024 лойиҳа” ахборот нашри. Тошкент 2023.63б.
4. Maria N. Forecast of budget revenues from taxes in the context of economy digitalization. Koniagin 2020. IOP Conf. Ser.: Mater. Sci. Eng. 940 012040.
5. Busch, D., Strehl, W. (2019). Budget Preparation and Forecasting in the Federal Republic of Germany. In: Williams, D., Calabrese, T. (eds) Palgrave Macmillan, Cham. https://doi.org/10.1007/978-3-030-18195-6_4
6. Gashi B, Asllani G and Boqolli L 2018. The effect of tax structure in economic growth. International Journal of Economics and Business Admin 6 # 2 56-67
7. Musayev A and Aliyev K 2017. Modelling oil-sector dependency of tax revenues in a resource rich country: 65 # 3 1023-1029
8. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik (foshkent TII Moliya instituti. - Toshkent: "Noshir", 2012. 712-bet.
9. Хайдаров Н. Х. Маҳаллий бюджетлар: муаммо ва инновацион ечимлар //Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. – 2020.
10. Эшназаров Т.Ш. бюджет муносабатларини такомиллаштириш ва унинг истиқболлари // Экономика и финансы (Узбекистан). – 2021. – №. 9 (145).
11. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va Moliya vazirligi rasmiy sayti (<https://openbudget.uz/>)dan olingan ma’lumotlar asosida muallif ishlanmasi-1.

12. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va Moliya vazirligi rasmiy sayti (<https://openbudget.uz/>)dan olingan ma’lumotlar asosida muallif ishlanmasi-2.
13. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika Agentligi sayti(stat.uz), va O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va Moliya vazirligi sayti (<https://openbudget.uz/>)dan olingan ma’lumotlar asosida muallif hisob kitobi.

УДК: 338.142.2

**RESPUBLIKA SANOATIDA ANDIJON VILOYATINING SALMOG‘I VA UNING
RIVOJLANISH TENDENSIYASI**

**ДОЛЯ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ В ПРОМЫШЛЕННОСТИ РЕСПУБЛИКИ И
ТЕНДЕНЦИИ ЕЕ РАЗВИТИЯ**

**THE SHARE OF ANDIJAN REGION IN THE INDUSTRY OF THE REPUBLIC AND ITS
DEVELOPMENT TRENDS**

**Sattikulova Gulnora Axmadxonovna,
Andijon mashinasozlik instituti,
Iqtisodiyot kafedrası katta o‘qituvchisi
e-mail: sattikulova_g@mail.ru**

Annotatsiya

Maqolada O‘zbekiston Respublikasi Andijon viloyatida sanoat ishlab chiqarish salmog‘i va hududiy ixtisoslashuviga asosan rivojlanish tendensiyalar yoritib berilgan. Viloyat hududlarida sanoat rivojlanishi o‘rganilib taxlil qilingan. Hudud salohiyatidan kelib chiqib rivojlantirish yo‘nalishlari taklif etilgan.

Kalit so‘zlar: hudud sanoati, sanoat ishlab chiqarish tarkibi, hudud sanoatining ixtisoslashuvi, ichki imkoniyat va zaxiralar

В статье освещены экономические тенденции в Андижанской области Республики Узбекистан, основанные на весе промышленного производства и региональной специализации. В ходе развития региона отрасль изучалась и анализировалась. На основе доходов региона предложены направления развития.

Ключевые слова: региональная промышленность, промышленное производство, региональная промышленная специализация, внутренние возможности и возможности.

This article highlights economic trends in the Andijan region of the Republic of Uzbekistan, based on the weight of industrial production and regional specialization. During the development of the region, the industry was studied and analyzed. Based on the region's income, development directions are proposed.

Key words: regional industry, industrial production, regional industrial specialization, internal capabilities and capabilities.

Hududlarda sanoatni barqaror rivojlantirish masalasi mamlakat uchun doimo muhim iqtisodiy ahamiyat kasb etib kelgan. Chunki, mamlakat sanoatining barqaror rivojlanishi ko‘p jihatdan hududiy sanoatni rivojlantirishga bevosita bog‘liq bo‘lib, hududiy barqarorlik va iqtisodiy o‘sish sur‘atlarini ta‘minlash, hududlarda chuqur tarkibiy o‘zgarishlarni amalga oshirish hamda mo‘ljallangan hududiy prognoz parametrlariga erishish kabi vazifalarni amalga oshirishda hudud sanoatining salohiyatidan samarali foydalanish qo‘yilgan maqsadga tezroq yetishish imkoniyatini beradi.

Bugungi kunda respublikamiz sanoatini rivojlantirishda juda katta ichki hududiy salohiyatga, jumladan, mahalliy xom ashyo va qishloq xo‘jalik mahsulotlarini chuqur qayta ishlash imkoniyatiga ega bo‘lgan Andijon viloyatining sanoat salohiyatidan samarali foydalanish dolzarb iqtisodiy ahamiyat kasb etadi. Chunki, “... ichki imkoniyat va zaxiralarimizni ishga solishning eng muhim yo‘nalishi bizning zaminimizdagi boy mineral xom ashyo va o‘simlik dunyosi resurslarini chuqur qayta ishlashni bosqichma - bosqich oshirib borish, shuningdek, yuqori qo‘shimcha qiymatga ega bo‘lgan mahsulotlar ishlab chiqarishning hajmi va turini kengaytirishdan iborat bo‘lishi kerak”[1].

Dastlabki ma’lumotlarga asosan 2022-yilda Andijon viloyatida faoliyat ko‘rsatayotgan sanoat korxonalari tomonidan 42600,9 mlrd.so‘mlik sanoat mahsulotlari ishlab chiqarilishiga erishildi va o‘tgan yilning mos davriga nisbatan o‘shish sur‘ati 109,9 % ni tashkil etdi.

2022-yilida 19927,5 mlrd. so‘mlik iste’mol tovarlari ishlab chiqarilib, 2021- yilga nisbatan 111,8 foizni tashkil etdi. Jumladan, 6106,8 mlrd. so‘mlik oziq-ovqat mahsulotlari, 13186,4 mlrd. so‘mlik nooziq-ovqat mollari (2021 yil yanvar-dekabriga nisbatan mos ravishda 110,6 foiz va 112,5 foiz) ishlab chiqarildi.

Jami sanoat ishlab chiqarish hajmi o‘shishining asosiy omili bo‘lib, ishlab chiqaradigan (qayta ishlash) sanoatida ishlab chiqarish hajmining 8,0 % ga, xom neft va tabiiy gaz qazib olishning 3,8 martaga, elektr, gaz, bug‘ bilan ta‘minlash va havoni konditsiyalashning 3,8 % ga va suv bilan ta‘minlash, kanalizatsiya tizimi, chiqindilarni utilitatsiya qilishning 2,3 % ga o‘shishi hisoblandi.

Andijon viloyatining respublikamiz sanoatidagi ulushi 2022-yilda 11,6 foizni tashkil etgan (1-rasmga qarang).



1-rasm. 2022 yil respublika sanoatida Andijon viloyatining asosiy iqtisodiy faoliyat turlari bo‘yicha sanoat ishlab chiqarish tarkibi, (mlrd. so‘mda)

Shu o‘rinda ta’kidlash lozimki, hududlarning respublika sanoatidagi ulushining turlicha bo‘lish sabablari juda ko‘plab omillarga bog‘liq. Xususan, bunday omillar qatoriga hududning maydoni, uning qulay geografik joylashuvi, iqlimi, sanoatning boy tabiiy xom ashyo manbai bilan ta‘minlanganlik darajasi, ishchi kuchining sifati va miqdori, ishlab chiqarish infratuzilmasining rivojlanganlik darajasi kabi bir qator omillarni kiritish mumkin.

Mamlakatimiz sanoati tarkibida Andijon viloyatining ulushi 5 o‘rinda bo‘lsada, biroq, “yalpi hududiy mahsulotda sanoatning ulushi” bo‘yicha 4-o‘rindadir.

Andijon viloyatining yalpi hududiy mahsulotida sanoatining ulushi (sanoat tarmog‘i

qo‘shilgan qiymat hajmining ulushi) qay darajada ekanligi alohida iqtisodiy ahamiyat kasb etadi va mazkur ko‘rsatkich “hududlarning industrializatsiya darajasi”ni belgilaydi[2].


Hududlarning industrializatsiya darajasini ortishi shaharda sanoat ishlab chiqarishining rivojlanayotganligini o‘zida ifoda etsada, biroq bunday rivojlanish uning sifati tomonlarini o‘zida aks ettirmaydi. Chunki, hududiy industrializatsiya darajasining ortishi, Andijon viloyatidagi qayta ishlovchi tarmoqlarga nisbatan yoqilg‘i xom ashyo tarmoqlari ulushining yuqoriligi hisobidan ham sodir bo‘lishi mumkin.

Olib borilgan tahlillarga ko‘ra, aynan yuqoridagi holat Andijon viloyatida mavjud bo‘lib, unga ko‘ra shahar iqtisodiyotining xom ashyoga yo‘naltirilgani iqtisodiy o‘rish sifatiga salbiy ta‘sir ko‘rsatmoqda. Mazkur mintqa uchun qayta ishlash sanoati va yuqori texnologiyali ishlab chiqarishni joylashtirishda tadbirkorlik tashabbuskorligini rivojlantirish maqsadga muvofiqdir[3].

Tahlillar shuni ko‘rsatadiki, Andijon viloyatida sanoat mahsulotining o‘rish sur‘ati respublika ko‘rsatkichiga nisbatan ancha yuqori bo‘lgan variatsiyalanish xarakteriga ega bo‘lib, jumladan, Andijon viloyatida sanoat mahsulotining eng yuqori o‘rish sur‘ati 2019 yilga (114,2 foiz) to‘g‘ri kelgan, lekin respublika bo‘yicha 2022 yilda 114,4 foizga oshgan (2-rasmga qarang).

Qayd etish kerakki, Andijon viloyatida sanoat mahsulotining o‘rish sur‘ati 2019-yilda 113,1 foizni hamda 2022-yilda esa 109,9 foizni tashkil etgan bo‘lsada, biroq mazkur qiymatlar nisbiy xarakterga ega bo‘lib, qator yillar davomida Andijonda sanoat ishlab chiqarishining mutlaq o‘rish tendensiyasi kuzatiladi.

Andijon viloyatida boshqa sanoat takribi bo‘yicha o‘rganishlarimiz shuni kursatadiki, 2019-2022 yillar oralig‘ida sanoat korxonalarining ishlab chiqarish xajmi sezilarli darajada o‘zgargan. Chunki 2019 yilda respublikadagi sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish xajmi Andijon viloyatini sanoatdagi tutgan ulushi bilan qiyosiy taqqoslangan. 2022 yilga kelib Andijon viloyati sanoat mahsulotlarini o‘rish sur‘ati o‘tgan yillarga nisbatan ortganligini ko‘rish mumkin. Bu davrlar oralig‘ida pandemiya, ya‘ni 2020 yil mart oyidan boshlangan. Bu ham o‘z navbatida sanoat ishlab chiqarish hajmiga ta‘sir ko‘rsatgan.




2-rasm. Respublika va Andijon viloyatida sanoat mahsulotining o‘rish sur‘atlari dinamikasi (o‘tgan yilga nisbatan foiz hisobida) [4; 5]

Andijon viloyati sanoatida mehnat unumdorligining iqtisodiy tahlili shuni ko‘rsatadiki, mazkur ko‘rsatkich bo‘yicha ushbu Andijon viloyati respublika viloyatlari orasida eng yuqori o‘rinda turadi. Tahlillarga ko‘ra, Andijon viloyati sanoatida mehnat unumdorligi respublika ko‘rsatkichiga nisbatan juda yuqoriligi bilan xarakterlanadi (3-rasmga qarang).

Shuni alohida ta‘kidlash lozimki, Andijon viloyati sanoatida mehnat unumdorligining

bunday o‘sishi, yoqilg‘i - xom ashyo tarmoqlari ishlab chiqarish hajmining ortishi hisobiga emas, balki qayta ishlovchi tarmoqlar ishlab chiqarishining rivojlanishi hisobidan sodir bo‘lmog‘i lozim. Ayni paytda mazkur yo‘nalishda respublikamizda ham talaygina ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, bugungi kunda respublikamiz xom ashyoni jahon bozorida talab katta bo‘lgan mahsulotga aylantirish uchun qayta ishlashning 3 - 4 bosqichli tizimiga o‘tishni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘ymoqda.



3-rasm. Respublika va Andijon viloyati sanoatida mehnat unumdorligi (sanoatda band 1 kishiga ming so‘m)[6]

Bu boradagi dasturlarni ishlab chiqish va amalga oshirishda har bir turdagi birlamchi xom ashyo, ya‘ni yarim fabrikatlarni chuqur qayta ishlashdan tortib, uni iste‘mol uchun tayyor mahsulotga aylantirishgacha bo‘lgan yakuniy bosqichga qadar butun ishlab chiqarish jarayonini kuzatib borish zarurati paydo bo‘lmoqda. Muxtasar aytganda, ishlab chiqarishni tashkil etishning butun jarayonini - xom ashyoni chuqur qayta ishlashdan toki uni tayyor mahsulotga aylantirishgacha bo‘lgan yo‘lini - siklini, sarflangan xarajatlarning maqsadga muvofiqligi va nechog‘liq o‘zini qoplashini asoslab bergan holda, prognoz qilishni ta‘minlash darkor.

Tashqi bozorlarda xaridorgir, yuqori qo‘shimcha qiymatga ega bo‘lgan zamonaviy tayyor mahsulotlar ishlab chiqarishni ko‘paytirish va yangi bosqichga ko‘tarish tayyor mahsulotlar eksportining barqaror yuqori o‘sish sur‘atlariga erishishda, hech shubhasiz, katta zamin tug‘diradi hamda yuqori salohiyatga ega bo‘lgan har bir turdagi istiqbolli xom ashyo va yarim fabrikat bo‘yicha chuqur qayta ishlashning 2030 yillarga mo‘ljallangan aniq dasturiga ega bo‘lish uchun mutlaqo yangi dasturiy kompleks yondashuvni talab etadi.

Respublikamiz jahon iqtisodiyotining rivojlanish jarayonlarini chuqur tahlil qilgan, o‘zimizning resurs va imkoniyatlarimizni real baholagan holda, 2030 yilga borib mamlakatimizda yalpi ichki mahsulot hajmini kamida 2 barobar oshirish, bu yo‘lda tub tarkibiy o‘zgarishlarni amalga oshirish hisobidan sanoatni jadal rivojlantirish va yalpi ichki mahsulotda uning ulushini 40 foizga yetkazish, energiyani tejaydigan zamonaviy texnologiyalarni keng joriy etish evaziga yalpi ichki mahsulot uchun sarflanadigan energiya hajmini taxminan 2 barobar qisqartirishga erishish vazifalarini qo‘ymoqda[6].

Mazkur imkoniyatlar o‘z navbatida hududdagi mahalliy xom ashyolardan foydalanish asosida

import o‘rnini bosuvchi mahsulotlar ishlab chiqarish imkoniyatini beradi. Hozirda viloyat sanoatining asosiy tarmoqlarini yoqilg‘i, oziq - ovqat, yengil sanoat, elektroenergetika hamda un - yorma kabi sanoat tarmoqlari tashkil etadi[7].

Shuningdek, o‘rtacha respublika ko‘rsatkichiga nisbatan viloyatda sanoat ishlab chiqarishi past darajada bo‘lgan tumanlar soni quyidagi ko‘rsatkichlarni tashkil etadi (4-jadvalga qarang).

Keltirilgan statistik ma‘lumotlarga ko‘ra, Andijon viloyatida tuman sanoat ishlab chiqarishi o‘rtacha shahar ko‘rsatkichiga nisbatan 3 foizdan past hamda 10 foiz oraliq‘idagi bo‘lgan tumanlar soni 2020 yil va 2022 yillarda o‘zgargan. Holbuki, respublika ko‘rsatkichiga nisbatan 3 foizdan past bo‘lgan tumanlar soni kamayib, 10 foizgacha bo‘lgani ham ortmoqda, ya‘ni 10 foizdan yuqori bo‘lgan tumanlar soni o‘zgarmagan.

“Hudud sanoatining ixtisoslashuvi” ma‘lum ma‘noda hududlarning sanoat ishlab chiqarish darajasidagi tabaqalashuvni belgilaydi. Chunki, hududiy ixtisoslashuv mehnat unumdorligining oshishiga, bu esa ishlab chiqarish hajmining o‘shishiga olib keladi. Respublika hududlarining sanoat tarmoqlari bo‘yicha ishlab chiqarish hajmi mazkur hududlarning sanoat ishlab chiqarishi bo‘yicha ixtisoslashuv darajasini baholash imkoniyatini beradi.

4-jadval

Andijon viloyatida sanoat ishlab chiqarishi past darajada bo‘lgan tumanlar soni
(o‘rtacha viloyat ko‘rsatkichiga nisbatan) [8]

Hudud nomi	2020 yil			2021 yil			2022 yil		
	3 foizdan kam	3-10 foiz oraliq‘ida	10 foizdan yuqori	3 foizdan kam	3-10 foiz oraliq‘ida	10 foizdan yuqori	3 foizdan kam	3-10 foiz oraliq‘ida	10 foizdan yuqori
Andijon viloyati	11	3	2	11	3	2	10	4	2

Yuqorida ko‘rib o‘tilgan Andijon viloyati miqyosidagi sanoat ishlab chiqarish borasida mavjud kamchiliklar, bugungi kunda hududning shakllangan sanoat salohiyatini yanada oshirish va ishlab chiqarish imkoniyatlaridan samarali foydalanishni, bu esa o‘z navbatida hudud sanoatini kompleks rivojlantirish bo‘yicha yangicha yondashuvdagi “hududiy sanoat dasturi”ni ishlab chiqishni talab etadi. Tumanlarda sanoatni rivojlantirish maqsadida kichik sanoatlashgan zonalar barpo etilmoqda.

Bunda, asosiy e‘tiborni respublikaga bo‘ysunadigan yirik korxonalar ko‘rsatkichini chiqarib tashlab, viloyat yalpi hududiy sanoat mahsuloti hajmiga, yalpi hududiy sanoat mahsuloti tarkibida esa, qayta ishlovchi tarmoqlarning qo‘shilgan qiymatiga qaratish metodologik jihatdan maqsadga muvofiq bo‘lib hisoblanadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda Andijon viloyatida sanoat ishlab chiqarishini hududiy jihatdan tashkil etishni quyidagilar asosida tubdan takomillashtirish lozim:

-sanoatning qayta ishlovchi tarmoqlarini zamonaviy, energiyani tejaydigan, yuqori samarali texnologiyalarini joriy etish hisobiga barqaror rivojlanishini ta‘minlash;

-Andijon viloyatidagi tumanlarning raqobatbardoshli afzalliklari negizida eksportga yo‘naltirilgan ishlab chiqarishlarni kengaytirish;

-qurilish materiallari sanoatida sifat jihatidan jahon standartlariga javob beradigan yangi ishlab chiqarish quvvatlarini tashkil etish;

-hududda qayta ishlash negizini jadal rivojlantirish, Andijon viloyatining sanoat korxonalarida meva - sabzavot mahsulotlarini qayta ishlash hajmlarini ko‘paytirish;

-shaharda mahalliy xom ashyoni qayta ishlash va raqobatbardoshli tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish bo‘yicha kichik korxonalar va mikrofirmalarni, yirik korxonalar filiallarini keng rivojlantirish va joylashtirish;

-Andijon viloyatidagi mavjud iqtisodiy salohiyat, resurslar va yashirin imkoniyatlarni aniqlash asosida hudud iqtisodiyotining asosiy tarmoqlarini modernizatsiyalashga oid loyihalarni

amalga oshirishni jadallashtirish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi // Xalq so‘zi, 2022 yil 29 dekabr, 3 b.
2. [2022.12.sanoat.pdf \(andstat.uz\)](#), [Узбекистон саноати 2022 курсаткичлар.pdf](#)
3. Nazarov Sh.H. O‘zbekiston mintaqalari raqobatdoshligini oshirishning metodologik asoslarini takomillashtirish. Doktorlik dissertatsiyasi avtoreferati. T.: 2016. - 26 b.
4. O‘zbekistonning yillik statistik to‘plami 2022. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining rasmiy statistik to‘plami. T.: 2023. 220 - b.;
5. O‘zbekiston sanoati 2019. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining rasmiy statistik to‘plami. Toshkent. 2020. 20 - b.
6. O‘zbekistonning yillik statistik to‘plami 2022. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining rasmiy statistik to‘plami. T.: 2023. 220 - b.
7. O‘zbekiston hududlarining yillik statistik to‘plami. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining rasmiy statistik to‘plami. Toshkent. 2023.
8. Respublika hududlarini 2022 yillarda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturini amalga oshirish bo‘yicha tuman va shaharlar hokimlarining o‘quv seminari taqdimot materiallari. T.: 2023.

UDK:336.57

**AHOLINI IJTIMOIIY HIMOYALASHNI DAVLAT BUDJETIDAN
MOLIYAASHTIRISH HOLATI VA TENDENSIYALARI**

**СОСТОЯНИЕ И ТЕНДЕНЦИИ ФИНАНСИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ
ЗАЩИТЫ НАСЕЛЕНИЯ ИЗ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА**

**STATE AND TRENDS OF FINANCING SOCIAL PROTECTION OF THE
POPULATION FROM THE STATE BUDGET**

Alimova Guzal Abduxakimovna
Toshkent moliya instituti Iqtisodiyot kafedrası dotsentimi
i.f.n., dotsent. guzal_alimova@bk.ru

Annotatsiya

Maqolada O‘zbekiston Respublikasi davlat budjetidan aholini ijtimoiy himoyalashga ajratilayotgan xarajatlari, ularning tarkibi va yo‘nalishlari tahlil qilingan. Shuningdek, aholisini ijtimoiy himoya qilish strategiyasining maqsadli ko‘rsatkichlari tahlil qilingan va ilmiy xulosalar olingan.

Kalit so‘zlar: Davlat budjeti xarajatlari, O‘zbekiston aholisini ijtimoiy himoya qilish, tibbiy yordam, ta’lim, uy-joy dasturlari.

В статье анализируются расходы, направляемые на социальную защиту населения из государственного бюджета Республики Узбекистан, их состав и направления. Также проанализированы целевые показатели стратегии социальной защиты населения и получены научные выводы.

Ключевые слова: Расходы государственного бюджета, социальная защита населения Узбекистана, медицинская помощь, образование, жилищные программы.

The article analyzes expenses allocated for social protection of the population from the state budget of the Republic of Uzbekistan, their composition and directions. The target indicators of the social protection strategy were also analyzed and scientific conclusions were obtained.

Key words: State budget expenditures, social protection of the population of Uzbekistan, medical care, education.

Bugungi kunda dunyo aholisining 47 foizi ijtimoiy himoyaning kamida bitta turidan foydalanadi, 53 foizi (4,1 milliard kishi) esa milliy ijtimoiy himoya tarmoqlaridan kafolatlangan daromadlari mavjud emas. Ijtimoiy himoya sohasida hududlardan jiddiy nomutanosibliklar mavjud bo‘lib, eng katta darajada Yevropa va Markaziy Osiyo aholisi ijtimoiy himoya qamrab olingan hamda uning kamida bitta turidan aholining 84 foizi foydalaniladi[1].

O‘zbekiston davlat budjeti – davlatning moliyaviy rejasi bo‘lib, u Respublika budjetining ma‘lum muddatdagi daromadlari va xarajatlarini belgilab beradi. Mazkur budjet mamlakatni rivojlantirishning strategik ustuvor yo‘nalishlari va aholi ehtiyojlarini hisobga olgan holda O‘zbekiston hukumati tomonidan ishlab chiqiladi va tasdiqlanadi[2].

Davlat budjeti soliqlar, yig‘imlar kabi davlatning barcha daromadlarini, shuningdek, boshqa daromad manbalarini, masalan, davlat mulkini sotishdan yoki tashqi moliyaviy resurslarni olishdan tushadigan mablag‘larni o‘z ichiga oladi. Budjet xarajatlari turli sohalarni, jumladan, ijtimoiy himoya, ta‘lim, sog‘liqni saqlash, infratuzilma, mudofaa va boshqa davlat dasturlarini moliyalashtirishni o‘z ichiga oladi.

O‘zbekistonning davlat budjeti mamlakatning iqtisodiy rivojlanishi va ijtimoiy farovonligi uchun strategik ahamiyatga ega. Bu moliyaviy barqarorlikni ta‘minlash, aholini ijtimoiy himoya qilishni qo‘llab-quvvatlash, iqtisodiyotning muhim tarmoqlariga sarmoya kiritish hamda ustuvor dastur va loyihalarni amalga oshirishga qaratilgan.

Davlat budjeti ijrosini tashkil etish va nazorat qilish davlat moliya resurslaridan mamlakat taraqqiyoti va fuqarolar farovonligi manfaatlari yo‘lida samarali va oshkora foydalanishni ta‘minlash maqsadida tegishli davlat organlari va nazorat qiluvchi organlar tomonidan amalga oshiriladi.

Davlat budjetida aholini ijtimoiy himoya qilish sohasi muhim o‘rin tutadi. U ijtimoiy adolatni ta‘minlash, aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamini himoya qilish va fuqarolarning hayot sifatini oshirishga qaratilgan. Ijtimoiy himoya xarajatlari sog‘liqni saqlash, ta‘lim, ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash, uy-joy dasturi, pensiya va nafaqalar kabi ijtimoiy xizmatlarning mavjudligi va sifatini ta‘minlash bilan bog‘liq moliyaviy dasturlar va tadbirlarni o‘z ichiga oladi. Davlat fuqarolarni zarur qo‘llab-quvvatlash va himoya qilish uchun ijtimoiy himoya tizimini rivojlantirish va takomillashtirish uchun mablag‘ ajratadi.

Davlat budjetidagi ijtimoiy himoya sohasining o‘rni ijtimoiy barqarorlikni ta‘minlash va ijtimoiy tengsizlikni kamaytirishdan iborat. Bu aholi farovonligini oshiradi, qashshoqlik va tengsizlikni kamaytiradi, ijtimoiy xizmatlarning mavjudligi va sifatini oshiradi. Bundan tashqari, ijtimoiy himoyaga yo‘naltirilgan sarmoyalar inson kapitalini rivojlantirish, ijtimoiy infratuzilmani mustahkamlash va fuqarolarning turmush darajasini oshirishga xizmat qilmoqda.

Davlat budjetidan ijtimoiy dastur va tashabbuslarni amalga oshirish, jumladan, sog‘liqni saqlash tizimini takomillashtirish, ta‘limni rivojlantirish, ijtimoiy nafaqalar va pensiyalar bilan ta‘minlash, kam ta‘minlangan oilalarga yordam ko‘rsatish, nogironligi bo‘lgan shaxslar va aholining boshqa ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarini qo‘llab-quvvatlashga mablag‘lar ajratilmoqda.

Shunday qilib, aholini ijtimoiy himoya qilish sohasi barcha fuqarolar uchun adolatli va qulay ijtimoiy muhit yaratishga qaratilgan davlat budjetining muhim tarkibiy qismi hisoblanadi.

L. Ibragimovanning tadqiqot ishlarida davlat budjetining aholini ijtimoiy himoyalashga xarajatlari tarkibi va ijtimoiy himoyalashni taqsimlanish yo‘llari yoritilgan ma‘lumotlar berib o‘tilgan[4].

Z. Mamatqulovanning tadqiqot ishlarida “Davlat budjetining ijtimoiy sohaga xarajatlari: muammolar va rivojlanish istiqbollari”[5] davlat budjetining aholini ijtimoiy himoyalashga

xarajatlari tarkibi va ijtimoiy himoyalashni taqsimlanish yo‘llari yoritilgan ma’lumotlar berib o‘tilgan.

Mamlakatimizda yosh bolalarni ijtimoiy himoya qilish bo‘yicha amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar davlat budjetining soliq tushumlari hisobidan shakllangan qismidan moliyalashtirilib, ular qatoriga quyidagilarni kiritish mumkin bo‘ladi[8]:

- ishsiz onalarga farzand ko‘rganlik uchun bir martalik nafaqa (yoki suyunchi puli) to‘lash;
- 2 yoshgacha bola parvarishi uchun nafaqa to‘lash;
- 2-14 yoshgacha ko‘p bolali kam ta‘minlangan oilalarga nafaqa to‘lash;
- nogiron bolalar uchun nafaqa to‘lash;
- maktabgacha ta‘limni davlat tomonidan subsidiyalash;
- kam ta‘minlangan oilalarda katta bo‘layotgan bolalar uchun qishki kiyim kechak va zaruriy darsliklar bilan ta‘minlash;
- tug‘ma nogiron va ota-onasiz chin yetim bolalar uchun internat parvarishi xizmatlari ko‘rsatish;
- yomon xulq-atvorli, qonunni buzgan bolalar bilan ishlash va ularga ijtimoiy xizmat ko‘rsatish;
- bepul dori-darmon, ortopedik mahsulotlar bilan ta‘minlash va transport xizmatlari ko‘rsatish.

Mehnat layoqati yoshidagi mamlakat fuqarolari uchun davlat budjeti hisobidan quyidagi ijtimoiy himoya dasturlari ko‘rsatiladi[8]:

- ishsizlarni kasbga tayyorlash va qayta tayyorlashga mo‘ljallangan ta‘lim xizmatlari ko‘rsatish;
- ishsizlarni jamoatchilik ishlariga jalb qilish;
- mehnat layoqati yoshidagi nogironligi bo‘lgan, yoki boquvchisini yo‘qotgan va kam ta‘minlangan jamiyatning ijtimoiy guruhlar uchun nafaqalar to‘lash;
- mehnat laqati yoshidagi nogironlarni internat muassasalarida parvarishlash;
- yollanma ishchining barvaqt o‘limi sababli uning oila a‘zolariga dafn ma‘rosimi uchun nafaqa ajratish;
- kam ta‘minlangan yollanma ishchilarning oilalariga kommunal to‘lovlar uchun kompensatsiyalar ajratish;
- kam ta‘minlangan yoki nogironligi bo‘lgan mehnat layoqati yoshidagi fuqarolarni bepul dori-darmon, ortopedik mahsulotlar bilan ta‘minlash va ularga transport xizmatlari ko‘rsatish.

Shuningdek, mehnat layoqati yoshidagi mamlakatimiz fuqarolari uchun ish beruvchi tomonidan amalga oshiriladigan ijtimoiy himoya dasturlari qatoriga quyidagilarni kiritish mumkin bo‘ladi[8]:

- yollanma ishchining farzandli bo‘lgani munosabati bilan bir martalik suyunchi puli ajratish;
- mehnat layoqati yoshidagi yollanma ayol ishchilarga homiladorlik va tug‘ruq uchun nafaqa ajratish;
- yollanma ishchi kasal bo‘lgan davrda unga kasallik davri uchun nafaqa to‘lash.

Amaldagi qonunchilikka binoan, mamlakatimizda mehnat layoqatidagi fuqarolar ijtimoiy sug‘urta mexanizmi asosida quyidagi holatlar bo‘yicha ijtimoiy himoyalanadilar[8]:

- nogironlik pensiyasi;
- boquvchisini yo‘qotganlik nafaqasi;
- ishsizlik nafaqasi.

O‘zbekistonda so‘nggi yillarda aholini ijtimoiy himoya qilishga sarflanadigan xarajatlar sezilarli darajada oshdi. Mamlakatimiz hukumati tomonidan ijtimoiy siyosatga katta e‘tibor qaratilib, aholi turmush farovonligini oshirishga qaratilgan turli dastur va chora-tadbirlarga sarmoya kiritilmoqda[6].

Davlat budjetining aholini ijtimoiy himoya qilishga sarflanishining asosiy yo‘nalishlaridan biri majburiy tibbiy sug‘urta tizimidir. O‘zbekistonda fuqarolarga qo‘shimcha xarajatlarsiz tibbiy yordam olish imkonini beruvchi majburiy tibbiy sug‘urta tizimi joriy etildi.

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 9-son 2023 yil

Aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlari, ya’ni pensionerlar, nogironlar, kam ta’minlangan oilalar va bolalarni ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash dasturlariga ham katta mablag‘lar ajratilmoqda. Davlat ushbu guruhlarining turmush sharoitini yaxshilashga yordam beradigan turli xil ijtimoiy to‘lovlar va imtiyozlar beradi.

1- jadval

O‘zbekiston Respublikasi aholisini ijtimoiy himoya qilish strategiyasining maqsadli ko‘rsatkichlari[7]

T/r	Indikator nomi	Bazaviy ko‘rsatkichlar		Maqsadli ko‘rsatkichlar		Boshlang‘ich ma’lumotlar		
		2020-yil	2021-yil	2025-yil	2030-yil	Ma’lumot nomi	2020-yil	2021-yil
1.	Davlat budjeti xarajatlari tarkibida ijtimoiy himoya bo‘yicha xarajatlar (foizda)	6,0	5,7	6,5	7,0	O‘zbekiston Respublikasi Davlat budgetining jami xarajatlari (mlrd. so‘mda)	144 143	188 634
2.	Kam ta’minlangan oilalarni ijtimoiy yordam dasturi bilan qamrab olish darajasi (foizda)	58,8	65,8	85,2	98,1	Ijtimoiy nafaqa oluvchi kam ta’minlangan oilalar (ming nafarda)	918	1 260
3.	Kambag‘allik chegarasidan past darajada yashovchi aholi (foizda)	-	17,0	8,5	5,0	Uy xo‘jaliklarini tanlanma kuzatuv darajasi (foizda)	-	17,0
5.	Aholining mehnat bozorida ko‘rsatiladigan xizmatlar bilan qamrab olinganligi (foizda)	64,2	65,3	65,0	70,0	Bandlikka ko‘maklashish dasturlari va jamoat ishlariga jalb etilgan ishsiz shaxslar	1 000	880
6.	Ishsizlik nafaqasini oluvchi ishsizlar ulushi (foizda)	5,7	6,8	7,2	8,5	Ishsizlik nafaqasini oluvchi ishsizlar soni (ming nafarda)	89	98
7.	Yoshga doir pensiya ta’minoti va nafaqa bilan qamrab olingan pensiya yoshidagi aholining ulushi (foizda)	77,6	77,9	79,0	80,0	Yoshga doir pensiya va nafaqa oluvchi shaxslar soni (ming nafarda)	2 892	3 042
						Pensiya yoshidan oshgan (60 yosh — erkaklar, 55 yosh — ayollar) aholi soni (ming nafarda)	3 725	3 906
8.	Nogironligi bo‘lgan shaxslarga ko‘rsatilgan reabilitatsiya xizmatlari ulushi (foizda)	16,9	16,9	17,9	20,9	Tibbiy-ijtimoiy xizmatlar ko‘rsatilgan nogironligi bo‘lgan shaxslar soni (ming nafarda)	127	131
						Nogironligi bo‘lgan shaxslar soni (ming nafarda)	752	798
9.	Aholini muhtoj qismini reabilitatsiya texnik vositalari bilan ta’minlash darajasi (foizda)	3,5	6,0	45,0	100,0	Nogironligi bo‘lgan shaxslar soni (ming nafarda)	-	4 100

Jadvalda keltirilgan ma’lumotlarga ko‘ra davlat budjeti xarajatlari tarkibida ijtimoiy himoya bo‘yicha xarajatlar 2030 yilga rejalashtirilgan ko‘rsatkichga asosan 2020 yilga qaraganda 1 foizga oshirilishi kutilmoqda, ya’ni 2020 yil holatiga 6 foizni tashkil etgan bo‘lsa, 2030 yilga kelib bu ko‘rsatkich 7 foizni tashkil etishi kutilmoqda. Shu jumladan kam ta’minlangan oilalarni ijtimoiy

yordam dasturi bilan qamrab olish darajasi 2030 yilga kelib 40 foizga, kambag‘allik chegarasidan past darajada yashovchi aholi soni 5 foizga, aholining mehnat bozorida ko‘rsatiladigan xizmatlar bilan qamrab olinganligi 5,8 foizga, ishsizlik nafaqasini oluvchi ishsizlar ulushi 2,8 foizga, yoshga doir pensiya ta‘minoti va nafaqa bilan qamrab olingan pensiya yoshidagi aholining ulushi 2,4 foizga, nogironligi bo‘lgan shaxslarga ko‘rsatilgan reabilitatsiya xizmatlari ulushi 4 foizga, aholini muhtoj qismini reabilitatsiya texnik vositalari bilan ta‘minlash darajasi 96,5 foizga osihi kutilmoqda.

Yanvar–iyun oylarida Respublika budjeti xarajatlari 2023-yilning yarim yilligiga nisbatan 25 foizga o‘sgan. Xarajatlarning teng yarmi ijtimoiy sohaga yo‘naltirilgan⁷. Umuman olganda, O‘zbekistonda aholini ijtimoiy himoya qilishga davlat budjeti xarajatlari hukumatning fuqarolar hayotini yaxshilash va ijtimoiy adolatni ta‘minlashga intilishidan dalolat beradi. Shu bilan birga, mazkur dastur va chora-tadbirlar samaradorligini yanada tahlil qilish, aholini ijtimoiy muhofaza qilish tizimini yanada takomillashtirish bo‘yicha erishilgan natijalar bo‘yicha statistik ma‘lumotlarni to‘plash va tahlil qilish muhim ahamiyatga ega.

O‘zbekistonda aholini ijtimoiy muhofaza qilishga davlat budjeti xarajatlari davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishi hisoblanadi. So‘nggi yillarda bu boradagi xarajatlar sezilarli darajada oshdi. Majburiy tibbiy sug‘urta tizimi, aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarini ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash dasturlari, ta‘limni rivojlantirish va uy-joy siyosati diqqat markazida bo‘lgan muhim yo‘nalishlardir. Bu chora-tadbirlar O‘zbekiston hukumatining fuqarolarning hayot sifatini yaxshilash va ijtimoiy adolatni ta‘minlashga intilishidan dalolat beradi. Shu bilan birga, aholini ijtimoiy muhofaza qilish tizimini yanada takomillashtirish uchun mazkur dastur va chora-tadbirlar samaradorligini tahlil qilish, erishilgan natijalar bo‘yicha statistik ma‘lumotlarni to‘plash va tahlil qilish muhim ahamiyatga ega.

Mamlakatimizda aholini ijtimoiy himoya qilish strategiyasini ishlab chiqishda aholini ijtimoiy himoya qilish tizimining samaradorligini oshirish, xususan, uning qamrov darajasini kengaytirishga qaratilgan chora-tadbirlarga ustuvorlik qaratish maqsadga muvofiq. Bunda davlatning budjetdan tashqari maqsadli fondlari, ijtimoiy sug‘urta tashkilotlari ishtirokini kengaytirish, aholi daromadlari bazasini mustahkamlashga qaratilgan dasturlarni izchil, tizimli ravishda amalga oshirish lozim deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_818409/lang--ru/index.htm
2. <https://lex.uz/docs/-6333240>
3. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/byudjet-to-g-risidagi-qonunchilik-hujjatlariga-muvofiq-ochiq-ma-lumotlar>
4. L. Ibragimovanning tadqiqot ishlarida davlat budjetining aholini ijtimoiy himoyalashga xarajatlari tarkibi va ijtimoiy himoyalashni taqsimlanish yo‘llari yoritilgan ma‘lumotlar berib o‘tilgan
5. Z. Mamatqulovanning tadqiqot ishlarida “Davlat budjetining ijtimoiy sohaga xarajatlari: muammolar va rivojlanish istiqbollari” davlat budjetining aholini ijtimoiy himoyalashga xarajatlari tarkibi va ijtimoiy himoyalashni taqsimlanish yo‘llari yoritilgan ma‘lumotlar berib o‘tilgan.
6. <https://www.google.com/url?sa=t&rct=j&q=&esrc=s&source=web&cd.pdf>
7. https://uza.uz/oz/posts/2023-yilgi-davlat-byudjeti-ijtimoiy-xarajatlar-yanada-oshirilmoqda_436694
8. Оценка системы социальной защиты в Узбекистане на базе основного диагностического инструмента (CODI). Совместный отчет МОТ, ЮНИСЕФ и Всемирного банка. – С. 145. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---europe/---ro-geneva/---sro-moscow/documents/publication/wcms_760150.pdf

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ВА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ
МОДЕЛИ (КОНЦЕПЦИЯСИ)**

**МОДЕЛИ (КОНЦЕПЦИЯ) СОЦИАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА И СПРАВЕДЛИВОГО
ОБЩЕСТВА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА**

**MODEL (CONCEPT) OF A SOCIAL STATE AND A FAIR SOCIETY OF NEW
UZBEKISTAN**

**Алимов Насим Хошимович,
O‘zLiDeP Сийсий таълим маркази раҳбари,
иктисод фанлари номзоди, nasimjon1@mail.ru**

Аннотация

Мақолада Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида устувор вазифалардан бири бўлган ижтимоий давлат ва адолатли жамият асосларини яратиш, инсон кадрини улуғлаш, халқнинг фаровон ва бахтли ҳаётини таъминлаш масалалари бўйича илмий-амалий таҳлил ва тадқиқот хулосалари “Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият модели (концепцияси)” сифатида баён этилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, ижтимоий давлат, адолатли жамият, фаровонлик назарияси, барқарор ривожланиш, ижтимоий-иктисодий адолат.

В статье описывается «Модель (концепция) социального государства и справедливого общества Нового Узбекистана» на основе результатов научно-практического анализа и исследования по вопросам создания социального государства и справедливого общества, что является одной из приоритетных задач в процессе становления Нового Узбекистана, прославления человеческого достоинства, повышения благосостояния населения и обеспечения счастливой жизни народа.

Ключевые слова: Стратегия развития Нового Узбекистана, социальное государство, справедливое общество, теория благосостояния, устойчивое развитие, социально-экономическая справедливость.

The article describes the “Model (concept) of a social state and a fair society of New Uzbekistan” based on the results of scientific and practical analysis and research on the creation of a social state and a fair society, which is one of the priorities in the process of establishing a New Uzbekistan, glorifying human dignity, improving the well-being of the population and ensuring a happy life for the people.

Key words: Development Strategy of New Uzbekistan, social state, fair society, welfare theory, sustainable development, socio-economic justice.

Бугунги кунда ҳар бир инсон ва бутун инсоният учун ҳам асосий орзу-мақсад бўлган мустақил, тинч ва фаровон ҳаёт кечириш истаги эркин ҳукукий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятидагина рўёбга чиқиши маълум. Лекин, шундай давлат ва жамиятнинг энг мақбул, реал ишлайдиган модели ва механизмларини яратиш ҳамда замон талабларидан келиб чиқиб уларни такомиллаштириб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Адолатли жамият концепцияси тарихан барча халқпарвар, тинчликпарвар ва тараққиёпарвар инсонларни, айниқса, олиму уламоларни, етакчи ва фидойиларни кизиқтириб, бахтли келажакка ундаб келган.

Инсоният тарихидан ўрин олган барча донишманду мутафаккирларнинг ғояларида адолатли жамият чизгилари мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёв томонидан таклиф этилган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ҳамда Янги Ўзбекистонни қуриш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш концепциясининг асосида ҳам инсон қадрини улуғлаш, халқнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш ва пировард натижада адолатли жамиятни яратиш ғояси турибди. Зеро, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мақсади – аҳолининг барча қатламларига муносиб ҳаёт даражасини ва турмуш шароитларини яратиб бериш, ижтимоий ҳимоя ва бандликни таъминлаш, даромадлар барқарор ўсишига эришиш, жамиятнинг маданий даражаси, бағрикенглик ва меҳрибонлик фазилатларини янада мустаҳкамлашдан иборат”дир(1).

Шунингдек, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасидан бошлаб эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатимиз, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимиз алоҳида қайд этилди. Конституциямизнинг 14-моддасида: “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади” деб белгилаб қўйилди(2).

Кучли ижтимоий сиёсат мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ асосий тамойил ва устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олинганига қарамай, унинг яққол белгилари Янги Ўзбекистон даврида, яъни охириги 6-7 йилда намоён бўла бошлади. Чунки, бу белгилар **Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият модели (концепцияси)**да ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Бугунги кунда адолатли жамият моделининг асосий қисмларидан бири “ижтимоий давлат” тушунчаси ва модели ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Конституциямизга киритилган ижтимоий давлат ғоясининг назарий ва амалий жиҳатларини, ижтимоий давлат принципини амалга ошириш механизмларини ҳамда илғор халқаро назария ва амалиётга таянган ҳолда ижтимоий давлатнинг энг мақбул моделини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият модели (концепцияси)ни тўлиқ ёритиш учун халқаро назария ва амалиётдаги ижтимоий давлат ва адолатли жамият тушунчалари ҳамда бугунги кундаги ижтимоий давлатларнинг моделлари ҳақидаги маълумотларни келтирамиз.

Дунё тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, ижтимоий давлат бу жамиятнинг сиёсий ташкилоти, яъни том маънода давлатдир. Ижтимоий давлат ўз сиёсатида ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиб, фаолият юритади. Асосий мақсад – жамиятда яратилаётган моддий ва маънавий бойликларни ижтимоий адолат тамойили асосида қайта тақсимлашдан иборатдир. Бунда ҳар бир фуқаронинг маиший турмуш тарзи ҳолатини сифат жиҳатдан юқори даражага олиб чиқиш, аҳолининг турмуш шароити ва сифати жиҳатдан табақаланишига, яъни улар ўртасидаги яшаш учун кетадиган сарф-харажатлар бўйича фарқларнинг катталаниб кетишига йўл қўймаслик ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига давлат томонидан қафолатлар тизим орқали ёрдам кўрсатилади. Бошқача айтадиган бўлсак, мақсад яратилган неъматлардан ижтимоий қафолатлар орқали ҳамма баҳраманд бўлишини таъминлашдан иборат.

Ижтимоий давлат – бу давлатнинг шундай моделики, унда ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш сифати ва даражасига эришиш, жамиятдаги ижтимоий тафовутларни юмшатиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ёрдам бериш мақсадида моддий бойликларни қайта тақсимлашга қаратилган сиёсат юритилади.

Илмий тадқиқотларда ижтимоий давлат концепциясини аниқлашга қаратилган кўплаб уринишларга қарамай, у ҳалигача тўла маънода очиб берилмаган. “Ижтимоий давлат” тушунчаси биринчи марта 1850 йилда немис иқтисодчи олими ва давлат арбоби Лоренц фон Штайн томонидан қўллаган бўлиб, у турли синфлар вакилларининг ижтимоий тенглигини қамраб олувчи ҳуқуқий асослар билан фуқароларнинг иқтисодий ҳимояси ва ижтимоий

фаровонлигини назарда тутувчи бошқарув шакли сифатида қараган ҳамда давлатнинг муҳим функциялари рўйхатига “турли хил даражадаги барча ижтимоий табақалар учун ўз ҳокимияти орқали шахсий ҳуқуқларда мутлақ тенгликни таъминлаш”ни ҳам киритади. Лоренс фон Штайннинг фикрича, давлат ўз фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшиши лозим. Зеро, пировард натижада улардан бири (инсон)нинг ривожланиши, иккинчиси(давлат)нинг ривожланиши учун зарурий шарт ҳисобланади.

У давлатнинг вазифаси ижтимоий тенглик ва шахсий эркинликни ўрнатиш, қуйи ва кам таъминланган ижтимоий қатламларни бой ва кучлилар даражасига кўтаришга ҳаракат қилишдан иборат, деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, фанда немисча “ижтимоий давлат” (**sozialstaat**) атамаси билан бир қаторда унинг инглиз тилидаги синоними – “умумий фаровонлик давлати” (**welfare state**) категорияси ҳам ишлатилади.

Ҳар бир мамлакатда ижтимоий сиёсатни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан мавжуд ижтимоий давлат турларининг хилма-хиллиги уларнинг ташкил этилиши ва фаолиятининг умумий тамойилларини ажратиб кўрсатиш заруриятини келтириб чиқарди. Ижтимоий давлатларни таснифлашнинг дастлабки ёндашувларидан бири Р.Титмусс типологияси бўлиб, унинг асосий мезони давлатнинг ижтимоий харажатлар даражаси ҳисобланади. Ушбу мезондан фойдаланиш унга ижтимоий давлатнинг икки турини ажратишга имкон бери:

- Давлатнинг асосий молиявий харажатларидан ортиқча манбалар асосда (“қолдиқ принципи”) молиялаштириладиган ва фуқароларга минимал ижтимоий кафолатлар берадиган ижтимоий давлат;

- “Институционал” тамойил бўйича молиялаштириладиган ва фуқаролар етарли даражада ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан таъминланган ижтимоий давлат.

“Қолдиқ принципи” билан таъминланган ижтимоий давлат ижтимоий харажатларнинг паст даражаси билан ажралиб турса, “институционал” тамойилга асосланган ижтимоий таъминот давлатлари ўз фуқароларига ижтимоий ҳимоянинг етарли даражасини тақдиф қилади ва аҳолига кенг қўламли ижтимоий таъминот хизматларини тақдим этади.

Фанда швед социологи Г.Эспинг-Андерсеннинг иккита мезондан фойдаланадиган таснифи жуда машҳур: 1) миллий приоритетлар орасида ижтимоий сиёсатнинг ролини баҳолаш; 2) манбаларни тақсимлаш жараёнларида давлат иштироки даражасини баҳолаш. Унинг таснифининг асосий хусусияти декоммодификация индекси ёки товарларни бозор тақсимооти тамойилини давлат ижтимоий таъминоти билан алмаштириш кўрсаткичи ҳисобланади. Яъни, давлат томонидан фуқароларни бозорга қарамликдан озод қилиш омиллари билан изоҳланади.

Ижтимоий давлатнинг белгилари қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, аҳолининг даромадларини йирик мулкдорларга зарар етказмасдан қайта тақсимлаш имконини берувчи мамлакат иқтисодий ривожланишининг юқори даражаси таъминланади;

иккинчидан, бундай давлатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ҳамда фуқаролик жамияти қарор топади ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тармоғи яратилади, давлат томонидан турли ижтимоий дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити, ижтимоий таъминот ва шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун бирламчи зарурий шароитлар кафолатланади, ижтимоий суғурта бадалларининг ривожланган тизими жорий қилинади, бюджетни шакллантирувчи солиқларнинг ва ижтимоий соҳага тўловларнинг муайян миқдори таъминланади;

учинчидан, ижтимоий давлатда аҳолининг барча қатламлари учун ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг ривожланган тизими йўлга қўйилади, ҳокимиятнинг бўлинишини ва давлат ҳокимиятининг ҳар бир тармоғи ўз функцияларини аниқ амалга оширишини таъминловчи ривожланган ҳуқуқ тизими яратилади.

Ижтимоий давлатнинг функциялари ҳам ўзи хос бўлиб, аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, ишсизликка қарши курашиш, ёш тадбиркорларга

ёрдам, аҳоли даромадларининг доимий ўсишини қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш ва маънавий-маданий ривожланишни таъминлаш, жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, ижтимоий суғурта тизимини кенг йўлга қўйиш, имтиёзларни қайта тақсимлаш орқали муносиб турмуш шароитини яратиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш шулар жумласидандир.

Жаҳондаги “ижтимоий давлат” мавқеига эга мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланган, жамиятнинг иқтисодиёт тузилиши ижтимоий йўналтирилган, фуқаролик жамияти шаклланган, давлат томонидан турли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тизими мавжуд, ҳар бир кишига муносиб турмуш шароити таъминланади, ҳар бир шахс ўзини намоён қилиши учун тенг шароит яратилган, давлатнинг ўз фуқаролари олдидagi ижтимоий маъсулияти кучли.

Ижтимоий давлатнинг вазифалари борасида илғор мамлакатлар тажрибаси таҳлилига кўра, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган қисми - ишсиз, пенсионер ёки имконияти чекланган шахсларни, оилани, оналик, оталик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, соғлиқ ва меҳнатни ҳимоялаш, даромадни қайта тақсимлаш орқали жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни йўқотиш, маданият ва таълим лойиҳалари дастурларини молиявий рағбатлантириш ва ишсизликка қарши курашиш ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир.

Ижтимоий таъминот тизими ижтимоий суғурта шаклида вужудга келган. Бунда нафақа, ишсизлик бўйича нафақа, давлат бюжети ҳисобидан ва ҳомий жамғармалар томонидан ажратиладиган тўловлар тушунилади. Халқ фаровонлигининг асосий кўрсаткичи қашшоқлик даражаси орқали белгиланади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 10 фоиздан ошмайди. Масалан, Швецияда бу кўрсаткич 4 фоиз атрофида.

Учинчидан, ижтимоий давлат ҳар бир кишига муносиб ҳаётий шароитнинг кафолати сифатида энг кам истеъмол миқдори (“истеъмол саватчаси”)ни белгилайди. Ушбу вазифани давлат жамият аъзолари томонидан яратилган қийматни самарали қайта тақсимлаб, биринчи навбатда, кам таъминланган аҳоли қатламига йўналтиради. Одатда, истеъмол саватчаси ҳар бир инсон ҳаёти учун етарли, юзлаб номдаги истеъмол товарлари ва хизматлардан иборат бўлади. Ижтимоий мақомга эга давлат аҳолининг иш қобилятини йўқотган, ногирон бўлиб қолган ва муҳтож қатламига нисбатан маъсулиятни ўз зиммасига олади.

Тўртинчидан, ижтимоий тенгликни таъминлаш эски собиқ совет тизимидан кескин фарқ қилади. Ижтимоий тенглик тушунчаси ҳаммага бирдек тақсимлаш ёки ҳаммани бирдек таъминлашни эмас, балки ҳар бир киши учун тенг имконият, шарт-шароит мавжуд бўлишини назарда тутди.

Демак, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ва амалга оширилаётган ижтимоий давлат позицияси, аввало, инсоннинг қадриятини, манфаатини қўллаб-қувватлашга, уни жамиятнинг энг юқори олий неъматига олиб чиқишга қаратилган. Ижтимоий сиёсатнинг устуворлиги, доимийлиги ва ҳаётийлиги кўп давлатларда конституция даражасида таъминланган ва энг юқори сиёсий-ҳуқуқий қадрият сифатида мустаҳкамланган.

Бунда инсон ва муайян фуқаронинг Конституцион нормалар орқали кафолатланган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқи ва эркинлиги, ўз навбатида, мос равишда давлатнинг тегишли мажбурияти билан мустаҳкамланган. Жаҳоннинг кўплаб давлатлари шу йўлдан бормоқда, шунга ўхшаш тенденциялар ҳамма жойда яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, Германия Федератив Республикасининг 1949 йилдаги асосий қонунида давлатнинг ижтимоий характери алоҳида моддага киритилган. Бу жиҳат Россия конституциясида ҳам акс этган. Фикримизча, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ушбу қондани конституцион даражада мустаҳкамланганлиги муҳим сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий феномен сифатида намоён бўлмоқда.

Халқаро сиёсий ва ҳуқуқий тизимларда ижтимоий давлат икки хил, яъни билвосита ва бевосита кўринишда ўз ифодасини топганини ҳам кўришимиз мумкин. Билвосита кўринишда “фаровонликни таъминловчи давлат” ёки “умумфаровонлик ва хуррамликни таъминловчи давлат” каби тушунчалар орқали ижтимоий давлат тамойили Буюк Британия Конституциявий актларида, Италия Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Бевосита кўринишда эса “ижтимоий давлат” тушунчаси 1949 йилги Германия Федератив Респуб-

ликаси Конституциясининг 20-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, Германия “демократик ва ижтимоий федерал давлат” деб эълон қилинган. Шунингдек, Франциянинг 1958 йилги Конституциясида “бўлинмас, дунёвий, ижтимоий, демократик республика”, Испаниянинг 1978 йилги Конституциясида эса “хукукий, демократик, ижтимоий давлат” тамойили ўз ифодасини топган.

Асосий қонунларида “умумфаровонлик давлати”, “фаровонликни таъминловчи давлат”, “ижтимоий давлат” тушунчалари қўлланилган кўплаб мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Россиянинг Конституциясида ушбу тамойилнинг мазмуни қуйидагича ифодаланган: “Россия Федерацияси – сиёсатининг мақсади инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий давлатдир”.

Жаҳондаги социал-демократик ҳаракатларнинг асосий мазмунини ҳам ижтимоий давлатнинг яратувчанлик ва унинг воситасида аҳолини ўзига жалб қилиш орқали давлатни бошқаришга ҳаракат ташкил этади. Ўз навбатида, бу усул кўпгина давлатнинг конституцияларида ҳамда бошқа қонунларида акс этган. Давлат томонидан ижтимоий кафолат иқтисодиёт (авваламбор, йирик бизнес) ва солиқ сиёсатини бошқариш орқали таъминланади.

Шунингдек, бу ғоялар ва сиёсат олдинги социалистик ғоялардан кескин фарқ қилади. Социалистик ғояларга асосланган собиқ иттифоқ тизимига аҳолини мулксиз қилиб қуйиш, фуқароларнинг ижтимоий кафолати фақат қоғозларда қолиб кетиши, ижтимоий масъулият, ижтимоий рақобатнинг йўқлиги хос эди. Натижада аҳолининг ижтимоий фаоллиги пасайиб кетган. Келажакни яратиш, янгилашни, ўзгаришларга бўлган ҳаракат қўллаб-қувватланмаган, натижада ижтимоий мобиллик ва ижтимоий яратувчанлик йўқолиб кетган. Умуман, бу тажриба жамият учун тескари натижа беришини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Лекин тарихнинг бошқа кесимида ижтимоий давлатчилик тажрибасини илгари сурган Ғарб давлатларида катта ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди.

Бугунги кунда ижтимоий давлат модели АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Германия, Франция, Италия, Бельгия, Дания, Финляндия, Норвегия, Португалия, Испания, Австрия, Греция, Япония, Нидерландия, Швейцария, каби давлатларда кенг қўлланилмоқда. Бошқача айтганда, ижтимоий давлат – умумий тамойиллари (аралаш иқтисодиёт, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда иштирок этиш ва бошқалар) дунёнинг иқтисодий ривожланган аксарият мамлакатларида амалга оширилган модел.

Ижтимоий давлатни таъминлашда жуда кўп моделлар мавжуд. Масалан, Дания, Швеция ва Норвегияда давлат ҳокимияти минимум. Яъни, ижтимоий давлатда жамиятга максимал эркинлик берилади. Бу давлатларда фақатгина жуда заиф аҳоли қатламига давлат чекланган ҳолда ёрдам беради. Англо-саксон давлатларида солиқларни минимум ушлаб туриш, давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашмаслиги, имкон қадар бозор эркин бўлиши ва давлат апаратининг кичкина бўлиши назарда тутилади. Скандинавия давлатларида ижтимоий ҳимоя жуда катта. Яъни, давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига бюджетдан катта миқдорда маблағ ажратади. Лекин бунинг ижросида нодавлат ташкилотлар кўпроқ роль ўйнайди.

Ижтимоий ҳимоя тизими бу – камбағаллик ва тенгсизликни камайтириш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ва дастурлар мажмуасидан иборат давлат сиёсатидир.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими нафақат моддий ёрдам беришга, балки аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини камбағалликдан чиқаришга йўналтирилган бўлиши муҳим роль ўйнайди. Ривожланган мамлакатларда 1990 йиллардан бошлаб нафақа кўринишидаги ижтимоий ёрдам олувчиларни расмий тадбиркорликка жалб қилиш учун мажбурий талаблар жорий қилинган. Бу амалиёт қўлланилган мамлакатларда (Корея, АҚШ, Янги Зеландия, Буюк Британия ва бошқалар.) аҳоли бандлиги ошгани кузатишга эришилган.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, камбағалликдаги инсон фаровонлигини фақатгина даромадларга асосланган баҳолаш ўрнига бошқа кўп критерияли тизимлари билан ўлчаш камбағалликка қарши курашишнинг самарасини янада оширади. Камбағаллик бу

фақатгина даромадлар эмас, бу турли ўлчамли (тоза ичимлик суви, соғлиқни сақлаш, санитария ҳолати, бошқа зарур хизматлар) ҳаёт сифатини ифодаловчи кўрсаткичдир. Мақсадли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимидаги бу ўзгаришлар қисман Австрия, Белгия, Австралия, Канада, Чехия, Дания ва бошқа мамлакатларда расмий камбағаллик даражасини камайтиришга омил бўлган.

Турли мамлакатлар камбағаллик даражасини камайтириш учун турли моделларни қўллашади. Мисол учун, швед модели икки мақсадни кўзда тутди: тўлиқ бандлик ва даромадлар тенгсизлигини камайтиришни таъминлаш. Мазкур мамлакатда, ишсизларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, талаб юқори бўлган соҳаларда ишлаш қобилиятини тиклашни маъкул кўришади.

Хитойда кишлоқ хўжалигини, шу жумладан, кишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва ер ислохотларига қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Чехияда эса камбағал аҳолини моддий томондан қўллаб-қувватлаш учун асосий нафақадан ташқари маҳсулотлар ва пул кўринишидаги қўшимча кўмаклар берилади.

АҚШда камбағалларга кўрсатилаётган ёрдам аҳолининг 15 фоизидан 20 фоизигача қисмини қамраб олувчи махсус дастурлар орқали тарқатилади. Энг кўп тарқалган ёрдам турлари бу озик-овқат талонлари, арзон уй-жой олиш дастурлари, қариялар учун тиббий ва ижтимоий ёрдам турлари, бола парваришлаш бўйича нафақалар ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлаш турларини ўз ичига олади.

Континентал Европада Германия ва Францияда ижтимоий ҳимоя жуда ҳам кучли. Давлат қўлидан келганича катта солиқ йиғади ва уни тақсимлашда давлатни ўзи иштирок этади. Яъни, бу давлатларда ижтимоий ҳимояни таъминлашда давлатни ўзи бевосита иштирок этади. Кўряпмизки, ижтимоий давлат концепцияси тарихий шаклланган анъаналарга қараб бир-биридан фарқ қилади. Ислом цивилизациясида ҳам ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос тизими, жумладан, закот, одамларнинг бир-бирга ёрдам бериши, боқувчисини йўқотганларга ёрдам ва қўшничilik каби анъаналари мавжуд. Яъни, жамиятнинг ёрдамга муҳтож қатламини асосан жамиятнинг ўзи ҳимоя қилиши назарда тутилган. Шу билан бирга Абу Наср Фаробий фозил жамият таърифида **“Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир”** деб ёзгани ҳам бежиз эмасдир. Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдам тушунчалари Ислом цивилизациясида муҳим ўринда туради. Жамиятдаги қашшоқлар ва камбағаллар синфининг камайтиришда Исломнинг ўзини чоралари бор.

Янги Ўзбекистон шароитида ҳам камбағалликни қисқартиришга комплекс ёндашув амалга оширилмоқда. Мазкур сиёсат меҳнатга лаёқатли аҳолини имкон қадар иш билан таъминлаш ва бир вақтнинг ўзида муҳтож одамларни камбағаллик чегарасидан чиқаришга қаратилган давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Шу билан бирга, қашшоқликни зудлик билан бартараф этишнинг имкони бўлмаган шароитда кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг даромад олиши ва инсон капиталини ривожлантириши учун қўшимча имкониятлар яратиш назарда тутилмоқда.

Бу жараёнда нафақат бюджет харажатларининг асосий қисмини ижтимоий соҳага йўналтириш, балки давлат, жамият ва бизнес ҳамкорлигини, давлат-хусусий шерикликни, ижтимоий тадбиркорликни, ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш орқали ижтимоий ҳимоя тизимини ҳамда ижтимоий давлат асосларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳақиқатан ҳам ижтимоий адолат тушунчасига мос келадиган давлат сиёсати модели танланганини кўриш мумкин. Бунинг ғоявий асоси шундаки, минг йиллар давомида халқимиз яшаб турган заминимизда одамлар бир-бирига ёрдам бериши, оғир ҳаётий вазиятларда қолган қашшоқ ва заиф аҳоли кўни-кўшни, маҳалла ва жамиятдан мадад олиши лозим, деган анъанавий дунёқараш шаклланган. Ўзбекистонда ижтимоий шартнома ижтимоий ахлоқнинг кўп асрлик тамойилларига асосланган. Ижтимоий давлатчилик бугунги кунда Янги Ўзбекистонда ҳам ўзига хос тарзда ривожланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2021 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллигига бағишланган табригида “Ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш сари дадил бормоқда. Шу сабабли “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат”, деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлашнинг вақти-соати етди” деб таъкидлаган эдилар. 2023 йил 20 июнь кuni Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам долзарб ва аниқ таклифлар, амалий ташаббусларни илгари сурдилар. Айниқса, Конституциямизда “Ўзбекистон – ижтимоий давлат”, деган тамойилни мустаҳкамлаш таклиф этилдики, бу энг тўғри қарор бўлди.

Нега десангиз, “Инсон қадри” тушунчаси “Ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу ғоянинг туб негизиди, аввало, инсон қадрини улуғлаш, аҳолига хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам.

Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, бандликни таъминлаш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар яратиш, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассам.

2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасидаёқ “Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” деган қоида муҳрланди ва Конституциянинг барча моддалари ушбу принципларни амалга оширишни кўзлаган ҳолда қабул қилинди(3).

Янгиланган Конституциямизда ижтимоий давлат принципини амалга оширишга қаратилган алоҳида қоидалар ҳам белгиланди. Жумладан:

- Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

- Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

- Солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги керак.

- Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради.

- Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга.

- Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас.

- Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга.

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли.

- Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди.

- Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.

- Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

- Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-

шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради.

- Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлайди.

- Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади.

Ҳақиқатдан ҳам, ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутди. Фуқаролар муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи ажратиш, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни кўзда тутди. Сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифаси.

Янги Ўзбекистонда ижтимоий давлат – ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришишини таъминлаш, ижтимоий тафовутни юмшатиш ва муҳтожларга ёрдам бериш учун моддий бойликларни адолат тамойилига мувофиқ тақсимлашга қаратилган давлат моделидир.

Аҳамиятлиси, бу борада мамлакатимизда охириги беш-олти йилда ижтимоий давлатнинг асосий талаблари амалда қўлланилди.

Охириги йилларда жорий этилган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш усуллари фикримизга яққол далилдир. Бунда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун шароит яратиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва унинг даромадларини ошириш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, аҳолининг турмуш шароити ва сифати жиҳатдан табақаланишига йўл қўймаслик ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига давлат томонидан кафолатлар тизими орқали ёрдам кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим бериш, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2020 йилда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, 2023 йилдан бошлаб эса Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ташкил этилди, “Мономарказ”лар фаолияти йўлга қўйилди. Ишлаётган пенсионерга юз фоиз пенсия тўлашга ўтилди. 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” дея номланиши ҳам бежиз эмас. Ҳар бир ҳудуд кесимида камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўрни яратиш, аҳоли даромадини ошириш бўйича дастурлар қабул қилинмоқда. Энг муҳими, фуқароларимиз ва фарзандаримизга ғамхўрлик кўрсатиш бўйича янги тизим яратилган. Давлат бюджети харажатларининг 50 фоиздан кўпроқ қисми ижтимоий соҳага ажратилмоқда.

Алоҳида таҳсинга сазоворлиси, фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш ҳамда йиллар давомида аҳолини қийнаб келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Президентнинг Халқ ва Виртуал қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилди, аҳолининг мурожаатлари давлат органлари фаолиятининг диққат марказида бўлди. Бу каби ислохотлар ва халқчил чора-тадбирлар “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган чинакам халқпарварлик тамойили асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг муҳим жиҳати, унинг мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган ижтимоий адолатли жамият қуришга қаратилганлигидадир. Бош қомусимиз Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик жамият қуришнинг асосий гаровидир. Конституцияга киритилган “ижтимоий давлат қуриш” тамойили Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ва фуқаролар эркинликларини таъминлаш йўлидаги тараққиётнинг бошланғич нуктаси эмас, балки ўтган давр мобайнида амалга ошириб келинаётган ислохотларни янада кенгайтириш учун мустаҳкам бир заминдир.

Конституциямиздаги янгиликларнинг асосий ғояси мамлакатимизда инсоннинг кадр-қиммати, шаъни ва ғурури, манфаатлари улуғланадиган ижтимоий жамият барпо этишдан иборатдир. Конституциявий ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашув бундан буён барча соҳаларда асосий тамойил бўлишига эришиш янги Ўзбекистоннинг бош мақсадидир. Зеро, ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат принциплари асосида муносиб яшаш шароитларини яратиш беради. Ижтимоий давлат ижтимоий тафовутларни камайтириш, мухтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Ижтимоий давлат мухтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутди. У шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади.

Шу билан бирга, ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир.

Шулар каторида яшаш учун зарур ресурслар – ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, транспорт ва бошқа қулайликлар билан таъминланиш, мажбурий меҳнатга тақиқ қўйиш ҳам ижтимоий давлатда муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий давлатда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди, ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмайди”.

Юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб, ижтимоий давлатчилик Ўзбекистонда ҳам ўзига хос тарзда ривожланиб бораётганлигини яққол кўришимиз мумкин. Бу тамойилнинг Асосий қонунимизда акс этиши эса Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги мақомини нафақат ўзимизда, балки халқаро муносабатларда ҳам ҳуқуқий мустаҳкамламоқда.

Президентимиз “Инсон қадри учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислохотларнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат”, деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур”, дея таъкидлаган эдилар. Бу орқали инсоннинг ҳаёти, кадр-қиммати, шаъни, ғурури устуворлиги ҳуқуқий мустаҳкамланади. Кўриниб турибдики, бу ғоянинг туб негизида инсон қадрини улуғлаш, унга муносиб яшаши учун шароитлар яратиш, хизмат кўрсатиш мақсадлари муҳасам.

Хулоса сифатида, Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият модели (концепцияси)ни қуйидагича таърифлаш мумкин:

Ижтимоий давлат – бу ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришиш, ижтимоий тафовутларни юмшатиш ва мухтожларга ёрдам бериш учун ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ моддий бойликларни адолатли тақсимлашга қаратилган давлат моделидир.

Ижтимоий давлат функциялари – бу ижтимоий ҳимояланмаган ёки эҳтиёжманд катламни қўллаб-қувватлаш; ишсизликка қарши курашиш; тадбиркорларга ёрдам; аҳолининг бандлигини ва даромадларини доимий ўсишини таъминлаш; таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва маънавий-маданий ривожланишнинг қулайлигини таъминлаш; жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, имтиёزلарни қайта тақсимлаш орқали муносиб турмуш шароитини яратиш.

Ижтимоий давлат белгилари: – бу сифатли таълим, малакали ва мақбул тиббий хизмат; ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт; фуқаролик жамиятини ривожланганлиги; ижтимоий давлат дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш; давлатнинг ҳар кимга муносиб турмуш шароити, ижтимоий таъминот ва шахснинг ўзини ўзи англаши учун тенг бошланғич шароитларини таъминлаш мақсадларини тасдиқлаш; фуқаролар олдидagi ижтимоий масъулият; ижтимоий соҳага тўловларнинг юқори миқдори; ижтимоий ҳаётни яхши ривожланган тартибга солиш тизими; бюджетдан ижтимоий тўловларининг

мавжудлиги; ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот ва бандлик давлат тизимларининг мавжудлиги; жамиятнинг барча муҳтож аъзоларини истисносиз ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг мавжудлиги; фуқароларнинг фаровонлик даражаси учун давлат томонидан жавобгарликни қабул қилиш.

Фойдаланилган адабёилар рўйхати

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. “O‘ZBEKISTON” Тошкент – 2023. 258-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “O‘ZBEKISTON” Тошкент – 2023. 9-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “O‘ZBEKISTON” Тошкент – 2023. 5-бет.

УДК:338.242

**РАЗВИТИЕ МАРКЕТИНГА И ТЕХНОЛОГИЙ КАК ЭЛЕМЕНТОВ
ЭКОНОМИЧЕСКОЙ УСТОЙЧИВОСТИ**

**IQTISODIY BARQARORLIK ELEMENTLARI SIFATIDA MARKETING VA
TEKNOLOGIYANING RIVOJLANISHI**

**DEVELOPMENT OF MARKETING AND TECHNOLOGIES AS ELEMENTS OF
ECONOMIC SUSTAINABILITY**

Туйчиев Комилжон Лазизович
доцент кафедры Маркетинг, ТГЭУ

Аннотация

Статья рассматривает взаимосвязь между маркетингом и экономической устойчивостью в развитии бизнеса. Маркетинг помогает продвигать товары и услуги, а экономическая устойчивость обеспечивает стабильность и конкурентоспособность бизнеса. Правильная маркетинговая политика, такая как ценообразование, сбыт и продвижение, влияет на экономическую устойчивость. Улучшение условий труда и повышение производительности также играют важную роль в достижении экономической стабильности.

Ключевые слова. маркетинг, экономическая устойчивость, развитие бизнеса, продвижение, конкурентоспособность, условия труда, производительность.

Maqolada biznesni rivojlantirishda marketing va iqtisodiy barqarorlik o‘rtasidagi bog‘liqlik ko‘rib chiqiladi. Marketing tovarlar va xizmatlarni ilgari surishda yordam beradi, iqtisodiy barqarorlik esa biznesning barqarorligi va raqobatbardoshligini ta’minlaydi. Narxlar, tarqatish va reklama kabi to‘g‘ri marketing siyosati iqtisodiy barqarorlikka ta’sir qiladi. Iqtisodiy barqarorlikka erishishda mehnat sharoitlarini yaxshilash, mehnat unumdorligini oshirish ham muhim o‘rin tutadi.

Kalit so‘zlar. marketing, iqtisodiy barqarorlik, biznesni rivojlantirish, ilgari surish, raqobatbardoshlik, mehnat sharoitlari, unumdorlik.

This article examines the relationship between marketing and economic sustainability in business development. Marketing helps to promote goods and services, while economic sustainability ensures the stability and competitiveness of businesses. Proper marketing policies, such as pricing, distribution, and promotion, influence economic sustainability. Improving working conditions and enhancing productivity also play an important role in achieving economic stability.

Keywords: marketing, economic sustainability, business development, promotion, competitiveness, working conditions, productivity.

Повышение или понижение показателей экономической устойчивости во многом зависит от реализуемой маркетинговой политики: ценовой политики, сбытовой политики, политики размещения товара, и политики продвижения товара и предприятия на рынке.

Экономия живого труда, получаемая в результате улучшения условий труда, повышения его производительности за счет улучшения организации производства и труда, развития специализации производства, механизации и автоматизации производственных процессов, снижает переменные затраты.

Проблема ценообразования с учетом маркетинговой устойчивости предприятия решается с использованием следующих подходов (рис. 1).



Рисунок 1 – Подходы к ценообразованию с учетом маркетинговой устойчивости предприятия [1]

Ценообразование с учетом маркетинговой устойчивости предприятия может быть выполнено с использованием различных подходов, которые могут помочь компании достичь своей цели. Ниже представлены некоторые из этих подходов:

Ценовое лидерство: компания устанавливает цены на свои продукты на уровне ниже, чем у конкурентов, что позволяет ей удерживать долю рынка и привлекать новых клиентов.

Дифференциация цен: компания может устанавливать разные цены на разные категории товаров или услуг, чтобы привлечь разных клиентов. Например, компания может установить более высокие цены на товары премиум-класса, чтобы привлечь более состоятельных клиентов.

Ценовая эластичность спроса: компания может оценить, как изменение цен влияет на спрос, и использовать это знание для определения оптимальной цены. Например, если снижение цены на товар увеличивает спрос, компания может снизить цену, чтобы увеличить продажи.

Ценообразование на основе ценности: компания может оценивать ценность, которую ее продукт или услуга предоставляют клиентам, и устанавливать цены на основе этой ценности. Например, компании могут устанавливать цены, которые покрывают затраты на производство и доставку продукта, а также включают определенную маржу прибыли.

Ценообразование по сегментам: компания может сегментировать свой рынок и устанавливать разные цены для разных сегментов. Например, компания может предлагать

более низкие цены для клиентов, которые совершают покупки регулярно, и более высокие цены для тех, кто совершает покупки реже.

Ценообразование, ориентированное на клиента: компания может учитывать потребности и предпочтения своих клиентов при установлении цен. Например, компания может предложить скидки для клиентов, которым нужен продукт срочно, или установить цены, которые не будут отпугивать клиентов с низким доходом.

Одним из примеров развития информационных технологий является использование облачных вычислений, которые позволяют организациям хранить и обрабатывать данные на удаленных серверах. Это позволяет сократить затраты на инфраструктуру и увеличить скорость обработки данных.

Также развитие информационных технологий способствует созданию новых продуктов и услуг, которые могут быть более конкурентоспособными на рынке. Например, использование искусственного интеллекта и машинного обучения позволяет компаниям создавать более точные алгоритмы для анализа данных и принятия решений.

Внедрение информационных технологий (ИТ) на разных этапах производства может значительно улучшить эффективность и качество продукции. Рассмотрим каждый из этапов более подробно.

1. Планирование производства. Использование ИТ для планирования производства позволяет более точно определить потребности в материалах, оборудовании и персонале, а также оптимизировать производственные процессы и сократить время изготовления продукции.

2. Управление запасами. Использование систем управления запасами позволяет более эффективно управлять запасами материалов и комплектующих, что сокращает время на их поиск и закупку, а также уменьшает риски потери качества продукции из-за отсутствия необходимых компонентов.

3. Контроль качества. Использование ИТ для контроля качества продукции позволяет быстро выявлять и исправлять дефекты, что повышает качество продукции и уменьшает количество брака.

4. Автоматизация производства. Использование роботов, автоматических линий, систем автоматизации и других технологий позволяет полностью автоматизировать некоторые этапы производства, что улучшает качество продукции, сокращает время производства и уменьшает затраты на персонал.

5. Оптимизация логистики. Использование ИТ для оптимизации логистики позволяет сократить время доставки продукции до потребителей, уменьшить затраты на транспортировку и повысить уровень обслуживания клиентов.

Внедрение ИТ на разных этапах производства позволяет повысить эффективность и качество производства, сократить время на выполнение задач и снизить затраты на производство.

Анализ сложившиеся на современном этапе практики и последних тенденции свидетельствуют о том, что решающим и преобразованиями в развитии предприятия становятся результаты введения новых наукоемких технологий использования их в технологическом процессе и как следствие технологическое преобразование систем производства.

Т.Н. Тополева отмечает, что развитие производственных технологий является одним из ключевых факторов, влияющих на экономическую безопасность предприятий. Современные технологии позволяют автоматизировать производство, повысить качество продукции, снизить затраты на производство и повысить конкурентоспособность предприятия на рынке.

Все характеристики производства, приведенные на рис. 1.10, позволяют определить степень технологической устойчивости предприятия, влияющую на его уровень экономической устойчивости.

В процессе хозяйственной деятельности предприятие активно взаимодействует с различными видами систем, присутствующих в современном мире. Для принятия стратегических и тактических решений необходимо учитывать и анализировать данные взаимодействия. Залогом эффективного хозяйствования является распознавание характера влияния различных факторов на экономическую устойчивость предприятия.

По поводу состава данных факторов и их значимости ведется дискуссия среди ученых. О.А. Зингер считает, что «от влияния внутренней группы факторов (внутренней среды предприятия) зависит способность организации проходить кризисы, выигрывать в конкурентной борьбе, удерживать экономическую устойчивость» [2]. По их мнению, факторы внешней среды могут быть различных уровней (региональный, национальный и международный) и направленностей влияния (стабилизирующие или дестабилизирующие).

П.А. Нефедов предлагает разработать «комплексный интегральный показатель, который позволит оптимизировать и отобрать самые важные элементы производственных технологий, влияющих на экономическую устойчивость конкретного предприятия»

Автоматизация производственных процессов и технологическая устойчивость являются важными аспектами для обеспечения эффективной работы предприятия. Автоматизация позволяет оптимизировать процессы, сократить время на выполнение задач и повысить производительность.

П.А. Нефедов отмечает важность управления изменениями в бизнес-среде, которое является важным аспектом успешной работы любого предприятия. Изменения могут быть вызваны различными факторами, такими как технологические инновации, изменение законодательства, конкуренция, изменения в потребностях клиентов и т.д.

После реализации изменений необходимо оценить результаты и внести корректировки в план действий, если это необходимо. Управление изменениями должно быть непрерывным процессом, чтобы компания могла оставаться конкурентоспособной и успешной в долгосрочной перспективе.

Для успешного управления изменениями в бизнес-среде необходимо иметь хорошую коммуникацию внутри компании, а также с внешними партнерами и клиентами. Также важно иметь стратегию развития компании и постоянно ее обновлять, чтобы адаптироваться к изменяющимся условиям.

Говоря о развитии предприятия с целью достижения им экономической устойчивости, Е.П. Козлова отмечает необходимость достижения следующих целей:

- увеличение объемов производства и продаж продукции;
- улучшение качества продукции и повышение ее конкурентоспособности на рынке;
- снижение затрат на производство и повышение эффективности использования ресурсов;
- развитие новых направлений деятельности и расширение ассортимента продукции;
- улучшение условий труда и повышение квалификации персонала;
- привлечение инвестиций для расширения производства и внедрения новых технологий.

Следовательно, производственные факторы оказывают значительное влияние на экономическую устойчивость предприятия. Среди них наиболее значимыми являются высокое качество продукции, квалифицированный персонал, обладающий высокой производительностью труда, эффективное использование ресурсов, внедрение инноваций для повышения конкурентоспособности предприятия, эффективный маркетинг, влияющий на объем продаж. В целом, производственные факторы играют важную роль в экономической устойчивости предприятия и должны быть тщательно управляемы для достижения максимальной прибыли и устойчивого развития.

Список использованной литературы

1. Степина А.Ф. Маркетинговая политика и налоговые обязательства компании / А.Ф. Степина, Д.М. Касаткин // Управление рисками. — 2004. — № 3. — С. 53–60.

2. Стрелец И. А., Чебанов С. В. Цифровизация мировой торговли: масштабы, формы, последствия // Мировая экономика и международные отношения. — 2020. — Т. 64.— № 1.— С. 15-25.
3. Стукалова И.Б. — Перспективы развития электронной торговли: возможности и угрозы // Теоретическая и прикладная экономика. — 2021. — № 4. — С. 29 – 40
4. Тарахтиева Г.К., Жахонов Х.Н. Анализ проблем современного состояния автомобильной промышленности Республики Узбекистан//Экономика и финансы (Узбекистан). 2018. №6 (114). С. 10-18
- 5.Ткаченко И.Н., Стариков Е.Н. Цифровая экономика: основные тренды и задачи развития // Известия Саратовского университета. Новая серия. Серия: Экономика. Управление. Право. 2020. Т. 20. № 3. С. 244-255.
6. Трапезникова, Е.В. Анализ моделей управления коммерческими организациями / Труды Братского государственного университета. Серия: Экономика и управление. 2019. № 1. С. 90-94.
7. Турсунов Ф. Цифровая трансформация в экономике//Общество и инновации. 2021. №1. С.133-137
8. Усманова, Н. Ю. Развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан / Н. Ю. Усманова, А. Ф. Иргашев. // Молодой ученый. — 2016. — № 13 (117). — С. 529-532
9. Флегонтова Т.А. Регулирование электронной коммерции в КНР: риски и возможности для международного сотрудничества // Вестник международных организаций, 2017, т. 2, №4, сс. 150-168.
10. Хайитов О.Э, Эшбоев А.О. Спортивный маркетинг в Узбекистане: проблемы и перспективы//Economics. 2019. №5(43) С.15-18.

УДК:338.23

**IQTISODIYOTNI INNOVATSION RIVOJLANISHIDA TADQIQOT VA ISHLANMALAR
XARAJATLARINI DOLZARBLIGI**

ЗНАЧЕНИЕ ЗАТРАТ НА НИОКР В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ

**THE IMPORTANCE OF R&D EXPENDITURE IN THE INNOVATIVE DEVELOPMENT
OF THE ECONOMY**

Eshmirzayev Faruddin Ilxomjonovich

O‘zbekiston Milliy universiteti

Iqtisodiyot nazariyasi kafedrası tayanch doktoranti

Annotatsiya

Maqolada iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirish, yangi innovatsion loyihalarni amalga oshirishda tadqiqodlar va ilmiy ishlанmalar uchun ajratilayotgan xarajatlar miqdorining muhimligi ochib berilgan. Milliy iqtisodiyotni taraqqiy etgan innovatsion iqtisodiyotga aylantirishda avvalo yuqori bilimli va malakali ilmiy xodimlar, mutaxassislar va olimlar, bir so‘z bilan aytganda inson kapitalini rivojlantirish, tadqiqotchi va olimlarning ilmiy yangiliklari va izlanmalarini doimiy qullab quvvatlash, yangi ilmiy topilmalar, kashfiyotlarlar va yangi patentlarni ko‘paytirish juda ham muhim ekanligi ilmiy faktlar va statistik ma’lumotlar bilan asoslab ochib berilgan.

Kalit so‘zlar. Innovatsion iqtisodiyot, inson kapitali, ilmiy tadqiqotlar, patnet va savdo belgilari, foydali modellar

В статье раскрывается значение расходов на исследования и научные разработки в инновационном развитии экономики, реализации новых инновационных проектов. В превращении национальной экономики в развитую инновационную экономику, прежде всего, высокообразованных, квалифицированных и профессиональных научных работников, специалистов и учёных, словом, развитие человеческого капитала, постоянная поддержка научных инноваций и исследований исследователей и учёных, новые научных разработок, тот факт, что очень важно увеличивать научные открытия, открытия и новые патенты, обоснован научными фактами и статистическими данными.

Ключевые слова. Инновационная экономика, человеческий капитал, научные исследования, патенты и товарные знаки, полезные модели

The article reveals the importance of the amount of expenses allocated for research and scientific development in the innovative development of the economy and the implementation of new innovative projects. In turning the national economy into a developed innovative economy, first of all, highly educated and qualified scientific workers, experts, and scientists—in a nutshell, the development of human capital, continuous support of scientific innovations and research by researchers and scientists, new scientific findings, discoveries, and new patents. Scientific evidence and statistical data demonstrate how crucial reproduction is.

Keywords: Innovative economy, human capital, scientific research, patents and trademarks, utility models

Hozirgi vaqtda innovatsiyalar iqtisodiy taraqqiyotning muhim omili sifatida namoyon bo‘lmoqda. Yaqin vaqtgacha bu so‘z mutaxassislar uchun ekzotik, notanish va hatto, professionallar uchun ham unchalik aniq bo‘lmagan narsa haqida fikrlarni uyg‘otardi. Biroq, hozirgi vaqtda innovatsiya g‘oyasining o‘zi ham uning tamoyillari ham global miqyosda iqtisodiyotlarga tez kirib bormoqda va innovatsion iqtisodiyotning lokomativ tarmoqlari sifatida hukmronlik qilmoqda.

Innovatsion iqtisodiyot bilim, tadbirkorlik, innovatsiyalar, texnologiya va hamkorlik iqtisodiy o‘sishning asosiy omillari ekanligini ta’kidlaydi. Kompaniyalar bizni birgalikda kelajakka olib keladigan mahsulotlar, xizmatlar va biznes modellarida ishlab chiqilishi mumkin bo‘lgan yangi g‘oyalarni yaratish orqali iqtisodiy rivojlanishni yangi bosqichga olib chiqadi.

Innovatsiyon jarayonga hal qiluvchi ta’sir ko‘rsatadigan va innovatsiyon ishlanma, texnologiya va ixtironi biznes uchun strategik aktivga aylantiruvchi xalqaro kapital bozori bugungi kunda shiddat bilan o‘tib bormoqda va yangi moliyaviy tuzilmalar uning kengayishiga yordam bermoqda. Taraqqiy etgan rivojlangan iqtisodiyotlarga ega mamlakatlarda olib borilgan empirik dalillar shuni ko‘rsatadiki, Iqtisodiy o‘shining 85 foizi innovatsiyalar hisobiga ta’minlanadi, shuning uchun uni qabul qilmasdan turib, rivojlantirmasdan turib iqtisodiy o‘sh va rivojlanish suratlari yuqori darajaga chiqarib bo‘lmaydi. Qolaversa yana bir jihat borki bu mamlakatlarda odamlarning innovatsion o‘zgarishlarga bo‘lgan salbiy munosabati to‘g‘ridan-to‘g‘ri va bilvosita innovatsiyon ijodkorlikka to‘sqinlik qiladi. Ammo, O‘zbekistonda paradoksial vaziyat rivojlanmoqda yani aholining ijodiy faoliyat va innovatsiyon yangiliklarga ijobiy munosabati va qo‘llovi namoyon bo‘lmoqda. Shunday ekan davlatimiz iqtisodiyotini taraqqiy etirishni rivojlantirishni xohlasak, buning uchun albatta innovatsiyon taraqqiyot uchun asosiy omil xisoblangan ilmiy tadqiqot va ishlanmalarni (R&D) moliyaviy qo‘llab quvvatlashni asosiy vazifa qilib belgilab olish kerak bo‘ladi. Dunyo olimlari R&D ilmiy tadqiqot va ishlanmalarni iqtisodiy o‘shiga, innovatsion rivojlanishga tasirini ko‘p yillarda beri o‘rganishda davom etishoqda.

Iqtisodiy rivojlanishda ilmiy tadqiqot va ishlanmalarni nazariy rivojlanishda va uni amaliyotga joriy qilishda turli xil modellarni qo‘llash, texnologiya va innovatsiyon ilmiy tadqiqotlarni bir qancha xorij olimlari amalga oshirganlar. Olimlar: Romer tomonidan ishlab chiqilgan endogen o‘sh modellariga ko‘ra, texnologik innovatsiyalar inson kapitali va mavjud bilimlar zaxirasidan foydalangan holda tadqiqot va ishlanmalar (R&D) sektorlarida[1].


Jons Endogen o‘sh modellarining empirik tadqiqotlari, odatda, R&D o‘zgaruvchilarining umumiy omil unumdorligi (TFP) o‘shiga ta’sirini tekshirishni o‘z ichiga olgan tadqiqotlarni

amalgaga oshirgan. Misol uchun, TFP o‘shishi va Frantsiya, Germaniya, Yaponiya va Amerika Qo‘shma Shtatlaridagi olimlar va muhandislar sonining o‘shish sur‘atining vaqt seriyalari grafigidan (R&D) ga asoslangan o‘shish modellarining haqiqiylikini tekshirish uchun foydalanadi.

Biroq, u bu o‘zgaruvchilarning ijobiy bog‘liqligi haqida hech qanday dalil topa olmadi[2]. Aghion and Howitt Jonesning qarama-qarshi natijalari uchun tushuntirishlar beradi. Birinchidan, texnologiyaning ortib borayotgan murakkabligi har bir mahsulot uchun innovatsiyalar tezligini doimiy ushlab turish uchun vaqt o‘tishi bilan ilmiy-tadqiqot ishlarini oshirish zaruratini keltirib chiqaradi. Ikkinchidan, mahsulotlar soni ortib borayotganligi sababli, har qanday mahsulotdagi innovatsiya iqtisodiyotning kichikroq qismiga ta‘sir qiladi va shuning uchun bilimlarning umumiy zaxirasiga kamroq proporsional ta‘sir qiladi. Keyin ular olimlar va muhandislar soni o‘rniga iqtisodiyot hajmini hisobga olgan holda ilmiy-tadqiqot investitsiyalarining YaIMdagi ulushini qo‘llash kerakligini ta‘kidlaydilar. [3] Scherer, Griliches va Lichtenberg, Aghion and Howitt va Zachariadis AQSh iqtisodida ilmiy-tadqiqot investitsiyalari va TFP o‘shishi ijobiy bog‘liqligini isbotlaydi[4][5]. Mamlakatlarning o‘z ilmiy-tadqiqot ishlari va mahsuldorlikning o‘shishi o‘rtasidagi ijobiy munosabatlar Frantzen va Griffith, Redding and Reenen kabi xalqaro panel ma‘lumotlaridan foydalangan holda tadqiqotlar bilan tasdiqlangan[6] (Coe, Helpman and Hoffmaister, Griffith, Redding and Reenen). Yaqinda o‘tkazilgan tadqiqot Savvides va Zachariadis shuni ko‘rsatadiki, mahalliy ilmiy-tadqiqot va ishlanmalar ham, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar ham mahalliy ishlab chiqarish samaradorligini va qo‘shilgan qiymat o‘shishini oshiradi[7]. Zachariadis ilmiy-tadqiqot va ishlanmalarining umumiy va ishlab chiqarish mahsulotiga ta‘sirini solishtiradi va ilmiy-tadqiqot ishlarining ta‘siri ishlab chiqarish sektoriga qaraganda jami iqtisodiyot uchun ancha yuqori ekanligini aniqlaydi[8]. R&D ma‘lumotlari o‘shishi iqtisodchilarga endogen o‘shish nazariyalarini yoritishga imkon bergan bo‘lsa-da, ularning o‘zi bizga ushbu modellarni chuqur tahlil qilishga imkon bermaydi. Xususan, endogen o‘shish nazariyalarining markazi bo‘lgan innovatsiyalar determinantlarini o‘rganish uchun innovatsion faoliyatning kirish (R&D) va natijalari to‘g‘risida ma‘lumotlar kerak. Porter va Stern innovatsiyalarning determinantlari va ta‘sirini o‘rganish uchun umumiy darajadagi patent ma‘lumotlaridan foydalangan birinchi tadqiqotlardan biridir. Ular innovatsiyalar ilmiy-tadqiqot va ilmiy-tadqiqot sohalaridagi inson kapitali va milliy bilimlar fondi bilan ijobiy bog‘liqligini aniqladilar[9].

Demak shu joyda o‘rin savol tug‘iladi (*R&D reserch and development*) nima?

Tadqiqot va ishlanmalar (R&D) atamasi kompaniyalarning innovatsiyalar va yangi mahsulot va xizmatlarni joriy etish bo‘yicha amalga oshiradigan bir qator tadbirlarini tavsiflash uchun ishlatiladi va ko‘pincha rivojlanish jarayonining birinchi bosqichidir. Kompaniyalar o‘zlarining ilmiy-tadqiqot ehtiyojlari va maqsadlarini amalga oshirish uchun bilimli, iste‘dodli olimlar tadqiqchilar va injenerlarni jalab qilgan xolda yangi tadqiqot va izlanishlar olib boradilar. Tadqiqot va ishlanmalarining maqsadi odatda bozorga yangi mahsulot va xizmatlarni olib chiqish va kompaniyaning daromadini oshirishdir va iqtisodiy o‘shishga erishishdir.



1-rasm. 2022 yilda dunyoda Ilmiy tadqiqot va ishlanmalar (R&D) uchun eng ko‘p mablag‘ sarflagan kompaniyalar[16]

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 9-son 2023 yil

Tadqiqot va ishlanmalar (R&D) ham korporativ, ham davlat sektorida innovatsiyalar bilan keng bog‘langan bo‘lib, kompaniyaga raqobatchilardan oldinda turishga imkon bersa, davlat uchun esa milliy qitisediyotni rivojlantirish va xalqaro raqobatbardoshlikni oshirish imkonini beradi.

Tadqiqot va ishlanmalar (R&D) uchun qilinadigan korporativ va davlat sektori xarajatlari esa kompaniyalar va mamlakat iqtisodiyotini innovatsiyon rivojlanishi uchun asosiy omil xisoblanadi. 2022 yilda dunyoda Ilmiy tadqiqot va ishlanmalar (R&D) uchun eng ko‘p mablag‘ sarflagan kompaniyalarga qaraydigan bo‘lsak, bugun kundagi dunyoning eng yirik texnologik gigant kompaniyalari ilmiy tadqiqotlarga eng ko‘p sarmoya kiritayotganiga guvoh bo‘lamiz 1-rasm.

Yuqoridagi rasmdan bilishimiz mumkinki dunyoning eng yirik 10 ta kompaniyasi 2022 yilda ilmiy tadqiqot va ishlanmalarga (R&D) deyarli 222 milliard dollar miqdorida sarf harajat qilishgan. Amazon kompaniyasi esa diyarli 73.2 milliard dollar miqdor bilan yaqqol yetakchi bo‘lsa, keying o‘rinlarda Alphabet, Meta, Apple, Mikrosoft kompaniyalari o‘zlarining tadqiqotlari uchun o‘rtacha 40-26 milliard dollar xarajat qilishgan. Ushbu rasmda yana bir alohida etibor berilishi kerak bo‘lgan jihat bu daromadning katta qismini yana qaytib ilmiy tadqiqotlar uchun sarf qilish foiz ko‘rsatgiching yuqoriligidir. Meta kompaniyasi o‘z daromadining 30 %ini ilmiy tadqiqot va ishlanmalar uchun sarf qilmoqda. Korporativ sektor tomonidan ajratilayotgan xarajatlar esa yildan yilga juda katta so‘ratlarda o‘smoqda. Davlatlar tomonidan milliy iqtisodiyotlarini innovatsiyon rivojlantirish uchun Ilmiy tadqiqot va ishlanmalar (R&D) uchun sarflanayotgan mablag‘lar miqdorini so‘ngi yillarda shiddat bilan ko‘paymoqda. Bugungi kunda nafaqat dunyoning rivojlangan garb davlari balki osiyo yulbarslari deb nomlanuvchi mamlakatlar Korea,Tayvan, Singapur Qolaversa Xitoy ham yildan yilga juda ko‘p miqdorda mablag‘larni ilmiy taraqqiyot va yangi innovatsiyon texnologiyalar joriy qilish uchun ishlatmoqda 1-jadval.

1-jadval

Dunyo mamlakatlarini Ilmiy tadqiqot va ishlanmalarga xarajatlari, YaIM nisbatan %da[14]

Davlatlar/yillar	2000	2005	2010	2015	2021
AQSH	2.6	2.5	2.7	2.7	3.4
Germaniya	2.4	2.4	2.7	2.9	3.1
Isroil	3.8	3.9	3.8	4.2	5.5
Yaponiya	2.8	3.1	3.1	3.2	3.3
Korea respublikasi	2.1	2.5	3.3	3.9	4.9
Xitoy	0.8	1.3	1.7	2.1	2.4
Rossiya	1.1	1.2	1.1	1.1	1
Dunyo bo‘yicha o‘rtacha	2.1	2.1	2.2	2.3	2.7


Ilmiy tadqiqotlar uchun xarajatlar YaIMning %da ko‘rsatilgan bo‘lib oxirgi 20 yillikni o‘zida aks ettiradi. Jadvaldan ko‘rishimiz mumkinki dunyoning rivojlangan mamlakatlari ilmiy tadqiqot xarajatlarini oshirishda davom etishmoqda 2000 yilda mamlakatlarning o‘rtacha xarajati YaIM 2.1% tashlik qilgan bolsa 2021yil bu 2.7% tashkil qilgan. Oxirgi ikki dekadada eng tez o‘sish Korea Respublikasi va Isroilda kuzatilgan 4.9 va 5.5%. Qolgan mamlakatlar esa o‘rtacha YaIM ning 2.5-3.4% miqdorida xarajatlarni amalga oshirishmoqda. Ilmiy tadqiqot va ishlanmalar uchun 2021- yilda dunyo bo‘yicha 1.62 trillion dollar miqdorida sarf-xarajatlar amalga oshirilgan bo‘lib shu xarajatlarning qarib 80 % dunyoning eng yirik 20ta iqtisodiyoti hissasiga to‘gri keladi 2-jadval.

Ilmiy tadqiqot va ishlanmalarga(R&D) xarajatlar 2000-2021 yillar, milliard AQSh dollari [15]

Davlatlar/yillar	2000	2005	2010	2015	2021
AQSH	360	390	444	510	709
Yevropa ittifoqi	230	260	300	340	400
Germaniya	74	85	97	110	129
Buyuk Britaniya	35	38	41	62	83
Yaponiya	130	149	155	168	172
Korea respublikasi	20	30	53	76	110
Xitoy	40	90	208	366	620
Dunyo bo‘yicha o‘rtacha	863	973	1117	1279	1618

Albatta bugungi kundo dunyoning eng yirik iqtisodiyotlari bo‘lgan Amerika Qo‘shma Shatlari va Xitoy bu sohada ham raqobatchilarini ancha ortda qoldirgan bo‘lib bu ikki malkata 1.33 trillion dollar miqdorida pul mablag‘larini ilmiy tarqqiyot va innovatsiyalarni rivojlantirish yo‘naltirgan. Keyin o‘rinlarda Yevropa Ittifoqi, Yaponiya, Germaniya, Korea respublikari band etishgan.


O‘zbekistonda 2016 yildan keyin iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirish, raqamli texnologiyalar, inson kapitali va ta‘lim sohasini rivojlantirishga juda katta e‘tibor berilmoqda. Yurtimizning taraqqiyotini tezlashtiruvchi strategiyalar ishlab chiqilmoqda, innovatsion va raqamli iqtisodiyotni jadal rivojlantirishga harakat qilinmoqda. Lekin afsuski Ilmiy tadqiqot va ishlanmalar uchun sarf-xarajatlar yurtimizda song yigirma yilda pasayish tendensiyasi ko‘rsatgan 2-rasm.



2-rasm.O‘zbekistonda ilmiy tadqiqot va ishlanmalar uchun xarajatlar 2000-2021y YaIMga nisbatan % da[15]

2000 yillarda yurtimizda tadqiqod va ishlanmalar uchun YaIM ning 0.36% miqdoridan 2021 yilga kelib 0.13 % miqdorgacha pasayish kuzatilgan. Butun dunyoda xarajatlarni qo‘llab quvvatlash oshib borayotgan bir paytda R&D uchun xarajatlarni kamaytirish mamlakatimizni va kompaniyalarimizni raqobatbardoshligi va innovatsiyon rivojlanishda xorijiy raqobatchilarimizga imkoniyatlarni boy berayotganimizni ko‘rsatadi.


Bu xolatni 3-rasmda yana ham aniqroq tushinishimiz mumkin. Yurtimizda 2021-yil xar bir million kishiga 523 tadqiqotchi to‘g‘ri kelmoqda. Bu ko‘rsatgich 2000 yilda xar bir million kishiga 662 ta tog‘ri kelgan. Afuski yillar davomida pasayish tendensiyasi davom etmoqda.



3-rasm. Yurtimizda 2000-2021yilda xar 1 million kishiga tadqiqotchilar soni[15]

Jahon banki hisobotida e’lon qilinishicha Ilmiy tadqiqod va ishlanmalarni (R&D) amalga oshirishda ishtirik etuvchi muhim texnik muhandis va texnik xodimlar soni esa xar bir million kishiga 48 kishini tashkil qilmoqda. Ilmiy jurnallarda maqolalar chop qilish xar million kishiga 1375 tani tashkil qilmoqda.

Yillar davomida ilmiy tadqiqod va ishlanmalarga qilinayotgan xarajatlar albatta o’z natijalarni namayon qiladi va iqtisodiyotning rivojlanishiga o’z hissasini qo’shadi. Jahon intellektual mulk tashkilotini (WIPO) 2022- yilga e’lon qilgan hisobotida bunga ishonch hosil qilishimiz mumkin 4-rasm.




4-rasm. Dunyo bo’yicha Intellektual mulkka arizalar topshirish, 2022 yil[13]

2022-yilda 2021 yil bilan solishtirganda butun dunyo bo’ylab patent arizalari 1,7 foizga o’sgan. Savdo belgisi va sanoat namunasini topshirish faolligi mos ravishda 14,5 foiz va 2,1 foizga kamaydi. Butun dunyo bo’ylab patent arizalari soni 3,46 millionga yetdi, tovar belgisiga ariza berish faoliyati 15,5 millionga kamaydi va sanoat namunalarini taqdim etish faoliyati 1,5 milliondan sal kamaygan. Foydali modellarga bo’lgan talabnomalar - patent huquqining maxsus shakli - 2,9 foizga o’sib, 3 million talabnomani tashkil etdi. Dunyo mamlakatlarida orasida patent va intellektual mulkni ruhyatdan o’tkazish uchun talabnomalar soni quyidagicha 5-rasm.

2022 yilda Xitoyning IP idorasi 1,62 millionga yaqin patent arizalarini qabul qildi. Undan keyin AQSH, Yaponiya, Koreya Respublikasi va Yevropa patent idorasi idoralari joylashdi va dunyoda bo’yicha 85 foiz patentlarga arizalar shu mamlakatlar hissasiga to’g’ri kelmoqda.

O’zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining 2022 yilda e’lon qilgan yillik hisobotida 2022-yilda yurtimizda intellektual mulk obyektlariga topshirilgan talabnomalarning o’sish tendensiyasi saqlanib qolib, ularning umumiy soni 16582 talabnomani tashkil etdi. 2021-yil topshirilgan talabnomalar hajmiga nisbatan 35,3 foizga ko’p.



5-rasm. Intelktual mulkka arizalar topshirish, 2022 yil [13]

Yuqoridagi berilgan malumotlardan xulosa qilishimiz mumkinki innovatsion taraqqiy etgan iqtisodiyotni qurmoqchi bo‘lsa albatta ilm fanga, ilmiy tadqiqot va ishlanmalarga, kashfiyotlar va innovatsiyon yangiliklar va texnologiyalarga bo‘lgan munosabatimizni o‘zgartirishimiz, e’tiborimizni yanada ko‘proq qaratishimiz va eng asosiysi qiyin bo‘lsada davlat byudjetiga yuklamalarni yanada oshirsada oliy ta’lim, oliy talimdan keyingi ta’lim va ilmiy tadqiq va izlanuvchi olimlarni moliyaviy jihatdan ko‘proq qo‘llab quvvatlashimiz shartdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Romer, Paul M., 1986, “Increasing Returns and Long Run Growth,” Journal of Political Economy, Vol. 94, pp.1002–37.
2. Jones, Charles I., 1995b, “Time Series Test of Endogenous Growth Models,” Quarterly Journal of Economics, pp. 495–525.
3. Aghion, Philippe, and Peter Howitt, 1998, “Endogenous Growth Theory,” (Cambridge, Massachusetts: The MIT Press).
4. Scherer, F.M., 1982 “Inter-Industry Technology Flows and Productivity Growth,” The Review of Economics and Statistics, Vol. 64, pp. 627-34
5. Zachariadis, Marios, 2003 “R&D, Innovation, and Technological Progress: A test of the Schumpeterian Framework without Scale Effects,” Canadian Journal of Economics, Vol 36, No. 3, pp. 566-686.
6. Frantzen, Dirk, 2000, “R&D, Human Capital and International Technology Spillovers: A Cross Country Analysis,” Scandinavian Journal of Economics, Vol. 102 No. 1, pp. 57-75.
7. Coe, David T., Elhanan Helpman, and Alexander W. Hoffmaister, 1995, “North-South R&D Spillovers,” NBER Working Paper, No. 5048, (Cambridge, Massachusetts: National Bureau of Economic Research).
8. Porter, Michael E., and Scott Stern, 2000, “Measuring the ‘Ideas’ Production Function: Evidence from International Patent Output,” NBER Working Paper No. 7891, (Cambridge: Massachusetts: National Bureau of Economic Research).
9. World bank annual report 2022
10. <https://stat.uz>
11. <https://tradingeconomics.com>
12. <https://knoema.com/atlas/Uzbekistan/RandD-expenditure>
13. <https://www.wipo.int>
14. [R&D expenditure - Statistics Explained \(europa.eu\)](https://eur01.safelinks.https://www.eurostat.eu)
15. [Research and development expenditure \(% of GDP\) | Data \(worldbank.org\)](https://data.worldbank.org)
16. <https://www.statista.com/chart/27214/companies-that-spent-the-most-on-research-and-development-in-2020/>

IQTISODIY O‘SISH SIFATI VA AHOLI DAROMADLARI DINAMIKASI

КАЧЕСТВО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА И ДИНАМИКА ДОХОДОВ НАСЕЛЕНИЯ

QUALITY OF ECONOMIC GROWTH AND DYNAMICS OF POPULATION INCOME

**Hasanova Nigora Hasan qizi O‘zbekiston Milliy universiteti
Iqtisodiyot nazariyasi kafedrası tayanch doktoranti**

Annotatsiya

Maqolada iqtisodiy o‘shning nazariy asoslari evolyutsiyasi, iqtisodiy o‘sh sifatining ahamiyati va aholi daromadlari bilan bog‘liqligi, aholi daromadlarini oshirishda iqtisodiy o‘sh sifatining rolini kuchaytirish borasidagi qarashlar hamda aholi daromadlari dinamikasi yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Iqtisodiy o‘sh sifatı, aholi daromadları, turmush farovonligi, aholi daromadları dinamikası, ijtimoiy yondoshuv, ekologik omillar.

В статье описывается эволюция теоретических основ экономического роста, значение качества экономического роста и его связь с доходами населения, взгляды на усиление роли качества экономического роста в увеличении доходов населения и динамика доходов населения.

Ключевые слова: Качество экономического роста, доходы населения, благосостояние, динамика доходов населения, социальный подход, экологические факторы.

The article describes the evolution of the theoretical foundations of economic growth, the importance of the quality of economic growth and its connection with the income of the population, views on strengthening the role of the quality of economic growth in increasing the income of the population, and the dynamics of the income of the population.

Key words: Quality of economic growth, population income, well-being, dynamics of population income, social approach, environmental factors.

Jahonning ko‘plab mamalakatlarida iqtisodchi olimlar tomonidan olib borilgan tadqiqotlar natijalariga ko‘ra iqtisodiyot sohasining asosiy muammolardan biri iqtisodiy o‘sh sifatı hisoblanadi. 20-asr oxiri va 21-asr boshidan buyon iqtisodiy o‘shning mohiyati, unga ta‘sir qiluvchi omillari, manbalari, mexanizmlari, turlari, ko‘rsatkichlari, davlat tomonidan rag‘batlantirish yo‘nalishlari va dinamikasiga ta‘sirini o‘rganish ko‘plab yetakchi xorijiy va mahalliy iqtisodchilarning e‘tibori markazida bo‘lib kelmoqda.

Iqtisodiy o‘shning mohiyati va omillarini tizimli ko‘rib chiqishga qaratilgan ilk urinishlarni o‘tmishning mashhur iqtisodchilari A.Smit, D.Rikardo, J.S. Mill, T. Maltus, K. Markslarning tadqiqotlarida ko‘rish mumkin.

A.Smit o‘zining “Xalqlar boyligining tabiati va sabablarini o‘rganish” nomli fundamental asarida iqtisodiy o‘shni boylikning ko‘payishi bilan bog‘lab, uning manbalari va omillarini tahlil qilishga ustuvor ahamiyat bergan. O‘z navbatida, boylik olimlar tomonidan moddiy ishlab chiqarishning barcha sohalarida yaratilgan umumiy mahsulot sifatida talqin qilingan. Bu ishda iqtisodiy o‘sh omillarini ekstensiv(aholining o‘shı va moddiy ishlab chiqarish sohasidagi ishchilar ulushi, mashinalar, asbob-uskunalaridan foydalanish, yangi ekin maydonlarini o‘zlashtirish hajmining ortishi) va intensiv (ishchilarning mehnat malakasini oshirish, yanada progressiv va ilg‘or texnologiyalarni qo‘llash, tuproq unumdorligini oshirish uchun o‘g‘itlardan foydalanish)ga ajratilganini ko‘rish mumkin. Bundan tashqari, olimning fikricha, uzoq muddatli istiqbolda iqtisodiy o‘sh va rivojlanishda intensiv omillar hal qiluvchi rol o‘ynaydi.

D.Rikardoning “Siyosiy iqtisod va soliqqa tortish tamoyillari” nomli asarida A.Smit ilgari surgan g‘oyalar yanada rivojlantirildi. Bundan tashqari, u uzoq muddatda ishchilarning nominal ish haqining oshishi, foydalanilgan yerdan olinadigan daromadning kamayishi natijasida oziq-ovqat narxlarining oshishi tufayli iqtisodiyotda foyda darajasining pasayishi ehtimolini ko‘rsatishga muvaffaq bo‘lgan. Boshqacha aytganda, uning nazariy tuzilmalari doirasida mamlakat iqtisodiyotida turg‘unlikning boshlanishi taxmin qilingan edi. Olimning fikricha, sanoatda ham, qishloq xo‘jaligida ham yangi texnika va texnologiyalarni joriy etish hamda boshqa davlatlar bilan qiyosiy ustunlik tamoyili asosidagi savdo-sotiq orqali bunday salbiy tendentsiyaning paydo bo‘lishining oldini olish mumkin edi.

T.Maltus o‘zi ishlab chiqqan populyatsiya nazariyasi doirasida geometrik progressiya bo‘yicha aholining tez o‘shishi bilan oziq-ovqat va boshqa yashash vositalarining arifmetik progressiyadagi ortda qolayotgan o‘shishi o‘rtasidagi ziddiyatga e‘tibor qaratdi. Olimning fikricha, aholining nazoratsiz o‘shishi, yer unumdorligining pasayishi urushlar, fuqarolar nizolari, ocharchilik va turli kasalliklar epidemiyalarining kuchayishiga olib keladi.

J.S. Millning iqtisodiy o‘shishni o‘rganishdagi eng muhim yutug‘i ingliz siyosiy iqtisodiyoti klassiklarining uzoq muddatli istiqbolda foyda darajasining pasayishini asoslash va ushbu tendentsiyani bartaraf etishning mumkin bo‘lgan yo‘llari bo‘yicha nazariy ishlanmalarini umumlashtirishdir (birinchi navbatda, u bilan bog‘liq ishlab chiqarish va boshqaruv sohalariga ilmiy-texnikaviy taraqqiyotni joriy etish). Bundan tashqari, muhim nuqta - bu olimlar tomonidan iqtisodiy statika va iqtisodiy dinamika kabi asosiy tushunchalarni aniqlash va farqlashdir.

K.Marks kapital va mehnat, burjuaziya va proletariat o‘rtasidagi o‘ziga xos qarama-qarshilik bilan kapitalistik iqtisodiyotning o‘shish va rivojlanish qonuniyatlari va tendentsiyalarini tahlil qilib, uning beqarorligi va ishlab chiqarish ortiqchaligi tufayli yuzaga kelgan davriylik inqirozlarini asosladi. Shuningdek, K. Marksning iqtisodiy o‘shish nazariyasi sohasidagi muhim hissasi fiziokratlar maktabi rahbari F.Kene g‘oyalarining mantiqiy davomi bo‘lgan umumiy ijtimoiy mahsulotni oddiy va kengaytirilgan takror ishlab chiqarish sxemalarini yaratish, shuningdek, ijtimoiy ishlab chiqarishning ikkita bo‘linmasini aniqlashga asoslangan kapitalning tegishli harakatini aniqlaganidir:

- 1) ishlab chiqarish vositalarini ishlab chiqarish;
- 2) iste‘mol tovarlari ishlab chiqarish.

Zamonaviy iqtisodiy olimlar tomonidan iqtisodiy o‘shishga quyidagicha ta‘rif berilgan: iqtisodiy o‘shish — mamlakatda tovarlar ishlab chiqarish va xizmatlar yaratish hajmining oldingi yil (davr)larga nisbatan ko‘paygan miqdorda takrorlanishidir. Iqtisodiy o‘shishni ta‘minlash har qanday mamlakat iqtisodiy siyosatining asosiy maqsadi hisoblanadi. Yildan yilga aholi sonining ko‘payishi, kishilar ehtiyojlarining muttassil ortib borishi iqtisodiy o‘shishni shart qilib qo‘yuvchi asosiy sabablardandir. Iqtisodiy o‘shish aholi turmush darajasini oshirishga, xalq farovonligini ta‘minlashga xizmat qiladi. Iqtisodiy o‘shishni aniqlash va hisoblashda mamlakat iqtisodiy taraqqiyotining eng umumiy ko‘rsatkichi bo‘lgan yalpi ichki mahsulot (YAIM) asos bo‘lib xizmat qiladi va iqtisodiy o‘shishning muayyan davr mobaynida real YAIM hajmining ijobiy tomonga o‘zgarishini ko‘rsatadi. Iqtisodiy o‘shish sur‘atlari YAIM o‘shish sur‘atlarida o‘z aksini topadi. Real YAIM hajmining o‘zgarishi mamlakat iqtisodiyoti holati va dinamikasi to‘g‘risida ma‘lumot bersada, iqtisodiy o‘shishni to‘liq aks ettirmaydi. Shu sababli iqtisodiy o‘shishni to‘laroq aks ettirish uchun boshqa bir ko‘rsatkich — aholi jon boshiga ishlab chiqarilgan real YAIMning o‘zgarishi qo‘llaniladi. Real YAIM hajmining o‘zgarishi umuman mamlakat iqtisodiyotining muayyan davr oralig‘idagi rivojlanishini ifodalasa, aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan real YAIM hajmining o‘zgarishi iqtisodiy rivojlanishga kishilar turmush darajasi orqali baho berishga xizmat qiladi. Iqtisodiy o‘shishni aniqlash va hisoblashda mamlakat iqtisodiy taraqqiyotining eng umumiy ko‘rsatkichi bo‘lgan YAIM asos bo‘lib xizmat qiladi va iqtisodiy o‘shishning muayyan davr mobaynida real YAIM hajmining ijobiy tomonga o‘zgarishini ko‘rsatadi. Iqtisodiy o‘shish sur‘atlari YAIM o‘shish sur‘atlarida o‘z aksini topadi. Real YAIM hajmining o‘zgarishi mamlakat iqtisodiyoti holati va dinamikasi to‘g‘risida ma‘lumot bersada, iqtisodiy o‘shishni to‘liq aks ettirmaydi. Shu sababli iqtisodiy o‘shishni to‘laroq aks ettirish uchun boshqa bir ko‘rsatkich — aholi jon boshiga ishlab

chiqarilgan real YAIMning o‘zgarishi qo‘llaniladi. Real YAIM hajmining o‘zgarishi umuman mamlakat iqtisodiyotining muayyan davr oralig‘idagi rivojlanishini ifodalasa, aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan real YAIM hajmining o‘zgarishi iqtisodiy rivojlanishga kishilar turmush darajasi orqali baho berishga xizmat qiladi.

Ekstensiv iqtisodiy o‘shish deganda ishlab chiqarish omillarining sifat jihatidan o‘zgarmasligi bilan mahsulot va xizmatlar ishlab chiqarish hajmining sof miqdoriy o‘shishi tushuniladi. Iqtisodiy o‘shishning ekstensiv omillariga band bo‘lgan ishchilar sonining ko‘payishi; iste‘mol qilinadigan xomashyo va materiallar, yoqilg‘i hajmining o‘shishi; texnologiyaning hozirgi darajasini saqlab qolgan holda investitsiyalarni oshirish kiradi. Iqtisodiyotning intensiv o‘shishi mahsulot va xizmatlar ishlab chiqarish hajmining ko‘payishi ishlab chiqarish omillari samaradorligini oshirish hisobiga ta‘minlanishi bilan bog‘liq. Ushbu turdagi ishlab chiqarish cheklangan ishlab chiqarish resurslarini yengib o‘tishga olib keladi, texnologik jarayonni rag‘batlantiradi.

Intensiv iqtisodiy o‘shish omillari: fan-texnika taraqqiyotini jadallashtirish (birinchi navbatda, asosiy fondlarni yangilash hisobiga yangi texnologiyani joriy etish); asosiy va aylanma mablag‘lardan foydalanishni takomillashtirish; xodimlarning malakasini oshirish ishlab chiqarishni tashkil etishni takomillashtirishdan iborat.

Shuningdek, qisqa va uzoq muddatli iqtisodiy o‘shish turlari ham mavjud bo‘lib, Qisqa muddatli iqtisodiy o‘shishda mehnat va kapital omillaridan foydalanish davri o‘zgarishi nazarda tutilsa, uzoq muddatlida – ishlab chiqarishdagi omillar hajmi va texnologiyalarning o‘zgarishi nazarda tutiladi. Qisqa muddatli davrda 1-3 yil inobatga olinadi va tashqi iqtisodiy konyunktura hamda makroiqtisodiy siyosat bilan bog‘lanadi. Uzoq muddatli o‘shish 5-10 yillik davrni o‘z ichiga oladi va unda tarkibiy islohotlar nazarda tutiladi.

- Boshqa bir manbada iqtisodiy o‘shish erishgan darajasiga qarab quyidagi turlarga ajratiladi:
- barqaror iqtisodiy o‘shish (5% va undan yuqori);
- yuqori bo‘lmagan iqtisodiy o‘shish (2-3%);
- sekinlashgan iqtisodiy o‘shish (1-2%);
- beqaror iqtisodiy o‘shish;
- muvozanatlashgan iqtisodiy o‘shish.

Iqtisodiy o‘shish sifati omil va manbalari samaradorligini oshirishga asoslanadi. Mazkur masala uzoq muddatli barqaror o‘shish, ijtimoiy muammolarni hal etish va inson kapitalini rivojlantirish hamda ekologik muhit xavfsizligini ta‘minlash bilan bevosita bog‘liq. Iqtisodiy o‘shish sifatining o‘zgarish darajasi bilan aholi turmush darajasi o‘rtasidagi nisbatlar ham turlicha o‘zgarib borganligini qator mamlakatlar tajribasidan ko‘rish mumkin. Jumladan, Hindistonda kuzatilgan 1980-2005 yillardagi o‘rtacha 3% o‘shish davomida kambag‘allik darajasi 1,5 barobarga o‘sgan. Bu esa iqtisodiy o‘shishning nafaqat uzoq muddatli barqaror darajasiga, balki sifatiga ham alohida e‘tibor berishni talab etadi. Bir qator tadqiqotlarda iqtisodiy o‘shish sifatini uning barqaror darajasi bilan bog‘lashadi.

Iqtisodiy o‘shish sifatining mazmunini hisobga olgan holda, uning ko‘plab xorijiy va bir qator mahalliy iqtisodiy tadqiqotchilar tomonidan keng qo‘llaniladigan “o‘shishning inklyuzivligi” kabi tushuncha bilan bog‘liqligini ham ko‘rsatish kerak. Iqtisodiy o‘shishning inklyuzivligi uning ijtimoiy yo‘nalishini va uning natijalaridan fuqarolarning alohida toifalari tomonidan emas, balki jamiyatning barcha a‘zolari tomonidan foydalanish imkoniyatini nazarda tutadi. Bu jihatda ta‘lim, tibbiy xizmatlar, uy-joy, uzoq muddat foydalaniladigan tovarlarning mavjudligi, siyosiy va iqtisodiy erkinlik darajasi, atrof-muhit holati birinchi o‘ringa chiqadi. Shuningdek, inklyuziv o‘shishni baholashda aholining eng kam ta‘minlangan qatlamlari farovonligini oshirishga katta e‘tibor beriladi. Ko‘rinib turibdiki, iqtisodiy fanning ushbu toifasidan foydalanish orqali iqtisodiy o‘shishning odamlarning rang-barang va o‘shib borayotgan moddiy va ma‘naviy ehtiyojlarini qondirishga qaratilganligi ta‘kidlangan, ya‘ni u iqtisodiy o‘shish sifatining ijtimoiy, ijtimoiy-psixologik va qisman ekologik jihatlarini qamrab oladi.

Aholi daromadlari — barcha aholiga tegishli pul va natural (mahsulot shaklida) tushumlar hamda ko‘rsatilgan bepul xizmatlar summasi, aholining milliy daromaddagi hissasi. Aholining jami turdagi daromadlari manbai — ish haqi, pensiya, stipendiya, nafaqalar, mukofot, foyda, dividend,

zayom va lotereya yutug‘i, bank to‘lagan foiz puli, ko‘chmas mulkdan kelgan renta to‘lovi va ijara puli, sug‘urta qoplamalari va boshqalardan iborat. Bozor sharoitida aholi daromadlarining eng katta qismi pul shakliga ega. Qishloq aholisi o‘zining tomorqa xo‘jaligidan ham mahsulot olib daromad ko‘radi va u natural daromadga kiradi. Shuningdek, aholining yordamga muhtoj qatlamlariga bepul mahsulot beriladi va xizmatlar ko‘rsatiladi (bepul ovqatlanish, kiyim-kechak, doridarmon, transport va kom-munal xizmati va hokazo), bular natural daromadlar hisoblanadi. Aholi daromadlari nominal va real daromadlarga bo‘linadi. Nominal daromad aholi muayyan pul summasi shaklida olgan daromad bo‘lib, inflyatsiya ta‘sirida uning xarid qobiliyati pasayishi mumkin. Real daromad — pul shaklidagi daromadga amalda qanday miqdorda iste‘mol buyumlari va xizmatlar xarid etish mumkinligini ko‘rsatadi. Aholi jon boshiga hisoblangan real daromad aholi turmush darajasining umumlashgan va yaxlit ko‘rsatkichi hisoblanadi. Iqtisodiyotda aholi yalpi pul daromadlaridan barcha majburiy va ixtiyoriy to‘lovlar (soliqlar, qarz puli, badallar) chegirib tashlangandan so‘ng uning qo‘liga tegadigan daromad ham muhim ahamiyatga ega. Aholi qo‘liga tegadigan daromad miqdoriga soliqlar kuchli ta‘sir etadi. Rivojlangan mamlakatlarda ish haqi daromadning 2/3 qismini tashkil etadi. Agar mamlakatda xususiy mulk ustuvor, renta, aholi pul jamg‘armasi ko‘p bo‘lsa, bank to‘laydigan foiz puli salmoqli bo‘ladi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida Aholi daromadlari tarkib jihatidan mehnatdan, tadbirkorlikdan, mulkdan olingan daromadlar va transfert (nochorlarga byudjetdan beriladigan nafaqa va yordam puli) kabi daromadlardan shakllanadi. Transfertlar nobozor daromad, qolganlari bozor daromadi hisoblanadi. Bozor iqtisodiyotiga o‘tish sharoitida O‘zbekistondagi aholi daromadlarida bozor tizimiga xos yangi daromad turlari (tadbirkorlik, mulk daromadi kabilar)ning ko‘payib borishi kuzatiladi.

2022 - yilning yanvar-dekabr holatiga ko‘ra, O‘zbekiston Respublikasi aholi umumiy daromadlari tarkibida mehnat faoliyatidan olingan daromadlar 61,6 %, transfertlardan olingan daromadlar 29,8 % hamda shaxsiy iste‘mol uchun o‘zida ishlab chiqarilgan xizmatlardan olingan daromadlar va mol-mulkdan olingan daromadlar 8,6 % tashkil etdi.

Agar raqamlarga e‘tibor qaratadigan bo‘lsak, 2020 yilning dastlabki hisob-kitoblariga ko‘ra, aholi umumiy daromadlari tarkibida ishlab chiqarishdan kelgan tushumlar ulushi 71,5 foizni, shundan 69,3 foizi mehnat faoliyatidan olingan, 2,1 foizi shaxsiy iste‘mol uchun ishlab chiqarilgan shaxsiy xizmatlardan olingan daromadlarni tashkil etgan. Har bir mamlakat qanday siyosiy va ijtimoiy harakatlarni amaliyotga joriy etishidan qat‘iy nazar ularning yakuniy maqsadi xalq manfaatlarini, aholi turmush darajasini yaxshilash, yetakchi mamlakatlar safidan joy olishga qaratiladi. “Turmush darajasi” tushunchasi va ijtimoiy-iqtisodiy ko‘rsatkichlar tizimini rivojlantirishda Birlashgan millatlar tashkiloti sezilarli hissa qo‘shdi. 1960 yilda BMTning ishchi guruhi global miqyosda turmush darajasini aniqlash va o‘lchash tamoyillari haqida hisobot tayyorladi. Bu keng qamrovli tizimni yaratish yo‘lidagi dastlabki qadam edi. BMTning xalqaro statistika sohasidagi turmush darajasi ko‘rsatkichlarining oxirgi versiyasi 1978-yilda ishlab chiqilgan va 12 ta asosiy yo‘nalishni qamrab olgan. Bugungi kunda ham mazkur xalqaro tashkilot tomonidan dunyo aholisi turmush darajasini oshirish va kambag‘allikdan aziyat chekayotgan mamlakatlarga ko‘maklashish maqsadida qator ishlar amalga oshirib kelinmoqda. Jumladan, BMTning Bosh assambleyasida 2000 yilda qabul qilingan “Ming yillik rivojlanish dasturi” hamda 2015 yilda tasdiqlangan “2030 yilgacha mo‘ljallangan Barqaror rivojlanish maqsadlari dasturi” bevosita dunyo mamlakatlari aholisini iqtisodiy-ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash, shuningdek, ekologiya buzilishining oldini olgan holda, aholining salomatligini asrashga qaratilgan muhim tadbirlar sirasiga kiradi.

Agar MDH mamlakatlarining aholi daromadlari tarkibini ko‘radigan bo‘lsak, yollanma ishchilarning ish haqi sifatida olgan daromadlari Armaniston, Belarus, Qozog‘iston, Rossiya Federatsiyasida 55 dan 69 foizgacha bo‘lsa, Qirg‘izistonda 40 foiz atrofida, O‘zbekistonda 28,8 foizni tashkil etadi. Mol-mulkdan kelgangan tushumlar 3,0 foizni, transfertlardan olingan daromadlar 25,5 foizga teng bo‘lgan. Ma‘lumki, keyingi yillarda kichik biznes va tadbirkorlik sub’ektlarini qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan maqsadli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Buning natijasida aholining ishbilarmonlikdan olingan daromadlari ulushi yil sayin oshib borib, 2020 yil

yanvar-dekabr oylarida 58 foizga etdi. Bu ko‘rsatkich 2010 yilda 50 foiz aytrofida bo‘lganligi inobatga olinsa, 8 foizga ko‘payganligini anglatadi.

Mol-mulkdan olingan tushumlar kam bo‘lsa-da, aholining tijorat banklariga bo‘lgan ishonchining ortishi, innovatsion ishlanmalarning rivojlanishi, qolaversa, aktsiyadorlik korxonalari daromadlarining ortishi, uy-joy va boshqa ko‘chmas mulk ob‘ektlarini ijaraga berish va shu kabi bozor mexanizmlarining takomillashuvi tufayli aholining qo‘liga kelib tushayotgan foizlar, dividendlar, mualliflik haqlari va shu kabi mulkiy daromadlar ham yil sayin ortib borayotganligini kuzatish mumkin. Masalan, 2010 yilda aholi umumiy daromadlari tarkibida mulkiy tushumlarning ulushi 2,3 foizga teng bo‘lsa, 2020 yilda ushbu ko‘rsatkich 0,7 foizga ko‘paygan.

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, har qanday davlat siyosatidan ko‘zlangan maqsad mamlakatni iqtisodiyotini barqaror rivojlantirish orqali xalqning turmush farovonligini oshirishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

- 1.S.Q.Djo‘rayeva “Barqaror iqtisodiy o‘shish va uni ta’minlash bosqichlarining tahlili”, “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali 2014 y
2. O‘lmasov A, Vaxobov A. “Iqtisodiyot nazariyasi” Darslik.T.. “Iqtisod-Moliya”.
3. Vaxobov A., Zaynitdinova U. Barqaror iqtisodiy o‘shish omillari. T. 2011
4. Barbarova E. J. Ekonomika I sotsiologiya truda-M.:2015
- 5.Genkin B.M. Ekonomika I sotsiologiya truda. Darslik.-M.:Norma 2015
- 6.Vasilyeva N.A Organizatsiya nomerovaniye I oplata truda na predpriyatiyii. Konspekt leksiya.- M.:2016
7. Nazarov A. Sh. Mehnatni tashkil etish va normalash. O‘quv qo‘llanma -T.: 2015
8. Abduraxmonov K. X., Tohirova X. T., Zokirova N.K. Aholini ijtimoiy muxofaza qilish. O‘quv qo‘llanma . – T.: 2004
9. Ryazanseva N., Ryazansev D. Predpriyatiya. Zarpalata I kadri. Sekreti raboti. Sankt – Peterburg,2006
10. Hampton, S.; Adams, R. Behavioural economics vs social practice theory: Perspectives from inside the United Kingdom government // Energy Research & Social Science. 2018.

УДК:336.71

ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЛАШ БОСҚИЧИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

РАЗВИТИЕ БАНКОВСКИХ УСЛУГ НА ЭТАПЕ ДИВЕРСИФИКАЦИИ ЭКОНОМИКИ

DEVELOPMENT OF BANKING SERVICES AT THE STAGE OF ECONOMIC DIVERSIFICATION

**Ташматов Шухрат Ҳамраевич,
и.ф.д., профессор. ТДИУ**

“Фундаментал иқтисодиёт” каф. профессори

Мақолада диверсификация қилиш шароитида банк фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари кўрилган, банк хизматлари бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланган. Банк хизматлари бозорининг элементлари ва механизмларини такомиллаштириш йўналишлари асослаб берилган, банк фаолияти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири таъкидланган ва тавсифланган.

Калитли сўзлар: иқтисодиёт, бозор ислохотлари, банк фаолияти, диверсификация қилиш, банк хизматлари бозори, тижорат банклари, банк менежменти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, банк тизими, банк назорати, банклар ишини бошқариш, акциядорлик банклари.

В статье рассматриваются вопросы развития и совершенствования банковской деятельности в условиях диверсификации, определены приоритетные направления развития рынка банковских услуг. Обоснованы направления совершенствования их элементов и механизмов рынка банковских услуг, выделяются и описываются характерные особенности развития банковской деятельности и их влияние на социальное и экономическое развитие Республики Узбекистан.

Ключевые слова: экономика, рыночные реформы, банковская деятельность, диверсификация, рынок банковских услуг, коммерческие банки, банковский менеджмент, социально-экономическое развитие, банковская система, банковский надзор, управление банками, акционерные банки.

The article examines the development and improvement of banking activities in the context of diversification, identifies the priority directions of development of the banking services market. The directions of improving their elements and mechanisms of the banking services market are substantiated, the characteristic features of the development of banking activities and their impact on the social and economic development of the Republic of Uzbekistan are highlighted and described.

Key words: economics, market reforms, banking, diversification, banking services market, commercial banks, banking management, socio-economic development, banking system, banking supervision, bank management, joint-stock banks.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилаётганлиги натижасида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланаётган ҳозирги кунда банк хизматларисиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Тараққиётимизда уларнинг ўрни беқиёс. Барча соҳаларда бўлгани каби банк хизматлари соҳасида ҳам бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Улар ҳар бир давлат учун маълум бир миллийликни вужудга келтиради. Мустақиллик йилларида шаклланган мамлакатимиз банк хизматлари хизматлари ҳам ўзига хос йўналишда ривожланмоқда.

Республикада банк тизимини такомиллаштириш Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш босқичидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бозор ислохотларини амалга оширишдаги ҳар бир босқичнинг барча асосий иқтисодий муаммолари кўп жиҳатдан мазкур вазифанинг ҳал этилишига боғлиқ. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банк тизими ривожланишининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, у мамлакат раҳбарияти томонидан олдинга қўйилган асосий вазифани амалга оширишга, яъни иқтисодиётнинг янада жадал ривожланиши учун пойдевор яратишга катта ҳисса қўшган ҳолда, ҳар бир босқичда мамлакатдаги бозор ислохотларининг фаол иштирокчиси бўлди.

Банкда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг умумий муаммолари, унинг иқтисодиётдаги ўрни, банклар фаолиятини такомиллаштириш, банк хизматларининг самарадорлигини баҳолаш, хусусиятлари кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўрганилган. Улар орасида Роуза П.С., Дж. Синки, Гилла Э., Рида Э., Коттера Р., Лаврушина О.И., Масленченкова Ю.С., Усоскина В.М., Максютובה А.А., Лаптырева Д.А., Пановой Г.С., Валенцевой Н.И., Щербаковой Г.Н. ва бошқаларнинг асарларини алоҳида таъкидлаш керак.

Аҳолига банк хизмати кўрсатиш даражаси ва сифатини ўрганиш муаммоси Валенцева Н.И., Щербакова Г.Н. ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Банк соҳасини ривожлантириш ва аҳолининг ҳаёт сифати ўртасидаги муносабатларнинг баъзи жиҳатлари Лаврушина О.И., ва бошқаларнинг ишларида очиб берилган.

Т.Расулов илмий тадқиқотларида иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашда банкларнинг ўрни, Республикада банк тизимини такомиллаштириш Банк хизматлари соҳасини ривожлантиришнинг умумий муаммолари, унинг иқтисодиётдаги ўрни, банк хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, самарадорлигини баҳолаш каби жараёнлар Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш босқичидаги муҳим вазифалардан бири эканлиги хусусида тўхтаб ўтилган.

Амалга оширилаётган ишларнинг банк соҳаси иқтисодиёти назарияси ва амалиёти учун аҳамиятини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, банк соҳасининг аҳоли турмуш сифатига таъсирининг назарий ва услубий жиҳатлари етарлича ишлаб чиқилмаган ва янада ривожлантиришни талаб қилади. Ҳаёт сифатининг сезиларли минтақавий фарқланиши банк хизматлари даражасидаги фарқларни шакллантирувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда уни янада такомиллаштириш заруриятини талаб қилади.

Мақоланинг асосий методологияси маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг банк ва банк индустрияси, банк бизнесининг иқтисодиёти ва ташкил этилиши, банк бизнесининг кичик шакллари ривожланиши ва фаолият юритиш хусусиятлари соҳасидаги фундаментал ва амалий ишлари бўлди. Республикада бугунги кунда банклар барқарорлигининг асоси ҳисобланган инвестицион муҳитни ривожлантириш бўйича ишчи дастурлар ва қўлланмалар, замонавий веб-воситалардан инновация самарадорлигини ошириш воситаларидан бири сифатида фойдаланиш бўйича иқтисодий тажрибани умумлаштириш, ушбу тадқиқот муаммоси бўйича инвесторлар билан суҳбатлар усуллари ҳам қўлланилди. Мақолани тайёрлаш жараёнида Ўзбекистонлик олимлар ҳамда мутахассисларнинг инновацион ривожланиш шароитида банк тизими фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, тижорат банклари фаолиятини бошқариш соҳасидаги асарларидан,

Тадқиқотнинг услубий асоси Назарий қоидаларни шакллантириш ва муаллифнинг ҳулосаларини асослаш эмпирик тадқиқотлар, назарий ва умумий илмий билиш усуллари: мавҳум-мантиқий, диалектик, қиёсий, шунингдек тизимли таҳлил ва синтез усуллари асосида амалга оширилди.

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича барча чоралар кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 19 март ва 3 апрель кунлари қабул қилинган фармонларида бу борада кўплаб имтиёз ва преференциялар белгиланди. Хусусан, тадбиркорлар ва аҳолининг жами 19,5 триллион сўмлик кредит қарзларини тўлаш муддати 1 октябргача кечиктирилди. Албатта, бу уларга карантин шароитида катта мадад бўлади. Лекин, шу билан бирга, молия- кредит муассасаларига тушадиган маблағ камайишини ҳам назардан қочириб бўлмайди.

Ўзбекистон банк тизимидаги ислохотлар ҳозирги замон банк фаолияти соҳасидаги чуқур ва муҳим ўзгаришлар замирида амалга оширилмоқда. Бунда банклар фаолиятини бошқаришни қайта ташкил қилишга нисбатан эҳтиёж пайдо бўлади. Тез ўзгариб турувчи ҳозирги замонда банк менежментининг бутун тизими ҳам тез ривожланмоқда. Бу, биринчи навбатда, бозор ислохотларини амалга ошираётган мамлакатларда инobatга олиниши зарур. Буни 1990-йилларнинг бошидаёқ Жаҳон банкнинг мутахассислари тавсия қилган эди.

Ҳозирги вақтда тижорат банкларининг ривожланишида банк хизматлари соҳасини монополиядан чиқариш тенденцияси чуқурлашиб бормоқда. Иқтисодиётнинг aloҳида тармоқларига хизмат кўрсатишга ихтисослашган банкларни ташкил этиш йўли билан содир бўлди. Банкларнинг бозорга йўналтирилиши банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш соҳасида ҳам тегишли ўзгаришларни талаб қилади. Банк менежментининг замонавий даражасига, қачонки у банклар ва бутун банк тизимининг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш соҳасида ҳал қилувчи омилга айлангандагина эришилади.

Банк тизимини ислоҳ қилишнинг умумий йўналишида ушбу масаланинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, республикада банклар фаолиятини бошқаришнинг ролини кучайтириш бўйича фаол ишлар қилинмоқда. Шу билан бирга, банк назорати ва тижорат банкларининг фаолиятини меъёрий тартибга солиш механизми сифат жиҳатдан ўзгарди. Республикада бугунги кунда банклар барқарорлигининг асоси ҳисобланган қатъий банк назорати улар фаолиятининг мониторинги, назорат ва аудит ёрдамида муаммоли банкларни ўз вақтида аниқлаш ва санациялашни, банкларнинг банкрот бўлиши ҳолатларининг камайишини таъминламоқда.

Ушбу шароитда банк тизимининг ишончилигига банкни бошқаришнинг юқори даражаси, бозор интизоми ва тартибга солувчи органларнинг назорати орқали эришиш мумкин. Республикада банк назорати билан бир қаторда, банк менежментига ҳам алоҳида аҳамият берилиб, у мазкур соҳада бошқарувнинг асосий бозор усули шаклланимоқда. Бу банк маҳсулотлари сифатининг ошишига ва самарали нархларнинг шаклланишига олиб келиши лозим. Бозор интизоми соҳасидаги талаблар молиявий ва операция хатарлар ҳақидаги ахборотнинг шаффофлигини таъминлайди. Банк мижозлари хатарларни назорат қилиш тизими ҳақида ва банкнинг ишончилиги даражаси ҳақида тўлиқ ахборот олиши мумкин.

Банк назоратини ушлаб туриш учун банк назорати органи ўз ваколати доирасида қарорлар қабул қилишда мустақил бўлиши керак, бу амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилади. Банк назорати органлари банклар учун мажбурий бўлган, иқтисодий меъёрлар билан ифодаланган операцияларни амалга ошириш қоидаларини, бухгалтерлик ҳисоби ва банк статистика ҳисоботларини юритиш, йиллик ҳисоботларни тузиш қоидаларини белгилаш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Соғлом банк тизимининг фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий база сифатида амалдаги қонун ҳужжатлари банк назорати органларига банк муассасаларини лицензиялаш тартибини белгилаш ва банк операциялари доирасини аниқлаш имкониятини беради.

Молиявий беқарор тузилмаларнинг банк соҳасига кириб қолишига йўл қўймаслик мақсадида банк назорати органлари янги банк ташкилотлари ишончли акциядорлар томонидан узоқ муддатга таъсис этилаётганлигига, зарур молиявий базага эгаллигига ҳамда унга иш тажрибаси ва юқори ахлоқий хусусиятларга эга раҳбар тайинланганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Лицензияларнинг бери-лишини тартибга солувчи мезонлар жорий назорат жараёнида қўлланиладиган меъёрларга мос келиши керак.

Банкларда, шунингдек, жорий кредит операцияларининг мониторинги, шу жумладан, қарздорларнинг молиявий аҳволи мониторинги ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиши керак. Ҳар қандай ахборот бошқарув тизимининг асоси бўлиб кредит портфелининг аҳволи тўғрисидаги зарур маълумотларни, шу жумладан, ички рейтинг ва кредитларни таснифлаш тизими ҳақидаги ахборотни ўзида мужассамлаштирган маълумотлар базаси хизмат қилади.

Самарали банк фаолиятини таъминлаш учун адекват ликвидлилик зарур. Ликвидлиликни бошқаришда энг муҳими банк томонидан унинг барча шартнома мажбуриятлари бажарилишининг таъминланиши зарур. Ликвидлиликни бошқариш бўйича чуқур ўйланган сиёсатнинг элементларига бошқарув ахборотининг тўғри йўлга қўйилган тизимлари, ликвидлиликни марказлаштирилган тарзда назорат қилиш, фондлаш манбаларини диверсификация қилиш ва кўзда тутилмаган ҳолатлар учун режалаштириш киради.

Банклар маблағлар манбаларининг мавжудлиги нуқтаи назаридан мажбуриятлар бўйича тўлов муддатларини тақсимлаш нуқтаи назаридан ҳам фондларнинг диверсификация қилинган манбасига эга бўлиши керак. Улар, шунингдек, ликвидли активларнинг адекват даражасини ҳам ушлаб туришлари лозим. Банкнинг фаолияти банк кенгаши томонидан ишлаб чиқилган сиёсат ва стратегияга мувофиқ эҳтиёткорлик билан олиб борилаётганлигини аниқлашда ички назорат асосий восита бўлиб хизмат қилади. Ички назорат, шунингдек, халқаро операциялардаги активлар бўйича тўлиқ ахборот мавжуд-лигига ва мажбуриятлар назорат остида турганлигига, менежмент банк фаолияти хатарларини баҳолашга, назорат қилишга ва уларни бошқаришга кодир эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Банклар фаолияти банк қонун-қоидаларининг кенг доираси билан тартибга солинади. Шунинг учун банклар уларга риоя қилиш бўйича адекват тадбирларни ишлаб чиқиши лозим. Белгиланган талабларнинг бузилиши банкнинг обрўсига путур етказиши ва уни санкциялар объектига айлантириши мумкин.

Назорат ахборотни йиғиш ва таҳлил қилишни назарда тутати. Буни жойларда ёки масофадан туриб амалга ошириш мумкин. Айрим мамлакатларда жойлардаги текширув нозирлар томонидан, бошқа мамлакатларда – малакали ташқи аудиторлар томонидан амалга оширилса, учинчи хилдаги мамлакатларда жойлардаги текширув ҳамда назорат органлари ва ташқи органлар ўртасидаги ҳамкорлик-нинг аралаш тизими қабул қилинган.

Ички ва ташқи аудиторлар томонидан тақдим этилган ҳисоботларни таҳлил қилиш жойлардаги текширувнинг ҳам, масофадан туриб назорат қилишнинг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. Жорий назорат пайтида лицензиялаш жараёнида эътибор қаратилган турли омилларни вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Банклар банк назорати органига таҳлил учун ахборотни мунтазам равишда тақдим этади, назорат органлари бўлса, банклар билан улар фаолиятининг барча муҳим масалаларини мунтазам равишда муҳокама қиладилар. Банк назорати ходимлари, шунингдек, банклардан яқка ва умумий тарзда келиб тўшадиган молиявий ҳисоботлар ва статистик ахборотларни йиғиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш воситаларига ҳам эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон шароитида анъанавий банк хизматлари соҳасида менежментнинг муаммолари жумласига кичик бизнесни кредитлаш, тўланмаганликка барҳам бериш, компьютер техникасини ўзлаштириш масалалари киради.

Кўпинча кичик корхоналар кредит олиб, уларни қайтара олмайди, чунки маблағлар хомашё ва омборхоналардаги тайёр маҳсулотларда музлатилган. Муддати ўтган қарзлар ўсиб бормоқда. Банклар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан санкциялар қўлланилишидан қутилиб қолишга интилган ҳолда, ссудаларнинг қайтарилмаганлигини, кредит шартномаларининг узайтирилганлигини расмийлаштиради. Муддати ўтган қарзларнинг ўсиши, ушбу ҳолатда, кредит эмиссиясини ўзида намоён этади ва инфляциян кескинликнинг кучайишига бевосита таъсир кўрсатади.

Республикада юзага келган берилажак кредитларнинг тармоқ структураси самарасиз. Кредитларнинг катта қисми тармоқ ихтисослашуви номаълум бўлган корхоналарга, яъни уларнинг аксарият кўпчилиги савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи кичик корхоналарга берилмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалигига кредитларнинг бор-йўғи учдан бир қисми йўналтирилаяпти. Кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг улуши жуда кам (5 %).

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлар айланма маблағларининг етишмаслигини қоплаш юки тижорат банклари зиммасига тушди. Кичик корхоналар томонидан кредитларнинг қайтарилмаслиги уларнинг айримларини банкротлик ёқасига олиб борди. Банк менежментининг ушбу муаммосини ҳал этиш учун, биринчидан, доимий равишда янгиланиб турувчи ахборот базасидан миқдорларнинг тўлов қобилиятини текшириш тадбирини ўзлаштириш, иккинчидан, ўрта ва узоқ муддатли кредитларни факат бизнес-режаларнинг экспертлар томонидан баҳоланганидан сўнг бериш, учин-чидан, кичик корхоналар учун кредитлар бўйича қафолат сифатида кичик бизнес агентлигини ташкил этиш зарур.

Республикада юзага келган берилажак кредитларнинг тармоқ структураси самарасиз. Кредитларнинг катта қисми тармоқ ихтисослашуви номаълум бўлган корхоналарга, яъни уларнинг аксарият кўпчилиги савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи кичик корхоналарга берилмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалигига кредитлар-нинг бор-йўғи учдан бир қисми йўналтирилаяпти. Кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг улуши жуда кам (5 %).

Кичик корхоналар томонидан кредитларнинг қайтарилмаслиги уларнинг айримларини банкротлик ёқасига олиб борди. Банк менежментининг ушбу муаммосини ҳал этиш учун, биринчидан, доимий равишда янгиланиб турувчи ахборот базасидан миқдорларнинг тўлов

қобилиятини текшириш тадбирини ўзлаштириш, иккинчидан, ўрта ва узоқ муддатли кредитларни фақат бизнес-режаларнинг экспертлар томонидан баҳоланганидан сўнг бериш, учин-чидан, кичик корхоналар учун кредитлар бўйича қаролат сифатида кичик бизнес агентлигини ташкил этиш зарур.

Маълумки, тижорат банклари ресурслари таркибида жалб қилинган маблағларнинг аҳамияти муҳим аҳамият касб этади. Банклар томонидан жалб этилган маблағларнинг қандай қисми актив операцияларга, янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, рискли активларга жойлаштирилганлиги муҳим ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида жалб қилинган муддатли депозитларнинг 75 фоиздан юқори қисми кредитларга жойлаштирилган бўлса, бу банк томонидан агрессив кредит сиёсати амалга оширилаётганлигидан далолат беради, агар ушбу кўрсаткич 65 фоиздан паст бўлса банкнинг мўтадил кредит сиёсати амалга оширилаётганлигини англатади.

Банкнинг рискли активлари муддатлар бўйича жойлаштирилиши ҳам активлар самарадорлигига бевосита таъсир қиладиган омиллардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан, хорижий банкларда рискли активларнинг қандай улуши узоқ муддатли активларга, қандай қисми қисқа муддатли активларга жойлаштирилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг активлар ҳолатига баҳо берганда стандарт рейтинги ҳисобланган CAMEL тизимидан жуда кенг фойдаланилади. Бунда С — capital (капитал), А — assets (активлар), М — management (бошқарув), Е — earnings (даромадлилик), L — liquidity (ликвидлик).

Капиталга баҳо берганда, рентабеллик даражаси эътиборга олинади. Бунда фойданинг банк ўз капиталини ўртача кўрсаткичига нисбати кўринишда ҳисобланади. АҚШ банкларида ушбу кўрсаткич 13-16 фоиздан иборат бўлса мўтадил даража ҳисобланади.

Банкларда CAMEL тизимидан фойдаланганда тижорат банклари фаолияти беш балли тизим асосида баҳоланади. Юқори барқарорлик даражасига эга бўлган банкларга бир баҳо берилди, молиявий жиҳатдан банкротлик ҳолатида турган банкларга 5 балл берилди. CAMEL тизимида асосий эътибор банклар капиталининг етарлилиги ва банк активлари таркибида рискли активлар улушига қаратилади. Банк капиталини баҳолашда рискли активларнинг ҳажми эътиборга олинади.

Тижорат банкининг устав сармояси банк мажбуриятлари ва тўлов қобилиятининг таъминоти бўлиб хизмат қилади. Агар у биржа котировкасига боғлиқ бўлса, у ҳолда акциядорлик банкининг тўлов қобилияти фонд бозорининг ҳолатига боғлиқ бўлади. Банклар акцияларининг қадрсизланиши уларнинг тўловга қобилсизлигига, мижозларни эса талон-тарож бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун фонд ва банк бозорлари, фикримизча, қонуний жиҳатдан ажратилган бўлиши керак. Қисқа ва узоқ муддатли кредитларга нисбатан банк сиёсатининг чегараланиши фирманинг молиявий натижаларида кредит учун тўловларни акс эттириш тартибига аниқлик киритилишини назарда тутди. Кўпроқ муомала соҳасида фойдаланиладиган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизнинг юқори нуқтаси “инфляция даражаси кўшув (плюс) 3 фоиз” тамойили бўйича аниқланиши мумкин. Узоқ муддатли инвестициялар кредит учун фоиз ставкаси маълум бўлган ҳолларда юқори чегарани белгилловчи бошқа тамойилга эга: “фойда олув (минус) кредит фоизи” ҳозирги шароитда кредит фоизининг бир қисми Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси чегарасида корхоналар маҳсулотларининг таннархига киритилади, яъни корхоналар кредитлар учун тўловнинг асосий қисмини истеъмолчиларнинг елкасига ағдаришади. Бироқ бу ҳол корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ташкил қилиш учун марказлашган кредитларга зарурат туғдирувчи тўланмаганлик занжирига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, замонавий банк менежментининг асоси бўлиб, банк маҳсулотини яратиш тадбирини оптималлаштириш ва мижозлар учун сервис жозибадорлигини ошириш ҳисобланади. Ушбу мақсадлар учун банк маълумотларни қайта ишлаш электрон технологиясига муҳтождир. Банк менежменти, шунингдек, товар, фонд, валюта биржаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг инфратузилмасини молиялаш, ҳисоб-китобларни тармоқларини барпо этиш билан ҳам боғлиқ. Банк учун биржа операцияларини кредитлаш фойдали, чунки

бу ерда кредит ресурслари юқори дивидендлар келтирган ҳолда, катта тезликда айланади. Шунинг учун биржаларнинг банклар билан молиявий холдинг компанияларига бирлаштирилиши катта самара беради. Умуман, ҳозирги вақтда банк менежментининг энг кенг тарқалган талқини бўлиб, бир томондан, банк ваколатидаги иқтисодий жараёнларни ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ муаммоларнинг, иккинчи томондан эса, банк жамоасини ташкил қилиш ва бошқаришга тааллуқли муаммоларнинг ажратилишини назарда тутувчи талқин ҳисобланади. Банк менежментининг асосий соҳалари билан бир қаторда унинг энг муҳим йўналишлари ҳам ажратилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг активлари самарадорлигини ошириш муҳим омиллардан ҳисобланиб, бу жараён банк фаолияти улар учун рискка дучор бўлиш оқибатида нафакат активлардан даромад олиш, балки мижозлар олдида мажбуриятларни бажара олмаслик муаммосини ҳамда молиявий маблағларни йўқотиш каби зарарларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Хусусан, кейинги йилларда халқаро даражада кўрадиган бўлсак, жаҳонда рўй бераётган пандемия, иқлим ўзгариши, молиявий-иқтисодий беқарорликлар тижорат банклари активлари таркибида ишламаётган кредитлар улушининг ортиши ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада пасайтирмоқда.

Фикримизча, жаҳон амалиётида тижорат банклари активларини самарали бошқариш ва жойлаштириш тажрибасини ўрганиш орқали Ўзбекистон тижорат банклари амалиётида жорий этилиши фойдадан ҳоли бўлмайди, чунки бу борада мамлакатимиз тижорат банкларида ҳам кейинги йилларда айрим долзарб масалалар йиғилиб қолмоқда. Хориж банклари активларини самарали бошқаришнинг тажрибаларини ўрганиш асосида уларнинг айрим ижобий жиҳатларини миллий банк тизимида жорий этиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. 1995 йил 21 апрель.
3. Қосимова М., Шамсиев А. Иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашда банкларнинг ўрни. //Бозор, пул ва кредит. 2006 йил, №6.
4. Муллажонов Ф. Банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаш-тириш – устувор вазифамиз. //Бозор, пул ва кредит, 2006 йил, №3.
5. Расулов Т. Ўзбекистонда пул бозорини ривожлантириш. //Бозор, пул ва кредит. 2006 йил, №2.
6. Тимоти У. Кох. Управление банком: пер. с англ. В 5-ти книгах. - Уфа, 1993; Банковское дело / Под ред. О.И.Лаврушина. - М., 1997.

LOCAL BUDGET FORMATION SYSTEMS

СИСТЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ МЕСТНОГО БЮДЖЕТА

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМЛАРИ

Narmanov Ulugbek
National university of Uzbekistan
Maqsudov Azamat
Almazar district tax office
Abdishukurova Guzal
National university of Uzbekistan

Abstract

The article covers the general theoretical basis of issues of improving the system of using additional sources of local budgets, the essence, implementation mechanism, and principles of local budget regulation methods are revealed, the importance of a particular method of local budget regulation in the formation of the region's income potential is researched.

Keywords: financial system, economic theory, stability, financial independence.

В статье освещены общетеоретические основы вопросов совершенствования системы использования дополнительных источников местных бюджетов, раскрыты сущность, механизм реализации и принципы методов местного бюджетного регулирования, значение того или иного метода местного бюджетного регулирования в исследуется формирование доходного потенциала региона.

Ключевые слова: финансовая система, экономическая теория, стабильность, финансовая независимость.

Мақолада маҳаллий бюджетларнинг кўшимча манбаларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш масалаларининг умумий назарий асослари ёритилган, маҳаллий бюджетни тартибга солиш усулларининг моҳияти, амалга ошириш механизми ва тамойиллари, маҳаллий бюджетни тартибга солишнинг муайян усулининг аҳамияти очиб берилган ва минтақанинг даромад салоҳиятини шакллантириш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: молия тизими, иқтисодий назария, барқарорлик, молиявий мустақиллик.

Today, as in all spheres of our social life, the implementation of deep changes in the budget system is the main demand of the present day. Public finance plays a key role in the sustainable implementation of the country's economic policy. The basis of the state financial system is the budget system. On the one hand, it concentrates the decisive part of the resources, and on the other hand, it ensures the interconnection of all financial links and institutions, coordinates their activities.

Local budgets are an important component of the state budget of the Republic of Uzbekistan and are the main financial source of the activities of local governments. Local budgets ensure the full satisfaction of local needs and the implementation of centrally implemented state measures.

Local budgets are an important part of the budget system of the Republic of Uzbekistan. The fundamental changes taking place in the economy of the Republic of Uzbekistan require a revision of the financial and economic theory, the budget process and the fulfillment of the rights and obligations of the budget in the spirit of socio-economic creativity.

The Presidential Decree "On additional measures to further expand the financial opportunities of neighborhoods by introducing the neighborhood budget system" (No. PQ-458, 26.12.2022) was adopted [4]. According to the decision, starting from January 1, 2023, the

"Neighborhood budget" system will be introduced as a legal experiment in the districts shown in the table below and with a low rate of tax collection. 10% of the funds collected from the property and land tax in these areas (with the exception of the property and land tax on non-residential premises) are transferred to the appropriate funds through the district budgets before the 10th day of the month following the reporting month.

Regulation of local budgets is a process of balancing budgets based on the differentiation of expenditure obligations and sources of income, and higher authorities depending on the economic, geographical and climatic conditions of the regulated territories determine the methods of their implementation.

In international practice, three main models for the distribution of tax powers between budgets are used. The purpose of regulating local budgets is to strengthen the financial independence of regions and increase their responsibility for decisions made at their level [1].

The first model is to set limits on the powers to collect taxes and assign them to a specific level of government. In the practice of Uzbekistan, this model is used, officially each type of tax is tied to a certain level of the budget, that is, state and local taxes.

The second model is the sharing of the tax base. We can observe that this model is used in the Russian Federation. In particular, the corporate income tax rate is 20%, of which 2% is supposed to go to the federal budget, and the remaining 18% is left to the discretion of the constituent entities of the Russian Federation.

The third model is the normative distribution of income from specific taxes, which are levied at a single rate throughout the country, between the budgets of different levels. Budget policy in the conditions of market relations importance, the role of local budgets in budget processes, the activities of local government bodies, issues of finance and budget policy, economic development of regions and local budgets are urgent issues of solving problems [2].

In the Republic of Uzbekistan, the first and second models are widely used to regulate inter budgetary relations. In particular, as mentioned above, according to the first model, taxes are tied to a certain level of the budget. The second model is used to distribute regulatory taxes among local budgets. In the current period of economic modernization, the importance of local budgets in ensuring the financial stability of regions is increasing, and for this purpose, strengthening the income base of local budgets is of great importance [3].

According to the Budget Code, the budgets of the Republic of Karakalpakstan and local budgets must be balanced, that is, the budgets of these regions cannot be in deficit. Balancing the budgets of the Republic of Karakalpakstan and local budgets is carried out through the distribution and redistribution of state taxes from the republican budget of the Republic of Uzbekistan and from higher budgets, as well as financial assistance. In the practice of Uzbekistan, we can observe that almost all state taxes are used as regulatory taxes.

In conclusion, we can say that the further development of the system of state financial control, which controls the efficient and rational use of budget funds, regulates the spending of budget funds for specific targets, is the main priority of the budget policy of the direction.

Revenues of local budgets are a source of financial resources of local authorities aimed at financial provision of regional socio-economic activities.

Consolidated revenues are funds belonging to the subject of budget law, that is, funds that come to the budget in full or in a fixed proportion.

One of the main factors of their financial independence is the increase in the share of local taxes and fees in the income of local budgets. In reality, local taxes and levies should have a uniform level of influence in ensuring the effective implementation of the state's socio-economic policy.

The importance of local budgets in the implementation of regional social and economic reforms is directly related to the expenditure obligations assigned to them. The expenditure part of the local budgets is more evident as a result of the economic and social conditions of the country. The main aspect of the activity of local authorities is the economic and social aspects of their territories implementation and reworking of development plans.

The increase in population (as a result of immigrants) leads to the creation of new districts, the implementation of measures to improve the communal economy, and the expansion of local budget expenditures in the organization of improvement works in populated areas.

In world practice, the financial capabilities of local budgets are expressed in their absolute stability. It is clear that the expenses financed by them are options for full financing at the expense of the attached revenues (mainly local taxes and fees) and regulatory revenues in the form of deductions from the budget. We can consider this based on the following formula:

$$Bs < Db + Dt;$$

Bs – budget costs;

Db- budget revenues;

Dt- regulatory revenues.

If there is a lack of fixed and regulatory revenues, in such conditions funds will be allocated from the higher budget at the expense of forms of financial assistance under the policy of financial equalization. Such a situation is recognized as a state of instability of local budgets.

Local authorities and local self-government in the issues of all-round and sustainable development of the territories under their jurisdiction in the conditions of the market economy, ensuring consistent development of industry, development of small business and entrepreneurship, effective use of local natural resources, protection of the environment and organization of the local labor market the role of the bodies is particularly important. The importance of budget policy in the conditions of market relations, the role of local budgets in budget processes, the activities of local government bodies, issues of finance and budget policy are urgent issues of regional economic development and local budgets for solving problems.

Currently, one of the problems in the process of formation of public finances is the formation of local budget revenues and ensuring their stability, in this regard, economists recognize that local budgets depend on the increasing importance of taxes in ensuring their financial stability.

It can be seen from the data in the table that in the analyzed years, financial resources are allocated from the republican budget to local budgets in the form of subventions and interbudgetary transfers. In the analyzed years, subventions and interbudgetary transfers were regularly allocated to Jizzakh, Namangan, Surkhandarya and Syrdarya regions, while financial support to the local budgets of individual regions was allocated only for a certain number of years. The volumes of interbudgetary transfers are determined in the current financial year when legislation is adopted that causes changes in income and expenditure of budgets of various levels, as well as when all relevant taxes and other mandatory payments are completely reduced, as well as when funds allocated from the budget are used. Naturally, this situation causes the powerlessness of local authorities in financing local budgets. As a way out of this situation, we believe, firstly, it is necessary to increase the responsibility and powers of local authorities in increasing local budget revenues, secondly, to improve the mechanism for crediting tax revenues in excess of the plan to the local budget, and thirdly, to implement measures to increase the formation of additional reserves by local authorities, the creation of new growth in the balance of local taxes and fees in the structure of local budget revenues is one of the main factors of their financial independence. Even in reality, local taxes and fees should have the same impact on ensuring the effective implementation of state socio-economic policies.

Today, we consider it expedient to take measures to reduce tax incentives for local taxes and gradually grant the right to establish tax incentives for local taxes to local authorities in a situation where local budget revenues do not cover their expenses.

List of used literature

1. Sadullayev B.M. WAYS OF STRENGTHENING AND IMPROVING THE LOCAL BUDGET REVENUE BASE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.<https://wordlyknowledge.uz/index.php/iqro/article/download/629/691/634>.
2. Sultanov Sh.N., Kadirov B.F. DIRECTIONS FOR FORMATION OF LOCAL BUDGETS. inlibrary.uz.

3. Soatova N.B. DIRECTIONS FOR REGULATING LOCAL BUDGET REVENUES. <https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/6003/6344>.
4. <https://advice.uz/oz/document/2859>

UDK:336.5

**AMERIKA QO‘SHMA SHTATLARI FEDERAL VA SHTAT BUDJETLARINING
SOG‘LIQNI SAQLASH DASTURLARIGA XARAJATLARI: “MEDICAID” DASTURI**

**ФЕДЕРАЛЬНЫЕ РАСХОДЫ СОЕДИНЕННЫХ ШТАТОВ АМЕРИКИ И ШТАТОВ НА
ПРОГРАММЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ: ПРОГРАММА “МЕДИКЕЙД”**

**FEDERAL EXPENDITURES OF THE UNITED STATES AND STATES ON HEALTH
PROGRAMS: MEDICAID PROGRAM**

**Rejapov Xayrillo Xikmatullayevich,
Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy univeristeti,
Moliya va kredit kafedrasi mudiri dotsent, DSc**

Annotatsiya

Maqolada Amerika Qo‘shma Shtatlarida hukumat tomonidan sog‘liqni saqlash dasturlari atrofidagi murakkab fiskal dinamika o‘rganiladi. Shuningdek federal va shtat darajasidagi budjet xarajatlarida kam ta‘minlangan shaxslar va oilalarga xizmat ko‘rsatish tashabbuslariga asosiy e‘tiborni qaratgan holda, sog‘liqni saqlash dasturlarining ijrosi o‘rganiladi.

Kalit so‘zlar: federal budjet, shtat budjeti, sog‘liqni saqlash dasturlari, hukumat tomonidan homiylik qilish, kam ta‘minlangan shaxslar, zaif aholi.

В статье исследуется сложная финансовая динамика, связанная с государственными программами здравоохранения в США. В нем также рассматривается реализация программ общественного здравоохранения на уровне федерального бюджета и бюджета штата с упором на инициативы по обслуживанию людей и семей с низкими доходами.

Ключевые слова: федеральный бюджет, бюджет штата, программы здравоохранения, спонсируемые государством лица с низкими доходами, уязвимые группы населения.

This article examines the complex financial dynamics associated with government health care programs in the United States. It also examines the implementation of federal and state public health programs, with an emphasis on initiatives to serve low-income individuals and families.

Key words: federal budget, state budget, health care programs, government-sponsored, low-income individuals, vulnerable populations.

Amerika Qo‘shma Shtatlari federal va shtat budjetlari mamlakatning moliyaviy boshqaruvining asosiy qismi, davlat tomonidan amalga oshirilayotgan barcha dasturlar va siyosatlar uchun esa moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni asosi bo‘lib hisoblanadi. Uning umumiy tuzilishi mamlakatning o‘ziga xos shakli bilan ajratilgan va o‘zgarmaydigan qonun va qarorlar asosida amalga oshiriladi. Har yili yangi budjet tasdiqlanishi o‘tkaziladi va bu mamlakatning moliyaviy siyosatini va darajasini aniqlashda katta ahamiyatga egadir. Amerika Qo‘shma Shtatlari federal va shtat budjetlarining sog‘liqni saqlash dasturlariga sarflanadigan xarajatlarini kompleks tarkibiy tahlilini o‘rganib chiqish O‘zbekiston uchun ham moliyaviy boshqaruvni amalga oshirishda hamda o‘zining moliyaviy strategiyalarni mustahkamlash va sog‘liqni saqlashga xarajatlarni samarali

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 9-son 2023 yil

boshqarishga oid yangi tajribalarga ega bo‘lishda juda muhimdir. Jumladan, O‘zbekiston va Amerika Qo‘shma Shtatlari o‘rtasidagi munosabatlarni yanada yaxshilash jarayonidagi harakatlarga misol qilib O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining “Amerika Qo‘shma Shtatlari bilan hamkorlikni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” qarorini[1] keltirishimiz mumkin. Ushbu qaror ikki davlat orasidagi hamkorlik ko‘lamini kengaytirishga hamda bitim va shartnomalarni o‘z vaqtida bajarishni ta‘minlashga qaratilgan.

Amerika Qo‘shma Shtatlari federal budjetining tuzilishi, ichki jarayonlari va uning boshqaruv, davlat boshqaruvi va kengroq iqtisodiyotga ta‘siri haqida Allen Schickning "The Federal Budget: Politics, Policy, Process"[2] kitobida ma‘lumotlar berilgan.

Amerika Qo‘shma Shtatlari iqtisodiyoti, budjet tashkilotlari, jahon iqtisodiyotida tutgan o‘rni va federal va shtat budjetlari haqida A.V. Vahabov, D.A. Tajibayeva, SH.X. Xajibakiyevning “Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar”[3] o‘quv qo‘llanmasida o‘rganilgan.

Amerika Qo‘shma Shtatlarida sog‘liqni saqlash dasturlari uchun federal va shtatlar budjeti xarajatlari mamlakatning ijtimoiy tuzilishini, iqtisodiy farovonligini va umumiy sog‘liqni saqlashni shakllantirishda muhim ahamiyatga ega. Ushbu mablag‘lar aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlari, ayniqsa moliyaviy imkoniyatlari cheklanganlar uchun tibbiy xizmatdan foydalanishni ta‘minlashga qaratilgan tashabbuslarning moliyaviy asosi bo‘lib xizmat qiladi.

Mablag‘larni sog‘liqni saqlash dasturlariga yo‘naltirish orqali hukumat insonning asosiy huquqi - sog‘liq huquqiga murojaat qiladi. Ushbu majburiyatning ahamiyati uning sog‘liqni saqlashdan foydalanish imkoniyatiga bevosita ta‘siridadir. Aks holda tibbiy xizmatlar uchun yengib bo‘lmaydigan to‘siqlarga duch kelishi mumkin bo‘lgan kam ta‘minlangan shaxslar va oilalar ushbu tashabbuslardan katta foyda olishadi. Medicaid, CHIP (Bolalar sog‘lig‘ini sug‘urtalash dasturi) yoki boshqa maqsadli dasturlar orqali bu xarajatlar tibbiy yordamga muhtoj bo‘lgan, lekin undan foydalanish uchun moliyaviy imkoniyatlarga ega bo‘lmaganlar uchun hayot manbai bo‘lib xizmat qiladi.

1-jadval

“Medicaid” dasturi uchun sarflagan xarajatlari dinamikasi, (milliard AQSH dollari miqdorida) [4]

Yillar	1966	1970	1975	1980	1985	1990	1995	2000	2001
Federal	0,5	2,8	7,3	14	22,8	40,9	90,7	117	129,8
Shtat	0,4	2,3	5,9	11,2	18,4	31,3	68,8	89,2	99,2
Yillar	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Federal	146,6	161	175	1804	179,3	189	200,2	246,3	269,8
Shtat	11,6	115,1	121,3	135,5	135,8	143,2	151,7	132,3	131,7
Yillar	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Federal	270,5	248,8	263	299,3	346	364,5	370,2	386,5	399,4
Shtat	156,4	182,2	193	195,4	203,1	212,7	229,9	229,6	240

Bundan tashqari, ushbu budjet mablag‘larining ahamiyati sog‘liqni saqlash sohasidagi nomutanosiblikni kamaytirishga qaratilgan. Ko‘pincha sog‘liqning tengsizligidan nomutanosib ravishda ta‘sir ko‘rsatadigan zaif aholi strategik jihatdan davlat resurslari yo‘naltirilganda yaxshi natijalarga erishadi. Bunday maqsadli moliyalashtirish mamlakatning adolatli sog‘liqni saqlash tizimini yaratishiga yordam beradi. Iqtisodiy nuqtai nazardan, sog‘lom aholi barqaror mahsuldorlik uchun muhim ahamiyatga ega. Arzon tibbiy xizmatdan foydalanish imkoniyatiga ega bo‘lgan shaxslar ishchi kuchiga faol hissa qo‘shuvchi bo‘lib qolish ehtimoli ko‘proq. Bu, o‘z navbatida, iqtisodiy barqarorlikni kuchaytiradi, davolanmagan yoki noto‘g‘ri boshqariladigan sog‘liqni saqlash sharoitlari natijasida ishlamaslik va nogironlik bilan bog‘liq iqtisodiy yukni kamaytiradi. Quyida 1966-yildan 2019-yilgacha bo‘lgan davrda Amerika Qo‘shma shtatlari federal va shtat

budjetlarining sog‘liqni saqlashga qaratilgan “Medicaid” dasturi uchun sarflangan xarajatlari aks ettirilgan (1-jadval)[4].

Amerika Qo‘shma Shtatlarida sog‘liqni saqlash xarajatlari 2019-yilda 639 milliard AQSH dollarini tashkil etdi va bu oxirgi 10 yillikda eng yuqori natija bo‘ldi. Federal hukumat 2019-yilda sog‘liqni saqlash umumiy xarajatlarining taxminan 60 foizini to‘lagan bo‘lsa, qolgan 40 foizini shtatlar to‘lagan. Sog‘liqni saqlash xarajatlari asosan keksalar va nogironlar uchun sarflangan bo‘lib, ushbu mablag‘lar 2017-yilda sog‘liqni saqlash xarajatlarining yarmidan ko‘pini tashkil etdi. 2018-yilda qariyalar muassasalari va uyda tibbiy xizmat ko‘rsatishni o‘z ichiga olgan uzoq muddatli parvarishlash xizmatlariga sarflangan mablag‘lar taxminan 125 milliard AQSH dollarini tashkil etdi va uning tarkibida uzoq muddatli parvarishlash xizmatlari barcha sog‘liqni saqlash xarajatlarining qariyb 20 foizini tashkil etdi. 1966-yilda Amerika Qo‘shma Shtatlarida sog‘liqni saqlash uchun juda kam miqdorda 0.5 milliard AQSH dollari miqdorida bo‘lgan bo‘lsa, uchbu ko‘rsatkich 1980-yilda 14 milliardgacha ko‘tarildi va qariyb 14 martadan ko‘proq xarajatlar oshdi. 2018-yilga kelib esa ushbu xarajatlar 616.1 milliard AQSH dollariga yetdi (1-jadval), shtatlar o‘rtasida esa Kaliforniya sog‘liqni saqlash xarajatlari bo‘yicha eng yuqori bo‘lgan shtat bo‘ldi[5].

USAID AQSh xukumatining silga qarshi kurash bo‘yicha global sa’y-harakatlariga rahbarlik qiladi. Agentlikning 2023–2030 yillarga mo‘ljallangan global strategiyasi sildan xoli dunyo haqidagi tasavvurlarni ro‘yobga chiqarishga qaratilgan. Xalqaro tuzilma bu borada O‘zbekiston hukumatining ham faol hamkori hisoblanadi. 1993 yildan 2023 yilgacha AQSh hukumatining O‘zbekistonga sog‘liqni saqlash sohasidagi yordamining umumiy miqdori 155 million dollardan ziyodni tashkil etdi. Shundan qariyb 60 million dollari sil kasalligiga qarshi kurashga yo‘naltirildi.

Sog‘liqni saqlash dasturlari federal va shtatlar rejasi bo‘lib, dasturni boshqarish xarajatlari teng ikkiga bo‘linadi. Shtatlar o‘zlarining sog‘liqni saqlash xarajatlarini federal hukumatga har chorakda hisobot berishadi va federal hukumat ushbu xarajatlarni formulaga muvofiq to‘laydi. Ushbu formula federal hukumat kambag‘al shtatlarda xarajatlarning katta qismini to‘lashi uchun ishlab chiqilgan, ammo umuman olganda, shtat xarajatlari federal hukumat tomonidan 50 foiz stavkada mos keladi.

Sog‘liqni saqlash tizimining ijtimoiy vazifasidan kelib chiqqan holda uni tashkil qilish va moliyalashtirishda quyidagi tamoyillarga e’tibor berish muhim ahamiyatga ega[7]:

- Qulay tibbiy yordam, ya’ni jamiyatning har bir a’zosining ijtimoiy kelib chiqishi va moliyaviy imkoniyatlaridan qat’i nazar tibbiy yordamdan foydalanish sharoitini yaratilishi;
- Tibbiy yordamning sifati (ilmiy, texnologik va ijtimoiy sifati-aholini tibbiy xizmatga jalb etilish darajasi);
- Tibbiy xizmatlar haqida axborotlar (ularning to‘liq ro‘yxati asosida narxlar) berish, xususan bepul tibbiy xizmatning hajmi va turlari bo‘yicha aniq ma’lumotlari yetkazish;
- Bepul tibbiy xizmatdan foydalanishi mumkin bo‘lgan shaxslar toifasi va imtiyozli retseptlari bo‘yicha dorilar beruvchi dorixonalar ro‘yxati.

Bu kabi katta xarajatlarni amalga oshirishining bir qancha sabablari mavjud. Amerika Qo‘shma Shtatlarida demografik landshaft qarigan aholi tomon siljib bormoqda. Ko‘pincha keng qamrovli tibbiy xizmatlarga muhtoj bo‘lgan keksalar aholining o‘sib borayotgan qismini tashkil qiladi. Inson yoshi ulg‘aygan sari surunkali kasalliklarning tarqalishi ortib boradi, bu esa ko‘proq tibbiy yordamni talab qiladi va sog‘liqni saqlash xarajatlarini yanada oshiradi. Amerika sog‘liqni saqlash infratuzilmasining takomillashganligi va ilg‘or tibbiy texnologiyalarning integratsiyalashuvi xarajatlarning muhim qismini tashkil etadi. Ushbu yutuqlar yuqori sifatli tibbiy xizmat ko‘rsatishga hissa qo‘shsa-da, ular bir vaqtning o‘zida tizimning umumiy narxini oshiradi va katta moliyaviy majburiyatlarni talab qiladi. Amerika Qo‘shma Shtatlarida xususiy tibbiy sug‘urta tizimining ustunligi ma’muriy murakkabliklar va yuqori qo‘shimcha xarajatlarni keltirib chiqaradi. Bir nechta to‘lovchilar, provayderlar va sug‘urtachilar bilan tavsiflangan sog‘liqni saqlash tizimidagi parchalanish samarasizlikni yanada kuchaytiradi va xarajatlarning oshishiga yordam beradi. Qo‘shma Shtatlar sog‘liqni saqlashning muhim ehtiyojlariga tezda javob berish muhimligini tan

olgan holda shoshilinch tibbiy yordam va travma yordamiga katta resurslar ajratadi. Ushbu xizmatlar jamoat salomatligi va xavfsizligi uchun ajralmas bo‘lsa-da, ular sog‘liqni saqlash budjetlariga umumiy moliyaviy yukni ham oshiradi.

Medicaid xarajatlari ma’muriy xarajatlarni, buxgalteriya hisobidagi tuzatishlarni o‘z ichiga olmaydi. Agar ushbu qo‘shimcha xarajatlarni ham qo‘shib hisoblaganda Medicaidning umumiy xarajatlari 2022-moliya yilida 824 milliard AQSH dollari tashkil etdi[6].

Xulosa o‘rnida shuni takidlash mumkinki, Amerika Qo‘shma Shtatlarining sog‘liqni saqlash uchun xarajatlari yilda-yilga oshib bormoqda. Bu esa kelgusi yillarda Amerika Qo‘shma Shtatlarida insonlarning yanada sog‘lom turmush tarzida yashashiga hamda o‘rtacha umr ko‘rish davomiyligini uzayishiga olib keladi. Albatta, sog‘liqni saqlashga qaratilgan xarajatlarni kengaytirishning muhimligini inobatga olgan holda, ularning turli yo‘nalishlarda to‘g‘ri taqsimlanishi va me‘yorini saqlashni ustidan moliyaviy nazoratni olib borish ham o‘z ahamiyatiga egadir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. <https://www.lex.uz/docs/-592033>
2. Allen Schick with the assistance of Felix LoStracco. The Federal Budget: Politics, Policy, Process. Copyright Date: 2000. Published by: Brookings Institution Press. Pages: 307. <https://www.jstor.org/stable/10.7864/j.ctvg2524q>
3. J.Vahabov.A.V, Tajibayeva D.A, Xajibakiyev.SH.X. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar. O‘quv qo‘llanma – T.:Moliya, 2011.-708 bet.
4. <https://www.statista.com/statistics/245350/total-medicaid-federal-and-state-expenditure-in-the-us-since-1966/>
5. <https://www.statista.com/statistics/245350/total-medicaid-federal-and-state-expenditure-in-the-us-since-1966/>
6. <https://www.kff.org/medicaid/state-indicator/total-medicaid-spending/?currentTimeframe=0&sortModel=%7B%22colId%22:%22Location%22,%22sort%22:%22asc%22%7D>
7. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/2_Jumayev_Rakhmonov.pdf

**МЕҲНАТ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ**

**ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТРУДОВОГО
ПОТЕНЦИАЛА И ВОЗМОЖНОСТИ ЕГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**FOREIGN EXPERIENCE IN THE EFFECTIVE USE OF LABOR POTENTIAL
AND THE POSSIBILITY OF ITS USE IN UZBEKISTAN**

**Толаметова Зилола Абдижапаровна,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети “Иқтисодиёт назарияси”
кафедраси доценти, и.ф.н.**

tolametova.zilola73@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада меҳнат салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишнинг хорижий мамлакатларга оид тажрибаси ва моделларининг типологияси ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида ундан фойдаланишнинг имкониятлари ёритиб берилган. Ривожланган мамлакатларда иқтисодий фаол аҳолини хизмат кўрсатиш соҳаларида, юқори технологик саноат тармоқларида бандлиги юқори бўлиб, қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар қисқариб бораётганлиги таъкидлангани ҳолда, бугунги даврда меҳнат салоҳиятидан фойдаланишда Ўзбекистонда “Сканданавия сервис моделини” тажрибаларидан самарали фойдаланиш зарурати ёритиб берилган.

Таянч иборалар: Меҳнатда бандлик, эгилувчан меҳнатда бандлик, анаънавий меҳнатда бандлик, инновацион бандлик, ишсизлик, инсон тараққиёти индекси.

В данной статье разработана типология опыта зарубежных стран и модели развития трудового потенциала и его эффективного использования, а также освещены возможности его использования в Республике Узбекистан. В развитых странах высока занятость экономически активного населения в сфере услуг и высокотехнологичных отраслях промышленности, а численность занятых в сельском хозяйстве снижается, возникает необходимость эффективного использования опыта «Скандинавской сервисной модели» в использовании трудового потенциала Узбекистана.

Ключевые слова: Занятость рабочей силой, занятость гибким трудом, занятость традиционным трудом, инновационная занятость, безработица, индекс человеческого развития.

This article has developed a typology of the experience of foreign countries and a model for the development of labor potential and its effective use, and also highlights the possibilities of its use in the Republic of Uzbekistan. In developed countries, the employment of the economically active population in the service sector and high-tech industries is high, and the number of people

employed in agriculture is declining; there is a need to effectively use the experience of the “Scandinavian service model” in using the labor potential of Uzbekistan.

Keywords: Labor force employment, flexible labor employment, traditional labor employment, innovative employment, unemployment, human development index.

Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда меҳнат салоҳиятини ва ундан самарали фойдаланиш муаммоларини ўрганиш, уларни ечиш йўллари ҳозирги замон талабига мос ҳолда белгилаш ва такомиллаштириш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан биридир. Жаҳон миқёсида баъзи мамлакатларда меҳнат ресурсларининг кўпайиб бораётганини, баъзиларида камайиб бораётганини кузатишимиз мумкин. Меҳнат ресурсларининг миқдорий ўзгариши бандлик масалалари долзарблигини келтириб чиқармоқда. 1820 –йилда дунё аҳолиси 1 миллиард, 1960-йилда 3 миллиард кишидан иборат бўлган бўлса, 2023-йилда эса дунё аҳолиси 8,09 млрд кишига етди[1]. Демографик жараёнлар натижасида жаҳонда аҳоли сонини кескин ошиб бораётганлигини, бу эса ўз навбатида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш долзарб масалалардан эканлигини кўрсатади. Жамият меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланилган, аҳолини самарали бандлиги таъминланган ҳолатда эса турмуш даражасини ошириш имкониятлари ошиб боради. Дунё миқёсида меҳнат ресурсларининг аксарияти Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, АҚШ, Россия каби йирик давлатларда жамланган. Шундан Ҳиндистон аҳолиси 2023-йилда 1 млрд 425 млн[2], Хитой аҳолиси 1 млрд 411 млн[3] дан иборат бўлди, Россия аҳолиси 146,7 млн, Бразилия аҳолиси 212,6 млн, АҚШ аҳолиси 329,2 млн кишидан, Ўзбекистон аҳолиси 36,0 млн кишидан иборат бўлди.

Аҳолининг меҳнатда бандлик ҳолатига демографик жараёнлар ўз таъсирини кўрсатар экан, Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ўсиши юқоридир, айтилиши вақтларда дунё миқёсида баъзи мамлакатларда жумладан Европа мамлакатларида аҳолининг кексайиши кузатилмоқда. Демографик вазият 2050 йилда дунё аҳолиси 9,3 миллиард бўлишини кўрсатмоқда. Бу даврда ҳар бир аёлга 2 тадан фарзанд тўғри келади, Осиёда аёллар кўпайиши кутилмоқда, 15 ёшдан кичик ёшдагиларни ўсиши барқарор бўлиб қолади[4]. БМТ прогнозларига кўра 2050-йилда дунё аҳолисини ярмидан кўпи Осиёда, 25 фоизи – Африкада, 8,2 фоизи – Лотин Америкасида, 7,4 фоизи – Европада, 4,7 фоизи - Шимолий Америкада яшаши кутилмоқда. 21-асрни бошидан буён аҳоли ўсишининг 97 фоизи ривожланаётган мамлакатлар яъни Африка, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларига тўғри келмоқда[3].

2017 –йилда дунё миқёсида ишсизлик 192,7 млн кишини ташкил этгани ҳолда, ишсизлик даражаси 5,6 % дан[5], 2022-йилда эса 207 млн кишидан, яъни 5,5 % дан иборат бўлди. Глобал муаммолардан бири шундаки ривожланаётган ва ривожланмаган мамлакатларда яшаётган ишчиларнинг аксарияти норасмий бандлар тоифасига мансуб бўлиб, рўйхатдан ўтмаган фирмаларда фаолият олиб бормоқдалар. Мазкур иш жойларининг аксариятида меҳнат шароити талабларга жавоб бермайди, ишчилар ижтимоий суғурта ҳам қилинмаган. 20-асрнинг сўнгги ўн йилликлари - 21-аср бошларидаги жаҳон тажрибаси барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, миллий рақобатбардошликни ошириш ва мамлакат иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, жадал ўзгариб бораётган глобал рақобат шароитида ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлаш учун меҳнат ресурсларининг таълим ва касбий тайёргарлиги даражаси, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳияти тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Юқори малакали кадрлар салоҳиятининг аҳамиятини англаш сўнгги ўн йилликларнинг асосий тенденциясига айланди ва иқтисодиётни кадрлар билан

таъминлашда давлатнинг роли нафақат ривожланган мамлакатларда, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам юқоридир. Бизнингча, АҚШнинг меҳнат салоҳиятини ривожлантириш тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, АҚШ меҳнат салоҳиятини шакллантиришнинг асоси меҳнат ресурслари манбаи сифатида аҳолининг ўсиши ҳисобланади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Кўшма Штатлар аҳолиси доимий равишда ўсиб бормоқда, фақат сўнгги чорак асрнинг ўзида у 30% га ошди. Расмий прогнозларга кўра, АҚШ аҳолиси 2041 йилга бориб 400 миллион кишига кўпаяди ва 2050 йилда у 419,8 миллион кишини ташкил қилади[6]. Америка аҳолисининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолиси кўпайиш тенденциясини акс эттиради. 2022 йилда 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар 65,1 миллион киши, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар - 194,5 миллион, 65 ёшдан ошганлар - 36,8 миллион кишини ташкил этган[6]. Аҳолининг ёш таркибининг миқдорий кўрсаткичлари ва уларнинг динамикаси энг муҳим омиллардан, аммо меҳнат бозорининг замонавий талабларига мос келадиган меҳнат салоҳиятини шакллантиришнинг ягона омили эмас. Меҳнат салоҳиятининг сифати аҳолининг таълим ва малака даражасини, соғлиғи ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар гуруҳи асосида таҳлил қилиниши мумкин. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш, таълим, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида тегишли сиёсат олиб бориб меҳнат салоҳияти сифатига таъсири кучайтирилмоқда. Меҳнат салоҳиятини шакллантиришда давлат билан биргаликда оила, тижорат ва хусусий нотижорат ташкилотлари, шунингдек, халқаро институтлар (масалан, БМТ, ЮНЕСКО, ЖССТ, ХМТ ва бошқалар) иштирок этади. Халқаро амалиётда мамлакатларни ривожланиш даражаси бўйича солиштириш учун инсон тараққиёти индекси жорий қилинган. Инсон тараққиёти индекси қиймати 0 дан 1 гача ўзгариши мумкин ва у 1 га қанчалик яқин бўлса, маълум бир мамлакатда инсон тараққиёти даражаси шунчалик юқори бўлади ва керакли натижаларга эришиш учун босиб ўтиш керак бўлган йўл шунчалик қисқароқ бўлади. 2022-йилда Инсон тараққиёти индекси ўта юқори бўлган мамлакатлар гуруҳида 1-ўринни Швеция (0,962), 2-ўринни Норвегия (0,961) эгаллади ва инсон тараққиёти ривожланишининг ўта юқори даражасига эга бўлган гуруҳга мос келди. 2022-йилда Ўзбекистон инсон тараққиёти индекси бўйича (0,727) юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига кирган бўлиб, 101-ўринни эгаллаган[6].

Меҳнат салоҳиятининг миқдор кўрсаткичларига аҳолининг умр кўриш давомийлиги ҳам таъсир кўрсатади. Америка Кўшма Штатларида ўртача умр кўриш давомийлиги 2022-йилда 80,3 ёш, Японияда 86,0, Швейцарияда 82,8, Австралияда 82,7, Испанияда 83,5, Швецияда 82,6, Италияда 83,4, Канадада 83,4, Францияда 82,9, Норвегияда 82,1, Ирландия 82,3, Буюк Британияда 81,3 ва Германия 81,0 ёшни ташкил этган[7]. Билимга асосланган иқтисодиёт ходимларнинг малака потенциалига, уларнинг таълим даражасига, умумий ва махсус билимларнинг кўп қирралилигига, касбий тайёргарлигига, уларга маълум мазмун ва мураккабликдаги вазифаларни бажаришга имкон берадиган кўникмаларга тобора ортиб бораётган талабларни қўяди. 25-64 ёшдаги Олий маълумотли аҳоли улуши бўйича АҚШ (39%), Канада (47%), Япония (40%), Дания ва Финляндияда (35%), шунингдек, Швеция (31%) ташкил этган. Меҳнатга лаёқатли ёш гуруҳларидан бирида (35 ёшдан 44 ёшгача) олий маълумотга эга бўлганларнинг улуши АҚШ да 41 фоизни, Канадада эса 51 фоизни, Японияда эса 46 фоизни ташкил этади. АҚШ аҳолининг таълим даражаси ва сифатини оширишда давлатнинг анъанавий юқори даражадаги иштироки билан ажралиб туради, бу меҳнат салоҳияти сифатига алоҳида эътибор қаратилишини акс эттиради. Америка таълим муассасалари турли ёшдаги кишиларни тайёрлайди, АҚШ олий таълими нафақат мутахассислар тайёрлашда, балки уларни касбий қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда

хам муҳим ўрин тутди. Охирги 10 йилликларда АҚШ университетларида талабаларнинг атиги 61 фоизи 18 ёшдан 24 ёшгача бўлган 21,3% - 25 ёшдан 34 ёшгача ва қолган 17,7% - 35 ёшдан катталардан иборат бўлган[7]. АҚШда олий таълимнинг ривожланишида жисмоний шахслар ва корпорациялар томонидан кўрсатилган ихтиёрий молиявий ёрдам муҳим рол ўйнашда давом этмоқда.

1-жадвал

Инсон тараққиёти индексини руйхати мамлакатлар бўйича 2022 йил[7]

ИТИ ЎТА ЮҚОРИ БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР			ИТИ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР		
1.	Швецария	0,962	68	Болгария	0,795
2.	Норвегия	0,961	76.	Эрон	0,774
3	Исландия	0,959	79	Хитой	0,768
4	Гонконг	0,952	86.	Мексика	0,758
5	Австралия	0,951	87	Бразилия	0,754
6	Дания	0,948	91	Азарбайжон	0,745
7	Швеция	0,947	91	Туркменистон	0,745
8	Ирландия	0,945	101	Ўзбекистон	0,727
9.	Германия	0,942	ИТИ ЎРТАЧА БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР		
10.	Нидерландия		118	Қирғизистон	0,692
18.	Буюк Британия	0,929	122	Тожикистон	0,685
21	АҚШ	0,921	129	Бангладеш	0,661
26	БАА	0,911	132	Хиндистон	0,633
28	Франция	0,903	ИТИ ПАСТ МАМЛАКАТЛАР		
48	Туркия	0,838	161	Покистон	0,544
52	Россия	0,822	191	Жанубий Судан	0,385
56.	Қозоқистон	0,811			
60	Беларусия	0,808			

Япония меҳнат салоҳиятини ривожлантириш тизимининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унда меҳнат бозори компания доирасига бирлаштирилганлиги билан боғлиқ. Компаниянинг ходимини шакллантиришнинг таркибий қисми бу барча тоифадаги ходимларнинг хизмат ротацияси ҳисобланади. Ходим биринчи навбатда барча турдаги ишларни ўзлаштиради, кейин эса бир жойда мустаҳкамланади. Натижада у ҳар хил турдаги ишларни бажариши мумкин бўлади. Ғарбий Европа мамлакатлари ўзларининг касб-хунар таълими тизимини ва уни давлат томонидан тартибга солишни ишлаб чиқдилар. Данияда узлуксиз касбий тайёргарлик бўйича касб-хунарга ўқитиш ва ижтимоий дастурларни амалга ошириш йўлга қўйилган, ГФРда - федерал ва узлуксиз таълим федерал институти мавжуд, Берлинда ишлаб чиқариш учун кадрларни тайёрлашни тизимини ривожлантириш бўйича

Европа маркази ташкил этилган. Нидерландияда штат ва минтакавий касб-хунар таълими органлари биргаликда ўқув дастурларини ишлаб чиқади ва ходимлар компания директорлари билан имзолаган ўқув шартномалари бажарилишини назорат қилади. Белгияда эса касбий таълим марказлари Миллий бандлик хизмати томонидан бошқарилади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида таълимнинг муқобил шакли ҳам кенгайиб бормоқда (Италия, Германия, Франция), унинг моҳияти келажакдаги мутахассислик бўйича назарий тайёргарликнинг тўлиқ меҳнат амалиёти билан дуал кўринишда олиб борилишидир. Шу билан бирга, машғулот ва ишнинг босқичма-босқич мураккаблашуви жараёнлари параллел равишда амалга оширилади. Муқобил таълимни давлат томонидан тартибга солиш турли шаклларга эгадир. Жаҳон амалиётида касб-хунар таълими асосан корхоналар томонидан молиялаштирилади, молиялаштириш схемалари корхонанинг бу борадаги мутлақ эркинлигидан то фискал рағбатлантириш ёки корхоналарнинг ўқув фаолиятини ривожлантиришни қатъий тартибга солишгача ўзгариб туради.

Мисол учун, Францияда 10 дан ортиқ ходими бўлган ҳар бир компания ходимларни ўқитиш учун иш ҳақи фондидан камида 1% ажратадиган тартиб мавжуд. Канада, Швеция, Буюк Британия, АҚШ, Нидерландияда корхонада ходимларни ўқитишни ташкил этиш ва молиялаштириш бўйича қонуний мажбуриятлар мавжуд эмас. Германия ва Буюк Британияда давлат касбий таълимни ташкил этувчи корхоналар учун тўғридан-тўғри молиявий рағбатлантиришни ташкил этади, бунинг учун харажатларни қоплаш ёки грантлар шаклида фойдаланади. Буюк Британия, Италия, Швеция давлат идоралари 16-18 ёшдаги тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлмаган ёшларни ишга қабул қилиш ва ўқитиш бўйича корхоналар харажатларининг 80 фоизини қоплайди. Ходимларни мажбурий ўқитиш Дания, Франция, Сингапур ва баъзи Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам қўлланилади. Хорижий тажриба, жумладан, Америка тажрибаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида инсон ресурсларининг аҳамияти ортиб бораётганидан далолат беради. Малака даражаси инсоннинг иш билан таъминланиш имкониятини белгилашда тобора муҳим омилга айланиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларда (хусусан, АҚШда) кенг тарқалган ушбу соҳадаги ижтимоий ҳамкорликнинг истиқболли шаклларида бири федерал бюджет, давлат ва маҳаллий ҳокимият бюджетлари ҳисобидан таълим ва касбий тайёргарлик дастурлари учун маблағларни шакллантириш, шунингдек, хусусий компанияларнинг ҳиссалари бўлди.. Шу билан бирга, ходимлар ва уларнинг бирлашмаларига кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ўқув ва бандликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги давлат ва давлат-хусусий дастурларининг барча шартлари бажарилишини назорат қилиш бўйича қонун ҳужжатларида кенг ҳуқуқлар берилган. Кадрлар малакасини ошириш бандлик даражасини оширишга ўзини таъсирини кўрсатади. 2022-йилда Хитойда банд бўлган аҳоли 786,6млн кишидан, АҚШда 157,5 млн, Россияда 72,3 млн, Бразилияда 92,9 млн кишидан иборат бўлган[8] (1-жадвал).

Ривожланган мамлакатларда иқтисодий фаол аҳолининг банд бўлганларнинг асосий қисми хизмат кўрсатиш соҳалари, юқори технологик саноат тармоқларида бандлиги юқори бўлиб, кишлоқ хўжалигида банд бўлганлар қисқариб бормоқда. Меҳнат салоҳиятидан фойдаланишнинг хориж тажрибасидан Ўзбекистонда самарали фойдаланиш зарур бўлиб, меҳнат салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишнинг хорижий мамлакатларга оид тажрибаси ва моделларининг типологиясини ишлаб чиқдик.

Дунё мамлакатлари бўйича банд аҳоли сонининг динамикаси[8]

(млн. киши)

Давлатлар номи/йиллар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2020	2021	2022
МДХ мамлакатлари											
Ўзбекистон	11.9	12.2	12.5	12.8	13.1	13.3	13.5	13.3	13.2	13.5	13,7
Азербайжан	4.4	4.4	4.5	4.6	4.7	4.8	4.5	4.9	4.9	4.9	4,9
Арманистон	1.2	1.2	1.2	1.1	1.1	1.0	1.0	0.9	1.0	1.3	1,3
Беларус	4.7	4.6	4.6	4.6	4.5	4.9	4.9	4.9	4.9	4.3	4,3
Қозоғистон	8.3	8.5	8.6	8.5	8.4	8.6	8.6	8.7	8.8	8.8	8,8
Қирғизистон	2.3	2.3	2.3	2.3	2.4	2.4	2.4	2.4	2.4	2.4	2,4
Молдова	1.2	1.1	1.2	1.2	1.0	1.0	1.0	1.0	0.9	0.8	0,8
Россия	70.9	71.5	71.5	71.5	72.3	72.4	72.1	72.5	71.9	72.3	72,3
Тожикистон	2.2	2.3	2.3	2.3	2.4	2.4	2.4	2.4	2.5	2,5	2,5
Украина	20.3	20.4	18.1	18.1	16.4	16.3	16.2	16.4	16.6	15.2	15,2
Бошқа давлатлар											
Австралия	11.2	11.3	11.5	11.5	11.8	12.0	12.2	12.6	12.9	12.9	12,9
Бразилия	93.7	95.3	95.9	98.6	91.9	90.2	90.5	92.2	90.2	92.9	92,9
Германия	38.3	39.1	39.5	39.9	40.2	41.3	41.7	41.9	42.4	44.6	44,6
Италия	22.6	22.6	22.2	22.3	22.5	22.8	23.0	23.2	23.4	22.4	22,4
Канада	17.2	17.4	17.7	17.8	17.9	18.1	18.4	18.7	19.1	19.2	19,2
Хитой	757.2	761.3	764.4	767.6	765.0	764.0	762.5	760.0	774.7	786.6	786,7
Мексика	47.1	48.7	49.2	49.4	50.6	51.6	52.3	53.7	55.0	55.2	55,2
Корея Республикаси	24.2	24.7	25.1	25.6	26.2	26.4	26.7	26.8	27.1	26.5	26,5
Туркия	24.1	24.8	25.5	25.9	26.6	27.2	28.2	28.7	28.1	27.5	27,5
Швейцария	4.3	4.4	4.4	4.5	4.5	4.6	4.6	4.7	4.7	5.1	5,1
Швеция	4.6	4.7	4.7	4.8	4.8	4.9	5.0	5.1	5.1	4.9	4,9
Япония	59.8	62.7	63.1	63.5	63.8	64.4	65.3	66.6	67.3	66.9	66,9

Бундан келиб чиққан ҳолда, бугунги даврда меҳнат салоҳиятидан фойдаланишда “Скандавия сервис моделини” тажрибаларидан Ўзбекистонда самарали фойдаланиш зарур бўлиб, бугунги кунда республикада бандликнинг янги турларини бир қатор расмий белгилари пайдо бўлмоқда («сервис» бандлиги, меҳнатни ахборотлаштириш ва интеллектуаллаштириш, меҳнат бозорида янги турдаги ишчиларнинг пайдо бўлиши, аҳолининг таълим даражаси ва бандлиги бўйича лидерликни ривожланиши меҳнатга ҳақ тўлашни рағбатлантиришнинг тузилмаси ривожланиши бандликнинг янги шакллари – фрилансерлик, агентлик орқали бандлик, вақтинчалик бандлик масофавий бандлик ва ҳ.к.нинг ривожланиши кузатилмоқда.

Ўзбекистонда инновацион бандликни турларини шакллантиришни белгилловчи асосий детерминантлари аҳолининг юқори интеллектуал салоҳияти, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, ахборотлаштириш, глобаллашув, корпоратив кадрлар сиёсати ва бошқалар бўлиб қолмоқда.

Меҳнат салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш
моделларининг типологияси

Моделли	Тавсифлари
Либерал-сервис модели (АҚШ, Буюкбритания, Канада)	Меҳнат салоҳиятининг иқтисодий фаоллигининг юқори даражаси; бандликнинг микдорий мослашувчанлигининг устунлиги; катта оқим ва қисқа муддатли ишсизлик; Ишлаб чиқариш саноатида бандликнинг юқори даражада қисқариши ва ижтимоий хизматлар соҳасида ўсиш суръати; иш вақтининг самарали ташкил этилиши бандликни муҳофаза қилувчи либерал қонунчилик; юқори ва паст малакали ишчилар ўртасидаги иш ҳақи фарқининг юқорилиги; ўз-ўзини иш билан таъминлашнинг унчалик юқори эмаслиги марказлашмаган жамоавий битимларнинг устунлиги; банд бўлганлар орасида олий маълумотлиларнинг юқори улуши.
Ахборот-индустриал саноат модели (Япония)	Қайта ишлаб чиқариш саноатида меҳнат ресурсларининг бандлик даражасининг пасайиши ва ишлаб чиқаришга ва ижтимоий соҳага йўналтирилган хизмат кўрсатиш соҳасида, бандликнинг ошиши; меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш ва бандликни таъминлашнинг хилма-хил ва мувозанатли мослашувчан шакллари; норасмий институтларнинг юқори роли; бандликни муҳофаза қилувчи либерал қонунчилик; ишсизликнинг пастлиги; меҳнат ресурсларидан фойдаланишда юқори даражадаги инновацион фаоллик.
Скандинавия сервис модели (Скандинавия мамлакатлари)	Меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишда кадрларни сифатига алоҳида эътибор қаратилганлик, юқори даражадаги аҳоли бандлиги (шу жумладан ёшлар ва аёллар ўртасида); бандлик моделининг «сервис» йўналиши; юқори даражада эгилувчан бандлик (Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатларига қараганда); иш билан бандлар ўртасида гендер тенгсизликнинг паст даражаси; иш билан таъминланганлар таркибида таълим даражасининг юқорилиги; олимлар улушининг юқорилиги; банд бўлганлар таркибида менежерлар ва мутахассислар улушининг юқорилиги; фаол бандлик сиёсатининг устуворлиги; инновацион фаоллик ва АКТ ривожланишининг юқори суръатлари; меҳнат бозорида ишсизликнинг қисқа муддатлилиги.
Аралаш Европа континентал модели	Юқори даражадаги бандлик, бандликнинг юқори функционал мослашувчанлиги; иш вақти камлиги; ишсизлик даражасининг юқорилиги (биринчи учта моделга қараганда); тўлиқ бўлмаган бандликнинг яъни эгилувчан бандликнинг юқори даражаси; “ижарага олинган меҳнат” да бандликнинг ривожланганлиги аёлларнинг юқори иқтисодий фаоллиги; вақтинчалик иш ўринларини доимий иш жойларига айланишининг юқори суръатлари; иш жойларининг сифатини юқорилиги ва бандликнинг кафолатланганлиги
Жанубий Европа модели (Италия, Испания)	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қатъий қонунчилик; анъанавий ва замонавий секторлар ўртасидаги сезиларли дуализм, ишсизликнинг юқори кўрсаткичлари (айниқса аёллар ва ёшлар учун) ва уларнинг минтақавий табақаланиши; эгилувчан бандликни номарказлашиши (иш ҳафтасининг юқори эластиклиги); иш билан таъминланганларнинг таълим даражасининг пастлиги.

Манба: Муаллиф ишланмаси

Шу билан бирга, Ўзбекистонда бандликнинг янги турларини шакллантиришга қуйидаги чекловлар тўсқинлик қилмоқда, яъни эскирган ишлаб чиқариш базаси, иқтисодиётдаги баъзи иш ўринларининг «сифати» пастлиги (иқтисодиётидаги иш жойларининг баъзилари хавфли ва зарарли меҳнат шароитлари билан боғлиқ); уларда меҳнат унумдорлигининг пастлиги; бизнеснинг инновацион фаоллигининг пастлиги; бандликнинг сифати пастлиги; ижтимоий-демографик чекловлар; тармоқ, касбий ва ҳудудий жиҳатдан меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносиблик; иқтисодиётда янги ишчи ўринларини яратишга инвестицияларнинг жалб этишни такомиллаштириш зарурати, касбий рискнинг юқори даражаси; аҳолининг маълум бир қисмининг камбағаллиги, структурали ишсизликни ўсиб бориши.

2000-2022 йилларда ривожланаётган мамлакатларда Боливияда юқори малакали ишда банд бўлганлар 8 %га, Эфиопияда 13 %га ўсган бўлиб, янги технологиялар натижасида фақат янги иш жойлари вужудга келиб қолмасдан, балки 1-дан ,касб мутахасисларга янги талаблар қўйилади. 2-дан роботлар янги иш жойларидан ишчиларни сиқиб чиқаради, саноатга роботларни кириб келиши ривожланган мамлакатларда иш жойларини қисқартириб бормоқда.

Баъзи ривожланаётган давлатларда саноат тармоқларида бандлик ўсган бўлиб, масалан, Ветнамда 1991-йилдан 2022-йилгача 9 % дан 25 % гача ўсган бўлиб, Лаос Халқ Демократик республикасида 3 % дан 10 % гача ўсган. Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида, жумладан АҚШ да барча ишчиларнинг 80% идан ортиқроғи ва олий тоифадаги кадрларнинг 87% и хизмат кўрсатиш соҳасидаги ақлий меҳнатда жамланган. Бу соҳада АҚШ ялпи ички маҳсулотининг 80% игачаси ишлаб чиқарилади[7]. АҚШ, Япония каби мамлакатларда қишлоқ ва ўрмон хўжалигида банд бўлганлар 3-5 фоизини ташкил этади. Бу мамлакатлар ўзидаги инсон капиталини сифатини ошириб меҳнат бозорига юқори малакали ёшларни етказиб беради.

Рақамли иқтисодиёт шакллантирилиб борилар экан, республикамизда инновацион бандлик юзага келтирилса қуйидаги ўзгаришлар кутилади: янги технологияларни иш жойларига таъсири кузатилади; баъзи тармоқларда роботлар одамлар ўрнига иш жойларини эгаллайди:

-баъзи тармоқларда роботлар меҳнат унумдорлигини оширади;

-баъзи тармоқларда янги технологияларни ўзи янги иш жойларини юзага келтирмоқда чунки янги кўринишдаги товар ва хизматларга талаб ошади, ўртача малакага эга бўлган, қўл меҳнати билан банд бўлган ходимларни қисқаришига олиб келади.

2000 йилдан ҳозиргача бозор иқтисодиёти энди шаклланаётган мамлакатларда қўл меҳнати билан боғлиқ бўлмаган конгнитив билимларга асосланган меҳнат билан банд бўлганлар 19 % дан 23 % гача ўсган, ривожланган мамлакатларда эса 33 % дан 41 % гача ўсган[7]. Хуллас, хориж мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасида меҳнат салоҳиятини ривожлантириш ва самарали фойдаланишнинг стратегик йўналишлари қуйидагилардан иборат:

-кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, таълим тизими ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш

-бандликнинг инновацион шакллари ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш бўйича фаол сиёсат олиб борилиши керак.

-иқтисодиётда юқори технологияли тармоқларни улушини кўпайтириш зарур.

- саноатга инновацияларни, рақамли технологияларни киритиш, автоматлашув ва роботлашув жараёнларини жадаллаштириш керак.

Меҳнат салоҳиятини ривожлантириш бўйича хорижий тажриба Ўзбекистондаги реал ижтимоий-иқтисодий шароитларга мос равишда кенг амалий фойдаланиши зарурдир. Шу билан бирга, Ўзбекистонда маълум анъаналар, меҳнат салоҳиятини бошқариш бўйича ўзининг ижобий тажрибаси ривожланганлигини ҳам ҳисобга олиш керак, бу хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасига уйғун равишда мослаштирилиши керак. Шу сабабли, меҳнат салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишда соҳасида энг мақбул бўлган маҳаллий ва хорижий тажрибани уйғунлаштиришдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://ru.wikipedia.org/wiki> /Населения Земли
2. <https://www.dw.com/ru/india-vpervye-obognala-kr-po-cislennosti-naselenia-cto-eto-znait/a-65494687>
3. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
4. Политика в сфере занятости в целях устойчивого восстановления и развития Международная конференция труда. 2014. www.ilo.org/publns. [http://www.ilo.org/wemsp/5 groups/public/- - ed_norm/- - relconf documents meetingdocument wems_204976. Pdf](http://www.ilo.org/wemsp/5/groups/public/-/ed_norm/-/relconf/documents/meetingdocument/wems_204976.Pdf) 32- бет
5. <https://russian.rt.com/world/news/473300-mirovaya-bezrobotica->
6. www.worldbank.org
7. www.worldbank.com
8. www.worldbank.org, www.undp.com маълумотлари асосида

УДК:332.05

ЎЗБЕКИСТОНДА АГРОКЛАСТЕРЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ АГРОКЛАСТЕРОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

FEATURES OF AGROCLUSTER DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

Даниярова Феруза Бахриддиновна
Ўзбекистон миллий университети
Иқтисодиёт факультети PhD, катта ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда агрокластерларни ташкил этиш ҳамда инвестицион самарадорлигини оширишда вилоятлар салоҳиятига кўра модел ва механизми ишлаб чиқилган ҳамда мавзуга оид таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар. Агрокластерлар, агросаноат, интеграция, инвестиция, инвестицион самарадорлик.

В данной статье разработаны модель и механизм создания агрокластеров по выращиванию сельскохозяйственной продукции Республики Узбекистан и повышения эффективности инвестиций с учетом потенциала регионов, а также представлены предложения по теме.

Ключевые слова. Агрокластеры, агропромышленный комплекс, интеграция, инвестиции, эффективность инвестиций.

In this article, a model and mechanism for the establishment of agroclusters in the cultivation of agricultural products of the Republic of Uzbekistan and the improvement of investment efficiency have been developed according to the potential of the regions, and suggestions on the topic are presented.

Keywords. Agroclusters, agro-industry, integration, investment, investment efficiency.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш қишлоқ ҳудудида яшовчи аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва сонаот тармоқларини хомашё билан узлуксиз таъминлаш имконини беради. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда нисбий устунликка эга бўлган мамлакатлар қаторига киради. Жумладан, МДХ мамлакатлари ўртасида Ўзбекистон мева ва сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлашда етакчи ўринларни эгаллайди. Республика қишлоқ хўжалигида юқори сифатга эга бўлган пахта толаси, буғдой билан бир қаторда, юқори даражада қўшилган қиймат яратадиган боғдорчилик маҳсулотлари: гилос, анор ва шу каби бошқа турли мева-сабзавотлар етиштирилади. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни очиш, вилоятлар, хусусан, қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратиш билан бир қаторда давлат томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этади. Шунингдек, мамлакатимизда агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг инвестицион самарадорлигини ошириш ушбу вазифани ҳал этишда ижобий натижага эришиш имконини беради.

Агрокластерларни ташкил этиш ва уларнинг инвестицион самарадорлигини ошириш аввало мамлакатдаги қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун замин яратади. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимиз “иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш тизимида қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи аксарият иқтисодий субъектларнинг ҳажми нисбатан кичик бўлиб, улар томонидан етиштирилаётган ва қайта ишланаётган маҳсулотларнинг сифат стандартларига қўйиладиган талаб бўйича ягона тизим шакллантирилмаган. Шу билан бирга уларнинг фаолиятидаги таъминот занжири тўлиқ тизимлаштирилмаган. Натижада, йиғим-терим мавсумида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоқлаш ва уларни узоқ муддат сақлаш имконини берувчи омборларнинг етишмаслиги боис ушбу маҳсулотларнинг катта ҳажмдаги қисми бозорларга сотиш учун чиқарилади. Бунинг оқибатида бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таклифининг унга бўлган талабдан ортиқчалиги вужудга келиб, мева ва сабзавот маҳсулотларининг нархларининг тушиб кетишига олиб келади. Шунингдек, сотилмай қолган маҳсулотларнинг сақлаш имконияти мавжуд бўлмагани туфайли, уларнинг катта қисми истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи иқтисодий субъектларнинг маълум даражада зарар кўришига олиб келади [1]

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда агрокластерларни қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. “Агрокластерлар фаолиятини рағбатлантириш, хусусан, уларнинг инвестицион самарадорлигини ошириш орқали миллий иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини кучайтириш, жумладан, агросаноатнинг барқарор ривожланиши ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси кўрсаткичларини яхшилашга эришилади” [2]

“Жаҳонда интеграцион жараёнларнинг глобаллашуви ва чуқурлашуви шароитида қишлоқ хўжалигини кластерли модел асосида ривожлантиришга устуворлик қаратиб келинмоқда. Бунда аграр соҳанинг ички ва ташқи жиҳатдан заиф ва устунлик жиҳатлари чуқур таҳлил қилиниб, уни ривожлантириш имкониятлари ва мавжуд рисклар (хавф-хатарлар) аниқланади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг кластер модели жаҳон

амалиётида иқтисодий гуруҳни” [3], минтақани, бутун бир мамлакат миллий иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг дастаги сифатида кенг қўлланилади. Иқтисодий адабиётда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг кластер моделининг қуйидаги белгилари ажратиб кўрсатилади [4]:

- гуруҳнинг (агросаноат кластери ва унинг аъзолари) ташқи бозордаги улушини ошириш имконияти мавжудлиги;

- агрокластер жойлашган ҳудудда уни ривожлантириш учун етарли даражадаги шарт-шароитларнинг (хомашё, малакали ишчи кучи, инфратузилма, ўқув марказлар, илмий муассасалар ва ҳ.к.) мавжудлиги;

- гуруҳни (кластер аъзоларини) давлат томонидан кучли қўллаб-қувватлаш ва агрокластер иштирокчиларининг самарали иштирокини таъминлаш ва ҳ.к.

Иқтисодий адабиётда кластер назариясининг ривожланиш босқичлари ва унинг эволюцияси таҳлили бугунги кунга қадар унинг икки хил йўналишдаги фундаментал тавсифи шаклланиганини кўрсатади (1-жадвал) [5]:

1-жадвал

Агрокластерларни ривожлантириш тамойиллари [7]

Тамойиллар	Тамойилларнинг моҳияти
Географик	Ҳудуднинг қуйидаги ресурслар таъминоти бўйича рақобат устунлигига эътибор қаратилади: технологик, инновацион, логистика, ташкилий, бошқарув.
Инновацион	Кластер фаолиятини инновацион бошқарувга ихтисослаштириш, қабул қилинаётган қарорларнинг ҳам инновацион усулда бўлишини таъминлаш.
Ихтиёрийлик	Агрокластерларни ривожлантиришда юқори даражадаги кооперациялашув ва бирлашмаларнинг вужудга келишида ўз аксини топади. Бунда агрофирмалар ушбу бирлашмага ихтиёрий равишда қўшилиб борадилар.
“Ядро” (марказий) кластер	Агросаноат соҳасида юқори иқтисодий салоҳиятга эга бўлган корхона томонидан ўзидан рақобат жиҳатдан кучсиз бўлган агрофирмаларни бир марказга бирлаштириш орқали амалга оширилади. Бунда марказий корхонанинг иқтисодий манфаатлари устуворлик қилади.
Давлат-хусусий шериклик	Давлат томонидан кичик, ўрта ва йирик агрофирмаларнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилиб, агрокластерлар фаолиятини ривожлантиришга устуворлик қаратилади. Давлат ушбу соҳага инвестиция киритишни қўллаб-қувватлаган ҳолда, хусусий ёки қўшма корхоналарга киритилган капитал қўйилмаларини кафолатлайди.
Иқтисодий муносабатлардаги устуворлик	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш бўйича йирик интеграцион тизимни шакллантириш орқали, маҳаллий ва хорижий бозорлар учун юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни сотишни назарда тутати.
Ижтимоий йўналтирилган кластер технология	Кластерларни ташкил қилиш қишлоқ жойларни инновацион ривожлантириш имкониятини берувчи қуйидаги механизмга асосланади: ишлаб чиқариш-интеллектуал ва юқори технологик-молиявий-ижтимоий.

Ихтисослашган агрокластерлар уйғунлашган корхона ва фирмалар фаолияти аниқ бир хил турдаги истеъмол товарлари бозори билан боғлиқ бўлиши зарур. Бундай боғлиқлик вертикал (харид ва сотиш занжири) ва горизонтал (қўшимча билимлар ва хизматлар, шу мақсадда сарф қилинадиган харажатлар, технологиялар, институтлар ва ҳ.к.) алоқалардан фойдаланишни назарда тутати.

Нуқтали (худудий) агрокластерлар – бунда кластерлар географик яқин жойлашган ўзаро боғлиқликдаги корхоналар гуруҳи бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг барқарорлашиши натижасида рақобатбардошликнинг ортиши, қўшилган қиймат яратиш ҳажмини ошириш ва бозорда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотилиши учун имкониятлар яратишдан иборат.

Тараққий этган мамлакатлар амалиётида илғор технологияларга эга бўлган, технологик жиҳатдан мукамал курулланган агроросаноат кластерлари кенг қўлланилади. Жумладан, АҚШнинг Вашингтон, Оклахома, Луизиана штатларида дунёдаги энг йирик агрокластерлар жойлашган, Калифорния штати эса вино ишлаб чиқариш кластери билан машхур. Европа Иттифоқи мамлакатларида (Германия, Франция, Италия, Болгария, Греция,

Нидерландия, Англия, Швейцария, Дания ва бошқа мамлакатларда) юкори технологияли агрокластерларни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилади. Сўнгги йилларда Жануби-Шарқий Осиё, Хитой, Сингапур, Япония ва бошқа мамлакатларда агрокластерлар фаоллашиб бормокда [6].

Амалга оширилган таҳлилларга кўра, агрокластерларни ривожлантириш мамлакатда кишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш учун замин яратади. Тадқиқотлар натижасида агрокластерларни ривожлантиришнинг 2-жадвалда келтирилган тамойиллари аниқланди.

2-жадвал

Ўзбекистон вилоятларида айрим турдаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича агросаноатни кластерлаштириш салоҳияти кўрсаткичлари

Вилоятлар номи	Сабзавотлар	Мева ва резаворлар	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	Сут ва сут маҳсулотлари
Қорақалпоғистон Республикаси	0,009	0,004	0,135	0,042
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	1,441	3,433	0,102	2,931
Бухоро	0,248	0,603	0,781	0,201
Жиззах	0,092	0,078	0,935	0,375
Қашқадарё	0,146	0,108	7,362	1,386
Навоий	0,078	0,154	1,710	0,282
Наманган	1,561	1,781	0,282	1,899
Самарқанд	23,709	15,912	1,625	1,613
Сурхондарё	0,110	0,060	0,501	0,192
Сирдарё	0,026	0,012	0,102	0,065
Тошкент	2,180	0,362	1,765	0,412
Фарғона	0,250	1,028	0,148	1,251
Хоразм	0,312	0,411	0,532	0,783

Бунда вилоятларда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан сабзавотлар, мева ва резаворлар, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларини 2016–2022 йиллардаги етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича ўртача кўрсаткичлардан келиб чиқиб, бошқа мамлакатларга нисбатан устунлигини инобатга олган ҳолда ҳисоб-китоблар амалга оширилди.

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижасига кўра қуйидаги хулосалар олинди:

- Самарқанд, Тошкент ва Фарғона водийсининг барча (Андижон, Наманган, Фарғона) вилоятларида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича агросаноат комплексида кластерлаштириш салоҳияти юкори ҳисобланади;

- аграр соҳанинг чорвачилик комплексида эса Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятларида кластерларни ривожлантириш салоҳияти нисбатан юкори ҳисобланади;

- Фарғона водийси ҳудудида (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида) гўшт ва сут чорвачилиги ҳамда уларни ишлаб чиқариш бўйича агрокластерни ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжуд.

Юқорида амалга оширилган ҳисоб китобларга таянган ҳолда, вилоятларда агрокластерларни ташкил этиш ва ушбу соҳада амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг устувор йўналишларини вилоятларнинг агросаноатни кластерлаштириш салоҳияти кўрсаткичларига асосланиб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда кишлоқ хўжалигининг инвестицион жозибадорлигини ошириш имконини беради.

Шу ўринда амалга оширилаётган тадқиқот мавзуи ва унинг объектидан келиб чиққан ҳолда, сўнгги йилларда Тошкент вилояти кишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган айрим инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги №974-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида хорижий инвестициялар

иштирокида “Tashkent Cotton Textile cluster” (TCT cluster) МЧЖ корхонасини ташкил этилди. Мазкур агрокластер корхонасининг дастлабки устав капитали “Paraglide limited” (Буюк Британия), “Петромаруз Капитал” (“Pm kapital” – Россия Федерацияси) компанияларининг бадаллари ҳисобига шакллантирилди. Қарорга мувофиқ, “TCT cluster” МЧЖ таркибига кирадиган агросаноат корхоналарига пахта хомашёси, бошоқли дон ва бошқа маҳсулотларни, шунингдек, чорвачилик ҳамда балиқчилик маҳсулотлари етиштиришни ташкил қилиш учун Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида доимий эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқи билан 35,4 минг гектар суғориладиган ер ва 3,1 минг гектар балиқчилик кўллари ажратилди. Вилоятда амалга оширилаётган агрокластер фаолиятини ташкил этишга қаратилган инвестицион лойиҳанинг умумий қиймати 217,6 млн АҚШ долл.га тенг бўлиб, ушбу маблағларнинг 85,0 фоизи халқаро молия институтлари хиссасига тўғри келади.

Мазкур инвестицион лойиҳанинг устувор фаолият йўналишлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади:

- уруғлик картошка етиштириш, шу жумладан, уни вируссиз in vitro технологияси асосида кўпайтириш;
- илмий асосланган алмашлаб экиш тизимида қўлланиладиган дуккакли, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини етиштириш;
- маҳаллий ва хорижий селекция ҳамда биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва ривожлантириш;
- уруғчилик бўйича маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиш, уруғликларни экишдан олдин ишлов бериш ва қайта ишлашга оид инновацион технологиялар, шу жумладан, сувни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш.

I босқич	• Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражасидан келиб чиқиб, агросаноат кластерини ресурс тармоғини белгилаш • Матрицавий таҳлил орқали агросаноат кластерининг бош тармоғини аниқлаш
II босқич	• Агросаноат кластери ихтисослашуви йўналишини хўжалик фаолияти юритиш тармоғининг рақобатбардошлиги индексидан келиб чиққан ҳолда белгилаш
III босқич	• Бизнес жараёнларини бошқариш услубиётига асосланган ҳолда, агросаноат кластерини шакллантириш ва уни фаолият юритиш механизмини ишлаб чиқиш

1-расм. Қишлоқ хўжалигини кластерлаштириш механизми[8]

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожланиш тенденциялари, ўзига хос хусусиятлари, агрокластерларни ривожлантириш ва уларнинг инвестицион самарадорлигини ошириш имкониятларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигини кластерлаштиришни амалга оширишнинг механизмини ишлаб чиқдик (2-жадвал). Бунда аввало вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда, унинг ресурс тармоқлари белгиланиб, матрицавий таҳлилни амалга ошириш орқали кластернинг бош тармоғи аниқланади. Кейинги босқичда эса агрокластернинг ихтисослашув йўналишига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ. Бунда агрокластер ташкил этилаётган тармоқнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлик индексига эътибор қаратиш лозим. Агарда тармоқнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлик индекси паст кўрсаткичга эга бўлса, у

ҳолда ички бозорга йўналтирилган, импорт ўрнини босувчи товарларни ишлаб чиқариш бўйича кластер ташкил этилади ёки аксинча.

Агрокластерни ташкил этиш бўйича таҳлил натижаларига аниқлик киритилгандан сўнг, уни ташкилий моделини ишлаб чиқиш талаб этилади.



2-расм. Агрокластерларни шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш модели[8]

Агрокластерларни ривожлантиришнинг тараққий этган мамлакатлар амалиётидан келиб чиққан ҳолда, агрокластерларни шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишнинг моделини ишлаб чиқдик (2-расм).

Таклиф этилаётган модел асосида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида агрокластерларни шакллантиришда қишлоқ хўжалигига йўналтирилаётган инвестицияларнинг юқори самарадорлигини таъминлаш имконини беради.

Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларининг технологик жиҳатдан такомиллашуви натижасида тармоқлараро инновацион агрокластерларни шакллантириш учун замин яратади. Бунинг учун давлат томонидан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- агрокомплексларнинг марказлашган бошқарувини бекор қилиш (бошқарув жараёнининг децентрализациялашуви);
- давлат ва хусусий шериклик асосида ташки этилган агрокластерларни босқичма-босқич хусусийлаштириш ва мустақил юридик шахсларга айлантириш;
- агрокластер иштирокчилари ўртасида ўзаро умумий иқтисодий манфаатдорликнинг шаклланишига эришиш;

- агрокластерларни шакллантиришга мавжуд имкониятларни тўлик йўналтириш. Масалан, ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари мавжуд бўлмаган ҳолда, олий ўқув юртларининг илмий салоҳиятидан фойдаланиш;
- агрокластерларни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;
- агрокластерларнинг узок муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, уни амалга оширилиши бўйича мониторинг қилиш тизимини йўлга қўйиш ва ҳ.к.

Фикримизча, юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда агрокластерлар фаолиятини ривожлантириш узок муддатли истиқболда қишлоқ жойларининг барқарор ривожланиши, ушбу ҳудудда яшовчи аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигига жалб қилинаётган инвестициялардан мақсадли ва самарали фойдаланиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида тузилган. https://www.mf.uz/media/file_uz/state-budget/pub/bud_for_cit_tawobl_2019_uz.pdf
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.
3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида тузилган. https://www.mf.uz/media/file_uz/state-budget/pub/bud_for_cit_tawobl_2019_uz.pdf
4. Porter, M. E (1998). Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review, November-December: 77-90.
5. Porter, M. E (1998). Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review, November-December: 77-90.
6. Лисин М. Н. Создание инфраструктуры регионального кластера субъектов малого предпринимательства АПК в форме аграрного инфраструктурного парка // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2013. № 4. С. 83.
7. Feldman V.P., Audretsch D.B. Innovation in Cities: Science based Diversity, Specialization and Localized Competition // European Economic Review. 1999. P. 31–39; Кулов А. Р. Кластеры – экономическая реальность // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2011. №10. С. 50.; Кундиус В. А. Формирование кластеров на селе– базис инновационного развития агропромышленного производства // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2012. № 2. С. 56–60; Глотко А. Модель агропромышленного кластера региона // АПК: экономика, управление. 2013. № 6. С. 80; Лисин М. Н. Создание инфраструктуры регионального кластера субъектов малого предпринимательства АПК в форме аграрного инфраструктурного парка // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2013. № 4. С. 83 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
8. Муаллиф ишлари

**МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ ВА
МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

**ПУТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНСТРУМЕНТОВ ФИНАНСОВОЙ ПОЛИТИКИ И
ФИНАНСОВОГО МЕНЕДЖМЕНТА ДЛЯ РЕГУЛИРОВАНИЯ ЭКОНОМИКИ
СТРАНЫ**

**WAYS OF USING FINANCIAL POLICY AND FINANCIAL MANAGEMENT
TOOLS TO REGULATE THE COUNTRY'S ECONOMY**

Иргашев Анвар Фарходович
Ўзбекистон Республикаси Маҳаллабай ишлаш ва
тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги бош мутахассиси

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатнинг молиявий сиёсати ижтимоий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим воситаси эканлиги, молиявий сиёсатнинг самарали амалга оширилишида эса молиявий бошқарувни самарали ташкиллаштириш асосий ўрин тутиши, мамлакатнинг бюджет сиёсати, давлат бюджети даромадлар ва харажатлар, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари хусусида гапирилган.

Калит сўзлар: молия, молиявий сиёсат, давлат сиёсати, давлат бюджети, бюджет сиёсати, маҳаллий бюджет, фискал, даромад, харажат.

В данной статье финансовая политика страны является важнейшим средством реализации государственной политики в любой сфере общественной деятельности, а эффективная организация финансового управления играет ключевую роль в эффективной реализации финансовой политики, бюджетной политики страны, государственного бюджета. доходы и расходы, доходы и расходы местного бюджета.

Ключевые слова: финансы, финансовая политика, государственная политика, государственный бюджет, бюджетная политика, местный бюджет, фискал, доходы, расходы.

In this article, the country's financial policy is the most important means of implementing state policy in any field of social activity, and the effective organization of financial management plays a key role in the effective implementation of financial policy, the country's budget policy, state budget income and expenditure, local budget income and expenditure.

Keywords: finance, financial policy, government policy, government budget, budget policy, local budget, fiscal, revenue, expenditure.

Дунё амалиётидан маълумки, мамлакатни давлат томонидан бошқаришда молиявий бошқарув воситаларининг ўрни каттадир. Мамлакат иқтисодиётида молиявий бошқарувнинг барча тизими давлатнинг молиявий сиёсатига асосланади. Шу сабабли, молиявий сиёсат молиявий бошқарув тизимида асосий элемент ҳисобланади. Бизга маълумки, мамлакатнинг молиявий сиёсати бу давлатнинг молиявий муносабатлари борасида олиб бориладиган мураккаб фаолиятдир. Бу фаолият давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини амалга ошириш учун уларни молиявий ресурслар билан таъминлашига боғлиқ.

Мамлакатнинг молиявий сиёсати ижтимоий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Айрим ҳолларда молиявий сиёсат давлатнинг ўз функцияларини бажариши учун молиявий муносабатлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган давлат органларининг маълум бир фаолияти сифатида

талқин қилинади. Бунинг натижасида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда давлатнинг роли тўғрисидаги жамиятда ҳукмрон бўлган тасаввурларга мувофиқ равишда давлатнинг вазифалари ва функциялари ҳам ўзгаради, трансформацияланади.

Бизга маълумки, молиявий сиёсатнинг самарали амалга оширилишида молиявий бошқарувни самарали ташкиллаштириш асосий ўрин тутади.

Молиявий сиёсат молиявий бошқарувнинг таркибий қисми сифатида бошқарувнинг юқори (олий) органларига тегишли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида ҳар бир мамлакатнинг Конституцияси, давлатнинг бюджет сиёсати ва бюджет жараёнида ҳамда қонун ижодкорлигида алоҳида ҳокимият органларининг функцияларини белгиловчи бошқа қонунлар мажмуига мувофиқ аниқланади[4]. Бизга маълумки, бюджет сиёсати бу ўзининг ҳажми ва муҳимлиги жиҳатидан энг катта иш бўлишига қарамасдан фақат бюджет жараёнига тегишли эмас. Бюджет жараёнида мамлакат иқтисодиётининг барча иқтисодий субъектлари функцияларини, бюджет тамойилларини, бюджет жараёни субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бюджет сиёсатини чекланмаган ҳолатда белгилаб берилади.

Европа иттифоқида, 2014-2020 йилларда мавжуд иқтисодий вазият натижасида молиявий воситалардан фойдаланишга эътибор кучайганлигини кўриш мумкин. Бунда, молиявий воситалар таркибий фондлари билан инвестицияларни амалга ошириш учун махсус давлат дастурларидан қўлланилади. Шу муносабат билан, чекланган давлат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари излаб топилиб, узоқ муддатли иқтисодий барқарорлик таъминланади. Яъни молиявий воситачилар: банклар, кафолат жамиятлари, микромолия провайдерлари, венчур капитали ва акциядорлик фондларининг фаолияти инвестицияларини икки баробарга ошириш ҳисобига амалга оширилмоқда[3]. Буни Европа иттифоқи молиявий воситаларининг ишлаш принципида, молиялаштириш ва аъзо давлатларда умумий бошқарув жараёнидан кўриш мумкин.

Бюджет сиёсати бюджетда концентрация қилинадиган (тўпланадиган) ЯИМ ҳиссасини аниқлашда, мамлакат юқори ва қуйи органларининг ўзаро муносабатларида, бюджет харажатлар қисмининг таркибий тузилишида, турли даражадаги бюджетлар ўртасида харажатларни тақсимлашда, давлат қарзини бошқаришда, бюджет дефицитини қоплаш йўллари аниқлашда ва ҳ.к.ларда фойдаланади[1].

Молиявий бошқарув жараёни эса давлатнинг ижтимоий тузилиши, мамлакатдаги сиёсий кучларнинг жойлашиши ва қайта тақсимлаш жараёнларига таъсир кўрсатадиган бошқа омиллар билан белгиланадиган ўзига хос бўлган қатор молиявий муносабатларнинг турли хил шаклида майдонга чиқади ва давлат молияси, маҳаллий молия ва хўжалик юритувчи субъектлар молияси каби молиявий аппаратнинг махсус хизматлари кўринишида намоён бўлади.

Мамлакат иқтисодиётида молиявий бошқариш воситаларидан самарали фойдаланиш орқали мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, бюджет профицитида, давлат қарзининг камайишида, миллий валютанинг барқарорлиги ва мустақамлигида таъминлашда намоён бўладиган молиявий барқарорлик ва молиявий мустақилликни таъминлашга эришиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти қонунияти мамлакатда молиявий бошқариш воситаларидан самарали фойдаланишни талаб қилади. Шу сабабли қуйида номлари келтирилган:

- мамлакатнинг пул-кредит тизими, пул оқимлари;
- бошқарув молиявий ҳисоби;
- бюджетлаштириш;
- харажатларни бошқариш;
- активлар бошқаруви;
- молиялаштиришни бошқариш (мажбуриятлар);
- ликвидликни бошқариш;
- инвестицияларни бошқариш;
- молиявий захираларни бошқариш;

- молиявий назорат;
- бошқарув молиявий ҳисобини автоматлаштириш;
- молиявий стратегия каби қатор молиявий бошқариш воситалари борасида учрайдиган

муаммолар дунё мамлакатлари каби юртимизда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Бунда молиявий бошқариш воситаларидан самарали фойдаланиш йўллари илмий асосларини излаб топиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади [5].

Бу борада мамлакат иқтисодиётини давлат томонидан тартиблаштирадиган тизимнинг яратилганлиги ва шу вақтда молиявий бошқарув воситаларидан фойдаланишда учраётган муаммоларни бартараф қилишига қаратилган самарали ҳаракатлар қийматининг пасайишини олдини олиш, фаолият ҳажмининг қисқариши ва мавжуд воситалардан унумли фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги ва шу орқали мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги таъминланаётганлигини кўриш мумкин.

Давлат томонидан иқтисодиётни тартиблаштиришда молиявий бошқарув воситаларидан самарали фойдаланиш натижасида, мамлакат иқтисодиёти барқарорлигига эришишни таъминлашга эътиборни қаратиш лозим. Айниқса, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида молиявий бошқарув усуллари кўллаш уларнинг яшаши ва ўсишининг энг муҳим шартидир. Молиявий бошқарув воситалари ёрдамида ишлаб чиқариш корхоналари нақд пулнинг кириб келиши ва чиқиши, молиявий бюджетлар, режалаштириш, сарф-харажатлар ва бошқаларни кузатиб боради.

Молиявий бошқарув воситалари орқали молиявий операцияларни кузатиш ва бошқариш, асосли инвестиция қарорларини қабул қилиш, бюджет ва тежаш режаларини яратиш имконияти пайдо бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган устувор йўналишларга мувофиқ бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини, ҳудудлар, айниқса маҳаллаларнинг долзарб муаммоларни ҳал қилиш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни ва табиатни муҳофаза қилишни таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб қувватлашни кенгайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятида соф рақобат муҳитини яратилишига замин яратиш, босқичма-босқич солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш юзасидан жавобгарлиги, ҳисобдорлиги ва ваколатларини, давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида, илғор хорижий тажрибадан ҳамда халқаро молия институтлари экспертларининг тавсияларидан келиб чиққан ҳолда бюджет харажатлари самарадорлигини оширишга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда [6].

Биргина, 2023 йил учун давлат бюджети даромадлари (Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни инобатга олмаган ҳолда) 232,1 трлн сўм, харажатлари эса 227,9 трлн сўм миқдорида маблағлар ажратилган [7].

Бизга маълумки, давлат бюджетининг лойиҳасини ишлаб чиқишда мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларининг прогноз кўрсаткичлари, даромадларнинг ташкил топиш манбалари бўйича давлат бюджети даромадлари прогнози, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет сўровлари ва Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан айрим тадбирлар учун харажатлар ҳажмининг прогнози ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари лойиҳалари асосида ишлаб чиқилади.

Давлат бюджетининг лойиҳасида харажатлар даромадларнинг прогноз қилинаётган ҳажмидан келиб чиқиб Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ҳисобга олинган, уни қоплаш манбалари белгиланган ҳолда назарда тутилади. Давлат бюджетининг таркиб топиши эса, давлат бюджетининг даромадлар манбалари бўйича даромадлари ва

йўналишлар бўйича харажатлари прогнозидан, давлат бюджети тақчиллигининг энг юкори миқдори ва уни қоплаш манбаларидан иборат.

Бизга маълумки, давлат бюджети даромадлар ва харажатлар қисмидан иборат бўлиб, буни қуйидаги 1-жадвал орқали кўриш мумкин:

1-жадвал

Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар қисмининг таркиби

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари		Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари
даромадлар бўйича	Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир тақлифлар ҳамда давлат солиқ инспекциялари, ҳокимликларнинг бўлимлари ва давлат бошқаруви органларининг бошқа туман ҳамда шаҳар бўлинмалари томонидан маъмурий-худудий бирлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган бошқа ахборот асосида;	Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир тақлифлар ҳамда давлат солиқ бошқармалари ва ҳокимликларнинг бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат бошқаруви органларининг бўлинмалари томонидан маъмурий-худудий бирлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган бошқа ахборот асосида;
харажатлар бўйича	туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет сўровлари асосида ишлаб чиқилади.	Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет сўровлари ҳамда тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган айрим тадбирлар учун харажатларнинг прогноз қилинаётган ҳажми асосида ишлаб чиқилади.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан ишлаб чиқилган давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари тушумлар манбалари бўйича даромадлар ва йўналишлар бўйича харажатлар прогнозидан таркиб топади.

Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадлари ва улар ҳисобидан амалга оширилган харажатларга 2022 йил маълумотларига назар солсак, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадлари ва харажатлари графигидан шуни кўриш мумкинки, 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида 10 086 млрд сўм қўшимча даромадлар шакллантирилган ва улар ҳисобидан 9 388 млрд сўм ёки жами маҳаллий бюджетлар харажатларининг 10 % и миқдорида қўшимча тадбирлар молиялаштирилган.

Мамлакат иқтисодиётида ривожлантиришда маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадлари ҳисобидан ҳудудни ривожлантириш дастурлари харажатлари, Президент ташрифлари бўйича топшириқлар, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари, Ҳарбий-маъмурий сектор жамғармасига ўтказмалар, ҳудудларни ободонлаштириш, ҳокимликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ташаббусли бюджетлаштиришни молиялаштириш каби харажатлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадлари ва харажатлари, млрд сўм.



1-расм. Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадлари ва харажатлари, млрд сўм [8].


Мамлакат иқтисодиётида консолидациялашган бюджетнинг умумий фискал баланси тақчиллиги 2022 йил якуни билан белгиланган меъёрлар доирасида ижро этилди ва 35,2 трлн. сўмни яъни ЯИМ нинг 4,0 % ни ташкил этди. Бу тақчиллик 2022 йил бошида 25,5 трлн сўм ёки ЯИМ нинг 3,0 % и миқдорида режалаштирилган эди. Бу миқдорларнинг ошишига асосий сабаб мамлакатда ижтимоий соҳа, иқтисодиёт ва аҳолини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ва ишлаб-чиқариш инфратузилмасига инвестиция харажатларининг ошиши алоҳида эътиборни қаратилаётганлигида деб изоҳлаш мумкин.

2-жадвал

Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар, млрд сўм [8].

№	Худудлар	ЖАМИ	Худудни ривожлантириш дастурлари	Президент ташрифлари бўйича топшириқлар	“Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари	Ҳарбий-маъмурий сектор жағмармасига ўтказмалар	Худудларни ободонлаштириш	Ҳокимликларнинг моддийтехника базасини мустаҳкамлаш	Ташаббусли бюджетлаштиришни молиялаштириш (Openbudget)	Бошқа харажатлар
Маҳаллий бюджетлар бўйича жами		9 414	2 070	309	933	473	962	197	509	3 961
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	512	117	49	60	47	63	10	23	143
2.	Андижон вилояти	342	92	1	62	33	19	2	22	111
3.	Бухоро вилояти	641	221	7	117	38	13	39	30	176
4.	Жиззах вилояти	216	47	0	9	22	13	4	27	94
5.	Қашқадарё вилояти	578	1	111	80	1	0	0	1	384
6.	Навоий вилояти	462	165	0	85	31	43	37	23	78
7.	Наманган вилояти	430	205	40	71	17	1	4	33	59
8.	Самарқанд вилояти 5	570	157	1	52	2	26	14	59	259
9.	Сурхондарё вилояти	332	55	0	63	72	6	12	29	95
10.	Сирдарё вилояти	173	45	1	29	18	15	4	7	54
11.	Тошкент вилояти	833	206	50	79	62	24	11	67	334
12.	Фарғона вилояти	824	214	40	101	127	20	26	54	242
13.	Хоразм вилояти	437	136	8	73	2	24	12	41	141
14.	Тошкент шаҳри	3 064	409	1	52	1	695	22	93	1,791

Бу маълумотлар билан куйидаги жадвал асосида янада тўлиқроқ танишиш мумкин.



2-расм. Консолидациялашган бюджет ижроси, млрд сўм [8].

Ўрганишлар натижасига кўра мамлакат иқтисодиётида консолидациялашган бюджет тақчиллигини 35 229 млрд сўмни ташкил қилиб, уни ташқи ва ички манбалар ҳисобидан қопланган. Бунда ташқи манбаларига халқаро молия институтларининг қарз маблағлари ва еврооблигациялар чиқариш ҳисобидан – 16 668 млрд сўм, давлат дастурлари ижроси учун жалб қилинган қарз маблағлари – 5 733 млрд сўм, ички манбаларга йил бошига қолдиқ маблағлари ҳисобидан – 1 949 млрд сўм ва давлат активларини хусусийлаштириш ҳисобидан тушумлар – 4 500 млрд сўм ва давлат ғазна облигацияларини чиқариш ҳисобидан – 6 379 млрд сўм маблағлар манбалари ҳисобидан қопланганлигини кўриш мумкин [8].

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, мамлакат иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишда молиявий бошқарув воситаларидан ўрни каттадир. Таҳлиллар натижаларига кўра давлат бюджети даромадлар ва харажатлар, маҳаллий бюджетларнинг кўшимча даромадлари ва улар ҳисобидан амалга оширилган харажатлар, консолидациялашган бюджетнинг умумий фискал балансидаги тақчиллик ҳолатлари шуни кўрсатдики, мамлакатда ижтимоий соҳа, иқтисодиёт ва аҳолини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ва ишлаб-чиқариш инфратузилмасига инвестиция янада кенгроқ жалб қилишга қаратилган харажатларининг ошиши мамлакат иқтисодиётининг макроиқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги “Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2847-сон Қарори
3. The Role of Financial Instruments and Their Impact on the SME Sector Nancu “Ovidius” University Annals, Economic Sciences Series Volume XVII, Issue 1 /2017
4. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.
5. 34 инструмента управления финансами Михайл Серов <https://www.src-master.ru/article29441.html>
6. 2023 йил учун давлат бюджети: Асосий кўрсаткичлар <https://www.gazeta.uz/uz/2022/12/22/budget-for-2023/>
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги. 2022 йил.
8. chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/2023-08/citizens_budget_2022_uzb_0.pdf

INVESTITSİYALARNI JALB QILISHNI RIVOJLANTIRISH YO‘NALISHLARI

НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ

DIRECTIONS FOR THE DEVELOPMENT OF INVESTMENT ATTRACTIVENESS

Sultanov Anvar Abdullayevich
Qoraqalpog‘iston Respublikasi Investitsiyalar, sanoat va
savdo vazirligi To‘rtko‘l bo‘limi boshlig‘i o‘rinbosari

Annotatsiya

Maqolada investitsiyalash maqsadlari, uning rivojlanish bosqichlari, yo‘nalishlari va real investitsiyalarni amalga oshirish xususiyatlari, moliyaviy investitsiyalarni amalga oshirish xususiyatlari tahlil qilingan. Mamlakatda asosiy kapitalga investitsiyalarning asosiy fondlari turlari bo‘yicha tarkibi hamda Sirdaryo viloyatida asosiy kapitalga investitsiyalar dinamikasi tahlil etilgan.

Kalit so‘zlar: investitsiya, asosiy kapital, multiplikator, akselerator, qimmatli qog‘ozlar.

В статье анализируются цели инвестирования, этапы его развития, направления и особенности реальных инвестиций, особенности финансовых вложений. Проанализирован состав капитальных вложений в стране по видам капитальных фондов и динамика капитальных вложений в Сырдарьинской области.

Ключевые слова: инвестиции, капитал, мультипликатор, акселератор, ценные бумаги.

The article analyzes the goals of investment, stages of its development, directions and features of real investments, features of financial investments. The composition of capital investments in the country by type of capital funds and the dynamics of capital investments in the Syrdarya region are analyzed.

Keywords: investment, capital, multiplier, accelerator, securities.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 17.01.2019 yildagi PF-5635 Farmoni 2017 — 2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturi to‘g‘risidagi vazifalar bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirildi[1]. Bundan ko‘rinib turibdiki, mamlakatimizda investitsiyalarni jalb qilish va investitsion muhitni yanada yaxshilash uchun ko‘plab amaliy ishlar olib borilmoqda.

Ma‘lumki, investitsiya jarayoni investitsiyalashda hodisa, holatlarning birin-ketin almashinuvini, foyda olish yoki boshqa ijobiy natijaga erishish uchun bo‘ladigan ketma-ket harakatlarning majmuini anglatadi. Shu bilan birga, investitsiya jarayonining bosh nuqtasi qayerdan yoki nimadan boshlanadi? Ko‘pchilik iqtisodchilar investitsiyalashning asosini jamg‘armalar tashkil qiladi, degan fikrni bildirishadi. Shu nuqtai nazardan olib qaraganda, investitsiya jarayonining bosh nuqtasini jamg‘arma tashkil qiladi. Bundan ko‘rinadiki, investitsiya jarayonini amalga oshirish uchun jamg‘armalar bo‘lishi talab etiladi. Jamg‘armaning mavjud emasligi investitsiyalashni yo‘qqa chiqaradi va investitsiyalash to‘g‘risida so‘z yuritishning hojati ham bo‘lmaydi. Demak, investitsiya jarayonini tushunishda resurslarni jamg‘arish jarayonini ham birga olib qarash uning mohiyatini yanada oydinlashtiradi. Chunki, investitsiya qilishdan oldin resurslarni jamg‘arish zarur bo‘ladi. Bir vaqtning o‘zida, bozor munosabatlarining rivojlanishi bilan xo‘jalik sub’ektlari o‘rtasidagi kapitalning oqimi tezlashadi va bu jarayonda bir xo‘jalik sub’ektning resurslarni jamg‘arishi boshqalari uchun investitsiya qo‘yishdan iborat bo‘ladi, ya‘ni Xasanning daromadi, Xusanning

xarajati bo‘ladi. Masalan, xo‘jaliklar, ko‘p hollarda, investitsiya qo‘yish uchun o‘z mablag‘lari etmaganda qimmatli qog‘ozlar chiqaradilar. Bu jarayon ular uchun resurslarni jamg‘arishdir, ammo qimmatli qog‘ozlarni sotib oluvchilar uchun investitsiya qilishdir.

Karlibayeva R.H., Toshhxo‘jayev M.M., Xo‘jamurodov A.J. larning “Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish” o‘quv qo‘llanmasida investitsiyalarning iqtisodiyotda to‘tgan o‘rni, investitsion faoliyatni moliyalashtirish manbalari, investitsion bozor tarkibi va uning bo‘g‘inlari, investitsiyalarning samaradorigini baholash mezonlari, investitsion faoliyatdagi mavjud risklari kabi masalalar o‘rganilgan[2].

Investitsiyalardan daromad toppish yo‘llari va ularning risk darajalari, qimmatli qog‘ozlarga investitsiya qilishning asosiy strategiyalari haqida M. Eshov, Ch.A. Mirzayev, A.Tursunovlarning “Investitsiya mahotati” qo‘llanmasida tushuntirilib o‘tilgan[3].

B.K.To‘xliyevning “Investitsiya va innovatsiyalar” o‘quv qo‘llanmasida korxonalarning investitsiya va innovatsion faoliyati, investitsiya siyosati, investitsiya loyihalarini baholash uslubiyoti o‘rganilgan[4].

N.G‘. Karimov, R.X.Xojimatov, J.X.Razzoqov professor olimlarning “Investitsiya o‘quv qo‘llanmasida boshqa adabiyotlardan farqli o‘laroq investitsiya sohasiga chuqurroq kirilgan va investitsiyalash maqsadlari va bosqichlari bo‘yicha tahlillar” [5] olib borilgan.

D.Y.Xujamqulov, D.A.Ismailov “Investitsiya loyihalarini boshqarish”[6] o‘quv qo‘llanmasida investitsiyalash maqsadlari va bosqichlari bo‘yicha tahlillar qilingan.

Investitsiyalarning g‘oyat bir muhim tomoni shundaki, ular multiplikatsion samaraga (hodisaga) sababchi bo‘ladi. Keynschilik multiplikator kontseptsiyasiga ko‘ra, investitsiya, iste‘mol va milliy daromad o‘rtasida barqaror bog‘liqlik mavjud – investitsiyaga qilingan har bir xarajat boshlang‘ich daromadlarga aylanadi, bu daromadlar yana xarajat qilinadi va yana boshqalarning daromadlariga aylanadi va jarayon shu tarzda davom etadi (Xasanning sarf-xarajati, Xusanning daromadi bo‘ladi), bu, o‘z navbatida, bandlik va ishlab chiqarish hajmining o‘shishini ta‘minlab beradi.

Bir vaqtning o‘zida multiplikatsion jarayon investitsiya resurslarini harakatga keltirib, ishlab chiqarish faolligini kengaytiradi, ilgari qaraganda ko‘proq mahsulot, daromad yaratiladi. Ular yana qaytadan iste‘mol qilinadi va investitsiyaga ajratiladi. Shunday tarzda ilgari qaraganda ko‘proq daromadning investitsiyaga aylanishi ishlab chiqarishning uzluksiz kengayib borishini ta‘minlaydi. Bunda investitsiya beradigan daromad bank foizidan kam bo‘lmasligi zarur, aks holda, pulni investitsiya qilgandan ko‘ra jamg‘arish qulay bo‘ladi. Investitsiya qilib olingan daromad darajasini ifodalash uchun multiplikator koeffitsienti ko‘rsatkichi qo‘llaniladi. Mazkur ko‘rsatkich daromad o‘shishi bilan investitsiya o‘shishi o‘rtasidagi bog‘lanishni ifodalaydi, ya‘ni investitsiya evaziga olingan daromad pasaysa, investitsiya faolligi ham susayadi. Daromad o‘shishining investitsiyaga ta‘sir doirasini ko‘rsatish maqsadida iqtisodchilar akselerator tushunchasini kiritishgan.

Akselerator[7] – investitsiyalar o‘shishining milliy daromadga nisbatini ifodalovchi koeffitsient bo‘lib, u joriy yildagi investitsiya o‘shishining o‘tgan yilgi milliy daromad o‘shishiga nisbati tarzida aniqlanadi. U daromadning o‘shishining investitsiya o‘shishiga ta‘sirini ko‘rsatadi. Yuqoridagilardan kelib chiqib, investitsiya jarayonining mohiyatini yoritganda uni jamg‘arish (resurlar), qo‘yish (xarajatlar) va foyda (daromad) olishdan iborat dinamik jarayonda olib qarash lozim. Investitsiya jarayonining asosida investitsiyadagi ketma-ketlik, ya‘ni resurslar (jamg‘arish) – investitsiya qo‘yish (xarajatlar) – foyda (daromad) olish yoki ijtimoiy samaraga erishi ketma-ketligi yotishi kerak. Ammo, bu erda shu narsani e‘tiborga olish lozimki, daromad investitsiya jarayonida emas, balki ishlab chiqarish jarayonida yaratiladi. Yaratilgan daromadning bir qismi iste‘mol qilinadi, qolgani jamg‘ariladi.

Fikrimizcha, investitsiya faoliyatida investitsiyalarning ketma-ketligi va ularning o‘zgaruvchanligi, ya‘ni resurslar (qiymatliklar) – qo‘yish (xarajatlar) va investitsiya natijasida samara (foyda, daromad) olish yotishi kerak. Agar samara olinmasa investitsiyalashga rag‘bat ham bo‘lmaydi.

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 9-son 2023 yil

Investitsiyalashning bosh bosqichlari quyidagilar bo‘ladi: resurslarni kapital qo‘yilmalarga aylantirish (resurslarning kapitallashuvi), ya‘ni bunda investitsiyalar investitsiya faoliyatining aniq ob‘ektlariga transformatsiyasi jarayoni yuz beradi; qo‘yilgan mablag‘larning kapital qiymati o‘lishiga aylanishi (ekspluatatsiyaga berilgan ob‘ektlar va ishlab chiqarish quvvatlari shaklida); kapital qiymatining daromad (foyda) shaklida o‘lishi, ya‘ni investitsiyalashning oxirgi (so‘nggi) maqsadi amalga oshiriladi.

G‘arb adabiyotida[8] investitsiyalashning eng keng tarqalgan to‘rt maqsadi keltiriladi: joriy daromadni ko‘paytirish;

- kelgusida yirik xarajatalar uchun mablag‘ jamg‘arish;
- pensiya fondlarida mablag‘ to‘plash;
- daromadlarni soliqqa tortishdan himoyalash.

Keltirilgan ro‘yxatda investitsiyalash maqsadlarida manfaatlar ustuvorligi yaqqol va shu sababli uni sharhlashga zarurat yo‘q, deb hisoblaymiz.

Umuman olganda, investitsiyalash maqsadlarini to‘rt guruhga ajratish mumkin:

- yangi ishlab chiqarish yoki xizmat ko‘rsatishni tashkil etish;
- ishlab chiqarishni yoki xizmat ko‘rsatishini kengaytirish;
- ishlab chiqarish samaradorligini oshirish;
- davlat tashkilotlari talabini qondirish, ularni mahsulot va xizmatlar bilan ta‘minlash.

Bundan ko‘rinadiki, investitsiyalash maqsadlari turlicha bo‘lib, ular, oxir-oqibatda, mamlakat iqtisodiyoti taraqqiyotini ta‘minlash imkonini beradi. Investitsiya resurslarining taqchilligi sharoitida ustuvor yo‘nalishga ega bo‘lgan loyihalar qishloq xo‘jaligi va sanoat tarmoqlarida, ijtimoiy sohalarida ishlab chiqilishi lozim. Investitsiya faoliyati sub‘ektlari investitsiya sohasida faoliyat ko‘rsatib, bu yerda ular tomonidan investitsiyalar amalga oshiriladi. Investitsiya sohasi tarkibiga quyidagilarni kiritish mumkin:

- kapital qurilish sohasi (bu soha buyurtmachi-investorlar, pudratchilar, loyihalashtiruvchilar, uskuna etkazib beruvchilar va boshqa tegishli tashkilotlar faoliyatini birlashtiradi);
- innovatsiya sohasi (ilmiy-texnik va intellektual salohiyat amalga oshiriladi);
- moliya kapitali muomalasi sohasi (qimmatli qog‘ozlar va boshq.);
- investitsiya faoliyati sub‘ektlarining mulkiy huquqlarini amalga oshirish sohasi.

O‘zbekiston Respublikasida 2019-2022-yillarda asosiy kapitalga investitsiyalarni asosiy fondlari turlari quyida ko‘rsatilib o‘tilgan(1-jadval).

1-jadval

Asosiy kapitalga investitsiyalarning asosiy fondlari turlari bo‘yicha tarkibi[9]

№	Asosiy fondlar	2019	2020	2021	2022	2022-yil o‘lish sur‘ati % (2021-yilga nisbatan)
1.	Jami	195927,3	210195,1	239552,6	266240,0	11,1
2.	Turar-joy binolari	20621,9	23200,8	29851,0	30184,2	1,1
3.	Noturar-joy binolari	33408,1	38172,7	50894,5	58225,1	14,4
4.	Boshqa inshootlar	23148,7	27039,0	30290,6	43393,4	43,3
5.	Yerni yaxshilash	127,3	285,9	277,1	257,1	-7,2
6.	Mashina va uskunalari, jami	107305,8	110493,8	113863,9	115040,0	1,0
7.	Transport uskunalar	16588,2	12415,2	14574,5	10718,7	-26,5

Bundan asosiy kapitalga kiritilayotgan investitsiyalarning umumiy fondi 2022-yilda o‘tgan yilga nisbatan 11.1 foizga ortdi, bunda asosiy o‘sgan fondlar noturar-joy binolari va boshqa inshootlar hisoblanib, transport uskunalariga va yerni yaxshilash uchun kiritilayotgan investitsiya hajmi 2021-yilga nisbatan mos ravishda 26.5 va 7.2 foizga kamayib ketgan.

Iqtisodiy tadqiqotlar va islohotlar markazi Jizzax filiali tomonidan 2023 yilning yanvar-sentyabr oylari davomida Sirdaryo viloyatida asosiy kapitalga investitsiyalar ko‘rsatkichlari bo‘yicha tahliliy ma’lumot tayyorlandi.

2023-yil yanvar-sentyabr oylarida Sirdaryo viloyatida asosiy kapitalga investitsiyalar 9154,6 mlrd so‘mni tashkil etdi. Moliyalashtirish manbalari bo‘yicha tahlil qilganda, o‘zlashtirilgan investitsiyalarning 11 foizi korxona va aholi mablag‘lari, 67 foizi to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar, 4 foizi davlat byudjeti va 18 foizi bank krediti va boshqa qarz mablag‘lari hisobiga to‘g‘ri keladi. Asosiy kapitalga investitsiyalarning texnologik tarkibida ishlab chiqarish, ya’ni, mashina, asbob-uskunalar va inventarlar xarajatlari 68 foizni, noishlab chiqarish - qurilish-montaj ishlari xarajatlari 21 foizni tashkil etdi. O‘zlashtirilgan investitsiyalarning 56 foizi (5 092 mlrd so‘m) Boyovut tumaniga, 13 foizi (1 175 mlrd so‘m) Sirdaryo tumaniga to‘g‘ri keladi[10].

Xulosa o‘rnida ta’kidlash kerakki, bugungi kunda yurtimizda va butun jahonda ham korxonalar rivojlanib dunyo takomillashib bormoqda. Bozor kundan kunga o‘smoqda. Ayni vaqtda to‘g‘ri va maqsadli investitsiyalar kiritish orqali samarali daromadga chiqish imkoni bor. Mamlakatimizda bir qancha investitsion islohotlarni yanada chuqurlashtirish va albatta, erkin tadbirkorlik jamiyatini rivojlantirishning bir qancha foydali tomonlari moliya tizimidagi o‘tkazilayotgan tub islohotlarning samarasini belgilab beradi. Bundan ko‘zda tutilgan maqsad – investorlar uchun erkin investitsion muhit yaratib berish, investitsiya mablag‘larini maqsadli yo‘naltirish, erkin investitsiya muhitini yaratish hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. <https://lex.uz/docs/-4168749#-4172467>
2. Karlibayeva R.H., Toshxo‘jayev M.M., Xo‘jamurodov A.J. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish: O‘quv qo‘llanma. –T.: TDIU, 2012. -127b
3. M.P.Eshov, Ch.S.Mirzayev, A.N.Tursunov . Investitsiya mahorati: O‘quv qo‘llanma. –T.: “Ma’naviyat”,2020. -168bet
4. B.K.To‘xliyev. Investitsiya va innovatsiyalar: O‘quv qo‘llanma. –T.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbua uyi” , 2021. -174bet
5. Karimov N.G‘., Xojimatov R.X., Razzoqov J.X. Investitsiya. O‘quv qo‘llanma. – T.: TDIU, 2019. – 343 b.
6. “Investitsiya loyihalarini boshqarish” o‘quv qo‘llanma kitob – D.Y.Xujamqulov, D.A.Ismailov Toshkent 2019. 188 b.
7. Akselarator – foiz nisbat. Investitsiyalar o‘lishini milliy daromadga nisbati bilan o‘lchanadi.
8. Миркин Я. М. Рынок ценных бумаг: учеб. пособие. М., 2002. -с. 56-57
9. <https://review.uz/uz/post/sirdaryo-viloyatida-2023-yilning-9-oyi-davomida-asosiy-kapitalga-investitsiyalar>
<https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments>

**МОТИВАЦИЯНИНГ НАЗАРИЙ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ И КОНЦЕПТУАЛЬНЫХ ОСНОВ
МОТИВАЦИИ**

**DEVELOPMENT TRENDS OF THEORETICAL AND CONCEPTUAL FRAMEWORKS
OF MOTIVATION**

Ёрмаматов Қодиржон Жўрақулович
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети Иқтисодиёт факультети декан муовини

Аннотация

Мақолада мотивациянинг назарий ва концептуал асослари ўрганилган. Шунингдек, ходимларни бошқаришда уларни мотивациялашнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилиниб, муаллифлик ёндашув ишлаб чиқилган. Бундан ташқари ишчилар мотивацияси жараёнида баҳолашнинг роли ҳамда ишчиларнинг ўз-ўзини мотивациялаш кўрсаткичлари йўналишлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: корхона, ходим, ходимлар бошқаруви, мотивация, инсон ресурслари, ходимни рағбатлантириш

В статье рассматриваются теоретические и концептуальные основы мотивации. Также были проанализированы теоретические и практические аспекты мотивации сотрудников и разработан авторский подход. Кроме того, раскрыта роль оценки в процессе мотивации сотрудников и направления показателей самомотивации сотрудников.

Ключевые слова: предприятие, работник, управление персоналом, мотивация, человеческие ресурсы, мотивация работника.

The article discusses the theoretical and conceptual foundations of motivation. The theoretical and practical aspects of employee motivation were also analyzed and the author's approach was developed. In addition, the role of assessment in the process of motivating employees and directing employee self-motivation indicators is revealed.

Key words: enterprise, employee, personnel management, motivation, human resources, employee motivation.

Жаҳон ҳўжалигида ходимлар мотивацияси катта харажатлар талаб қилмайдиган, аммо меҳнат унумдорлигининг ўсишига муҳим таъсир кўрсатадиган омиллардан бири сифатида қўлланилиб келмоқда¹. Японияда XX асрнинг 60- йилларидаги “япон иқтисодий мўъжизаси” га ходимларни бир умрга ишга ёллаш, иш ҳақи белгилаш ва хизматдаги кўтарилишда иш стажи тизимидан фойдаланиш ва фирмаички касаба уюшмалари фаолиятини йўлга қўйиш каби ходимлар мотивацияси унсурларини киритиш ҳисобига эришилган². Швецияда бирлашган иш ҳақи, Японияда иш стажи ва рационализаторлик учун ҳақ, Германияда унумдорликнинг ўсишини рағбатлантириш, АҚШ да – касб-малака учун қўшимча ҳақ, Буюк Британияда – яқка битимлар бўйича ҳақ тўлаш, Францияда – иш ҳақини яққалаштириш, Италияда – тармоқ тариф ставкасига жамоавий ва яқка устамалар, турмуш қийматининг ўсиши билан боғлиқ устамалар тизими қўлланилиб, меҳнатга ҳақ тўлашнинг барча тизимларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга умумий йўналтирилганлик

кузатилади³. Ҳозир вақтда ходимларни мотивациялашнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тадбирларининг муҳимлиги тақозо этилмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодчи олимлари корхона ходимларни бошқариш назарий ва амалий муаммоларини С.Марр[2], Р.Л. Дафт[3], М.Армстронг[4], М. Каминг[5] каби олимларнинг ишларида тадқиқ этилган. Уларнинг тадқиқот ишлари менежментнинг умумий масалалари билан бирга, унинг инсон ресурсларини бошқаришга оид бўлган турли йўналишлари, жумладан ходимларни мотивациялаш йўналишлари ҳам кўриб чиқилган.

Мотивациянинг назарий асосларини тадқиқ этганимизда, энг аввало, А.Маслоунинг “Эҳтиёжлар пирамидаси”[6] асосий манба сифатида намоён бўлади. Ушбу назария мотивациянинг асосида ўсиб ва ривожланиб боровчи эҳтиёжлар ётишини исботлайди. Л.Якокка фикрича эса, “Ишбилармонлик битимларини охир оқибат уч сўз билан ифодалаш мумкин: одамлар, маҳсулот, фойда. Одамлар биринчи ўринда. Агар ишончли жамоангиз бўлмаса, қолган омиллардан ҳеч нарса қилинмайди”[7].

Мамлакатимиз етук иқтисодчи олимларидан бўлган, инсон ресурсларини бошқариш бўйича илмий мактаб асосчиси Қ.Х. Абдурахмонов[8] тадқиқот ишларида инсон ресурсларини бошқариш, рағбатлантиришнинг назарий ва амалий асосларини ўрганган.

Ўзбек олимларидан А.Нуриддинованинг[9] тадқиқотларида саноат корхоналарида меҳнатни мотивациялаш тадқиқ этилган бўлиб, унда саноат корхоналарида мотивациялашнинг роли асосланган.

Тадқиқотчи Н.Р. Рашидова, А.Ж. Абдуллаевлар ўз илмий тадқиқот ишларида “ходимларни бошқаришнинг замонавий тизимини жорий этишда хорижий ва мамлакатмиз олимларининг фикрлари ўрганилган. Шунингдек, ходимларни бошқаришнинг эволюцион ёндашувлар босқичларининг мазмун-моҳияти, замонавий бошқарув тизимини жорий этиш вазифалари ва уларни ҳал қилиш йўллари”ни ўрганишган[10].

Кенг маънода ходимларни рағбатлантириш ходимнинг қонуний меҳнат фаолияти учун оладиган барча турдаги тўловлар ва мукофотлардир.

А.Хайитов, Д.Қосимоваларнинг таърифлашига кўра, “мотивация – бу инсонни мақсадга эришиш учун фаолиятга ундаш жараёнидир. Мотивациянинг инсон ўзини тутишига таъсири кўплаб омилларга боғлиқ, у индивидуал ҳолат ва мотивлар таъсирида ҳамда инсон билан тескари алоқа таъсирида ўзгариши мумкин”[11].

Рағбатлар, деганда эса ушбу муаллифлар “инсонни ҳаракатлантиришга ундаш ёки унинг ўзини тутиши сабабини тушунишади” [12].

“Мотивация” тушунчасининг таърифини умумлаштирадиган бўлсак, уни қуйидагича тавсифлаш мумкин бўлади:

- мойиллик ва тайёрлик ҳолати;
- хулқ-атвор мотивларидан фойдаланиш;
- фаол фаолиятга ундаш;
- рағбатлантириш жараёни;
- исталган рағбатларнинг амал қилиши;
- барқарор мотивлар мажмуаси;
- ички рағбатлар мажмуи.


Бизнинг фикримизча, “ходимлар мотивацияси” – инсонни ижтимоий- иқтисодий мақсадларда фаол ҳаракатга ундайдиган иқтисодий, ижтимоий, маънавий, руҳий омиллар, сабаблар ва шарт-шароитлар мажмуидир.

Мотивациянинг таърифидан шу келиб чиқадики, ушбу тушунча инсонни маълум мақсадларга эришишга қаратилган фаолиятга ундайдиган ички ваташқи ҳаракатлантирувчи кучларни ўз ичига олади. Ундовчи куч манбаи асосида қуйидагилар ажратилади:

- ташқи мотивация, яъни уни бошлаётган ва тартибга солаётган омиллар шахсдан ва унинг хулқ-атворидан ташқарида бўлади. Ташқи мотивация маълум мустақамлашнинг амал қилиш даври билан чекланган;

- ички мотивация, яъни бошловчи ва тартибга солувчи омиллар, аксинча, хулқ-атворнинг ичида бўлади. Ички мотивация кўримли мустаҳкамлашлар бўлмаган шароитда узоқ давом этиши мумкин, бунда инсон қийинроқ топшириқларга устунлик беради, ишидан қониқиш олади, ўзига бўлган баҳоси ошади.

Бошқа ёндашув мотивация жараёнини бошқарув субъектининг (бутун корхона) мақсадлари ва бошқарув объектини (аниқ ишчи) келиштириш жараёни сифатида қарайди. Ушбу келишувга бундай келиштириш жараёнини баҳоламасдан туриб, эришиб бўлмайди (1-расм).



1-расм. Ишчилар мотивацияси жараёнида баҳолашнинг роли

Бундан ташқари, мотивация усуллари иккита йирик гуруҳга ажратилади: Анъанавий ва ноанъанавий. Кўплаб компаниялар томонидан фойдаланилаётган усуллар анъанавий усуллар ҳисобланади. Ўзбекистонда бу гуруҳ усулларга моддий рағбатлантириш киради. Аммо афсуски, мотивациянинг анъанавий усуллари кўп ҳолларда тўла ҳажмда қимматли ишчиларни сақлаш вазифаларини ҳал қилишга, компанияларга янги компетентли кадрларни жалб қилишга, ўзгармас иш ҳақи фондида меҳнат самарадорлигини оширишга лаёқатли бўлмайди. Ва бу ерда ноанъанавий мотивация усуллари ёрдамга келиб, улар уч гуруҳга бўлинади:

- моддий мотивация усуллари: патернализм – раҳбариятнинг ишчи ҳақида ғамхўрлик қилишга қаратилган ҳаракатлари; патриотизм – корхона ва ходимлар мақсадларининг умумийлигини шакллантирувчи усуллар; ташкилий рағбатлар: бошқарув ва биргаликда эгалик қилишда қатнашиш; ишчилар салоҳиятини ёритиш; руҳий таъсир кўрсатиш.

- жамиятда долзарб оқимлар билан шаклланган усуллар: “кафетерий” тамойили бўйича ижтимоий пакетни шакллантириш; коучинг туридаги бошқарув; рағбатлантирувчи командировкалар; мотивлаштирувчи йиғилишлар; рақобат муҳитини яратиш; натижаларни масофалаштириш; аҳамиятлилиқни шакллантириш;

- асосида илгари фойдапланилмаган ходимлар таснифи ётадиган усуллар: мотивация тизими ишчилар шахси яқка хусусиятларидан келиб чиқиб, шаклланади.

Ўзини ўзи мотивациялаш ишчи томонидан маълум даражада эркинлик ва ташкилот доирасида ўз-ўзини рўёбга чиқариш имконияти мавжудлигини англаш била белгиланади.

Қуйидагилар ишчиларнинг ўз-ўзини мотивациялаш кўрсаткичи бўлиб чиқади:

- меҳнатдан манфаатдорликнинг ривожланиши;
- ишидан қувониш ҳиссининг шаклланиши;
- ишчини корхона билан идентификациялаш;
- янги ғоялар ва тасаввурларни вужудга келтиришга ундаш;
- ҳамкорлик;
- самарали меҳнат учун қўшимча рағбатларга бўлган зарурати тушиб кетади.

Компания менежменти томонидан қўлланилаётган мустаҳкамлаш тизимидан келиб чиқиб, мотивациянинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

- меъёрий – ғоявий-руҳий таъсир, яъни ишонтириш, таклиф қилиш, маълум қилиш, руҳий зарар келтириш орқали маълум хулқ-атворга инсонни ундаш;

- мажбурий – ишчи эҳтиёжларини қондиришнинг улар томонидан тегишли талаблар бажарилмаган вазиятда ёмонлашиш хатарлари ва ҳокимиятидан фойдаланиш;

- рағбатлантириш воситасида – бевосита шахсга таъсир кўрсатиш; ташқи ҳолатларга эса неъматлар – ишчини маълум хулқ-атворга ундовчи рағбатлар ёрдамида таъсир кўрсатиш.

Мотивлаштириш ва рағбатлантириш, ўз навбатида, инсон мотивациясига таъсир кўрсатиш усули ҳисобланади ва мазмунан турличадир.

Мотивлаштириш – мотивация таркибининг ўзини, яъни қадриятларини ва инсон эҳтиёжларини ўзгартириш мақсадида инсонга узоқ муддатли таъсир кўрсатиш, маълум рағбатларни шакллантириш ва шу асосда унинг меҳнат салоҳиятини ривожлантиришдир.

Рағбатлантириш – бу инсон эҳтиёжларини қондира оладиган турли неъматлар (рағбатлар) орқали фаолликка ташқи ундов воситасида инсон мотивациясини бошқариш воситасидир. Рағбатлантириш механизми инсоннинг илгаритдан мавжуд рағбатлар тизимига (инсонда ётган ижтимоийлашиш ёки мотивлаштириш механизмлари ёрдамида ўзгарган) ушбу рағбатларни долзарблаштирган ва кучайтирган, мотивациянинг таркибини ўзгартирмаган ҳолда таъсир кўрсатишни кўзда тутди.

Мотивлаштириш ва рағбатлантириш жараёнлари мотивация назариясининг икки асосий тушунчаси: мотив ва рағбат билан узвий боғлиқ. Мотив инсонни ҳаракатга ундайди ва бу ҳаракат қандай амалга оширилишини белгилайди. Мотивлар инсоннинг ички муҳитига киради, анланган ҳисобланади ва персонал аҳамиятига молик бўлади, яъни шахснинг якка хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Инсон хулқ-атвори одатда биргина мотив билан эмас, балки уларнинг мажмуи билан белгиланиб, улар орқали мотивлар бир-бири билан уларнинг инсон хулқ-атворига таъсири даражаси бўйича маълум нисбатда бўлишлари мумкин, бу эса шахснинг мотивацион таркибий тузилишини шакллантиради. Шахснинг мотивацион таркибий тузилиши маълум барқарорликка эга бўлади, унга шахс хусусиятлари таъсир кўрсатади:

- якка-руҳий (қобилиятлар, темперамент, характер, ирода ва б.);
- -мотивацион (қадриятлар, қурилмалар, эҳтиёжлар, қизиқишлар, идеаллар);
- -ижтимоий-демографик (жинси, ёши, оилавий аҳволи, маълумоти, малакаси).

Шундай қилиб, шахснинг мотивацион таркибий тузилмасига мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш жараёни мотивлаштириш жараёни, деб аталади. Рағбат маълум мотивларни долзарблаштирган ҳолда инсон хулқ-атворига таъсир кўрсатади. Рағбатлар инсоннинг ташқи муҳитига киради, инсоннинг рағбатларга жавоби онгли бўлиши шарт эмас, бир хил рағбатнинг кишиларга таъсири уларда турлича намоён бўлиши мумкин. Рағбатлар сифатида алоҳида моддий ва маънавий неъматлар ҳамда бошқа кишиларнинг ҳаракатлари чиқиши мумкин.

Рағбатлантириш механизми инсоннинг илгаритдан мавжуд рағбатлар тизимига (инсонда ётган ижтимоийлашиш ёки мотивлаштириш механизмлари ёрдамида ўзгарган) ушбу рағбатларни долзарблаштирган ва кучайтирган, мотивациянинг таркибини ўзгартирмаган ҳолда таъсир кўрсатишни кўзда тутди.

Мотивлаштириш ва рағбатлантириш жараёнлари мотивация назариясининг икки асосий тушунчаси: мотив ва рағбат билан узвий боғлиқ. Мотив инсонни ҳаракатга ундайди ва бу ҳаракат қандай амалга оширилишини белгилайди. Мотивлар инсоннинг ички муҳитига киради, анланган ҳисобланади ва персонал аҳамиятига молик бўлади, яъни шахснинг якка хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Марр С, Шмидт Г. Управление персоналом в условиях социальной рыночной экономики. М., 2009.-с. 66.
2. Дафт Р. Л. Менеджмент. СПб., 2010. - с. 134

3. Армстронг М. Практика управления человеческими ресурсами. - М., 2012. - с. 212
4. Каминг М.А. Теория и практика менеджмента персонала. - М.: Новости, 2015. - с. 35
5. Maslow A. G.// Motivation and personality// - SPb .: Eurasia, 1999 .-- 478 p. ISBN 5-80710016-6
6. Акопян Д.А. // Совершенствование функционального содержания мотивации как фактор развития организации // Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Самара, 2007
7. Қ.Х Абдурахмонов. Персонални бошқариш. Дарслик . Т-«Фан ва технология».2008., Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик.-Т:“Mehnat”, 2009
8. Нуриддинова А.// мотивация труда в системе управления промышленном предприятием// Дисс. На соис. Ученый степени к.э.н. Ташкент-2005.
9. Рашидова Н.Р., Абдуллаев А.Ж. “Ташкилотларда ходимларни самарали бошқаришнинг илғор хорижий тажрибаларидан фойдаланиш истикболлари” // 2021 йил, 4-сон, июл-август. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/14_Rashidova_0.pdf
10. Хайитов А. Инсон ресурсларини бошқариш: Дарслик. – Т. 2019. – Б.82.; Қосимова Д.С., Назарова Г.Г., Салихова Н.М., Исмаилова Н.С. Инсон ресурсларини бошқариш: (Дарслик), ТДИУ, 2013. – Б.59
11. Хайитов А. Инсон ресурсларини бошқариш: Дарслик. – Т. 2019. – Б.83.; Қосимова Д.С., Назарова Г.Г., Салихова Н.М., Исмаилова Н.С. Инсон ресурсларини бошқариш: (Дарслик), ТДИУ, 2013. – Б.59

Muassis: Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti

Muharrirlar:

dots. N.A.Kudratxodjayeva

Texnik muharrir:

I.M.Nig‘matullayev

Ro‘yxatdan o‘tish tartibi № 4715

Jurnaldan ko‘chirib bosilganda «Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti» dan olindi, deb yozilishi shart

Chop etishga tavsiya etildi: 6.12.2023 nusxa 25

Format 70x108 1/8. Shartli bosma taboq 18,0. Buyurtma №__9__

Sotuvda kelishilgan holda

ООО «KLASSIC PRINT» MCHJ bosmaxonasida chop etilgan.

Toshkent sh., Chilonzor ko‘chasi 19, 28-uy

Учредитель: Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Редакторы:

доц. М.И.Саидкаримова

Тех. редактор:

И.М.Нигматуллаев

Регистр № 4715

При использовании материалов журнала «Экономика Нового Узбекистана» необходимо сделать на него ссылку

Подписано к печати: 6.12.2023

Формат 70x108 1/8. Усл. печ. л. 18,0 Тираж 25 экз. Заказ №__9__

Цена договорная

Отпечатано в типографии ООО «KLASSIC PRINT» г. Ташкент, ул Чилонзор 19, 28 дом.

Founder: The National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Editors:

I.M.Nigmatullayev

Technical editor:

I.M.Nigmatullayev

Registration № 4715

When copying the entire journal material, it should be indicated that material was taken from the journal: “The economy of New Uzbekistan”.

Signed for printing: 6.12.2023

Format 70x108 1/8. The number of printed pages accepted 18,0. Circulation 25 copies.

The order № 9

Cost agreed.

Printed at the Tashkent ООО «KLASSIC PRINT» MCHJ. Press. Tashkent, Chilanazar street 19, 28.

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ” ЖУРНАЛИГА МАҚОЛА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ

Журнал таҳририяти 5 бетдан кам бўлмаган ҳажмдаги мақолани қабул қилади. Мақола матни Microsoft Word дастурида 14 шрифт ўлчамида, 1.5 интервалда, юқоридан ва пастдан 2 см, ўнгдан 2 см, чапдан 2.5 см жой қолдирилиб, таҳририятга топширилиши лозим. Мақолада чизма, графиклар, жадваллар ва расмлар келтирилиши мумкин. Журнал бир йилда 6 марта нашр этилади.

Мақола таркиби:

- юқорида чап томонда УДК кўрсатилади;
- муаллиф исм-шарифи ўзбек, рус ва инглиз тилларида қисқартирилмаган ҳолда ўнг томонга ёзилади;
- шаҳар ва ташкилот номи;
- мақола номи ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилади;
- мақола номидан сўнг ўзбек, рус ва инглиз тилларида аннотация ва калит сўзлар ёзилади.
- матн сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилади.

ТРЕБОВАНИЯ ОФОРМЛЕНИЯ СТАТЬИ В ЖУРНАЛ “НОВАЯ ЭКОНОМИКА УЗБЕКИСТАНА” НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА

Редакция журнала принимает статьи объемом не менее 5 страниц набранных в редакторе Microsoft Word в виде компьютерного файла. Шрифт - Times New Roman – 14, междустрочный интервал 1.5, все поля страницы сверху и снизу – 2 см, справа – 2 см, слева – 2.5 см. В статью можно добавлять графические материалы – рисунки, таблицы и т.д.

Структура статьи:

- в верхнем левом углу указывается УДК;
- имя и фамилия автора без сокращений на узбекском, русском и английском языках по правому краю;
- название города, организации;
- название научной статье на узбекском, русском и английском языках;
- после названия статьи аннотация, ключевые слова на трех языках;
- список источников и литературы размещается в конце текста.

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

9

ISBN 978-9943-5256-3-4

Qog‘oz bichimi 60x84 1/16. Times New Roman
garniturasida terildi.

Ofset uslubida oq qog‘ozda chop etildi.

Nashriyot hisob tabog‘i 18, Adadi 25. Buyurtma № 9

Bahosi kelishuv asosida

OOO «KLASSIC PRINT» MCHJ MChJ

bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent shahar Chilonzor tumani,

Chilonzor ko‘chasi 19, 28-uy